



## Мовароуннахр

---

Мовароуннахр ўзининг мавқеига кўра оламнинг энг ҳосилдор, гуллаб яшнаган ва неъматларга бой иқлимларидан [бири] дир. Унинг аҳли хайрли ишларга рағбат билдирадилар ва ким уларга [ёрдам сўраб] муурожаат қилса, ўзларининг бор кучлари, матонат ва жасоратлари, [аҳолисининг] кўплиги ва [хизматга] тайёрлиги, асбоб-ускуналари ва чорвалари, мардликлари ва қурол-яроғлари, билиму диёнатни ишга солиб, [қўлларидан келганича] олийжаноблик, самимийлик ва саҳийлик билан жавоб берадилар.

---



ИБН ҲАВҚАЛ

**КИТОБ  
СУРАТАЛ-АРД**

کتاب صورة الارض

**ЕРНИНГ СУРАТИ КИТОБИ**



**Тошкент – 2011**

ИБН ҲАВҚАЛ

# МОВАРОУННАҲР

ما وراء النهر

Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи,  
тарих фанлари доктори, профессор  
**Ш. С. Камолиддин**



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти

63.3(54)

Ё13

Масъул муҳаррир  
тарих фанлари номзоди  
**Ф.С.Ҳасанов**

### **Ибн Ҳавқал**

Ё13

Мовароуннаҳр/Ибн Ҳавқал; араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С.Қамолiddин, масъул муҳаррир Ф.С.Ҳасанов.— Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011.— 400 бет.

Араб географ олими Ибн Ҳавқалнинг «Китоб сурат ал-ард» («Ернинг сурати китоби») асари 367/977-78 йилда араб тилида Сицилияда ёзилган бўлиб, унда бутун ислом дунёсининг X асрдаги географияси баён этилган ва хариталари чизилган. Асарнинг бизгача етиб келган бир нечта қўлёзма нусхалари Голландия, Туркия, Франция, Англия ва Германия сингари мамлакатлардаги кутубхоналарда сақланади.

Ушбу китобда мазкур асар «Мовароуннаҳр» қисмининг ўзбекча таржимаси илмий изоҳлар билан берилган. Китоб тарихчи ва географ олимлар, тадқиқотчилар, шунингдек, Ўрта Осиё тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

И  $\frac{0501000000}{358-2011}$  Б

ISBN 978-9943-07-134-6

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2011



## СЎЗБОШИ

IX – X асрларда Араб халифалигида, умуман, ислом динини қабул қилган турли халқлар орасида илм-фан, савдо алоқалари, маданий алоқалар гуркираб ривожланган эди. Айни шу даврда ислом дунёсида тавсифий география йўналишида араб тилида кўплаб асарлар ёзилди. Бу асарларни ёзишдан асосий мақсад ислом дунёсининг иқлимлари, яъни турли қисмларининг географик хариталарини тузиш ва уларни тавсиф қилиш эди. Бундай изоҳли хариталар мажмуаси тўпланган асарлар одатда «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик», яъни «Йўллар ва мамлакатлар китоби» деб аталган ва ўша даврдаги Араб халифалигининг сиёсий-маъмурий бўлинишини акс эттирган. Бу йўналишда ёзилган асарлар 21 ёки 22 та харитани ўз ичига олган бўлиб, улар ғарбдан шарққа қуйидаги тартибда жойлаштирилган: дунёнинг доиравий харитаси, Араблар диёри, Форс денгизи, ал-Мағриб, ал-Андалус (Испания), Сицилия, Миср, аш-Шом, ар-Рум денгизи, ал-Жазира (Месопотамия), ал-Ироқ, Хузистон, Форс, Кирмон, ас-Синд, Арманистон (Озарбайжон ва Аррон билан бирга), ал-Жибол, ад-Дайлам (Табаристон билан бирга), ал-Хазар денгизи, Хуросон ва Форс чўли, Сижистон, Хуросон ва Мовароуннаҳр. Европада бундай хариталар мажмуаси «Ислом атласи» деб ном олган.

Бу йўналишда биринчи бўлиб асар ёзган географ олимлардан бири балхлик Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхий (вафоти 322/934 йил) эди. У тахминан 235/849-50 йилда Балхда туғилган, ёшлигида Бағдодга сафар қилиб, у ерда 8 йил давомида турли фанлар, шу жумладан, фалсафа, астрономия, география ва тилшуносликдан таҳсил олган. Балхга қайтиб келгач, Сомонийлар вазири Абу ‘Абдуллоҳ ал-Жайҳонийнинг ҳомийлиги остида илмий фаолиятини давом эттирган. 308/919 ёки 309/920 йилда у араб тилида «Сувар ал-

ақолим», яъни «Иқлимлар сурати» номли асарини ёзган, лекин бу китоб бизгача сақланиб қолмаган.

Эронлик географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрий (X аср) кўп йиллар давомида Эрон, Арабистон, Ироқ, Сурия ва Миср бўйлаб саёҳат қилган. Абу Зайд ал-Балхийнинг китобини яхши билган ал-Истахрий 330/940-41 йилда уни қайта ишлаб, ўзининг саёҳати давомида йиғган маълумотлар билан анча бойитди, хариталарга ҳам қўшимча маълумотлар киритди. «Китоб масолик ал-мамолик» («Мамлакатларнинг йўллари ҳақида китоб») ёки «Китоб ал-ақолим» («Иқлимлар китоби») деб номланган ал-Истахрийнинг мазкур асарида ислом дунёсидаги карвон йўллари, шаҳар ва қишлоқлар, улар орасидаги масофалар, шаҳарларнинг тузилиши ва улардаги йирик иншоотлар ҳақида батафсил маълумотлар келтиради. Асарда турли вилоятларнинг аҳолиси, табиий бойликлари, деҳқончилик маҳсулотлари, чорвачилиги, ишлаб чиқариш ва савдо-сотик моллари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бу асар ўрта асрларда форс тилига ҳам таржима қилинган. Форсча таржимада арабча матнда йўқ бўлган қўшимчалар мавжуд. Бу эса шундан далолат берадики, форсча таржима ал-Истахрий асарининг бизгача етиб келмаган тўлиқ матндан амалга оширилган. Асарнинг форсча таржимаси бизгача етиб келган ва нашр этилган (Техрон, 1347, 1368).

X асрда Бағдодда яшаб ижод қилган араб географ олими Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Ҳавқал ал-Маусилий ан-Насибий ўзидан олдин яшаган Абу ‘Абдуллоҳ ал-Жайҳоний, Ибн Хурдодбех, Қудома ибн Жаъфар ва бошқа олимларнинг географик асарларини ўрганиб чиқиб, 331/942-43 йил рамазон ойининг 7 куни ўтганда саёҳатга чиқади. У асосан савдо билан шуғулланган бўлиб, Шимолий Африка, Испания, Сицилия, Месопотамия, Эрон ва Ҳиндистон сингари мамлакатларда бўлган ва Фотимийлар саройида бир муддат яшаган. Саёҳати давомида у Абу Исҳоқ ал-Истахрий билан учрашган ва унинг географик асари билан танишган. 367/977-78 йилда у ал-Истахрийнинг асаридан кенг фойдаланган ҳолда ўзининг «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») ёки «Китоб сурат ал-ард» («Ернинг сурати китоби») номли географик асарининг охириги нухасини Сицилияда ёзиб тугатган. Ибн Ҳавқал ўзининг асарида ал-Истахрийнинг Миср, Шимолий Африка, Испания ва Сицилия ҳақида келтирган маълумотларига кўп тузатишлар ва қўшимчалар киритган. Шуниси муҳимки, Ибн Ҳавқал ал-Истахрий асарининг бизгача

етиб келмаган тўлиқ матнидан фойдаланган. Шунинг учун ундаги Хуросон ва Мовароуннаҳр қисмларида ҳам ал-Истахрийнинг бизгача етиб келган матнига нисбатан кўп қимматли қўшимчалар бор. Ибн Ҳавқал ўзининг асарида хариталарга батафсил изоҳлар берган, бошқа географик манбаларнинг маълумотларидан ҳам кенг фойдаланган.

Ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқал асарларининг вужудга келиши арабларнинг география соҳасидаги илмий адабиётининг энг юксак ривожланган даврига тўғри келади. Бу даврда ёзилган географик асарларда статистик ва топографик маълумотлар ўрнига тасвирий ва тавсифий характерга эга бўлган маълумотлар кенгроқ ўрин эгаллаган.

Ибн Ҳавқал асарининг бизгача етиб келган бир нечта қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар Голландия, Туркия, Франция, Англия ва Германия сингари мамлакатлардаги кутубхоналарда сақланади. Асарнинг Истанбулдаги Тўпқапу саройи кутубхонасида 3346-рақам остида сақланаётган нусхасида ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқалнинг маълумотлари XII асрнинг иккинчи ярмида номаълум муаллиф томонидан ўша даврга оид қўшимча маълумотлар билан бойитилган.

Асарнинг танқидий матни илк бор голландиялик олим М. де Гуйе томонидан *Bibliotheca geographorum arabicorum* (Араб географлари кутубхонаси) туркуми (*Lugduni-Batavorum*, 1873) нинг 2-жилди сифатида нашр этилган бўлиб, унда асарнинг Лейден, Оксфорд ва Париж кутубхоналарида сақланаётган нусхалари жалб этилган. Асарнинг иккинчи танқидий матни француз олими Ж.Х.Краммерс томонидан нашр этилган бўлиб, унда асарнинг Тўпқапу саройи кутубхонасида сақланаётган энг тўлиқ нусхаси асос қилиб олинган, шунингдек асарнинг М. де Гуйе тайёрлаган танқидий матни, Лейден, Оксфорд, Париж нусхалари ва форс тилидаги таржималари ҳам жалб этилган. Ушбу янги матн *Bibliotheca geographorum arabicorum* (Араб географлари кутубхонаси) нинг кейинги нашрлари (*Lugduni-Batavorum*, 1939, 1967, 1992) нинг 2-жилди сифатида М. де Гуйе матнининг ўрнига киритилган.

Ибн Ҳавқал асарининг айрим қисмлари рус тилига таржима қилинган. Хусусан, А.Я.Гаркави асардаги славянлар ва руслар ҳақидаги маълумотларни (Санкт-Петербург, 1870), С.Волин асарнинг Хоразм, Исбижоб ва Тароз ҳақидаги қисмларини (Москва, 1939; Олмаота, 1960), Е.К.Бетгер Самарқанд, Насаф, Кеш, Шош, Усрушана, Исбижоб ва Фарғона ҳақидаги қисмларини (Тошкент,


1957) рус тилига таржима қилган. Мазкур таржималар асарнинг айрим қўлёзмалари ёки М. де Гуйе тайёрлаган биринчи танқидий матнидан амалга оширилган.

О.Б.Фролова асарнинг Фаргона ҳақидаги қисмини Ж.Х.Крамерс тайёрлаган янги танқидий матнидан рус тилига қайта ўгирган (Тошкент, 1988). Асарнинг тўлиқ матни Ж.Х.Крамерс ва Г.Виет томонидан 2 жилдда француз тилига (Париж, 1965, 2001), Мовароуннаҳр ҳақидаги қисми турк тилига таржима қилинган (Анқара, 1985, 2001).

Асарнинг «Мовароуннаҳр» қисми Ҳ.Мамадалиев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (Тошкент, 2007). Р.Худойберганов ал-Истахрийнинг «Китоб масолик ал-мамолик» асарини, шу жумладан унинг «Мовароуннаҳр» қисмини ўзбек тилига таржима қилган (Тошкент, 2007). Лекин бу иккала таржима нашр этилмаган.

Қуйида Ибн Ҳавқалнинг мазкур асаридаги «Мовароуннаҳр» қисмининг таржимаси келтирилган. Ушбу таржима асарнинг Ж.Х.Крамерс томонидан тайёрланган танқидий матни асосида амалга оширилган. Матн таржимасини нашрга тайёрлаш жараёнида биз мазкур таржималарнинг ҳаммасидан, шунингдек, ал-Истахрий асарининг ўрта асрларда амалга оширилган форсча таржимасидан ҳам қиёсий-танқидий жиҳатдан фойдаландик. Матннинг асл қиёфаси ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида таржимада араб тилидаги айрим географик ва топографик атамалар ўзларининг асл шаклларида, уларнинг ўзбек алифбосидаги ёзилиши эса транслитерация қоидаларига риоя қилинган ҳолда берилган. Матнга берилган изоҳларда эса уларнинг араб алифбосидаги ёзилиши ҳам келтирилган. Шунинг учун таржимада келтирилган айрим араб атамаларининг ёзилиши уларнинг ҳозирги ўзбек тилида қабул қилинган шаклларида бироз фарқ қилиши мумкин. Мавжуд бўлган бундай фарқлар тегишли изоҳларда қайд этилган.

**Ш.С.Камолитдин.**



# I

## [МУҚАДДИМА]

(459)Мовароуннаҳр<sup>1</sup> шарқда ал-Хуттал<sup>2</sup> билан тўғри чизиқ бўйлаб чегарадош бўлган Фомир<sup>3</sup>, ар-Рошт<sup>4</sup> ва ал-Ҳинд<sup>5</sup> ери билан ўралиб туради, унинг ғарбий томонида ат-Тароздан<sup>6</sup> Боробгача<sup>7</sup> эгри чизиқ бўйлаб Сутканд<sup>8</sup>, Самарқанд Суғди<sup>9</sup>, Бухоро туманлари<sup>10</sup>, Х<sup>в</sup>оразм<sup>11</sup> ва унинг кўлига<sup>12</sup> қадар [ерларда жойлашган] *ғузлар*<sup>13</sup> ва *харлухлар*<sup>14</sup> мамлакати, унинг шимолида тўғри чизиқ бўйлаб Фарғона<sup>15</sup> мамлакатининг энг чекка ерларидан ат-Тарозгача *харлух* турклари мамлакати, унинг жанубида ҳам тўғри чизиқ бўйлаб Бадахшон<sup>16</sup> этақларидан Х<sup>в</sup>оразм кўлигача Жайхун<sup>17</sup> дарёси [жойлашган].

Х<sup>в</sup>оразм ва ал-Хуттал Мовароуннаҳрдадир, чунки ал-Хуттал Вахшоб<sup>18</sup> дарёси ва Харбоб<sup>19</sup> [дарёси] оралиғида жойлашган. Жайхун [дарёси] нинг асосий ўзани эса Харбоб [дарёси] бўлиб, унинг ортидаги барча ерлар Мовароуннаҳрга мансуб. Х<sup>в</sup>оразмнинг [бош] шаҳри<sup>20</sup> дарёнинг ортидадир, у Хуросон<sup>21</sup> шаҳарларидан кўра Мовароуннаҳр шаҳарларига яқинроқ [жойлашган]. Илгари мен буни бир неча бор таъкидлаган эдим.

# II

## [АЛ-ИСТАХРИЙНИНГ МОВАРОУННАҲР ХАРИТАСИ ТАВСИФИ]

[Бу Мовароуннаҳр сурати бўлиб, у китобдаги суратларнинг сўнггисидир]

*Гамбург шаҳри муниципалитети кутубхонасида сақланаётган ал-Истахрий китобининг нусхасидан олинган Мовароуннаҳр харитасидаги номлар ва матнлар изоҳи.*

(460) Биринчи қисм (А) — суратнинг пастки ўнг бурчагида юмалоқ [шаклдаги] кўл чизилган, унинг ёнбошида эса Х<sup>о</sup>разм кўли деб битилган. Унга юқоридан оқиб келувчи дарё қуйилиб, унинг ўнг томонига *Жайхун дарёси* деб ёзилган. Унинг ўнг томонида *Виза*, *Асбос* ва *Курконж* шаҳарлари жойлашган. *Жайхун дарёсига* бешта дарё қуйилади. Улардан биринчиси *Ахшу дарёси*, у билан иккинчи дарё ўртасида *Форғар* шаҳри жойлашган. Иккинчи ва учинчи [дарёлар] орасида [эса] *Мунк* ва *Ҳаловард* [шаҳарлари жойлашган]. Учинчи дарёни *Рустоқ Бик* ёзуви кесиб ўтган. Учинчи ва тўртинчи дарё орасида *Андижороғ* ва *Ловаканд* [шаҳарлари жойлашган]. *Андижороғнинг* пасткида дарёни кесиб ўтиб *Сарманжи дарёси* деб ёзилган. Бу ном шунингдек, дарёнинг қаршисидаги шаҳарга ҳам тегишлидир. Тўртинчи ва бешинчи дарёлар орасида *Тамлийот*, *Ҳулбук*, *Вошжирд*, *Шумон*, *ас-Сағонийон*, *Сарманжи*, *Жарминқон*, *ал-Қуводийон* [шаҳарлари жойлашган]. Бешинчи дарёдан *Шумон* [шаҳри] ёнида ирмоқ ажралиб чиқиб, кейин [яна] асосий ўзанга қайтиб қуйилади. [Бу] ирмоқ ва асосий ўзан орасига *Вахшоб* [ҳавзаси]га тегишли шаҳарлар деб ёзилган. Бу дарёни *Рустоқ* ёзуви кесиб ўтади.


Бешинчи дарёнинг қуйилиш ерида, *Жайхуннинг* чап томонида *ат-Тирмиз* шаҳри жойлашган. Кейин унинг пастроғида *Жайхун* қирғоғида *Ҳошимжирд*, *Фарабр*, *Кот* ва *Кардар* [шаҳарлари жойлашган]. Бу [сўнги] икки шаҳарнинг чап томонидаги бўшлиққа *Х<sup>о</sup>разм вилояти* деб ёзилган.

Фарабрдан чапга *Байканд* ва *Бухорога* олиб борувчи йўл бошланган, [Бухоро эса] чапдан келадиган [бу] дарёнинг икки қирғоғида [жойлашган], кейин у [дарё] шаҳардан юқорироқдаги юмалоқ кўлга қуйилади. Бу дарё бўйининг чап томонида *Тавовис*, *Карминийа*, *Худиманкан*, *ад-Дабусийа* шаҳарлари жойлашган. Бу дарёни *ас-Суғд* деган ёзув кесиб ўтади. Дарё тепасидаги бўшлиқда *Кеш*, *Навқад* *Қурайш*, *Насаф*, *Базда* шаҳарлари, кўл томонда [эса] *Искифағн* ва *Касба* [шаҳарлари] жойлашган.

(461) X<sup>o</sup>разм кўлига чап [томон] дан [оқиб] келувчи дарё қуйилади, унинг юқори қисмида X<sup>o</sup>ра, ал-Қарийа ал-Ҳадиса, Жанд [шаҳарлари] жойлашган. Дарёнинг тепасидаги очиқ жойда Қаротакин қишлоғи, Хужода, Намижкат, Мадйомижкат, Харғонкат, ал-Кушонийа, Иштихан, Фаранкат, Кайанжкат шаҳарлари жойлашган. Дарё пастидида суратнинг бошқа тарафида Кадар шаҳрининг номи бор.

Иккинчи қисм (В) — суратнинг ўнг қисми тепасида учта тоғ тизмаси чизилган, уларнинг ёнида *Биринчи ал-Буттам*, *Иккинчи ал-Буттам* ва *Учинчи ал-Буттам* деб ёзилган. Учинчи ал-Буттамдан *Жан кўлига* қуйилувчи тўрт дарё [оқиб] чиқади. Ундан суратнинг биринчи қисмида [жойлашган] Бухоро [шаҳри] га оқиб борувчи дарё [оқиб] чиқади. Дарёнинг тепасида суратнинг бошқа тарафида Самарқанд шаҳрининг номи кўринади. Унинг чап томонида *Аборкат* шаҳри жойлашган.

Бу шаҳрдан чапга йўл бошланади, кейин у [йўл] нинг юқорисида *Зомин*, *Собот*, *Хужанда*, *Канд*, *Сух*, *Х<sup>o</sup>оканд*, *Риштон*, *Зандаромиш* [шаҳарлари жойлашган], кейин *Уш* дарёси кечуви, кейин иккинчи дарё *Ураст* кечуви, кейин учинчи дарё *Хуришоб* кечуви. Бу номнинг тўғри [ёзилиши] *Узканд* бўлиши мумкин. Биринчи дарё ёнига *Қубо дарёси* деб ёзилган, иккинчи дарё ёнига *Ураст дарёси*, учинчи дарё ёнига *Хуришоб дарёси* деб ёзил-



تصویر نوزدهم - ماوراءالنهر و توابع آن

ал-Истахрий асарининг форсча таржимасидаги «Мовароуннаҳр» харитаси.

ган. Қубо дарёсининг ўнг томонида *Бомкохус, Тамохус, Мискон* ва *Сух* шаҳарлари жойлашган. Бу охириги ном хатодир, эҳтимол тўғриси Асбарадир. Учинчи ал-Буттам [тоғлари] дан чиқадиган дарёларнинг энг чап [томондаги] сидан чапда, у билан мазкур йўл орасида *Бумижкат, Фазкат, Фазақ* ва *Арсубоникат* шаҳарлари жойлашган.

Мазкур учта дарё қуйига, кейин [эса] ўнгга оқадиган [бир] дарёга қуйилади. Бу дарё суратнинг чап томони ўртасидан [оқиб] келувчи бошқа [бир] дарёга қуйилади ва ўнг [томон] га оқиб, суратнинг биринчи қисмидаги Х<sup>в</sup>оразм қўлига қуйилади. Бу дарёнинг тагида [бир] тўсиқ бўлиб, унинг ёнига *бу девор ал-Қалос девори номи билан танилган, уни 'Абдуллох ибн Хумайд, худо уни раҳмат қилсин, қурган* деб ёзилган. Бу деворнинг пастида [суратнинг] чап бурчагида *Будахкат* ва ат-Тароз [шаҳарлари] жойлашган. Бу девордан тепада, у билан дарё орасида ўнгдан чапга *Жинонжкат, Сутуркат, Данфағонкат, Бинкат, Хотункат, Баркуш* ва *Харконкат* [шаҳарлари жойлашган].

Ундан тепада, дарё бўйида *Таколик, Худайнкат, Фаннож, Устибайғу, Болойон* жойлашган. Сўнгра улардан кейин дарё бўйлаб *Жабузан, Жабғукат, Кабарна, Фадронк* [шаҳарлари] жойлашган. Болойондан юқорига йўл бошланиб, юқоридан [оқиб] келувчи [бир] дарё қирғоғида тугайди. Бу йўл [устида] Болойондан кейин *Навкат, Бонжхош, Сакокат* шаҳарлари [жойлашган]. Кейин номи [аниқ] бўлмаган [бир] шаҳар [келади]. Сўнгра дарёнинг ёқасида **(462)***Тункат* [шаҳри], бу йўлнинг ўнг томонида [эса] *Сомсирак, Бискат*, кейин номи [аниқ] бўлмаган шаҳар [келади]. Унинг ўнг томонидаги бўшлиқда *Ардлонкат* ва *Хумрак* [шаҳарлари], кейин Худайнкатдан *Банокатга* [олиб борувчи] йўл устида дарё бўйида *Харашкат* [шаҳри]. *Харашкатдан* ўнг [томон] да *Фарканда*, унинг ўнг [томони] да [эса] дарё ёқасида *Нажокат* [шаҳри жойлашган]. Дарёнинг ўнг томонида, у билан Самарқанддан [оқиб] борувчи дарёнинг орасида *Харқона, Дизак* ва *Видор* [шаҳарлари] жойлашган.



Тункатга [оқиб] борувчи дарёнинг чап томонидаги бўшлиқда *аш-Шош мамлакати* [деган] ёзув бор. Унинг тагида *Бағункат*, *Фаранкат*, *Кадок*, *Вардук* [шаҳарлари] жойлашган. [Мазкур] ёзувнинг тепасидан [бир] нечта шаҳарлар ўрин олган. Улар ўнгдан чапга *Ховас*, *Кухисим*, *Хош*, *Намудлиғ*, *Арбилах*, *К.н.к.рок*, *Абрадкат*. Бу [шаҳарлар] қаторига юқоридан бошқа [бир] қатор уланган бўлиб, унда гўё биринчи қатордаги шаҳарларнинг номлари такрорлангандек [туюлади]. Кейин улардан юқорида дарё бўйлаб *Ахсикат*, *Канд*, *Косон*, *Фаржанд*, *Дахкат*, *Куркат* [шаҳарлари] келади. Сўнгра улардан юқорида *Шалот* [номли] дарё кечуви, унинг юқорисида [эса] кейинги дарё бўйида *Астийоканд* ва *Авол* [жойлашган].

### III [ИБН ҲАВҚАЛНИНГ МОВАРОУННАҲР ХАРИТАСИ ТАВСИФИ]

*Истанбулнинг Айо София кутубхонасида 2577-рақам остида сақланаётган [қўлёзма] нусхадаги Мовароуннаҳр суратида мавжуд номлар ва матнлар изоҳи.*

Биринчи қисм (А) — суратнинг пастидagi ўнг бурчагида Х<sup>в</sup>оразм кўлининг [бир] қисми доиранинг тўртдан бири шаклида чизилган. Унга юқоридан [оқиб] келувчи дарё қуйилиб, унинг ўнг томонига *ал-Мағриб* [деб] ёзилган. Унинг бу томонидаги бўйида Х<sup>в</sup>оразм шаҳри жойлашган. Ундан тепада дарёни ‘*амал*, [яъни «вилоят» сўзи] кесиб ўтган. Дарёнинг чап қирғоғида пастдан бошлаб *Кардар*, *Кот*, *Фарабр*, *Ҳошимжирд*, *ат-Тирмиз* шаҳарлари жойлашган. ат-Тирмиздан юқорида [бу] дарёга суратнинг юқори [қисми] дан [оқиб] келувчи [бир] дарё қуйилади. Унинг бошланиш еридан ўнг томонда *Шумон* шаҳри, кейин [ундан] пастда *ас-Сағонийон* [шаҳри] жойлашган. Бу дарё ортида бошқа [бир] дарё бўлиб, унинг [бўйи] да *Навдиз* шаҳри [жойлашган].

Х<sup>в</sup>оразм кўлига чапдан [оқиб] келувчи бошқа [бир] дарё қуйилади. Унинг пастки қирғоғида *Бороб, Кадар, Шовғар, Саброн* шаҳарлари жойлашган. Уларнинг тагида сурат чеккаси бўйлаб *балад ал-ғуззийя*, яъни «Ғузлар мамлакати» [деб] ёзилган. Бу дарёнинг юқорисида *Х<sup>в</sup>ора, ал-Қарийя ал-Хадиса, Жанд, Васиж, Шалжи* [шаҳарлари жойлашган]. Бу дарёнинг қуйилиш еридан юқорида дарё бўйлаб [бир] тўсиқ бошланган, кейин у дарёни кесиб ўтиб, пастга бурилган. Унинг тагига бу *‘Абдуллоҳ ибн Ҳумайд девори, у ал-Қалос девори номи билан машҳур* деб ёзилган. Бу тўсиқ бўйлаб унинг юқорисида ўнгдан бошлаб *Байканд, Муғкон, Қаротакин қишлоғи, Хужода, Намижкат, Мадйомижкат, (463) Харғонкат, ал-Кушонийя, Иштихан, Фаранкат, Кайанжкат, Видор, Дизак* каби шаҳарлар жойлашган. Кейин [яна] бир шаҳар [бўлиб], у гўё *Дизак* [шаҳрининг номини] иккинчи марта [қайтарган] дек [кўринади].

Унинг юқорисида ўнг [томон] даги *Бухоро кўли* га [бошқа бир] дарё қуйилади. Бу дарёнинг икки қирғоғида *Бухоро* шаҳри, кейин чапга [қараб] *Тавовис, Карминийя, ад-Дабусийя, Арбинжан, Самарқанд* [шаҳарлари] жойлашган. Дарёнинг юқорисидаги бўшлиқга кувий ҳарфлар билан *Мовароуннаҳр сурати* [деб] ёзилган. Бу ёзувнинг тепасида *Касба, Базда, Искифағн* ва *Кеш* шаҳарлари жойлашган.

Самарқанд ва Бухородан [оқиб] ўтувчи дарё тўрт қатор бўлиб тизилган тоғлардан бошланувчи олти дарё [қўшилишидан] ҳосил бўлади. [Бу тоғларнинг] чап ярми суратнинг иккинчи қисмида келтирилган. Энг баланд тоғнинг тагига *Биринчи ал-Буттам*, иккинчи [тоғнинг] тагига *Иккинчи ал-Буттам*, учинчи [тоғнинг] тагига *Учинчи ал-Буттам*, энг пастки [тоғ] тизмаси тагига *Тўртинчи ал-Буттам* [деб] ёзилган.

Иккинчи қисм (В) — суратнинг пастки тарафи бўйлаб *Қалос* деворининг қолган [қисми] давом этган. Унинг тагида *Исбижоб* шаҳри, кейин [эса] *ат-Тароз* [шаҳри] жойлашган. Унинг чап томонида хоч шаклида *ат-Тароз ноҳийалари* [деб] ёзилган.

Девордан тепада *Харконкат, Баркуш, Хотункат, Бинкат* шаҳарлари жойлашган. Уларнинг тепасидан *Х<sup>о</sup>разм* кўлига қуйилувчи дарё ўтади. Ундан тепадаги бўшлиқда *Тункат, Фаранкат, Ардлонкат, Хумрак* шаҳарлари жойлашган. Уларнинг тепасидаги бўшлиқга *аш-Шош ноҳийаси* [деб] ёзилган.

Унинг тепасидан суратнинг чап томони ўртасидан [оқиб] келувчи дарё ўтади ва юқорида зикр этилган дарёга [бориб] қуйилади. Ўша дарёнинг пастида ўнгдан бошлаб *Марғинон, Ғаннож, Нажокат, Ушрусана, Банокат, Жабғукат, Худайнкат, Сакокат, Абрадкат, Ахшикат, Навкат, Куркат* шаҳарлари жойлашган. Бу дарёнинг қирғоғига *Қубо* ва *Зомин* шаҳарлари туташган, уларнинг ўртасида [эса] юқорида *Собот*, кейин ундан ўнг томонда *Аборкат, Фағкат, Ғазақ* [шаҳарлари жойлашган]. Бу дарёга *Қубонинг* чап томонида юқоридан [оқиб] келувчи дарё қуйилиб, унинг [бўйи] да *Хужанда*, унинг тепасида [эса], дарё ва ал-Буттам тоғлари орасида, *Арсубоникат, Борйоб, Сух, Х<sup>о</sup>канд* [шаҳарлари жойлашган]. Мазкур дарёдан чап [томон] да [яна] тўртта дарё бор. Иккинчи ва учинчи дарёларнинг орасида *Фарғона* [деб] ёзилган. Учинчи дарёнинг бўйида [эса] *Хуришоб* [деб ёзилган].

#### IV [ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИ ВА САВДО МАҲСУЛОТЛАРИ]

Мовароуннаҳр ўзининг мавқеига кўра оламнинг энг ҳосилдор, гуллаб яшнаган **(464)** ва неъматларга бой иқлимларидан [бири] дир. Унинг аҳли хайрли ишларга рағбат билдирадилар ва ким уларга [ёрдам сўраб] мурожаат қилса, ўзларининг бор кучлари, матонат ва жасоратлари, [аҳолисининг] кўплиги ва [хизматга] тайёрлиги, асбоб-ускуналари ва чорвалари, мардликлари ва қурол-яроғлари, билиму диёнатни ишга солиб, [қўлларидан келганича] олийжаноблик, самимийлик ва саҳийлик билан жавоб берадилар.

Ҳосилдорликка келсак, биз бу китобда зикр этган иқлимлар аҳолиси бир неча марта қурғоқчиликдан зарар кўрса, Мовароуннаҳр аҳли бир марта қурғоқчиликдан зарар кўриши мумкин. Кейин, агар уларнинг экинлари ва ҳосилларига [қаттиқ] совуқ, жазирама иссиқ ёки [бирор] офат зарар етказса, улар мамлакатларининг бошқа ерларида омон қолган [захиралар] эвазига қийин аҳволдан халос бўладилар ва ташқаридан ўз мамлакатларига бирор нарса келтирилишига муҳтож бўлмайдилар.

Мовароуннаҳрда шаҳарлар ёки суғориладиган [ерли] қишлоқлар ёки лалми [ерлар] ёки чорвалари [ўтлаши] учун яйловлардан ҳоли бўлган жойнинг [ўзи] йўқ.

Одамлар эҳтиёжи учун зарур бўладиган [бирор] нарса йўқки, уларда у мавжуд бўлмаса. Бу эса уларни қийин аҳволда қолганларида қутқаради ва [яна] бошқалар учун ҳам ортиб қолади.

Уларнинг озиқ-овқатлари, аввал айтиб ўтганимиздек, етарли ва мўл-кўлдир.

Уларнинг сувларига келсак, улар энг ширин, энг муздек ва энг енгил [сувлар бўлиб], у ердаги тоғлар, [тоғ] ён-бағирлари ва шаҳарларда тарқалган. Шунинг учун унинг барча ерларида [қишда] сув музлайди ва барча ўлкаларида қор ёғади<sup>1</sup>.

Отларга келсак, улар [унинг гўштини] жуда кўп истеъмол қилсалар ҳам, [уларни] ўзларига етарли миқдорда етиштирадилар<sup>2</sup>. Шунингдек [уларга] *харлухлар* ва *ғузлар* [мамлақати] дан керагидан ортиқ [миқдорда] хачирлар, туялар, эшаклар ва қўйлар келтирилади. Уларнинг [ўзида] ҳам кўп миқдорда қўйлар ва [моллар] нинг подалари мавжуд<sup>3</sup>. Шунингдек, кийимлар ҳам кўп. Уларда ўз эҳтиёжларидан ортиқ даражада жун, ипак, пахта [толасидан қилинган] нафис «карбос» матолари<sup>4</sup> ва бўз матолари мавжуд.

Уларнинг мамлақатида ўз эҳтиёжларидан ортиқ миқдорда темир маъданлар бўлиб, уларнинг тижоратида асосий ўрин тутади<sup>5</sup>. У ерда [шундай] олтин, кумуш ва симоб конлари борки, барча ислом мамлакатларидаги бирорта кон бойлик ва мўл-кўлликда уларга тенг кела олмайди<sup>6</sup>. **(465)** Агар Банжҳирнинг<sup>7</sup> бой конлари [улар ичида] энг яхши фазилатларга эга бўлса, улар ҳам [Мовароуннаҳр] га қарашли ва уларникидир<sup>8</sup>.

Мен Мовароуннаҳрдан ташқари бирорта ислом мамлакатида *новшадил*<sup>9</sup> мавжудлигини кўрмадим. [Фақат] Сиқлийада<sup>10</sup> мен кўрган *новшадил* [ўзининг] қуввати бўйича уларникидек эмас эди.

Мовароуннаҳрда қоғоз<sup>11</sup> мавжуд бўлиб, [дунёда] сифати ва сони бўйича унга тенг келадигани йўқдир<sup>12</sup>.

Уларнинг меваларига келсак, агар сен ас-Сугд, Ушрусана<sup>13</sup>, Фарғона ва аш-Шош<sup>14</sup> ичкарасига кирсанг, барча мамлакатларникидан ҳам зиёда [мевалар] ни кўрасан, [мева] лар кўплигидан [одамлар] уларни отларига [ҳам] берадилар.

Қуллар эса уларнинг ерларини ўраб турувчи турклардан ўзларига керагидан ортиқ миқдорда олиб келинади ва уларнинг мамлакатидан бошқа ерларга олиб кетилади<sup>15</sup>. Улар ал-Машриқни<sup>16</sup> ўраб турувчи [барча қул] лар ичида энг яхшиси, энг чаққони, энг чиройлиси ва нархи бўйича энг қиммат [қуллар] дир<sup>17</sup>.

Уларда ат-Туббат<sup>18</sup> ва Хирхиз<sup>19</sup> [мамлакатлари] дан *мушк*<sup>20</sup> олиб келинади ва бутун дунё [мамлакатлари] ва шаҳарларига олиб кетилади, [чунки] у сифати ва нархи бўйича *мушк* нинг бошқа турларидан устун туради.

ас-Сағонийондан<sup>21</sup> Вошжирдгача<sup>22</sup> [бўлган ерларда] *заъфарон*<sup>23</sup>, сувсар<sup>24</sup>, олмахон, тулки ва бошқа ҳайвонларнинг мўйналари етиштирилади ва бошқа ерларга олиб кетилади<sup>25</sup>, шунингдек ялтироқ [баргли] толнинг<sup>26</sup> ноёб турлари, *ал-хутув*<sup>27</sup>, оқ, кулранг ва ялтироқ патли зотдор ов лочинлари, турналар ва подшоҳлар эгалик қилишда [ўзаро] рақобат қиладиган ва бир-бирларига совға қилиш учун керак бўладиган ғаройиб нарсалар [мавжуд]<sup>28</sup>.

## V

### [МУСОФИРҲОНАЛАР]

Уларнинг феъллари кенглигига келсак, Мовароуннаҳрнинг кўп ерларида инсонлар гўёки битта уйда ягона оиладек яшайдилар. Ҳар бир одам бошқа одамнинг уйига худди ўз уйига келгандек кириши мумкин. Мезбон [ўз уйига] келган меҳмонга [ҳеч қандай]

киноя қилмайди, балки, уни умуман танимаса ҳам, унинг ҳожатини чиқариш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. [Бунинг учун] у ўзига ҳеч қандай манфаат кўзламайди ва [меҳмон] кўнглидан чиқариб [бергани] билан қаноатланади. Ҳар бир одам кўлидан келганича имкон қадар ўзи ва [уйига келган] меҳмони ҳақида ғамхўрлик қилишга [катта] аҳамият беради.

Билиб қўйки, сен катта қаср ва меҳмонлар учун кенг ётоқхонага эга бўлишга интилмайдиган **(466)**ўз рўзғорида мустақил бўлган [бирорта] ер эгасини кўрмайсан. Сен уни куннинг кўп қисмини йўловчиларга керак бўлиши [мумкин] бўлган нарсаларни тайёрлаш билан ўтказганини кўрасан. У иззат-икром билан кутиб олиш учун йўловчи келишига муштоқдир. Агар [бирор] қишлоқ аҳлига йўловчи келиб тушса, улар [бир-бирлари билан] рақобатлашиб, уни [меҳмон қилиш] учун [ўзаро] баҳслашадилар.

Мовароуннаҳрда одамлар яшайдиган ҳар бир ердаги ҳеч бир одам, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ чекка бир жой, кечаси-ю кундузи бундай ҳолатдан чекинмайди.

Улар бундай ишларда, ҳатто ўз бойликлари ва мулкларига зарар етса ҳам, худди барча одамлар [пул] йиғишда баҳслашгани ва ўз бойликлари билан мақтанганидек, ўзаро баҳслашадилар.

Мен ас-Суғдда ҳовлисининг кириш эшиги қоziқ билан қозилган бир мусофирхонанинг харобасини кўрдим. Мен суриштириб, унинг эшиклари юз йилдан ортиқ вақт мобайнида [ҳеч ёпилмасдан], очиқ турганлигини билдим. Йўловчи бу ерда тўхташ учун [ҳеч қачон] рад жавоби олмас эди. Унда кечаси бирданига [ҳеч қандай] тайёргарликсиз юз, икки юз ва ундан ҳам кўп одамлар ўз от уловлари ва хизматкорлари билан қўниши мумкин эди. Бу ерда улар, гарчи манзил соҳиби буни таъминлаш мажбуриятини олмаган ва бажо келтириши лозим бўлмаса ҳам, ўз отларига ем, ўзларига таом ва [ётиш учун] кўрпа-тўшак топганлар ва ўз юкларидан фойдаланишдан озод бўлганлар. Ҳар бир ерда уларнинг ва у [манзил] нинг бир вакили мавжуд булиб, у мустақил бўлган ва унинг [манзили] га тўсатдан йўловчилар кириб келганда, ўзининг шароитини янгилашда ҳеч нарсага муҳтож бўлмаслиги учун

[узоқ] вақт давомида керак бўлган барча нарсалар билан таъминланган. Манзил соҳиби меҳмонларга очиқ чеҳра ва самимият билан муомала қилган, ўзини меҳмонлар билан тенг тутган, токи келганларнинг барчаси унинг бу ташрифдан хурсанд эканлигини ва унинг ўз ишида саҳийликка мойил эканлигини кўрсин.

Шу билан биргаликда сен [бошқа] ислом мамлакатларида бойлик эгаларининг фақат айримларидан бошқа кўпчилигини ўз маблағлари ва пулларини шахсий манфаатларга ва дилхушликларга, Аллоҳ рози бўлмаган нарсаларга, бир бирлари билан рақобат қилишга ва ёмон нарсаларга сарфлаганларини кўрасан. Мовароуннаҳрда эса сен бойлик эгаларининг фақат айримларидан ташқари кўпчилиги ўз маблағларини *работлар* қурилишига, йўллар қуришга, *ғайридинларга қарши кураш* олиб бориш учун *вақфларга*, турли хайрли ишларга, кўприклар қуришга сарфлаганини кўрасан. У ерда бирор шаҳар йўқки, унда [жиҳозланган] сув манбаи бўлмаса, бирор гавжум қишлоқ йўқки, унда йўловчиларнинг эҳтиёжларидан ортиқ миқдорда *работлар* бўлмаса<sup>1</sup>.

Менга айтишларича, Мовароуннаҳрда ўн мингдан **(467)**ортиқ работ мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигида йўловчи қўнганда, агар лозим бўлса, [доим] ўз отига ем ва ўзига таом билан таъминланган. Мен жуда кам ҳолатларда Самарқанд деворигача бўлган бирор бир меҳмонхонанинг, йўл чеккасининг, маҳалла ва одамлар жамоаси [яшайдиган ер] нинг ҳамма учун мўлжалланган музли сувдан ҳоли бўлганлигини кўрдим.

Менга яхши хабардор бир одам айтдики, Самарқандда, шаҳарда ва унинг деворлари<sup>2</sup> ичида ва ташқи девор<sup>3</sup> ўраб турган майдонда муздек сув сақланадиган икки мингдан ортиқ [махсус] ҳавзалар мавжуд бўлиб, улар хайрияга ажратилган *вақфлар* ҳисобига фаолият кўрсатади. Уларда [ҳар ерларга] ўрнатилган мис қудуқлар ва [уларнинг устига] қурилган [иншоотлар] нинг деворларига ўрнатилган сопол кўзалардан иборат [мураккаб] сув тизими мавжуд<sup>4</sup>.

## VI [ҲАРБИЙ ЮРИШЛАР]

Уларнинг куч ва қудратига келсак, ислом [мамлакатлари] ичида *жиҳод*<sup>1</sup> урушларини олиб боришда улардан ўтадиган ўлка йўқдир. Чунки Мовароуннаҳрнинг барча чегаралари кофирларнинг мамлакатларига<sup>2</sup> [бошқаларга нисбатан] энг яқин жойлашган. Х<sup>о</sup>размдан Исбижобгача<sup>3</sup> ерлар *уз* турклари, Исбижобдан Фарғонанинг энг чеккаларигача бўлган ерлар эса *харлух* турклари билан қўшнидир. Ундан кейин Мовароуннаҳр чегаралари аш-Шижнийя<sup>4</sup>, ал-Ҳинд мамлакати ва ал-Хуттал тоғларининг чеккасидан Фарғона тоғларидаги туркларнинг<sup>5</sup> чегарасига қадар ўтган. Мусулмонлар у ерлардаги барча қўшни [ҳалқларни] ўзларига бўйсундирганлар<sup>6</sup>. Маълумки, ислом учун ғайридинларнинг мамлакатларида куч-қудрати бўйича турклардан кучлироқ [рақиб] йўқдир. [Бу турк] лар мусулмонлар билан қўшни бўлиб, бошқа туркларга қарши турадилар, уларнинг ислом мамлакатларига ҳужум қилишларига тўсқинлик қиладилар ва чегарани бузишдан қайтариб турадилар<sup>7</sup>.

Бутун Мовароуннаҳр турклар ҳужум қиладиган чегаралардан иборат бўлиб, уларнинг [қулоғига] бурғунинг [чалиниши] ва сафарга чиқишга чорловчи ноғараларнинг садоси эртаю-кеч эшитилиб туради.

Наср ибн Аҳмад<sup>8</sup>, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, билан Шовғар юришида<sup>9</sup> бирга бўлганлардан бирининг айтишича, уларнинг қўшини уч юз мингта яқин [аскар] дан иборат эди, [улардан] тўрт минг киши [асосий] қўшиндан узилиб қолгандилар ва қўшинга қайтиб келиш имконияти бўлгунча бир неча кун дайдиб юрдилар. Уларнинг ичида мовароуннаҳрлик бўлмаган [одамлар] кўп сонли эмас эди ва уларнинг [ҳар бири] ўзининг [мунтазам бериладиган] маошини [яхши] билар эдилар<sup>10</sup>.

Баъзи хабарларда [айтилишича], ал-Муътасим<sup>11</sup> ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳирдан<sup>12</sup> сўради ёки айтишларича, ундан сўраб хатида ёздики, Мовароуннаҳр ва Хуросонда қанча кишилиқ [қўшин] ёллаш мумкин. [‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир] хатни Нуҳ ибн Асад ибн Сомонга<sup>13</sup>



жўнатди ва ундан шундай жавоб олди: Хуросон ва Мовароуннаҳрда уч юз (468) минг қишлоқ бор. Агар улар [нинг ҳар биридан] дан [бир] отлиқ ва [бир] пиёда чиқса, қишлоқ аҳли уларнинг ғойиблигини сезмайдилар<sup>14</sup>. Бу ҳикояда бугунги кунимизга ҳам ишора бор.

Айтишларича, аш-Шош ва Фарғонада [жанговар] тайёргарлик ва қурол-аслаҳа шундай [даражада] ки, бугунги кундаги бошқа бирор чегара мамлакатда унга ўхшаш эмас. Ҳатто [оддий] фуқаролардан бўлган одам [ҳеч қандай] ҳокимият эгаси бўлмаса ҳам, юзтадан беш юзтагача от эгаси [бўлиши мумкин]<sup>15</sup>.

Уларнинг мамлакатлари узоқ бўлса ҳам [улар] кўп бойликлар, дабдаба ва ҳашам билан ҳажга биринчи бўлиб келадилар. [Дунёда] ҳеч ким уларчалик кўп чўлга чиқмайди<sup>16</sup>. Шу билан бирга улар катталарга итоат бўйича энг яхши, аслзода одамларга ва бир-бирларига хизмат қилишда эса энг илтифотлидирлар<sup>17</sup>. Уларга Бану-л-‘Аббос<sup>18</sup> оиласидан бўлган халифалар ҳам тан берганлар ва Мовароуннаҳр аҳолисида аскарларни ўзларининг хизматига тақлиф қилганлар. Турк аскарларининг [фазилатлари] афзал бўлганлиги туфайли улар барча қўшинларга бошчилик қилган, уларнинг деҳқонлари эса уларга амир этиб тайинланган.

Уларнинг қўшинлари барча халқлар ичида қатъияти, журъати, шижоати ва матонати билан бошқалардан устун туради<sup>19</sup>. Мовароуннаҳр деҳқонлари ўзларининг хизматдаги хушфеъллиги, итоаткорлиги, [чиройли] кийинишлари ва шоҳона кўринишлари туфайли [халифалар] нинг лашкарбошилари, яқинлари ва содиқ хизматкорлари бўлдилар, ҳатто ўтмишда улар халифаларнинг энг хос одамлари ва аскарларига айландилар. Улардан қўшинларга фарғоналиклар ва турклар бошчилик қилиб, халифаларнинг [ишончли] қўриқчилари бўлдилар<sup>20</sup>. Ўзларининг шижоати ва жасорати туфайли устунлик қилган турклар ушрусаналик ал-Афшин<sup>21</sup> ва Ибн Абу-с-Сож<sup>22</sup>, самарқандлик ал-Ихшод<sup>23</sup> ва ас-суғдлик ал-Марзубон ибн Туркаш<sup>24</sup>, ас-суғдлик ‘Ужайф ибн ‘Анбаса<sup>25</sup>, ал-Бухор-худот<sup>26</sup> ва бошқалар [халифалар] нинг амирлари<sup>27</sup>, қўмондонлари ва аскарлари эдилар<sup>28</sup>.

## VII [ҲУКМДОРЛАР ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ]

Бу иқлим ва бутун Хуросоннинг подшоҳлари<sup>1</sup> Сомон хонадони<sup>2</sup> [вакиллари] дирлар. Улар ал-‘Ажам [мамлакатлари]<sup>3</sup> да жасурлиги ва кўркмаслиги ҳақида ҳикоялар айтилган Баҳром Чубин<sup>4</sup> авлодларидирлар. **(469)** ал-Машриқ заминида сарҳадлари ундан мустаҳкам, аҳолиси кўп, курол-яроғи мукамал, муносабатлари тартибли, совға-саломлари мўлкўл, даромади кўп, йиғирманчи тўловларда<sup>5</sup> мунтазам бўлган бошқа ўлка йўқдир. Шу билан бирга уларда [одамлардан олинадиган] солиқлар ва *хирожлар*<sup>6</sup> [миқдори] кам, ғазналарида эса пул кўп эмас.

Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳга<sup>7</sup> [берадиган] солиғи, мен уларнинг ўлкаларида бўлган вақтимда, белгиланган тарзда бир йилда икки марта, [яъни] ҳар олти ойда йиғирма минг минг<sup>8</sup> *дирҳамдан*<sup>9</sup> йиғилар эди. Агар шароит *хирожнинг* икки ҳисса олиншини тақозо этса, у қирқ минг минг *дирҳамни* ташкил этар эди.

Уларда [бир] *жариб*<sup>10</sup> [ер] дан олинадиган *хирож* [солиғи] кичик бўлиб, тўртдан бир *дирҳамдан* учдан икки ёки тўртдан уч *дирҳамгача* бўлган.

Мен уларда нафақаларнинг бир йилда тўрт марта мунтазам ва кечиктирилмай берилишининг гувоҳи бўлдим. Ҳар сафар нафақа [ҳар] тўқсон куннинг бошида, энг аввал *ғуломларга*<sup>11</sup>, сарой ходимларига ва ҳарбий қўмондонларга, кейин эса бошқа



Мансур ибн Нуҳ тахтада (350/960-61 й.)  
(XIII аср  
миниатюраси).

хизматчиларга берилади. Ҳар сафар [тарқатиладиган] нафақаларнинг йиғиндиси беш минг минг<sup>12</sup> дирҳамни ташкил этади, тўрт марта [тарқатиладиган] нафақалар йиғиндиси эса бир марта йиғиладиган хирожга тенг бўлади. Бу нарса бутун мамлакат



Мансур ибн Нуҳнинг  
Бухорода зарб этган медальони  
(358/968-69 й.).

аҳолисига тегишли бўлиб, йил охирида улардан мазкур йиғимларнинг асосий қисми йиғиб олинади. [Одамлар] эса буни очиқ кўнгиллик, қувонч, қалб шодлиги ва очиқ хурсандчилик билан, ўзларига нисбатан адолатли муносабатдан тўла мамнун равишда амалга оширадилар.

[Мансур ибн Нуҳ] ва унинг отасининг<sup>13</sup> ҳокимияти остида бирор вилоят, ёки биз юқорида санаб ўтган ерларда уларга хизмат қилувчи бирор одам йўқ эдики, унинг маоши мазкур маблағлар ҳисобига таъминланмаган бўлса, ва яна ундан лозим бўлган [йиғимлар] ҳам олинади. Бу ҳол раъиятга нисбатан адолат, оддий халқга нисбатан ҳаққонийлик ва ҳокимлар қўлида [катта] масъулият [туфайли] дир. Шу сабабли уларнинг вилоятларида қозилар<sup>14</sup>, текширувчилар<sup>15</sup>, назоратчилар<sup>16</sup> ва бошқарувчилар<sup>17</sup> кўп бўлиб, уларнинг маошлари бир-бирига тенг, мажбуриятларидаги ҳоллари ҳам деярли бир хилдир.

Қозининг ризқи почта бошлиғи<sup>18</sup>, моллардан олинадиган пул тушумлари назоратчиси<sup>19</sup> ва нафақа ишлари бошқарувчисининг<sup>20</sup> ризқлари билан бир хилдир. **(470)** Мен уларни деярли ҳар бир ноҳийа<sup>21</sup> ва ҳар бир вилоятда<sup>22</sup> кўрдим, бирининг ризқи бириникидан оз ҳам, кўп ҳам эмас. Уларда қадимги қонун-қоидалар, дастурлар ва тартиблар [амал қилади]<sup>23</sup>.

Агар бир ноҳийада нафақа ишлари бошқарувчисининг меҳнат ҳақи қанча бўлса, шу ноҳийадаги солиқ йиғувчининг меҳнат ҳақи ҳам худди шундай бўлади. Шунингдек, агар қозига [маълум миқдорда] пул тегса, почта бошлиғининг маоши ҳам унинг маоши



Сомонийлар сулола-  
сининг сўнгги ва-  
кили, мағлуб бўлган  
ал-Мунтасир музла-  
ган Жайхун дарёси-  
ни кечиб ўтмоқда.

билан бир хил бўлиб, юқоридаги икки соҳибнинг [маоши] дан кам ҳам, ортиқ ҳам бўлмайди.

Хуросон ва Мовароуннаҳр вилоятларида почта соҳибларига [қўшимча] йигирманчи [пул тўлов] лари мавжуд. [Агар] уларни санаб ўтсак, биз [юқорида] айтиб ўтган ўз соҳасидаги бошқарувчилардан ҳар бирининг ҳолати намоён бўлади.

Самарқанд — етти юз эллик дирҳам,

Арбинжан — уч юз дирҳам,

Ушрусана — олти юз дирҳам,

Хужанда — уч юз дирҳам,

ал-Хуттал — тўрт юз дирҳам,

Омул ва Фарабр — тўрт юз дирҳам,

Замм вилояти — уч юз дирҳам,

ал-Журжонийа — олти юз дирҳам,

Марв — тўққиз юз дирҳам,

Сарахс — беш юз дирҳам,

Абивард — беш юз дирҳам,

Бодғис — уч юз дирҳам,

Тус — уч юз дирҳам,

ал-Жузжон — олти юз дирҳам,

ат-Толиқон — уч юз дирҳам,

Қухистон — уч юз дирҳам,

Найсобур — уч минг дирҳам,

ас-Сағонийон — уч юз дирҳам,

Иштихан ва ал-Кушонийа — уч юз дирҳам,

аш-Шош — етти юз дирхам,  
Илоқ — уч юз дирхам,  
Фарғона — минг дирхам,  
Буст — уч юз дирхам,  
Кеш — уч юз дирхам,  
Х<sup>о</sup>разм — минг дирхам,  
Канж Рустоқ ва Бағ — уч юз дирхам,  
Марв ар-Руд — уч юз дирхам,  
Балх ва унинг вилоятлари — минг дирхам,  
Ҳирот — минг дирхам,  
Бусанж — уч юз дирхам,  
ал-Қуводийон — икки юз дирхам,  
ат-Тирмиз — уч юз дирхам,  
Шумон ва Сарманжи — уч юз дирхам.

Агар мазкур бошқарувчилардан почта [бошлиғи] бир дирхам олган бўлса, ўша тарафда ҳоким [бўлган] ўша *ноҳийадаги* қози учун ҳам шундай эди. Шунингдек, улар каби бошқарувчилик қиладиган бож йиғувчи ва нафақа [девони] бошлиғи учун ҳам [шундай эди].

Бу мен Хуросон соҳиблари<sup>24</sup> давлатининг<sup>25</sup> ҳоли, унинг буюклиги ва қудрати туфайли тутган мавқеи ҳақида айтмоқчи бўлганларимнинг ҳаммасидир.

## VIII [ҚЎШИНВАМАЪМУРИЯТ]

(471) Ислом [мамлакатлари] да қўшинлар фақат қабилалардан саралаб олинган ва [турли] *ноҳийалар*, шаҳарлар ва атрофлардан тўпланган. Агар улар [мағлубият туфайли] қочиб, тарқалиб кетсалар ёки бирор ҳодиса туфайли парчаланиб кетсалар, уларни фақат мураккаб ҳийла, катта рағбат ва қўрқитув орқали яна бирга тўплаш мумкин бўлади<sup>1</sup>. [Мовароуннаҳр] подшоҳларининг қўшинлари [эса] бундан истиснодир. Уларнинг қўшинлари пул билан қулликка [сотиб олинган] *мамлук* туркларидан [иборат], улар бу ўлкаларда кўпдир<sup>2</sup>.

Ўз уй-жойлари, оилалари ва қўшниларини танийдиган озод кишилар ва *деҳқонлардан*<sup>3</sup>, агар улардан бир қавм ўлдирилса ёки вафот этса, уларнинг ўрнини кўп сонли захиралардан худди шундай [одамлар] тўлдириб туради. Агар улар бирор бахтсизлик туфайли тарқалиб кетсалар, бошқа ислом қўшинларидаги каби ўзларининг обрўсини туширмасдан ҳаммаси бир ерга чекинадилар.

[Кўпчилик] қўшинларда одатда камбағал [одам] лар ва шаҳарларнинг миршаблари<sup>4</sup> [бошқа] қўшинларга ўтиб кетадилар ва [бошқа] мамлакатларга кетиб қоладилар, уларда эса бундай эмас. Чунки улар яхши [олиб борилган] сиёсатнинг тўғри бошқарувидан озиқланадилар, [ҳокимият] улар ғойиб бўлганда уларнинг [оилалари] ҳақида фамхўрлик қилади, бегона [одам] га худди ўз яқинидек муносабатда бўлади. Агар у хайрли иш қилса, унинг бу яхшилиги йўқолиб кетмайди. Агар у жасорат кўрсатган бўлса, [албатта] ўз мукофотини олади. Агар у жиноят содир этса, қилган гуноҳи ва жинояти учун жавоб беради. Агар у хато қилса, қилган хатоси ва айби учун жазосини олади. Агар [бирор] қариндош ёки яқин одамга қасос ёки *хун қони*<sup>5</sup> олиш зарурати бўлса, бу иш Аллоҳ таолонинг марҳаматига топширилади. Агар бегона [одам] га ҳукм ёки [бир нарсани] ундириш керак бўлса, у билан Аллоҳ таолонинг кўрсатмаларидан қайтмаган ҳолда иш кўрилади<sup>6</sup>.

Ақлли сиёсат олиб борилганда, барча ишлар тартибли бўлади, таҳсинга лойиқ фазилатлар мўл бўлади, турмуш даражаси кўтарилади, ходимлар бақувват, хизматкорлар эса бой бўлади.

Исмоил ибн Аҳмаднинг<sup>7</sup> Борис [исми] *суломи*<sup>8</sup> [бор эди], Исмоил ибн Аҳмад унга ишонч билдириб, [унга] бир ишни топширган эди, [кейин у] ўзининг *мавлоси* Аҳмад ибн Исмоилдан<sup>9</sup> қочди ва 'Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз<sup>10</sup> кўтарган исёнга қўшилди. [Лекин] бу ерда у ҳақида гапиришнинг ўрни эмас. [Борис] кўп сонли [қўшин] билан ал-'Ироқда<sup>11</sup> ўрнашиб, султонни<sup>12</sup> ваҳимага солди. У вақтдаги халифа эса ал-Муқтадир<sup>13</sup> эди. Кейин ишлар ўз йўлида давом этди. [Борис] яхши тайёргарлик ва кўп сонлик, етарли таъминот ва от-уловлар, қурол-аслаҳа ва пул, ва бошқа кўп нарсаларни намоён қилдики, ҳазрат султон-

да [ҳам] унга тенг кела оладиган бундай қўшин [ҳеч қачон] бўлмаган. [Лекин одамлар] Хуросон қўшинига<sup>14</sup> [султоннинг] заифлигини билдирмадилар, ва [Борисга] чегара томон юришни буюрдилар, [чунки] у уларнинг қули, кўп сонли мамлукларидан бири эди.

Ислом мамлакатларида **(472)** улар каби ал-‘Ажам замонларидан бери ҳокимиятни улардек мерос қилиб ҳукмронлик қилиб келаётган подшоҳлар машҳур бўлмаган. Уларнинг келиб чиқиши аслзода форслардан эди<sup>15</sup>.

Чунки Абу Солиҳ Мансур [ибн Нуҳ] ибн Наср ибн Аҳмад<sup>16</sup> — Абу Иброҳим Исмоил [авлоди эди], [у эса] буюк, фазилатли, сийрати мақтовга сазовор, яхши жиҳатлар соҳиби, машҳур ёдгорликлар қолдирган, [кўп] хайрли ва ажойиб ишлар қилган подшоҳ, Аҳмад<sup>17</sup> ибн Асад<sup>18</sup> ибн Сомон-худо<sup>19</sup> ибн Ҷитмон<sup>20</sup> ибн Тағмот<sup>21</sup> ибн Нушард<sup>22</sup> ибн Баҳром Шубин<sup>23</sup> ибн Баҳром Ҷашнастинг<sup>24</sup> ўғли эди<sup>25</sup>. У кўринишидан заиф ва жисмонан кўримсиз бўлса ҳам сийратда ўз замонасининг энг одил, билими бўйича энг афзал, энг теран фикрловчи подшоҳ эди, дил ва бадан хоҳишларининг пастлиги билан динда энг тенгсиз, энг теран фикрли, бошқарув ишларида энг узоқни кўра олувчи, ўзи учун муҳим бўлган [ишлар] бўйича қарор қабул қилишда энг тўғри хулосали, Аллоҳга манзур ниятларни амалга оширишда энг ростгўй, ўз даври ва кейинги замонлардаги энг беназир подшоҳлардан эди. Унинг амаллари давомли ва сийрати эса мақтовга сазовор эди<sup>26</sup>.

## IX [БОҒЛАРИ ВА ДАЛАЛАРИ]

Мен ислом мамлакатларида Бухоро каби гўзал манзарали шаҳарни кўрмадим ва эшитмадим. Агар сен унинг қухандизига<sup>1</sup> чиқсанг, ҳамма томонда нигоҳинг фақат кўм-кўк [манзара] га тушади. Унинг кўм-кўк [манзараси] осмоннинг [мовий] ранги билан уланиб кетади, гўёки, осмон яшил гилам устидаги бу самовий гумбаз кабидир. Уларнинг орасида эса ат-Туббат қалқонлари<sup>2</sup> ва кийик териси [қопланган] қалқонлар<sup>3</sup> сингари, ёки самовий юлдузларнинг ялтираши

ва чарақлаши каби, кўзгу сатҳи сайқалланганидек бир текис қилиб ҳайдалган ерлар ўртасида муҳташам саройлар<sup>4</sup> кўриниб туради.

Мовароуннаҳрда [Бухородаги] каби ерга яхши ишлов берилган, кенг ҳудудлар ва катта майдонни эгаллаган боғлари кўп бирор мамлакат ва шаҳар йўқ. Улардаги бу [фазилат] бошқаларникидан фарқлидир, чунки мазкур ердаги [жаннатмакон] боғлар бу Самарқанд Суғди<sup>5</sup>, ал-Убулла дарёси<sup>6</sup>, Дамашқ Футаси<sup>7</sup> дир. Форс<sup>8</sup> [вилоятидаги] Собур<sup>9</sup> ва Жур<sup>10</sup> эса Дамашқ ал-Футаси билан тенглаша олмайди. Сен Дамашқда бўлганинда, икки кўзинг билан бир *фарсах*<sup>11</sup> ёки ундан ҳам озроқ [масофа] да ўсимлик ва дарахтларсиз яланғоч тоғлар, иморатлари бўлмаган тақир ерларни кўрасан. Назарингни қувонтирувчи энг яхши нарса бу уфқ чизигидир, ундан бошқа ҳеч қандай **(473)** ёқимли нарса [кўрмайсан].

ал-Убулла дарёси ва унинг атрофларида бир *фарсах* [масофа] дан бошқа ерда назар тортадиган [ҳеч нарса] йўқ. Унда [бирорта ҳам] баландлик йўқ, бир *фарсахдан* кўпроқ масофада одамнинг кўзи илғайдиган [ҳеч нарса] йўқ. Ҳеч нарса кўринмайдиган ёпиқ ер томоша бўйича [кўп] нарсалар кўриниб турадиган очиқ ерга тенглаша олмайди. [Бундай] кенг қамровли манзарага назар ташлаганда, [одам] томоша [олами] га саёҳат қилади, кўнглига лаззат бахш этади.

Самарқанд Суғдида эса, биз у ерда бирор бир ер ёки шаҳарни билмаймизки, агар одам унинг *қуҳандизига* чиқса, унинг назари дарахтлардан ҳоли бўлган тоғлар ёки чангли саҳрога тушса. Чунки уларнинг далалари дарахтлар билан ўралган, ям-яшилликка бурканган.

Абу ‘Усмон<sup>12</sup> айтганки, ўсимликларнинг ям-яшиллиги орасида жойлашган далаларнинг бўз [кўриниши] зийнатдир. Лекин кенг майдонни эгаллаган бўз тупроққа ишлов берилмаган бўлса, бундай манзара ўзининг гўзаллик хусусиятидан маҳрум бўлади, унинг ҳеч қандай зийнати қолмайди, ҳузурбахшлиги йўқолади, саёҳатчининг назарига лаззат бахш этмайди.

Бу жиҳатдан Мовароуннаҳр катта афзаллик ва ажойиб тақдирга эга.



Бухоро, унинг қишлоқлари ва экинзорлар айланаси ўн икки фарсах<sup>13</sup> ёки шунга яқин бўлган девор<sup>14</sup> билан ўралган бўлиб, унинг ичидаги барча [ерлар] ишлов берилган, гуллаб-яшнаган ва ажойибдир.

Самарқанд Суғди эса мен зикр этган учта [энг гўзал] ер, [яъни] Дамашқ ал-Футаси ва ал-Убулла водийси ичида энг гуллаб яшнаганидир. Форс аҳлининг айтишича, у Баввон<sup>15</sup> дараси кабидир, чунки Бухоро чегарасидан ас-Суғд водийсининг<sup>16</sup> ўнг ва чап томонида ал-Буттам<sup>17</sup> [тоғли ўлкаси] чегарасига қадар далалар чўзилган бўлиб, уларнинг ям-яшиллиги узлуксиз, гуллаб-яшнаши чексиздир.

Улар шунчалик кўпки, [йўловчи] саккиз кунлик йўл давомида кетма-кет боғлар, бўстонлар, яйловлар ва даралар орасидан юриб, [унинг йўли] яйловлар ва далалар орасидаги сувлари тўхтовсиз оқиб турувчи анҳорлар ва ҳовузларнинг мавжудлигидан яна ҳам енгилашади. Дарахтларнинг ва ўсимликларнинг ям-яшиллиги дарёнинг<sup>18</sup> иккала томони бўйлаб чўзилган, уларнинг ортида экинзорлар [жойлашган], экинзорлар ортида эса уларни гўё кўриқлаб тургандек подаларга [бой] яйловлар, қасрлар ва ям-яшилликлар орасида чарақлаб турган ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг қалъалари [жойлашган] бўлиб, гўёки сув йўллари яшил ипак мато устидан кўйиб юборилгандек ва қасрлар билан безатилгандек. [ас-Суғд] Аллоҳнинг энг тоза, **(474)** энг дарахтлари кўп, энг фаровон ва энг меваларга бой ўлкасидир. Унинг барча аҳоли масканлари боғлар, ҳовузлар ва оқар сувлар билан зич ўралган. У ерда бирор бир кўча, маҳалла, бозор, туман, қаср ёки шаҳар йўқки, унда оқар сув ёки сокин [сувли] ҳовуз бўлмаса.

Фарғона, аш-Шош, Ушрусана ва бутун Мовароуннаҳрда қалин ўсган дарахтлар, мўл-қўл мевалар ва кетма-кет яйловлар шунчалик [кўп] ки, унга ўхшаши бошқа бирорта мамлакатда йўқ.

Фарғонада, у билан турклар мамлакати орасидаги тоғларда<sup>19</sup> узум, ёнғоқ, олма ва барча мевалар<sup>20</sup>, шунингдек атиргул, бинафша ва турли райҳон навлари бор. Буларнинг ҳаммаси ҳеч кимга тегишли

эмас, уларнинг эгаси йўқ, ва уларни [олиш] ҳеч кимга тақиқланмаган<sup>21</sup>.

Мовароуннаҳр тоғларида ҳеч кимга тегишли бўлмаган писталар<sup>22</sup> шунчалик [кўпки], бошқа бирорта мамлакатда бунча миқдорда йўқ. Ушрусанада атиргул ва райҳонлар кузнинг охиригача [ўсиб туради]. ал-Жузжон<sup>23</sup> еридаги ал-Журзувонда<sup>24</sup> ҳам шундай. Хуросон *ноҳийаларида* ғаройиб рангли атиргуллар бўлиб, унинг турли хиллари мавжуд ва мавсумнинг охиригача [очилиб] туради. Баргининг ички [томони] бир рангда, сиртки [томони] эса бошқа рангда: ташқи [томон] нинг сариқ ранги [ички томоннинг] қора [ранги] билан, қизил ранг билан [эса] ҳаво ранг ва тўқ мовий [ранглар] бир-бирига мутаносиб туради<sup>25</sup>.

## X [МАЪМУРИЙ БЎЛИНИШИ]

Мовароуннаҳрда кенг ҳудудлар ва катта вилоятлар бор. Улардан Жайхун [дарёси] нинг яқинида жойлашганларидан [биринчиси] бу Хуросон сув кечуви<sup>1</sup> ёнидаги Бухоро вилоятидир. Унга Самарқандга қарашли бўлган ас-Сувд [вилояти]<sup>2</sup> нинг ҳаммаси, шунингдек Ушрусана, аш-Шош, Фарғона, Кеш<sup>3</sup>, Насаф<sup>4</sup>, ас-Сағонийон ва унинг вилоятлари, ал-Хуттал ва Жайхун дарёси бўйлаб жойлашган ат-Тирмиз<sup>5</sup>, ал-Қуводийон<sup>6</sup>, Ахсисак<sup>7</sup> ва Х<sup>в</sup>оразм [вилоятлари] уланиб кетган.

Бороб ва Исбижобдан ат-Тароз ва Илоқгача<sup>8</sup> бўлган [ерлар] эса ҳаммаси аш-Шошга [қарашли] дир<sup>9</sup>. Хужанда<sup>10</sup> эса Фарғонага қиради. Вошжирд ва ас-Сағонийон орасида жойлашган [ерлар] ас-Сағонийон вилоятига киритилди, ал-Хуттал [вилояти] ни биз Мовароуннаҳрга киритдик, чунки у Вахшоб ва Харбоб [дарёлари] орасида [жойлашган] дир. Х<sup>в</sup>оразм, юқорида айтилганидек, [Мовароуннаҳрда] жойлашган.

Бухоро, Кеш ва Насафни ҳар бирини **(475)**ас-Сувдга киритса ҳам бўлар эди<sup>11</sup>. Лекин тафсилотларни беришда енгил ва қулай бўлиши учун улар [алоҳида] ажратиб олинди. Бу ҳудудларни бир-

бирига қўшиш ёки уларни фарқлаш [бу] шаҳарлар ва дарёларни тавсифлашдан бошқа [ҳеч қандай] мақсадга эга эмас<sup>12</sup>. Ви-лоятларнинг жойлашуви ва уларнинг хусусиятлари ҳақида Жайхун [дарёси] зикр этилганидан кейин, Мовароуннаҳр таърифини келтирганимда айтаман.

## XI [ЖАЙХУН ДАРЁСИ]

Жайхун<sup>1</sup> [дарёси] га келсак, унинг асосий ўзани Харбоб<sup>2</sup> дарёси бўлиб, Бадахшон<sup>3</sup> ҳудудидаги Вахон<sup>4</sup> мамлакатидан оқиб чиқади. ал-Хуттал ва ал-Вахш<sup>5</sup> ҳудудида унга бир қатор дарёлар қўйилади, ва улардан бу катта дарё ҳосил бўлади. Бу дарёлардан [бири] Харбоб [дарёси] дан кейин келиб, Ахшу<sup>6</sup> деб аталади. У Хулбук<sup>7</sup> [шаҳри] нинг дарёсидир. Ундан кейин Барбон<sup>8</sup> дарёси келади. Ундан кейин учинчи [дарё] — Форғар<sup>9</sup> дарёсидир. Тўртинчи [дарё] — Андижороф<sup>10</sup> дарёсидир. Бешинчи [дарё] Вахшоб<sup>11</sup> дарёси [бўлиб], у барча [мазкур дарё] лар ичида энг серсувидир. Бу сувлар Орҳан<sup>12</sup> га етмасдан унга қўшилади. Кейин ал-Қуводийонга<sup>13</sup> етмасдан Вахшоб [дарёси] билан қўшилади.

Шундан кейин унга ал-Буттам<sup>14</sup> ва бошқа [жой] лардан оқиб чиқувчи дарёлар қўйилади. Булар ас-Сағонийон<sup>15</sup> дарёлари ва ал-Қуводийон дарёларидир, улар [ҳаммаси] ал-Қуводийон яқинида бирлашадилар.

Вахшоб [дарёси] нинг суви турклар мамлакатидан<sup>16</sup> оқиб чиқиб, ал-Вахш ерларида кўринади ва [бир] тоғ [ичи] дан ўтиб, катта кўприк<sup>17</sup> остидан ўтади. [Бу ерда] сув шунчалик кўпки, унинг [чуқурлигини] аниқлаш мумкин эмас. Кейин [дарё] торайиб, бу ерда [олдин] гидек [яна] тор бўлади. Бу кўприк ал-Хуттал ва ал-Вошжирд<sup>18</sup> ўртасидаги чегарадир. Кейин бу дарё Балх<sup>19</sup> [вилояти] ҳудудларидан ат-Тирмиз [томон] га, кейин Кайлиф<sup>20</sup> орқали Замм<sup>21</sup>, кейин Омул<sup>22</sup> [томон] га оқиб, Х<sup>в</sup>оразмда<sup>23</sup> тугайди ва унинг кўлига<sup>24</sup> [қўйилади].

Бу дарёнинг сувидан ал-Хутталда, ат-Тирмизда ва Замм ноҳийасигача [ерларда] ҳеч ким фойдаланмайди. Ундан Замм, Омул ва Фарабр<sup>25</sup> аҳолиси фойдаланади, кейин [дарё] Х<sup>в</sup>оразмгача етиб боради ва унинг аҳолиси [сувнинг] ҳаммасини ўз далаларига ишлатадилар<sup>26</sup>.

## ХII

### [АЛ-ХУТТАЛ ВА АЛ-ВАХШ]

Жайхун [дарёси] даги Мовароуннаҳрнинг биринчи вилояти ал-Хуттал<sup>1</sup> ва ал-Вахшдир<sup>2</sup>. Улар иккиси (476) [турли] вилоятлардир, лекин улар бир маъмурий бирликка бирлаштирилган. Улар Харобоб ва Вахшоб [дарёлари] орасида [жойлашган].

ал-Хуттал шаҳарлари [қуйидагилар]: Хулбук<sup>3</sup>, Мунк<sup>4</sup>, Тамлийот<sup>5</sup>, Форғар<sup>6</sup>, Ковбанж<sup>7</sup>, Андижороғ<sup>8</sup>. \*Мунк [шаҳри] нинг катта *рустоқи*<sup>9</sup> бор<sup>10</sup>. ал-Вахш шаҳарлари — Халовард<sup>11</sup> ва Ловаканд<sup>12</sup> дир.

Султон<sup>13</sup> қароргоҳи Хулбукда [жойлашган] бўлса ҳам Мунк ва Халовард Хулбукдан каттароқдир.

ал-Хуттал ва ал-Вахш билан Вахон<sup>14</sup> ва аш-Шикнийя<sup>15</sup> [вилоятлари] чегарадошдир. Улар [иккиси] куфр ўлкалари<sup>16</sup> бўлиб, улардан *мушк* ва қуллар [сотиб] олинади. Вахонда бой кумуш конлари [бор]<sup>17</sup>. ал-Хуттал дарёларида олтин [бор], Вахон мамлакатидан оқиб келадиган жилғалардан кўп [миқдорда] олтин [заррача] ли қум олинади<sup>18</sup>. Вахон ва ат-Туббат<sup>19</sup> орасидаги масофа яқин.

ал-Хуттал ерида кўп экинлар ва мевалар мавжуд. Бу ниҳоятда серҳосил ва бой ўлкадир. Унда отлар ва чорва моллари жуда кўп<sup>20</sup>.

## ХIII

### [ВОШЖИРД, АЛ-ҚУВОДИЙОН, АТ-ТИРМИЗ ВА АС-САҒОНИЙОН]

Кимки ал-Хуттал ва ал-Вахшдан Вошжирдга<sup>1</sup> ўтса, [ундан кейин] ал-Қуводийон<sup>2</sup>, ат-Тирмиз<sup>3</sup> ва ас-Сағонийон<sup>4</sup> *ноҳийалари*

ва уларнинг ёнидаги [ерлар] га [келади]. Бу ҳудудлар кенг, шунингдек бой ва оддий халқдан иборат бўлган кўп сонли аҳолига эга алоҳида вилоятлардир.

ат-Тирмизга келсак, бу Жайхун [дарёси] нинг юқори қисмида [жойлашган] шаҳардир. Унда қухандиз<sup>5</sup> ва уни ўраб турган рабад<sup>6</sup> мавжуд. Рабад ҳам девор билан [ўралган]. Амир қароргоҳи қухандизда, қамоқхона қухандиз ташқарисида, шаҳар бозорида [жойлашган], жоме масжиди ҳам шундай. Намозгоҳ<sup>7</sup> девор ичкарисида, рабад ҳудудида, бозорлар эса [шаҳар ичида]. Унинг бинолари пахсадан<sup>8</sup> [қурилган], кўчалари ва бозорларининг кўп қисмига пишиқ фишт ётқизилган. У гуллаб-яшнаган [шаҳар] бўлиб, Жайхун [дарёси] нинг бўйида [жойлашган] ўша ноҳийаларнинг гавжум портидир<sup>9</sup>. Унга энг яқин тоғлар [ундан] бир марҳалага<sup>10</sup> яқин [масофа] да [жойлашган]<sup>11</sup>. Уларнинг ичимлик суви Жайхун [дарёси] ва ас-Сағонийондан оқиб келиб, [шаҳар] дан пастроқда Жайхунга қуйилувчи дарёдан<sup>12</sup>.


Унга Сарманжи<sup>13</sup> ва Хошимжирд<sup>14</sup> шаҳарлари қарашлидир.

ал-Қуводийон [алоҳида] бир шаҳар бўлиб, унинг ўз вилояти бор. У ат-Тирмиздан анча кичик бўлиб, Фазз<sup>15</sup> деб аталади. (477) Унга Навдиз<sup>16</sup> [номли] шаҳар қарашли ва бу шаҳар ал-Қуводийондан ҳам кичикроқдир.

Вошжирд катталиги бўйича тахминан ат-Тирмизга [тенг], Шумон<sup>17</sup> эса ундан кичикроқдир.

Вошжирд ва Шумондан ас-Сағонийон яқинигача [ерлар] дан кўп заъфарон<sup>18</sup> олинади ва ҳар хил ноҳийалар ва шаҳарларга олиб кетилади. ал-Қуводийондан рўян<sup>19</sup> олинади ва уни ал-Ҳинд мамлакатига кўп миқдорда олиб кетилади. Унинг ичида бир сахм<sup>20</sup>, яъни [бир] улуш султонга<sup>21</sup> тегишли бўлиб, унинг миқдори унинг илдизларини ердан қазиб чиқараётганлар ҳисобига белгиланиши мумкин. Унинг улуши мол билан ёки қумуш билан тўланади, ва [тўпланган] ларнинг ҳаммаси султонга тегишли бўлади.

Ас-Сағонийон ат-Тирмиздан каттароқ шаҳар, [лекин] ат-Тирмизда аҳоли ва бойликлар кўпроқ, ас-Сағонийонда қухандиз



Термиз яқинидаги Оқ  
Остонабобо мақбара-  
сининг деворидаги  
буддавий рамзлар  
(XI аср).

[бор]. У Хуросон қўшинининг лашкарбошиси Абу ‘Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар ибн Муҳтожнинг<sup>22</sup> ватанидир. Хуросонда у сингари ўзининг фазилатлари, олийжаноблиги, ахлоқий софлиги ва аслзодалиги билан ўз замонасининг энг афзал суворийси бўлмаган, ва бу [фазилатлар] унинг бошқарув ва сиёсат олиб бориш [санъати] билан [ҳамоҳанг бўлиб], бунга барча гувоҳлик беради. Лекин унинг [иши] ёмонлик билан тугади ва у ўз соҳибига қарши исён кўтариб, уни фаровонлигига путур етказишда ҳаддан ташқари [кўп] ҳаракат қилган<sup>23</sup>.

#### XIV [АХСИСАК]

Ахсисак<sup>1</sup> [шаҳри] Замм<sup>2</sup> қаршисида [жойлашган], Замм эса Хуросон еридадир. Лекин улар иккаласи бирга Мовароуннаҳрга [қарашли] бир вилоятни [ташkil этади]<sup>3</sup>. У кичик, [лекин] ҳосилдор шаҳардир. Унинг атрофларида туя ва қўйлардан [иборат] подалар кўп. Унинг чор атрофида [фақат] чўл, қудуқлар, яйловлар ва [алоҳида] манзилгоҳлар мавжуд. Фарабрга<sup>4</sup> келсак, у Бухорога тегишли шаҳар бўлиб, унинг тавсифи [Бухоро] билан бирга берилади.

#### XV [Х<sup>в</sup>ОРАЗМ]

Х<sup>в</sup>оразм<sup>1</sup> — [бир] ўлканинг номидир, бу ўлка Хуросондан ҳам, Мовароуннаҳрдан ҳам алоҳидадир. Уни ҳар томондан чўллар ўраб

туради. Унинг чегараси шимол ва ғарб [томон] да *ғузлар* [мамлакати] нинг чегараси билан уланиб кетган, унинг жануб ва шарқ [томони] да эса Хуросон ва Мовароуннаҳр [жойлашган]. У кенг вилоятлар ва кўп шаҳарларни [ўз ичига олувчи] катта *ноҳийадир*. У Жайхун [дарёси] нинг охиридир. Ундан кейин дарё [Х<sup>в</sup>оразм] кўлига қуйилган ергача бу дарёда [ҳеч қандай] аҳоли маскани йўқдир. У Жайхун [дарёси] нинг икки томонида [жойлашган] *ноҳийадир*. Унинг энг катта шаҳри Жайхуннинг шимол томонида [жойлашган], унинг жануб томонида ал-Журжонийа<sup>2</sup> номли катта бир шаҳар бор. У пойтахтдан<sup>3</sup> кейин Хоразмдаги энг катта шаҳардир. У *ғузларнинг* савдо [қиладиган] ери бўлиб, бу ердан карвонлар Журжонга<sup>4</sup> йўл оладилар. Уларнинг карвонлари олдин **(478)** кўп вақтлар давомида ал-Хазар<sup>5</sup> [мамлакати] га, шунингдек Хуросонга йўл олар эди. Хоразмда пойтахтдан бошқа Дарғон<sup>6</sup>, Хазорасб<sup>7</sup>, Хива<sup>8</sup>, Ардахушмитан<sup>9</sup>, Софардиз<sup>10</sup>, Нузвор<sup>11</sup>, Кардарон-хош<sup>12</sup>, Кардар<sup>13</sup>, Қарийа Қаротакин<sup>14</sup>, Мадминийа<sup>15</sup> ва Миздохқон<sup>16</sup> ва ал-Журжонийа шаҳарлари бор.

## XVI [Х<sup>в</sup>ОРАЗМ ПОЙТАХТИ]

[Х<sup>в</sup>оразм] пойтахти Кот Дархош<sup>1</sup> [номи] билан машҳур эди. У вайрон бўлди, ва унинг аҳли унинг ёнида ал-Журжонийага ўхшаш бошқа [бир шаҳар] га асос солдилар. Кот [шаҳри] да, [яъни] унинг пойтахтида, *қухандиз* ва *мадина*<sup>2</sup> бор эди, [лекин] уни дарё вайрон қилди, [шунингдек] *қухандиз* орқасидаги жомеъ масжидини ҳам [вайрон] қилди. Улардан ҳеч қандай из ёки хароба ҳам қолмади.

Шаҳарнинг ўртасида шаҳарни ва бозорни кесиб ўтувчи Харқрур<sup>3</sup> номли ариқ [оқиб] ўтган. Шаҳар бу ариқнинг икки томонида [жойлашган] эди. [Шаҳар] нинг узунлиги тахминан учдан бир *фарсахни*, [энига] ҳам шунчани [ташқил этган]. Унинг бозорлари қулай жойлашган, савдоси эса чаққон ва даромадли бўлган. [Кейин] улар унинг ортида ўзларига бошқа [бир шаҳар] қурдилар.

## XVII [Х<sup>в</sup>ОРАЗМ ВИЛОЯТИ]

Омул<sup>1</sup> тарафдан [келганда], Х<sup>в</sup>оразм чегарасидаги биринчи [маскан] ат-Тоҳирийя<sup>2</sup> деб аталади. Бу ерда иморатлар Жайхун [дарёси] дан жанубда жойлашган. [Дарё] нинг шимолида эса Форомхаша<sup>3</sup> қишлоғига етгунча [ҳеч қандай] иморатлар йўқ. Кейин Форомхашадан Х<sup>в</sup>оразмнинг [бош] шаҳрига<sup>4</sup> қадар Жайхуннинг иккала тарафида иморатлар мавжуд. Форомхашага олти *фарсах* етмасдан [дарё] дан бир ариқ бошланиб, унда то (479) шаҳарга қадар *рустоқларнинг* иморатлари [жойлашган]. Бу ариқ Фовх<sup>в</sup>ора<sup>5</sup> номи билан таниқли бўлиб, маъноси «мол емиши» дир. Бу ариқнинг кенлиги беш *боъ*<sup>6</sup> га, чуқурлиги эса икки *қомат*<sup>7</sup> га тенг, унда қайиқлар қатнайди.

Фовх<sup>в</sup>ора [ариғи] беш *фарсах* оқиб ўтганидан кейин ундан Казна<sup>8</sup> номли ариқ оқиб чиқади, айрим *рустоқлар* унинг [суви] дан ҳаёт кечиради.

ат-Тоҳирийядан Ҳазорасбгача Жайхун бўйидаги иморатли [ерлар] нинг кенлиги катта эмас. Ҳазорасбда сув ёйилиб оқа бошлайди ва шаҳар қаршисида унинг кенлиги тахминан икки *фарсахга* тенг. Кейин [дарё] икки *фарсах* давомида ал-Журжонийага етгунча торайиб боради. Кейин [дарё] Курконждан<sup>9</sup> беш *фарсах* масофадаги Кит<sup>10</sup> номли қишлоққа етиб боради. Бу тоғ яқинидаги бир қишлоқ бўлиб, бу тарафларда ундан бошқа [аҳоли маскани] йўқ. Бу тоғнинг орқасида чўл [жойлашган].

Ҳазорасбдан Жайхуннинг гарбий соҳилидаги ерларгача кўп ариқлар бор<sup>11</sup>. Улардан [бири] Омул яқинида Жайхундан бошланиб, Ҳазорасб деб [аталади]. У Фовх<sup>в</sup>ора [ариғи] нинг тахминан ярмига [тенг], унда қайиқлар юради.

Кейин Ҳазорасбдан икки *фарсахга* яқин [масофа] да Кардарон-хош номли ариқ [келади]. У Ҳазорасб ариғидан каттароқдир.

Ундан кейин Хива ариғи [келади]. Бу ариқ Кардарон-х<sup>в</sup>ошдан каттароқдир, унда қайиқлар Хивага қатнайди. Ундан кейин Мадро



арифи [келади]. У Ғовх<sup>9</sup>орадан икки баробар каттароқдир, унда қайиқлар Мадрога<sup>12</sup> қатнайди, Хива арифи Мадро арифидан бир милга яқин [масофа] да [жойлашган].

Мадро арифидан Вадок<sup>13</sup> арифига [ўтилади]. Унда ҳам қайиқлар ал-Журжонийага қатнайди. Вадок арифи билан Мадро арифи орасидаги [масофа] бир мил<sup>14</sup> атрофида. Вадок арифидан Х<sup>9</sup>оразм шаҳригача [масофа] икки *фарсах* атрофида. Шаҳардан пастроқда ал-Журжонийа *ноҳийасида* Бух<sup>15</sup> номли ариқ [бор]. Бух [арифи] нинг суви Вадок [арифи] нинг суви билан Андаристон<sup>16</sup> номли қишлоқнинг охирида, ундан пастроқда, ал-Журжонийа ва Вадок томонга [юраверишда] қўшилади. Вадок [арифи] Бухдан каттароқ, унда (480) қайиқлар бир *ғалва*<sup>17</sup> [масофа] да ал-Журжонийага қатнайди. Кейин у ерда қайиқлар [юриши] ни таъқиқлайдиган тўсиқ ўрнатилган.

Бу икки ариқнинг қўшилиш [ери] дан ал-Журжонийагача [масофа] бир *мархала*<sup>18</sup> атрофида. Ғовх<sup>9</sup>ора арифи билан шаҳар орасидаги [масофа] ўн икки *фарсах*. Шаҳар ёнида Х<sup>9</sup>оразм дарёсининг кенглиги икки *фарсахга* [тенг]<sup>19</sup>.

Кардар [шаҳри] нинг Х<sup>9</sup>оразм шаҳридан тўрт *фарсах* пастроқда бошланувчи дарёси бўлиб, у бир-бирига яқин жойлашган тўрт манзилдан келиб ягона [ўзанга] бирлашади ва Бух ва Вадок [ариқлари] ни қўшилганига тенг [бир] дарёга айланади.

Айтишларича, қадимги вақтларда Жайхуннинг ўзани шу ерда бўлган. Агар Жайхуннинг суви камайса, бу дарёдаги сувнинг сатҳи ҳам пасайган.

Кит [шаҳри], унинг қаршисида, [дарёнинг] шимол тарафида Мадминийа номли шаҳар [жойлашган]. У Жайхундан тўрт *фарсах* масофада [жойлашган]. Лекин у ал-Журжонийага [қарашли]. Бундай бўлишининг сабаби шуки, дарё Кардардан бурилиб, Кит ва Мадминийа орасидан ўтувчи [янги ўзан] дан оқа бошлаган. [Дарёнинг] бу қирғоғида Мадминийадан кейин бошқа [ҳеч қандай] аҳоли маскани йўқ.

Кардар ва Жайхун орасида Миздохқон [номли] *рустоқ* бор. Миздохқон ва Жайхун орасидаги [масофа] икки *фарсах*. У ал-

Журжонийанинг қаршисида [жойлашган]. Кардар [атрофи] даги шаҳарга [кетаверишдаги] ҳар бир қишлоқда Жайхундан чиқарилган ўзининг ариғи бор. Бу ариқларнинг ҳаммаси [Жайхун] дан [бошланади].

Сўнгра Жайхун овчилар яшайдиган бир ерда Х<sup>в</sup>оразм кўлигача етиб боради. У ерда ҳеч қандай қишлоқ ва бинолар йўқ. Бу ер Халанжон<sup>20</sup> деб аталади. Бу денгизнинг қирғоғида Халанжон қаршисида *ғузлар* ери [жойлашган]. Сулҳ ва тинчлик бўлганида, [*ғузлар*] бу томондан Қарийа Қаротакинга, бошқа томондан эса ал-Журжонийага келадилар. Бу *ноҳийанинг* ҳаммаси чегара [ерлар] дир.

Жайхун дарёсидан Говх<sup>в</sup>орага бир *мархалага* яқин [масофа] қолганда унинг олдида [сув йўлини] тўсиб турувчи тоғлар бор. У ерда сув шунчалик торайиб кетадики, Жайхуннинг кенглиги унинг учдан бирига тенг бўлиб қолади. Бу ер Абуқша<sup>21</sup> деб номланади. Бу ер кемалар юришига [жуда ҳам] хавфли бўлиб, унда сув оқими жуда ҳам тез ва сувнинг чиқиш ери жуда ҳам хатарлидир.

## XVIII [Х<sup>в</sup>ОРАЗМКЎЛИ]

**(481)** Жайхун қуйиладиган ер билан аш-Шош дарёсининг бу кўлга қуйиладиган ери орасидаги [масофа] тахминан ўн кунлик [йўл].

Қишда Жайхун дарёси баъзан музлаб қолиши мумкин, ҳатто унинг устидан оғир нарсалар, эшаклар, юклар ва туялар олиб ўтилади. Унинг музланиши Х<sup>в</sup>оразм *ноҳийасидан* бошланиб, музланиш тугайдиган ергача кўтарилади. [Музланиш] қанчалик [кўп] кўтарилса, совуқ шунчалик қаттиқ бўлади, сув эса [қаттиқроқ] музлайди. Жайхун дарёсидаги энг совуқ [ерлар] Х<sup>в</sup>оразм ерларидадир.

Х<sup>в</sup>оразм кўли қирғоғида Жағир Уғур<sup>1</sup> номли бир тоғ бор. Унинг ёнида сув музлаб, ёзда ҳам эримайди. У ерда тўқайзорлар бор.

Менга айтишларича, Х<sup>в</sup>оразм кўлининг айланаси илм аҳлининг бир тўхтамага келган фикрига кўра, тахминан юз *фарсахга* тенг.

Унинг суви шўр. Унда [кўзга] кўринадиган [сувнинг] кетиш ери йўқ. Унга Жайхун дарёси, аш-Шош дарёси ва ўша ерлардаги бошқа сувлар қуйилади. У кичик бўлса ҳам, унинг суви чучукланмайди, сатҳи эса кўтарилмайди.

Афтидан, Аллоҳга эса бу яхшироқ аён, у билан ал-Хазар денгизи<sup>2</sup> орасида сув йўли бўлиб, унинг суви ал-Хазар кўлининг<sup>3</sup> суви билан қўшилади. Бу ҳақда [айрим] одамлар ҳикоя қилганлар, лекин мен бунинг ҳақиқатдан шундайлигига амин бўлмадим. Бу икки кўл орасидаги [масофа] йигирма *мархалага* яқин.

## XIX [X<sup>o</sup>ОРАЗМ БОЙЛИКЛАРИ]

X<sup>o</sup>оразм ҳосилдор *ноҳийа* бўлиб, [унда] озиқ-овқатлар, дон-дунлар ва мевалар кўп, лекин у ерда ёнғоқ йўқ. У ердан пахта ва жундан [тикилган] кийимлар, турли матолар олинади ва дунёнинг барча мамлакатларига олиб кетилади.

Унинг аҳолисининг ўзига хос хусусияти шуки, [улар] ўзларининг бойликларини ва саҳийлигини кўрсатишни яхши кўрадилар. Хуросон аҳли ичида улар энг кўп [турли ерларга] тарқалиб кетганлар ва [энг кўп] саёҳат қиладилар. Хуросонда бирорта ҳам катта шаҳар йўқки, унда хоразмликларнинг кўп сонли жамоаси бўлмаса.

Унинг аҳолисининг тили алоҳида, ўзига хосдир. Хуросонда уларнинг тилига ўхшаш [бошқа] тил йўқ<sup>1</sup>.

Уларнинг кийимлари [калта] *қуртуқлар* ва чўғирма бош кийимлардир, уларнинг тикилишида ўзига хос анъана ва шакл мавжуд.

Уларнинг хулқ-атвори Хуросон [бошқа ерларидаги] аҳлидагидек эмас. Уларда *ғузларга* қарши туришда матонат ва жасорат [хислатлари] бор. Уларнинг мамлакатада на олтин, на кумуш ёки [бошқа бирор] ер [ости] бойликларининг [конлари] мавжуд. Уларнинг ҳамма бойликлари турклар<sup>2</sup> билан савдо қилиш ва чорва боқиш **(482)** [туфайли] дир.

Қулларнинг кўп қисми *славян*<sup>3</sup>, *хазар*<sup>4</sup> ва улар билан қўшни бўлган ерлардан [келтирилади], шунингдек, [уларда] турк қуллари<sup>5</sup>, *ал-фанақ*<sup>6</sup>, *сувсар*<sup>7</sup>, тулкилар, *ад-далақ* [мўйналари]<sup>8</sup> ва бошқа ҳайвонларнинг мўйналари, буларнинг ҳаммаси уларга келтирилади ва ўша ерда қолади.

Уларда қуён ва мўйналарни олиб келиш учун Йожуж ва Можуж<sup>9</sup> мамлакатларига борадиган савдогарлар бор. Уларнинг [мамлакати] га камдан кам [ҳолларда] соқолли кишилар боришга журъат қиладилар, [чунки] уларнинг кўпчилиги [юзи] даги сочи ва мўйлови [жуда] сийрак. Йожуж ва Можуж [қабиласи] даги катта ёшли одамлар соқолсиз ва туксиздир<sup>10</sup>. Уларнинг [мамлакати] га серсоқол одам келса, Йожуж ва Можуж қабиласи подшоҳи унинг соқолини юлиб ташлашни буюради. Кейин у соқоли олдириб ташланган савдогарга яхшиликлар қилиб, унга совға-саломлар беради.

Бу Жайхун [дарёси] атрофида [жойлашган] вилоятлар эди.

## XX [БУХОРО]

Бухорода бутун Хуросоннинг ҳокимият идораси [жойлашган]<sup>1</sup>. У Мовароуннаҳр вилоятларига олиб борувчи катта йўл бошида [жойлашган], [ундан] кейин у билан боғлиқ бўлган [бошқа шаҳар] лар келади. [Аслида] унинг номи Бумижкат<sup>2</sup> бўлиб, у текисликда [жойлашган] шаҳардир. Унинг бинолари [улама] ёғочдан [қурилган] бўлиб, [бир-бири билан] чатишиб кетган, бу чатишган биноларни [эса] қасрлар, боғлар, маҳаллалар, тош ётқизилган кўчалар ва ҳар томондан ўн икки *фарсах* [масофа] гача [бир-бирига] уланиб кетган қишлоқлар ўраб туради. Уларнинг ҳаммасини, бу қасрлар, бинолар, қишлоқлар ва *қасабани*<sup>3</sup> ўз ичига олувчи девор ўраб туради<sup>4</sup>. Бу майдоннинг барчасида [бирор бир] чўл, хароба [ёки] ташландиқ [ер] кўринмайди.

Бу девордан бошқа *қасабанинг* [ўз] махсус [девори] бўлиб, унинг ичида *қасабага* кирувчи қасрлар, уй-жойлар ва маҳаллалар

жойлашган. Уларда қасабада қишин-ёзин яшовчи (483)[одамлар] турадилар.

Бу девордан бошқа яна [бир] девор бўлиб, унинг ҳар томони тахминан бир *фарсахга* [тенг]. Бу девор ичида мустаҳкам девор билан ўралиб турувчи *мадина*, ташқарисида унга улашиб кетган *қухандиз* бор. Унинг катталиги кичик бир шаҳардек, [унинг ичида] яна бир қалъа бор. Сомон оиласидан бўлган Хуросон волийларининг турар жойлари шу *қухандизда* жойлашган.

[Шаҳар] да кенг ва узун *рабад* бор. Унинг жоме масжиди *мадинада*, Боб ал-Қухандиз [дарвозаси] ёнида [жойлашган], унинг қамоқхонаси *қухандизда*, бозорлар эса *рабадда* [жойлашган].

Хуросон ва Мовароуннаҳрда Бухородек бинолари чапишиб кетган, [эгаллаган] майдонига нисбатан аҳолиси кўп шаҳар йўқ. Унинг *рабадида* ас-Суғд дарёси<sup>5</sup> [оқиб ўтиб], *рабадни* ва унинг бозорларини кесиб ўтади. Бу ас-Суғд дарёсининг охири бўлиб, бу ерда у тегирмонлар, қишлоқлар ва экинзорлардан оқиб ўтади. Унинг қолдиғи Байканд<sup>6</sup> ёнида, Фарабр<sup>7</sup> яқинида [жойлашган] ва Сом Хош<sup>8</sup> деб аталган [бир] сув ҳавзасига тушади.

Бухоро *мадинасининг* еттита темир дарвозаси бор. Булар Боб ал-Мадина, Боб Нур, Боб Хуффа, Боб ал-Ҳадид, Боб ал-Қухандиз, Боб Бани Асад, бу эса Муҳр дарвозасидир, ва [ниҳоят] Боб Бани Саъд номли дарвоза. Қухандизнинг икки дарвозаси [бор], уларнинг бири ар-Регистон деб аталади, бошқаси жоме масжидига қараган бўлиб, Боб ал-Жоме деб аталади.

*Рабаддан* [бир нечта] *дарблар*<sup>9</sup> бор. Улардан Хуросон [йўлига] чиқувчи Дарб ал-Майдон, шарқ [томон] га чиқувчи Дарб Иброҳим, сўнг-ра Дарб ар-Рив, кейин ал-Мурдақшон *дарби*, кейин Дарб Калобод, бу дарвоза ва Мурдақшон дарвозасидан Насаф ва Балх [томон] га чиқилади. Дарб Калободдан кейин Дарб ан-Навбахор ва Самарқанд *дарби* келади, ундан Самарқандга ва Мовароуннаҳрнинг бошқа [шаҳарлари] га борилади. Дарб Самарқанддан сўнг Дарб Бағошкур ва Дарб ар-Ромитана, кейин Дарб Ҳадсарун бўлиб, ундан Х<sup>в</sup>оразм йўлига чиқилади. Ундан кейин Дарб Фашаж<sup>10</sup> келади.

Рабаднинг ўртасида унинг бозорларида [ҳам] дарблар бор. Улардан Боб ал-Ҳадид [дарвозаси], ундан сўнг Боб Қантарат Ҳассон [дарвозаси], кейин Мох<sup>11</sup> масжиди ёнидаги икки дарвоза келади. (484) Улардан кейин Боб Рухна номли дарвоза ва Абу Ҳишом ал-Қиноний қасри ёнидаги дарвоза келади. Сўнгра Қантарат ас-Сувайқа [кўприги] ёнидаги дарвоза, кейин Боб Форжак ва Боб Дарвозача [дарвозаси] ҳамда Боб Сиккат Муғон<sup>12</sup> [дарвозаси] ва Ички Дарб Самарқанд [дарвозаси] келади.



Бухоро. Сомонийлар мақбараси деворидаги рамзлар.

## XXI [БУХОРО ШАҲРИ АРИҚЛАРИ]

Мадинада ҳам, қухандизда ҳам оқар сув йўқ, чунки улар баланд [ер] да [жойлашган]. Уларнинг [ичимлик] суви Самарқанддан оқиб келувчи энг азим дарёдан. Бу дарёдан шаҳарга [бир неча] ариқлар ажралиб чиққан. Улардан [бири] Фаширдиза<sup>1</sup> номли ариқ бўлиб, у Бухоро дарёсидан ал-Варағ<sup>2</sup> номли ерда сув олади ва Дарб Мурдкашон<sup>3</sup> [дарвозаси] ва Жу[й]бор Иброҳимдан<sup>4</sup> оқиб ўтиб, Боб ал-Балъамий<sup>5</sup> [дарвозаси] га етиб боради ва Навканда<sup>6</sup> ариғига қуйилади. Бу ариқ [атрофлари] да ундан ичимлик учун сув олувчи икки мингга яқин боғлар, қасрлар ва кўплаб ерлар [жойлашган]. Бу ариқнинг бошланиш еридан охиригача [масофа] бир фарсахга яқин.

Жу[й]бор Бакор<sup>7</sup> номли ариқ юқорида зикр этилган [катта] ариқдан шаҳар марказидаги Аҳйад масжиди номли ерда сув олади ва Навканда [ариғи] га қуйилади. Бу ариқдан рабаднинг бир қисми ва мингга яқин боғлар сув ичади. Ҳозир унинг атрофларидаги сувли ерларга [кўп] дарахтлар экилган.

Жу[й]бор ал-Қаворирийин<sup>8</sup> номли ариқ *мадинада* ал-‘Орид<sup>9</sup> масжиди деган ерда [катта] ариқдан бошланади ва *рабаднинг* бир қисмини суғоради. У Бакор ариғидан кўра каттароқ бўлиб, ерлар ва боғларга кўпроқ [сув] беради.

Жу-[и] Фашаж<sup>10</sup> номли ариқ ал-‘Орид масжиди ёнида [катта] ариқдан бошланиб, *рабаднинг* бир қисмини суғоради ва Навканда [ариғи] га чиқади. У тахминан Жубор ал-‘Орид [ариғи] билан тенг.

Наҳр Байканд<sup>11</sup> номли ариқ [катта] ариқдан *мадинада* Хатаб<sup>12</sup> кўчасининг боши ёнида бошланиб, *рабаднинг* бир қисмини суғоради ва Навканда [ариғи] га қуйилади.

Навканда ариғи [катта] ариқдан Дор Ҳамдуна<sup>13</sup> ёнида бошланади. У [ҳамма ариқларнинг] сувлари тўпланадиган еридир. Унинг сувидан *рабад* аҳолисининг бир қисми ичимлик учун [фойдаланади]. [Кейин] у чўлга кетади ва унинг сувидан ичимлик учун ҳеч ким [фойдаланмайди].

Ундан кейин ат-Тоҳуна<sup>14</sup> ариғи келади. У [катта] ариқдан *мадинада* ан-Навбахор<sup>15</sup> деган ерда бошланади. Унинг [атрофида] *рабад* аҳолисининг бир қисмининг уйлари [жойлашган]. У кўп сонли қўл тегирмонларини айлантиради ва Байкандга етиб боради. Ундан Байканд аҳли сув ичади.

(485) Наҳр Кушна<sup>16</sup> номли ариқ *мадинада* [оқиб ўтувчи катта] ариқдан ан-Навбахор [маҳалласи] ёнида сув олади. Ундан *рабаддаги* ан-Навбахор [маҳалласи] нинг аҳли сув ичади. [Кейин у] қалъалар, кўплаб қишлоқлар ва боғлардан ўтиб, Кушна ва Моймурғга<sup>17</sup> боради.

Рабоҳ<sup>18</sup> номли ариқ ар-Регистон номли ариқдан бошланиб, *рабаднинг* бир қисмини суғоради ва Рабоҳ қасригача етиб боради. У мингта яқин боғлар, у ердаги қасрлар ва [бу] боғлардан бошқа кўп ерларни суғоради.

ар-Регистон ариғи [катта] ариқдан ар-Регистон<sup>19</sup> яқинида бошланади. Ундан ар-Регистон, *қуҳандиз* ва *амир* саройида яшовчи аҳоли ичимлик учун [сув] олади. [Кейин] у Жалолдиза<sup>20</sup> қасрларигача етиб боради.

*Мадинада* Ҳамдуна кўприги<sup>21</sup> яқинида [катта] ариқдан [яна бир] ариқ бошланиб, ер остидан Боб Бани Асад<sup>22</sup> [дарвозаси]

ёнидаги ҳовузларгача оқиб боради. Унинг [сувининг] қолдиқлари *қуҳандиз* сув омборига қуйилади.

Наҳр Зугорқанда<sup>23</sup> номли ариқ [катта] ариқдан Варағ деган ерда бошланиб, Дарвозача<sup>24</sup> дарвозасидан оқиб ўтади. Унинг бўйида Дарвозача [махалласи] нинг уйлари [жойлашган]. [Кейин] у Самарқанд дарвозасидан [оқиб ўтиб], Сабиз-Мошагача<sup>25</sup> етиб боради. Бу [масофа] тахминан бир *фарсахдан* кўпроқ бўлиб, унда қасрлар, боғлар ва кўлаб ерлар [жойлашган].

Бу ариқлар Бухоро ва унинг боғларидан оқиб ўтади.

## XXII [БУХОРО РУСТОҚЛАРИ]

[Бухоро] нинг кўп сонли *рустоқлари*<sup>1</sup>, бой ва гуллаб-яшнаган *ноҳийалари*, катта вилоятлари ва гуллаб-яшнаган қишлоқлари бўлиб, мазмуни ва шаклига кўра бирор бир мамлакат аҳлидаги [қишлоқ] лар уларникига ўхшамайди. Агар дунёдаги бирор-бир *ноҳийа* ёки ҳудудда бошқаларникига ўхшаш [фазилат] лар бўлса, шунда ҳам улар мўл-кўликда ва тўкин-сочинликда [Бухоро] дек бўла олмайди. Булар ад-Дар<sup>2</sup>, Барғидар<sup>3</sup>, Сатижан<sup>4</sup>, ат-Тавовис<sup>5</sup> *рустоқи*, Бардақ<sup>6</sup>, Қуйи Харғона<sup>7</sup>, Нақрина<sup>8</sup>, Нажор Хитфар<sup>9</sup>, Кохуштувон<sup>10</sup> *рустоқи*, Андийон Кандийон<sup>11</sup>, Орқа Сомжан<sup>12</sup>, Пастки Сомжан<sup>13</sup>, Қуйи Фаровуз<sup>14</sup>, Юқори Фаровуз ва Арвон<sup>15</sup> каби [рустоқ] лардир.

(486) Бу *рустоқларнинг* ҳаммаси [Бухоро] вилоятини тўсиқ каби ўраб турувчи девор ичида [жойлашган]. Бу деворнинг ташқари [томони] да эса Худа<sup>16</sup>, Шобхаш<sup>17</sup>, Нашар<sup>18</sup>, бу эса Карминийа<sup>19</sup> *рустоқи*, Юқори Харғона, Фарқанд<sup>20</sup> *рустоқи*, Байқанд ва Фарабр [рустоқлари] жойлашган].



### XXIII [БУХОРО ВИЛОЯТИ АРИҚЛАРИ]

Ал-Буттам<sup>1</sup> тоғларидан тушиб, Самарқанд томондан Бухорога оқиб келувчи дарё Наҳр ас-Суғд<sup>2</sup> деб аталади, ас-Суғд ва Самарқандда эса [у] Наҳр Бухоро<sup>3</sup> деб аталади. Бухоро чегарасида шаҳар ташқарисидаги ташқи деворга етмасдан [жойлашган] ат-Тавовис *ноҳийасидан* [бошлаб] Боб ал-Мадина [дарвозаси] га етгунча ундан кўп ариқлар ажралиб чиқиб, девор ўз ичига олган қишлоқ ва экинзорларга тарқалиб кетади, Бухоро қишлоқларининг тирикчилиги шу [ариқ] ларга асосланган.

Улардан [бири] Шоффриком<sup>4</sup> деб аталган ариқ бўлиб, у дарёдан бошланиб, Вардона<sup>5</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни сув билан таъминлайди, [Вардона аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Харгон-руд<sup>6</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Зоваш<sup>7</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Зоваш аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Нажор Хитфар<sup>8</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб Хурмитанга<sup>9</sup> етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Хурмитан аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Наҳр Жарғ<sup>10</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Жарғ<sup>11</sup> номли чиройли қишлоқгача боради, унинг [аҳли] ичимлик сувини ундан [оладилар]. Сувнинг ортиб қолган қисми яна дарёга қайтиб қуйилади.

Навқанда<sup>12</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Фаройа<sup>13</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Фаройа аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Наҳр Барахша<sup>14</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Барахша<sup>15</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Барахша аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Наҳр Кушна<sup>16</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Кушна [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Кушна аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

(487) Наҳр ар-Ромитана<sup>17</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, ар-Ромитана<sup>18</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [ар-Ромитана аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Қуйи Фаровуз<sup>19</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Борйоба<sup>20</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Борйоба аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Арвон<sup>21</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Бонаб<sup>22</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Бонаб аҳли] нинг ичимлик сувига умидлари ундан.

Юқори Фаровуз<sup>23</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Ривақон<sup>24</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Ривақон аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Хома номли ариқ дарёдан бошланиб, Хома<sup>25</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Хома аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Наҳр Навканда<sup>26</sup> номли ариқ дарёдан бошланиб, Навбоғ ал-Амир<sup>27</sup> [қишлоғи] га етгунча [ҳамма] қишлоқларни суғоради, [Навбоғ ал-Амир аҳли] нинг ичимлик суви ундан.

Бу ариқларга [сув] берувчи ас-Сугд дарёси сувининг ортиб қолган қисми ад-Дар<sup>28</sup> номли дарёга қуйилади. Бу Бухоро *рабадини* суғорувчи дарё бўлиб, *рабадда* ундан юқорида зикр этилган шаҳар ариқлари [тарқалади].

Уларнинг кўпчилигида сувнинг кўп ва мўл-кўллигидан қайиқлар<sup>29</sup> юради. Уларнинг ҳаммаси Бухоро деворининг ичида ат-Тавовис [ноҳийаси] нинг чегарасида бошланади ва шаҳаргача оқиб келади.

## XXIV

### [БУХОРО БОЙЛИКЛАРИ ВА НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ]

Бухоро биноларининг барчаси бир-бирга уланиб кетган, уйлар бир тартибда ва биноларнинг асоси ер [сатҳи] дан баландга кўтарилган. Шаҳар *қухандизлар*<sup>1</sup> ва уйларнинг зичлиги билан [мустаҳкам]. Бу девор ичида ҳеч қандай тоғ, чўл ёки тақир ер йўқ.

Унга энг яқин [жойлашган] тоғ Варка<sup>2</sup> тоғи бўлиб, ундан шаҳар [қўчалари] га ётқизиш ва бинолар [қуриш] учун тошлар олинади. Ундан [яна] кулолчилик учун лой, оҳак ва гипс [олинади]. Девордан ташқарида уларнинг туз конлари бор. Ўтинлар уларнинг боғларидан келади, даштлардан эса саксовул ва юлғунлар келтирилади.

Бухоро ерларининг ҳаммаси сувга яқин [жойлашган], чунки бу ас-Суғд [дарёси] сувининг тўпланиш еридир<sup>3</sup>. Шу сабабли у ерда чинор, ёнғоқ ва уларга ўхшаш баланд дарахтлар ўсмайди.

Агар ушбу дарахтлардан бирортаси бўлса ҳам, унинг [бўйи] паст ва [катта бўлиб] ўсмайди.

(488) Бухоронинг мевалари Мовароуннаҳрнинг энг яхши меваларидир, таъми ҳам энг шириндир. Бухоронинг тўкин-сочинлиги [шундан] кўринадики, [агар] бир кишининг бир *жариб* ери бўлса, у ўзини ҳам, ўзига тегишли одамларни ва ўз оила аъзоларидан бир нечтасини ҳам маблағ ва озиқ-овқат билан [таъминлаши] мумкин бўлади.

Уларнинг сон жиҳатдан кўплиги ва харажатлар миқдорининг кўплиги шундан [кўринади] ки, уларнинг кўплигидан уларнинг мамлакатада ишлаб чиқариладиган [маҳсулотлар] уларга етмайди, зеро уларнинг эҳтиёжи ердан олинadиган [ҳосил миқдори] дан икки баробар кўпдир. [Шунинг учун] уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва керакли бўлган бошқа нарсалар бутун Мовароуннаҳрдан келтирилади.

Ёнбағирлари Варка<sup>4</sup> қишлоғига туташ бўлган тоғ бу Кеш ва Самарқанд орасидаги [майдонда] Самарқандгача чўзилиб келган тоғ тизмаси<sup>5</sup> бўлиб, [кейин у] ал-Буттам тоғлари билан қўшилиб кетади, [кейин] Ушрусана ва Фарғона томонга бурилиб, Шалжи<sup>6</sup> *ноҳийаси* ва ат-Тарозгача давом этади. Кейин [у], мен ўз кўзим билан кўрганим ва бу йўлдан [кўп] юрганларнинг [айтишича], шарқга ас-Син денгизи<sup>7</sup> томонга юришни истаганларнинг йўлини тўсиб, [яна шимолга] давом этади.

Ушрусана, Фарғона, Илоқ, Шалжи, Лабондан<sup>8</sup> Хирхиз еригача бўлган [худудлардаги] конларнинг ҳаммаси мазкур тоғ [тизмаси] ва унга қўшни бўлган [бошқа] тоғлардadir.

Ал-Буттам вилоятидаги новшадил, шиша, темир, симоб, мис, қалай, олтин, кумуш, нефт, қорасақич, сақич, Фарғонанинг феруза [тоши] ва новшадил қамда мен [аввал] зикр этган у ерда кўмир ўрнига ёндириладиган тошлар<sup>9</sup>, юқорида зикр этилган Фарғонадаги [ёввойи ҳолда ўсувчи] мевалар — буларнинг барчаси ҳам шу тоғ [тизмаси] дан, унинг ёнбағирларидан ёки чўққиларидан, ёки уларга уланиб кетган адирлар ва пастликлардан [келиб чиқади].

У ерда ал-Буттам *ноҳийасида* ва Самарқанднинг *ноҳийаларидан* бири бўлган аз-Зобаж<sup>10</sup> тоғларида иссиқ ва совуқ сувларнинг [булоқлари] бор. Яна у ерда ёзда кун иссиқ бўлган ва *ас-самум*<sup>11</sup> [шамоли] эсган вақтда музловчи сув манбалари бўлиб, муз [шунчалик катта ҳажмдаги] тошдек бўлиб кетадики, сувнинг ҳаракатини тўсиб қўяди. Қишда бу сувлар иссиқ бўлади, уларнинг иссиқлиги ва атрофидаги ерлар ва водийларнинг [ҳавоси] илиқлиги туфайли чорвалар уларнинг ёнига келиб [исинадилар].

## XXV

### [БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ШАҲАРЛАР]

(489) Бухоро деворининг<sup>1</sup> ичкарасида [ҳам], ташқарисида [ҳам] шаҳарлар бор. [Девор] нинг ичкарасидаги [шаҳарлар]: ат-Тавовис<sup>2</sup>, унда энг катта *минбар*<sup>3</sup> [жойлашган], Намижкат<sup>4</sup>, Зандана<sup>5</sup>, Муғкон<sup>6</sup>, Хужода<sup>7</sup> — уларнинг ҳаммаси деворнинг ичида [жойлашган]. [Девор] ташқарисидаги [шаҳарлар]: Байканд<sup>8</sup>, Фарабр<sup>9</sup>, Карминийа<sup>10</sup>, Худиманкан<sup>11</sup>, Харғонкат<sup>12</sup>, Мадйомижкат<sup>13</sup>.

Ат-Тавовисга келсак, у ерда [оддий] бозор ва [ундан ташқари] катта [махсус] бозор [куни] бўлиб, Хуросон ерининг [турли] тарафларидан йилнинг маълум вақтида одамлар келади. У ердан ал-‘Ироқга пахтадан [тикилган] кийимлар кўп миқдорда олиб кетилади. Бу боғлари ва оқар сувлари кўп ҳосилдор шаҳардир. Унда *қуҳандиз*, *мадина* ва унинг [атрофида] *ҳисор* [девори] бор. Унинг жоме масжиди *мадина* да [жойлашган].

Девор ичида [жойлашган] шаҳарларнинг ҳаммаси [эгаллаган] майдони ва аҳолисининг [сони] бўйича бир-бирига яқин. Уларнинг ҳаммасида гавжум *қуҳандизлар*, кенг бозорлар, кўплаб боғлар ва катта бозор [кун] лари бор, уларнинг ҳар бирида мустаҳкам *ҳисор* [девор] и бор.

Карминийа Тавовисдан кўра каттароқ, аҳолиси кўпроқ ва [ери] ҳосилдорроқдир.

Худиманкан Карминийага қарашли [шаҳар] бўлиб, унинг таркибига киради. У билан Харғонкат ва Мадйомижкат чегарадош. Уларда аҳолининг [сони] бир-бирига яқин ва тахминан бир хил.

Карминийанинг бир қанча қишлоқлари [ҳам] бор. Бу шаҳарлардан ҳар бирининг *минбарлари*га [ўзининг] вилоятлари, қишлоқлари ва экинзорлари [қарашли], [фақат] Байқанд бундан истиснодир. У бошқа вилоятлардан ажралган ҳолдаги тенги йўқ ягона [шаҳардир]. Унда *работлар* [шунчалик] кўпки, Мовароуннаҳрнинг бошқа [бирорта] шаҳрида бунчалик кўп ёки унга яқин [миқдорда] йўқ.

Айтишларича, унда мингта яқин *работ* бор<sup>14</sup>. [Шаҳар] нинг мустаҳкам девори ҳам бор. [Шаҳар]да жоме масжиди бўлиб, унинг қурилиши ва *меҳробининг* безаклари<sup>15</sup> гоят нафисдир. Мовароуннаҳрда безаклари униқидан чиройлироқ бўлган [*меҳроб*] йўқ.

Фарабр Жайхун [дарёси] га яқин [жойлашган] шаҳар бўлиб, унинг аҳолиси кўп қишлоқлари бор. У ҳосилдор, ёқимли [шаҳар], [унда] овқатлари ширин ва мазали [бўлган] ажойиб ошхоналар бор.

## XXVI [БУХОРО АҲОЛИСИ]

(490) Бухоро [аҳли] нинг тили *ас-суғд* тилидир, лекин [уларда] айрим [сўзлар] ўзгарган ҳолда<sup>1</sup>. Уларда [шунингдек] *ад-дариййа* тили<sup>2</sup> [ҳам ишлатилади].

[Бухоро] аҳли одоб, илм, *фиқҳ*, диёнат, адолат, яхши ҳаёт тарзи, мулойим муомала, ёмонликнинг озлиги, яхшилиқнинг кўплиги, хайрли

ишларда саҳийлик, кўнгил софлиги ва яхши ният билан ажралиб турадилар ва бу [нарсалар] да Хуросоннинг [бошқа] ҳамма аҳлидан устун турадилар.

Уларнинг [муомаладаги] пули *дирҳамлардир*<sup>3</sup>, *динорлар*<sup>4</sup> эса [қимматбаҳо] мол [ҳисобланади]. Уларда *ал-гитрифийа* номли *дирҳамлар* [бор]<sup>5</sup>. Бу *дирҳамлар* темир, мис, қалай ва бошқа турли қимматли [маъдан] лар қоришмасидан [иборат]<sup>6</sup>. Улар фақат Бухоро ва дарё ортидаги унга туташ ерларда муомалада [ишлатилади] .

[Яна] *ал-муҳаммадийа* номли *дирҳамлар* бор<sup>7</sup>. [Бу] тангада суратлар<sup>8</sup>, [шунингдек] шакли маълум [бўлса ҳам], [лекин] ўқиб бўлмайдиган ҳарфлар чизилган<sup>9</sup>. Улар ислом [даври] да зарб этилган, лекин [уларнинг қолипларини] Асад ибн Сомон оиласининг аждодлари тайёрлаганлар<sup>10</sup>.

[Уларнинг] яна бир [танга] си *ал-мусаййабийа* деб аталади<sup>11</sup>. Уларда у бойлик [ҳисобланади]. [Улар] ҳамма [тангалар] дан *ал-исмо‘илийа* кумуш тангаларини<sup>12</sup> афзал кўрадилар. Абу Иброҳим<sup>13</sup> бу *дирҳамларнинг* биринчиси зарб этилганини кўрган, ва у биринчи бўлиб Мовароуннаҳрда уларни зарб этишни бошлаган.

Савдо-сотиқ ишларида *фалслар* ишлатилади<sup>14</sup>.

Уларнинг кийимлари кўпроқ тўн ва [ўзига хос] бош кийим [дан иборат], гўёки [бу] Мовароуннаҳр [аҳли] нинг ягона кийимидек.

Деворнинг ичида ва ташқарисида ҳар оёнинг маълум [бир] кунда [ўтказиладиган] мунтазам бозорлари бўлиб, уларда уй ҳайвонлари, кийимлар, қулар, бронза ва мисдан ясалган турли хил буюмлар, идишлар ва одамлар кўп [ишлатадиган] уй анжомларининг олди-сотдиси амалга оширилганидан [катта] даромад келади. Бухоро ва унинг атрофларидан ал-‘Ироқга ва бошқа ерларга *ал-бухориййа* номли кийимликлар<sup>15</sup>, *карбос* [матолари]<sup>16</sup>, тарозу тошлари, йўғон симлар, йигирилган тўқима иплар олиб кетилади, араблар уни ёқтирадилар. Шунингдек гиламлар, кўрпалар учун фоят чиройли жунли матолар, курсилар ва *мехроб* [ёни]га солинадиган жойнамозлар [олиб кетилади].

## XXVII [БУХОРО – СОМОНИЙЛАР ПОЙТАХТИ]

Бухоро аҳли қадим замонлар ҳақида қизиқ ривоятлар айтиб келадилар. [Масалан], уларнинг [ҳаммаси] бир овоздан таъкидлайдиларки, уларнинг қалъаси ва қухандизининг фазилатларидан [бири] шуки, ундан ҳеч қачон [бирорта] ҳукмдорнинг жанозаси чиқмаган<sup>1</sup>, унда ҳеч қачон четта чиқиб, мағлуб бўлган [қўшин] нинг туғи ёки байроғи ўрнатилмаган. (491) Бу фаройиб [бир] мос келиш [ҳоллари] дандир<sup>2</sup>.

Айтишларича, Бухоронинг илк [аҳолиси] ни қадим замонларда Истахрдан кўчиб келган одамлар [ташқил этган]<sup>3</sup>.

Сомон хонадонидан [бўлган] Хуросон ҳокимларининг қароргоҳи Бухорода<sup>4</sup>, чунки у Мовароуннаҳрнинг Хуросонга энг яқин шаҳридир. Ким у ерда [бўлган] бўлса, Хуросон унинг олдиди, Мовароуннаҳр эса орқасида [бўлади].

[Улар] содиқ, итоатли, ҳукмдорларга муҳолифати оз, [уларнинг] фармонларини имкон қадар [бажариш] га вожиблидилар. Буларнинг [ҳаммаси] Мовароуннаҳрнинг ҳамма ерларидаги [бошқа] одамларнинг яхши фазилатлари бўлса ҳам, [ҳокимларнинг] улар орасида [яшашни] ихтиёр этишларига олиб келади.

[Бухоро] ни биринчи бўлиб ўзига турар жой ва Сомон хонадонининг қароргоҳи этиб танлаган [ҳукмдор], Аллоҳ унинг [гуноҳларини] кечирсин, Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад эди. У Бухорода яшаб турган вақтда, Хуросон волийси [этиб] тайинланган эди<sup>5</sup>. У [Бухоро] еридан марҳамат олиб, ўзининг у ердаги мақомини давом этдирди, [чунки унда туриш] унга роҳат бағишлар эди ва лаззатлантирарди<sup>6</sup>. Унинг авлодлари даврида ҳам ҳокимият [Бухоро] да қолди<sup>7</sup>. Унгача Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ёки Самарқандда, ёки аш-Шошда, ёки Фарғонада яшар эдилар<sup>8</sup>. Бухоро ҳукмдорлари Тоҳирийлар<sup>9</sup> [сулоласи] нинг даври тугагунча Хуросондан мустақил бўлишга интилар эдилар<sup>10</sup>.

## XXVIII [БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚЛАРИ]

Хужода [қишлоғи] Бухородан Байкандга борадиган йўлнинг ўнг томонида [шаҳар] дан уч *фарсах* [масофа] да жойлашган<sup>1</sup>. У билан йўл орасидаги [масофа] тахминан бир *фарсах*.

Муғкон [шаҳардан] беш *фарсах* [масофа] да, Байканд йўлининг ўнг томонида. У билан йўл орасидаги [масофа] уч *фарсах*.

Зандана шаҳардан тўрт *фарсах* [масофа] да, шаҳардан шимолда [жойлашган].

Намижкат ат-Тавовисга борадиган йўлнинг чап томонида, [шаҳардан] тўрт *фарсах* [масофа] да. У билан йўл орасидаги [масофа] тахминан ярим *фарсах*.

Карминийадан Худиманкангача ас-Суғд томонга<sup>2</sup> [юрганда] бир *фарсах*. Худиманкан билан Самарқанд йўли орасидаги [масофа] бир *ғалва*<sup>3</sup> [Бухородан] Самарқандга борадиган йўлдан чапда.

Мадйомижкат ас-Суғд дарёсининг орқасида, Худиманкандан юқориорқда, бир *фарсах* масофада [жойлашган].

Харғонкат Карминийанинг қаршисида, бир *фарсах* [масофа] да дарёнинг орқа [томони] да [жойлашган].

## XXIX [АС-СУҒД]

Бухорога шарқ томондан ас-Суғд<sup>1</sup> [вилояти] туташган бўлиб, унинг [ерлари] Карминийа ва (492) ад-Дабусийадан<sup>2</sup> ўтганда бошланади. [Ундан] кейин Арбинжан<sup>3</sup>, ал-Кушонийа<sup>4</sup> ва Самарқанд [келади]. Буларнинг ҳаммаси ас-Суғд вилоятидир<sup>5</sup>, яна [баъзи] одамларнинг таъкидлашича, Бухоро, Кеш ва Насаф ас-Суғдга<sup>6</sup> [кирса ҳам], *девод*да алоҳида вилоятлар сифатида [бошқариладилар]<sup>7</sup>.

ас-Суғднинг пойтахти Самарқанд [ас] Суғд дарёсидан жанубда, ундан баланд ерда [жойлашган] шаҳардир. Унда *қухандиз*, *мадина*



ва рабад [бор]. Қуҳандизда бизнинг давримизда қамоқхона қурилган<sup>8</sup>. Ҳокимнинг қасри [ҳам] у ерда [жойлашган], [лекин] у харобага айланган<sup>9</sup>. Мен [қўрғон] нинг устига чиқиб, [у ердан] инсоннинг назари тушган ва ўзига ундан завқ олган манзаралар [ичидаги] энг гўзал [манзара] ни томоша қилдим, [яъни], дарахтларнинг соф ям-яшиллигини, чарақлаган қасрларни, оқар сувларни ва чексиз далаларни [кўрдим]. [Шаҳарнинг] қайси ерига назар ташласанг, у албатта сенга ёқимли туюлади, [қайси] нарсага [боқсанг], уни албатта гўзал ва ўзига мафтун этувчи деб топасан. Майдонлар ажралиб турибди, шаҳарни безаб турган [ҳашаматли] бинолар қад кўтариб турибди. У ерда сарв дарахтлари [чиройли] кесилган бўлиб, улардан [ҳар хил] ҳайвонларнинг — филлар, туялар, ҳўкизлар ва [бошқа] ёввойи ҳайвонларнинг ғаройиб [шакллари] ясалган. [Улар] худди бир-бирига ҳужум қилаётгандек ва бир бирини кўздан кечираётгандек, гўё жангга ёки беллашувга ҳозирланаётгандек бир-бирларига қарама-қарши қилиб қўйилган<sup>10</sup>.

Қандай [ажойиб] манзара, бунга қанча-қанча маблағлар сарф қилинган ва [бу манзара] одамларнинг қалбларини [нақадар] ҳайратга солади!

Бу оқар сувларда акс этади ва жозибали ҳовузларнинг сатҳи тўхтамай тўлқинланиб туради. [Бу] оқилона фикр [маҳсули]! Қасрлар ва баланд [қурилган] бинолар зич жойлашган. Улар ҳашаматли турар жойлар ва муҳташам саройлардан [иборат] бўлиб, буларнинг ҳаммаси [ўтмишда] буюк ва шавкатли подшоҳлар ҳукм сурганлигидан далолат беради, [ҳозир эса улар] ҳувиллаб қолган ва харобага айланган<sup>11</sup>.

### XXX [САМАРҚАНД]

Самарқанд [шаҳри] ни қалъа [девори] ўраб туради<sup>1</sup>, унинг тўрт дарвозаси бор. Улардан [бири] шарқ [томон] га [қараган] дарвоза Боб ас-Син<sup>2</sup> деб аталган бўлиб, баландликда жойлашган. Унинг [ёни] дан кўп сонли зиналар орқали [пастга] ас-Суғд дарёсининг<sup>3</sup> олдига тушилади. Ғарб [томон] га [чиқувчи] дарвоза


Боб ан-Навбаҳор<sup>4</sup> [деб аталади], у ҳам баландликда жойлашган. Шимолий [дарвоза] Боб Бухоро<sup>5</sup>, жанубий [дарвоза эса] Боб Кеш<sup>6</sup> [деб аталади].

[Самарқанд] шаҳрида катта бозорлар ва, [барча] катта шаҳарларда [бўлганидек], маҳаллалар, ҳаммомлар, карвонсаройлар<sup>7</sup> ва уйлар [мавжуд].

Унда оқар сув [мавжуд] бўлиб, у [шаҳар] га бир қисми қўрғошиндан [ясалган] осма ариқ орқали кириб боради<sup>8</sup>. Бу ариқни [кўтариб ўтказиш] учун тупроқдан баланд ғов бунёд этилган. **(493)** ас-Сайорифа<sup>9</sup> маҳалласидаги бозорнинг ўртасида айрим ерларда тепаликнинг [устига] тошлар терилган бўлиб, унинг устидан сув ас-Саффорин<sup>10</sup> маҳалласидан оқиб чиқади ва Боб Кеш [дарвозаси] орқали *мадинага* кириб боради. Бу [осма] ариқнинг сатҳи бутунлай қўрғошиндан [ясалган]. Гап шундаки, *мадина* атрофидан чуқур пастлик ўтган бўлиб, [олдин] ундан шаҳар деворининг [қурилиши] учун лой олинган. [Натижада] унинг ичидан қазиб олинган тупроқ ва лойнинг [миқдори] га яраша катта хандақ ҳосил бўлган. Шу сабабли [унинг устидан] *мадинага* сув ўтказиш учун бу хандақ ичида баланд ғов [қуриш] зарур бўлган. Бу [осма] ариқ қадимий, исломдан олдинги вақтларда<sup>11</sup> [қурилган] бўлиб, шаҳар бозорларининг ўртасидан, Ра'с ат-Тоқ<sup>12</sup> номли ердан, Самарқанднинг энг аҳолиси зич [бўлган] ердан [ўтган]. Бу [осма] ариқнинг икки томонида *вақф* ерлари<sup>13</sup> [жойлашган] бўлиб, улардан олинадиган даромад уни таъмирлаш ва яхшилашга [ишлатилади]. Унга қишин-ёзин қараб туриш [вазифаси] оташпарастрларга<sup>14</sup> [юклатилган] бўлиб, махсус [тузилган] шартномага кўра, бунинг эвазига улардан ғазна<sup>15</sup> [учун] жон бошидан [олинадиган] *жизйа*<sup>16</sup> олинмайди.

Жоме масжиди<sup>17</sup> *мадинада*, *қуҳандиздан* пастроқда [жойлашган], улар орасидан катта йўл [ўтган]. *Мадинада* сув шу ариқдан [олинади], боғларда ҳам [шундай]. *Мадинада*, Асфизор<sup>18</sup> номли ерда Сомонийлар [қурдирган] ҳукумат саройлари жойлашган, ундан бошқа [яна бир] ҳукумат саройи *қуҳандизда* [жойлашган]<sup>19</sup>.

Мадина рабаднинг ёнида, улар орасидан оқиб ўтган ас-Суғд дарёсининг юқори қисмида [жойлашган]. Гап шундаки, бу рабад девори<sup>20</sup> ас-Суғд дарёсининг нариги қирғоғидаги Афшина<sup>21</sup> номли ердан Боб Куҳак<sup>22</sup> [дарвозаси] орқали Варсанин<sup>23</sup> [дарвозаси] ни айланиб ўтпунга қадар давом этади, кейин у Боб Фанак<sup>24</sup> [дарвозаси] ни, Боб ар-Ривдад<sup>25</sup> [дарвозаси] ни четлаб ўтади, кейин Боб Қаср Асад<sup>26</sup> [дарвозаси] гача, кейин Боб Ғадовад<sup>27</sup> [дарвозаси] гача, кейин дарёгача давом этади. Дарё шимол томонда рабад учун хандақ вазифасини бажаради. Рабадни ўраб турган бу деворнинг [ҳар бир] томонининг [узунлиги] тахминан икки фарсахга икки фарсах ни [ташқил этади]<sup>28</sup>. Лекин рабаднинг маркази ва унинг ҳамма бозорлари тўпланган ер Ра'с ат-Тоқ [ҳисобланади]. Кейин унга бозорлар, кўчалар ва маҳаллар тутшиб кетади, [рабад] нинг чеккасида эса бўш ерлар, қасрлар ва боғлар [жойлашган]. Айрим ҳоллардан ташқари [шаҳарда] оқар суви бўлмаган бирорта кўча ёки ҳовли йўқ.



Афросиёб. Сомонийлар саройининг деворий нақшлари.

Фақат баъзи уйларнинг боғи йўқ, Шунинг учун, агар [сен] **(494)** *мадинада* [жойлашган] *қухандиз* томонга қўз ташласанг, нигоҳинг уни ажратиб ола олмайди, чунки уни уйлар ёнида, сувлар бўйида ва бозорларда [жойлашган] боғлар ва дарахтлар беркитиб [туради].

Карвонсаройлар ва савдо расталари [асосан] *рабадда*, [уларнинг] фақат бир қисми *мадинада* [жойлашган].

[Самарқанд] Мовароуннаҳрнинг [асосий] савдо марказидир. Исмоил ибн Аҳмад, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, давригача [бутун] Мовароуннаҳрнинг ҳукумат саройи [у ерда] бўлган<sup>29</sup>.

*Рабд* деворида на ёғочдан, на темирдан ясалган [бирорта] ёпиладиган дарвоза йўқ, чунки бу ерда юз берган [қўп] фитналар туфайли султон уларни олиб ташлашни буюрган. [Шунинг учун] ҳозир дарвозаларнинг қанотлари йўқ. Улардан Боб Ғадовад, Боб Исбаск<sup>30</sup>, Боб Сухашин<sup>31</sup>, Боб Афшина<sup>32</sup>, Боб Варсанин, Боб Кухак, Боб Ривдад ва Боб Фаррухшид<sup>33</sup> [дарвозалари] дир.

Баъзи одамларнинг таъкидлашича, [Самарқанд] *мадинасини* қадимги Йаман подшоҳлари<sup>34</sup> қурдирган, Зулқарнайн<sup>35</sup> эса [фақат] унинг бир қисмини қуриб битирган. Абу Бақр ад-Димашқий<sup>36</sup> менга қуйидагиларни айтди: «Мен [шаҳар] нинг «ал-Кабир»<sup>37</sup> дарвозасида [ўрнатилган] қандайдир ёзувли бир темир лавҳани кўрганман. [Самарқанд] аҳли таъкидлашича, бу ёзув *ҳимёрий* [тили]<sup>38</sup> да бўлиб, уларда авлоддан авлодга нақл қилиниб келинаётган маълумотга кўра, уни қадимги Йаман подшоҳлари ўрнатганлар ва унда ёзилишича, Санъо<sup>39</sup> [шаҳри] дан Самарқандгача [масофа] минг *фарсахдир*. Бу [эса] шундан далолат берадики, бу [тахта] ни Санъо [шаҳри] нинг қурувчиси ўрнатган ва [Самарқанд] устидан ҳукмронлик қилган. Айтишларича, у Санъода бир йил яшаб, [кейин] бир йил Самарқандда [яшаган]. Самарқандда [бир] исён юз берганда, бу [ёзувли] лавҳа қоқилган дарвоза ёқиб юборилган. Абу-л-Музаффар Муҳаммад ибн Луқмон ибн Наср ибн Аҳмад ибн Асад<sup>40</sup> [дарвоза] ни қайтадан темирдан қурдирган, [лекин] у ёзув ўзгариб кетган.

Самарқанд тупроғи энг унумдор ва қуруқ [тупроқ] лардан [ҳисобланади], ва агар қўчалардаги ва одамларнинг уйларидаги оқар сувлардан

[кўтариладиган] кўп буғланишлар ва улардаги зич ўсувчи тол дарахтлари кўп бўлмаганда, баъзи *табиблар*нинг айтишича, ортиқча қуруқлик, албатта, уларга зарар келтирган бўлар эди. Уларнинг бинолари пахса ва ёғочдан [қурилган].

[Шаҳар] аҳолиси [ўзининг] чиройи билан ажралиб туради<sup>41</sup>. [Улар] саҳийлик қилишда, ўзларига [кўп] харажат [сарфлаш] ва ғамхўрлик қилишда ортиқча ҳаракат қиладилар, бунда улар Хурсоннинг кўпчилик шаҳарларидан устун турадилар, шунинг учун ҳам бу [ҳол] уларнинг маблағларини камайтириб юборган.

Самарқанд Мовароуннаҳр қуллерининг тўпланиш еридир, Мовароуннаҳрдаги энг яхши қуллер Самарқандда тарбия [олганлар]<sup>42</sup>.

[Шаҳар] билан (495) энг яқин тоғлар орасидаги [масофа] бир енгил *марҳалани* [ташкил қилади], фақат унга бевосита Қуҳак<sup>43</sup> номли бир кичик тоғ туташган бўлиб, унинг этаги Самарқанд деворигача чўзилган. Унинг узунлиги бир *милга*<sup>44</sup> тенг. Бу [тоғ] дан шаҳар бинолари [қурилиши] учун тош ва идишлар [яшаш] учун, шунингдек, шиша идишлар [яшаш] учун ишлатиладиган лой ва оҳак<sup>45</sup> қазиб олинади. Менга хабар беришганидек, бу [тоғ] да кумуш ва олтин [конлари] бор, лекин уларни қазиб олиш имконияти йўқ.

Бутун шаҳар — унинг деярли ҳамма йўллари, кўчалари ва бозорларига тошлар ётқизилган<sup>46</sup>.

### XXXI [САМАРҚАНДАРИҚЛАРИ]

Уларнинг сувлари ас-Сугд дарёсидан [оқиб келади]. Бу дарёнинг боши — ал-Буттам тоғларида, ас-Сағонийон орқасидадир. Унда Жан<sup>1</sup> номли кўлга ўхшаш бир сув ҳавзаси [мавжуд] бўлиб, унинг атрофида қишлоқлар [жойлашган]. Бу *ноҳийа* Барғар<sup>2</sup> деб аталади. Сув тоғлар орасидаги [ўша *ноҳийа*] дан оқиб чиқиб, Бунжикатга<sup>3</sup>, кейин эса «Тўғон боши» маъносини англатадиган Варағсар<sup>4</sup> номли бир ерга етиб боради. Бу ердан Самарқанд ариқлари ажралиб чиқади

ва водийнинг ғарбий қисмида Самарқанд томондаги *рустоқлар* уларга бевосита туташади.

Водийнинг шарқий қисмидаги ариқлар [эса] Варағсар қаршисидаги Губор<sup>5</sup> номли ердан бошланади, чунки айнан шу ерда тоғлар айрилиб, экин экиш ва ариқ ўтказиш мумкин бўлган ерлар бошланади.

Варағсардан Наҳр Барш<sup>6</sup>, Наҳр Бормиш<sup>7</sup> ва Наҳр Башмин<sup>8</sup> [номли] ариқлар бошланади. Наҳр Барш Самарқанд [шаҳри] нинг ғарбий қисмигача [оқиб] бориб, ундан *мадина* ариқлари ва [бу ариқлар] бўйлаб бошидан охиригача [жойлашган] қишлоқларнинг [ариқлари] сув олади.

Наҳр Бормиш шу ариқдан кейин жануб томонда [жойлашган] бўлиб, унинг [бўйларида] бошидан охиригача [бир] кунлик йўл [масофа] да қишлоқлар [жойлашган].

Башмин [ариғи] га келсак, у Бормиш [ариғи] дан жануброқдан [оқиб] ўтади ва бошидан охиригача [жойлашган] кўп сонли қишлоқларни суғоради, лекин у [юқорида] зикр этилган иккала ариқдан олдинроқ тугайди.

Бу [анҳорлар] нинг энг каттаси Барш, кейин Бормишдир. Уларнинг иккаласида қайиқлар юради. Бу ариқлардан [кичикроқ] ариқлар ажралиб чиққан бўлиб, уларнинг сони [жуда ҳам] кўп, шу тугайли улар ёрдамида қишлоқлар ва экинзорлар гуллаб яшнайдди. Варағсардан [катта ариқ] охиригача [майдонни] ад-Дарғам<sup>9</sup> номли *рустоқ* [эгаллайди], **(496)** [унинг] узунлиги 10 *фарсах*, эни эса тахминан тўрт [фарсах] дан бир *фарсахгача*.

Бу ерда [жойлашган] *рустоқлар* Варағсар, Моймурғ<sup>10</sup>, Санжарфағн<sup>11</sup> ва ад-Дарғам деб аталади.

Губор [ариғи] дан оқиб чиқадиган ариқлар [қуйидагилар]: Наҳр Иштихан<sup>12</sup>, Наҳр ас-Синовоб<sup>13</sup> ва Наҳр Бузможан<sup>14</sup>.

ас-Синовоб ариғи Бузможан [ариғи] нинг орқасидан [оқиб] ўтиб, Видор<sup>15</sup> *рустоқиға* етиб боргунча бир нечта қишлоқларни суғоради, [сўнгра] ундан ўтгандан кейин Иштихан туманининг охиригача [оқиб] боради ва бошидан охиригача тахминан

икки марҳала [масофа] да гўё бир [яхлит] қароҳни<sup>16</sup> ташкил қилади.

Бузможан ариғи ундан пастроқда, шаҳар томонда [жойлашган бўлиб], Бузможан [номли] рустоқни суғоради.

Иштихан ариғининг бошидан тахминан тўрт фарсах [масофа] гача унинг [суви] дан фойдаланилмайди, [кейин] у [кичик] ариқчаларга бўлинади. Иштихан<sup>17</sup> шаҳрига етиб боргунча тўққиз фарсах [майдон] ни суғоради. Кейин у Иштихан [шаҳри] ни ва унинг рустоқларини суғоради. [У] мазкур ариқларнинг энг йириги ҳисобланади.

Бу [ариқ] ларнинг ҳаммаси [ас-Суғд] дарёсидан ажралиб чиқадиган бошланғич ариқлардир. [Дарё] нинг ғарбий томонида то Самарқанддан ўтмагунча ундан бирорта ҳам ариқ ажралиб чиқмайди.

Дарёнинг бошидан Самарқанд [шаҳри] га етгунча бўлган масофа йигирма фарсахдан кўпроқдир. [Дарё] Самарқанддан тахминан икки кунлик йўл [масофа] ўтгандан кейин ундан Фай<sup>18</sup> номли ариқ ажралиб чиқади. Бутун ас-Суғдда бошқа [бундай] ариқ йўқки, унинг бўйларида ишлов берилган ерларнинг [майдони], аҳолининг зичлиги, деҳқонларнинг бойлиги, қасрларининг мухташамлиги, қишлоқларининг гуллаб яшнаши ва истеҳкомларининг [сони] Файниқидан кўпроқ бўлса. У [бутун] ас-Суғднинг юрагидир. Фай [ариғи] дан кўплаб ариқчалар оқиб чиқади, [лекин] мен улар ҳақида аниқ маълумотга эга бўла олмадим. Бу [ариқ] икки кунлик йўлдан ортиқ [майдон] ни суғоради.

Ундан кейин ас-Суғд дарёсидан унинг [бутун] узунлиги давомида кўплаб ариқлар ажралиб чиқади: ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва рустоқ томонга [алоҳида] ариқ, кейин [дарё] Арбинжан ҳудудларидан чиқиб, **(497)**Карминийага ва Бухоро чегараларига етиб боради. [Дарё] Бухоро ҳудудларига кириб боргунча, ундан Арбинжан ариқлари, ад-Дабусийа ариқлари ва Карминийа ариқлари [ҳам ажралиб] чиқади.

Бу дарёнинг шарқий [томони] га келсак, ундан Самарқанд қаршисида [бир нечта] ариқлар ажралиб чиқади. Улар Наҳр Кайанжкат<sup>19</sup> ва у ердаги қишлоқларининг ариқлари бўлиб, Кайанжкат, ал-Марзубон<sup>20</sup> ва бошқа *рустоқларни* суғоради. Бир қишлоқнинг икки ёки уч ариғи бўлиши мумкин. Кўпчилик қишлоқларнинг дарёдан сув олувчи алоҳида ариғи бор. Кейин ундан ҳар бир қишлоққа ариқлар ажралиб чиқиб, унинг [аҳолиси] га ҳаёт бағишлайди. Ундан ал-Қушонийа ариқлари бошланади, [кейин] дарё ундан ўтиб, Бухоро девори ҳудудларига киради. Қишлоқларнинг сони кўп бўлганидан, бу ариқларнинг сони ҳам жуда кўп.

Бу дарёнинг Варағсардан, Бухоро деворларининг ички [томони] да [оқувчи] мазкур ариқлар бошланадиган ердан Бухоро чегарасигача бўлган узунлиги олти кунлик йўлни ташкил этиб, кетма-кет қишлоқлар, боғлар ва ариқлар [орасидан ўтади].

Агар киши ас-Суғд дарёсига тоғ [усти] дан назар ташласа, узлуксиз кўкаламзорни кўради, унинг орасида эса *қухандиз* ёки баланд қурилган қасрдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Кўкаламзордан ҳоли майдон, ишлов берилмаган ерлар ёки яроқсиз [ерлар] эса кўзга ташланмайди.

Самарқандда сув таъминотининг бош бошқарувчиси, шунингдек, ариқларнинг ўзани ва тўғонларни мустаҳкамлаш ва [сув] ғовларини тушириш учун махсус тайинланган одамлар бор. Варағсарда узумзорлар ва боғлар бўлиб, уларнинг [эгалари] *хирож* [тўлови] дан озод этилган, бунинг эвазига эса уларга шу тўғонларни тузатиб туриш [вазифаси] юклатилган.

Дарёдан мен [юқорида] зикр этган ариқлар ажралиб чиққандан кейин унинг [қолган қисми] Боб Самарқанд [дарвозаси] ёнидаги Жирад<sup>21</sup> кўприги тагидан оқади ва сув кўпайганда, унинг [сатҳи] деярли кўприкгача кўтарилади. Унинг баландлиги уч *боғ*<sup>22</sup> ва ундан кўпроқ, кенглиги эса узунлиги билан бир хил. [Бу дарё] дан ас-Суғд ёғочлари Самарқандга [оқизиб] келтирилади. Бу дарёнинг суви ёзда ал-Буттам, Усрушана ва Самарқанд тоғларидаги қорларнинг эриши [ҳисобига] кўпаяди.



Баъзан сув шунчалик кўп бўладики, у Жирад кўпригининг тўғонидан тошиб чиқади ва бу ҳаддан ташқари мўл ва кўп бўлган [тошқин] ни тўсиш Самарқанд аҳолисига катта қийинчилик туғдиради.

## XXXII [САМАРҚАНД РУСТОҚЛАРИ]

**(498)** Самарқанд *рустоқларидан* биринчиси Бунжикат бўлиб, жоме масжиди<sup>1</sup> Бунжикат шаҳридадир. [Ундан] кейин Варағсар [*рустоқи*] ва унинг [бош] шаҳри Варағсар келади. Бунжикатдан кейин аш-Шовдор тоғлари<sup>2</sup> [жойлашган]. У ерда жоме масжиди йўқ. аш-Шовдор ва Варағсар [*рустоқлари*] орасида Самарқанд [шаҳри] га туташган ерда Моймурғ ва Санжарфағн *рустоқлари* [жойлашган]. Уларнинг иккаласида ҳам жоме масжиди йўқ. Лекин Моймурғ [*рустоқи*] да ар-Ривдад номли бир ер бор. [Исломдан олдин] унда Самарқанд подшоҳи — *ал-ихшиднинг* қароргоҳи бўлган. У бир қишлоқ бўлиб, унда *ал-ихшидлар*<sup>3</sup> [сулоласи] нинг қасрлари [жойлашган]. Санжарфағн ва Варағсар [илгари] Моймурғ [*рустоқи таркиби*] га кирган, [ҳозир] эса ундан ажралиб чиққанлар. Моймурғ *рустоқига* [бевосита] ад-Дарғам *рустоқи* туташган, унда жоме масжиди йўқ, ад-Дарғам [*рустоқи*] га Абғар<sup>4</sup> *рустоқи* туташган, унда [ҳам] жоме масжиди йўқ.

Бунжикат — дарахтлари серҳосил ва меваларга мўл, оқар сувлари кўп бўлган *рустоқдир*. Унинг ўзи [унчалик] катта бўлмаса ҳам, ундаги ғаллаларнинг [олий] сифати билан [ҳавоси] қуруқ ва нам бўлган бошқа *рустоқлардан* устун туради.

Самарқанднинг барча *рустоқлари* ичида дарахтзорларининг зичлиги, қишлоқларининг кўплиги, қасрлари ва ариқларининг кетма-кетлиги билан Моймурғга ўхшаши йўқ.

Санжарфағн — кичик *рустоқ* бўлиб, унда [фақат] бир нечта қишлоқ бор.

Аш-Шовдор — Самарқанддан жанубда [жойлашган] тоғдаги [рустоқ] дир. Самарқанд атрофларида ҳавосининг тозалиги, далаларининг унумдорлиги ва меваларининг ширинлиги бўйича [бу тоғли] *рустоқга* етадигани йўқ. Унинг аҳолиси яқин атрофлардаги аҳоли ичида жисмоний жиҳатдан энг соғлом ва ранги энг тозадир. Бу *рустоқнинг* узунлиги ўн *фарсахдан* ортиқ бўлиб, энг гуллаб-яшнаган тоғлардан бири ҳисобланади, унда деҳқончилик жуда ривожланган бўлиб, [экинзорлари] узлуксиз ва галлалари чексиз, [чунки] бу ерда [деҳқончилик] ҳеч қандай тўсиқ ва қийинчилик туғдирмайди.

аш-Шовдорда насронийларнинг ибодатхонаси<sup>5</sup> мавжуд бўлиб, улар унда тўпланадилар. У ерда уларнинг ҳужралари, чиройли ва озода уй-жойлари бор. Мен у ерда ал-‘Ироқ насронийларидан [бир неча] кишини учратдим. Улар бу ерни [унинг] қулай жойлашгани учун танлаганлар, ва унинг алоҳидалиги ва соғлом иқлими туфайли бу ерга [кўчиб] келганлар. [Ибодатхона] нинг *вақф* [ер] лари бор ва баъзи одамлар ўзларини бутунлай [бу иш] га бағишлаганлар. Бу ер ас-Суғднинг бошқа кўпчилик ерларидан баландда [жойлашган] бўлиб, Вазкарда<sup>6</sup> деб аталади.

аш-Шовдор тоғларида даралар [кўп] бўлиб, **(499)** уларнинг ҳар бирида [водий]нинг ўртасида [жойлашган] чиройли ва тоза қишлоқларга оқиб борувчи сойлар бор. У ерда мўл-кўл ва турлитуман ёввойи ҳайвонлар, хилма-хил мевалар, моддий ноз-неъматларнинг барча турлари кўп ва улардан фойдаланиш [имконияти] мавжуд.

Бу *рустоқлар* ичида суғориладиган экинларининг [кўплиги] жиҳатдан энг яхшиларидан [бири] ад-Дарғам *рустоқидир*. У ердан олиб кетиладиган узум [бошқа] барча *рустоқларникидан* яхши ҳисобланади. ад-Дарғам [*рустоқи*] нинг узунлиги ўртача [бир] кунлик йўлни [ташқил этади].

Абғар [*рустоқи*] га келсак, у [ерлари] лаликор *ноҳийа* бўлса ҳам, унинг қишлоқлари энг аҳолиси кўп ва [уларнинг] сони Самарқанднинг [бошқа] ҳамма *рустоқларига* қараганда кўп-

роқдир. Аҳолисининг [асосий] бойлигини чорва ташкил этади<sup>7</sup>. У ерда оқар сув йўқ. Менга хабар беришларича, у ерда бир *қафиз*<sup>8</sup> [экин] баъзан юз ва ундан ортиқ *қафиз* [даромад] келтириши мумкин. Абғар [*рустоқи*] нинг узунлиги тахминан икки кунлик йўлни [ташкил этади]. Айрим ҳолларда бир қишлоққа [қарашли] ерлар икки ва ундан ортиқ *фарсахни* [ташкил этади]. Айтишларича, агар Абғарнинг ҳосили [нобуд бўлмай] бутун қолса, унинг [ўзи] бутун ас-Суғдга етарли бўлади. Бу [дарё] нинг жанубий томонида [жойлашган] Самарқанд *рустоқлари* эди.

[Дарё] нинг шимолий [томони] даги [*рустоқ*] лардан энг юқоридагиси — Йоркат<sup>9</sup> бўлиб, у Ушрусана [вилояти] чегарасида [жойлашган]. Унда жоме масжиди йўқ. Унинг суви [табий] манбалардан [келади], [шунинг учун аҳоли] ас-Суғд дарёсига бормайдилар. У ерда лалмикор ерлар ва сойларнинг суви билан [суғориладиган ерлар] бор. Лалмикор ерлар кўпроқ. Уларда тоза [ўтли] яйловлар [ҳам] бор.

Бурнамад<sup>10</sup> *рустоқи* [ҳам] Ушрусана [вилояти] га туташган. Унда шаҳар йўқ, қишлоқларининг сони [ҳам] кўп эмас.

Ундан кейин Йоркат [*рустоқи*] га Самарқанд томондан Бузможан [номли] *рустоқ* туташади, унинг бош шаҳри Аборкат<sup>11</sup> [деб аталади]. У ас-Суғд дарёсининг шимолидаги энг катта *рустоқдир*. Унинг катта қисмини қишлоқлар [ташкил этади]. [У] Губордан Самарқанд яқинидаги [ер томон] га бир кунлик йўл [масофа] га чўзилган, [кенглиги] ҳам шунча.

Бу *рустоққа* Кабуданжкат<sup>12</sup> *рустоқи* туташган. Бу *рустоқ* ҳам бошдан-оёқ қишлоқлар ва дарахтлар билан қопланган. Унинг бош шаҳри [ҳам] Кабуданжкат [деб аталади].

Бу *рустоқнинг* ортида Видор [номли] *рустоқ* [жойлашган]. Унинг бош шаҳри [ҳам] Видор [деб аталади]. Бу [жуда ҳам] ҳосилдор *рустоқ* бўлиб, унинг экинзорлари кўп. Унинг [ҳудудлари] да текислик ҳам, тоғ ҳам, лалмикор [ерлар], табий ва [сунбий йўл билан] суғориладиган ерлар ҳам, яйловлар ҳам бор.

Видор [шаҳри] ва бу *рустоқдаги* кўпчилик қишлоқларда Бакр ибн Во'ил [қабиласи] араблари [яшайдилар], уларни ас-Сибобийя<sup>13</sup>

деб атайдилар. [Илгари] Самарқандда уларнинг бир-бирларига ёрдам бериш [ташкилоти] бўлиб, [у ерда] уларнинг мусофирхоналари мавжуд бўлган. [Улар] нинг хушфеъл [фазилат] ларини [одамлар ҳали ҳам] гапириб берадилар ва эслайдилар. Мен шахсан ўзим улардан [фақат] айримларини билдим, лекин шу айримларининг [ўзи] уларнинг ўтмишига тегишли кўп [нарсалар] ҳақида далолат беради.

Бу *рустоққа* ал-Марзубон ибн Туркаш<sup>14</sup> *рустоқи* туташган бўлиб, унинг [эгаси] ал-Ироқга **(500)**бошқа ас-Суғд *деҳқонлари* билан бирга таклиф этилган эди.

Бу вилоятдаги [ҳамма] *рустоқлардан* олтитаси [дарёнинг] шимолида, олтитаси [эса] жанубида [жойлашган].

### XXXIII [САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ]

Самарқанд пулларига келсак, [у ерда] *ал-исмо‘илиййа*<sup>1</sup> *дирҳамлари* ва ноқис *дирҳамлар*<sup>2</sup> ва *динорлар* [муомалада юради]. Уларда Бухоро пуллари ҳам бўлиб, улар *ал-исмо‘илиййа* [дирҳамлари] ўрнида [юради]. Бу *дирҳамлар* махсус қорилмадан [қуйилган] бўлиб, *ал-муҳаммадиййа* деб аталади. Бу пуллар ҳақида биз Бухоро тавсифида сўзлаган эдик<sup>3</sup>.

### XXXIV [САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ШАҲАРЛАР]

Иштихан — алоҳида [жойлашган] шаҳар, [ҳавоси] жуда ҳам соғлом, [атрофларида] боғлар, қишлоқлар, ўтлоқлар, сайр қиладиган ерлар ва қамишзорлар кўп. [Умуман олганда], бутун ас-Суғд [ерлари], унумдорлиги, гуллаб-яшнаганлиги, дарахтлари, мевалари, экинзорлари, кўкаламзорлиги ва соғломлиги бўйича бир-бирига ўхшашдир. [Фақат] ал-Кушонийа бундан истиснодир. У ас-Суғднинг юраги ва унинг энг аҳолиси кўп қисмидир.

Иштиханда *мадина* [ичида жойлашган] *қуҳандиз*, шунингдек *рабад*, узлуксиз ариқлар ва қишлоқлар бор. Унинг қишлоқларидан бирида ‘Ужайф ибн ‘Анбаса<sup>1</sup> [туғилган]. У ерда унга қарашли [бўлган] қишлоқлар, экинзорлар ва бозорларни [халифа] ал-Муътасим<sup>2</sup> [ундан] тортиб олган. [Кейинчалик] ал-Муътамид<sup>3</sup> уларни Муҳаммад ибн Тоҳир ибн ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳирга<sup>4</sup> *иқтоъ*<sup>5</sup> [мулки] сифатида берган.

ал-Кушонийа — ал-Суғд шаҳарлари ичидаги энг аҳолиси кўп [шаҳар] дир. У билан Иштихан катталиги жиҳатдан бир-бирига яқин. Лекин ал-Кушонийанинг [бош] шаҳри каттароқ ва аҳолиси кўпроқ, унинг қишлоқлари [ҳам] кўпроқдир, аҳолиси эса билимлироқ ва меҳрлироқ. Иштихан *рустоқларининг* ҳудудлари кенгроқдир. Чунки Иштихан ҳудуди Соғарж<sup>6</sup> тоғларидаги Йағон<sup>7</sup> орқасидан [бошланиб], ал-Кушонийа ҳудудигача [узунлиги] тахминан икки кунлик йўл, кенглиги эса тахминан бир кунлик йўлни [ташкил қилади]. ал-Кушонийа қишлоқларининг [узунлиги] тахминан икки кунлик йўл, кенглиги эса тахминан бир кунлик йўлни эгаллайди. [Бу] иккала [шаҳар] ас-Суғд дарёсидан шимолда [жойлашган].

**(501)** ад-Дабусийа ва Арбинжанга келсак, уларнинг иккаласи ас-Суғд дарёсидан жанубда, катта Хуросон йўлида жойлашган. Арбинжан [ад-Дабусийадан] кўра каттароқ, аҳолиси кўпроқ, *рустоқлари* ва қишлоқлари кўпроқдир, чунки ад-Дабусийада *рустоқлар* ва қишлоқлар кўп эмас, ва у Арбинжандан кичикроқдир.

ас-Суғд шаҳарларининг юраги ал-Кушонийадир, унинг аҳолиси ас-Суғднинг [бошқа] шаҳарларининг аҳолисига [нисбатан] бойроқдир.

## XXXV [КЕШ]

Кеш<sup>1</sup> — *қуҳандиз*, қалъа ва *рабаддан* иборат [бўлган] шаҳар. *Рабадга* [бевосита] яна бир шаҳар туташган. Ички *мадина* билан *қуҳандиз* хароба ҳолатда, ташқи [шаҳарда эса] аҳоли яшайди. Ҳукумат саройи *мадина* ва *рабаддан* ташқарида, ал-Мусалло<sup>2</sup> номли ерда

[жойлашган]. Қамоқхона ва жоме масжиди ички *мадина* харобаларида, бозорлар эса *рабадда* [жойлашган]. Шаҳарнинг ҳар бир [томони] нинг узунлиги учдан бир *фарсахни* [ташқил этади]. Унинг бинолари паҳса ва ёғочдан [қурилган]. Бу жуда ҳам ҳосилдор шаҳар, [чунки] унинг иқлими иссиқ. У ерда мевалар Мовароуннаҳрнинг ҳамма [ерларига] нисбатан эртaroқ пишади ва уларнинг илк ҳосили Бухорога келтирилади. Бу [меваларни ейиш] зарарлидир<sup>3</sup>.

Ички *мадинанинг* тўртта дарвозаси бор: бири Боб ал-Ҳадид<sup>4</sup>, иккинчиси ёнида Боб ‘Убайдуллоҳ<sup>5</sup>, учинчиси — Боб ал-Қассобин<sup>6</sup> дарвозаси, тўртинчиси — Боб ал-Мадина ад-Дохила<sup>7</sup>. Ташқи *мадинанинг* иккита дарвозаси бор: бири — Боб ал-Мадина ад-Дохила<sup>8</sup>, иккинчиси — Боб Баркнон<sup>9</sup>. Баркнон<sup>10</sup> — бу [бир] қишлоқ бўлиб, [мазкур] дарвоза унинг номи билан аталган.

Шаҳарда иккита катта ариқ бор. Уларнинг бири Наҳр ал-Қассорин<sup>11</sup> деб аталади. У Сийом<sup>12</sup> тоғидан бошланиб, шаҳарнинг жануб [томони] дан оқиб ўтади. Иккинчи [ариқ] — Наҳр Асруд<sup>13</sup> [деб аталиб], Кашкруд<sup>14</sup> *рустоқидан* [оқиб] чиқади ва шаҳарнинг шимол [томони] дан оқиб ўтади. Бу иккала ариқ шаҳар дарвозалари ёнидан оқиб ўтади.

[Кеш] *рустоқларида* дарёлар кўп. Улардан Харуда<sup>15</sup> дарёси Самарқанд йўли томонда шаҳардан бир *фарсах* [масофада оқади], иккинчиси Балх йўлидаги дарё, Хушкруд<sup>16</sup> деб аталади, шаҳардан бир *фарсах* [масофада оқади]. Учинчи дарё ҳам Балх йўлида, у Хузорруд<sup>17</sup> деб аталади, шаҳардан саккиз *фарсах* [масофада оқади]. Бу сувларнинг қолган қисми Насаф [томон] га оқадиган дарёга<sup>18</sup> [қуйилади].

*Мадина* ва *рабаддаги* ҳар бир уйда оқар сувлар ва гўзал боғлар бор. [Кеш] вилоятининг узунлиги тахминан тўрт кунлик йўл, кенглиги ҳам шунча. Унга [қарашли] шаҳарлар: **(502)** Навқад Қурайш<sup>19</sup> ва Субах<sup>20</sup> — Хузор<sup>21</sup> *рустоқида*, Искифағн<sup>22</sup> ҳам Хузор *рустоқида*.

Кешда ер [таги] дан [тош] тузи қазиб олинади<sup>23</sup> ва уни Хуросоннинг кўп вилоятларига олиб кетилади. Унинг тоғларида кўплаб доривор ўсимликлар<sup>24</sup> бўлиб, у ерда [дориликка ишлатилувчи]

*ат-таранжубин*<sup>25</sup> олинади. [Кеш] да Мовароуннаҳрининг [машҳур] отлари етиштирилади. Бу ердан Хуросоннинг [бошқа] вилоятларига зотли [от] лар ҳам олиб кетилади. Унинг *рустоқларида* чорва моллари ҳам кўп.

Унинг *рустоқлари*: Мийон Кеш, Руд, Балондарин, Росмоин, Кашк<sup>26</sup>, Ару, Бузможан<sup>27</sup>, Сийом, Арғон<sup>28</sup>, Харуда, Хузорруд, Сурруда<sup>29</sup>, Ички Санккарда<sup>30</sup>, Ташқи Санккарда ва Моймурғ<sup>31</sup>. Бу — Кешнинг ҳамма *рустоқларидир*<sup>32</sup>.

## XXXVI [НАСАФ]

Насаф<sup>1</sup> — шаҳар бўлиб, унда хароба ҳолатдаги *қухандиз*, тўрт дарвозали *рабад* [девори] бор. Улар Боб ан-Нажжорийя<sup>2</sup>, Боб Самарқанд<sup>3</sup>, Боб Кеш<sup>4</sup> ва Боб Ғубдин<sup>5</sup> [деб аталади]. Бу шаҳар Бухородан Балхга [олиб борувчи] йўлнинг бошида, текисликда [жойлашган]. Тоғлар ундан тахминан икки кунлик йўл [масофада], Кеш томондир. Насаф ва Жайхун [дарёси] нинг орасида чўл [жойлашган] бўлиб, у ерда [ҳеч қандай] тоғлар йўқ<sup>6</sup>.

Насафда [фақат] бир дарё бўлиб, у шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтади. Унга Кеш сувлари келиб тушади ва бу ердан дарё текисликда тез оқа [бошлайди]. Ҳукумат саройи шу дарёнинг бўйида, **(503)** Ра'с ал-Қантара<sup>7</sup> деб аталадиган ерда [жойлашган]. Қамоқхона ҳукумат саройининг ёнида [жойлашган], жоме масжиди Ғубдин дарвозаси томонда, намозгоҳ<sup>8</sup> эса Боб ан-Нажжорийя [дарво-заси] томонда, унинг ички томонида [жойлашган]. Бозорлар *рабадда*, ҳукумат саройи билан жоме масжидининг ўртасида [жойлашган].

[Насаф] катта ва нуфузли [шаҳар] бўлса ҳам, унинг қишлоқлари ва *ноҳийалари* кўп эмас. Шаҳар *минбаридан* бошқа [яна] иккита *минбар*<sup>9</sup> бор. Улардан бири Базда<sup>10</sup>, иккинчиси эса Касба<sup>11</sup> [шаҳарлари] дадир. Насаф [вилояти] да *минбарлари* йўқ қишлоқлар ҳам бор. Базда Насафдан каттароқдир. Унинг қишлоқларида лалмикор ерлар кўпроқ, суғориладиган [ерлар] бўлса ҳам, улар оз.

Насафда ва унинг *рустоқларида* бу дарёдан бошқа оқар сув йўқ, у ҳам бўлса йилнинг маълум [вақти] да тўхтаб қолади. [Шунда] улар ўзларининг полизлари ва боғларини [қудуқ суви] орқали суғорадилар<sup>12</sup>. Насаф ва унга қарашли *ноҳийаларда* ҳосилдорлик ва мўл-кўллик ҳукмрон.

## XXXVII [УШРУСАНА]

Ушрусана<sup>1</sup> — бу [бир] вилоятнинг<sup>2</sup> номи, худди ас-Сувд ҳам вилоят номи [бўлганидек]. [Лекин] унда бу номли шаҳар йўқ. Уни ҳар томондан Мовароуннаҳрнинг [бошқа] вилоятлари ўраб туради: шарқдан Фарғона ва Ғомирнинг<sup>3</sup> бир қисми, ғарбдан — Самарқанд ҳудудлари, шимолдан аш-Шош ва Фарғонанинг [бошқа] қисми, жанубдан эса Кеш, ас-Сағонийон, Шумон<sup>4</sup>, Вошжирд<sup>5</sup> ва ар-Роштнинг<sup>6</sup> баъзи ҳудудлари [туташган].

Унинг энг катта шаҳри ушрусаналиклар тилида Бунжикат<sup>7</sup> деб аталади. Унга [қуйидаги] шаҳарлар [қарашли]: Арсубоникат<sup>8</sup>, Куркат<sup>9</sup>, Ғазақ<sup>10</sup>, Фағкат<sup>11</sup>, Собот<sup>12</sup>, Зомин<sup>13</sup>, Дизак<sup>14</sup>, Нужкат<sup>15</sup> ва Харқона<sup>16</sup>. Булар — [Ушрусана] нинг шаҳарларидир.

Ҳукмдорлар яшайдиган [бош] шаҳар Бунжикатдир. Бу шаҳардаги эркак аҳолининг [сони] тахминан ўн минг кишини ташкил этади. Бинолари пахса ва ёғочдан [қурилган].

Унда атрофи девор билан ўралган ички *мадина* [бор]. *Рабад* атрофида ҳам девор [бор], уларнинг орқасидан ҳам бошқа девор [ўтган]. Ички *мадинанинг* иккита дарвозаси бор: улардан бири Боб ал-Аъло<sup>17</sup>, иккинчиси Боб ал-Мадина<sup>18</sup> деб аталади. **(504)** Ички *мадинада* жоме масжиди ва *қухандиз* [жойлашган]. Ҳукумат саройи *рабадда*, *амирга* қарашли ерда [жойлашган].

Ички *мадинада* катта ариқ оқиб ўтган бўлиб, унда тегирмонлар [жойлашган]. Қамоқхона *мадинадаги қухандизда*, жоме масжиди эса *қухандиздан* ташқарида. Бозорлар ички *мадинада* ҳам, *рабадда* ҳам [бор]. *Рабад* девори бир *фарсахга* яқин [майдон] ни ўз ичига



олиб, уйлар, боғлар, экинзорлар, токзорлар ва далаларни ўраб туради. Девор ичида жойлашган ҳамма нарсалар шаҳарники, девор ташқарисидагилар эса *рустоқники* ҳисобланади.

[*Рабад*] нинг тўртта дарвозаси бор: улардан бири Боб Зомин<sup>19</sup>, [қолганлари] Боб Марасманда<sup>20</sup>, Боб Нужкат<sup>21</sup> ва Боб Каҳлобод<sup>22</sup>.

Бу шаҳардан олтига ариқ [оқиб ўтган] бўлиб, улардан бири Сорин<sup>23</sup> деб аталади ва *мадинадан* оқиб ўтади. Бошқалари Абаржан<sup>24</sup>, Йаможан<sup>25</sup>, Санкжан<sup>26</sup>, Руйжан<sup>27</sup> ва Сатинакжан<sup>28</sup> деб аталади. Уларнинг ҳаммаси бир манбадан ва бир булоқдан бошланади. [Улар] ўнта тегирмонни ҳаракатга келтиради<sup>29</sup>. Шаҳардан сув манбаигача [масофа] ярим *фарсахдан* камроқ.

Бу шаҳардан кейин катталиги бўйича Зомин туради. У Фарғонадан ас-Сувдга олиб борувчи йўлда [жойлашган]. Унинг бошқа номи Савсанда<sup>30</sup>. У ерда эски шаҳар [ҳам бор], лекин у хароба ҳолатда. Бозорлар, жоме масжиди ва аҳолисининг ҳаммаси Савсандага кўчирилган. Бу янги шаҳар атрофида девор йўқ. У бугун ас-Сувддан Фарғонага [кетаётган] йўловчиларнинг тўхтов еридир. Унда оқар сувлар, боғлар, токзорлар ва экинзорлар [бор]. Уларнинг суви Сорин<sup>31</sup> дарёсидан [келади], ичимлик учун [сув] ундан [олинади].

Бу шаҳарнинг орқа [томони] Ушрусана тоғларига, олди [томони] эса *ғузлар* мамлакатига [қараган]. У текис даштдан иборат бўлиб, унда тоғлар йўқ.

Дизак — текисликда [жойлашган] шаҳар. Унинг ёнида Фанкон<sup>32</sup> номли *рустоқи* бор. [Уруш вақтида] унда Самарқанд аҳолиси тўпланади. Унда кўп сонли [одамлар] ни сиғдирадиган *работлар* бор. Унинг ҳудудидаги энг диққатга [сазовор бўлган] *работ* Худайсар<sup>33</sup> *работи* бўлиб, у [шаҳар] дан икки *фарсах* масофада [жойлашган]. **(505)** Бу Мовароуннаҳрдаги энг машҳур *работлардан* бири бўлиб, уни ал-Афшин<sup>34</sup> қурдирган. Унинг ўртасида булоқ суви уриб туради<sup>35</sup>, унинг ёнида эса *вақф* ерлари ва у ал-‘Ироқга кетишдан олдин [шу работга] инъом қилган мулклар [жойлашган]<sup>36</sup>.

Бу [работ] [бошқа] *работлардан* душман мамлакатига энг яқин [жойлашган]. Дизакда оқар сувлар ва боғлар [бор]. У ҳосилдор [шаҳар].

Мен юқорида зикр этган ҳамма шаҳарлар катталиги, тозалиги, боғлари ва сувларининг [қўплиги] жиҳатдан бир-бирига яқин. [Фақат] Марасманда<sup>37</sup> бундан истиснодир. У яхши шаҳар, [лекин] унда боғлар ҳам, токзорлар ҳам йўқ. Унда суғориш учун оқар сув [бор]. [Лекин] қаттиқ совуқ у ерда боғлар ва токзорлар бўлишига тўсқинлик қилади. Унда сув мўл-кўл, тупроғи яхши. У ерда яхши ўтлоқлар, яйловлар, чиройли гуллар ва мафтункор ерлар бор.

[Ушрусанадаги] Харқона, Зомин ва Сobot [шаҳарлари] Фарғонадан аш-Шoшга [олиб борувчи] йўлда [жойлашган]. Ким Зоминдан Ховас<sup>38</sup> йўли билан Хужандага<sup>39</sup> бормоқчи бўлса, унинг йўли Куркатдан [ўтади].

Самарқанддан Харқонагача — тўққиз *фарсах*.

Бутун Ушрусанада кема юрса бўладиган дарё ҳам, кўл ҳам йўқ, лекин унинг экинзорлари, яйловлари ва қишлоқлари обод, ҳосилдор ва [турли-туман] маҳсулотларга бой. Бу шаҳарларнинг ҳар бирида катта *рустоқ* [бор]<sup>40</sup>. Шаҳарлари мавжуд бўлмаган *рустоқлар* қуйидагилардир: Башоғар<sup>41</sup>, Масхо<sup>42</sup>, Барғар<sup>43</sup>, Фартонғом<sup>44</sup>, Минк<sup>45</sup>, Баскан<sup>46</sup> ва Исбикат<sup>47</sup>.

## XXXVIII [АЛ-БУТТАМ]

ал-Буттам<sup>1</sup> — улкан, баланд ва ўтиб бўлмайдиган тоғлардир. Уларнинг қўпчилигининг [ҳавоси] тоза ва кўкаламзор, унда *ат-табархун*<sup>2</sup> [номли] ўсимликлар [қўп]. У ерда аҳолиси қўп қишлоқлар [бор]. ал-Буттам [тоғлари] да жуда ҳам мустаҳкам қалъалар [бор]<sup>3</sup>. У ерда олтин<sup>4</sup>, қумуш<sup>5</sup>, тўтиё<sup>6</sup> ва новшадил<sup>7</sup> конлари бўлиб, у қўп ўлкаларга ва мамлакатларга олиб кетилади<sup>8</sup>.

У ердаги ҳар бир тоғда ғорга ўхшаш ер [бор]<sup>9</sup>. Унинг устида уйга ўхшаган бир [бино] қурилган бўлиб, унинг эшиклари ва

деразалари жипс беркитилган. [Фор ичи] да бир булоқ бўлиб, ундан буғ кўтарилади. Кундузи у тутунга ўхшайди, **(506)** кечаси эса нур сочади. Бу буғ қалинлашганда, ундан новшадил ажралиб, уйнинг деворлари ва шипига [тўпланади]. Бу уй ичидаги иссиқлик [ҳарорати] жуда кучли, шунинг учун ким унинг ичига кирса, ёниб кетади, [унга] фақат сувга ҳўлланган кигиз ёпиниб [кириш мумкин]. [Одамлар] унинг ичига худди ўғрига ўхшаб [беркиниб] кирадилар ва [новшадил] дан кўтарганларича оладилар. Буғ бир ердан иккинчи ерга кўчиб юргани туфайли [одамлар] у пайдо бўлмагунча уни ер [ости] ни ковлаб излайдилар. У бир ердан ғойиб бўлса, бошқа [ер] да уни топмагунча ковлайдилар.

[Буғ] нинг устида унинг тарқалиб кетишига йўл қўймайдиган бостирма йўқ бўлса, унга яқинлашган [одам] га зарар етмайди, фақат уй ичига кирган [одам] бўғила бошлайди ва кучли иссиқлик [ҳарорати] дан ёниб кетиши мумкин<sup>10</sup>.

ал-Буттамда *Биринчи ал-Буттам*, *Ўрта [ал-Буттам]* ва *Ташқи [ал-Буттам]* номлари билан машҳур тоғлар [бор]<sup>11</sup>. Самарқанд, ас-Суғд ва Бухорони [суғорувчи] сув<sup>12</sup> Ўрта ал-Буттамдан, [Самарқанд] дан тахминан ўттиз *фарсах* [масофа] да жойлашган Жан<sup>13</sup> номли ердан [оқиб келади]. Бу [дарёнинг] сувлари Бурғарга<sup>14</sup>, кейин Бунжикат орқали Самарқандга оқиб боради. Масхо [тоғи] дан оқиб чиқувчи сувлар Бурғар [дарёси] га қуйилади ва Самарқанд сувига қўшилади.

ас-Сағонийон дарёси ва Фарғона дарёси Масхо [тоғи] нинг орқасида Жан сув манбаи ва Минк яқинида [оқади]. Минкда Қутайба ибн Муслим<sup>15</sup> «қора кийимлилар»<sup>16</sup> билан жанг қилган. У ерда Буюк ал-Афшин [номли] қалъа<sup>17</sup> бўлиб, у [халифа] ал-Муътасимнинг дўсти<sup>18</sup> эди. [ал-Афшин] бу ерни унинг тоза [ҳавоси] туфайли [ўзи учун] танлаган ва шаҳарда ҳам яшаган.

Ушрусанани Аҳмад ибн Абу Холид<sup>19</sup> фатҳ қилган. Абу-с-Сож Довдод ибн Довдаштнинг<sup>20</sup> оиласи Жанкокат<sup>21</sup> ва Суйдак<sup>22</sup> номли қишлоқлардан келиб чиққан. Бу қишлоқлар бир-бирига яқин [жойлашган].

Минк ва Марасманда атрофларида темир асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади, улар бутун Хуросонга тарқалган, ва [ҳатто] ал-‘Ироқда ҳам ишлатилади. Чунки Фарғона темирига ишлов бериш [шунчалик] осонки, унга хоҳлаган шаклни бериб, [ҳар хил нарса] ясаш мумкин. [Шунинг учун] уларнинг ақл-заковати ундан фаройиб [нарса] ларни тайёрлашда [бутун] маҳоратини намойиш қилади<sup>23</sup>.

Марасманда (507) [шаҳри] да [мунтазам] бозор [ўтказилиб], унга узоқ ерлардан одамлар келади. Бу машҳур бозор ҳар бир ойнинг бошида бир марта [ўтказилади]<sup>24</sup>.

### XXXIX [АШ-ШОШ ВА ИЛОҚ]

аш-Шош<sup>1</sup> ва Илоқ<sup>2</sup> [вилоятлари] га келсақ, уларнинг кенглиги икки кунлик йўлни, [узунлиги] эса уч кунлик [йўл] ни ташкил қилади. Хуросон ва Мовароуннаҳрда уларниқидан катта майдонга [эга бўлган] вилоят йўқ, унинг минбарлари [қўп], иморатлари қўп бўлган кенг қишлоқларида [эса] аҳоли қўп, уларнинг [одамлари] қудратли ва шижоатли.

Унинг ҳудуди [бир томондан] Х<sup>3</sup>оразм қўлига қўйиладиган аш-Шош дарёсигача<sup>3</sup> чўзилган, [иккинчи томондан] унинг ҳудуди у билан Исбижоб ўртасидаги яйловларга [бой] ал-Қалос<sup>4</sup> даштида [жойлашган] Боб ал-Ҳадидгача<sup>5</sup> [чўзилган]. [Учинчи томондан] унинг ҳудудига аш-Шош вилоятига қарашли тоғ киради, [лекин] бу тоғга туташган узлуксиз обод ерлар бундан мустаснодир. [Улардан бошқа] майдонлар эса тарқоқ манзиллардан иборат. [Тўртинчи томондан] унинг ҳудуди Винкард<sup>6</sup> [номли] насронийларнинг қишлоғигача [боради].

аш-Шош [вилояти] текисликда жойлашган, ва бу узлуксиз обод [ер] да [бирорта] тоғ, тепалик ва ўнқир-чўнқир ер йўқ. Бу душманларга ва туркларга қарши [турган] энг йирик чегара ердир.

Унинг бинолари кенг ва пахсадан [қурилган]. [Аҳоли] нинг барча ҳовлиларидан сув оқади. Бутун [вилоят] кўкаламзорларга бурканган ва Мовароуннаҳрдаги энг гуллаб-яшнаган мамлакатлардандир.

Унда шаҳарлар кўп бўлиб, [улар] бир-бирига яқин масофада [жойлашган].

Улар [қуйидагилар]: Бинкат<sup>7</sup>, Данфағонкат<sup>8</sup>, Жинонжкат<sup>9</sup>, Нажокат<sup>10</sup>, Банокат<sup>11</sup>, Харашкат<sup>12</sup>, Устибайғу<sup>13</sup>, Ардлонкат<sup>14</sup>, Худайнкат<sup>15</sup>, Канқрок<sup>16</sup>, Калашжик<sup>17</sup>, Фарқанда<sup>18</sup>, Ғаннож<sup>19</sup>, Жабузан<sup>20</sup>, Вардук<sup>21</sup>, Кабарна<sup>22</sup>, Ғадронк<sup>23</sup>, Нужкат<sup>24</sup>, Ғазақ<sup>25</sup>, Абрадкат<sup>26</sup>, Бағункат<sup>27</sup>, Баркуш<sup>28</sup>, Хотункат<sup>29</sup>, Жабғукат<sup>30</sup>, Фаранкат<sup>31</sup>, Кадок<sup>32</sup>, Таколик<sup>33</sup>.

**(508)** Буларнинг ҳаммаси — аш-Шош шаҳарларидир.

Илоқнинг шаҳарларига келсак, унинг бош шаҳри Тункат<sup>34</sup> деб аталади. Унда [қуйидаги] шаҳарлар [бор]: Сакокат<sup>35</sup>, Бонжхош<sup>36</sup>, Нукат<sup>37</sup>, Болойон<sup>38</sup>, Туккат<sup>39</sup>, Арбилах<sup>40</sup>, Намудлиғ<sup>41</sup>, Хумрак<sup>42</sup>, Бискат<sup>43</sup>, Куҳисим<sup>44</sup>, Дахкат<sup>45</sup>, Хош<sup>46</sup> ва Харконкат<sup>47</sup>.

## XL [БИНКАТ]

Бинкат — аш-Шош [вилояти] нинг пойтахтидир. Унда *қухандиз*<sup>1</sup> ва *мадина*<sup>2</sup> [бор]. *Қухандиз* мадинанинг ташқарисида [жойлашган]. Лекин *қухандиз* билан *мадинани* бир девор [ўраб туради]. *Мадинанинг* [ташқарисида] *рабад*<sup>3</sup> бўлиб, унинг атрофида ҳам девор [бор]. Шунингдек, бу девор ташқарисида яна бир *рабад*<sup>4</sup>, боғлар ва уйлар [бор]. У бошқа девор билан [ўралган]. *Қухандиз* нинг иккита дарвозаси бор: бири *рабад* [томон] га, иккинчиси *мадина* [томон] га қараган. *Мадинанинг* деворида учта дарвоза бор. Улардан бири Абу-л-‘Аббос<sup>5</sup> [дарвозаси], иккинчиси — Боб Касир<sup>6</sup>, учинчиси — Боб ал-Жунбад<sup>7</sup> деб аталади.

Биринчи *рабадда* ўнта дарвоза [бор]: уларнинг бири Боб Работ Ҳамдайн<sup>8</sup>, иккинчиси — Ички Боб ал-Ҳадид<sup>9</sup>, учинчиси — Боб ал-Амир<sup>10</sup>, тўртинчиси — Боб ал-Фархон<sup>11</sup>, бешинчиси — Боб Суркада<sup>12</sup>, олтинчиси — Боб Кармонж<sup>13</sup>, еттинчиси — Боб Сиккат Саҳл<sup>14</sup>, саккизинчиси — Боб Рошдижоқ<sup>15</sup>, тўққизинчиси — Боб Сиккат Хоқон<sup>16</sup>, ўнинчиси — Боб Қаср ад-Дихқон<sup>17</sup> деб аталади.

Ташқи рабадда етгита дарвоза бор. Улар [қуйидагилар]: Боб Фарғад<sup>18</sup>, Боб Хошкат<sup>19</sup>, Боб Сакандижоқ<sup>20</sup>, Боб ал-Ҳадид<sup>21</sup>, Боб Бокардижоқ<sup>22</sup>, Боб Сакрак<sup>23</sup> ва Боб (509) Дарб-и Фарйод<sup>24</sup>.

Ҳукумат саройи билан қамоқхона қухандизда, жоме масжиди қухандиз девори ёнида [жойлашган]. Ички мадинада бозорларнинг бир қисми [жойлашган], лекин уларнинг кўп қисми рабаддадир.

Шаҳарнинг учинчи деворидан [бошлаб] уни бутун кенглиги бўйлаб кесиб ўтгунча [бўлган] узунлиги бир фарсахга тенг. Ички мадинада ва рабадда, ҳамма ерда сувлар оқади. Рабадда қўлаб боғлар, керагидан ҳам ортиқ ариқлар ва алоҳида [қурилган] бинолар [бор].

Софлиғ<sup>25</sup> номли тоғдан [бошлаб] ал-Қалос [дашти] бўйлаб девор<sup>26</sup> чўзилган бўлиб, у аш-Шош дарёсигача етиб боради. [Бу девор] нинг қурилиши ва таъмирланиши туркларнинг ислом [мамлакати] га бостириб киришига тўсқинлик қилиш учун бўлса керак. Уни ‘Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ибн Савр<sup>27</sup> қурдирган. Бу девордан бир фарсах масофа [ташқари] га чиқилса, у ерда тоғдан дарё [томон] га қадар чўзилган жарлик бор.

аш-Шош [вилояти] да яна бир бошқа дарё [мавжуд] бўлиб, у [аш-Шош] дарёсига қуйилади ва Наҳр Турк<sup>28</sup> деб аталади. Унинг бир қисми Биском<sup>29</sup> [дарёси] дан, [бошқа] қисми Жидғил<sup>30</sup> [дарёси] дан оқиб келади, [бу] иккала [дарё] нинг бошланиш ери эса харлух туркларининг мамлакатидадир. Бу [дарё] Нажокат [шаҳри] яқинида аш-Шош дарёсига қуйилади.

Илоқ [вилояти] да Наҳр Илоқ<sup>31</sup> номли дарё [мавжуд] бўлиб, у турклар [мамлакати] ҳудудидан оқиб келади, унинг ортиб қолган сувлари эса Банокат [шаҳри] қаршисида аш-Шош дарёсига қуйилади. Банокатнинг ичимлик [суви] ўша [дарё] дан, аш-Шош вилоятининг бошқа ерларида [одамлар] нинг ичимлик [суви] Турк дарёсидан.

Илоқнинг бош шаҳри Тункат бўлиб, у Бинкатнинг ярмидан [ҳам] кичикроқдир. Унда қухандиз, мадина ва унинг атрофида

Илоқ дарёси бўйида [жойлашган] рабад [бор]. Ҳукумат саройи қухандизда, жоме масжиди билан қамоқхона [иккаласи] қухандиз ёнида жойлашган. Унинг бозорлари мадинада ҳам, рабадда ҳам [жойлашган]. Уларда мадинада ва рабадда оқар сув [бор].

аш-Шош ва Илоқнинг боғлари ва экинзорлари [бир-бири] га уланиб кетган ва улар орасида бўлиниш йўқ. Бу икки ноҳийа [бир-бири] га қўшилиб кетган [бир маъмурий] вилоят бўлиб, Илоқнинг охиридан [бошлаб] то аш-Шош дарёсигача [чўзилган]. Унда қалин дарахтзорлар, кўкаламзорлар, яйловлар, боғлар билан ўралган қасрлар [қўп] бўлиб, унга ёқимли кўриниш ва ғоят гўзал [манзара] бағишлайди.

Илоқдаги тоғларда<sup>32</sup> (510) олтин ва кумуш конлари [бор]<sup>33</sup>. Бу тоғларнинг орқа томони Фарғона [водийси] ҳудудларига туташган.

Илоқда пул<sup>34</sup> ва кумуш<sup>35</sup> тангалар [чиқариладиган] зарбхона [бўлиб]<sup>36</sup>, унда [тангалар] нинг иккала туридан кўп миқдорда чиқарилади.

Бинкатдан кейин катталиги бўйича Харашкат туради, ундан кейин эса катталиги, салоҳияти ва тақводорлиги бўйича Сутуркат<sup>37</sup> туради, аш-Шошнинг қолган шаҳарлари катталиги бўйича улардан кичикроқдир.

Илоқдаги энг катта шаҳар — Тункатдир, бошқа шаҳарлари эса ундан кичик бўлиб, уларнинг катталиги деярли бир хилдир.

Мовароуннаҳрда Бухоро, Самарқанд ва Илоқдан бошқа танга зарбхонаси йўқ<sup>38</sup>.

## XLI [ИСБИЖОБ]

Исбижоб<sup>1</sup> эса Бинкатнинг учдан бирига тенг шаҳар. У мадина, рабад ва қухандиздан иборат. Қухандиз хароба ҳолатда, мадина ва рабадда эса ҳаёт [бор]. Ички мадинанинг атрофида девор [бор], рабад атрофида ҳам уни бир фарсах узунликда ўраб турадиган

девор [бор]. Унинг рабадида [оқар] сувлар ва боғлар [бор]. Унинг бинолари пахсадан [қурилган]. [Шаҳар] текисликда [жойлашган], у билан энг яқин тоғлар орасидаги [масофа] тахминан уч фарсах.

Мадинанинг тўрт дарвозаси [бор]. [Бу] дарвозаларнинг бири Боб Нужкат<sup>2</sup>, [қолганлари] Боб Фарход<sup>3</sup>, Боб Сарокарса<sup>4</sup> ва Боб Бухоро<sup>5</sup> деб аталади. Унинг бозорлари мадинада ҳам, рабадда ҳам [жойлашган]. Ҳукумат саройи, қамоқхона ва жоме масжиди ички мадинада [жойлашган]. [Исбижоб] ҳосилдор ва бой шаҳардир. Бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда Исбижобдан бошқа хирож [солиғи] олинмайдиган шаҳар йўқ<sup>6</sup>.

Унинг ноҳийларидаги шаҳарлар: Будахкат<sup>7</sup>, Субоникат<sup>8</sup>, ат-Тароз<sup>9</sup>, Атлах<sup>10</sup>, Шалжи<sup>11</sup>, Кадар<sup>12</sup>, Сутканд<sup>13</sup>, Шовғар<sup>14</sup>, Саброн<sup>15</sup> ва Васиж<sup>16</sup>.

Субоникат Канжида<sup>17</sup> вилоятининг [маъмурий] маркази, Кадар эса Бороб<sup>18</sup> [вилояти]нинг [маъмурий] марказидир. Васиж ҳам Бороб [вилояти] нинг шаҳарларидан биридир. У ердан қадимги [файласуфлар] нинг китобларининг [маъносини] шарҳловчи мантиқ ҳақидаги китоблар муаллифи Абу Наср Боробий<sup>19</sup> [чиққан] бўлиб, у [шу фан соҳаси] бўйича замонамиздаги, асримиздаги ва ҳозирги кунимиздаги (511) энг машҳур [олим] дир.

Саброн шаҳрида ғузлар тинчлик бўлган вақтда сулҳ [тузиш], ярашиш ва тижорат қилиш учун тўпланадилар. Бу [жуда] мустаҳкам шаҳардир.

Бороб узунлиги ва эни бир кунлик [йўл] дан камроқ бўлган ноҳийадир. Унда [ҳарбий] куч ва одамларнинг [сони] кўп. Бу ноҳийадаги тупроқ шўр бўлиб, унда чакалакзорлар [бор]. Экинзорлар аш-Шош дарёсидан сув олувчи [бир] дарё<sup>20</sup> водийсида [жойлашган].

Сутканд аш-Шош дарёсининг ғарб томонида [жойлашган]. Унда минбар [бор]. Бу туркларнинг тўпланган еридир<sup>21</sup>. Улардан баъзилари ислом [дини] ни қабул қилган. Ислом [йўли] га ғузлар ва харлухларнинг бир қисми кирган<sup>22</sup>. Улар туркларга [қаршилиқ



кўрсатишда] шижоатли ва қудратлидирлар<sup>23</sup>. Бороб, Қанжида ва аш-Шош ўртасида ҳосилдор яйловлар<sup>24</sup> [жойлашган] бўлиб, уларда ислом динини қабул қилган туркларнинг мингта яқин уйлари [бор]. Улар ўз удумларига биноан [қурилган] ўтовларда яшайдилар<sup>25</sup>. Уларда [ҳеч қандай] бинолар йўқ.

ат-Тароз мусулмон бўлган туркларнинг савдо қиладиган еридир<sup>26</sup>. [Турк] ларнинг ерларида [ат-Тароз] га қарашли истеҳкомлар [жойлашган]. Ислом [мамлакатлари] дан ҳеч ким у ердан [нарига] ўтмаган, чунки ундан [нарига] ўтган [йўловчи] харлухларнинг ўтовларига кириб боради.

Бу ноҳийанинг юқорида зикр этилган [шаҳарлари] аш-Шош [вилояти] ва унинг чеккаларига киради<sup>27</sup>.

## XLII [ХУЖАНДА]

Хужанда<sup>1</sup> Фарғона билан чегарадош [шаҳар] бўлиб, [маъмурий жиҳатдан] унинг таркибига киради, бошқарувда [эса ундан] алоҳидадир<sup>2</sup>. У аш-Шош дарёсининг бўйида, унинг ғарбий [томони] дадир. Унинг узунлиги кенглигидан каттароқдир. Ундан бир *фарсах* [масофа] да Қанд<sup>3</sup> [шаҳри жойлашган]. У узумзорлар ва боғларга мўлдир. Хужанда вилоятида Қанддан бошқа шаҳар йўқ. Унинг боғлари ва уйлари тарқоқ [жойлашган]. Унда бир нечта қишлоқлар, *мадина* ва *қухандиз* [бор]. Ҳоме масжиди *мадинада*, ҳукумат саройи *рабаддаги* майдонда, қамоқхона эса *қухандиздадир*. Бу шаҳарнинг [ҳавоси] соғлом, мевалари ажойибдир. Унинг аҳолиси чиройлилиги ва саховатлилиги [билан ажралиб туради]. Бу шаҳар [аҳли] нинг ўз деҳқончилик маҳсулотларига бўлган талаби қондирилмаслиги сабабли, [қолган маҳсулотлар] уларга бутун Фарғона ва Ушрусанадан олиб келинади, бу эса уларга оғир вазиятлардан [чиқишга] ёрдам беради.

Унга аш-Шош дарёси [бўйлаб] кемалар келади<sup>4</sup>, бу эса азим дарёдир. [Бу дарё] турклар ва ислом [мамлакатлари] ҳудудидаги

дарёларнинг унга қўшилишидан катта бўлади. Унинг асосий ўзани Узканд<sup>5</sup> ҳудудидаги турклар мамлакатидан оқиб чиқувчи (512) дарёдир<sup>6</sup>. Кейин унга Наҳр Хуршоб<sup>7</sup>, Наҳр Ураст<sup>8</sup>, [Наҳр] Қубо<sup>9</sup>, Наҳр Жидғил<sup>10</sup> ва бошқа дарёлар қўшилади. Унинг сувлари мўлкўл бўлиб, [аввал] Ахсикат<sup>11</sup> [ёни] дан, кейин Хужанда [ёни] дан, сўнг Банокат<sup>12</sup> [ёни] дан, кейин Сутканд<sup>13</sup> [ёни] дан ўтади ва Бороб<sup>14</sup> [вилояти] га оқиб боради. [Дарё] Саброн<sup>15</sup> ҳудудидан ўтганда, *ғуз* турклари мамлакатининг чеккасидаги даштдан оқиб ўтади. [Кейин дарё] ал-Қарийа ал-Ҳадиса<sup>16</sup> [шаҳри] дан бир *фарсах* [масофа] да оқиб ўтади. Кейин [дарё] ал-Қарийа ал-Ҳадиса [шаҳри] дан икки кунлик [йўл масофада] Х<sup>в</sup>оразм кўлига<sup>17</sup> қуйилади. Бу дарё тўлиб оққанда, унинг [катталиги] Жайхун [дарёси] нинг учдан икки қисмига [тенг бўлади]. Турклар билан мусулмонлар ўртасида сулҳ тузилган ва тинчлик бўлган вақтда у орқали ал-Қарийа ал-Ҳадиса [шаҳри] га озиқ-овқат олиб келинади. ал-Қарийа ал-Ҳадиса [шаҳри] да мусулмонлар [яшайди], у *ғузлар* мамлакатининг пойтахти бўлиб, қишда унда *ғузларнинг* подшоҳи яшайди<sup>18</sup>. Унинг яқинида Жанд<sup>19</sup> ва Х<sup>в</sup>ора<sup>20</sup> [шаҳарлари] жойлашган бўлиб, у ерда *ғузлар* ҳукмронлиги остидаги мусулмонлар яшайдилар<sup>21</sup>. Бу учта ернинг энг каттаси ал-Қарийа ал-Ҳадисадир. У Х<sup>в</sup>оразмдан ўн кунлик [йўл], Боробдан эса йигирма кунлик йўл [масофада жойлашган]<sup>22</sup>.

## XLIII [ФАРҒОНА]

Фарғона<sup>1</sup> — ўлканинг номи бўлиб, у катта шаҳарлар ва қишлоқларни ўз ичига олган кенг вилоятдир. Унинг *қасабаси* Ахсикат<sup>2</sup> [шаҳри] дир. Бу — аш-Шош дарёсининг бўйида, текисликда [жойлашган] шаҳардир. Шаҳар билан тоғлар орасидаги [масофа] тахминан ярим *фарсахни* [ташқил қилади]. У дарёдан шимолда [жойлашган]. Унда *мадина* ичида жойлашган *қухандиз*, *мадина* ёнида *рабад* [бор]. *Ҳукумат* саройи ва *қамоқхона қухан-*

дизда, жоме масжиди эса *қухандиз* ташқарисида [жойлашган]. Намозгоҳ — аш-Шош дарёсининг бўйида [жойлашган]. Унинг бозорлари *мадина* ва *рабадда*, кўпчилиги *мадинада* [жойлашган]. Унинг катталиги тахминан учдан бир *фарсахни* [ташқил қилади]. [Унинг] бинолари пахсадан [қурилган]. Унинг *рабади* девор билан [ўралган]. Ички *мадинанинг* бешта дарвозаси [бор]. Улардан бири Боб Бужайр<sup>3</sup>, қолганлари эса Боб ал-Маркаша<sup>4</sup>, Боб Косон<sup>5</sup>, Боб ал-Жоме<sup>6</sup> ва Боб Рахоба<sup>7</sup> [деб аталади].

Унинг *мадинаси* ва *рабадида* оқар сувлар ва кўплаб ҳовузлар [бор]. *Рабаднинг* ҳар бир дарвозаси қалин боғлар ва оқар сувли ариқларга чиққан бўлиб, бу боғлар шаҳардан икки *фарсах* масофага қадар давом этади. аш-Шош дарёсидан кечиб ўтилса, (513) шаҳарнинг қаршисида ўтлоқлар ва кўплаб яйловлар [бор], шунингдек, бир кунлик [йўл] давомида қумлоқ ерлар [бор].

Ахсикатдан кейин катталиги жиҳатдан Қубо<sup>8</sup> [шаҳри] туради. У [вилоят] даги энг ҳавоси тоза шаҳарлардан [бири] дир. Катталиги бўйича [у] деярли Ахсикат билан тенг<sup>9</sup>. Унда *қухандиз*, *мадина* ва *рабад* [бор]. *Қухандиз* хароба ҳолатда. Жоме масжиди *қухандизда*, [шаҳар] бозорлари — *рабадда*, ҳукумат саройи ва қамоқхона [ҳам] *рабадда* [жойлашган]. *Рабад* атрофи девор билан ўралган. Унда кўплаб боғ-роғлар ва [оқар] сувлар бўлиб, Ахсикатнинг [оқар] сувлари ва боғларидан кўпроқдир.

Қубодан кейин катталаги жиҳатдан Уш<sup>10</sup> [шаҳри] туради. Унда *мадина* ва *қухандиз* бўлиб, иккаласида ҳам ҳаёт мавжуд. Ҳукумат саройи ва қамоқхона *қухандизда* [жойлашган]. *Мадина* ёнида *рабад* [жойлашган], унинг атрофлари девор билан [ўралган]. Бу [девор] тоғга бориб тақалади, тоғ<sup>11</sup> [тепаси] да эса \*туркларнинг кузатув ери [жойлашган] бўлиб, у [ер] дан уларнинг полизлари ва ўтлаб юрган подалари қўриқланади<sup>12</sup>. [Шаҳар] нинг учта дарвозаси бор: Боб ал-Жабал<sup>13</sup>, Боб ал-Мо<sup>14</sup> ва Боб Муғқада<sup>15</sup>. *Мадина* дарвозалари мустаҳкамланган.

Узканд<sup>16</sup> — кофирларнинг мамлакати томон [юрилса], Фарғона шаҳарларининг энг охиргисидир. Унинг [катталиги] Уш [шаҳри]

нинг тахминан учдан икки қисмига [тенг]. Унда қухандиз, [девор] билан ўралган мадина ва рабад бўлиб, [рабад] да бозорлар [жойлашган]. Бу — туркларнинг [мамлакати] дарвозаси [ёни] даги савдо марказидир. Унда боғлар ва [оқар] сувлар [мавжуд].

[Шундай қилиб], Фарғонада мустақкам қухандизи, боғлари ва оқар сувлари бўлмаган [бирорта] шаҳар йўқ.

## XLIV [ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИ]

Мовароуннаҳрда қишлоқларининг кўплиги бўйича Фарғонага етадигани йўқ. Баъзан одамлар [сони] нинг кўплиги, уларнинг чорвалари ва яйловларининг кўплигидан [бир] қишлоқнинг ҳудуди бир кунлик [йўл] га етади. Фарғона [ўлкаси] нинг вилоятлари [қуйидагилар]: [Косон]<sup>1</sup>, Юқори Насйо<sup>2</sup>, Қуйи Насйо<sup>3</sup>, Асбара<sup>4</sup>, Нақод<sup>5</sup>, Мийон Рудон<sup>6</sup>, Жидғил<sup>7</sup>, Ураст<sup>8</sup>, Басфар<sup>9</sup> ва Ашт<sup>10</sup>.

Юқори Насйо — Фарғонага Хужанда томондан кирганда, унинг биринчи вилоятидир. Унинг шаҳарлари [қуйидагилар]: Вонкат<sup>11</sup>, Сух<sup>12</sup>, Х<sup>во</sup>канд<sup>13</sup> ва Риштон<sup>14</sup>.

Унга Қуйи Насйо [вилояти] туташган бўлиб, унда Марғинон<sup>15</sup>, Зандаромиш<sup>16</sup>, Нажранк<sup>17</sup>, Устиқон<sup>18</sup>, (514) Андуқон<sup>19</sup> ва Хали<sup>20</sup> [номли] шаҳарлар бор.

Бу иккала туман текисликлар ва яйловлардан [иборат] бўлиб, уларнинг ҳудудида тоғ йўқ.

Асбара — текислик ва тоғдаги [вилоят]. Унда Тамохус<sup>21</sup> ва Бомкохус<sup>22</sup> шаҳарлари [бор].

Сух — тоғда [жойлашган] алоҳида шаҳар. Унинг [атрофларида] олтмишта қишлоқ [бор]. Бу машҳур вилоят бўлиб, унинг туманлари [бир нечта], жойлашуви [алоҳида], аҳолисининг сони кўп бўлганлигидан бошқаруви ва мавқеи алоҳидадир.

Авол<sup>23</sup> — шаҳарнинг номи, унинг қишлоқлари [бор]. У алоҳида ажралган вилоятдир.

Нақод — тоғдаги шаҳар, у вилоятнинг номи билан [аталган]. Унинг [бош] шаҳри Мискондир<sup>24</sup>. Унда бундан [бошқа] шаҳар йўқ.

Уш — шаҳарнинг номи, Қубо ҳам шундай. Уларнинг [атрофлари] да яхши қуролланган қишлоқлар кўп. Қубо ҳудудида ундан бошқа шаҳар йўқ. Унинг атрофида ўзиникидан бошқа туман йўқ.

Уш ҳудудида эса Мадво<sup>25</sup> [номли] яна бир шаҳар [бор].

Узканд — шаҳар номи, унинг кенг вилояти ва катта қишлоқлари [бор], лекин унинг туманида ўзидан бошқа шаҳар йўқ.

Косон — шаҳарнинг номи, шунингдек, *ноҳийанинг* ҳам номидир. Унинг қишлоқлари, экинзорлари, чорва моллари ва [қўй] подалари [кўп].

Жидғил — вилоятнинг номи, унинг [бош] шаҳри Ардлонкат<sup>26</sup>. Унинг туманида ундан бошқа шаҳар йўқ.

Мийон Рудон — вилоят номи. Унда қишлоқлар кўп ва ғалла мўл-қўл. Унинг [бош] шаҳри Хайломдир<sup>27</sup>. Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад<sup>28</sup> бу ерда Хайр ибн Абу-л-Хайрнинг<sup>29</sup> уйида туғилган<sup>30</sup>.

Карвон<sup>31</sup> — шаҳарнинг номи, унинг кенг *ноҳийаси* ва аҳолиси кўп қишлоқлари [бор].

Нажм<sup>32</sup> — кўп қишлоқлар мажмуасининг номи. Унинг ҳудудларида пиёда ва отлиқ [аскар] лар, ҳимоячилар [жамланган] бўлиб, улар уни [душмандан] ҳимоя қиладилар ва унга қасд қилмоқчи бўлганлардан сақлайдилар.

Ураст ҳам [вилоят] бўлиб, унинг қишлоқлари кўп.

Астийоканд<sup>33</sup> ва Шалот<sup>34</sup> атрофларида [ҳам] қишлоқлар [бор]. Бу иккала шаҳар туркларнинг дарвозасидир. Уларга Мийон Рудондан борилади. Шунингдек, Узканд ҳам туркларнинг дарвозасидир. Бу ерлар Ҳафт деҳ<sup>35</sup>, яъни Етти қишлоқ, деб аталади. [Бу ерлар илгари] туркларга қарашли бўлган ва яқинда, фақат бизнинг замонамизда, *фатҳ* қилинган. Бу [ерлар] Узкандга яқин [жойлашган] бўлиб, ислом [мамлакати] га [яқинда] ўтган<sup>36</sup>.

## XLV [ФАРҒОНА КОНЛАРИ]

(515)[Олдин] айтганимиздек, Фарғонада Нақод, Ахсикат ва бошқа [шаҳарлар] нинг *ноҳийаларида* олтин<sup>1</sup> ва кумуш<sup>2</sup> конлари [бор]. Симоб<sup>3</sup> Сухда, унинг тоғларида [қазиб] олинади. Юқори Насйо *ноҳийасида* қатрон<sup>4</sup>, тошпахта<sup>5</sup>, олтин, кумуш, феруза [тоши]<sup>6</sup>, темир<sup>7</sup>, сариқ мис<sup>8</sup> ва қалай<sup>9</sup> конлари [бор].

Асбарада қора тошлардан [иборат] тоғ бўлиб, бу [тошлар] кўмир-га ўхшаб ёнади<sup>10</sup>. Уларнинг кули билан кийимлар оқартирилади<sup>11</sup>.

Асбарада [ранг-баранг] слюда тоғлари<sup>12</sup> ҳам бор. Унинг бир қисми сақичга ўхшаш қора, бошқаси — очиқ қизил, учинчиси — оч сариқ<sup>13</sup>.

Фарғона тоғларида *ат-табархун*<sup>14</sup> ўсимлиги [ўсади], унинг уруғлари ҳар хил мамлакатларга олиб кетилади, шунингдек *ал-кузанжон*<sup>15</sup> [ўсимлиги] улардан бошқа ҳеч қаерда бўлмайди. Бу *ноҳийаларда* ва туркларнинг *ноҳийаларида* ал-Буттам<sup>16</sup> [тоғлари] даги каби кўп миқдорда *новшадил*<sup>17</sup> олинади.

## XLVI [МОВАРОУННАҲРДАГИ МАСОФАЛАР]

Мовароуннаҳрдаги масофалар [қуйидагилар]: Жайхун ёқасидаги Фарабр [шаҳри] дан Фарғонагача йўл — Фарабрдан Байкандгача бир *марҳала*<sup>1</sup>, Байканддан Бухорогача [бир] *марҳала*, Бухородан ат-Тавовисгача [бир] *марҳала*, ат-Тавовисдан Карминийагача [бир] *марҳала*, Карминийадан ад-Дабусийагача [бир] қисқа *марҳала*, ад-Дабусийадан Арбинжангача [бир] қисқа *марҳала*, Арбинжандан Зармонгача<sup>2</sup> [бир] *марҳала*, Зармондан Самарқандгача [бир] *марҳала*, Самарқанддан Аборкатгача [бир] *марҳала*, Аборкатдан Работ Саъдгача<sup>3</sup> [бир] *марҳала*, бу *марҳалада* Работ Абу Аҳмадга<sup>4</sup> етганингда, [йўл иккига] — Фарғона ва аш-Шош йўлига ажралади, Работ Саъддан Фурнамадгача [бир]

марҳала, Фурнамаддан Зомингача [бир] марҳала, Зоминдан Соботгача [бир] марҳала, Соботдан Арқандгача<sup>5</sup> [бир] марҳала, Арқанддан Шовакатгача<sup>6</sup> [бир] марҳала, Шовакатдан Хужандагача [бир] марҳала, Хужандадан Кандгача [бир] марҳала, Канддан (516) Сухгача [бир] марҳала, Сухдан Риштонгача [бир] марҳала, Риштондан Зандаромишгача [бир] марҳала, Зандаромишдан Қубогача [бир] марҳала, Қубодан Ушгача [бир] катта марҳала, Ушдан Узгандгача [бир] катта марҳала. Бу Фарабрдан Узгандга [олиб борадиган] йўл, [Узқанд] эса Мовароуннаҳрининг охирги [шаҳри] дир.

Ким Хужандадан Фарғона қасабаси Ахсикатга [боришни] истаса, Канддан Х<sup>о</sup>кандгача [бир] катта марҳала, Х<sup>о</sup>канддан Ахсикатгача [бир] катта марҳала. У ердан иккита йўл [бор]. Улардан бири чўл ва қумлар орқали [ўтиб], Боб<sup>7</sup> Ахсикатгача етти фарсах, кейин аш-Шош дарёсидан ўтиб Ахсикатга [олиб боради]. Бошқа [йўл] дарёдан ўтиб, Бобгача<sup>8</sup> беш фарсах, Бобдан Ахсикатгача тўрт фарсах.

Фарабрдан Узгандгача жами масофа йигирма уч марҳала.

аш-Шош ва ислом мамлакатининг энг чекка [ерлари томон] йўлга чиқсанг, Аборкатдан Қатвондизагача<sup>9</sup> [бир] марҳала [юрасан]. аш-Шош ва Фарғона йўли Работ Абу Аҳмадгача биттадир. Кейин чап томонга қайрилиб аш-Шошга [кетасан]. Агар Работ Абу Аҳмаддан чиқсанг Қатвондизада тўхтайсан. Агар хоҳласанг Харқонада тўхташинг [мумкин], кейин Дизак, кейин Би'р ал-Хусайнга<sup>10</sup>, кейин Би'р Хумайд<sup>11</sup>, кейин Винкард<sup>12</sup>, кейин Устуркат<sup>13</sup>, кейин Бинкат, кейин ал-Қалос [дашти] даги Анфуран<sup>14</sup> номли работга, кейин Фаркард<sup>15</sup> [номли] қишлоққа, кейин Исбижобга, кейин Будахкатга, Будахкатдан эса ат-Тарозгача икки кунлик [йўл], уларнинг орасида бирорта работ ёки иморат йўқ.

Кимки Банокат йўлидан [юришни] истаса, у Аборкатдан Работ Саъдга келади, ундан Зомин ва Ховасга, Ховасдан Банокатга, кейин Устуркатга боради.

Жайхун дарёсидан ат-Тарозгача жами [масофа] йигирма икки марҳала.

## XLVII

### [БУХОРОДАН АТ-ТИРМИЗ, БАЛХВА Х<sup>в</sup>ОРАЗМГА ЙЎЛЛАР]

(517) Бухородан ат-Тирмиз ва Балхга йўл: Бухородан Қарожунгача<sup>1</sup> [бир] *марҳала*, Қарожундан Мийонколгача<sup>2</sup> [бир] *марҳала*, Мийонколдан Моймурғгача<sup>3</sup> [бир] *марҳала*, Моймурғдан Насафгача [бир] *марҳала*, Насафдан Субахгача [бир] *марҳала*, Субахдан ад-Дидакийгача<sup>4</sup> [бир] *марҳала*, ад-Дидакийдан Кандаккача<sup>5</sup> [бир] *марҳала*, Кандакдан Боб ал-Ҳадидгача<sup>6</sup> [бир] *марҳала*, Боб ал-Ҳадиддан Работ Доранкгача<sup>7</sup> [бир] *марҳала*, ундан Ҳошимжирдгача<sup>8</sup> [бир] *марҳала*, ундан ат-Тирмизгача [бир] *марҳала*, ат-Тирмизда Жайхун [дарёси] дан ўтиб Сийоҳкирдгача<sup>9</sup> [бир] *марҳала*, ундан Балхгача<sup>10</sup> [бир] *марҳала*. Жами [Бухородан Балхгача] ўн уч *марҳала*.

Самарқанддан Балхга йўл: Самарқанддан Кешгача икки кунлик [йўл], Кешдан Кандакгача уч *марҳала*<sup>11</sup>, [кейин] Бухоро ва Самарқанддан Балхга [олиб борувчи] йўл Кандакда қўшилиб кетади.

Бухородан Х<sup>в</sup>оразмга йўл чўлдан [ўтади]: Бухородан чиқиб Фарахша [қишлоғи] гача обод ерлар орасидан [бир] *марҳала*, [кейин] саккиз *марҳала* бирорта тўхташ жойи, работ ёки маскан бўлмаган чўлдан юрасан. Бу яйловлар ва ялангликлар орасидан ўтган [йўл] бўлгани учун ундаги тўхташ ерлари аниқланмаган. Ким Жайхун [дарёсидан] Омулга кечиб ўтиб, кейин [у ердан] Х<sup>в</sup>оразмга юришни истаса, Бухородан Фарабргача икки *марҳала*, Фарабрдан дарёдан Омулга кечиб ўтади, [кейин] Омул [вилояти] ҳудудидан Визагача<sup>12</sup> [бир] *марҳала* юради, Визадан Мардусгача<sup>13</sup> [бир] *марҳала*, Мардусдан Асбосгача<sup>14</sup> [бир] *марҳала*, Асбосдан Сифойагача<sup>15</sup> [бир] *марҳала*, ундан ат-Тоҳирийагача<sup>16</sup> [бир] *марҳала*, кейин Ҳазорасбгача [бир] *марҳала*. Уларнинг барчаси обод [ерлар] дир. Бу Х<sup>в</sup>оразмдаги ал-Журжонийа шаҳрига олиб борувчи йўлдир.



Бухородан Х<sup>о</sup>размгача [олиб боровчи] бу [йўл] ўн икки *марҳала*.

Бухородан Ушрусанага йўл Фарғона йўлига мос келади, чунки сен Харғона ва Зоминдан ўтасан, улар эса Ушрусана шаҳарларидир.

## XLVIII

### [АЛ-ХУТТАЛДАН АС-САҒОНИЙОНГА ЙЎЛ]

(518) ал-Хутталдан ас-Сағонийонга йўл: Харбоб дарёсидаги Бадахшон кечувидан<sup>1</sup> Мункгача олти *марҳала*, Мункдан Вахшоб дарёсидаги Қантарат ал-Ҳажаргача<sup>2</sup> икки *марҳала*, агар Вахшоб дарёсидан [пастга] тушсанг, Ливакандгача<sup>3</sup> икки *марҳала*, яна сув бўйлаб тушсанг, Ҳаловардгача [бир] *марҳала*. Ҳаловард ва Ливаканд Вахшоб [дарёси] бўйида [жойлашган]. Бу икки шаҳар ал-Вахш [вилояти] да.

Орҳан<sup>4</sup> кечувидан Ҳаловардгача икки *марҳала*, шу кечувдан Ҳулбукгача икки кун, Ҳулбукдан Мункгача икки кун. Ковбанж Харбоб дарёсидаги Орҳан кечувидан юқорида, ундан тахминан [бир] *фарсах* [масофа] да.

Тамлийот Қантарат ал-Ҳажардан тўрт *фарсах* [масофа] да Мунк йўлида [жойлашган].

Бадахшон кечувидан Рустоқ Бикгача<sup>5</sup> икки *марҳала*, Рустоқ Бикдан Андижороғ дарёсини кечиб ўтиб, [Андижороғ] га кирасан. Рустоқ Бик ва Андижороғ орасидаги [масофа бир] *марҳала*. Андижороғдан Форғар дарёсини кечиб ўтиб, кейин Форғар [шаҳри] га кирасан. Уларнинг орасидаги [масофа бир] кунлик [йўл]. Кейин Барбон дарёсини кечиб Ҳулбукга кирасан. Бу ал-Вахш ва ал-Хуттал орасидаги масофа.

ат-Тирмиздан ас-Сағонийонга йўл: ат-Тирмиздан чиқсанг Жарминқонгача<sup>6</sup> [бир] *марҳала*, Жарминқондан Сарманжиг<sup>7</sup>, бу чиройли шаҳар, унда Абу-л-Ҳасан ибн Ҳасан Мохга<sup>8</sup> қарашли Ҳасан *работи*<sup>9</sup> бўлиб, унда ҳар куни [бир] *динорлик* нон [текинга] тарқатилади, - [бир] *марҳала*. Ундан Дор Занжийга<sup>10</sup>, у ҳам чиройли шаҳар, — [бир]

*марҳала*. Унда Абу-л-Ҳасан Аллоҳ уни раҳмат қилсинга қарашли *работ* [бор], [лекин] мен унда тўхтамаганман ва унга кирмаганман.

Дор Занжийдан ас-Сағонийонгача икки *марҳала*<sup>11</sup>. У ерда Абу-л-Ҳасан, Аллоҳ уни раҳмат қилсиннинг бир нечта машҳур *работлари* ва ажойиб хайрли осорлари [бор].

ас-Сағонийон Муҳтож оиласига<sup>12</sup> [қарашли] шаҳардир. Унда Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад<sup>13</sup> қўшинларининг соҳиби **(519)** Абу ‘Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар ибн Муҳтожнинг<sup>14</sup> ўғли бутун Хуросондаги нафақалар ва хайриялар [девони] нинг бошқарувчиси бўлган. У ердаги [оталари] нинг мулклари ва ерлари [унинг қўлида]. [Бу] Нуҳнинг авлоди Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳнинг<sup>15</sup> ҳомийлиги [туфайлидир], чунки Абу ‘Али ўтмишда *амир* Абу Солиҳнинг аждодлари олдида катта хизмат кўрсатган.

ас-Сағонийондан ал-Хутталга йўл: ас-Сағонийондан Вошжирдга, [кейин] Шумонгача икки *марҳала*, Шумондан Андийонгача<sup>16</sup> [бир] кун, Андийондан Вошжирдгача [бир] кун, Вошжирддан Илоқгача<sup>17</sup> [бир] кун, Илоқдан Дарбандгача<sup>18</sup> [бир] кун, Дарбанддан Ховаконгача<sup>19</sup> [бир] кун, Ховакондан қалъагача икки кун, қалъа эса ар-Роштдадир<sup>20</sup>.

ас-Сағонийондан Босандгача<sup>21</sup> икки *марҳала*, ас-Сағонийондан Зинваргача<sup>22</sup> [бир] *марҳала*, ас-Сағонийондан Буробгача<sup>23</sup> [бир] *марҳала*, ас-Сағонийондан Рикаргача<sup>24</sup> олти *фарсах*. Буроб йўли икки *фарсахдан* кейин келади, кейин [яна] уч *фарсахдан* кейин Рикардан ўтади.

ат-Тирмиздан ал-Қуводийонгача икки *марҳала*, ал-Қуводийондан ас-Сағонийонгача уч *марҳала*, Вошжирддан Қантарат ал-Хижорагача [бир] кун.

Бу ас-Сағонийон билан ал-Хутталнинг энг чекка [ерлари] орасидаги масофалардир.

## XLIX [Х<sup>в</sup>ОРАЗМДАГИ МАСОФАЛАР]

Х<sup>в</sup>оразмдаги масофалар зикри: Х<sup>в</sup>оразм қасабаси бўлмиш Кот<sup>1</sup> [шаҳри] дан Хивагача [бир] марҳала, Хивадан Ҳазорасбгача [бир] марҳала.

Котдан ал-Журжонийагача уч марҳала, ундан Ардахушмитанга [бир] марҳала, Ардахушмитандан Нузворгача<sup>2</sup> [бир] марҳала, ва ундан ал-Журжонийагача [бир] марҳала. Бу [йўл] давомида Жайхун [дарёси] дан кечиб ўтилади.

Ҳазорасбдан **(520)** Кардаронхошгача уч фарсах, ундан Хивагача беш фарсах, Хивадан Софардиз [қишлоғи] гача беш фарсах, Софардиздан [бош] шаҳаргача уч фарсах.

[Бош] шаҳардан Кардаргача [бориш учун] аввал Дархошгача<sup>3</sup> икки марҳала юрилади, [кейин] Дархошдан Кардаргача [бир] марҳала. Кардардан Қарийат Қаротакингача икки кун.

Мадминийа ва Қарийат Қаротакин [бир-бирига] яқин, лекин Мадминийа Жайхун [дарёси] га яқинроқ. У Жайхун дарёсидан тўрт фарсах [масофа] да [жойлашган] шаҳардир. Миздохқон билан Жайхун дарёси ўртасидаги [масофа] — икки фарсах. У ал-Журжонийа олдида, унинг қаршисида [жойлашган].

ал-Журжонийа ва Жайхун [дарёси] нинг орасидаги [масофа бир] фарсах.

## L [БУХОРО ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИДАГИ МАСОФАЛАР]

Бухоро [вилоятидаги] шаҳарлар орасидаги масофалар: Бухоро қасабаси Бумижкатдан Байкандгача [бир] марҳала, Бумижкатдан Хужодагача уч фарсах, у Бухородан Байкандга [кетаётган] йўловчининг ўнг [томони] да [жойлашган], у билан йул орасидаги [масофа] тахминан [бир] фарсах.

Муғкон шаҳардан беш *фарсах* [масофа] да, Байканд йўлидан ўнг [томон] да, у билан йўл орасидаги [масофа] уч *фарсах*.

Зандана шаҳардан тўрт *фарсах* [масофа] да, шаҳардан шимолда [жойлашган].

Карминийа ва Худиманкан орасидаги [масофа], ас-Сугд йўналиши бўйлаб [бир] *фарсах*. Худиманкан Самарқанд йўлидан бир *ғалва* [масофа] да, Самарқандга [кетаётган] йўловчининг чап [томони] да [жойлашган].

Самарқанддан Аборкатгача тўрт *фарсах*, Самарқанддан Варағсаргача тўрт *фарсах*, Варағсардан Бунжикатгача беш *фарсах*.

Самарқанддан Видоргача икки *фарсах*. Видор шаҳрида пахтадан *ал-видориййа* матоси ишлаб чиқарилади. Бу мато ишлов берилмасдан ва оқартирмасдан кийилади, чунки унда сариқ ранг кам, унинг майинлиги эса ипакка ўхшайди. [У] Форс, ал-‘Ироқ ва бошқа мамлакатларга олиб кетилади. [Уни ҳамма] мақтайди, у узоқ [вақт] га чидамлилиги билан машҳурдир. Хуросонда [бирорта] амир, вазир, қози, оддий фуқаро [ёхуд] катта ер эгаси (521) ёки аскар йўқки, қишда кийиладиган энг яхши кийимлари ичида *ал-видориййа* [матосидан] тикилганлари бўлмаса. Уларнинг [бу кийим] да хушбичимлиги кўриниб турибди, уларнинг чиройлилиги шубҳасиздир, чунки бу кийимлар сарғаймайди. Унда майинлик ва нафислик бор. Бу қалин ва зийнатли кийимдир. Ундан тикилган либосларнинг [нархи] икки *динордан* йигирма *диноргача*. Мен беш йил давомида бу кийимлардан кўпини кийдим. [Уларга] ал-‘Ироқда эҳтиёж катта, ва [у ерга] олиб кетилади, [Одамлар] уни кийгандан фахрланадилар<sup>1</sup>.

Самарқанддан Кабуданжкатгача икки *фарсах*, Самарқанддан Иштихангача етти *фарсах*, Самарқанддан шимол [томон] га, Иштихандан [ғарбда] ал-Кушонийагача [бир] *марҳала*, Арбинжангача [яна бир] *марҳала*.

## LI [КЕШВАНАСАФВИЛОЯТЛАРИДАГИ МАСОФАЛАР]

Кешдан Насафга [ғарб томонга] йўл уч *мархаладан* [иборат]. Кешдан ас-Сағонийонгача олти *мархала*. Кешдан Насаф йўлидаги Навқад Қурайшгача беш *фарсах*.

Кешдан Субахгача икки *фарсах* чапга. [Навқад Қурайшда йўл ажралади]. Искифағн Субахдан [бир] *фарсах* [масофа] да [жойлашган]. Субах Искифағнга нисбатан Насафга яқинроқ [жойлашган].

Насафдан Бухоро йўлидаги Касбагача тўрт *фарсах*, мен юқорида зикр этган йўлдан пастроқда<sup>1</sup>. Насаф билан Базда орасидаги [масофа] олти *фарсах*.

Булар Насаф [ва Кеш] шаҳарлари [орасидаги] масофалардир.

## LII [УШРУСАНАДАГИ МАСОФАЛАР]

Ушрусанадаги масофалар: Харқонадан Дизакгача беш *фарсах*, Харқонадан Зомингача тўққиз *фарсах*, Зоминдан Соботгача уч *фарсах*, Зоминдан Ховас йўлидан Куркатгача ўн уч *фарсах*, Фарғонага кетаверишда [йўлнинг] ўнг томонида.

Ушрусана [бош] шаҳри ва Собот орасидаги [масофа] уч *фарсах*, жануби-шарқ томонда<sup>1</sup>.

Нужкат ва Харқона орасидаги [масофа] икки *фарсах*, Харқонадан жануби-шарқ томонда<sup>2</sup>.

Арсубоникат Фарғона чегарасида Ушрусана [бош] шаҳридан шарқда, [ундан] тўққиз *фарсах* [масофада], Фағкат [бош] шаҳардан уч *фарсах* [масофа] да, Хужанда йўлида [жойлашган]. Фағкатдан (522)Ғазақгача икки *фарсах*, Ғазақдан Хужандагача олти *фарсах*.

Бу Ушрусана шаҳарлари [орасидаги] масофалар.

### ЛШ

## [АШ-ШОШ, ИЛОҚ ВА ИСБИЖОБ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ МАСОФАЛАР]

аш-Шош, Илоқ, Исбижоб шаҳарлари ва уларга туташ [ерлар] орасидаги масофалар.

Банокат<sup>1</sup> аш-Шош дарёсининг бўйида [жойлашган]. Ундан Харашкатгача [бир] *фарсах*, Харашкатдан Худайнкатгача [бир] *фарсах*, ундан Устуркатгача<sup>2</sup> уч *фарсах*, ундан Данфағонкатгача икки *фарсах*, ундан Золтикатгача<sup>3</sup> [бир] *фарсах*, ундан Бинкатгача икки *фарсах*. Бу шаҳарлар Банокатдан Бинкатга [олиб борадиган] йўл устида [жойлашган].

Бинкатдан Илоқ *қасабаси* Тункат йўлидаги шаҳарларга келсак, Бинкатдан Нужакатгача [бир] *фарсах*, ундан Болойонгача икки *фарсах*, ундан Нукатгача [бир] *фарсах*, ундан Бонжхошгача икки *фарсах*, ундан Сакокатгача [бир] *фарсах*, ундан Тункатгача [бир] *фарсах*.

Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасидаги [масофалар], Илоқ йўлидан шарқ томонда Бинкат Жабғукатдан икки *фарсах* [масофа] да [жойлашган], яна икки *фарсахдан* кейин Фаранкат келади, яна [бир] *фарсахдан* кейин Бағункат келади, яна икки *фарсахдан* кейин Абрадкат келади. [Кейин] Кадок, Фадронк, Кабарна ва Ғазак, у Ғазак [ҳам] дейилади, худди Х<sup>3</sup>оразмнинг [бош] шаҳри Ҳазорасф [ёки] Ҳазорасб<sup>4</sup> дейилганидек, ар-Руххаж<sup>5</sup> [вилояти] нинг [бош] шаҳри Банжвой [ёки] Фанжвой<sup>6</sup> дейилганидек. [Кейин] Вардук ва Жабузан [шаҳарлари келади]. Уларнинг ҳаммаси **(523)** бир бирига яқин [жойлашган] ва тахминан [бир] кунлик йўл [масофа] га [чўзилган].

Банокат, Тункат, Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлининг ғарбий томонида [жойлашган шаҳарлар]: Устибайғу, Калашжик, Ардлонкат, Бискат<sup>7</sup>, Сомсирак<sup>8</sup>, Хумрак ва Ғаннож. Уларнинг ҳаммаси [бир] *марҳала* ёки шунга яқин масофада [жойлашган].

Банокат, Тункат, аш-Шош дарёси ва Илоқ дарёси орасидаги [шаҳарлар]: Фаржанд<sup>9</sup>, Хош, Дахкат, Туккат, Кухисим, [улар] икки *марҳалага* [бир] *марҳаладан* камроқ масофада [жойлашган].

Илоқ дарёси, аш-Шош дарёси орасида, Тункатдан ғарбда Арбилах ва Намудлиғ [шаҳарлари] беш *фарсах* масофада [жойлашган].

Жинонжкат Винкарддан Бинкатга [олиб борадиган] йўлда [жойлашган], у билан аш-Шош дарёси орасидаги [масофа] икки *фарсах*.

Нажокат аш-Шош дарёсининг [бўйи] да [жойлашган], унинг ёнида [дарё] Турк дарёси билан қўшилади. Улар билан Банокат орасидаги [масофа] уч *фарсах*. Канкрок Турк дарёсининг [бўйи] да Худайнкат яқинида, [ундан бир] *фарсах* [масофа] да.

Турк дарёси билан ал-Қалос [дашти] орқасидаги Хо'ит 'Абдуллоҳ ибн Хумайд номли аш-Шош девори орасида Хотункат [жойлашган], у [бош] шаҳардан икки *фарсах* [масофа] да. Баркуш Хотункатдан уч *фарсах* [масофа] да, ўша йўналишда [жойлашган]. Ундан шарқ томонга Харконкатгача тўрт *фарсах*.

Бинкатдан Исбижобгача тўрт *марҳала*, Исбижобдан Усбоникатгача<sup>10</sup> икки *марҳала*, Усбоникатдан Бороб [рустоқи] қасабаси Кадаргача (524) икки енгил *марҳала*, Кадардан Шовғаргача [бир] *марҳала*, Шовғардан Сабронгача [бир] қисқа *марҳала*.

Васиж дарёнинг ғарб [томони] да, қирғоқнинг юқори қисмида Кадардан икки *фарсах* пастроқда [жойлашган].

Бороб дарёнинг шарқ [томони]да [жойлашган], Кадар билан дарё ўртасидаги [масофа] ярим *фарсах*<sup>11</sup>.

## LIV

### [ФАРҒОНАДАГИ МАСОФАЛАР]

Ахсикатдан Шикитга<sup>1</sup> йўл тўққиз *фарсах*, у эса Мийон Рудон [рустоқи] даги шаҳарларнинг биринчисидир, Ахсикатдан Мийон Рудон [рустоқи] нинг охири Шалот [шаҳри] гача тахминан беш

*мархала*, Ахсикатдан унинг шимолида [жойлашган] Косон [шаҳри] гача беш *фарсах*, Косондан Ардлонкатгача [бир] *мархала*, Косондан унинг шимоли-шарқида [жойлашган] Нажм [шаҳри] гача [бир] *мархала*, Ахсикатдан Карвон чегарасигача тахминан етти *фарсах*.

ар-Рошт<sup>2</sup> Ахсикатдан тахминан етти *фарсах* [масофа] да [жойлашган], унинг чегараси Илоқга туташган, у Ахсикатнинг шимоли-ғарбида [жойлашган]. Карвон, у билан Косон ўртасидаги [масофа] тўрт *фарсах*, Ахсикатдан Карвонгача тўққиз *фарсахга* яқин.

Борийоб ва Ахсикат аш-Шош дарёсининг бўйида [жойлашган].

Канд, у билан аш-Шош дарёси ўртасида [бир] *фарсахдан* кўпроқ. Вонкат билан дарё ўртасидаги [масофа] ҳам [бир] *фарсахдан* кўпроқ. Х<sup>о</sup>оканд ва дарё орасидаги [масофа] беш *фарсах*.

Қубодан Риштонга [йўл], у билан аш-Шош дарёси орасидаги [масофа] тахминан [бир] *мархала*. Қубодан Устиқонгача уч *фарсах*, Устиқондан дарёгача етти *фарсах*. У Қубодан Ахсикатга [борадиган] йўлда [жойлашган].

Сухдан Бомкохусгача беш *фарсах*, Сухдан Ужна<sup>3</sup> йўлидаги Аволгача тахминан ўн *фарсах*.

**(525)** Қубодан [шарқдаги] Нақодгача тахминан етти *фарсах*, уларнинг ҳудудлари туташдир.

Ушдан Мадвогача икки *фарсах*, Вонкатдан Хайломгача уч *фарсах*.

Хайломдан Шалотгача етти *фарсах*. Шалот ва Астийоканд, уларнинг *минбарлари* йўқ. Уларнинг [иккаласи] чегара [ерлар] дир. Улар ўз ўрнида *жиҳод* [уруш] ларида кўп зикр этилган<sup>4</sup>, [улар] ислом [мамлакати] нинг охириги [шаҳарлари] дир.





**ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР**



**ФОЙДАЛАНИЛГАН  
АДАБИЁТЛАР**



**КЎРСАТКИЧЛАР**

# ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

## I

### [МУҚАДДИМА]

1. *Мовароуннаҳр* (ماوراء النهر) — араб., «дарё ортидаги [ер]» маъносини билдиради. IX — X асрларда Амударёдан шимолда, яъни Араб халифалиги таркибига кирувчи Ўрта Осиёда жойлашган ерлар шундай ном билан машҳур бўлган. Ўрта асрларда бу номнинг форсча Вароруд (وراء رود) шакли ҳам ишлатилган бўлиб [Баевский 1980: 85], Тоҳирийлар даврида (IX в.) бу ном ҳудудий жиҳатдан Хуросон вилоятининг давоми ва ал-Машриқ номли «маъмур ер» (*руб' маскун*) нинг бир қисми сифатида тушунилган [Ибн Хордадбех: 67–68; Ибн ал-Факих: 97–101]. Сомонийлар ҳукмронлиги бошланганда (IX аср охири) эса Мовароуннаҳр алоҳида маъмурий бирлик ҳисобланиб, X асрдан бошлаб унга Хуросон ҳам қарашли бўлган [Ибн ал-Асир VII: 182; IX: 65]. Ҳокимият Қорахонийлар қўлига ўтгандан кейин Мовароуннаҳр Туркистон номи билан ҳам аталган бўлиб, бу ном остида Араб халифалиги таркибига кирган Туркистон ерлари назарда тутилган [Кошғарий III: 164].

Мовароуннаҳр сўзининг лотинча шакли Transoxiana (Трансоксиана) бўлиб, бу ном Европа тарихий ва илмий адабиётида қабул қилинган. Птолемей харитасига кўра, Окс (Oxus) дарёсининг шимолий тарафида Йаксарт (Iaxartis) дарёсининг қуйи оқимида унинг чап соҳилида *ариак* (Ariacae) номи халқ яшаган [Tabulae Geographicae]. Бу этноним туркий *ариёқ* (*нариёқ*) сўзидан ясалган бўлиб, «дарёнинг нариги тарафидаги» деган маънони билдиради. Тахмин қилинишича, лотинча Трансоксиана ва арабча Мовароуннаҳр атамалари айнан шу туркий сўздан таржима қилинган [Попов 1973: 142; Сатыбалов, Попов 1956: 109–112].

Мовароуннаҳр номи илк бор энг биринчи (*сахих*) ҳадисларда қайд этилган [ан-Насафий 1991: 131, 488, 505]. Афтидан бу ном араблар орасида исломга қадар ҳам ишлатилган бўлиб [Ибн Хордадбех: 61, 69],

Сосонийлар империясидан шимоли-шарқдаги ерларни англаган. Араблар Ўрта Осиёга ilk юришлар қилган вақтларда бу ерларга нисбатан икки хил атама ишлатилган: *Мо дуна-н-наҳр* (ما دون النهر), яъни «дарёнинг пастидаги ерлар», ва *Мо варо' ан-наҳр* (ما وراء النهر) — «дарёнинг ортидаги ерлар». Унда «дарё» деганда Амударё назарда тутилган. IX асрда *Мо дуна-н-наҳр* атамаси Хуросондан шарқда, Ҳиндикуш тоғларидан шимолда ва Амударёдан жанубда жойлашган Жанубий Тўхористон ҳудудларини, *Мо варо' ан-наҳр* атамаси эса Шимолий Тўхористон ва Суғд ерларини англаган [al-Beladsoʻri: 408]. X асрда ал-Истаҳрий ва Ибн Ҳавқал «Мо варо' ан-наҳр» тушунчасига фақат Суғд ва Шимолий Тўхористоннинг бир қисмини киритганлар, лекин тақсимлашда қулай бўлиши учун Жайхун (Амударё) ва Вахшоб (Вахш) дарёларидан жанубда жойлашган Хоразм ва Хутталонни ҳам унинг таркибига қўшганлар [al-Istakhri: 295]. X асрда ал-Муқаддасий Мовароуннаҳр ўрнига ал-Хайтал атамасини ишлатиб, унга Жайхун (Амударё) дан шимолдаги ерларни киритган, Хоразм ва Хутталонни эса алоҳида қайд этган [al-Moqaddasi: 261]. У ҳақида қаранг: Barthold, Bosworth 1986: 852–859; Kehkhoda XIII: 20032–20033; Асилова, Агзамова, 1988, с. 36; Камалиддин 2002: 61 – 68].

2. ал-Хуттал (الختل) — Амударёдан шимолда унинг юқори оқими ҳавзасида Помир-Олой тоғлари этакларида жойлашган тарихий вилоят. Ўрта аср манбаларида унинг номи Хутталон (ختلان) ва Хатлон (ختلان) шаклларида ҳам келтирилган. У ҳақида қаранг: XII, 1.

3. Фомир (فامير) — [al-Istakhri: 286], ўрта асрларда Вахшоб (Вахш) дарёсининг Помир-Олой тоғларидан бошланган ерида жойлашган вилоят. Унинг ҳудудидан харлухлар мамлакатида бошланувчи Вахшоб (وختشاب) дарёси оқиб ўтган, бу дарё Зомил (زامل) деб ҳам аталган [Ibn Rosteh: 92]. Унинг номи ўрта аср манбаларида Бомир (بامير) шаклида ҳам келтирилган [al-Jakubi: 290]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Фомир (فامير) — Туркистондаги Фархор (فرخار) шаҳри ёнида жойлашган шаҳар, унинг яқинида бир дашт бўлиб, унда кўп мушк ўсган [Баевский 1980: 88]. Бу ерда Фомир/Бомир, яъни Помир номи остида Помир-Олой тоғларидаги Олой баланд текислиги (плато) назарда тутилган. Бу ердан Қизилсув ёки Сурхоб номи остида дарё бошланиб, ўзининг қуйи оқимида ҳозир ҳам Вахш деб аталади. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 168 – 169.

4. ар-Рошт (الراشت) ёки Рошт (راشت) – [al-Istakhri: 286, 325, 340], Вахш дарёсининг юқори оқимида, Араб халифалигининг турклар билан чегарасида жойлашган вилоят [al-Jakubi: 290]. Унинг худудидан *харлухлар* мамлакатида бошланувчи Вахшоб дарёси оқиб ўтган, бу дарё Зомил деб ҳам аталган (زامل) [Ibn Rosteh: 92]. Бу вилоят ар-Рост ал-Абйад (الراست الابيض) ва ар-Рост ал-Асвад (الراست الاسود), яъни Оқ ар-Рост ва Қора ар-Рост дарёлари орасида жойлашган бўлиб, Кайман (كيمان) деб ҳам аталган [ал-Масъудий I: 141]. Бошқа манбаларда унинг номи Зошт (زاشت) [Hudud al-‘Alam: 120] ва Жошт (ژاشت) шаклларида ҳам келтирилган [ал-Бируни: 223; Беруни 1973: 471]. X асрда Роштда Сомонийларнинг кумуш дирҳамлари зарб этилган [Беляков, Янина 1977: 11; Кочнев 1983: 211]. VIII аср охирларида ал-Фазл ибн Йаҳйю ал-Бармакий ар-Роштда турклар чегарасидаги икки тоғ орасига мудрофаа девори қурдириб, унда мустаҳкам дарвоза ўрнатган эди [Ibn Khordadbeh: 34; Ibn al-Fakih: 325]. Вошжирддан ар-Рошт шаҳригача бўлган масофа 4 кунлик йўл [Ibn Khordadbeh: 34], ар-Рошт қалъасигача бўлган масофа эса 5 кунлик йўлни ташкил этган [al-Istakhri: 340; Ibn Naukal: 519]. Демак, ар-Рошт шаҳридан ар-Рошт қалъасигача бўлган масофа 1 кунлик йўлни ташкил этган. Ўрта асрларда ар-Рошт вилояти Қоратегин деб аталган, ҳозирги вақтда эса бу вилоят Гарм, унинг бош шаҳри эса Обигарм деб аталади [Бартольд 1963: 120 – 121]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 160 – 161. ар-Рошт қалъаси ҳақида қаранг: XXXVII, 6 ва XLVIII, 18.

5. ал-Ҳинд (الهند) – Араб халифалигидан шарқда жойлашган Ҳиндистон мамлакатининг арабча номи [Jasut I: 595; II: 946; III: 166; IV: 312]. Форс тилидаги манбаларда унинг номи Ҳиндустон (هندستان) шаклида қайд этилган [Наршахий: 22]. Ҳиндистоннинг араблар томонидан босиб олинган ва ислом дини тарқалган қисми ас-Синд деб аталган [Mayer, Burton-Page, Nizami 1971: 404 – 454].

6. ат-Тароз (الطراز) – Ўрта Осиёнинг шимолий қисмида, Етгисув вилоятида жойлашган шаҳар. Ҳозирги Қозоғистондаги Тароз (Жамбул) шаҳри. У ҳақида қаранг: XLI, 9.

7. Бороб (باراب) ёки Фороб (فاراب) – Сирдарёнинг ўрта оқимида Орол денгизига яқин ерда жойлашган вилоят. Унинг бош шаҳри Турарбанд, Тарбанд ёки Ўтрор [Акишев 1972], шунингдек, Қарочуқ деб аталган [Кошфарий I: 450]. У ҳақида қаранг: XLI, 18.

8. Сутканд — Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳар. Ғузлар подшоҳининг қишки қароргоҳи бўлган. Унинг номи туркча *сут* сўздан ясалган. У ҳақида қаранг: XLI, 13.

9. Суғд (السغد) ёки ас-Суғд (السغد) — Суғд тарихий маданий вилояти ўрта асрларда асосан Зарафшон ва Қашқадарё водийлари ичида жойлашган ерларни ва уларга шарқий томондан туташган тоғли ўлкани ўз ичига олган. Бу ерда Самарқанд ва Бухоро орасида жойлашган кичик бир туман назарда тутилган. У ҳақида қаранг X, 2, 9 ва XXIX, 1.

10. *навоҳий Бухоро* (نواحي بخارا) — Бухоро *ноҳийалари*, яъни унинг *рустоқлари* ёки туманлари. Бу ҳақида қаранг: XXII.

11. Х<sup>в</sup>оразм (خوارزم) — Амударёнинг қуйи оқими ҳавзасида Орол денгизи ёнида жойлашган тарихий вилоят. Х<sup>в</sup>оразм ҳақида қаранг: XV, 1.

12. Х<sup>в</sup>оразм кўли (بحيرة خوارزم) — араблар Орол денгизини шундай деб атаган. У ҳақида қаранг: XI, 15.

13. *ғуз* — араб., *ал-ғуззиййа* (الغزبية) — туркий *ўғуз* қабилаларининг арабча номи [Девон 1967: 393]. Араб тилидаги манбалар *ғузз* (غز), форс тилидаги манбаларда эса *ғуз* (غز) шаклида ҳам учрайди. IX — X асрларда Исфижобдан Каспий денгизигача бўлган Сирдарё ҳавзаси ва Орол денгизи атрофидаги ерлар ғузларга қарашли бўлган [al-Istakhri: 290; Hudud al-'Alam: 100 — 101]. Ғузларга қарашли шаҳарлари ва қалъалари кўп бўлиб [ал-Идриси: 220 — 222; Ибн Хордадбех: 66], уларнинг энг каттаси Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида жойлашган ал-Қарийа ал-Ҳадиса (Янги қишлоқ) бўлган [Беруни 1976: 576]. У ердаги Саброн шаҳри ҳам ғузларнинг тўпланадиган ери бўлган, Хаваранинг подшоҳи Ҷанд яқинидаги Хавора шаҳрида яшаган [ал-Идриси: 53]. Ғузлар ҳақида қаранг: Девон 1967: 393 — 394; Golden 1992: 205 — 211; Толстов 1947: 55 — 102.

14. *харлух* (خرلخ) — араб., *ал-харлухиййа* (الخرلخية) — туркий *қарлуқ* қабилаларининг арабча номи [Девон 1967: 397]. Форс тилидаги манбаларда бу ном Халлух (خلخ) шаклида ҳам учрайди [Hudud al-'Alam: 97]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Халлух (خلخ) мамлакатидан кўп ғўзал қизлар олиб келинган [Баевский 1980: 88]. X асрда бу ном остида Қарлуқ хоқонлигининг ерлари назарда тутилган. Илк ўрта асрлардаги хитой манбаларида *қарлуқ* этноними *гэ-ло-лу* деб ўқилувчи иероглиф шаклида қайд этилган бўлиб, унинг илк ўрта асрлардаги асл ўқилиши *kat-la-luk* шаклида тикланган [Зуев 1960: 97,

104]. Қадимги руник туркий битикларда *уч қарлуқ* номли қабилалар иттифоқи қайд этилган бўлиб, улар турклар ва уйғурлардан мустақил ва уларга қарши бўлганлар. IX аср бошларида қадар Фарғонадан Тарбанд (Ўтрор) гача бўлган ҳудудлар, яъни Сирдарёнинг юқори ва ўрта оқими ҳавзасида жойлашган деярли барча ерлар қарлуқларга қарашли бўлган [Михайлова 1951: 17 – 19; Ибн Хордадбех: 66]. X асрда Шош вилоятидаги Бисканд шаҳрининг аҳолисини қарлуқлар ташкил этган [Ibn Haukal: 391]. IX – X асрларда қарлуқлар Еттисув вилояти, шунингдек Фарғонадан Исфижоб-гача бўлган ерларга эгалик қилганлар [al-Istakhri: 290]. X – XI асрларда Исфижобда қарлуқлардан чиққан Муттийлар сулоласи ҳукмронлик қилган [Кочнев 2006: 158, 256, 257; Кочнев 1993: 17 – 20]. X асрда Еттисув шаҳарлари «Халлухлар мамлакатининг дарвозаси» деб аталган [Hudud al-‘Alam: 119]. Бу ерлардаги аҳолининг кўпчилик қисмини хазлажлар ва қарлуқлар ташкил этган [Ибн Хордадбех: 65; ал-Идриси: 53 – 55]. Иссиққўл атрофларида ҳам қарлуқлардан ажралиб чиққан *чигил* қабилалари яшаган [Девон 1967: 396]. Халлухлар мамлакатада Тароз, Атлах, Кулан, Ақ-Ракар, Банжуқ, Барсхон ва Ҷамгар номли шаҳарлар, шунингдек, Атлалиғ, Кукйол, Мирки, Тузун-булағ, Тунал, Уж ва Улуғ номли қишлоқлар қайд этилган [Hudud al-‘Alam: 97 – 98]. IX – X асрларда қарлуқларнинг бир қисми монийлик ва несториан-ликга эътиқод қилган [Даркевич, Маршак 1974: 213 – 222]. 280/893-94 йилда. Исмоил Сомоний Тароз шаҳрини ишғол қилганда, бу ердаги катта черковни масжидга айлантирган эди [Macoudi VIII: 144, 321; Наршахий: 77; Ибн ал-Асир VII: 185, 216]. Кейинчалик қарлуқларнинг асосий қисми ўзбеклар ва уйғурларнинг таркибига кирган [Шаниязов 1964: 12 – 15; 1981: 28 – 35]. Қарлуқлар ҳақида яна қаранг: Golden 1992: 196 – 199; Кадырбаев 1977: 86 – 90; Сабитов 1986: 163 – 167.

15. Фарғона (فرغانه) — ўрта асрларда бу ном остида бутун Фарғона водийси тушуниланган бўлиб, X асрда унинг пойтахти Ахсикат шаҳри бўлган. Унинг харобалари ҳозирги Наманган шаҳрининг яқинида жойлашган. Фарғона вилояти у вақтда Араб халифалигининг энг шарқий чеккасидаги чегараси ҳисобланган ва шарқда Уйғур хоқонлиги, шимолда эса қарлуқлар ери билан чегарадош бўлган. У ҳақида қаранг: XLIII, 1.

16. Бадахшон (بخشان) — Амударёнинг юқори оқимида, ҳозирги Кўкча дарёси ва унинг ирмоқлари ҳавзасида жойлашган тоғли ўлка. Унинг асосий қисми ҳозирги Афғонистон, бир қисми эса ҳозирги Тожикистон ҳудудида жойлашган. У ҳақида қаранг: XI, 3.

17. Жайхун (جیحون) — Амударёнинг арабча номи. У ҳақида қаранг: XI, 1.

18. Вахшоб (وخشاب) — Амударёнинг юқори оқимидаги дарё, ҳозир унинг юқори оқими Сурхоб ёки Қизилдарё, қуйи оқими эса Вахш деб аталади. У ҳақида қаранг: XI, 11.

19. Харбоб (خرباب) ёки Жарйоб (جریاب) — [al-Istakhri: 235, 276, 287, 295, 339], Амударёнинг юқори оқимидаги дарё, ҳозир у Панж (Панжоб) деб аталади. У ҳақида қаранг: XI, 2.

20. Илк ўрта асрларда Х<sup>о</sup>разм вилоятининг пойтахти ёки бош шаҳри Кот (کاث) бўлган. У ҳақида қаранг: XVI, 1.

21. Хуросон (خراسان) — Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган тарихий вилоят. Унинг номи паҳлавий тилида *xwrāsān* — «қуёшнинг чиқиш ери», «шарқ» маъносини билдиради. Сосонийлар даврида Хуросон Эроннинг шимоли-шарқидаги алоҳида маъмурий бирлик (*kust*) ни ташкил этган бўлиб, унда Балх (Балх), Х<sup>о</sup>разм, Марв, Харе(в) (Ҳирот), Гушан(г), Тос (Тус), Нев-Шахпур (Нишопур), Кайен, Дахистон, Комиш каби шаҳар ва вилоятлар бўлган [Markwart 1931: 8—12]. Хуросон ҳукмдори *испахбад* (араб. الإسپهبد) деб аталган. Маъмурий жиҳатдан Хуросон 4 қисм (ربع) га бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида *марзбон* (مرزبان) лар ҳукмронлик қилган. Улардан бири Марв ва унинг вилояти, иккинчиси Балх ва Тўхористон, учинчиси Ҳирот, Бушанж, Бодғис ва Сижистон, тўртинчиси эса Мовароуннаҳр бўлган [Ибн Хордадбех: 61]. IX асрда ал-Фарғоний «Хуросон» тушунчасига бутун Ўрта Осиё ерлари, шу жумладан Еттисув ва Талас водийсини ҳам киритган эди [Калинина 1988: 131]. Бу ҳақида қаранг: Пехлевийский словарь: 30; Jacut II: 409—415; Kehkhoda VII: 9634—9635; Bosworth 1986: 55—59.

## II

### [АЛ-ИСТАХРИЙНИНГ МОВАРОУННАҲР ХАРИТАСИ ТАВСИФИ]

1. Ушбу харита ал-Истахрий асарининг қўлёзма нусхаларида мавжуд, лекин унинг тавсифи матнда йўқ. Бу тавсиф Ибн Ҳавқал асарининг танқидий матнини нашрга тайёрлаган француз олими Ж.Крамерс томонидан қўшилган.

### III [ИВН ХАВҚАЛНИНГ МОВАРОУННАХР ХАРИТАСИ ТАВСИФИ]

1. Ушбу харита Ибн Хавқал асарининг қўлёзма нусхаларида мавжуд, лекин унинг тавсифи матнда йўқ. Бу тавсиф асарнинг танқидий матнини нашрга тайёрлаган француз олими Ж.Краммерс томонидан қўшилган.

### IV [ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИ ВА МАҲСУЛОТЛАРИ]

1. Аслида сувнинг музлаши ёки қорнинг ёғиши оқар сувларнинг миқдорига боғлиқ эмас.

2. Бу ерда Ибн Хавқал матни қуйидагича: اما الدواب ففيها من التناج ما فيه كفا يتهم على كثرة ارتبا طهم لها (ал-Истахрий матнида: اما الدواب ( ) ففيها من التناج ما فيه كفا يتهم مع كثرة ارتبا طهم لها «Отларга келсак, улар ўзларига керагидан ортиқ даражада етиштирилади, ҳолбуки, улар уни кўп истеъмол қиладилар». Бу сўзнинг маъноси шуки, X асрда Мовароуннаҳр аҳолиси от гўштини кўп истеъмол қилган. Маълумки, ўрта асрларда от гўштини асосан туркий халқлар истеъмол қилганлар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, X асрда Мовароуннаҳр аҳолисининг кўпчилик қисмини туркий халқлар ташкил этган. Илгари бу жумла қуйидагича таржима қилинган: «Что касается животных, то в нем приплод их достаточен для них при большой их привязанности к ним» [Негматов 1957: 90], яъни: «Уларнинг ҳайвонларига келсак, одамлар уларга жуда ҳам боғланган бўлса ҳам, уларни ўзларига етарли миқдорда етиштирадилар». Лекин бу таржимада одамлар нима сабабдан отларга жуда ҳам боғланганликларининг сабаби шарҳланмаган. Аслида бу ерда отларнинг гўшти назарда тутилган. Чунки отлар миқдорининг кескин камайишини фақат уларнинг одамлар томонидан истеъмол қилиниши билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2005: 231 – 241; Камолиддин 2006: 79 – 99.

3. Манбалардаги маълумотлардан шу нарса аён бўладики, IX – X асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг асосий машғулотларидан бири чорвачилик бўлиб, подалар асосан отлар, моллар, қўйлар ва туялардан иборат



бўлган. Албатта Сомонийлар даврида хўжаликнинг бошқа турлари, хусусан, деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик, тоғ-кон саноати, ҳам ривожланган. Лекин X асрнинг иккинчи ярмида Сомонийларнинг марказлаштириш сиёсати ўзини оқламагандан кейин мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти таназулга учрай бошлаб, экинзорлар ҳайдалмай ва суғорилмай қўйган [Frye 1954: 33; Босворт 1981: 30]. Шунинг учун у даврда мамлакатнинг хўжалигида чорвачилик асосий ўрин эгаллаган. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2006: 79 – 99; Камолиддин 2005: 231 – 241.

4. *карбос* (کرباس) – форс, санскритча *karpassi* – «пахта» сўзидан ясалган – пахтадан туқилган нафис мато [Kehkhoda XII: 18237 – 18238]. У ҳақида қаранг: Мукминова 1976: 46 – 51.

5. Илк ўрта асрларда темир Ўрта Осиёнинг асосий табиий бойликларидан бири эди. Темир маъдани айниқса туркий халқларда катта аҳамиятга эга бўлган, чунки у қурол-яроғ ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё бўлган. Шунинг учун турклар темирни муқаддас деб ҳисоблаганлар ва унга сиғинганлар. Менандрнинг хабар беришича, 568 йилда Византия императори Юстин томонидан турк хоқони Дизавул (Истами) ҳузурига юборилган Земарх исми элчи Ўрта Осиёга етиб келганда, турклар унга ўзларида қазиб олинувчи темир маъданини сотиб олишни таклиф этганлар [Пигулевская 1951: 205 – 206; Камолиддин 2004: 74 – 83]. Темир ҳақида яна қаранг: XXXVIII, 23 ва XLV, 7.

6. Мовароуннаҳрдаги симоб, олтин ва кумуш конлари ҳақида қаранг: ал-Бируни: 216 – 228. Бу ҳақида яна қаранг: XXXVII, XXXVIII, XLV.

7. Банжҳир ёки Панжҳир (بنجهير) – Тўхористондаги шаҳар. Ўрта асрларда бу ерда Хуросондаги энг йирик кумуш кони бўлган [al-Istakhri: 286; al-Moqaddasi: 346]. Бу шаҳар уруш вақтида 10 мингта аскар бера олган. Қолган вақтда шаҳар аҳолисининг ҳаммаси бу ердаги Кумуш тоғда кумуш қазиб чиқариш билан шуғулланган. Кумуш конининг эгаси Панжҳир ҳокимининг ўзи бўлган [ас-Самъоний II: 310]. Бу кон «Андароба кони» ёки «Балх кони» деб ҳам аталган бўлиб, унда ҳар куни жуда кўп миқдорда кумуш қазиб чиқарилган. Қазиб олинган кумуш уч қисмга бўлиниб, бири султоннинг вакилига, иккинчиси кон ишчиларига, учинчиси эса маҳаллий аҳолига сотиш учун берилган [al-Namadani: 143]. Банжҳирда йирик кумуш кони бўлгани сабабли шу ернинг ўзида кумуш тангалар – *дирҳамлар* зарбхонаси жойлашган

бўлиб [al-Moqaddasi: 303], ундан ташқари бу ердаги ҳарбий истеҳкомда (араб. معسكر بنجهير) [al-Istakhri: 286] ҳам кумуш тангалар ҳам зарб этилган. Бу иккала зарбхонада ‘Аббосийлар давридан бошлаб тангалар зарб этилган [von Zambaur 1968: 79, 177]. Панжхир шаҳрининг номи ҳозиргача Панжшир шаклида сақланиб қолган. Ҳозирги Панжшир Афғонистондаги Нуристон вилоятининг таркибига кирувчи Панжшир туманининг маъмурий марказидир [Мельников 1907: 45 – 48]. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 296 – 297.

8. X асрда Сомонийлар ‘Аббосий халифалар томонидан тайинланган бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларининг волийлари, яъни маҳаллий ҳокимлари сифатида ҳукм сурганлар. Панжхирда зарб этилган тангаларда ҳам Сомоний амирларининг исмлари қайд этилган [von Zambaur 1968: 79, 177].

9. ан-нушодир (النشادر) — араб., новшадил (нашатир). Бу ҳақида қаранг: XLV, 17.

10. Сиқлийа (صقلية) — Ўрта денгиздаги Сицилия ороли. X асрда бу орол Араб халифалигига қарашли бўлган.

11. Ёзув учун ишлатиладиган қоғоз илк бор Хитойда ишлаб чиқарилганлиги ҳаммага яхши маълум [Юань Хань-цин 1956: 199 – 206]. Лекин хитой манбаларининг хабар беришича, қадимги хитойликларнинг қоғоз ишлаб чиқариш технологияси кўчманчиларнинг кигиз ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш ва мукамаллаштириш орқали кашф этилган [Малкин 1940: 22]. Араб, форс ва туркий тиллардаги қоғаз ёки қоғиз (كاغذ) сўзининг келиб чиқиши ҳалигача аниқланмаган. Бу сўз *kāyid* шаклида суғд тилида ҳам учрайди, лекин унинг келиб чиқиши суғд тили билан ҳам боғлиқ эмас. Қадимги туркий битикларда ва уйғур матнларида *kayid* — «қоғоз» сўзидан ташқари *kidiz* — «шолча», «палос», *kiviz* — «гилам», *kepar* — «пахта» ва *kiziz* — «кигиз» сўзлари ҳам учрайди. Бу сўзларнинг асосида «кигиз» тушунчаси ётади. Чунки кигиз ишлаб чиқариш маданияти жуда ҳам қадимий бўлиб, ҳар доим кўчманчи халқларнинг ҳаётини энг зарур матоси бўлиб келган. Бизнингча, *kayid* («қоғоз») сўзининг келиб чиқиши ҳам кигиз билан боғлиқдир. Туркий тилдан бу сўз суғд тилига, кейин эса араб ва форс тилларига ўтган [ДТС: 300, 306, 311].

12. 133/750-51 йилда Тароз (Талас) дарёси бўйида арабларнинг Зийод ибн Солиҳ бошчилигидаги қўшини хитойларнинг қўшинини

мағлубиятга учратганда, 20 мингга яқин хитой аскарлари асир олинган эди [Ибн ал-Асир 2006: 21]. Асирга олинган аскарлар ичида қоғоз ишлаб чиқаришни билган 5 нафар хунармандлар ҳам бўлиб, улар аввал Куфага олиб кетилган [Pelliot 1929: 110 – 112], кейин эса халифа буйруғига кўра, улар ёрдамида Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган [Большаков 1980: 132 – 136]. Шундан кейин Самарқанд қоғоз устахонаси кўп асрлар давомида бутун Араб халифалигини юқори сифатли қоғоз маҳсулоти билан таъминлаб турган [Зотов 1954: 158]. Самарқанд қоғозининг сифати шунчалик баланд бўлганки, у сўнгги асрларда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган [Мукминова 1964: 155 – 160].

13. Ушрусана (اشروسنه) – Самарқанддан шимоли-шарқда, Шощдан жанубда ва Фарғона водийсидан жануби-ғарбда жойлашган тарихий маданий вилоят. Манбаларда унинг номи яна Усрушана (Уструшана) шаклида ҳам қайд этилган. Ҳозирги вақтда унинг ҳудудлари Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ва Тожикистоннинг Ўратепа вилоятлари таркибига киради. У ҳақида қаранг: XXXVII, 1.

14. аш-Шош (الشاش) – Чирчиқ водийсида жойлашган Чоч тарихий маданий вилоятининг арабча номи. Шош вилоятининг маъмурий маркази X асрда Бинкат деб аталган, лекин шу билан бирга у айрим манбаларда Мадинат аш-Шош, яъни Шошнинг бош шаҳри деб ҳам аталган. X асрда аш-Шошнинг таркибига маъмурий жиҳатдан Оҳангарон водийсида жойлашган Илоқ (ايلاق) вилояти ҳам кирган, лекин унинг ўз ҳукмдори бўлган. Исломга қадар Сирдарё водийсининг ўрта ва қуйи қисмидаги шаҳарлар ҳам Чоч (аш-Шош) таркибига кирган. У ҳақида қаранг: XXXIX, 1.

15. Ўрта Осиёда қуллар савдоси қадимий илдизларга эга бўлиб, унинг тарихи Аҳамонийлар даврига бориб тақалади. Араб халифалиги даврида ҳам Ўрта Осиё қул савдосининг энг катта марказларидан бири бўлиб, бу ердан Бағдодга ҳар йили минглаб турк ғуломлари олиб кетилган [Надирадзе 1968: 75 – 85; Большаков 1986: 424 – 449].

16. ал-Машриқ (المشرق) – араб., аслида бу сўз «қуёшнинг чиқиш ери», яъни «шарқ» маъносини англатади. IX – X асрларда бу атама Араб халифалигининг шарқий қисмига кирувчи барча ерлар, яъни Ироқдан шарқда ас-Син (Кошғар ва Шарқий Туркистон) гача бўлган ҳудудларда жойлашган мамлакатлар ва вилоятлар (Хуросон, Тўхористон, Мовароуннаҳр, Х<sup>в</sup>оразм, Фарғона ва ҳ.к.) ни ўз ичига олган [Ибн

Хордадбех: 61 – 83, 161; al-Moqaddasi: 260 – 261; Jacut IV: 538]. Бу ҳақида қаранг: Miquel 1991: 708 – 709; Kehkhoda XIV: 20944 – 20945.

17. Ўрта Осиёлик турк мамлуклари ва гуломларининг бошқалардан устун бўлган юксак фазилатлари IX асрда яшаб ижод қилган араб ёзувчиси ва тарихчиси ал-Жоҳизнинг «Фазоил ат-турк» (Туркларнинг фазилатлари) асарида батафсил ёритилган [ал-Джаҳиз: 56 – 103; al-Kjahiz: 1 – 56; 57 – 85].

18. ат-Туббат (التبت) — илк ўрта асрларда Тибет тоғларида жойлашган қудратли Тибет давлатининг арабча номи. Ҳозирда Тибет Хитой жануби-ғарбидаги унинг таркибига кирувчи мухтор маъмурий бирлик. У ҳақида яна қаранг: XII, 19.

19. Хирхиз (خرخيز) — Тянь-Шань тоғларида яшовчи қирғиз қабилаларига қарашли ерларнинг арабча номи. Хирхиз мамлақати шарқда Хитой, жанубда Тоғузғуз ва қисман Халлук, ғарбда қисман Кимак, шимолда эса одам яшамайдиган ерлар билан чегарадош бўлган [Hudud al-'Alam: 96]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Хирхиз (خرخيز) — Туркистондаги вилоят бўлиб, у ердан мушк олинади. Уларнинг одамлари эпчил, қизлари эса чиройли бўлган [Баевский 1980: 89]. Маҳмуд Кошғарий бу қабиланинг номини қирқиз (قرقز) шаклида қайд этган [Кошғарий I: 426].

20. мушк (مشك) ёки миск (مسك) — араб., ипор, уфор, мускус деб ҳам аталади — ҳайвон ёки ўсимликларнинг ўткир ҳидли моддаси, атир-упа (парфюмерия) саноатида ишлатилади. Беруний маълумотига кўра, ҳинд тилида у *кастури* (كستوري) турк тилида *ипор* (ايپار), хоразм тилида эса *актбанжал* (اكت بنجل) деб аталган. Мушкнинг турк ва ҳинд навлари бўлган [Беруни 1974: 810 – 811]. Қадимги туркий тилда *jirag* деб аталган [ДТС: 267; Кошғарий III: 20].

21. ас-Сағонийон (الصغانيان) — ўрта асрларда Чағонруд (Сурхондарё) водийсида жойлашган Чағонийон (جغانيان) вилояти номининг арабча шакли. У ҳақида қаранг: XIII, 4.

22. Вошжирд (واشجرد) ёки Вошқирд (واشکرد) — яъни Вошқирд, Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида, унинг шимолий томонида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XIII, 1.

23. заъфарон (زعفران) — араб., бўйи 20 см келадиган кўп йиллик доривор ўсимлик, ватани Хуросон. Лотинча илмий номи *Crocus sativus*

*L.*, русча номи — *шафран*, оврупа тилларида — *safran* [Беруни 1974: 495 — 498; Каримова 2002: 203].

24. *ал-убор* (الوبار) — араб., сувсар, йиртқишлар туркумига мансуб мўйнали ҳайвон. Лотинча илмий номи *Mustelidae*, русча номи — собољ.

25. Мўйнали ҳайвонларнинг терилари асосан Сибир, Олтой, Булғор ерларида, яъни шимолда яшовчи халқларнинг тижоратида асосий маҳсулотлардан бири бўлган.

26. *ал-хаданг* (الخدنگ) — араб., ялтироқ баргли тол.

27. *ал-хутув* (الخوت) — араб., каркидон шохи. Берунийга кўра, безоар (оқ қаррак) га ўхшаган ҳайвонлардан олинувчи бу модда хитойлар ва шарқий туркларда жуда ҳам қадрланган, чунки унга заҳар яқинлашганда у терлай бошлайди ва илон чаққанда даволашга ёрдам беради [ал-Бируни: 195 — 197]. Манбаларда *хартум* (خرتوت) шаклида ҳам учрайди. Бу сўз хитойча *ку-ту* — «каркидон шохи» ёки «морж тиши» сўзидан келиб чиққан.

28. Турли давлатларнинг подшоҳлари қадимдан бир-бирларига совғалар бериб турганлар. Совға бериш дўстона муносабат белгиси ҳисобланган. Буюк империяларга тобеъ бўлган кичик давлатларнинг ҳукмдорлари ҳам императорга мунтазам равишда совға саломлар юбориб турган. Совға сифатида асосан қуллар, отлар, ғаройиб ҳайвонлар ва қушлар, доривор ўсимликлар, ноёб мевалар, қимматбаҳо матолар, маъданлар, тошлар ва заргарлик буюмлари юборилган [Шефер 1981].

## V

### [МУСОФИРХОНА]

1. *рибот* ёки *работ* (رباط) — араб., «отларни боғлайдиган ер» (ربط) — «боғламоқ» феълидан). Илк ислом даврида арабларнинг халифалик чегараларида душманларга қарши қурилган мустаҳкамланган таянч манзиллари шундай аталган. Уларда ғайридинларга қарши урушлар олиб борган *муробитлар* ёки *ғозийлар*, яъни ислом дини учун муқаддас кураш олиб борувчи жангчилар яшаган. Дастлаб (VII — VIII асрларда) работлар мусулмонларнинг чегара ерларидаги араб аскарларининг отлари турадиган истеҳкомлари бўлган [ас-Самъоний VI: 70]. Кейинчалик (IX — X асрларда) кўчманчи турклар ислом динини қабул қилганларидан кейин ҳарбий ҳаракатлар бошқа ҳудудларда олиб борилди, аввал

қурилган работларнинг биоларини эса одамлар карвонсарой сифатида ишлата бошладилар. Айрим работларнинг биолари хонақоҳлар сифатида ишлатилиб, уларда турли суфий тариқатларига мансуб зоҳидлар қўним топган [Акимушкин 1991: 198]. Шунинг учун ўрта асрларда қурилган карвонсаройлар ҳам кўпинча «работ» деб аталган. Работлар, одатда, хусусий мулк сифатида айрим шахслар ёки диний ташкилотлар томонидан ажратилган маблағларга қурилган. Чунки бундай ишга пул тикиш кўп фойда келтирган, шунинг учун уни очиш учун ҳатто ҳокимиятдан махсус рухсат олиш талаб этилган. Қурилган работлар атрофларида кейинчалик қишлоқлар вужудга келиб, уларнинг аҳолиси келиб кетувчи карвонларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланган. Бу айниқса чўл ва даштларда жойлашган работларга хос бўлган ҳол эди [Оразов 1973: 93]. Хусусий работлар, одатда, уларни қурдирган шахсларнинг исмлари билан аталган. Бу ҳақида қаранг: Chabbi 1995: 510 — 524; Kexkhoda VIII: 11883 — 11885; Камалиддинов 1993: 126 — 128.

2. *ҳийтон* (حيطان) — араб., *хо'ит* (حائط) — «девор» сўзининг кўплик шакли. Бу ерда Самарқанднинг Афросиёб харобалари худудида жойлашган *қуҳандизи* (ички қалъа) ва *мадинаси* (ички шаҳар) мудофаа деворлари назарда тутилган. Ички шаҳар девори тахминан 218 га майдонни ўраб турган. Бу ҳақида қаранг: Камалиддин 2006. 256 — 259.

3. *ас-сур ал-хориж* (السور الخارج) — араб., «ташқи девор», яъни Самарқанд *рабадини* ўраб турувчи ташқи девор. У 134/751-52 йилда Абу Муслим томонидан қурилган бўлиб [at-Tabari III: 80], унинг айланасига умумий узунлиги 12 *фарсах* [Ibn al-Fakih: 322] ёки 90 минг қулочни ташкил этган. Бу девор 450 та қўрғон (*жавсақ*) ни ўраб турган, унинг ичидаги умумий майдон 13 000 200 *жарибни* ташкил этган. Унинг баландлиги 15 қулоч (*зиротъ*), эни эса 7 қулоч бўлган. Унда 360 та бурж, уларнинг ҳар бири орасида эса 250 тадан туйнук бўлган [ан-Насафий: 224 — 225, № 565]. Бу ташқи деворнинг қолдиқлари баъзи ерларда ҳозир ҳам сақланиб қолган бўлиб, Девори Қиёмат деб аталади. «Қандийа» да келтирилган маълумотга кўра, Самарқанд шаҳрининг деворларини Абу Нуъмон исми бир амир қурдирган, Абу Муслим эса фақат дарвозалар, туйнуқлар ва буржларни қурган [Кандия: 242]. Лекин тахмин қилинишича, бу девор исломдан олдин ҳам мавжуд бўлган, араблар даврида у қайта тикланган, Абу Муслим

эса қўшимча қурилиш ишлари олиб бориб, уни яна ҳам мустаҳкамлаган [СГСА 1973: 156, 222; Карев 2000: 213]. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2006. 256 – 259.

4. *сардоба* (سردابه) — форс-тож., Ўрта Осиёнинг чўл минтақаларидаги сув танқис бўлган ерларда қор-ёмғир ва ер ости сувларини тўплаш ва сақлаш учун пишиқ гишздан махсус қурилган айлана шаклидаги гумбазли ва эшикли усти ёпиқ ҳовуз. Араб тилидаги манбаларда *жубб* (جب) ва *бу'р* (بئر) — «қудуқ» шаклида қайд этилган. Сардоба сўзининг қадимги туркча номи *quduy* бўлиб [ДТС: 463], бу атама Ўрта Осиё тарихий топонимиясида ҳам «қудуқ» шаклида ўз аксини топган [Массон 1935; Қудратов 2001].

## VI [ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ]

1. *ал-жиҳод* (الجهاد) — араб., «кураш», «муқаддас уруш», яъни ислом динини ёйиш йўлида олиб борилган қуроли кураш. Бундан қўзланган асосий мақсад қулларни қўлга киритиш бўлган. Чунки Сомонийлар ҳар йили Бағдодга катта миқдорда қуллар етказиб бериш мажбуриятини олганлар [Frye 1975: 203 – 204].

2. *дувар ал-ҳарб* (دور الحرب) — араб., «уруш мамлакатлари», IX – X асрларда ислом тарихчилари бутун ал-Машриқ ерларини иккига: «ислом мамлақати» (مملكة الاسلام) ва *дор ал-ҳарб* (دار الحرب), яъни «уруш мамлақати», ёки *дор ал-куфр* (دار الكفر), яъни «кофирлар мамлақати» га бўлганлар [al-Istakhri: 333; Ibn Naukal: 511, 513].

3. Исбижоб ёки Испижоб (اسبيجاب) — араб тилидаги манбаларда Исфижоб (اسفيجاب) шаклида ҳам учрайди. Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида аш-Шошдан шимолда жойлашган шаҳар ва вилоят. Илк ўрта асрларда маъмурий жиҳатдан аш-Шош вилоятига қарашли бўлган. Унинг харобалари ҳозирги Чимкент шаҳри яқинидаги Сайрам қишлоғида жойлашган. У ҳақида қаранг: XLI, 1.

4. аш-Шикнийя (الشقنية) — Помир тоғлари этагида Панж водийси ва унинг ирмоқларида жойлашган вилоят. Бошқа манбаларда унинг ас-Сафина (السفينة) [al-Istakhri: 297] ёки Шикнон (شقنان) [Ibn Khordadbeh: 37], форс тилидаги манбаларда эса Шуғнон (شغنان) шаклида қайд этилган [Фирдоуси V: 150; VII: 286]. Хитой манбаларига

кўра, исломдан олдин Ши-ни ёки Ши-ки-ни, яъни Шуғнон Тўхористон йабғуларига қарашли вилоят бўлган [Chavannes 1903: 199]. Шуғнон подшоҳи *шуғноншоҳ* деб аталган [Бируни 1963: 196]. IX асрда Шуғнон Хуморбек исми туркий ҳукмдорга қарашли бўлган [al-Jakubi: 292]. 211 – 212/826 – 827 йилларда Шуғнон Хуросон амири ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳирга 40 минг дирҳам хирож тўлаган [Ibn Khordadbeh: 37; Ибн ал-Факих: 98]. Бу вилоятнинг номи ҳозир ҳам маҳаллий аҳолининг талаффузида Шуғнон деб аталади. VIII асрда Шуғнон аҳолисининг тили ўзига хос бўлиб, бошқа тиллардан фарқ қилган [Мандельштам 1957: 122]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 215 – 225.

5. *ат-турк* (الترك) — илк ўрта асрларда (VI – VIII асрларда бу атама фақат этник туркларга нисбатан эмас, балки араблар ва форслардан шимолда ва шарқда яшовчи деярли барча халқлар, яъни эфталитлар, суғдлар, хоразмликлар, бохтарлар ва ҳатто тибетлар, ҳиндлар ва хитойларга нисбатан ҳам ишлатилган [al-Masudi: 64]. Демак, бу атама фақат этник маънога эмас, балки сиёсий маънога эга бўлиб, Турк хоқонлиги ҳудудларида яшовчи барча халқларга нисбатан ишлатилган. Аслида эса дастлаб фақат Турк хоқонлигига асос солган Ашина қабиласи «турк» деб аталган, кейинчалик эса бу атама этносиёсий маънога эга бўлиб, турклар ҳокимияти остида бирлашган, келиб чиқиши ҳар хил бўлган турли қабилалар ва халқларга нисбатан ишлатила бошлаган [Кононов 1949: 40 – 47; Толстов 1938: 81; Благова 1972: 95]. Ислом тарихчилари *ат-турк* атамасини *ислом* атамасига қарама-қарши бўлган тушунча сифатида билганлар. Шунинг учун улар бутун Машриқ ерларини иккига: «ислом мамлакати» (مملكة الإسلام) ва «турклар мамлакати» (بلاد الترك) га бўлганлар [Ибн ал-Асир XII: 167]. Шу билан бирга араблар ва форслар асл туркларни бошқа халқлардан жуда яхши ажратганлар. Илк бор турклар VII асрга мансуб дастлабки (*сахих*) ҳадисларда қайд этилган бўлиб [Зайончковский 1966: 194 – 201], уларда Муҳаммад пайғамбарнинг: «Туркларни ўз ҳолига қўйинглар, шунда улар ҳам сизларни ўз ҳолингизга қўядилар» (تركوا الترك ما تركوكم) деган сўзлари келтирилган [Kodama: 262]. Арабларга маълум илк турклар кўчманчи қабилалар бўлгани сабабли илк ҳадисларда уларни *бану қантура* (بنو قنطورة), яъни «ўтов ўғлонлари» деб атаганлар [ас-Самъоний III: 43]. IX асрга келиб араблар ва форслар туркларнинг



ғузз, харлух (халлух), туғузғузз, туркаш, кимок [al-Jakubi: 295; Ибн Хордадбех: 65 – 66], X асрда эса яна йағмо, қифчоқ, бажнақ, тухси, халаж, хирхиз, чигил каби қабилаларини ва уларнинг яшаш ҳудудларини билганлар [al-Istakhri: 290; Hudud al-‘Alam: 94 – 101]. Лекин туркий тилли қabila ва халқларнинг ҳаммаси ҳам «турк» деб аталмаган. Масалан, хитой манбаларида уйғурлар, қирғизлар ва бошқа туркий тилли халқлар турклар қаторига киритилмаган [Frye, Sayili 1945: 309]. XI асрда Маҳмуд Кошғарий ҳам «турклар» билан туркий тилли бошқа қабилалар ва халқлар, шу жумладан ўғузлар, қипчоқлар ва қарлуқларни фарқлаган [Кошғарий I: 374]. Шу сингари бошқа манбаларда ҳам ўғузлар, халажлар ва бошқа туркий тилли халқлар «турклар» дан фарқланган [Та’рих-и Систан: 215; Ибн ал-Асир IX: 100; XII: 166]. Шуни ҳам айтиш керакки, «турк» атамаси, шунингдек туркий тилли қabila ва халқларнинг номлари асосан кўчманчи қабилаларга нисбатан ишлатилган. Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда қадимдан шаҳарлар ва қишлоқларда ўтроқ ҳаёт тарзи олиб борган ва уруғларга бўлинмаган туркий тилли аҳоли эса ўзларининг турар жойи, яъни қишлоқ, шаҳар ёки вилоят номи билан аталганлар. Араблар ўзларининг Мовароуннаҳрдаги душманларини *ат-турк* (الترك) ва *ас-суғд* (السغد), яъни «турклар» ва «суғдлар» деб атаганлар [al-Beladsori: 418, 419, 421], уларнинг ичида эса *ал-хайютила* (الهياطلة), яъни эфталитлар, *ал-фароғина* (الفراغنة), яъни фарғоналиклар, шунингдек *аҳл аш-Шош* (اهل الشاش), *аҳл Х°оразм* (اهل خوارزم), *аҳл Уструшана* (اهل استروشنه) *аҳл Киш ва Нахшаб* (اهل كش و نخشب) каби гуруҳларни ажратганлар [al-Beladsori: 411, 418]. Араб тилидаги манбаларда улар гоҳ турклар (الترك) дан фарқли равишда [at-Tabari I: 2685; ас-Сули: 192], гоҳ уларнинг таркибий қисми сифатида қайд этилган [at-Tabari I: 2689; II: 1195, 1249; III: 724, 1215; Macoudi VII: 118, 122, 273, 396]. XX аср бошларида ҳам Ўрта Осиёнинг туркий тилли ўтроқ ва шаҳар аҳолиси ўзларининг этник номи билан эмас, балки турар жойининг номи билан аталган. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2005: 231 – 241.

6. Араблар томонидан бўйсундирилган халқлар, дастлаб фақат Хуросон амирларига хирож тўлаб турган, лекин хали ислом динини қабул қилмаган.

7. Сомонийлар даврида кўчманчи турклар орасида ислом динини тарғиб қилиш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилган. Натижада IX — X асрларда Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида яшовчи туркларнинг бир қисми ислом динини қабул қилган. Масалан, Пороб, Канждеҳ ва Шош орасидаги яйловларда 1000 га яқин ўтовли кўчманчи қабила ислом динини қабул қилган [Hudud al-‘Alam: 119; Ibn Naukal: 511]. Тахминан 310/922-23 йилда ўғузларнинг подшоҳи ислом динини қабул қилиб, Макка ва Мадинага ҳаж сафарига борган ва Бағдодда халифа ал-Муқтадир билан учрашган [Masoudi II: 16]. Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасидаги Сутканд шаҳрида яшовчи ўғузлар ва қарлуқлар ислом динини қабул қилиб, ғайридин туркларга қарши уруш олиб борганлар [Ibn Naukal: 511]. Хоразмда яшовчи ўғузлар ислом динини қабул қилгандан кейин, ўзларини «туркман» деб атай бошлаганлар ва ислом динини қабул қилмаган бошқа ўғузларга қарши шафқатсиз кураш олиб борганлар [Marvazi: 18]. Исломи динини тарғиб қилиш мақсадида амир Наср ибн Аҳмад ўзининг Нуҳ исми ўғлини Шарқий Туркистон подшоҳининг қизига уйлантирган [Ибн аз-Зубайр: 150; Minorsky 1955: 4 — 5; Bosworth 1969: 8 — 9]. Қорахонийларнинг аجدодлари ҳам ислом динини Сомонийлар ёрдамида қабул қилганлар [ал-Карши: 103 — 104].

8. Наср I ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон (نصر بن احمد بن اسد بن سامان) — Фарғона ҳукмдори Аҳмад ибн Асаднинг ўғли. У 250 — 261/864 — 875 йилларда Тоҳирийлар тасарруфидаги Самарқанд ҳукмдори, 261 — 279/875 — 892 йилларда эса ‘Аббосий халифаларининг Мовароуннаҳрдаги волийси бўлган [Гардизи: 52; Ибн ал-Асир VII: 110]. Наср ибн Аҳмад Фарғона водийсидаги Мийон Рудон туманининг бош шаҳри Хайломда туғилган [Ibn Naukal: 514]. Унинг отаси ўғли учун Фарғонада бир шаҳар қурдириб, уни Насробод деб атаган [al-Moqaddasi: 48, 262, 271]. Бу шаҳарнинг номи Сомоний тангаларида ҳам қайд этилган [Zambaur 1968: 256]. Кейинчалик Насробод Сомонийларнинг амалдорларидан бўлган Бақр ибн Маликга яхши хизмати учун мукофот сифатида *иктоъ* мулки қилиб берилган [Давидович 1959: 212 — 213]. Наср ибн Аҳмад ҳадис ривоят қилган ва араб тилида шеър ёзган [Ибн ал-Асир VII: 180]. У ҳақида қаранг: Наршахий: 70 — 76; Гардизи: 62 — 63; ас-Самъоний VII: 13; Ибн ал-Асир: VII: 110, 111, 182.

9. Шовғар (شاورغ) — Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасидаги шаҳар. Унинг номи суғдча *šaw* — «қора» ва *уар* — «тоғ» сўзларидан ясалган бўлиб, Қоратоғ маъносини англатади. Бу ерларда жойлашган тоғлар ҳозир ҳам Қоратоғ деб аталади. У ҳақида қаранг: ХЛІ, 14. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Қандия» асаридаги маълумотга кўра, Шовғар юриши 245/859-60 йилда юз берган бўлиб, у ерда кўп минг одам ўлдирилган эди [Кандия: 242]. Бошқа маълумотга кўра, Шовғар юриши IX асрнинг охирида амалга оширилган [Якубовский 1946: 111].

10. Ғайридинларга қарши урушларни *ғозийлар* ёки *ал-мутаввиъун*, яъни «кўнгилли аскарлар» олиб борганлар. IX асрда ғозийларнинг қўшинлари Самарқанд, Шош ва Фарғонада жойлашган бўлиб, уларнинг сони бутун ислом дунёсидан келган кўнгилли жангчилар ҳисобига кўпайиб борар эди. Бу жангчилар улар учун махсус қурилган работларда яшаганлар. Бундай работлар Узканд ва Ўш яқинида, Вошжирдда ва Испижобда қайд этилган [al-Moqaddasi; 272; Радтке 2001: 48]. Ушбу урушлар олиб борган кўнгиллиларнинг қўшинларини дин пешволари бошқарганлар, уларнинг исмларига эса одатда «ал-Ғозий» ёки «ал-Мутаввиъий» деган ном қўшиб зикр этилган. Сомонийлар ғозийлар билан жуда яқин муносабатда бўлганлар ва улардан кимдир вафот этганда, унинг жанозасида шахсан иштирок этганлар [ан-Насафий, 1991: 91, 122, 127, 163, 204, 284, 286, 341, 414, 418, 445, 524, 547, 859, 973 и др.; ан-Насафий, *Arabe*: 59R; ас-Самъоний VII: 163; Paul 1993: 81 — 84]. Наср ибн Аҳмад даврида ғозийларнинг қўшинлари 40 минг отлиқдан иборат бўлган. Малакали қўшинлардан иборат бўлган мунтазам қўшинлардан ғозийларнинг фарқи шу эдики, уларнинг асосий қисмини маҳаллий ер эгалари (*асҳоб ал-иктоъот*) ташкил этган. Уларнинг маошлари уларга ҳукумат томонидан *иктоъ* (اقطاع) мулки сифатида ажратилган ерлардан келган даромад ҳисобидан ташкил бўлиб, уни улар оилаларига, отлари ва қурол-яроғларига кетадиган харажатларни қоплашга ишлатганлар. Бу ерлардан келган даромадларнинг ортиб қолган қисмини улар тижорат қилишга ва хайрия ишларига сарфлаганлар. Зарурат бўлганда улар ҳукумат чақириғига биноан айтилган вақтда ўзларининг отлари ва қурол-яроғлари билан работларда тўпланганлар ва душманларга қарши урушга отланар эдилар [Ибн аз-Зубайр: 139 — 147].

11. ал-Муътасим (المعتصم) — ‘Аббосийлар сулоласига мансуб араб халифаси, Ҳорун ар-Рашиднинг Морида исми самарқандлик турк хотунидан ўғли, 218 — 227/833 — 842 йилларда Бағдодда ҳукм сурган.

12. ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир (عبد الله بن طاهر) — Тоҳирийлар сулоласига мансуб Хуросон амири, Тоҳир ибн ал-Ҳусайннинг ўғли, 213 — 230/828 — 845 йилларда Нишопурда ҳукм сурган.

13. Нуҳ ибн Асад ибн Сомон (نوح بن اسد بن سامان) — Сомон-худотнинг набираси, дастлаб Марвда бўлажак халифа ал-Маъмуннинг хизматида бўлган, 204/819 йилда Тоҳирийлар тасарруфидаги Самарқанд ҳукмдори этиб тайинланган. У ҳақида қаранг: Гардизи: 62; ас-Самъоний VII: 13; Ибн ал-Асир: VII: 110.

14. Бу ерда аҳолининг шу қадар кўп сонли бўлганлиги назарда тутилган.

15. Бу маълумот X асрда Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётида чорвачилик ва йилқичиликнинг муҳим ўрин эгаллаганлигининг яна бир далилидир. Бу ҳақида қаранг: IV, 2, 3.

16. Одамларнинг чўлга кўп чиқиши ҳам кўчманчи чорвадорлик билан боғлиқ бўлган дейиш мумкин.

17. Турк хоқонлиги даврида (VI — VIII асрлар) Ўрта Осиёда чокар деб аталувчи қўриқчилар ва соқчилар тизими бўлган. Чокарлар ҳукмдорларга, шунингдек, деҳқонлар ва савдогарларга хизмат қилиб, ҳамма ерда (уйда, кўчада, сафарда ва ҳ.к.) улар билан бирга юрганлар. Чокарлар ўзларининг хўжайинларига ниҳоятда содиқ ва вафодор бўлиб, унинг учун жонларини беришга ҳам тайёр бўлган. Агар хўжайин вафот этса, унинг чокарлари жонларига суиқасд қилиб, у билан бирга дафн этилган [de la Vaissiere 2005: 139 — 149]. Хитой манбаларида чокарлар чо-ки шаклида қайд этилган. Хитойда чокарлар доим катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинар эди. 759 йил хитой императори чокарлар учун катта базм уюштирган [Chavannes 1903: 95, 137, 313]. Турк хоқонлиги Хитойга бўйсунгандан кейин турк чокарлари хитой императорининг қўриқчилик хизматида олинган, хитой армиясининг олий қўмондонлигида ҳам турклар кўпчиликини ташкил этган [Beckwith 1984: 30 — 35]. Ўрта Осиёда ҳамма маҳаллий ҳукмдорлар олий турк хоқонининг чокарлари ҳисобланган. Насаф ҳукмдори ал-Ишканд арабларга «Мен хоқоннинг қули, унинг чокарларидан бириман», деб айтган эди [at-Tabari II: 1542].

Араб амирлари чокарлар тизимининг бу жиҳатларини дарров кўриб, ўз манфаатларида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Масалан, 54/674 йилда ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Бухородан 2 мингта камончиларни Басрага олиб кетиб, улар учун ётоқхоналар қурдирган [al-Beladsori: 411; at-Tabari II: 169 – 170]. Саид ибн ‘Усмон ўзи билан Бухоро ва Самарқанд деҳқонларининг болаларидан 50 та ёки 80 тасини Мадинага олиб кетиб, улар билан қулга ўхшаб муносабат қилган. Шунда улар амирни ўлдириб, туркларнинг одатига кўра, ўзларини ҳам ўлдирганлар [at-Tabari II: 179]. Қутайба ибн Муслимнинг турклар ва суғдларнинг аслзодаларидан иборат 10 минг аскарлик қўшини бўлиб, уларнинг ҳаммаси камон отишда моҳир бўлган. Улар Қутайбага умрининг охиригача содиқ бўлиб, ҳатто унинг қариндошлари ундан юз ўтирганда ҳам уни тарк этмаганлар [al-Beladsori: 424, 521; Bel‘ami IV: 209]. Кейинчалик чокарлар тизими Араб халифалигида кенг тарқалиб, мамлук ғуломлар тизими деб атала бошлаган. ‘Аббосий халифалардан биринчи бўлиб ал-Маъмун чокарларни ўзининг қўриқчилик хизматиغا олган. Унинг укаси ал-Муътасимнинг онаси турк бўлган, шунинг учун унинг қўшини Суғд, Фарғона, Уструшана ва Шошдан олиб келинган чокарлардан иборат бўлган [al-Beladsori: 431]. Шундай кейин турклар давлат тизимида кенг қўламда жалб қилина бошлаганлар, ҳарбий соҳада эса аста-секин арабларни бутунлай сиқиб чиқарганлар [Bosworth 1973: 6 – 8; Golden 2004: 279 – 309]. Бу ‘Аббосий халифалигида туркийлашув жараёнининг бошланиши эди. Ўрта Осиёлик турклар ва суғдлар ўзларининг чокарлар тизимини арабларга тақдим этиб, уни умумислом маданиятининг бир қисмига айлантирдилар [Beckwith 1984: 39 – 40]. Сомонийларнинг ҳарбий кучларининг асосий қисмини ҳам турклар ташкил этган. Исмоил Сомоний биринчи бўлиб турк ғуломлари, ёлланма аскарлар ва деҳқонлардан ташкил топган мунтазам қўшин тузишга киришган [al-Istakhri: 291; ИН: 471]. Унинг қўшинида 10 мингта яқин турк ғуломлари бўлиб, улар Бухородаги ўша даврнинг энг асосий сиёсий кучларидан бирига айланган эдилар [Treadwell 2000: 399, 402]. Исмоил Сомоний билан турк лашкарбошилари ўртасида ўзаро яқинлик бўлган, шунинг учун улар ўз хўжайинларига сўзсиз итоат этганлар [Paul 1994: 28, 33].

18. Бану-л-‘Аббос (بنو العباس) — Муҳаммад пайғамбарнинг амалкиси ал-‘Аббос ибн ‘Абд ал-Мутталиб ибн Ҳошимнинг авлодлари.

‘Аббосийлар оиласига мансуб халифалар 132 – 656/749 – 1258 йилларда Бағдодда ҳукм сурганлар.

19. IX асрда яшаб ижод қилган араб ёзувчиси ва тарихчиси ал-Жоҳиз туркларнинг фазилатлари ҳақида махсус асар ёзиб, уларнинг бошқа халқлардан устун эканликларини кўрсатиб берган [al-Kjahiz: 1903; ал-Джаҳиз 1993: 56 – 103].

20. Ўрта Осиёда 190/805-06 йилда исёнкор араб саркардаси Рофиъ ибн ал-Лайс бошчилигидаги халқ қўзғолони кўтарилиб, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири қарлуқлар ва тўққиз ўғузлар эди [Кадырова 1955: 138 – 145]. Бу қўзғолон 194/809-10 йилда бостирилгандан кейин Ўрта Осиё халқларининг тақдирида катта бурилиш юз берган бўлиб, у туркларнинг ёппасига ислом динини қабул қилишлари ва Араб халифалигининг марказий шаҳарларига ҳаракатлари билан боғлиқ эди. Араб тилидаги тарихий манбаларда туркларнинг бундай юришлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Лекин IX асрнинг 20-йилларида шубҳасиз юз берган бу воқеанинг изларини араб тилидаги биографик манбаларда кузатиш мумкин. Ундан ташқари у ўрта аср арман манбаларида қайд этилган бўлиб, уларда ёзилишича, «Осиё скифлари (яъни турклар) Араб халифалиги даврида, арманларнинг тақвими бўйича 260 йилда (яъни 811 йилда) ғарбга юриш қилганлар» [Тер-Мкртчян 1985: 66]. Албатта бу хабарда туркларнинг ҳарбий юриши ҳақида эмас, балки уларнинг катта бир гуруҳининг ғарбга томон 811 йилда юз берган силжиши ҳақида сўз юритилган. Бағдод ва унинг атрофларига VIII аср ўрталаридан бошлаб кўчиб кела бошлаган турклар у ерда ўзларининг колонияларига асос солганлар. Бу колониялар IX аср бошларида ва ундан кейин мунтазам равишда Ўрта Осиёдан янги кўчиб келган турклар ҳисобига кенгайиб борган. Маълумки, халифа ал-Муътасим (833-842 йилларда ҳукм сурган) ўз саройига ва қўшинларига туркларни кўплаб хизматга жалб қилган ва улардан махсус «Хуросон қўшини» ни тузган. Турк қўмондонлари ва давлат арбобларининг Бағдоддаги нуфузи борган сари ошиб бориб, натижада IX аср ўрталарига келиб, улар Бағдод ва бутун халифаликдаги сиёсий ҳаётга кучли таъсир ўтказа бошлаганлар ва ҳатто араб халифалари уларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолганлар. ‘Аббосий халифалари турклар томонидан тайинланиб, улар истаган вақтда алмаштирилар эди. Туркларнинг Бағдоддаги юқори мавқеи

кейинги асрларда ҳам, то Салжуқийларнинг ҳокимиятга келиши (XI аср) га қадар сақланиб келган. Уларнинг кўпчилиги йирик ер эгалари бўлиб, Ироқ, Миср, Сурия, Кавказ ва Кичик Осиёда жойлашган бу ерларни уларга халифалар *иктоъ* мулки сифатида инъом этганлар. Ундан ташқари IX – X асрларда Миср, Сурия ва Фаластин ерларида Тулунийлар ва Ихшидийлар турк сулоалари ҳукмронлик қилган бўлиб, улар Бағдод халифаларидан деярли мустақил эдилар. Араб халифалигининг марказий шаҳарларида туркларнинг нуфузи ортиши билан Ўрта Осиёлик зиёлилар ҳам бу ерларга юртдошларининг кўмагига умид қилиб, кўчиб кела бошлаганлар. VIII асрнинг охирлари ва IX асрнинг бошларидаёқ Бағдодда ва Яқин Шарқнинг бошқа шаҳарларида «ат-Туркий» *нисбали* бир қатор турк ҳадисшунос ва фақиҳ олимлари яшаганлар [ас-Самъоний III: 43 – 44]. IX асрда Бағдодда ал-Маъмун академияси фаолиятининг бошланиши билан бу ерда Ўрта Осиёлик олимларнинг сони яна ҳам ортиб, улар бутун ислом дунёсида шухрат қозондилар. Бу олимлар ичида турклар кўпчиликни ташкил этган бўлиб, улар нафақат ижтимоий фанлар, балки аниқ фанлар соҳасида ҳам фаолият кўрсатганлар. Бу ҳақида қаранг: Камолитдин 2005: 93 – 104; Kamoliddin 2007: 141 – 153.

21. ал-Афшин (الافشين) — Усрушананинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорларининг унвони *афшин* бўлган. Араб халифалигида бу исм билан охириги Усрушана ҳукмдорининг ўғли ‘Аббосий халифаларининг лашкарбошиси Ҳайдар ибн Ковус машҳур бўлган. 216/831-32 йилда ал-Афшин арабларга қарши Миср ва ал-Мағрибда кўтарилган қўзғолонни, 224/838-39 йилда эса Озарбайжонда маздакий Бобак бошчилигидаги арабларга қарши кўтарилган хуррабийлар қўзғолонини бостирган. 225/839-40 йилда у исломдан юз ўгирганликда айбланиб, халифа ал-Муътасимнинг Бағдоддаги саройида унинг устидан ҳукм чиқарилган, кўп ўтмай у қамоқда вафот этган [at-Tabari III: 1309 – 1318]. У ҳақида яна қаранг: XXXVII, 32; XXXVIII, 9.

22. Муҳаммад-Афшин ибн Абу-с-Сож ад-Довдод — Усрушаналик аслзода деҳқонлардан бири, у ҳам отаси сингари Бағдодда ‘Аббосий халифалар хизматида катта лавозимларни эгаллаган. 879-80 йилда Макка, Мадина ва Макка йўлининг назоратчиси, 269/882-83 йилда Анбар, Фрот ва Рухбий йўлларининг назоратчиси, 889 йилда Озарбайжон волийси, 898 йилда эса Арманистон волийси этиб тайинланган.

У тахминан милодий 900 — 906 йиллар орасида вафот этган. Унинг авлодлари 889 — 931 йилларда Озарбайжон волийлари бўлганлар [Ибн ал-Асир]. Унинг отаси Абу-с-Сож ад-Довдод ибн ад-Довдашт ҳақида қаранг: XXXVIII, 20.

23. ал-Ихшод (الإخشاد) — Самарқанднинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорлари *ихшид* (араб. الإخشيد) деб аталган. Бу сўз маъмурий унвон бўлиб, унинг мартабаси туркча *шод* (араб. الشاذ) унвони билан тенг бўлган. У ҳақида қаранг: XXXII, 3.

24. ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи (матнда: Кайсафи كيسي) — X асрда Самарқанд вилоятида ал-Марзубон номли *рустоқ* унга қарашли бўлиб (қаранг: XXXI, 20), у Суғднинг бошқа деҳқонлари билан бирга халифа ал-Муътасимнинг Бағдоддаги саройига хизматга таклиф қилинган эди (қаранг: XXXII, 14). Маълумки, илк ўрта асрларда Суғдда ва умуман Ўрта Осиёда туркийларнинг мавқеи жуда баланд бўлиб, улар маҳаллий ҳукмдорлар ва ер эгаларининг кўпчилик қисмини ташкил этганлар. X аср бошида Самарқандда Абу Аҳмад ‘Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи (تركش بقی) ибн Кашир ибн Тархун ибн Боничур (К. нар. н. к) ибн Ғурак ал-Бобдостоний ас-Самарқандий исмли бир *муҳаддис* яшаган бўлиб, у Самарқанднинг сўнгги *ихшиди* Ғуракнинг авлоди бўлган [ан-Насафий: 292]. Унинг ўғли Абу Солиҳ Аҳмад ибн ‘Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи Самарқандга қарашли шаҳарлардан бирининг амири бўлган [ан-Насафий, Arab: 70R]. Унинг амакиси Абу-л-Ҳусайн ‘Убайдуллоҳ ибн ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи ибн Кашир ибн Тархун ибн Боничур (Б. най. джур) ибн Ғурак ас-Самарқандий (вафоти 278/891-92 й.) [ан-Насафий: 323]. 225/840 йилда халифа ал-Муътасимнинг Бағдоддаги саройида Усрушана подшоҳи ал-Афшин Ҳайдар устидан исломдан юз ўтиргани учун чиқарилган ҳукм вақтида асосий гувоҳлар орасида ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи ҳам бор эди [at-Tabari III: 1311]. У Суғднинг сўнгги *ихшиди* Ғуракнинг бешинчи авлоди, Суғднинг маҳаллий туркий деҳқонларидан бири эди [Смирнова 1969: 70 — 72].

25. ‘Ужайф ибн ‘Анбаса (عجيف بن عنبسة) — IX асрда Бағдодда ‘Аббосий халифалар саройида катта лавозимларни эгаллаган суғдлик туркий деҳқонлардан бири. Унинг асли Иштихандан бўлиб, у ерда бир қанча бозорлар, қишлоқлар ва экинзорлар унга қарашли бўлган [Ibn Naukal: 500]. У ҳақида яна қаранг: XXXIV, 1.



26. ал-Бухор-худот (البخار خذاة) ёки бухор-худот (بخار خذاة) — Бухоронинг исломдан олдинги ҳукмдорлар сулоласининг расмий унвони [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 112]. Бошқа манбаларда бу унвон *бухор-худо* (بخار خذاه) ва *бухоро-худо* (بخارا خذاه) шаклларида қайд этилган [at-Tabari II: 1230, 1503, 1692, 1693; III: 852, 859]. Ўрта асрларда *худо/худот* сўзи «подшоҳ» маъносини англатган [Jasut III: 13]. Р. Фрай фикрича, бу сўзнинг охиридаги «т» араб тилининг таъсирида вужудга келган [Frye, 1954: п. 30]. Лекин, Бухоронинг исломдан олдинги тангаларида бу унвон *худод* (hwδ'δ) шаклида [Смирнова, 1981: 31], айрим араб манбаларида эса *худод* (خداد) шаклида қайд этилган [ал-Джахиз: 75]. *Худот* (*khudat*) унвони «Авеста» даги *hu-data* — «яхши яратилган» сўзидан келиб чиққан бўлиб, қадимги худоларнинг унвони бўлган [Смирнова 1975: 60–63].

Суғд тилидаги манбаларда шунга ўхшаш *γwt'w* унвони қайд этилган бўлиб, бу унвон *γwβ(w)* унвони сингари «хукмдор», «хўжайин» маъносини билдирган [Gharib 1995: 178, № 4467]. Бу унвон асосан суғд ва турк ҳукмдорларига мурожаат учун анъанавий равишда ишлатилган, араб манбаларида эса унинг ўрнига кўпроқ *деҳқон* (الدھقان) ва *малик* (المالك) атамалари ишлатилган [Смирнова 1970: 41, 55]. Бу ҳақида қаранг: Kexkhoda III: 4399.

Исломдан олдин *худот* унвони *деҳқон* унвони билан бир маънони билдирган бўлиб, асосан Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида, Балхдан Бухорогача бўлган ерларда ишлатилган [Смирнова 1975: 60–63]. Бухор-худотдан бошқа бу унвонни Сомонийларнинг бобокалони Сомон-худот, шунингдек Вардона (*вардон-худот*), Варахша (*хунук-худот*), Чағонийон (*чағон-худот*) ва Гузгонон (*гузгон-худот*) сингари шаҳар ва вилоятларнинг ҳукмдорлари ишлатганлар [Ибн Хордадбех: 69]. Хуросонда эса яна Сарвар-худот ва Турор-худот исми ҳукмдорлар қайд этилган [at-Tabari II: 1869; III: 356].

VII–VIII асрларда *бухор-худотлар* сулоласи Бухоронинг Ашина оиласига мансуб туркий ҳукмдорлари Эл Арслон (Йанг-Соух-тегин, Шер-и Кишвар, Сова-шоҳ) ва унинг ўғли Нилихон (Эл-тегин, Пармуда) билан қариндош тутинганлар. Тахмин қилинишича VII асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ҳукм сурган бухор-худот Бидун Эл Арслоннинг набираси бўлган, ундан кейин эса унинг Хотун унвонли рафиқаси Бухорода 15 йил ҳукм сурган. Айрим

манбаларда бухор-худот «туркларнинг подшоҳи», унинг хотуни эса Қабаж-хотун деб қайд этилган [at-Tabari II: 169]. 91–122/709–739 йилларда ҳукм сурган охириги бухор-худотлардан бири туркий Туғшода исмга эга бўлган [at-Tabari II: 1693, 1694; Наршахий: 18]. Ёзма манбалар ва тангалардаги ёзувларда бухор-худотлар сулоласига мансуб 12 ҳукмдорнинг исмлари қайд этилган бўлиб, улар Бухорода VI аср бошидан VIII аср охиригача ҳукм сурганлар [Смирнова 1981: 426–428]. Халифа ал-Маъмуннинг саркардаларидан бири Абу Шужоъ Шабиб ибн Бухор-худод ал-Балхий бўлиб, унинг келиб чиқиши балхлик бўлган [ал-Джахиз: 75]. Эҳтимол, бухор-худотлар сулоласининг асл келиб чиқиши Балхдан бўлгандир. Бухор-худотлар ҳақида қаранг: Наршахий: 16 – 20.

27. *амир* (امير) — араб., «буйруқ берувчи», «бошлиқ» — Араб халифалиги давридаги ҳукмдорларнинг унвони. Дастлаб бу унвонга халифалар оиласига мансуб шахслар ва лашкарбошилар эга бўлганлар. Олий ҳукмдор *амир ал-му’минин* — «муъминлар амири» деб аталган. Ундан ташқари бу унвон *волий* (والي) — араб., «ноиб», «бошқарувчи», «ҳукмдор» маъноларини ҳам билдирган бўлиб, унга вилоятлардаги маҳаллий маъмурият бошқарувчилари ва ҳукмдорлари эга бўлганлар. Сомонийлар шарият бўйича ‘Аббосий халифаларининг Хуросондаги амирлари ёки волийлари, яъни бошқарувчилари ҳисобланган [al-Istakhri: 306, 311]. Маҳмуд Ғазнавий ҳам амалда қудратли ва мустақил ҳукмдор бўлса ҳам, расман халифаларнинг Хуросондаги ноиби ҳисобланган. 418/1027-28 йилда хитойлар ва уйғурлардан келган элчилар унга «Хуросон амири» деб мурожаат қилганлар [Marvazi: 7 – 8; Bosworth 1966: 88]. Бу ҳақида қаранг: Kuri 1960: 438 – 439; Kehkhoda III: 3391 – 3392.

28. Араб манбаларида суғдлар алоҳида этник гуруҳ сифатида эмас, балки туркларнинг таркибига кирувчи ас-Суғд вилоятининг аҳолиси сифатида қайд этилган. Турк хоқонлиги даври (VI – VII асрлар) дан бошлаб суғдлар билан турклар орасида жадал этномаданий қоришув жараёнлари кечиб борганлиги туфайли X – XI асрга келиб, суғдлар ихтиёрий равишда туркий тилни қабул қилган ва кейинчалик маҳаллий ўтроқ туркий аҳоли билан қоришиб кетган [Камолитдин 2003: 63 – 68; Камолитдин 2005: 93 – 101].

## VII [ҲУКМДОРЛАР ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ]

1. *малик* (ملك) — қўплиги *мулук* (ملوك) — араб., «подшоҳ». Сомонийлар Араб халифалигининг бир вилояти бўлган Хуросон волийлари сифатида *амир* унвонига эга бўлганлар [al-Istakhri: 306, 311]. Ундан ташқари бошқа вилоятларнинг волийлари сингари *мауло амир ал-му’минин*, яъни «муъминлар амирининг мавлоси» ёки *волий амир ал-му’минин* — «муъминлар амирининг волийси» деб ҳам аталганлар [Хилал ас-Саби: 76, 84 — 85, 94; ас-Самъоний VII: 12; Bosworth 1962: 214, 226; Гафуров 1987: 92 — 93; Федоров 1966: 140]. В 335/946-47 йилда Нуҳ ибн Насрнинг тангаларида *амир* унвонининг ёнида яна бир унвон ал-Малик ал-Му’аййид — «Қўллаб-қувватловчи подшоҳ» унвони пайдо бўлади [Bosworth 1962: 214; Добровольский, Потин 1987: 136; Тредвел 1999: 88 — 93]. Э.Ўамбаур маълумотига кўра, бундай шоҳона унвон илк бор Наср ибн Аҳмаднинг тангаларида пайдо бўлган [Zambaur 1927: 202]. Айрим X манбаларида ҳам Сомонийлар «Хуросон подшоҳлари» (*мулук Хуросон*) [al-Istakhri: 143, 292; Ibn Naukal: 468; al-Moqaddasi: 260] ёки «Машриқ подшоҳлари» (Малик-и Машриқ) [Hudud al-‘Alam: 112], Исмоил ибн Аҳмад эса «Мовароуннаҳр подшоҳи» (*малик Мо варо’ан наҳр*) деб аталган [Ибн ал-Асир VII: 216]. Наршахий Сомонийлар ҳақида сўз юритганда Нуҳ ибн Насргача бўлган ҳукмдорларни *амир*, ‘Абдулмалик ибн Нуҳдан (343 — 350/954 — 961) бошлаб эса *малик* деб атаган [Наршахий: 85]. Тангаларда эса ‘Абдулмалик ибн Нуҳ ал-Амир ал-Му’аййид [Босворт 1971: 145] ёки ал-Малик ал-Му’аййид деб аталган [Zambaur 1927: 202], Нуҳ ибн Наср манбаларда ал-Амир ал-Ҳамид ёки ал-Малик ал-Ҳамид, тангаларда эса ал-Малик ал-Му’аййид деб аталган [Bosworth 1962: 214]. Бу унвон таркибидаги «қўллаб-қувватловчи» маъносини билдирувчи *ал-му’аййид* сўзи Сомонийларнинг Бувайҳийлар қўлида халифаларнинг асир бўлганига бўлган муносабатларини билдирган. Демак, ‘Абдулмалик Нуҳнинг Бувайҳийларга қарши олиб борган курашида ворис бўлган. ‘Абдулмалик ибн Нуҳ яна ал-Малик ал-Муваффақ, Мансур ибн Нуҳ — ал-Малик ал-Музаффар ва ал-Малик ал-Муъаззам, Нуҳ ибн Мансур эса — ал-Малик ал-Мансур деб ҳам аталган [Bosworth 1962: 214].

Шоҳларнинг *малик* (подшоҳ) унвони Сомонийларнинг Бувайхйларга муносабатини билдирган бўлиши мумкин, чунки тахминан ўша вақтда (334/945-46 йилда) Бувайхйларнинг тангаларида *шоҳаншоҳ* (Подшоҳларнинг подшоҳи) и Малик ал-Муъаззам (Буюк подшоҳ) унвонлари пайдо бўлган эди [Ибн аз-Зубайр: 78]. Бир неча йилдан кейин Мансур ибн Нуҳ (350 – 365/961 – 976) нинг 358/968-69 йилда Бухорода зарб этилган кумуш медальонининг олд томонида подшоҳ сурати ёнидаги паҳлавий ёзувларда *шоҳаншоҳ* унвони қайд этилган эди. Унинг орқа томонидаги арабча ёзувларда эса *ал-малик* унвони ишлатилган. Бу медальоннинг прототиби 625 йилда Қундузда Тўхористоннинг туркий йабғуси Тарду шод томонидан зарб этилган кумуш медальон бўлиб [Harmatta 1982: 168], ундаги *шоҳаншоҳ* унвони олий турк хоқони Тун йабғуга тегишли бўлган [Harmatta, Litvinsky 1996: 370]. Тун йабғу-хоқон эса Сомонийларнинг бобокалони Сомон-худотнинг аждодларидан бири ҳисобланган [Камолиддин 2008: 52 – 54]. 358/968-69 йилда Сомонийларнинг шоҳаншоҳ унвонли аждодларидан бирининг сурати туширилган танганинг зарб этилиши Бувайхйларнинг ўзларини Сосонийларнинг авлодлари деб эълон қилиб, шоҳаншоҳ унвонини ишлата бошлагани эди. Кейинроқ Нуҳ ибн Мансур (365 – 387/976 – 997) ар-Ризо ҳам ўзини шоҳаншоҳ деб атаган [Сиасет-намэ: 158], лекин унинг тангаларида бу унвон қайд этилмаган [Bosworth 1962: 214].

Илк ислом даврида ислом динини қабул қилган маҳаллий ҳукмдорлар *мулук ат-тавоиф* ёки *мулук ал-атроф* деб аталганлар [al-Jakubi: 294]. Ўрта Осиёда эса *малик* унвони кўпроқ *деҳқон* деб аталувчи туркий ҳукмдорларга нисбатан қўлланган [Смирнова 1970: 39 – 40]. Демак, Сомонийларнинг *малик* деб аталиши уларнинг ҳуқуқий мақомини эмас, балки уларнинг келиб чиқишини билдирган. Ўрта асрларда *малик* унвонини вилоятларнинг ҳокимлари ишлатиб, тангаларда уларнинг исми доим олий ҳукмдор, яъни халифанинг исмидан кейин қўйилган [Bosworth 1962: 19; Ходжаниязов 1977: 45]. Айрим ҳолларда бу унвон Амир-Малик шаклида ҳам учрайди [Ибн ал-Асир XII: 124]. Кейинчалик бу унвон оддий амалдорларга ҳам берилган. Масалан, 603/1206-07 йилда Ғур ҳукмдори Ғиёсиддин ўзининг Йидкиз ат-Татар исми ғулومини қуликдан озод қилиб, унга Малик ал-умаро' (амирлар подшоҳи) деган унвон берган [Ибн ал-Асир XII: 116]. Ундан ташқари *малик* унвони

исм сифатида туркий ҳукмдорларда кўп ишлатилган. Масалан, Сомонийларнинг Фарғонадаги ҳокимларидан бири Малик ибн Шукр-тегин деб аталган [Ибн ал-Асир VIII: 174].

2. Сомон хонадони (آل سامان) — Сомон уруғи ёки Сомон оиласи, яъни Сомонийлар сулоласи — келиб чиқиши маҳаллий деҳқонлардан бўлган ҳукмдорлар оиласи, 204 — 261/819 — 875 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳарларида Тоҳирийлар томонидан тайинланган ҳокимлар, 261 — 395/875 — 1005 йилларда эса Араб халифалиги таркибидаги Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг халифа томонидан тайинланувчи ҳокимлари ёки волийлари сифатида ворислик тартибида ҳукм сурганлар. 261 — 279/875 — 892 йилларда Сомонийларнинг пойтахти Самарқанд шаҳри, 279 — 395/892 — 1005 йилларда эса Бухоро шаҳри бўлган. Улар ҳақида қаранг: Наршахий: 69 — 87; Гардизи: 62 — 90; Ибн ал-Асир 2006: 65 — 177; Bosworth 1995: 1025–1029; Fyfe 1993: 136–161.

3. ал-‘Ажам (العجم) — араб., «тил билмас», «соқов», яъни «араб тилини билмайдиган одам» деган маънони англатади. Араблар шарқда фатҳ қилинган мамлакатлар, асосан Эрон ва Ўрта Осиёнинг аҳолисини шундай деб атаганлар [Kehkhoda X: 15761]. Бу атама жой номи сифатида ишлатилган бўлиб, унда Арабистон ярим оролидан шимолда ва шарқда жойлашган, аҳолиси эроний ва туркий бўлган мамлакатлар (Эрон ва Турон) назарда тутилган [Gabrieli 1960: 206]. Ўрта асрларда Ироқ ҳам иккига бўлинган: عراق عرب — яъни «арабларнинг Ироқи» (унга Бағдод ва Басра шаҳарлари кирган) ва عراق عجم — яъни «‘ажамларнинг Ироқи» (унга Исфаҳон ва Рей шаҳарлари кирган) [Jasut III: 628 — 631].

4. Баҳром Чубин (بهرام چوبين) — Сосонийлар давлати шоҳаншоҳи Ҳурмузд IV (579 — 590 йилларда ҳукм сурган) нинг лашкарбошиси. Баъзи маълумотларга кўра, унинг келиб чиқиши хуросонлик ўғуз туркларидан бўлган [Гумилев 1960: 228 — 241]. Маълумки, Сосонийлар ўз давлатининг чегараларини кўриқлаш учун қўшни туркий халқларнинг ҳарбий кучларини кўплаб жалб этганлар [Masoudi I: 2]. Унинг иккинчи исми — «Чубин» ўрта форс тилида «қарға» маъносини билдириб [Wolf 1953: 301], унинг Сосонийлар саройида берилган лақаби бўлган [Firdousi VI: 654 — 655]. VIII асрга оид хитой тилидан таржима қилинган бир тибетча ҳужжатда Ўрта Осиёда яшовчи туркий қабилалар ва халқлар орасида *гар-рга-пур* номли халқ қайд этилган бўлиб, у *янь-ти* (кушанлар)

ва *хе-бдал* (эфталитлар) лар билан қўшни бўлган [Гумилев 1967: 162; Абдурасул ўғли 1997: 72]. Тахмин қилинишича, бу халқнинг номи туркий *қарға* ва паҳлавий *пур* (ўғли) сўзларидан ясалган бўлиб, бу ерда Балх атрофларида яшаган Баҳром Чубиннинг авлодлари назарда тутилган [Гумилев 1967: 162]. Туркий халқлар мифологиясида *қарға* марказий ўринлардан бирини эгаллаган бўлиб, аждодлар, халқ қаҳрамонлари ва буюк шаманларнинг тимсоли бўлиб [Мелитинский 1991: 245], ундан ташқари қуёш ва тангри рамзи сифатида ҳам ишлатилган [Зуев 2002: 24, 226]. Шу билан бирга Яқин Шарқ халқларининг мифологиясида *қарға* ёмонлик ва офат келтирувчи салбий персонаж сифатида маълум бўлиб [Мелитинский 1991: 245], Сосонийлар давридаги форсларда *қарға* образи кўпинча душманлар ва уларга ёт келгиндиларни билдирган [Brown 1997: 179]. Маълумки, Баҳром Чубин умрининг охирида Сосонийлардан қочиб, турк хоқони билан дўст тутинган ва унинг қизига уйланган. Шунинг учун у ҳам эроний, ҳам туркий халқларнинг фольклорида халқ қаҳрамони сифатида маълум бўлган. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2008: 37 – 41.

5. *ишринийот* (عشرينيات) – араб., «нафақа ишлари бошқарувчиси», яъни хизматчиларга яхши хизмати учун бериладиган қўшимча иш ҳақи.

6. *хирож* ёки *харож* (خراج) – араб., Араб халифалиги даврида давлат ерларидан олинадиган солиқ тури. Дастлаб бу атама *фатҳ* этилган мамлакатлар аҳолисида олинадиган ҳар қандай солиқларни англатган бўлиб, *жизйа* (جزية) атамаси билан бир маънода ишлатилган. Олинадиган хирожнинг миқдори ҳосилнинг 1/3 қисмини ташкил этган, баъзан эса 2/5 қисмигача кўтарилган. *Хирож* мол билан ҳам, пул билан ҳам олинган. Мол билан олинувчи *хирож* ҳосил терими вақтида, пул билан олинувчи *хирож* эса йил давомида ҳар 3 ойда, баъзан эса ҳар ойда олинган. Илк ислом даврида Араб халифалигининг турли мамлакатларидаги ҳар хил тоифадаги ерлардан *хирож* олиш қондаларига бағишланган махсус асарлар ёзилган [Kodama: 1967; Qudama: 1986]. Шариат қонунларига кўра, давлат ерларида ишловчи барча ер эгалари ва деҳқонлардан *хирож* олиниши мажбурий бўлган. Бу ерлардан келган даромадлар давлат хазинасини тўлдириш, ҳарбийлар, амалдорлар ва хизматчиларга маош тўлаш, шунингдек Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларига нафақа тўлашга ишлатилган [Петрушевский 1966: 160;

Большаков 1991: 273 – 274]. Бу ҳақида қаранг: Kekhoda VII: 9627 – 9629; Subhan 1978: 1030 – 1056.

7. Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир ас-Садид, ал-Малик ал-Музаффар – Сомонийлар сулоласининг 8-ҳукмдори, 350 – 365/961 – 976 йилларда Бухорода ҳукм сурган. Англиядаги Оксфорд шаҳри музейида Мансур I ибн Нуҳ томонидан 358/968-69 йилда Бухорода зарб этилган кумуш дирҳам шаклидаги медальон сақланади. Унинг олд тарафида ўнг томонга қараб турган ҳукмдорнинг сурати, унинг икки томонида эса паҳлавий ёзувлар туширилган [Treadwell 1999: 9 – 10]. Ҳукмдорнинг қиёфаси унинг туркий бўлганлигидан далолат бериб турибди [Treadwell 2003: 328]. Бу ҳукмдорнинг сурати турк хоқонлари томонидан зарб этилган икки медальондаги ҳукмдорларнинг суратлари билан жуда ҳам ўхшаш. Улардан бири 616 – 617 йилларда Исфохон ёки Рейда Зик/Жик хоқон (610 – 618 йилларда ҳукм сурган) томонидан Сосонийлар устидан ғалаба қилган вақтида зарб этилган [Göbl 1987: 276 – 277, pl. 39, fig. 2]. Иккинчи медальон тахминан 625 йилда Қундузда Тун йабғу хоқоннинг ўғли Тўхористон йабғуси Гарду-шод томонидан зарб этилган [Harmatta 1982: 168]. Тахмин қилинишича, бу медальонда Тун йабғу-хоқоннинг сурати акс этдирилган [Harmatta, Litvinsky 1996: 370]. Бизнингча, Мансур ибн Нуҳ медальонининг олд тарафини тайёрлашда шу икки медальоннинг олд тарафларидан намуна сифатида фойдаланилган. Нуҳ ибн Мансур медальонида Сомон-худотнинг бобокалони Эл-тегин (Пармуда), унинг отаси Жаббохон ёки Сомон-худотнинг ўзи акс этдирилган бўлиши мумкин [Камолиддин 2006: 15 – 18; Камолиддин 2008: 52 – 53]. У ҳақида қаранг: Наршахий: 86; Гардизи: 77 – 80; Ибн ал-Асир VIII: 211, 214, 221, 222, 228, 231, 240, 247, 267, 271; IX: 62; ал-Карши: 100; Barthold 1991: 418].

8. *‘ишрун алф алф* (عشرون الف الف) – араб., «йигирма минг минг», бу ерда минг сўзининг икки марта қайтарилиши миллион маъносини билдиради, яъни бу ерда 20 миллион демакдир.

9. *дирҳам* (درهم) – араб., қад. юнон *drahm* (δραχμη) – «кумуш танга» сўзидан олинган, Араб халифалигида муомалада бўлган кумуш пул бирлиги. Сосонийлар империясида муомалада бўлган кумуш пул бирлиги ҳам *драхма* деб аталган. Ундан ташқари бу атама 16 *қирот*

(قيراط) ёки 3, 186 г га тенг бўлган оғирлик ўлчови сифатида ҳам ишлатилган. Бу ўлчов мисқолнинг 7/10 қисмини ташкил этган. Бу ҳақида қаранг: Давидович 1970: 81; Miles 1965: 319 – 320; Kehkhoda VII: 10713 – 10717.

10. *жариб* (جريب) — араб., ер майдони ўлчов бирлиги. Ўрта Осиёда бир *жариб* миқдори ҳар хил шаҳарларда ва турли даврларда турлича бўлиб, 900 кв. м билан 3000 кв. м орасида бўлган [Давидович 1970: 122 – 130].

11. *ғулом* (غلام) — араб., халифалар, аслзодалар ва бой амалдорларнинг хизматкор қули *ғулом* (غلام) — араб., «ёш бола», «хизматкор» [Kehkhoda XI: 16762 – 16768]. Ўрта асрларда бу сўз «қул» маъносини ҳам англатиб, подшоҳлар ва олий зодагонларнинг хизматида бўлган хизматкорга нисбатан ишлатилган. Араб манбаларида унинг ўрнига *мамлук* (مملوك), шунингдек *ходим* (خادم), *васиф* (وصيف) ва *мауло* (مولى) сўзлари ҳам ишлатилади. Исломдан аввал Ўрта Осиёда маҳаллий ҳукмдорларнинг қўриқчилари *чокар* деб аталган [de la Vaissiere 2005: 139 – 149]. Улар ҳарбий жиҳатдан жуда ҳам яхши тайёрланган бўлиб, уларнинг асосий хусусияти шундан иборат эдики, чокарлар ўзларининг эгаларига жуда ҳам содиқ бўлганлар ва улар учун жонларини бериш учун ҳам тайёр бўлганлар. Уларнинг эгаси вафот этганда, чокарлар ўзларининг жонларига суиқасд қилиб, у билан бирга дафн этилганлар. Ўрта Осиёнинг кичик ҳукмдорлари ҳам олий ҳукмдорнинг чокарлари ҳисобланган. Ўрта Осиёда барча чокарларнинг хўжайини олий турк хоқони бўлган. Масалан, Нахшаб ҳукмдори ал-Ишканд сўзларига кўра, у «турк хоқонининг қули, унинг чокарларидан бири» бўлган [at-Tabari II: 1542]. Араб босқинчилари чокарлар тизимининг афзалликларини тезликда англаб етиб, ундан ўзларининг шахсий манфаатлари учун фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Масалан, 54/674 йилда амир 'Убайдуллоҳ ибн Зийод Бухородан Басрага 2 мингта моҳир камончиларни олиб кетиб, улар учун махсус ётоқхоналар қурдирган [al-Beladsori: 411; at-Tabari II: 169 – 170]. Яна бир араб амири Саид ибн 'Усмон Бухоро ва Самарқанд деҳқонларининг фарзандларидан иборат 50 та ёки 80 та *ғуломни* ўзи билан Мадинага олиб кетган ва улар билан қулларга ўхшаб муомала қилган. Шунда *ғуломлар* уни ўлдириб, ўзларининг одатларига кўра, ўз жонларига суиқасд қилганлар [at-Tabari II: 179]. Қутайба ибн Муслимининг турк ва суғд деҳқонларининг фарзандларидан иборат шахсий қўриқчилар қўшини бўлган, уларнинг



сони 10 минг бўлиб, ҳаммаси камон отишда моҳир бўлганлар. Улар Қутайба ибн Муслимга унинг умрининг охиригача содиқ бўлганлар ва ҳатто унинг қабиладошлари ундан юз ўтирганларида ҳам унга хиёнат қилмаганлар [al-Beladsori: 424, 521; Bel'ami IV: 209]. Хуросон амири Наср ибн Сайёр мингта мамлукни сотиб олиб, уларга қурол-яроқ ва отлар берган ва ўзи учун хизмат қилдирган [at-Tabari II: 1717 — 1718]. Халифалардан биринчи бўлиб ал-Маъмун Ўрта Осиёда ҳукм сурган даврида чокарлар қўшинини ёллаган. Унинг ал-Муътасим исмили укасининг Суғд, Фарғона, Уструшана ва Шош аҳолисидан иборат кўп сонли қўшини бўлган [al-Beladsori: 431]. Шундан кейин *мамлук* (*ғулом*) лар 'Аббосийлар халифалигининг давлат ва ҳарбий тизимида кенг тарқалиб, натижада кўп ерларда улар арабларнинг ўрнини эгаллаганлар [Bosworth 1973: 6 — 8; Golden 2004: 279 — 309]. Бу эса 'Аббосий халифалигида туркийлашув жараёнларининг бошланиши эди. Ўрта Осиёлик турклар ва суғдлар арабларга ўзларининг қўриқчилар тизимини тақдим этганлар, араблар эса уни бутун ислом дунёсига тарқатганлар [Beckwith 1984: 39 — 40].

Сомонийларнинг қўшинлари ҳам асосан қулла ва ёлланган аскарлардан иборат бўлган. Исмоил ибн Аҳмад биринчи бўлиб турк ғуломларидан иборат мунтазам қўшин тузишга киришган [al-Istakhri: 291; Ibn Naukal: 471]. Унинг қўл остида 10 мингта яқин ғуломлар ҳарбий хизматда бўлиб, улар ўша даврда Бухоронинг энг муҳим сиёсий кучларидан бири бўлганлар [Treadwell 2000: 399, 402]. Исмоил ибн Аҳмад ўзининг *ғуломлари* билан жуда яқин муносабатда бўлган, шунинг учун улар унга беҳад содиқ бўлганлар ва унга сўзсиз итоат қилганлар [Paul 1994: 28, 33]. Бу ҳақида қаранг: Sourdel, Bosworth, Harby 1965: 1079 — 1091; Pipes 1981: 6 — 10, 16; Kekkhoda XI: 16762 — 16768.

12. *хамс алаф алф* (خمسة آلاف الف) — араб., «беш минг минг», бу ерда минг сўзининг икки марта қайтарилиши миллион маъносини билдиради, яъни бу ерда 5 миллион демакдир.

13. Мансур ибн Нуҳнинг отаси — Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир ал-Ҳамид — Сомонийлар сулоласининг 6-ҳукмдори, 331 — 343/943 — 954 йилларда Бухорода ҳукм сурган. Абу Бақр Наршахийнинг «Тарих-и Бухоро» (Бухоро тарихи) асари унга бағишланган ва 332/943-44 йилда тақдим этилган эди

[Наршахий: 13]. Араб саёҳатчиси Абу Дулаф Мишъар ибн Муҳалхилнинг биринчи «Рисола» сидаги маълумотга кўра, тахминан 331/943 йилда Сандобил (Кансу) шаҳридаги ас-Син (уйғур) подшоҳи Қолин ибн Шахир Сомониёлар сулоласи билан қудачилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида Бухорога элчилар юборган. Музокаралар натижасида хитой маликаси Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмадга турмушга чиқиб, ундан ‘Абдулмалик ибн Нуҳ туғилган [Abu Kulaf: 347 – 361; Бартольд 1965: 482; Minorsky 1955: 4 – 5]. У ҳақида қаранг: Наршахий: 84 – 85; Гардизи: 70 – 74; Ибн ал-Асир VIII: 136, 157, 161, 174, 180 – 201, 210; IX: 62; ал-Карши: 100; Bosworth 1995: 112.

14. *ал-қузот* (القضاة) — «қозилар», бирлиги *қозий* (قاضى) — араб., «ҳал қилувчи», «ҳукм чиқарувчи» — ислом жамиятида мавжуд бўлган можаро ва муаммоларни шариат қонунлари бўйича ҳал этувчи ва ҳукм чиқарувчи амалдор, судья.

15. *ал-куфот* (الكفاة) — «текширувчилар», бирлиги *кофий* (الكافي) — араб., «етарли», «қониқарли», «улушли».

16. *ал-банодира* (البنادرة) — «назоратчилар», бирлиги *бандар* (بندر) — араб., «савдо маркази».

17. *ал-вулот* (الولاية) — «бошқарувчилар», бирлиги *волий* (والي) — араб., «ноиб», «бошқарувчи».

18. *соҳиб ал-барид* (صاحب البريد) — араб., «почта бошлиғи», ҳукмдорнинг фармонлар ва хатларини вилоятлардаги ноибларга етказиб турувчи ва улар орасидаги ўзаро ёзишмалар, ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни сақловчи махсус девон бошлиғи.

19. моллардан олинадиган пул тушумлари назоратчиси (العامل) *على جباية الاموال من البنادرة* — моллар савдосидан ва тижорий фаолиятдан олинадиган солиқларни йиғувчи амалдор.

20. *волий ал-маъуна* (والي المعونة) — араб., «нафақа ишлари бошқарувчиси», яъни тижорий бўлмаган ижтимоий зарур фаолият билан шуғулланувчи шахсларга давлат томонидан бериладиган нафақаларни тақсимловчи ва тайинловчи амалдор.

21. *ноҳийа* (ناحية) — араб., «томон», «тараф», шунингдек, вилоятлар (كورة) таркибидаги кичик маъмурий бирлик. Араб тилидаги манбаларда унга нисбатан *рустоқ* (رستاق), форс тилидаги манбаларда эса *русто*

(روستا) атамалари ҳам ишлатилган. Бу атамаларга кейинги асрлардаги туркий *тумон* (تومان) атамаси тўғри келади. Бу ҳақида қаранг: Babinger 1993: 906; Kehkhoda XIV: 22077.

22. *кура* (كورة) — араб., «туман», «вилоят» маъносини билдирувчи маъмурий бирлик. Бу атама йирик шаҳарлар ва уларга қарашли бўлган ерларга нисбатан қўлланилган. Ҳар бир *кура* бир қанча ноҳийалар ёки рустоқлардан иборат бўлган.

23. Бу маълумотдан аён бўладики, Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда исломдан олдинги қонун-қоидалар ва тартибларга риюя қилинган. Баъзи маълумотлар шундан далолат берадики, Сомонийлар қўринишдан араб халифаларига ва ислом динига содиқ бўлсалар ҳам ўзларининг аждодлари ва уларнинг диний эътиқодларини жуда ҳурмат қилганлар. Хусусан, Сомонийларнинг Бухородаги оилавий мақбарасининг деворларида, шунингдек улар зарб этдирган айрим тангаларда буддавийлик ва монийликга оид рамзлар тасвирларган. Мансур I ибн Нуҳ томонидан 358/968-69 йилда Бухорода зарб этилган кумуш дирҳам шаклидаги медальоннинг олд тарафида эса ўнг томонга қараб турган ҳукмдорнинг сурати, унинг икки томонида эса паҳлавий ёзувлар туширилган [Treadwell 1999: 9 – 10; Treadwell 2003: 328]. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2008: 13 – 21.

24. *асҳоб Хуросон* (اصحاب خراسان) — Хуросон соҳиблари, яъни Хуросон ҳукмдорлари. Араб тилида *соҳиб* (صاحب) сўзи ҳар қандай бошлиқ ёки бир нарсанинг эгасини билдирган.

25. *давла* (دولة) — араб., «давлат». Араб тилида бу сўз «ҳукмронлик» ва «сулола» деган маъноларни ҳам англатган.

## VIII

### [ҚЎШИНВА МАЪМУРИЯТ]

1. Бу ерда араблар ва форсларнинг қўшинлари назарда тутилган.

2. Сомонийлардан Исмоил ибн Аҳмад биринчи бўлиб шахсан ўзига бўйсунувчи содиқ қуллар — мамлук-фуломлардан ташкил топган мунтазам қўшин тузишга киришди. Унгача бўлган қўшинлар деҳқон ва руҳонийларга бўйсунар эди. Унинг ўғли Аҳмад ибн Исмоилнинг қўшини 10 мингга яқин турк фуломларидан иборат эди. ‘Аббосий халифаларининг қўшинлари ҳам асосан турк фуломларидан тузилган эди. Араб халифа-

лигида кенг ривож топган *мамлук-гуломлар* тизими Ўрта Осиёда исломга қадар бўлган қўриқчи чокарлар тизимидан ўзлаштирилган эди [de la Vaissiere 2005: 139 – 149]. Чокарлар тизимининг асосий хусусияти шу эдики, улар ўзларининг соҳибига чексиз вафодор бўлиб, унинг учун жонларини беришга ҳам тайёр бўлганлар. Уларнинг соҳибига ўлса, улар ҳам у билан бирга дафн этилиш учун ўз жонларига суиқасд қилар эдилар. Ҳарбий хизмат учун танлаб олинган *мамлук-гуломларнинг* мавқеи жуда баланд бўлиб, оддий хизматкор қуллардан ва озод одамлардан катта фарқ қилган. Улар олий табақали одамлар тоифасига кириб, ҳукмдорлар билан бир қаторда турган. Улар яхши кийинган, қуролланган ва олий ҳукмдор ҳузурига бемалол кира оладиган ишончли одамлар ҳисобланган. Катта лавозимларни эгаллаб, ҳукмдорларга хос бой ва ҳашаматли ҳаёт кечирган. Уларда бўлган ҳуқуқлар ва афзалликлар оддий қулларда ҳам, озод одамларда ҳам бўлмаган. Шунинг учун бундай «қуллик» уларга ҳеч оғир ботмаган, балки аксинча, уларга кенг имкониятлар, ҳокимиятга йўл ва ижтимоий устунлик берар эди. Аслида улар қул бўлмаганлар, чунки исломда ‘абд – «қул» сўзи одамнинг ҳозирги ҳолатини эмас, балки унинг ўтмишдаги ҳолати ва келиб чиқишини бидирган [Pipes 1981:6 – 10,16].

3. *деҳқон* (دهقان) – форс., қад. эрон. *dehik* – «қишлоқ жамоасининг бошлиғи». Бу атама исломдан олдинги *деҳ-худо* (ده خدا) – «қишлоқ бошлиғи» унвони билан деярли бир маънога эга бўлган. Исломдан олдин Ўрта Осиёда йирик ер эгалари ва аслзода оилаларнинг вакиллари «деҳқон» деб аталган. Илк ислом даврида араблар Ўрта Осиёдаги катта-кичик шаҳар ва вилоятларнинг маҳаллий ҳукмдорларини ҳам «деҳқон» деб атаган. Уларнинг баъзилари жуда қудратли бўлиб, ҳатто подшоҳни ҳам меҳмонга чақиришга қодир бўлган. Сомонийлар даврида деҳқонларнинг аҳамияти бироз пасайган бўлса ҳам, хали улар Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлар. Сомонийлар ҳокимияти инқирозга учрай бошлаганда маҳаллий деҳқонлар Мовароуннаҳрга Буррохонни таклиф этиб, унинг хизматига ўтганлар ва кейинги ҳарбий юришларида иштирок этганлар [Бартольд 1971: 465]. Кейинчалик деҳқонларнинг асосий қисми аста-секин Қорахонийлар даврида вужудга келган мулк ва иқтоъ ерларига эгалик қилган турк аслзодалари билан қўшилиб кетган [Федоров 1975: 109, 116; Кочнев 2006: 23, 31, 82, 87, 99, 125, 253, 258, 261]. Қорахонийлар даврида Илоқ

деҳқонлари деярли мустақил бўлиб, ўзларининг тангаларини зарб этганлар [Кочнев 1986: 125 — 132]. Деҳқонларнинг иқтисодий жиҳатдан кучайиб кетиши ва сиёсий ҳокимиятни қўлга олишга интилиши уларнинг Қорахонийлар ва Салжуқийлар томонидан таъқиб қилинишига олиб келди [Бартольд 1971: 465; Мухтаров 1967: 80 — 81]. XII асрда деҳқон сўзи «қишлоқ бошлиғи», «ер эгаси» ёки «узумзор соҳиби» деган маъноларни билдирган [ас-Самъоний V: 379], ва шаҳар ташқарисида ери бўлган ҳар қандай одам деҳқон деб аталган [Большаков 1961: 9 — 11]. Шу билан бирга аслзода деҳқонлар XVI асргача жамиятда муҳим ўрин эгаллаб келган [Мухтаров 1967: 87]. Бу ҳақида яна қаранг: Lambton 1965: 253 — 254; Kexkhoda VIII: 11316 — 11318.

4. *шиҳнат ал-булдон* (شحنة البلدان) — араб., «шаҳарларнинг миршаблари», яъни шаҳарларда тинчлик ва тартиб сақланишига масъул бўлган шахслар (комендант).

5. *қавд* (قود) — араб., хун қони, шариат бўйича, одам ўлдирилса унинг яқин қариндошлари қотилдан хун қони, яъни қасос олиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

6. Ислом жамиятида барча ҳукмлар ва қарорлар Қуръон ва ҳадисларга асосланган диний қонунчилик тизими бўлган шариат (الشريعة) асосида амалга оширилган. Бу ҳақида қаранг: Hooker 1998: 331 — 338; Kexkhoda IX: 14253 — 14254; Сюкияйнен 1991: 292 — 294.

7. Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир ал-Мозий — Сомонийлар оиласига мансуб амир, 260 — 279/874 — 892 йилларда акаси Наср ибн Аҳмад томонидан тайинланган Бухоро ҳокими бўлган, акасининг вафотидан кейин 279 — 295/892 — 907 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг олий ҳукмдори бўлган. Сомонийлардан биринчи бўлиб Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тамойилида ҳукмронлик қила бошлаган, вафотидан кейин эса ҳокимият унинг авлодларига мерос сифатида ўтиб келган. У ҳақида қаранг: Наршахий: 72 — 82; Гардизи: 63; Ибн ал-Асир VII: 111, 147, 182, 198, 202, 211, 216; VIII: 2, 3, 44; ал-Карши: 99 — 100.

8. Борис ал-Қабир (بارس الكبير), яъни Катта Борис — дастлаб Исмоил ибн Аҳмаднинг ғуломи ва унинг лашкарбошиси бўлган, кейин 290/902-03 йилда Жўржон, Табаристон ва Рей ҳокими этиб тайинланган эди. 295/907-08 йилда Исмоил ибн Аҳмад вафот этгандан кейин Борис унинг ўғли Аҳмаддан қочиб, 4 минг аскарлик қўшини

билан Бағдодга келди. Исмоил ибн Аҳмад уни Рей шаҳригача таъқиб қилиб борди, кейин Бағдоддан келган кўрсатмага биноан, Хуросонга қайтди. Борис эса Дайр Рабиъа вилоятига ҳоким этиб тайинланди [Ибн ал-Асир VII: 207; VIII: 3; Надирадзе 1968: 166]. Наршахий уни Борис Байкандий деб қайд этган [Наршахий: 79]. Демак, унинг келиб чиқиши Бухоро вилоятида Хуросон йўлида жойлашган Байканд шаҳридан бўлган. Борис исми туркий *bars* — «йўлбарс» сўзидан ясалган бўлиб [ДТС: 84; Кошғарий II: 330], ўрта асрларда турклар орасида кенг тарқалган [Kehkhoda III: 4034 — 4035]. Қадимги туркий битикларда Борс, Қаро Борс ва Ўқул Борс исмлари қайд этилган [Малов 1959: 92, 97, 100]. 309/921 йилда Бағдоддан халифа ал-Муқтадир томонидан ал-Булғорга юборилган элчилардан бирининг исми Борис ас-Сақлабий бўлган [ПИФ: 55, 72]. Тамғочхон Иброҳим вақфномасида (XI аср) Борс-такин исми шахс қайд этилган [Bosworth 1968: 451]. Шош вилоятида Борискат (بارسكت) номли шаҳарча [ас-Самъоний II: 29], Иссиққул бўйида эса Барсхон (برسخان) номли шаҳар бўлган [Hudud al-‘Alam: 98]. Бухородан 2 *фарсах* масофада Барсхон (برسخان) номли қишлоқ [ас-Самъоний II: 153], Хуросонда эса Борис (بارس) номли работ қайд этилган [al-Moqaddasi: 348]. Эҳтимол бу работ ва қишлоқ Борис ал-Кабир ал-Байкандийга қарашли бўлган.

9. Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир аш-Шаҳид — Сомонийлар сулоласининг 4-хукмдори, 295 — 301/907 — 914 йилларда Бухорода ҳукм сурган. Отасининг ҳукмронлиги даврида эса Хуросон амири бўлган эди. Отасининг ўрнига тахтга ўтиргач, Аҳмад Рей, Гургон, Сижистон ва Табаристон ерларини ишғол қилди ва ўз ерларига қўшиб олди. Кейин ўз лашкарбошилари уюштирган фитнаси натижасида ўлдирилган. У 6 йил, 4 ой ва 5 кун ҳукм сурган. У ҳақида қаранг: Наршахий: 82 — 83; Гардизи: 63 — 65; Ибн ал-Асир VIII: 2, 3, 23, 26 — 33, 44, 77, 78; ал-Қарши: 100.

10. ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз (عبدالله بن المعتز) — бағдодлик араб шоири ва сиёсий арбоби, 247 — 296/861 — 908 йилларда Бағдодда яшаган.

11. ал-‘Ироқ (العراق) — Месопотамиянинг арабча номи. Ўрта асрларда бу ном билан икки вилоят аталган: عراق العرب — «арабларнинг ‘Ироқи» (унга Бағдод ва Басра шаҳарлари кирган), ва عراق العجم —

«форсларнинг Ироқи» (унга Исфаҳон ва Рей шаҳарлари кирган) [Jacut III: 628 – 631]. Уларнинг иккинчиси ал-Жибол деб ҳам аталган. Бу ҳақида қаранг: Miquel, Brice, Sourdell 1971: 1250 – 1268; Sourdell-Thomine 1965: 534 – 535; Kexkhoda X: 15785 – 15787].

12. *ас-султон* (السلطان) — араб., «ҳокимият», «қудрат», «ҳукмдор» демакдир, дастлаб бу ном фақат Араб халифалигининг олий ҳукмдори, яъни ‘Аббосийлар сулоласига мансуб Бағдод халифасига нисбатан «олий ҳазратлари» маъносида ишлатилган. Салжүқийлар даврида «султон» атамаси сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, малик ва амирдан юқори турган эронийларнинг *шоҳаншоҳ* унвонига ўхшаш олий унвонга айланган [Большаков 1991: 213]. Салжүқийлар даврида, халифалик билан султонлик икки алоҳида ҳокимият сифатида тан олинган. Халифалар мамлакатнинг диний ишлари, султонлар эса сиёсий ва дунёвий ишларга масъул бўлганлар [Курпалидис 1992: 48, 50]. Лекин ислом давлатининг маъмурий тизимида «султон» унвони ҳеч қачон олий ҳукмдорни англатмаган, балки *амир*, *волий*, *хон*, *бек* каби унвонлар билан бир қаторда турган [Ансари: 21 – 22]. Бу ҳақида яна қаранг: Kramers, Bosworth 1998: 884 – 889; Kexkhoda IX: 13721 – 13722.

13. ал-Муктадир (المقتدر) — ‘Аббосийлар сулоласига мансуб 19-халифа, 295 – 320/908 – 932 йилларда Бағдодда ҳукм сурган. У ҳақида қаранг: Zettersteen, Bosworth 1993: 541 – 542; Kexkhoda XIV: 21309.

14. «Хуросон қўшини» (араб. جيش خراسان) деб Борис бошчилигидаги Мовароуннаҳр ва Хуросон туркларининг қўшини назарда тутилган.

15. Сомонийларнинг келиб чиқиши аслзода форслардан бўлганлиги ҳақидаги фикр хато бўлиб, бу уларнинг фақат Баҳром Чубин авлодлари бўлганлигига асосланган. Аслида Сомон-худотнинг аجدодлари Баҳром Чубиннинг турк хоқони Эл-тегиннинг қизи билан қурган оиласининг авлодлари бўлганлар. Баҳром Чубиннинг ўзи ҳам аслида форс бўлмаган, балки Сосонийлар хизматидаги хуросонлик ўғуз туркларидан келиб чиққан [Камолиддин 2008: 39 – 63; Камолиддин 2008: 37 – 41; Камолиддин 2009: 22 – 31].

16. Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳ ас-Сомоний, ал-Амир ас-Садид, 350 — 365/961 — 976 йилларда Бухорода ҳукм сурган. У ҳақида қаранг: VII, 7.

17. Аҳмад ибн Асад ибн Сомон — Асад ибн Сомоннинг энг катта ўғли, 204/819 йилда у Хуросон амири Ғассон ибн 'Аббод томонидан Фарғона ҳокими этиб тайинланган эди [Гардизи: 62; Ибн ал-Асир VII: 110; Ибн ал-Асир 2006: 66]. Наршахийга кўра, Аҳмад ибн Асад Марв ҳокими этиб тайинланган эди [Наршахий: 69]. Лекин бу маълумот бошқа манбаларда тасдиқланмаган.

18. Асад ибн Сомон — отаси Сомон-худот билан бирга Хуросондаги Абу Муслим ҳаракатида иштирок этган. Кейинчалик бўлажак халифа ал-Ма'мун (182 — 198/798 — 812 йилларда Хуросон амири бўлган) унинг Марвдаги саройида хизмат қилган. У билан бирга бошқа маҳаллий подшоҳлар (*ихшид*, *бухор-худот* ва ҳ.к.) нинг авлодлари ҳам унга хизмат қилганлар [ал-Джаҳиз: 75]. Асад (اسد) исми араб тилида «арслон» маъносини билдиради. Сомон-худотнинг бобокалонининг исми ҳам Эл Арслон (Шер-и Кишвар), яъни «элнинг арслони» бўлган. Эҳтимол, Сомон-худот ўғлининг асл исми Арслон бўлган, Асад эса унинг арабча таржимаси бўлган. У ҳақида қаранг: аз-Зириклий I: 290; Ғуе 1993: 136.

19. Сомон-худо (سامان خداه) ёки (سامان خداة) — Сомонийлар сулоласининг бобокалони. Кўпчилик манбалардаги маълумотларга кўра, у Сомонийларнинг саркардаси Баҳром Чубиннинг авлоди бўлган [Бируни 1957: 52; Гардизи: 62; ас-Самъоний VII: 12; Ибн ал-Асир VII: 110]. Шунга кўра, айрим манбаларда Сомонийларнинг келиб чиқиши форс бўлган деб кўрсатилган [al-Istakhri: 293]. Ибн Ҳавқал бу маълумотга аниқлик киритиб айтадики, Сомонийлар аслзода форслардан бўлган, чунки улар Баҳром Чубиннинг авлодлари бўлганлар [Ibn Haukal: 472]. Маълумки, Баҳром Чубин 588 йилда эфталитлар ва турклар устидан ғалаба қозонгандан кейин шоҳаншоҳ Хурмузд IV унга Балх ва бутун Хуросон ерларини инъом этади. Турк хоқони Совашоҳ (Эл Арслон) нинг ўлиmidан кейин унинг ўғли Эл-тегин (Пармуда) Байканд қалъасига беркиниб олади [ad-Kinawari: 84]. Баҳром Чубин уни қамал қилиб, таслим бўлишга мажбур қилади ва бу ерда катта ўлжани қўлга киритади. Лекин унинг ҳаммасини Хурмуздга юбормасдан, асосий қисмини ўзига олиб қолади. Шоҳаншоҳ бунга ғазабланиб, уни лавозимидан озод қилади [Macoudi II: 213 — 214; ad-Kinawari: 84 — 85]. Баҳром Чубин турклар



билан битим тузиб, қўшинларига қўлаб турк аскарларини қабул қилади ва улар билан бирга Сосонийлар пойтахти Ктесифонга юриш қилади. У Сосонийлар сулоласини Эрондаги ҳокимиятни қонунга хилоф равишда эгаллаганликда айблаб, парфян Аршакийларини Эроннинг қонуний ҳукмдорлари, ўзини эса уларнинг меросхўри деб эълон қилади [Shahbazi 1989: 521]. Сосонийлардан ҳокимиятни тортиб олиб, Баҳром Чубин бир йил тахтда ўтиради ва ҳатто ўзининг сурати туширилган тангалар чиқаришга ҳам улгуради. 591 йилда арман, грузин ва византияликларнинг Хусравга содиқ қолган форс қўшинлари билан бирлашган ҳарбий кучлари Баҳром Чубин аскарларини мағлубиятга учратадилар [Симокатта: 131]. Шундан кейин Баҳром Чубин шарққа қочиб, Фарғона турклари ҳузурида паноҳ топади [Гумилев 1960: 229 – 230]. У турк хоқони Эл-тегин (Пармуда) нинг дўсти ва маслаҳатчисига айланиб, унинг қизига уйланади [Mustawfi-i Qazwini: 121]. Сомонийларнинг бобокалони Сомон-худот айнан шу никоҳ натижасида вужудга келган оиланинг вакили бўлган. У илк бор сиёсий майдонда VIII асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлиб, Балхдан Марвга Хуросон амири Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий (ал-Қушайрий) ёнига душманларига қарши ёрдам сўраб келган эди. Ундан ёрдамни олиб, ўзининг муаммолари ҳал бўлгандан кейин Сомонхудот ислом динини қабул қилади ва унинг шарафига ўз ўғлига Асад исмини беради. Айрим маълумотларга кўра Сомонхудотнинг асл исми Арқуқ бўлган [Семенов 1955: 3 – 4], у Сомон Йавқуй, яъни Сомон-йабғу деб ҳам аталган [Рашид ад-дин 1987: 94; ал-Лари: 234а]. Кейинроқ у ўғли Асад билан Хуросондаги Абу Муслим ҳаракатида иштирок этади [Kaniel 1988: 371 – 372; Frye 1993: 136; Bosworth 1995: 1025–1029]. Сомон (سامان) исмининг келиб чиқиши санскритча *saman/sramana* сўзи билан боғлиқ бўлиб, «эътиқодда тиришқоқлик қилганлар», яъни буддавийларнинг диний тизимида иккинчи босқичдаги даража соҳибларига нисбатан ишлатилган. Ҳинд мифологиясида эса бу сўз «ҳукмдор» ва Ёима худосининг исми сифатида ишлатилади. Шаманизмдаги *шаман* сўзи ҳам худди шу сўздан келиб чиққан [Louis VIII: 41]. Марказий Осиё, Урал ва Сибирдаги урал-олтой халқлари тарихида *саман/шаман/самай/самар* номли этноним мавжуд бўлиб, бу халқнинг узоқ ўтмишдаги аждодлари қадимги вақтларда олтой халқлари орасига жанубий ҳудудлардан кўчиб келган

[Василевич 1965: 139 — 145]. Берунийга кўра, Ўрта Осиёда *аш-шаманиййа* номли дин вакиллари бўлиб, улар бутларга сифинганлар, лекин брахманларга нафрат билан қараганлар [Бируни 1963: 66 — 67]. Хуросон аҳли буддавий динидагиларни *шаманийин* ёки *шаманан* (*шаман* сўзининг кўплик шакли) деб атаганлар [Бируни 1957: 204]. Ибн ан-Надим ҳам буддавий динидагиларни *ас-саманиййа* деб атаган [Flügel 1862: 76, 105, 385]. Бу маълумотлардан шундай хулоса келиб чиқадики, Сомон-худот, ислом динини қабул қилганига қадар, манбаларда кўрсатилганидек, зардуштийлик динига [Гардизи: 62] эмас, балки буддавийлик динига эътиқод қилган. Маълумки, Сомон-худот Балх шаҳрида яшаган, у ерда эса исломга қадар буддизм ҳукмронлик қилган. Сомон-худотнинг монийлик динига эътиқод қилгани ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки илк ўрта асрларда Балх ва унинг атрофларида бир неча аср (III — VIII асрлар) давомида монийларнинг каттагина жамоаси фаолият кўрсатган. VI асрда бу ерда монийлар ва буддавийларнинг яқин алоқалари ҳақида далолат берувчи сеҳр ҳақидаги бир парфян-моний ҳужжати ёзилган [Ставиский 1977: 178; Литвинский, Зеймаль 1971: 115]. Буддизм билан монийлик Марказий Осиё ҳудудларида узоқ вақт давомида бирга мавжуд бўлганлиги сабабли буддизм монийликнинг шарқий тармоғига катта таъсир ўтказган, ҳаттоки монийларнинг асарларида Моний баъзан Будда деб ҳам аталган [Восточный Туркестан: 526]. Ибн ан-Надимнинг маълумотига кўра, Тўхористондан Мовароуннаҳрга илк кўчиб ўтганлар-сомонийлар- (*ас-саманиййа*), яъни буддавийлар орасида монийлар ҳам бўлган [Flügel 1862: 76, 105, 385]. Айрим манбалардаги маълумотларга кўра, Сомон-худотнинг туғилиб ўсган ери Чоч (Шош) бўлган [Камолиддин 2009: 22 — 31]. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2006: 14 — 17; 2006: 15 — 18; 2008: 13 — 21; 2008: 39 — 63.

20. Житмон (جيتمان) — бошқа манбалардаги шажараларда бу исм Жубо (جبا), Жуто (جتا), Хуто (ختا), Хайо (حيا), Худот (خداة), Жимтийон (جيمثيان), Жатимон (جتيمان), Жатмон (جتمان), Хамитон (حميتان), Хомон (هامان), Сосон (ساسان) шаклларида келтирилган [Бируни 1957: 52; Гардизи: 62; ан-Насафи, Arabe: 64a; ас-Самъоний VII: 12; Jacut III: 13; Mustawfi-i Qazwini: 379; Ибн ал-Асир VII: 110; ал-Карши: 98]. Агар бу исмнинг ас-Самъоний келтирган шаклини тўғри деб қабул қилсак, унда бу исмларнинг ҳаммасини

Жаббо (جا) ёки Жаббохон (جباحان) деб ўқиш керак [Тоған 1964: 61].

Маҳмуд ибн Вали маълумотига кўра, Сомонийларнинг Бармакийлар билан келиб чиқиши бир бўлиб, уларнинг бобокалони Жаббохон исми ҳукмдор бўлган [Маҳмуд ибн Мир Вали: 315а, 317а], у эса Хусрав I Ануширвон Сосоний (531 — 579 йилларда ҳукм сурган) даврида Тўхористоннинг туркий йабғулари сулоласига мансуб Балх ҳукмдори бўлган. Ҳурмузд IV (579 — 590 йилларда ҳукм сурган) Жаббохон Сосонийларга тобе бўлиб, Баҳром Чубин қўшинлари билан Кобулшоҳнинг иттифоқчиси бўлган Бомийон подшоҳига қарши юриш қилган [Маҳмуд ибн Мир Вали: 312б — 313а]. Маҳмуд ибн Вали бу маълумотларни бизгача етиб келмаган Абу Зайд ал-Балхий (IX аср) ва Абу-л-Қосим Исҳоқ ас-Самарқандий (343/954-55 йилда вафот этган) асарларидан олган [Тоған, 1964: 61; Тоған 1969: 281 — 282].

XII асрда ёзилган «Ғазоил-и Балх» асарида келтирилган маълумотга кўра, исломдан олдинги Бармакийлар Балхда Навбахор ибодатхонасига асос солганлар ва шаҳарнинг ғарбий чеккасидаги Жаббохон номли маҳаллада яшаганлар [ал-Балхи: 19, 37]. XII асрда ас-Самъоний ҳам Балхнинг шаҳар дарвозаси ёнида жойлашган Жаббохон номли қишлоқни қайд этган [ас-Самъоний III: 171; Jacut II: 14]. XVII асрда Балхнинг эски *‘идгоҳи* (ёки *мусалло-и қадим*), яъни намозгоҳи Жаббохонобод деб аталган. Бу ерда шаҳар ташқарисида баланд деворлар билан ўралган Жаббохон қалъаси жойлашган. Унинг атрофларида Надр Муҳаммадхонга қарашли катта боғ жойлашган бўлиб, у Боғ-и Хоний деб аталган [Маҳмуд ибн Мир Вали: 306б, 317б]. Худди шу боғ XI асрда Боғ-и Бузург деб аталган бўлиб, Маҳмуд Ғазнавий Балхга келган вақтда доим шу ерда тўхтаган [Байхаки: 378, 385, 605, 606, 608, 610, 611]. Ташқи шаҳар (*шаҳр-и берун*) нинг ғарбий деворида жойлашган дарвоза ҳам Жаббохон (ёки Дарб-и Вақиъа) деб аталган [Хафиз-и Танъш: 317а — 317б]. Бу дарвоза ёнида *шаҳристон* марказигача чўзилган Гузар-и Жаббохон маҳалласи жойлашган [Маҳмуд ибн Мир Вали: 307 б].

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлардан аён бўладики, Жаббохон шубҳасиз тарихий шахс бўлган, чунки унинг исми бир-биридан фарқли бир нечта манбаларда қайд этилган. Жаббо исми аслида туркий *йабғу/жабғу* унвонининг бир шаклидир [Bosworth, Clauson 1965: 9 — 10].

Сомон-худотнинг шажараларида унинг отасининг исми сифатида турли шаклларда келтирилган Жубо (Жаббо, Хуто, Худот ва ҳ.к.) ҳам айнан шу ҳукмдорга тегишли бўлган. Жаббохон Тўхористон йабғулари сулоласининг вакили сифатида келиб чиқиши олий турк хоқонларининг оиласи, яъни Ашина уруғига мансуб бўлган [Тоган 1964: 64; Togan 1969: 282 – 283].

21. Тағмот (طمغات) — бошқа манбалардаги шажараларда бу исм Тамғот (طمغات), Тамғосп (طمغاسب), Тағмосф (طمغاسف), Тағон (طغان) ва Самтагон (سمطغان) шаклларида келтирилган [Ibn Naukal: 472; Бируни 1957: 52; Гардизи: 62; ан-Насафий: 64а; ас-Самъоний VII, 12; Jacut III: 13; Ибн ал-Асир VII: 110; ал-Карши: 98]. Агар бу исмнинг ас-Самъоний келтирган Тамғот (طمغات) шаклини тўғри деб қабул қилсак, унда уни туркларда кенг тарқалган Тамғоч (طمغاج) ёки Тағоч (طبغاج) исми ва унвони билан таққослаш мумкин [Тоган 1964: 61].

22. Нушард (نوشرد) — Сомон-худотнинг шажараси келтирилган бошқа манбаларда бу исм Наушард (نوشرد), Нусард (نوسرد) ва Науш (نوش) шаклларида келтирилган [Гардизи: 62; ас-Самъоний VII, 12; ал-Карши: 98; Mustawfi-i Qazwini: 379]. Бу исм Ануш ибн Шис ибн Одам исми афсонавий шахсга тегишли бўлиб [al-Ja'kubi I: 6], қад. эроний тиллардаги *нуш* (*науш*) — «ичимлик», «май» сўзидан ясалган [Носиров 1994: 70]. Бу исм туркий ҳукмдорлар орасида ҳам кенг тарқалган. Масалан, хоразмшоҳлар сулоласининг бобокалони ўғузларнинг *бекдили* уруғидан чиққан (А)нуш-тегин Фарчойи бўлган, Салжукларнинг саркардаларидан бирининг исми ҳам Нуш-тегин бўлган [Ибн аз-Зубайр: 86]. Тўғузўғузлар мамлакатидagi Иссиқкўл бўйида жойлашган шаҳар Нушжон (Наушжон) деб аталган [Ibn al-Fakih: 328; Ibn Khordadbeh: 30; Kodama: 209]. IX асрда Ўрта Осиёдаги туркий ҳукмдорлардан бирининг исми Мануш (Ануш)-хоқон бўлган [Ibn Khordadbeh: 40]. Қорахоний ҳукмдорларидан бири ҳам Нуш деб аталган [Кочнев 1993: 10]. Исломдан олдин Ўтрорда зарб этилган тангалардаги руник ёзувларда бир исм *н+уш* деб ўқилган [Смирнова 1981: 56]. Қарши яқинидаги Ерқўрғон шаҳар харобаларида топилган V — VI асрларга мансуб бир кўзанинг ички томонига туширилган муҳрадаги суғдча ёзувда ҳам Ануш (*пwš*) исми қайд этилган [Исамиддинов 1978: 216; Исхаков 1983: 43]. VIII аср бошида ҳукм сурган Суғд *ихшиди*

Мастич Унаш уруғидан (*m'siç 'wnš MLK*) бўлган [Ахунбабаев 1986: 85]. Унаш (*'wnš*) исми Афросиёб харобаларидаги *ихшидлар* саройининг деворий суратларидаги сугдча ёзувда ҳам қайд этилган [Лившиц 1973: 25 – 27]. Бу *ихшидлар* сулоласининг келиб чиқиши туркий бўлган [Камолиддин 2003: 63 – 68].

23. Баҳром Шубин (*بهرام شوبين*) – яъни Баҳром Чубин, юқорида бу исм Баҳром Жубин (*بهرام جوبين*) шаклида келтирилган эди. У ҳақида қаранг: VII, 4.

24. Баҳром Ҷашнас (*بهرام جشنس*) – Гардизийнинг маълумотиغا кўра, унинг исми Баҳром Хасис бўлиб, у Қайумарс исми ер юзидаги афсонавий биринчи подшоҳнинг 37- авлоди бўлган [Гардизи: 62].

25. Сомон-худот шажарасидаги унинг аждодларининг исмлари манбаларда турлича берилган. Улардан баъзилари форсча эмас, туркча бўлган. Масалан, Тамғот (Тамғоч), Шоул (Соул), Тағон (Тўғон) ва Ҷаббо (Ҷабғу). Сомон исми ҳам санскрит тилидан олинган бўлиб, буддизмдаги диний мартабани билдирган. Буддизм эса исломга қадар турклар орасида кенг тарқалган дин бўлган. Ундан ташқари тарихда кўп туркий ҳукмдорлар эроний исмларга эга бўлганлар [Камолиддин 2008: 13 – 21; Камолиддин 2009: 22 – 31].

26. Бу сўзлар Аҳмад ибн Асаднинг фазилатлари сифатида берилган.

## IX

### [БОҒЛАРИВА ДАЛАЛАРИ]

1. *қуҳандиз* (*قهنذز*) – форсча *қуҳандиз* (*كهندز*) ёки *кандиз* (*كندز*) – «қалъа» сўзининг арабча шакли. Араб тилида бу атама *ал-қалъа* (*القلعة*) ва *ал-ҳисор* (*الحصار*) шаклларида ҳам учрайди. Ўрта асрларда бу атама ҳоким қароргоҳи ва унинг девонлари жойлашган шаҳарнинг ички қалъасига нисбатан ишлатилган. Сўнги асрларда ёзилган форс тилидаги манбаларда у *арк* (*ارك*) деб аталган [Бартольд 1971: 414]. Ўрта асрларда Шарқнинг деярли барча йирик шаҳарлари уч қисмдан иборат бўлган: ички қалъа (*қўрғон*, *қуҳандиз*, *арк*, *ҳисор*), ички шаҳар (шаҳристон ёки *ал-мадина ал-дохила*) ва ташқи шаҳар (*рабад* ёки *ал-мадина ал-хорижа*). Кўпчилик шаҳарларнинг фақат ички қисмлари, айрим йирик шаҳарларнинг эса учала қисми ҳам мустақкам қалъа деворлари билан ўралган. Ички қалъада одатда ҳукмдорнинг

саройи ва маъмурий бинолар, ички шаҳарда — аҳоли яшайдиган маҳаллалар ва жоме масжидлари, ташқи шаҳарда эса савдо ва ҳунармандчилик марказлари, бозорлар ва карвонсаройлар жойлашган. Бу ҳақида қаранг: Huici-Miranda 1978: 467; Kehkhoda VI: 9094 — 9099; XI: 17679 — 17680; XII: 17826, 18625, 18792. Ўрта Осиёдаги шаҳарларнинг таркибий қисмлари ҳақида қаранг: СГСА 1973: 14 — 47; Воронина 1959: 84 — 104; Куренной 1970: 61 — 64.

2. *ат-тарос ат-туббатиййа* (التراس التبتية) — «тибет қалқонлари»; М. де Гуйе танқидий матнида: *ат-тарос ал-ламатиййа* (التراس اللطية) — «кийик териси [қоплан-ган] қалқонлар; ал-Истахрий матнида: كالنوائر فيها.

3. *ва-л-ҳажжаф ал-ламатиййа*: الحجف اللطية — «кийик териси [қопланган] қалқонлар».

4. *қаср* (قصر) — «сарой», кўплиги *қусур* (قصور) — «саройлар». Бу ерда ер эгалари бўлган деҳқонларнинг уйлари назарда тутилган. Бундай уйлар араб манбаларида *жавсақ* (جوسق) — «уйча», «қаср» деб ҳам аталган. Масалан, Самарқанд шаҳрининг атрофларида 450 та шундай қасрлар бўлган [ан-Насафий 1999: 353].

5. Самарқанд Сурди (سغد سمرقند) — бу ерда Самарқанд ва Бухоро орасида жойлашган кичик бир туман назарда тутилган. Бу ҳақида қаранг: I, 9 ва XXIX, 1.

6. ал-Убулла дарёси (نهر الابلة) — Ироқдаги кичик бир дарёнинг номи.

7. ал-Ғута (الغوة) ёки Дамашқ Ғутаси (غوة دمشق) — Суриядаги воҳанинг номи.

8. Форс (فارس) — Эроннинг жанубида жойлашган вилоятнинг номи. Ўрта асрларда унинг маъмурий маркази Шероз шаҳри бўлган [ас-Самъоний IX: 215].

9. Собур (سابور) — Форс вилоятидаги шаҳарча, Козарун яқинида жойлашган. Уни Жундисобур ёки Бишовур деб ҳам атаганлар [ас-Самъоний VII: 4].

10. Жур (جور) — айрим нусхаларда бу ном Кур (Гур) шаклида келтирилган. Араб тилида «г» товуши бўлмагани учун унинг ўрнига одатда «ж» ёки «к» ҳарфлари ёзилган.

11. *фарсах* (فرسخ) — форс. *фарсанг* (فرسنگ), қад. эрон. *fravaha*, паҳлавий *frasang* — ўрта асрларда ислом мамлакатларида кенг ишлатилган масофа ўлчов бирлиги. Унинг катталиги ҳар хил вақтларда ва турли жойларда бир хил бўлмаган. Хусусан, Ўрта Осиё ҳудудларида X асрда ишлатилган *фарсах*нинг катталиги тахминан 6 — 7 км ни ташкил этган. Сўнги ўрта асрларда *фарсах* ўрнига кўпроқ *санг*, *тош* ва *йиғоч* ўлчов birlikлари ишлатилган. XIX асрда 2 хил *фарсах* бўлган: узун *фарсах* 12 минг қадам (8,5 км), қисқа *фарсах* (3/4) эса 9 минг қадам (5,6 км) га тенг бўлган [Давидович, Хинц 1970: 72, 120]. У ҳақида яна қаранг: Hinz 1965: 812 — 813; Kerkhoda XI: 17074, 17075.

12. Абу ʻУсмон (ابو عثمان) — Ибн Ҳавқал фойдаланган тарихий географик адабиётлардаги тарихий маълумотларни нақл этган ровийлардан бири.

13. Агар бир *фарсах* 6 — 7 км га тенг бўлган бўлса, унда бу деворнинг умумий узунлиги тахминан 70 — 80 км га тенг бўлган. «Худуд ал олам» га кўра, унинг фақат бир томонининг узунлиги 12 *фарсахга* тенг бўлган, демак, унинг умумий узунлиги 48 *фарсахни* ташкил этган [Hudud al-ʻAlam: 112]. Лекин бундай узунлик ҳаддан ташқари кўп бўлиб, эҳтимол нотўғри маълумотга асосланган ёки хаттотнинг йўл қўйган хатоси туфайли вужудга келгандир. Самарқанд шаҳрини атрофларидаги қишлоқлари билан ўраб турган ташқи деворнинг узунлиги ҳам айланасига 12 *фарсахни* ташкил этган [Ibn al-Fakih: 322].

14. *сур* (سور) — араб., «ташқи девор». Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухорони атрофларидаги қишлоқлари билан ўраб турган ташқи девор Дивор-и Канпирак (ديوار كنبرك) деб аталган. Бу девор Хуросон амири Абу-л-ʻАббос ал-Фазл ибн Сулаймон ат-Тусий (166 — 170/783 — 787 йилларда ҳукм сурган) даврида қурилган. Исломдан олдин ҳам Суғдда кўчманчи туркларга қарши қурилган шундай девор бўлган [Наршахий: 36]. Бошқа маълумотга кўра, Абу-л-ʻАббос ат-Тусий мавжуд бўлган мудрофаа деворини буздирган, халифа ал-Маҳдий даврида эса у қайта тикланган [al-Masudi: 65]. Бу девор узлуксиз бўлиб, унинг ҳар ярим мил масофасида биттадан минора қурилган. Бухоро вилоятидаги ҳамма қишлоқлар ва работлар шу девор ичида бўлган [Наршахий: 36; Hudud al-ʻAlam: 112]. Лекин бу деворнинг ташқарисида ҳам баъзи қишлоқлар бўлган [al-Istakhri: 305, 313; Ibn Haukal: 489]. Ҳозирги вақтда Бухоро воҳасининг шарқий қисмида Хазора ва Даргиз қишлоқлари

орасида, шунингдек жанубда ҳам бу деворнинг айрим ерларда сақланиб қолган қолдиқлари Кампир-девор деб аталади [Шишкин 1936: 10; Мухамедов 1961]. Унинг умумий узунлиги 250 км дан кўп бўлиб, Бухоро ариқлари ўтган деярли ҳамма ерларни ўз ичига олган. Унинг сақланган баландлиги 0,5 — 4 м, пастки қисмларидаги қалинлиги эса 25 — 35 м. Археологик маълумотларга кўра, бу девор VI аср ўрталари — VII асрларда қурилган, VIII — IX асрларда эса қайта тикланган [Мухамеджанов 1983: 22 — 24]. Ўрта Осиёнинг ҳозирги топонимиясида Кампир/Кампир сўзи кенг тарқалган бўлиб, кўп жой номлари таркибида учрайди. Масалан, ўрта асрларда Тошкент воҳасини ўраб турган ташқи мудофаа деворининг қолдиқлари ҳам Кампир-дувол деб аталади [Смирнов 1895: 22]. Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган қадимги шаҳар харобалари Кампиртепа деб аталади. Фарғона водийсида Қорадарё бўйида Кампир-равот номли жой бор. Кампир/Кампир сўзи суғдча *kand* — «шаҳар», «қишлоқ» ва *rug* — «эски» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Нафасов, 1988, с. 89]. Бу девор ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 107 — 108; Якубовский 1940: 113 — 163.

15. Баввон (بوان) — Шероз ва Навбинжон шаҳарлари орасида жойлашган дара, унда сувлар ва дарахтлар ниҳоятда кўп бўлиб, ўзининг гўзаллиги ва хушманзаралиги билан машҳур бўлган. Исфаҳон шаҳрининг атрофида ҳам Баввон номли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний II: 222 — 223].

16. Водий ас-Суғд (وادي السغد) — араб., яъни ас-Суғд дарёси, Зарафшон дарёсининг арабча номи. Ўрта аср араб манбаларида у *Наҳр ас-Суғд* (نهر السغد), яъни «ас-Суғд дарёси», унинг айрим қисмлари эса Сомджан (سامجن), Фаровуз (فراوز), Ҳаромком (حرامكام), Харқон-руд (خرقان رود) ва бошқа номлар билан аталган [al-Istakhri: 319; Ibn Naukal: 495]. Наршахий уни Руд-и Мосаф (رود ماسف) деб қайд этган [Наршахий: 15]. Форс тилидаги манбаларда бу дарё Кухак (كوهك) деб ҳам аталган. Манбаларда Зарафшон (زرافشان) номи XVIII асрдан бошлаб ишлатила бошлаган бўлиб, бу ном (*zar-afšān*) «олтин сочмалар» маъносини билдиради [Kehkhoda III: 4360]. ал-Йаъқубий (IX аср) га кўра, Самарқанд дарёси турклар мамлакатидан оқиб чиқиб Носаф (ناسف) ёки Носақ (ناسق) деб ҳам аталган [al-Jakubi: 293]. Тахмин қилинишича, бу ном дарёнинг қадимги Номиқ



(نامق) номининг бир шаклидир [Tre mblay 2004: 121]. Хитой тилидаги манбаларда бу ном На-ми (*na-mit*) шаклида қайд этилган [Chavannes 1903: 348]. Қадимги юнон манбаларида эса бу дарё Политимет (Πολιτίμητος) — «жуда ҳам мўътабар» шаклида қайд этилган бўлиб, бу ном унинг маҳаллий Номиқ номининг таржимасидир. Номиқ номи қад. эрон. *нам* — «ибодат қилмоқ» сўзидан ясалган бўлиб, «мўътабар [дарё]» маъносини билдиради. Бу сўз (*Nām-ik* ёки *Nām-ič*) Бухоро шаҳрининг эски номи Нумижкатнинг биринчи қисмида мавжуд [Лурье 2004: 61]. Бу дарёнинг қадимги туркча номи ҳам бўлган. Юнон саёхатчиси В.Вататзи томонидан 1730 йилда чизилган Ўрта Осиё харитасида Зарафшон дарёси *карасови* (*Carasui*) деб аталган, унинг қуйи оқимида эса *каракол* (*Caracol*) номли шаҳар қайд этилган [Камолиддин 2005: 40 — 41]. Демак, у вақтда Зарафшон дарёси кўпроқ Қорасув номи билан машҳур бўлган, унинг қуйи оқимида эса Қоракўл номли шаҳар бўлган. Ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган Қоракўл номи илк бор X асрда қайд этилган бўлиб, Бухоро вилоятидаги Байканд шаҳри яқинида шу номли кўл бўлган [Наршахий: 25]. Бу ном Птолемей харитасида *Characharta* шаклида қайд этилган [Tabulae Geographicae: VII]. Демак Қоракўл номи милодий I — II асрларда ҳам мавжуд бўлган. Эҳтимол Қоракўлга қуйилувчи Зарафшон дарёси ҳам дастлаб Қорасув деб аталгандир. Шунини айтиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда ҳам Зарафшон номи дарёнинг фақат қуйи оқимига нисбатан ишлатилади, унинг юқори ва қуйи қисмлари эса Қорадарё деб аталади. Қоракўл, Қорасув ва Қорадарё номларининг асосида туркий «қора» сўзи мавжуд. Дарёнинг Самарқанддан қуйироқда ажралиб чиқувчи ва яна унга қуйилувчи кичикроқ қисми Оқдарё деб аталади. Турли ранглар (оқ, қора, қизил ва ҳ.к.) ни билдирувчи номлар тарихий топонимиянинг энг қадимги қатламларига мансуб бўлиб, унда «қора» — «катта», «буюк», «оқ» эса «кичик», «иккинчи даражали» маъноларини билдиради. Зарафшон дарёсининг турли тарихий номлари ҳақида қаранг: Мухамеджанов 1978: 52 — 67.

17. ал-Буттам (البتم) — Зарафшон дарёсининг юқори қисмида жойлашган тоғли ўлка. Форс тилидаги манбаларда унинг номи Буттамон (بتمان) деб аталган. У ҳақида қаранг: XXXVIII, 1.

18. водий (وادي) — яъни ас-Суғд (Зарафшон) дарёси.

19. Бу ерда Фарғона водийсининг шимолида жойлашган Чотқол, Талас ва Олатов тоғлари назарда тутилган.

20. Бу ерда ҳозир ҳам тоғларда ёввойи ҳолда ўсувчи узум, ёнғоқ, олма ва бошқа мевали дарахтлар назарда тутилган.

21. Арабистон ерларининг кўп қисми чўллардан иборат бўлгани сабабли, у ерда дарахтзорлар танқис, ҳар бир мевали дарахтнинг эса албатта ўз эгаси бўлган. Шунинг учун Мовароуннаҳрда ҳеч кимга қарашли бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи мевали дарахтларнинг кўплиги араблар учун жуда гаройиб туюлган.

22. *ал-фустуқ* (الفستق) — форс. *писта* (پسته) сўзининг арабча шакли, латин. *Pistacia*, хандон писта дарахти, меваси ёнғоқ шаклида бўлади, 300 йилгача яшайди. Бу дарахтнинг 20 дан ортиқ тури бўлиб, асосан жанубий минтақаларда кенг тарқалган. Ўрта Осиёнинг тоғли ва тоғолди минтақаларида унинг совуққа чидамли турлари ёввойи ҳолда кўп ўсади. Уни яна *ван-и кузконий* (ون كزكاني) — «Гузгон вани» деб ҳам атаганлар [Беруни 1974: 677 — 678]. У ҳақида қаранг: Каримова 2002: 229 — 230.

23. *ал-Жузжон* (الجوزجان) — Амударёдан жанубда жойлашган Тўхористондаги вилоят номининг арабча шакли. Форс тилидаги манбаларда унинг асл номи Гузгон (كوزكان) ёки Гузгонон (كوزكانان) шаклида келтирилган. Бу вилоят шарқда Балх ва Бомийон, ғарбда Ғаржистон ва Марв, жанубда Ғур ва Буст вилоятлари билан чегарадош, шимолда эса Амударёгача чўзилган [Hudud al-'Alam: 105]. IX асрда унинг таркибида фақат 4 та шаҳар бўлган: Анбор, Сон, Кундарам ва Шобурқон [al-Jakubi: 287], X асрда эса улар қаторида Форйоб, Андхуд, Йахудон ва Толиқон шаҳарлари ҳам қайд этилган [Ibn Khordadbeh: 33; Ibn Rosteh: 105]. X асрда бу вилоятда маҳаллий Фарифунийлар сулоласи ҳукмронлик қилганлар. Улар шунчалик кучли бўлганларки, Сомонийларга ҳамма учун мажбурий бўлган хирож солигини тўламасдан уларга фақат совға-саломлар юбориб турганлар [al-Moqaddasi: 337]. Улар қишда Анбор шаҳрида, ёзда эса Гурзувон шаҳрида яшаганлар [Ibn Haukal: 443]. Гузганон вилоятида Андхуд шаҳри атрофларида 20 мингга яқин кўчманчи араб қабилалари яшаган бўлиб, улар асосан туя ва қўй етиштирганлар [Hudud al-'Alam: 108]. Ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган бу вилоят ҳозир ҳам Гузгон деб аталади. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 328 — 350.

24. ал-Журзувон (الجزوان) — ал-Жузжон вилоятидаги тоғларда жойлашган шаҳар. Манбаларда унинг номи Гурзувон (كرزوان), Гурзийон (كرزيان) ёки Қурзуман (قرزمان) шаклларида ҳам келтирилган [al-Jakubi: 287; al-Moqaddasi: 348; Ибн ал-Асир XII: 53]. Бу шаҳарда зарб этилган тангаларда эса унинг номи Жүрзүқон (جرزقان) деб аталган [Zambaur 1968: 97, 205]. Гурзувон шаҳри тоғлар орасида жойлашганлиги учун унинг ҳавоси жуда салқин ва ёқимли бўлган. Шунинг учун маҳаллий ҳукмдор ёзда шу ерда яшаган. Бу ерда кўп миқдорда *набиз*, яъни шароб тайёрланган [Hudud al-'Alam: 107; Ibn Naukal: 443]. Бу шаҳар Кундарам (كندرم) деб ҳам аталган бўлиб [al-Jakubi: 287], унда оқар сувлар, ёнғоқзорлар ва бодомзорлар кўп бўлган [al-Istakhri: 271; Ibn Naukal: 443]. Гурзувон тоғли ўлкаси ҳозир ҳам ўзининг қадимги номини сақлаб қолган. Гурзувон (Кундарам) шаҳри XVIII асрда харобага айланиб, Гурзувон ўлкасининг маъмурий маркази Пул-и Чироғ шаҳрига кўчган [Ахмедов 1982: 34]. Гурзувон (Кундарам) шаҳрининг харобалари Об-и-Маймана дарёсининг юқори оқими ҳавзасида жойлашган [Бартольд 1971: 58; 1973: 506]. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 347 — 349.

25. *вард* (ورد) — араб., «атиргул». Абу Райҳон Беруний атиргулнинг турли хил навларини санаб ўтган. Улардан Форс вилоятидаги *дурругул* (دورو گل) деб аталувчи гулнинг номи «икки юзли гул» деган маънони англатади. Бу гулнинг ўзига хос хусусияти шу эдики, унинг япроқларининг ташқи томони сариқ, ички томони эса қизил бўлган [Беруни 1974: 859, 861].

## Х

### [МАЪМУРИЙ БЎЛИНИШИ]

1. *Маъбар Хуросон* (معبر خراسان) — яъни Хуросон сув кечуви. Бағдоддан Мовароуннаҳрга олиб борувчи катта карвон йўлининг Марв — Бухоро қисмида карвонлар Амударёдан кечиб ўтганлар. Амударё эса Хуросон билан Мовароуннаҳрнинг чегараси ҳисобланган. X асрда бу сув кечувининг Хуросон тарафида, яъни Амударёнинг чап қирғоғида Омул шаҳри, Мовароуннаҳр тарафида эса, яъни Амударёнинг ўнг қирғоғида Фарабр шаҳри жойлашган.

2. *ас-Сугд* (السنغد) — бу ерда Самарқанд ва Бухоро орасида жойлашган кичик бир туман назарда тутилган. У яна Сугд Самарқанд

(سغد سمرقند) — яъни Самарқанд Суғди деб ҳам аталган. У ҳақида яна қаранг: I, 9.

3. Кеш (كش) — Қашқадарё водийсининг шарқий тоғолди қисмида жойлашган вилоятнинг номи. Унинг маъмурий маркази бўлган шаҳар ҳам Киш ёки Кеш деб аталган. Қадимги Кеш шаҳри ҳозирги Китоб шаҳри ўрнида бўлган. X асрдан кейин шаҳар маркази аста-секин жануб томонга Шаҳрисабз ўрнига кўча бошлаган. Амир Темур даврида Кеш номи ўрнига Шаҳрисабз номи ишлатила бошланган. У ҳақида қаранг: XXXV, 1.

4. Насаф (نسف) — Қашқадарё вилоятининг ғарбий текислик қисмида жойлашган вилоятнинг номи. Унинг маъмурий маркази ҳам шу ном билан аталган. Унинг асл номи Нахшаб (نخشاب) бўлиб, VIII асрда араблар уни босиб олгандан кейин талаффуз қилиш учун қулай бўлиши учун унинг номини Насаф деб ўзгартирганлар. Бу шаҳар ҳозирги Қарши шаҳридан 8 км шимоли-шарқда Қашқадарёнинг бўйида жойлашган. У ҳақида қаранг: XXXVI, 1.

5. ат-Тирмиз (الترمذ) — Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида, унинг ўнг қирғоғида жойлашган Термиз шаҳрининг арабча номи. У ҳақида қаранг: XIII, 3.

6. ал-Қуводийон (القواديان) — Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида, унга ўнг томондан қуйилувчи Кофирниҳон дарёси водийсида жойлашган вилоят. У ҳақида қаранг: XIII, 2.

7. Ахсисак (اخيبيك) — Амударёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг ўнг қирғоғида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XIV, 1.

8. Илоқ (ايلاق) — Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган кичик вилоят. IX — X асрларда Илоқ маъмурий жиҳатдан аш-Шош вилоятининг таркибига кирган. У ҳақида қаранг: XXXIX, 2.

9. Илк ўрта асрларда аш-Шош вилоятининг ҳудудлари анча кенг бўлиб, шимолда Еттисув, шунингдек Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзасидаги ерларни ўз ичига олган. Шунинг учун бу ерлардан оқиб ўтган Сирдарё Наҳр аш-Шош (نهر الشاش), яъни «аш-Шош дарёси» деб ҳам аталган. Бу ҳақида қаранг: LIII, 11.

10. Хужанда (خجنده) — Сирдарёнинг бўйида Фарғона водийсидан оқиб чиққандан кейинги ердаги текисликда жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XLII, 1.

11. Исломга қадар Суғд ёки ас-Суғд Зарафшон ва Қашқадарё водийларини эгаллаган катта вилоят эди. Лекин X аср араб манбалари-

да ас-Суғд деганда Самарқанд билан Бухоро орасида жойлашган кичик бир туман тушуниланган. Ибн Ҳавқалнинг бу сўзларидан аён бўладики, унинг даврида кенг маънодаги Суғд вилояти ҳақида ҳам тушунча бўлган. У ҳақида қаранг: I, 9 ва XXIX, 1.

12. Чунки бу ҳудудларнинг ҳаммаси Сомонийларга қарашли бўлган, уларнинг ерлари эса Араб халифалигининг бир қисми ҳисобланган. Шунинг учун ўз олдига ернинг суратини тасвирлашни мақсад қилиб қўйган Ибн Ҳавқал учун биринчи ўринда ҳудудларнинг маъмурий бўлинишини эмас, балки уларнинг жойлашуви ва ўзига хос хусусиятларини тасвирлаш кўпроқ аҳамиятга эга бўлган.

## XI [ЖАЙҲУН ДАРЁСИ]

1. Жайҳун (جیحون) — Амударёнинг арабча номи. Араблар ҳар қандай йирик дарёни Жайҳун деб атаганлар. Бу ном Библияда қайд этилган Gihon сўзининг арабча шаклидир. Бу ерда Жайҳун дарёси деганда Амударё назарда тутилган. Бу дарё илк бор «Авеста» да Vahvi Kaitia номи билан қайд этилган [Ходжаева 2003: 67 — 79]. Қадимги юнонлар бу дарёни Oхus деб атаганлар [Стеблин-Каменский 1978: 72]. Қадимги турклар ҳар қандай йирик дарё, шу жумладан Амударёни ҳам Окуз деб атаганлар [Кошғарий I: 91, 411, 469; III: 166, 260]. Қадимги туркий тилда *öküz* ёки *ögüz* сўзи «буқа» деган маънони ҳам англатган [ДТС: 382, 383]. Қадимги туркларнинг мифологиясида дарёларнинг илк номлари тотемлар, яъни улар учун муқаддас ҳисобланган ҳайвонларнинг номлари билан боғлиқ бўлган [Логашова 1978: 77]. Олимларнинг тахмин қилишича, қадимги юнонлар бу дарёнинг айнан шу номи билан таниш бўлганлар ва уни Окс (Oхus) ёки Акес деб қабул қилганлар [Мурзаев 1974: 195; Мурзаев, 1984: 405, 576; Ҳасанов 1965: 80; Караев 1991: 38]. Ўрта Осиё аҳолиси XVII асрга қадар Амударёни Асаф окуз ёки Окуз деб атаганлар [Ҳасанов 1962: 35]. Ўрта Осиёни бевосита билган саёҳатчиларнинг маълумотлари асосида 1375 йилда тузилган Каталон харитасида Амо дарёсининг қуйи оқимида Огус номли шаҳар қайд этилган [Федчина 1967: 19]. А.Женкинсоннинг 1562 йилда чизилган харитасида Амударёнинг Каспий денгизига қуйилувчи қуйи оқими Ogous (Угус) деб аталган [Jenkinson, 1570, map]. XVI — XVII асрларда чизилган

рус хариталарида ҳам Амударё Угус деб аталган [Федчина 1967: 33]. Ҳозир ҳам Амударёнинг Каспий денгизига қуйилувчи қадимги қуруқ ўзани Узбой деб аталади. Бу ном *окуз* ва *бўй* сўзларидан ясалган бўлиб, «дарё бўйидаги ер» маъносини англатади [Мурзаев 1957: 255; Мурзаев 1984: 273]. Демак, бу дарёнинг қадимги туркий номи ҳозиргача сақланиб қолган. Лекин бу дарёнинг ундан ҳам қадимийроқ номи Ому бўлиб, манбаларда у Омуй (آمل), Омуйа (أمويه) ва Омул (آمل) шаклларида шаҳар [al-Beladsofi: 410] ва дарё номи сифатида қайд этилган [Абдуллаев 1991: 85; Баевский 1980: 85; Книга: 36; Наджиб: 4а, 116, 156; Шомий: 88, 99, 113, 129, 148, 172, 232]. Бу номнинг келиб чиқиши енисей тилларига мансуб кет тили билан боғлиқ бўлиб, бу тил милoddан аввалги II минг йилликда Ўрта Осиёда кенг тарқалган [Яйленко 1990: 37 – 40]. Ўрта асрларда хазарлар мамлакатида ҳам шу номли шаҳар бўлган [Masoudi II: 7 – 8, 20]. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг энг қадимги дарёси турли даврларда бир нечта номлар билан аталган бўлиб, уларнинг энг қадимийси Аму бўлган. Ундан ташқари бир дарёнинг турли қисмлари ҳар хил номлар билан аталиши Ўрта Осиё гидронимиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган [Мурзаев 1962: 124]. У ҳақида қаранг: Hudud al-‘Alam: 71; Jacut II: 171–172; Kexkhoda V: 7943.

2. Харбоб (خراباب) – Амударёнинг юқори оқимидаги дарё. М. де Гуйе танқидий матнида ва бошқа манбаларда бу дарёнинг номи Жарйоб (جریاب) шаклида келтирилган [Ibn Haukal 1873: 309, 327, 335, 348, 401; al-Istakhri: 253, 276, 287, 295 – 297, 339; al-Idrisi VIII: 481, 482]. Амударёнинг юқори оқими ҳозир Панж (Панжоб) деб аталади. У Ҳиндукуш тоғларидаги музликлардан бошланувчи Вахондарёнинг Помир тоғларидаги Зўркўлдан бошланувчи Помир дарёси билан қўшилишидан ҳосил бўлади. Панж дарёсига ўнг томондан Фунт, Бартанг, Язғулом, Ванж, Қизилсув каби ирмоқлар қуйилади. Кейин бу дарё Вахш дарёси билан қўшилиб, ўша ердан бошлаб Амударё деб аталади. Бошқа манбаларда дарё Ваххоб (وخاب) [Ibn Rosteh: 91], шунингдек Анқор (انقار) ёки Алғор (الغار) деб ҳам аталган [al-Masъудий I: 141 – 142]. Лекин «Худуд ал-олам» га кўра, Харноб (خرناب) дарёси Қасак тоғидан ғарбда бошланиб, Бадахшон ва Порғар орасидан оқиб ўтган ва Жайхун дарёсига қуйилган [Hudud al-‘Alam: 71]. Бу маълумотга кўра, Харноб дарёси ҳозирги Панж дарёсига Бартанг ёнида қуйилувчи Мурғоб дарёсига тўғри келади [Minorsky 1970: 208].

3. Бадахшон (بدخشان) — Амударёнинг юқори оқими ҳавзасидаги Қўчча дарёси ва унинг ирмоқлари водийсида жойлашган тоғли ўлка. Исломга қадар Бадахшон турк йабғуларига қарашли Тўхористон вилоятининг Тибет чегарасидаги бир қисми бўлган [Ibn al-Fakih: 321]. IX асрда Бадахшон Хуморбек исми [al-Jakubi: 292], X асрда эса Абул-Фатҳ ёки Ибн ал-Фатҳ исми туркий ҳукмдорларга қарашли бўлган [al-Istakhri: 278; Ibn Naukal: 447]. Бу ерда савдогарлар кўп бўлган, чунки у ерга Тибетдан кўп миқдорда мушк олиб келинган ва бу ердан бошқа ерларга олиб кетилган [Hudud al-'Alam: 112]. Бу ердан оловда ёнувчи *ал-фатила* (الفتيلة) тоши ҳам олиб кетилган. Унга ёғ суртиб, ёндирганлар ва чироқ сифатида фойдаланганлар. Ундан кўполроқ шаклдаги дастурхонлар ҳам ясаганлар [al-Moqaddasi: 303; ас-Самъоний II: 113; Махмуд ибн Вали: 23]. Бу тош Бадахшонда XX аср бошларида ҳам маълум бўлиб, *чироғсанг* деб аталган [Кушкеки 1926: 197]. Лекин Бадахшоннинг асосий бойлиги унинг тоғларида кўп учрайдиган қимматбаҳо тошлар бўлган [ал-Бируни: 78, 172, 182, 186, 244]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 241 — 260.

4. Вахон ёки Ваххон (وخان) — Вахон ва Помир дарёларининг ҳавзасида Тибет билан чегарада жойлашган тоғли ўлка. Ибн Руста маълумотига кўра, Жайхун дарёси (Вахондарё) Тибетдан бошланиб, ўнг томондаги бир дарё билан қўшилгандан кейин Ваххоб (وخاب) деб аталган [Ibn Rosteh: 91]. Бу дарё Анқор (انقار) ёки Алғор (الغار) деб ҳам аталган [ал-Масъудий I: 141 — 142]. Қадимда Вахон (Ваххоб) номи Вахондарёнинг Помир билан қўшилишидан ҳосил бўлган Панж дарёсига нисбатан ҳам ишлатилган [Стеблин-Каменский 1978: 73]. X асрда Вахон вилоятининг маҳаллий аҳолиси *вахий* (وخي) ёки *вахис* (وخيس) деб аталган [Hudud al-'Alam: 121]. Жайхун дарёсининг бошланиш еридаги 5 та дарё бўйларида *вахон* (وخان), *туббат* (تبت), *айгон* (ايغان), *хадр* (خضر), *баду* (بدو) ва ал-'Ароким (العراكم) номли халқлар яшаган [al-Masudi: 64; ал-Масъудий I: 141 — 142]. Вахон ҳукмдори шоҳаншоҳ деб аталган ва Сикашим шаҳрида яшаган [ал-Бируни: 74; Беруни 1973: 468]. X асрда Вахон аҳолисининг бир қисми бутпараст, бошқа қисми эса оташпараст (*забракон*) бўлиб, улар орасида мусулмонлар ҳам бўлган [Hudud al-'Alam: 121; al-Istakhri: 279]. Уларнинг бир қисми XV асрда ҳам ўз динига эътиқод қилиб, Андароба шаҳри атрофларидаги тоғларда ва Бадахшон жанубида яшаганлар. Улар



мусулмонларга тез-тез ҳужум қилар, улардан ўлпон олар, болалар ва аёлларни асир қилиб олиб кетар эдилар [Гиясаддин Али: 192]. Вахон аҳолисининг ўзига хос тили бўлиб, бошқа тиллардан фарқ қилган [Пахалина 1976: 181]. Вахон вилояти ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг аҳолиси ҳали ҳам ўзининг қадимги тилида сўзлашади. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 225 – 240.

5. ал-Вахш (الوخش) — Амударёнинг юқори оқимидаги Вахш (Вахшоб) дарёсининг ҳавзасида жойлашган тоғли ўлка. У ҳақида қаранг: XII, 2.

6. Ахшу (اخشوا) — [al-Istakhri: 296; al-Idrisi VIII: 482], Амударёнинг юқори оқимида Хутталон вилоятидаги дарё. Туркча Оқсув сўзининг бузилган шакли. Ахшу (اخشو) дарёси Вошжирд томондан оқиб келиб, Жайхун дарёсига қуйилган [Ibn Khordadbeh: 179]. Бу дарё Наҳр Хулбук (نهر هلبك) — «Хулбук дарёси» деб ҳам аталган [al-Istakhri: 296]. В.Бартольд фикрича Ахшу — ҳозирги Кўлобдарё (Кичик Сурхоб) ёки Қизилсувга қуйилувчи Оқсув (Яхсув) дарёсидир [Бартольд 1963: 118; 1965: 319]. Бошқа фикрга кўра, Ахшу — бу ҳозирги Қизилсувдир [Мухитдинов 1971: 189 – 197]. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 175, 180, 182.

7. Хулбук (هلبك) — ўрта асрларда Хутталон вилоятининг бош шаҳри. У ҳақида қаранг: XII, 3.

8. Барбон (بربان) — [al-Istakhri: 296], ал-Истахрий матнининг бошқа ерида Барсон (برسان) [al-Istakhri: 339], ал-Идрисий матнида эса Тон (ثان) ва Балбон (بلبان) шаклларида берилган [al-Idrisi VIII: 482]. Амударёнинг юқори оқимидаги дарё. Кўлобдарёнинг юқори оқимидаги Талбар дарёси номининг бузилган шакли [Бартольд 1963: 118]. У ҳақида яна қаранг: Ibn Naukal: 518.

9. Форғар (فارغر) — [al-Istakhri: 296; al-Idrisi VIII: 482], Амударёнинг юқори оқимидаги дарё [al-Istakhri: 277, 297, 339; al-Moqaddasi: 49, 290]. Унинг номи Борғар ёки Порғар (بارغر) шаклида ҳам қайд этилган [Ibn Rosteh: 93; Hudud al-‘Alam: 71]. В.Бартольд фикрича, ҳозир бу дарё Қизилсув (Кичик Сурхоб) деб аталади [Бартольд 1965: 319]. Охири тадқиқотларга кўра, Амударёдан сув олиб Қизилсувга қуйилувчи ариқ Порғар, Қизилсув эса Ахшу деб аталган [Мухитдинов 1971: 189 – 197]. «Худуд ал-олам» га кўра, Буттамон орқасидан 60 фарсах масофадаги тоғдан бир дарё бошланиб, жануб



томонга оққан, у Мунк ва Хулбук шаҳарларигача оқиб бориб, Порғар ёнида Жайхунга қуйилган [Hudud al-'Alam: 71]. Бу ерда ҳам Кулоб (Порғар) дарёси назарда тутилган. Бу дарё Яхсув ва Қизилсув дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 180, 182.

10. Андичороғ (انديجاروغ) — [al-Istakhri: 296; al-Idrisi VIII: 482], яъни Андичороғ, Амударёнинг юқори оқимидаги дарё, у Вахшоб ва Форғар дарёлари орасида оқиб ўтган. Ҳозир бу дарё Таирсув деб аталади [Бартольд 1963: 119; 1965: 319]. Бошқа фикрга кўра, Андичороғ ҳозирги Дарвоздаги Бартанг дарёсидир [Le Strange 1905: 435].

11. Вахшоб (وخشاب) — [al-Istakhri: 296; al-Idrisi VIII: 482], Амударёнинг юқори оқимидаги Вахш дарёси. «Худуд ал олам» га кўра, Вахшоб дарёси Вахш тоғларидан бошланиб, Вахш ёнида Жайхун дарёсига қуйилади [Hudud al-'Alam: 71]. Бу дарё Олой водийсидан оқиб чиқиб, юқори оқимида Сурхоб ёки Қизилдарё, қуйи оқимида эса Вахш деб аталади.

12. Орҳан (آرهن) — Амударёнинг юқори оқимида, унинг чап қирғоғида шу номли сув кечуви ёнида Валволиж шаҳридан 18 фарсах масофада жойлашган шаҳар [Kodama: 212]. Бу шаҳар ёнидаги сув кечувидан карвонлар Тўхористондан Хутталонга ўтганлар [al-Istakhri: 296, 339; ас-Самъоний I: 100]. IX — X асрларда катта шаҳар (мадина) бўлиб, унда жоме масжиди бўлган [al-Jakubi: 288; al-Moqaddasi: 296]. Муғуллар давридан кейинги манбаларда бу шаҳар Арҳанг-Сарой деб аталган, чунки бу ердан дарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Сарой шаҳрига сув кечиб ўтилган [Бартольд 1963: 119]. Бу ерда Ҳусайн ибн 'Алининг зиёратгоҳи бўлгани сабабли уни Ҳазрат-и Имом ёки Хўжа Имом Соҳиб деб ҳам атаганлар [Махмуд ибн Вали: 18]. XIX асрда бу шаҳарда мустаҳкам қалаъа бўлиб, уни сув тўлдирилган хандақ ўраб турган [Камалиддинов 1996: 273 — 275]. Бу ҳақида яна қаранг: XLVIII, 3.

13. ал-Қуводийон (القواديان) — Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида, унга ўнг томондан қуйилувчи Кофирниҳон дарёси водийсида жойлашган вилоят. У ҳақида қаранг: XIII, 2.

14. ал-Буттам (البتم) — Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмалари орасида жойлашган тоғли ўлка. У ҳақида қаранг: XXXVIII, 1.

15. ас-Сағонийон (الصغانيان) — Сурхондарё водийсида жойлашган тарихий вилоят. У ҳақида қаранг: XIII, 4.

16. Ибн Руста маълумотига кўра, Вахшоб дарёси *харлухлар* мамлакатидан бошланиб, Фомир, Рошт ва Кумид вилоятларидан оқиб ўтган, сўнгра Вошжирд ва Тамлийот чегарасидаги икки тоғ орасидан ўтган [Ibn Rosteh: 92].

17. Қантарат ал-Ҳажар (قنطرة الحجر) — [al-Istakhri: 296, 339, 341; al-Idrisi VIII: 482], араб., «Тош кўприк». Унинг номи Қантарат ал-Ҳижора (قنطرة الحجارة) шаклида ҳам келтирилган. Бу кўприк Вахшоб дарёси устига ал-Хутталнинг Тамлийот *рустоқи* ва ал-Вошжирд чегарасида қурилган [Ibn Rosteh: 92]. У Вошжирд шаҳридан 1 кунлик йўл, Мунк шаҳридан 2 *марҳала*, Тамлийот шаҳридан 4 *фарсах* масофада жойлашган [al-Istakhri: 339, 341; Ibn Naukal: 518, 519]. Бу ерда ҳозир ҳам кўприк мавжуд бўлиб, Пул-и Сангин (Тош кўприк) деб аталади. Бу кўприк Нуртоғ ва Хўжа-и Қур тоғлари орасидан оқиб ўтган Вахш дарёсининг ораси 20 қадамни ташкил этган энг тор ерида қурилган [Минаев 1879: 24; Бартольд 1963: 119]. У ҳақида яна қаранг: XLVIII, 1.

18. ал-Вошжирд (الواشجر د) — Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида Шумон билан Рошт ўртасида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XIII, 1.

19. Балх (بلخ) — [al-Istakhri: 254, 265, 270; Ibn Naukal: 447 — 448; al-Moqaddasi: 27, 33, 35], Тўхористон вилоятининг бош шаҳри. Бу шаҳар Амударёдан жанубда Термиздан 12 *фарсах* ёки 2 *марҳала* масофада жойлашган [al-Masudi: 64]. Балх қадимги Бактрия-Тўхористоннинг энг йирик шаҳри бўлиб, Аҳамонийлар даврида Бактар ёки Бохтар, унга қарашли ерлар эса Бохтар-замин деб аталган. Турк хоқонлиги даврида Балх Тўхористон йабуларининг пойтахти бўлган. Бу ерда Тўхористонда энг катта бўлган Навбаҳор буддавий ибодатхонаси жойлашган. Араб амири Асад ибн 'Абдуллоҳ 90/709 йилда Балхни харобага айлантирган, лекин 118/736 йилда унинг ўзи шаҳарни қайта тиклаган [at-Tabari II: 1206, 1490]. IX асрда Балх 3 қисмдан иборат бўлиб, 2 қатор мудофаа деворлари билан ўралган. Қадимда шаҳарни атрофлари билан ўраб турган яна бир ташқи девор ҳам бўлиб, унинг 4 та дарвозаси бўлган, улар орасидаги масофа эса 12 *фарсах*ни ташкил этган [al-Jakubi: 288]. Ички шаҳар (*мадина*) деворида эса 7 та дарвозаси бўлган [al-Istakhri: 278]. Қадимги Балх

шаҳрининг харобалари Афғонистондаги Мозори Шариф шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, 450 га майдонни эгаллаган. Унинг ёнида жойлашган қишлоқ ҳозир ҳам Балх деб аталади [Пугаченкова 1976: 137 – 140]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 298 – 316.

20. Кайлиф ёки Килиф (كَيْلِف) — Амударёнинг ўрта оқимида, унинг иккала қирғоғида жойлашган шаҳар. Бошқа манбаларда унинг номи Колиф (كالف) шаклида келтирилган [al-Istakhri: 297; al-Moqaddasi: 291, 292, 343; Беруни 1973: 466]. У билан Балх орасидаги масофа 12, 15 ёки 18 *фарсахни* ташкил этган [Бируни 1966: 235; ас-Самъоний Х: 331; Махмуд ибн Вали: 72]. Бу шаҳар дарё ўзанининг энг тор ерида жойлашган. Бу ердаги дарёнинг кенглиги 3 минг қадамни ташкил этган [Махмуд ибн Вали: 72]. Дарёнинг чап қирғоғидаги шаҳарнинг асосий қисмида Зулқарнайн работи (رباط ذي القرنين), унинг қаршисида дарёнинг чап қирғоғида эса Зулқифл работи (رباط ذي القفل) жойлашган. Бу икки работ орасида карвонларнинг ўтиши учун бир бирига боғланган кемалардан йўл қилинган [al-Moqaddasi: 333]. Бу шаҳар ёнидаги сув кечувининг аҳамияти шунчалик катта бўлганки, ҳатто Амударё ҳам баъзан Наҳр Колиф (نهر كالف), яъни «Колиф дарёси» деб аталган [al-Masudi: 64]. Колиф шаҳри жойлашган жой ҳозир ҳам дарёнинг энг тор ери бўлиб, унинг икки қирғоғидаги қоятошлар ярим орол шаклида дарё ичкарасига бўртиб кирган. Чап қирғоқдаги ярим оролда Зулқарнайн работининг харобалари жойлашган. Шаҳарнинг чап қирғоқдаги қисми ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Колиф деб аталади [Быков 1879: 17; Ахмедов 1982: 39; Пилипко 1987: 185]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 97 – 99.

21. Зам ёки Замм (زَم) — Амударёнинг ўрта оқимида, унинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар [Jacut II: 946]. Унинг ёнида Амударёдан ўтувчи сув кечуви бўлган [at-Tabari II: 1078]. Карвонлар Марв ар-руд ва Гузганондан келиб Замм орқали Мовароуннаҳрга сув кечиб ўтганлар [al-Jakubi: 291]. Бу сув кечуви қулайроқ бўлгани учун Қутайба ибн Муслим икки марта Омуддан ўтган бўлса ҳам Мовароуннаҳрга у ердан эмас, балки Заммдан сув кечиб ўтган [at-Tabari II: 1184, 1186, 1198]. Бу сув кечуви Карқуҳ ан-наҳр (كركوه النهر) деб ҳам аталган [al-Moqaddasi: 292]. Бу сув кечувининг қарши томонида Х асрда Ахсисак (اخشيسك) номли шаҳар жойлашган бўлиб, у Замм билан бирга Мовароуннаҳрга

мансуб ягона маъмурий бирликни ташкил этган [Ibn Naukal: 477]. Уларнинг умумий жоме масжиди эса Заммда жойлашган [al-Istakhri: 298; Jacut I: 162]. Дарёнинг ўнг қирғоғида катта бинолар йўқ бўлиб, асосан чўлдан иборат бўлган [al-Masudi: 64 – 65]. Бу шаҳар Курдан (کردن) номли ноҳийанинг маъмурий маркази бўлиб, унинг номи Хасосак (خساسك) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Khordadhbeh: 173]. Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган бу ноҳийанинг номи Кардар (کردر) шаклида ҳам келтирилган [at-Tabari II: 1513]. Каркуҳ сув кечуви Боткар (باتكر) ёки Бойкар (بايكر) деб ҳам аталган [al-Moqaddsi: 292]. Замм қальбаси ҳам Боткар (باتكر) ёки Бодкар (بادكر) деб аталган [at-Tabari II: 1585; ac-Самъоний II: 192; Jacut I: 452]. Шундай қилиб, Замм шаҳрининг қальбаси Боткар ёки Бодкар, унинг ёнидаги сув кечуви эса Каркуҳ ан-наҳр, унинг қаршисидаги шаҳар эса Ахсисак деб аталган. Заммда жойлашган жоме масжиди иккала шаҳар учун умумий бўлган, чунки бу икки шаҳар бир маъмурий бирликни ташкил этган. Шунга кўра, Замм ҳам Мовароуннаҳрда деб ҳисобланган, чунки бу иккала шаҳар ҳам Сомонийларга қарашли бўлган. Мўғуллар давридан кейин Замм ва Боткар (Бодкар) номлари муомаладан чиқиб, фақат Карки ёки Каркуҳ номи сақланиб қолган [Бартольд 1963: 131; 1965: 160]. Замм ва Ахсисак атрофларида фақат чўллар бўлиб, у ерда ҳеч қандай оқар сувлар йўқ, лекин қудуқлар ва яйловлар кўп бўлган [al-Istakhri: 281; Ibn Naukal: 451]. Замм шаҳрининг харобалари Амударёнинг чап қирғоғида ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган [Пилипко 1987: 187]. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 91 – 94.

22. Омул (أمل) – Марв – Бухоро катта карвон йўлида Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар. Бу шаҳарнинг асл номи Ому (آمو), Омуй (آموي) ёки Омуйа (آمويه) бўлган [al-Masudi: 65; Низами: 110; Сиасет-наме: 21; Баевский 1980: 85], унинг Омул (أمل) шакли эса араб тилининг таъсирида вужудга келган [al-Beladsori: 410]. Ундан ташқари бу шаҳар Омул Жайхун (أمل جيحون), Омул аш-Шатт (أمل الشط), Омул ал-Муфоза (أمل المفازة) ва Омул Замм (الزم أمل) деб ҳам аталган [ac-Самъоний I: 106 – 107; Jacut I: 69 – 70, 365; Ибн ал-Асир IX: 164]. Чунки ўрта асрларда Омул номли яна 2 та шаҳар бўлган, улардан бири Табаристонда, иккинчиси эса хазарлар мамлакатида жойлашган [Masoudi II: 7 – 8, 20]. Омул шаҳрининг ёнида Хуросондан Мовароуннаҳрга йўл олган карвонлар Жайхун

дарёсидан сув кечиб ўтганлар. Бу сув кечувининг нариги томонида, яъни Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғида Фарабр шаҳри жойлашган эди. Бу шаҳарнинг номи аслида Амударё номидан олинган. Демак, Амударёнинг ҳозирги номи (Аму/Ому) илк ўрта асрларда ҳам ишлатилган. Омул номининг келиб чиқиши енисей-кет тилларидаги *at* — «она» ва *ul* — «дарё» сўзларидан ясалган бўлиб, «она дарё» маъносини билдиради [Яйленко 1990: 37 — 40]. Тахмин қилинишича, бу дарёнинг «Авеста» да қайд этилган Vahvi Kaitya, шунингдек бошқа эроний тиллардаги Vaxshu ва Vehrot номлари айнан шу қадимги кет номидан таржимаси қилинган [Дульзон 1971: 198 — 208]. Омул шаҳри кейинги асрларда Чоржўй деб аталган. Унинг харобалари ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Чоржов шаҳридан 9 км шимоли-ғарбда, Амударё қирғоғидан 7 — 8 км масофада жойлашган. Шаҳар харобалари 150 га майдонни эгаллаган, ундаги маданий қатламларнинг қалинлиги эса 7 м га этади. Шаҳар милодий I — II асрларда вужудга келиб, XX аср бошларигача ўзининг ўрнини ўзгартирмаган [Трапезников 1959: 268; Массон 1966: 144 — 145]. У ҳақида яна қаранг: Bennigsen 1960: 459 — 460; Kehkhoda I: 211, 215; Камолитдин 1996: 73 — 78.

23. Хоразм (خوارزم) — Амударёнинг қуйи оқими ҳавзасида жойлашган тарихий вилоят. У ҳақида қаранг: XV, 1.

24. Хоразм кўли (بحيرة خوارزم) — араблар Орол денгизини шундай атаганлар [al-Istakhri: 393; al-Masudi: 303; al-Idrisi VIII: 482, 698; Mustawfi: 214]. Бу кўл Бухайра (بحيرة) [Ibn Rosteh: 92] ёки Бухайрат Курдан (بحيرة كردن), яъни Курдар кўли [Ibn Khordadbeh: 173], ва Баҳр аш-Шош (بحر الشاش), яъни аш-Шош денгизи деб ҳам аталган [Minorsky 1937: 148]. У ҳақида қаранг: Бартольд 1965: 331 — 333. «Авеста» да Орол денгизи Ворукаша (*vourkaša*) денгизи ёки Чаечаста кўли деб қайд этилган [Авеста: 24, 32, 44, 119, 120; Ходжаева 2003: 93 — 98]. Чаечаста номи об-угор тилларидаги *čac* — «сув» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Яйленко 1988: 133]. VI — VIII асрларга мансуб хитой манбаларида Орол денгизи Жэн-хай — «Тузли кўл» деб аталган. Иссиқкўл ҳам хитой манбаларининг баъзиларида Суй йе шуй — «Шўр сувли кўл» [Бичурин III: 50 — 51]. X асрда Ўрта Осиёдаги яна бир кўл Бий Тузун Арж ёки Тузкўл деб аталган [Hudud al-‘Alam: 98]. XVIII аср бошларида Англияда

чизилган Ўрта Осиё харитасида Орол денгизи Salt water Lake — «Шўр сувли кўл» деб аталган [Möll Gerggrar]. Бу кўлнинг суви ҳақиқатда ҳам шўр бўлган [al-Istakhri: 304; Ibn Haukal: 481]. Айрим маълумотларга кўра, унинг тубида ал-Хазар, яъни Каспий денгизи билан боғланган ер ости сув йўли мавжуд бўлган [al-Idrisi VIII: 699]. Эҳтимол, Орол денгизи қадимда Тузли кўл деб ҳам аталган, хитойча Жэн-хай номи эса айнан шу номдан таржима қилингандир. Бу кўлнинг ҳозирги номи, Орол, илк бор IX асрда Арал (آرال) шаклида қайд этилган [Masoudi I: 211, 212]. Бу ном қадимги туркий тилдаги *aral* — «орол» сўзидан ясалган [ДТС: 50; Мусаев 1984: 192]. Қадимги турклар бу кўлни «орол» деб атаганининг сабаби шу эдики, бу кўл Турон пасттекислигининг сувсиз қақроқ чўллари ўртасида гўё бир оролдек жойлашган катта сув ҳавзаси эди [Мурзаев 1957: 243]. У ҳақида яна қаранг: I, 10 ва XLII, 17.

25. Фарабр (فرابر) — Марв — Бухоро катта қарвон йўлида Амударёнинг ўнг қирғоғида, Омул қаршида жойлашган шаҳар. X асрда Фарабр Бухоро вилоятига қарашли бўлган ва Мовароуннаҳрнинг Хуросон чегарасидаги энг биринчи шаҳри бўлган. У ҳақида қаранг: XXV, 9.

26. Бу маълумотдан аён бўладики, X асрда ҳам Амударёнинг суви кўп бўлмаган ва ёз вақтларида Орол денгизигача етиб бормаган.

## ХII

### [АЛ-ХУТТАЛВААЛ-ВАХШ]

1. ал-Хуттал (الختل) — Амударёдан шимолда унинг юқори оқими ҳавзасида Помир-Олой тоғлари этакларида жойлашган тарихий вилоят. Ўрта аср манбаларида унинг номи Хутталон (ختلان) ва Хатлон (ختلان) шаклларида ҳам келтирилган [Низами: 44; ас-Самъоний V: 44; Jacut II: 402]. Муф тоғидан топилган суғдча ҳужжатларнинг бирида бу вилоятнинг номи Хуттулстан ёки Хуттурстан шаклида қайд этилган [Смирнова 1969: 214]. VI асрда Хутталон эфталитларнинг мамлакати бўлиб, бу ерда шоҳаншоҳ Хусрав I Ануширвон уларнинг Ахшунвар исми подшоҳи ва унинг Феруз исми бобосини қатл этган [ал-Масъудий I: 142]. VIII асрнинг биринчи чорағида саёҳат қилган хитойлик Хуэй Чао маълумотида кўра, Ку-ту ёки Ку-ту-ло (Хутталон) аҳолисининг ярими

турклардан иборат бўлган. Маҳаллий ҳукмдор ҳам турк бўлган. Ҳукмдор, аслзодалар ва оддий халқ буддавий динининг Хинайана мазҳабига эътиқод қилганлар. У ерда буддавий ибодатхоналар ва роҳиблар кўп бўлган. Аҳоли асосан пахта ва узум етиштирган, пахта ва жундан матолар ишлаб чиқарган [Бернштам 1952: 187 – 195; Литвинский, Соловьев 1985: 120]. Хитой манбаларига кўра, VII асрда Ку-ту-ло (Хутталон) вилоятининг бош шаҳри Се-чу-кян деб аталган [Бичурин II: 326]. 119/737 йилда Хутталон вилоятининг бош шаҳри икки қатор мудофаа деворлари билан ўралган мустаҳкам қалъадан иборат бўлган [at-Taba'i II: 1629]. IX асрда Хутталон шаҳри Абу Довудийлар сулоласига мансуб ал-Ҳорис ибн Асад исми туркий ҳукмдорга қарашли бўлиб, унда 1000 та булоқ бўлган [Ibn Khordadbeh: 180]. XVII асрдан кейин «Хутталон» номи муомаладан чиқиб, унинг ўрнига «Кўлоб» номи ишлатила бошлаган [Махмуд ибн Вали: 38]. Ривоятга кўра, ҳозирги Кўлоб шаҳрининг атрофларида қадимда ботқоқлар ва харобалар кўп бўлган. Кўлоб яқинида Қизилсув дарёсининг чап қирғоғида Манзаратепа (Маразтепа) номли шаҳар харобалари жойлашган. Бу шаҳар 120 га яқин майдонни эгаллаган бўлиб, 3 қисмдан иборат бўлган. Шаҳарда кенг кўчалар, майдонлар ва ҳашаматли бинолар бўлган [Гулямова 1973: 218; 1988: 403]. Кўлоб номининг ўзи ҳам туркий «кўл» ва форсий об — «сув» сўзларидан ясалган [Слоним 1959: 344]. Эҳтимол илк ўрта асрлардаги Хутталон шаҳри айнан шу Кўлоб шаҳрининг ўрнида жойлашган, унинг атрофларидаги 1000 та булоқ эса кейинчалик ботқоқликларга айланган. Хутталон номи *хутталах* номли туркий халқ номидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг асосий ейдиган овқати тойчоқларнинг гўшти бўлган [ал-Бакуви: 104]. Маълумки, ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган ҳамма халқлар ичида фақат туркий халқлар от гўштини истеъмол қилганлар. Ундан ташқари қадимги турклар отни илоҳийлаштириб, унга сифинганлар [Нестеров 1990: 39, 103]. Масалан, ўрта асрларда бошқирлар бошқа худолар билан бир қаторда от худосига ҳам ибодат қилганлар [ПИФ: 66]. Хутталон тарихий вилояти ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Кўлоб вилояти таркибига кирувчи Хатлон тумани ўрнида жойлашган [Беленицкий 1950: 109 – 127]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 169 – 191.

2. ал-Вахш (الوخش) — ал-Хуттал вилоятига туташган тарихий вилоят, Вахшоб (Вахш) дарёсининг водийсида жойлашган [at-Taba'i



III: 74; al-Istakhri 297; 339; Байхаки: 681 — 683, 850, 865; al-Idrisi VIII: 487; Jacut IV: 909]. VII асрга оид хитой манбаларида бу вилоят У-ша (Вахш) шаклида қайд этилган бўлиб, унинг маъмурий маркази ҳам шу ном билан аталган [Chavannes 1903: 276]. Сюан Цзан маълумотига кўра, бу шаҳарнинг катталиги айланасига 16 ёки 17 *ли*, яъни 6,5 — 7 км га тенг бўлган [Литвинский, Соловьев 1985: 119]. Ўрта асрларда ёзилган манбаларда ҳам Вахш номи шаҳар қайд этилган [al-Jakubi: 289, 291; Беруни 1973: 468; Махмуд ибн Вали: 80], унда қадимги подшоҳларнинг саройлари жойлашган [al-Sam'ani: 579V; Jacut IV: 909]. Ўрта асрларда форс тилида ёзилган изоҳли луғатларда Вахш (وخش) — «Туркистондаги шаҳар» деб изоҳ берилган [Баевский 1980: 85]. Махмуд ибн Валининг маълумотига кўра, Вахш шахри Кофирниҳон дарёсининг бўйида жойлашган бўлиб, уни сосонийларнинг шоҳаншоҳи Арташир ўғли Қубод қурдирган [Махмуд ибн Вали: 80]. XV асрда бу шаҳар Қалъа-и Вахш (قلعة وخش), унга қарашли вилоят эса Вахшивор (وخشوار) деб аталган [Мухтаров 1982: 9]. Бу маълумотлардан аён бўладиги, илк ўрта асрларда Вахш вилоятида шу номи шаҳар ҳам бўлиб, исломдан олдин ундаги қалъада маҳаллий ҳукмдорларнинг қароргоҳи бўлган. Бу қалъа Вахш дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш еридаги баланд соҳилда жойлашган [Логофет 1909: 57]. Бу ерда Утерқалъа ва Тахти Сангин номи 2 та қадимги шаҳар харобалари мавжуд. Бу ерда милoddан олдинги V асрдан милодий III асргача фаолият кўрсатган катта ибодатхонанинг харобалари топилган. Бу ибодатхона Вахш дарёсининг худосига бағишланган бўлиб, унда муқаддас олов ёниб турган [Пичикян 1988: 42]. Бу ерда Вахш ибодатханасига тақдим этилган қурбонликлар ва ҳадялардан иборат 5 мингдан ортиқ тилла буюмлар топилган [Литвинский, Виноградов, Пичикян 1985: 84 — 108]. Тахмин қилинишича, «Амударё хазинаси» номи билан машҳур бўлган тилла буюмлардан иборат қадимги санъат асарлари мажмуаси ҳам айнан шу ердан топилган [Дьяконов 1950: 254]. VII — VIII асрларда Вахш водийсида ўртасида юмалоқ тешикли мис тангалар муомалада бўлган. Бу тангаларда хитой иероглифига ўхшаш тамға, шунингдек суғдча ёки бактар ёзувлари акс этдирилган. Ташқи савдо учун эса кумуш тангалар ишлатилган [Литвинский, Соловьев 1985: 136 — 167]. У вақtgача бундай шаклдаги тангалар Тўхористонда зарб этилмаган эди. Шу билан бирга бундай тангалар Суғд ва Ётгисув вилоятларида кўплаб учрайди. Тахмин



қилинишича, бундай тангаларнинг Вахшда зарб этила бошлаши бу ерда турклар ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ бўлган [Смирнова 1969: 146]. IX асрда Вахш ва Ҳаловард шаҳарлари Ҳошим ибн Боничурга қарашли бўлиб, уларда мустаҳкам қалъалар бўлган [al-Jakubi: 291]. X асрда Вахш ҳавоси тоза, бой ва гуллаб яшнаган вилоят бўлган [Hudud al-'Alam: 120; al-Sam'ani: 579V], XI асрда эса маъмурий жиҳатдан ал-Хуттал таркибига кирган [Беруни 1973: 468]. Турклар асос солган зарбхона ўрта асрларда ҳам ўз фаолиятини давом этдирган. XI – XII асрларда бу ерда Ғазнавийлар ва Қорахонийларнинг қумуш тангалари, XIII аср бошларида эса хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Такашнинг олтин тангалари зарб этилган. Вахш ёзуви XV аср охирида зарб этилган Темурийларнинг айрим тангаларида ҳам қўшимча равишда кейинроқ зарб этилган [Давидович 1973: 262]. Вахш тарихий вилояти Вахш дарёси ҳавзасидаги Қўрғонтепа текислигида жойлашган [Бартольд 1963: 119; 1971: 259]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 191 – 202.

3. Ҳулбук (هلبك) – [al-Jakubi: 290; Беруни 1973: 468; al-Idrisi VIII: 482; Jacut II: 402;], ўрта асрларда Хутталон вилоятининг бош шаҳри. X асрда маҳаллий ҳукмдор Ҳулмук (هلمك), яъни Ҳулбук шаҳрида яшаган. Бу шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашган, аҳолиси зич, атрофларида рустоқлари кўп бўлган [Hudud al-'Alam: 119]. Лекин шаҳар унчалик катта бўлмаган ва Мунк шаҳрида кичик бўлган, унинг бинолари лойдан қурилган, жоме масжиди шаҳар ўртасида жойлашган. Ҳулбук ёнидан Ахшу (اخشوا) дарёси оқиб ўтган, у Наҳр Ҳулбук (نهر هلبك) – «Ҳулбук дарёси» деб ҳам аталган. Шаҳар аҳолисининг ичимлик суви шу дарёдан бўлган [al-Istakhri: 279, 296, 297; al-Moqaddasi: 291]. 456/1040 йилда Хутталон ҳукмдорининг қалъаси жуда баланд ва ўта мустаҳкам бўлиб, унинг қалъа деворлари устида кенг йўлақлар бўлган [Ибн ал-Асир X: 11 – 12] IX – X асрларда Ҳулбукда Сомонийларнинг қумуш дирҳамлари зарб этилган [Zambaur 1968: 110]. XI асрда Ғазнавийлар ҳам бу ерда қумуш тангаларни зарб этганлар [Давидович 1979: 131 – 141]. XVII асрда Хутталонга қарашли бўлган Ҳулбук шаҳри Қалъа-и Замм (قلعه زم) деб аталган [Махмуд ибн Вали: 38]. Ҳулбук шаҳрининг харобалари ҳозирги Румий (собик Колхозобод) шаҳридан 7 км шимоли-ғарбдаги Қурбон Шаҳид қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Хишттепа деб аталади. Бу шаҳарда ҳаёт X – XII асрларда давом этган, у 70 га майдонни эгаллаган бўлиб, 3 қисмдан

иборат бўлган. Ички қалъа (*қухандиз*) икки қисмдан иборат бўлган: юқори ва қуйи. Юқори қалъанинг ичида XI — XII асрларга мансуб ҳукмдор саройи қазиб топилган. Бу сарой IX — X асрларда мавжуд бўлган муҳташам саройнинг ўрнида қурилган. Саройнинг ҳамма деворлари ўймакор нақшли ганч билан безатилган. Улар орасида гурзи кўтарган жангчининг сурати, шунингдек мусиқачи ижрочисининг суратлари алоҳида диққатга сазовордир. Шаҳарнинг деярли ҳамма бинолари пишиқ гиштдан қурилган, ер усти эса турли шакли гиштар билан қопланган. Деярли ҳар бир уй ичига сопол қубурлар орқали сув ўтказилган. Шаҳарда темирчилик, кулолчилик, шиша ва гишт ишлаб чиқарилган турли хунармандчилик устахоналари кўп бўлган [Гулямова 1961: 158; 1964: 103; 1969: 52; 1978: 186 — 200; 1984: 200]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 173 — 176.

4. Мунк (*منك*) — [al-Idrisi VIII: 482; Jacut II: 402], Хутталон вилоятидаги шаҳар. X асрда у Хутталоннинг энг катта шаҳри бўлган. Мунк Хулбукдан 2 кунлик йўл масофада ғайридин туркларга қарашли Вахон ва Каррон вилоятларининг чегарасида жойлашган [al-Jakubi: 290; al-Istakhri: 279, 339; al-Moqaddasi: 291]. X асрда Мунк жуда чиройли ва гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган, унинг аҳолиси эса урушга мойил бўлган [Hudud al-'Alam: 120]. Мунк шаҳрининг харобалари Қизилсув дарёсининг юқори оқимидаги Оби Мозор дарёсининг ўнг қирғоғида ҳозирги Ховалинг қишлоғидан 1 км шимоли-ғарбдаги Хонақо ва Шаҳри Минг қишлоқлари ҳудудида жойлашган. Шаҳарда ҳаёт кушонлар давридан мўғуллар давригача давом этган [Беленицкий 1950: 128 — 129; Литвинский 1967: 39]. Бу ерда X — XIV асрларга мансуб қадимги қабристон ҳам бор. Бу ерда дафн этилганларнинг ҳаммаси бош томони шимолга қаратилган ёғоч тобутларга ётқизилган. Дафн этилганларнинг бир қисми мўғулий ирқга мансуб бўлган [Муллоқандов 1987: 221 — 222; 1988: 406 — 413]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 176 — 177.

5. Тамлийот (*تمليات*) — ал-Вошжирд йўлида жойлашган Хутталон вилоятига қарашли шаҳар ва *рустоқ* [Ibn Rosteh: 92; al-Moqaddasi: 49, 290; Беруни 1973: 468; Jacut II: 402], у Вахшоб дарёсидаги Қантарат ал-Ҳажар кўпригидан 4 *фарсах* масофада Мунк томонда жойлашган [al-Istakhri: 339; Ibn Naukal: 518]. X асрда у жуда чиройли ва гуллаб яшнаган шаҳар бўлган, унинг аҳолиси эса урушга мойил бўлган [Hudud al-'Alam: 120]. Тамлийот шаҳрининг харобалари Пул-и Сангин дарасидаги собиқ

Тутковул қишлоғидан шимолда жойлашган деб тахмин қилинган эди. Ҳозир бу ерлар Нурек сув омборининг тагида қолиб кетган [Юркевич 1964: 114 – 124; Пьянкова 1979: 78]. Лекин бу харобалар бор йўғи 2,5 га ни эгаллаган. Ундан ташқари улар Пул-и Сангин кўпригидан атиги 9 км масофада жойлашган. Бу эса манбаларда кўрсатилган масофа (4 фарсах) га тўғри келмайди. Бу ерда топилган сопол буюмларнинг ҳаммаси қўлда қўпол шаклда ясалган [Атаханов 1978: 179]. Бу кўрсаткич ҳам унинг шаҳар эмас, собиқ кўчманчиларнинг бир қишлоғи бўлганидан далолат беради. Демак, Тамлийот шаҳрининг харобалари бу ерда эмас, балки бошқа ерда бўлиши керак. Тутковултепа харобаларидан 3 км шарқда ўрта асрларга мансуб Сой-Сайёд номли харобалар жойлашган эди. Лекин уни ҳам шаҳар харобалари деб бўлмайди. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 177 – 179.

6. Форғар (فارغر) — Хутталон вилоятида жойлашган шаҳар [al-Moqaddasi: 49, 290; al-Idrisi VIII: 487]. Андижороғ шаҳридан 1 кунлик йўл масофада Форғар номли дарё бўйида жойлашган [al-Istakhri: 339; Ibn Naukal: 518]. Бошқа манбаларда унинг номи Борғар (بارغر) ва Барғар ёки Парғар (برغر) шаклларида [Ibn Rosteh: 93; Hudud al-'Alam: 119; Беруни 1973: 468], кейинги асрларда эса Фархар (فرخر) ва Фархор (فرخار) шаклларида ҳам қайд этилган [Махмуд ибн Вали: 64; Та'рих-и Бадахшан: 76, 16а]. Ўрта асрларда форс тилида ёзилган изоҳли луғатларда Фархор (فرخار) — Туркистондаги Фомир (Помир) яқинидаги шаҳар деб аталган. У ердан Хуросонга кўплаб гўзал қизлар олиб келинар эди [Баевский 1980: 88]. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги тоғли ўлка Парғар (қаранг: XXXVII, 43), Амударёдан жанубда жойлашган туман эса ҳозир ҳам Фархар деб аталади. Бу номларнинг келиб чиқиши бир бўлиб, суғдча *pr-yr* — «тоғли [ўлка]» (қадимги эроний *para-gari* — «тоғ олди») маъносини билдиради [Смирнова 1961: 223; Лурье 2004: 46, 119, 120, 200]. Бошқа фикрга кўра, Парғар номи санскритча *vihara* — «буддавий ибодатхона» сўзи билан боғлиқ [Литвинский, Мухитдинов 1969: 160]. Ўрта асрларда форс тилида ёзилган изоҳли луғатларга кўра, Фархор (فرخار) сўзи аслида «бутхона» маъносини билдирган [Баевский 1980: 88]. Демак, Парғар/Фарғар/Фархар номининг буддавий ибодатхона билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги ҳақиқатга яқинроқдир, чунки исломга қадар бу ерларда буддавийлик дини кенг тарқалган. Суғд тилида буддавий ибодатхонани

билдирувчи санскритча *vihara* сўзи *βrx'r* (*бархар*) шаклида қабул қилинган [Лурье 2004: 20]. Бу эса бизнинг фикримизнинг яна бир далилидир. Хутталондаги Форғар/Порғар шаҳрининг номи ҳозиргача Пархар шаклида сақланган. Бу шаҳар ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Қизилсув дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш ерида жойлашган. Унинг атрофларида жойлашган археологик ёдгорликларнинг энг каттаси Панж дарёсининг бўйидаги Сайёд қишлоғи ёнида жойлашган шаҳар харобаларидир. Илк ўрта асрларда Панж дарёсидан Сайёд харобалари ўрнидаги шаҳар томонга кенглиги 10 м келадиган катта ариқ қазиб чиқарилган, бу ариқ шаҳарнинг ўртасидан кесиб ўтган, кейин бир нечта кичик ариқчаларга бўлиниб, Қизилсувга қуйилган. Бу шаҳарда ҳаёт IX – XI асрларда давом этган. Шаҳарнинг ғарбий қисмида бир қатор ҳашаматли саройларнинг қолдиқлари қазиб топилган. Уларнинг деворлари нафис ўймакор нақшлар ва деворий суратлар билан безатилган. Шаҳар мудофаа девори билан ўралган [Гулямова 1976: 155 – 163; 1982: 157 – 170; 1984: 194 – 205]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 179 – 182.

7. Ковбанж (کاو بنج) – Хутталондаги шаҳар, Харбоб ёки Жарйоб (Панж) дарёсидаги Орҳан кечувидан юқорида, ундан тахминан 1 *фарсах* масофада жойлашган [al-Istakhri: 297, 339; Ibn Haukal: 518]. Бошқа манбаларда унинг номи Корбанж (کار بنج) [al-Istakhri: 276, 277; al-Idrisi VIII: 488], Корбанк (کار بنک) [al-Jakubi: 289; al-Moqaddasi: 49, 290; al-Idrisi VIII: 487], Кованд (کاو بند) [Jacut II: 402] ва Кованк (کاو نك) шаклларида ҳам келтирилган [Ibn Haukal: 447]. Орҳан сув кечуви Жарйоб (Панж) дарёсидан жанубдаги Орҳан шаҳрининг ёнида жойлашган. Унинг ўрнида мавжуд бўлган шаҳар ҳозир Ҳазрати Имом Соҳиб деб аталади. Унинг қаршисида Панж дарёсининг ўнг қирғоғида Файзобод қалъаси жойлашган. Ўрта асрлардаги Корбанк (Корбанж) шаҳри бу ердан 1 *фарсах* (6 – 7 км) юқорироқда, яъни кейинги асрлардаги Сарой, ҳозирги Панж шаҳри ўрнида жойлашган [Литвинский, Соловьев 1985: 156 – 157]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 185.

8. Андичороғ (انديچاراغ) – Хутталон вилоятидаги шаҳар [al-Moqaddasi: 49, 290, 291; Беруни 1973: 468; al-Idrisi VIII: 487, 488]. Унинг ёнидан оқиб ўтган дарё ҳам шу ном билан аталган (қаранг: XI, 10). Бу шаҳарнинг номи Андичороғ (انديشاراغ) шаклида ҳам келтирилган [al-Jakubi: 290]. Турли манбаларда бу шаҳарнинг номида «ж» ва «ш» ҳарфларининг алмашинуви бу шаҳарнинг асл номи Андичороғ

бўлганлигидан далолат беради. «Худуд ал-олам» га кўра, Нучоро (نچارا), яъни Андижороф шаҳри Харноб ва Жайхун дарёлари ўртасида жойлашган, унга қарашли ерлар Бадахшон чегарасигача чўзилиб, Рустоқ Бик (رستاق بيك) деб аталган [Hudud al-'Alam: 119]. Ўрта асрларда Андичорофда мис тангалар зарб этилган [von Zambaur 1968: 55]. Бу ер Хутталоннинг савдо маркази бўлган. Бу шаҳарнинг жойлашган ўрни ҳақида бир нечта фикрлар айтиб ўтилган. У ҳозирги Тоирсув дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш ерида [Бартольд 1963: 120], ҳозирги Панж (собик Сарой) шаҳри ўрнида [Minorsky 1970: 360] ёки Дарвоздаги Бартанг дарёсининг бўйида жойлашган деб тахмин қилинган [Le Strange 1905: 435]. Яна бир фикрга кўра, Андичороф шаҳрининг харобалари ҳозирги Афғонистон ҳудудида Кўкча ва Панж дарёларининг орасида Рустоқ вилоятининг ёнидаги Тохар вилоятида жойлашган бўлиб, Золм деб аталади [Francfort 1978: 30 – 31]. Лекин манбалардаги маълумотларга кўра, Андижороф дарёси Вахшоб ва Форғар дарёлари орасида оқиб ўтган, Андижороф шаҳри эса унинг бўйида жойлашган [al-Istakhri: 276, 339; Ibn Naukal: 475, 518]. Золм харобалари эса бу маълумотга тўғри келмайди. X асрда Бадахшон чегарасида жойлашган Русто Бик (رستا بيك) номи шаҳар ҳам Андичороф вилоятига кирган [Hudud al-'Alam: 119]. Бу шаҳар ҳақида қаранг: XLVIII, 4. Андичороф ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 182 – 183.

9. *рустоқ* (رستاق) — форсча *русто* (روستا) — «қишлоқ», «туман» сўзининг арабча шакли. Араб тилида унинг ўрнига *ноҳийа* (ناحية) атамаси ҳам ишлатилган. Ўрта асрларда бу икки атама маъмурий бирлик сифатида ҳам ишлатилган бўлиб, шаҳардан ташқарида жойлашган деҳқончилик ерлари ва ер эгаларининг мулкларини билдирган. Бир рустоқнинг катталиги тахминан бир туманга яқин бўлган ерни ташкил этган. Одатда ҳар бир рустоқнинг маъмурий маркази бўлиб, унда шу ерларнинг эгалари истиқомат қилганлар.

10. \*...<sup>10</sup> *ли-Мунк рустоқ кабир* (لمنك رستاق كبير) — «Мункнинг катта *рустоқи* бор». Лекин ал-Истахрий матнида бу жумланинг ўрнида Рустоқ Банк (رستاق بنك) шаҳри қайд этилган [al-Istakhri: 297]. Бошқа манбаларда бу шаҳарнинг номи Рустоқ Бик (رستاق بيك) ёки Бик (بيك) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Naukal: 447, 518; al-Moqaddasi: 49, 290]. Демак, бу ўринда «Мункнинг рустоқи» ўрнига «Рустоқ Бик» деб ўқи-лиши керак. Рустоқ Бик ҳақида қаранг: XLVIII: 5.

11. Ҳаловард (هالورد) — Вахшоб дарёсининг ҳавзасида жойлашган ал-Вахш вилоятининг бош шаҳри [al-Istakhri: 276, 297; al-Moqaddasi: 49, 290; al-Idrisi VIII: 487, 488; Jacut II: 402], Орҳан сув кечувидан 2 марҳала ва Ловаканддан 1 марҳала масофада жойлашган [al-Istakhri: 339; Ibn Naukal: 518]. IX асрда Вахш ва Ҳаловард шаҳарлари Ҳошим ибн Боничур (243/857-58 йилда вафот этган) исми туркий ҳукмдорга қарашли бўлган [al-Jakubi: 291]. X асрда унинг атрофларида боғлар ва унумли ерлар кўп [al-Moqaddasi: 291], унга қарашли рустоқларда ҳам деҳқончилик ривожланган, аҳолиси эса урушга мойил ва камон отишда жуда моҳир бўлган [Hudud al-'Alam: 120]. XI асрда Ҳаловард маъмурий жиҳатдан ал-Хуттал вилоятининг таркибига кирган [Беруни 1973: 119]. Ўрта асрлардаги Ҳаловард шаҳри ҳозирги Қўрғонтепа ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Бартольд 1963: 119]. Охириги маълумотларга кўра, исломдан олдинги Ҳаловард шаҳри ҳозирги Румий (собиқ Колхозобод) шаҳрининг ғарбий чеккасида Вахш дарёси қирғоғидаги Қофирқалъа харобалари ўрнида жойлашган [Соловьев 1979: 145 — 155]. Бу ерда VII — VIII асрларга мансуб ҳукмдор саройи қазиб топилган бўлиб, бу сарой Вахшнинг туркий ҳукмдорлари томонидан қурилган. Туркий ҳукмдорлар томонидан зарб этилган, ўртасида юмалоқ тешикли мис тангалар ҳам шу ерда зарб этилган. Саройнинг расмий қабуллар ўтказиладиган энг катта хонасида «Ҳаловард» (هالورد) деб ўқилган арабий ёзуви VII асрга мансуб сопол парчаси топилган [Литвинский, Соловьев 1985: 121 — 122; 146]. Шаҳар араблар томонидан 2 марта талон-тарож қилинган ва VIII аср ўрталарида вайрон этилган [Соловьев 1987: 178].

12. Ловканд ёки Ловаканд (لاوڪند) — Вахш дарёсининг ҳавзасида шу номли вилоятда, Ҳаловарддан 1 марҳала масофада жойлашган шаҳар [al-Istakhri: 276, 297; al-Moqaddasi: 49, 290; al-Idrisi VIII: 487, 488; Jacut II: 402]. Қўйида ва бошқа манбаларда унинг номи Ливаканд (ليوڪند) шаклида келтирилган [al-Istakhri: 339; Ibn Naukal: 518]. X асрда Ливакандда «вахший» деб аталган зотли қўйлар етиштирилган [Hudud al-'Alam: 120]. Унинг жойлашган ери ҳақида бир нечта фикрлар айтилган эди: Сангтуда қишлоғи ёнида [Бартольд 1963: 119], Қўрғонтепа шаҳридан 10 км ғарбдаги Қовунтепа харобалари ўрнида [Беленицкий 1950: 146; Литвинский 1954: 38] ёки Қўрғонтепа шаҳар харобалари ўрнида [Зеймаль 1971: 50]. Қўрғонтепа ўрнидаги шаҳар қушонлар даврида қадимги Жуйбор арифининг ёнидаги қўриқловчи вазифасини бажарувчи муҳим қалъа сифатида вужудга келган бўлиб, то XX аср бошларигача

ўзининг бу аҳамиятини йўқотмаган [Ставиский 1977: 69]. У ҳақида яна қаранг: XLVIII, 3.

13. Юқорида *ас-султон* (السلطان) сўзи Араб халифалигининг олий ҳукмдори, яъни Бағдод халифасига нисбатан қўлланилган эди (қаранг: VIII, 12).

14. Вахон ёки Ваххон (وخان) — Вахон ва Помир дарёларининг ҳавзасида Тибет билан чегарада жойлашган тоғли ўлка. У ҳақида қаранг: XI, 4.

15. аш-Шикнийя (الشفنية) — Помир тоғлари этагида Панж водийси ва унинг ирмоқларида жойлашган вилоят. У ҳақида қаранг: VI, 4.

16. *дор ал-куфр* (دار الكفر) — араб., «кофирлар мамлакати», яъни ислом динига эътиқод қилмайдиган ғайридинлар мамлакати.

17. Ўрта асрларда Вахон вилоятида бой кумуш конлари бўлганлиги ҳақида бошқа манбаларда ҳам айtilган [al-Istakhri: 297; Jacut IV: 909]. Лекин аслида бу конлар Вахонда эмас, балки унга қўшни бўлган Шуғнонда жойлашган. Бунинг сабаби шуки, Шуғнон баъзан Юқори Вахон деб ҳам аталган. Шуғнондаги Ғунт, Тўқузбулоқ ва Мурғоб дарёларининг ҳавзаларида X — XII ва XIV асрларда фаолият кўрсатган бир нечта қадимги кумуш конлари ва кончилар манзилгоҳларининг қолдиқлари топилган [Бубнова 1976: 146 — 154]. Кумуш конларининг энг катталари Тўқузбулоқ дарёсининг чап қирғоғидаги Варшез қишлоғининг ёнида ва Қўрғон-тўқай номли ерда жойлашган бўлиб, бу ерларда кумуш илк ўрта асрлардан X асрга қадар қазиб чиқарилган. Кейинги асрларда Кумуш-жилға водийсидаги Кондара номли ерда, Бозордара ва Ғарбий Пшарт дарёларининг водийларида қазиб чиқарилган [Бубнова 1975: 236 — 248].

18. Хутталон ҳудудида Вахондан оқиб келувчи дарёлардан қадимдан олтин олинган [al-Istakhri: 297]. Хутталондан юқоридаги Ваххоб дарёсининг ҳавзасида бой олтин конлари бўлган [Ibn Rosteh: 93]. Хутталон ва Шуғнон ўртасида дарё «олтин тоғ» ичидан оқиб ўтган бўлиб, ундан кўплаб олтин заррачаларини ювиб чиққан. Бу заррачаларининг катталиги баъзан балиқ тангаларидек бўлган. Бу ерларнинг аҳолиси асосан дарёдаги олтин заррачаларини ювиб чиқариш билан шуғулланган. Бу олтин Балхда энг тоза ва сифатли ҳисобланган [Ibn Khordadbeh: 179; ал-Бируни: 222; Махмуд ибн Вали: 38]. Олтин конлари Хутталон вилоятининг ёнидаги Вахш дарёсида, шунингдек Хутталон тоғларида ҳам кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 119]. XVII асрда



Хутталондан олинувчи йиллик ўлпон пул билан эмас, балки асосан олтин шаклида олинган [Махмуд ибн Вали: 38, 97].

19. ат-Туббат (التبت) — илк ўрта асрларда Тибет тоғларида жойлашган қудратли Тибет давлатининг арабча номи. Ҳозирда Тибет Хитой жанубий ғарбидаги унинг таркибига кирувчи мухтор маъмурий бирлик. У ҳақида яна қаранг: IV, 18.

20. Хутталонда қадимдан зотли отлар етиштирилган. Хутталонда етиштирилган зотли отлар қадимдан бутун Шарқда машҳур бўлиб, уларнинг тасвири милоддан олдинги V асрга мансуб «Амударё хазинаси» даги тилла буюмлардан иборат санъат асарларида тасвирланган. Уларда Хутталон отининг ўзига хос хусусиятлари яққол акс этдирилган [Беленицкий 1950: 112]. Искандар Зулқарнайн Бактрияга келганда, қўшинига отларни шу ердаги отлар билан алмаштирган. Милоддан олдинги II асрда Хутталон отлари Хитойда ҳам машҳур бўлиб, жуда ҳам чиройли бўлгани учун «илоҳий отлар» деб аталган. VII — VIII асрларда Хутталондан хитой императорига ҳадя сифатида деярли ҳар йили зотли отлар юбориб турилган [Шефер 1981: 95]. Ўрта асрларда ҳам Хутталон отлари «хатли» номи билан машҳур бўлиб, бу ердан кўп миқдорда олиб кетилган [Hudud al-'Alam: 119; Nizami: 44]. Ривоятга кўра, Хутталоннинг зотли отлари Хутталон шаҳри ёнидаги Нозқўл номли қўлдан чиққан илоҳий отдан тарқалган [Ibn Khordadhbeh: 180]. X — XI асрларда Хутталоннинг пойтахти бўлган Хишттепа шаҳар харобаларидаги ҳукмдор саройида топилган катта сопол лаганда маҳаллий отнинг сурати аниқ тасвирланган [Гулямова 1969: 66]. XI аср бошларида отларнинг катта ишқибози бўлган Чағонийон ҳукмдорининг саройига Хутталонда етиштирилган 1000 та от келтирилган. Уларнинг ҳаммасининг пешонаси оқ, туёғининг чеккасида эса кокиллари бўлган [Nizami: 45]. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2006: 79 — 99.

### ХIII [ВОШЖИРД, АЛ-ҚУВОДИЙОН, АТ-ТИРМИЗ ВА АС-САҒОНИЙОН]

1. Вошжирд (واشجرد) ёки ал-Вошжирд (الواشجرد) — Шумондан 2 кунлик йўл [al-Istakhri: 298, 325, 340, 341; Ibn Haukal: 519], Роштан 4 кунлик йўл масофада тоғлар орасида жойлашган шаҳар [Ibn Khordadhbeh: 34; Kodama: 211]. Манбаларда унинг номи Висагирд (ويسه كرد)



[Фирдоуси V: 29, 62, 98], Вайшажирд (ويشجرد) [Ibn Khordadbeh: 179], Вишкирд (ويشکرد) [Ibn Khordadbeh: 179], Вайшагирт (ويشکرت) ва Бишжирд (بشجود) шаклларида ҳам қайд этилган [Hudud al-‘Alam: 115, 120]. Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларида унинг номи *w’skrδ* шаклида қайд этилган [СДГМ 1962: 124; Смирнова 1961: 221]. Бу ном «Авеста» да *Vaekēgēta* қайд этилган бўлиб, у бактр. *wuṣ* — «ўт», «ўтлоқ» ва қадимги эроний *-krta* — «яратган» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 178]. IX асрда Вошжирд Хутталондаги энг катта шаҳар бўлган, у Туркистондан 4 *фарсах* масофада жойлашган ва мусулмонларнинг турклар чегарасидаги таянч нуқтаси бўлган, унинг атрофларида 700 га яқин истехком (*хисн*) лар, яъни работлар бўлган [al-Jakubi: 291]. Бу работлар XII асрда ҳам мавжуд бўлиб, уларда «илк ислом даврида қўлланилган қадимги ёзувлар битилган гаройиб ёдгорликлар» сақланиб қолган эди [al-Sam‘ani: 576R]. XI асрда Вошжирд ас-Сағонийон таркибига кирган [Беруни 1973: 468]. Кейинги асрларда Вошжирд ва Рошт шаҳарлари Қоратегин (ҳозирги Гарм) вилояти таркибига кирган. Вошгирд шаҳрининг харобалари ҳозирги Файзобод яқинидаги Сари Мозор қишлоғи ёнида Илоқ дарёсининг бўйида жойлашган бўлиб, Қалъа-и Сангин ёки Талл-и Возжур деб аталади [Беленицкий 1950: 135]. У ҳақида яна қаранг: IV, 22.

2. ал-Қуводийон (القواديان) ёки Қуводийон (قواديان) — ўрта асрларда ас-Сағонийон ва ал-Вахш ўртасида жойлашган тарихий вилоят ва шаҳар [al-Istakhri: 296 — 298, 341; Ibn al-Fakih: 321; al-Idrisi VIII: 488, 489]. Бошқа манбаларда унинг номи ал-Қубодийон (القباديان) ёки Қубодийон (قباديان) [al-Jakubi: 289, 291; Беруни 1973: 467; ас-Самъоний X: 42; Jacut IV: 26], ал-Қуводийон (القواديان) [at-Tabari II: 1492; Ibn Rosteh: 93] ёки Қуводийон (قواديان) [al-Moqaddasi: 289, 290, 326; Hudud al-‘Alam: 71; ас-Самъоний X: 42; Jacut IV: 196] шаклларида, сўнгги асрларда эса Қубодийон (قباديان) шаклида қайд этилган [Байхаки: 158, 385, 540; Бабур-наме: 144, 406; Махмуд ибн Вали: 66]. IX асрда Қубодийон маъмурий жиҳатдан ал-Хуттал вилоятига [Ibn Rosteh: 93], X асрда эса ас-Сағонийон вилоятининг таркибига кирган [al-Moqaddasi: 49, 284]. Унинг ҳудудидан оқиб ўтган дарё Ромил (رامل) ёки Зомил (زامل) деб аталган. Бу ерда *тамим* қабиласига мансуб араблар яшаган [ас-Самъоний X: 42]. Бу дарё *кумижийлар* еридан оқиб келиб, тоғлар орасидаги Нудиз шаҳри ёнидан

оқиб ўтган ва Қуводийон шаҳри ёнида Жайхун дарёсига қуйилган [Hudud al-'Alam: 71]. Зомил (زامل) ар-Рошт вилоятидан юқорида бошланиб, ас-Сағонийон ва ал-Вошжирд орасидан оқиб ўтган ва Жайхун дарёсига қуйилган. Зомил ва Вахшоб дарёлари орасидаги тоғлар ал-Қуводийон деб аталган [Ibn Rosteh: 93]. ас-Сағонийон чегарасидаги Вошжирд ёнидан оқувчи дарё (яъни Кофирниҳон) Ромруд (رامروذ) деб аталган [ал-Бируни: 181]. Қубодийон вилоятининг шу номли бош шаҳри ат-Тирмиз шаҳридан 2 марҳала ва ас-Сағонийон шаҳридан 3 марҳала масофада жойлашган [al-Istakhri: 341; Ibn Naukal: 519]. IX асрда бу шаҳарнинг катталиги ат-Тирмиз шаҳрига тенг [al-Jakubi: 291], X асрда эса ундан кичикроқ бўлган [al-Istakhri: 298]. Бу тарихий вилоят Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида, унга ўнг томондан қуйилувчи Кофирниҳон дарёси водийсида жойлашган. Уни ғарб томонидан Боботоғ, шарқ томонидан эса Оқтоғ тоғлари ўраб туради. Кофирниҳон дарёсининг ирмоқларидан бири ҳозир ҳам Роумит деб аталади. Бу эса ўрта асрларда қайд этилган Ромил номининг ўзгарган шаклидир. Ҳозир унинг ўрнида Тожикистон ҳудудидаги Қўрғонтепа вилоятининг Кабодиён (собиқ Шаартуз) тумани жойлашган. Бу ердаги маҳаллий аҳолининг ичида ўзларини келиб чиқиши араб деб ҳисобловчи бир жамоа мавжуд [Гоибов 1989: 30]. Қубодийон шаҳрининг харобалари ҳозирги Шаартуздан 10 км шимолда Кофирниҳон дарёсидан 1,5 км ғарбдаги даштда жойлашган бўлиб, Қизилтепа ёки Қизқалъа деб аталади [Дьяконов 1954: 267 – 268; Мандельштам 1958: 68]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 202 – 211.

3. ат-Тирмиз (الترمذ) ёки Тирмиз (ترمذ) – Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида, унинг ўнг қирғоғида жойлашган Термиз шаҳрининг арабча номи [ас-Самъоний III: 44 – 45; Jacut I: 843]. Бу шаҳар Жайхун дарёсининг бўйида, унинг ўнг қирғоғида жойлашган [at-Tabari II: 1162; al-Beladkori: 411, 415 – 419; al-Jakubi: 291; Ibn Khordadhbeh: 33; al-Masudi: 64]. Исломдан олдин Термиз алоҳида вилоят бўлиб, унинг подшоҳлари «термизшоҳ» деб аталган [at-Tabari II: 1147; Ibn Khordadhbeh: 39; Беруни 1957: 112]. Хитой манбаларида унинг номи Та-ми шаклида келтирилган. Сюан Цзан маълумотига қўра, VII асрда бу шаҳар туркларга қарашли бўлган. Бу ерда 10 та буддавий ибодатхоналар ва 1000 га яқин роҳиблар, шунингдек ступалар ва Будда ҳайкаллари бўлган [Julien 1857: 25]. V аср охирларидан VIII аср

бошларигача Термизда туркий ҳукмдорлар томонидан мис ва кумуш тангалар зарб этилган бўлиб, уларда туркий қиёфадаги ҳукмдор сурати ва унинг лангар шаклидаги тамғаси тасвирланган [Ртвеладзе 1987: 125 – 126]. 70/689 йилда Мусо ибн ‘Абдуллоҳ исми араб саркардаси Термизни ҳийла орқали эгаллаб, маҳаллий ҳукмдорни шаҳардан ҳайдаб чиқарган ва халифаликга бўйсунмасдан бу ерда 15 йил ҳукм сурган. Фақат 85/704 йилда Бағдоддан юборилган ‘Усмон ибн Масъуд уни Термиздан сиқиб чиқарган [at-Tabari II: 1162]. IX – X асрларда Термиз шаҳри Жайхун дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги энг катта ва аҳолиси кўп шаҳар бўлган [al-Jakubi: 291; al-Moqaddasi: 291]. У Чағонийон ва Хутталон вилоятларининг савдо маркази бўлган [Hudud al-‘Alam: 114]. Бу ерда энг катта даромад келтирувчи работлар бўлиб, уларга саёҳатчилар тўхтовсиз келиб турган. Ундан ташқари Термизда машҳур шифохона бўлиб, унинг харажатлари унга вақф қилиб берилган бу ерлардаги энг бой қишлоқлардан келиб турувчи даромадлар ҳисобига қопланган [Ibn Haukal: 454 – 455]. Термиз ёнида Жайхун дарёсидаги энг тор сув кечуви жойлашган бўлиб, унинг кенглиги 2 милли ташкил этган [al-Masudi: 64]. Термиз шаҳри 3 қисмдан иборат бўлган, уларнинг ҳар бири VII асрда мудрофаа деворлари билан ўралган [at-Tabari II: 1154, 1156; al-Beladsori: 114]. Қуҳандизнинг 1 та дарвозаси, мадинанинг эса 3 та дарвозаси бўлган. Шаҳар рабадининг ташқарисида Суродиқот (سراديقات) деб аталувчи яна бир қисми бўлган [al-Moqaddasi: 291]. Ўрта асрлардаги Термиз шаҳрининг харобалари ҳозирги Термиз шаҳридан 8 км ғарбда Амударёнинг баланд қирғоғида жойлашган бўлиб, Эски Термиз деб аталади [Массон 1940: 88 – 95]. Шаҳарнинг деворлар ичидаги қисми 500 га, шаҳар чеккасидаги маҳаллалар ва боғлар билан эса тахминан 1000 га майдонни эгаллаган [Пидаев 1987: 93]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 99 – 114.

4. ас-Сағонийон (الصغانيان) ёки Сағонийон (صغانيان) – ўрта асрларда Чағонруд (Сурхондарё) водийсида жойлашган Чағонийон (چغانيان) вилояти номининг арабча шакли [Беруни 1974: 130; ас-Самъоний VIII: 68; Jacut III: 393]. Шимолда унинг ҳудудлари Бойсун тоғлари, жанубда Амударёгача чўзилган. Ғарбда у ат-Тирмиз вилояти, шарқда эса Хутталон вилояти билан чегарадош бўлган [al-Beladsori: 407, 410, 419, 420; al-Istakhri: 288, 295, 298, 340; Ibn Haukal: 455, 460,

477, 518, 519; al-Moqaddasi: 49, 268, 283, 313, 332, 346]. Манбаларда унинг номи Чағонийон (چغانيان) [Hudud al-‘Alam: 114; Низами: 67, 68], Жағонийон (جغانيان) [Jacut II: 88] ва Саконийон (سكانيان) шаклларида ҳам қайд этилган [Ибн ал-Факих: 100]. Ўрта асрларда унинг бош шаҳри ҳам шу ном билан аталган бўлиб, ат-Тирмиздан 4 *марҳала* [al-Jakubi: 292] ёки 24 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 33]. IX асрда бу шаҳар катталиги бўйича Тўхористонда Балхдан кейин иккинчи ўринда турган [al-Jakubi: 292]. X асрда у ат-Тирмиздан катта бўлса ҳам, аҳолиси ундан камроқ бўлган [al-Istakhri: 298; Ibn Naukal: 477]. Шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашган, овар сувлари кўп, ҳавоси ёқимли бўлган. Унда турли хил ноз-неъматлар кўп бўлган, лекин унинг аҳолиси камбағал яшаган [Hudud al-‘Alam: 114]. Шаҳарнинг жоме масжиди жуда ҳам чиройли бўлиб, унинг пишиқ фиштан қурилган устунлари бўлган, у бозор ўртасида жойлашган. Шаҳарнинг ҳар бир уйида оқар сувлар, уларнинг бўйларида эса зич экилган дарахтлар бўлган. Бу ерда гўшт билан нон жуда сероб бўлган [al-Moqaddasi: 283]. Чағонийон шаҳрининг харобалари ҳозирги Денов шаҳридан 6 км жануби-шарқда Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш ерида жойлашган бўлиб, Будроч деб аталади [Пугаченкова 1963: 59 – 60]. Исломдан олдин Чағонийонда ҳукм сурган туркий ҳукмдорлар сулоласи *чагон-худот* [Ртвеладзе 1987: 218 – 224] ва туркий *шод* унвонларига эга бўлганлар [at-Tabari II: 1224; Gibb 1923: 9]. VII асрда саёҳат қилган хитойлик Сюан Цзан маълумотига кўра, Чи-го-йен-на (Чағонийон) вилоятининг подшоҳи *хи-су* номли туркий қабиладан келиб чиққан бўлиб, Су-ман (Шуман) шаҳрининг ҳукмдори ҳам унга бўйсунган [Julien 1857: 20]. Бошқа бир хитой манбасида эса Су-ман шаҳри Хи-су (Ки-су) вилоятининг бош шаҳри деб кўрсатилган. Унга кўшни бўлган Хо-румо шаҳрининг ҳукмдори ҳам *хи-су* қабиласидан бўлган [Watters 1904: 267 – 274]. Бу ҳукмдорларнинг ҳаммаси Тўхористон йабғусига бўйсунганлар [Chavannes 1903: 157, 199, 274, 276, 287; Watters, 1904: 102]. Самарқанддаги Афросиёб харобаларида VI – VII асрларга мансуб суғд ихшидларининг саройидаги деворий суратларда Чағон вилоятининг Туронтош подшоҳидан суғд *ихшиди* Вархуман ҳузурига келган элчилар тасвирланган [Альбаум 1975: 55]. VIII асрда арабларга қарши Чағонийоннинг Тиш исми подшоҳи курашган [at-Tabari II: 1152, 1160, 1180, 1473, 1552, 1767]. IX – X асрларда ҳам Чағонийонда келиб чиқи-

ши туркий бўлган Муҳтожийлар сулоласи ҳукм сурган. Муҳтожийлар ҳақида қаранг: XLVIII, 12. Чағонийон ҳақида қаранг: Бартольд 1965: 559 – 560; Spuler 1965: 1 – 2; Kexkhoda VI: 8182; Камалиддинов 1996: 132 – 149.

5. *қухандиз* (قهنذز) – форсча *қухандиз* (كهندز) ёки *кандиз* (كندز) – «қалъа» сўзининг арабча шакли. У ҳақида қаранг: IX, 1.

6. *рабад* (ربض) – ёки *ал-мадина ал-хорижа* (المدينة الخارجة), яъни «ташки шаҳар» деб аталувчи шаҳарнинг чекка қисми. Ташки шаҳарда асосан савдо ва ҳунармандчилик марказлари, бозорлар ва карвонсаройлар жойлашган [Kexkhoda VIII: 11896 Levi-Provençal 1995: 361 – 362; Куренной 1970: 61 – 64]. Ҳозирги ўзбек тилида бу араб атамаси «рабод» шаклида қабул қилинган. Лекин биз ишимизнинг манбашунослик хусусиятидан келиб чиқиб, матнда ва изоҳларда бу сўзни бошқа араб атамалари сингари ўзининг асл ҳолидаги кўринишида келтирдик.

7. *ал-мусалло* (المصلّى) – араб., «намозгоҳ», мусулмонларнинг *‘ид ал-фитр* (عيد الفطر) ва *‘ид ал-адҳо* (عيد الاضحى), яъни рамазон ҳайит ва қурбон ҳайит байрамларида жамоат намози ўтказиладиган махсус жой. Араб тилида *ал-мусалло* (المصلّى) сўзи дастлаб *ал-масжид* (المسجد) – «масжид» сўзи билан бир маънода ишлатилган. Кейинчалик бу сўз фақат байрам намозлари ўқиладиган ва шаҳардан ташқарида жойлашган масжидларни англатиб, *мусалло-л-‘ид* (مصلّى العيد), яъни ийдгоҳ деб ҳам аталган. Унда ҳар йили мусулмонларнинг байрам кунлари шаҳар аҳолисининг кўпчилиги ҳукмдорлар ва имомлар бошчилигида жамоа бўлиб намоз ўқиш учун чиққанлар. Намозгоҳларни қуриш ва тартибда сақлаш ишларини одатда шаҳар ҳокимияти амалга оширган, бунинг учун махсус вақфлар ажратилган. Намозгоҳларда байрам намозларини ўқиш анъанаси Ўрта Осиёда XX аср бошларигача сақланиб келган. Ундан ташқари ўрта асрларда қабристонлар ва аҳоли масканларидан узоқ жойлашган ерларда ҳам намоз ўқиш учун махсус очиқ ва ёпиқ жойлар ажратилган бўлиб, улар ҳам *ал-мусалло* (المصلّى) – «намозгоҳ» деб аталган [Петрушевский 1966: 88 – 89; Большаков 1991: 174]. Бу ҳақида яна қаранг: Wensinck, Hillenbrand 1993: 265 – 270; Burton-Page 1993: 947 – 948; Mittwoch 1971: 1007 – 1008; Kexkhoda XI: 16470 – 16471; XIV: 22735.

8. *тин* (طين) – араб., «лой», яъни пахса демакдир.

9. *фурда* (فرضة) — [al-Istakhri: 298], араб., бу сўз «тор яланглик»; «порт» ва «савдо маркази» деган маъноларни билдиради. «Худуд ал-олам» га кўра, Термиз шаҳри Чағонийон ва Хутталон вилоятларининг савдо маркази бўлган [Hudud al-‘Alam: 114]. Манбалардаги маълумотларга кўра, Жайхун дарёсининг суви Термиз қалъасининг деворларига урилиб турган [Ibn Khordadbeh: 33], кемалар эса шаҳарга ҳар томондан келиб тўхтаган [al-Moqaddasi: 291]. 617/1220 йилда Чингизхон қўшинлари Термизга келганда, унинг қалъа деворларининг ярми Жайхун дарёсининг ўртасида сувдан чиқиб кўтарилиб турган [Бартольд 1965: 505; Рашид ад-дин I (2): 112]. Термиз портининг қолдиқлари Эски Термиз қалъасининг дарё бўйидаги қисмида топилган бўлиб, унга қалъанинг 2 томонида жойлашган йўлаклар орқали тушилган. Термиз қалъасининг жанубий муҳофаа девори сув устига ясалган саҳн устига қурилган бўлиб, унинг буржлари ҳам бўлган [Шишкин 1940: 131 — 132]. Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар порти X — XV асрларда фаолият кўрсатган [Гражданкина 1965: 171 — 178]. Унинг яқинидаги Термиз *рабади* худудида кемачилар ва кема ясовчи хунармандларнинг маҳалласи жойлашган [Массон 1940: 98].

10. *марҳала* (مرحلة) — араб., «босқич», яъни карвонларнинг бир кунда босиб ўтган йўли.

11. «Худуд ал-олам» га кўра, Вахондан бошланувчи тоғлар тизмаси Чағонийонгача давом этиб, бу ерда уларнинг бир қисми ажралиб шимол томондаги Буттамон тоғлари билан қўшилиб кетган [Hudud al-‘Alam: 63]. Бу тоғларнинг Термиз шаҳрига энг яқин жойлашган қисми Оқтоғ деб аталади. Бу тоғлар Сурхондарёнинг шарқий соҳили бўйлаб жанубдан шимолга томон чўзилган, кейин эса Боботоғ тизмасига қўшилиб кетган.

12. Ўрта асрларда Чағонийон вилоятидан оқиб ўтиб, Тармид (Термиз) шаҳри ёнида Жайхун дарёсига қуйилувчи дарё Чағонруд (چغان رود) деб аталган [Hudud al-‘Alam: 71]. Ҳозир бу дарё Сурхондарё деб аталади.

13. Сарманжи (صرمنجي) — бу шаҳарнинг номи Сарманжон (صرمنجان), Сарманкон (صرمنكان), шунингдек Жарминқон (جرمنقان), Жарминкон (جرمنكان) ва Чармангон (چرمنگان) шаклларида ҳам қайд этилган. Бу шаҳар Термиздан 1 *марҳала* ёки 6 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 33; Ibn Haukal: 518]. Жарминкон (Чармангон) номи Сарманжон (Сарманжи) номининг маҳаллий тил-

даги шакли бўлган [ас-Самъоний VIII: 57; Jacut III: 383]. У ҳақида қаранг: XLVIII, 6, 7.

14. Ҳошимжирд (هاشم جرد) — [al-Istakhri: 337], ат-Тирмиздан Боб ал-Ҳадидга олиб борувчи йўлда жойлашган шаҳар [Ibn Naukal: 517]. Юқорида Ҳошимжирд Амударё ҳавзасида жойлашган шаҳарлар қаторида Термиздан кейин ва Фарабрдан олдин қайд этилган [Ibn Naukal: 460]. «Ҳудуд ал-олам» га кўра, Ҳошимкирт (هاشمكرت) да қўй ва мол кўп етиштирилган [Hudud al-'Alam: 114]. Бошқа манбаларда бу шаҳар қайд этилмаган. Унинг жойлашган ери ҳақида бир нечта фикрлар мавжуд: ҳозирги Навшаҳар атрофларида [Массон 1949: 98], Ангор яқинидаги Каптархона номли ер атрофларида [Аршавская, Ртвеладзе, Ҳакимов 1982: 42], ёки Термиздан 30 км шимолда жойлашган Қулоқлитепа харобалари ўрнида [Раҳманов 1990: 40]. Бизнингча, Ҳошимжирд (Ҳошимгирд) шаҳри ҳозирги Шеробод атрофларида жойлашган деган фикр тўғрироқ бўлса керак [СГСА 1973: 179]. Чунки бу шаҳар ҳар томонлама жуда муҳим ерда — Шеробод дарёсининг тоғлардан чиқиш ерида дарё сувининг ариқларга тақсимланиш тизимининг энг бошида жойлашган. Илк ўрта асрларда шаҳарлар айнан шундай ерларда жойлашган бўлиб, бу ердан бошқа майдороқ шаҳар ва қишлоқлар устидан назорат қилиб туриш қулай бўлган [Дресвянская 1981 : 31]. Шерободдан 7 км жануби-ғарбда Каттатепа номли шаҳар харобалари жойлашган бўлиб, ўрта асрларда у Термиз вилоятидаги энг йирик шаҳар бўлган [Ртвеладзе 1992 : 42 — 44]. Бу ерда VII — VIII асрларга оид арабча ёзувли сопол парчалари топилган [Аннаев 1979: 48]. Бу шаҳарнинг номи Вахш ва Ҳаловард шаҳарларининг туркий ҳукмдори Ҳошим ибн Боничур (243/857-58 йилда вафот этган) исми билан боғлиқ бўлиши мумкин [Бартольд 1963 : 123]. Бизнингча, унинг номи 'Аббосийлар, 'Алавийлар ва Муҳаммад пайғамбарнинг умумий аждоди Ҳошим ибн ал-'Аббос исми билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2004: 30 — 34. У ҳақида яна қаранг: XLVII, 8.

15. Фааз (فز) ёки Қузз (قز) — ал-Муқаддасийнинг маълумотига кўра, Қуводийон вилоятининг энг катта шаҳри Биз (بیز) ёки Нир (نیر) деб аталган. Унинг жоме масжиди бозорлар ўртасида жойлашган. Унинг қалъаси (ҳисн) да 4 та дарвоза бўлган [al-Moqaddasi: 290]. IX асрда Тўхористонда Ҳотим ибн Довудга қарашли бўлган Йуз (یوز) номли



шаҳар қайд этилган [al-Jakubi: 289]. Тахмин қилинишича, бу уч ном, яъни Фазз (Қузз), Биз (Нир) ва Йуз аслида Туз (توز) номининг турлича шакллари бўлиб, бу шаҳар ҳозирги Шаартуз (Кабодиён) ўрнида жойлашган [Гоибов 1989: 29]. Бу шаҳарнинг номи (Шаҳр-и Туз) туркий «туз» сўздан ясалган бўлиши мумкин. «Худуд ал-олам» га кўра, Тўхористондаги Сикимишт шаҳри яқинида Йун (يون) номи жой бўлиб, унинг барча ерлари тоғлар ва адирлардан иборат бўлган. Унинг Пох исми деҳқони Хутталон ҳукмдорига тобе бўлган. Унинг асосий бойлиги туз бўлган [Hudud al-'Alam: 109]. Бизнингча, бу ернинг номи ҳам Туз номининг бузилган шакли бўлиб, у ҳозирги Шаартуз (Шаҳр-и Туз) ўрнида жойлашган. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 206 – 208.

16. Навдиз (نودز) – [al-Istakhri: 298], бу шаҳар номининг суғдча *нау* «янги» ва *диз* – «қалъа» сўзлари ясалган деб тахмин қилинган эди [Бартольд 1963: 121]. Лекин суғдча *диз* атамаси ўрта асрларда Тўхористон топонимиясида умуман учрамайди, унинг ўрнига эса шу маънони билдирувчи «қалъа» ва «ҳисор» атамалари ишлатилган. ал-Муқаддасий Қуводийонда 4 та шаҳар ҳақида маълумот келтирган, лекин улар орасида Навдиз номи шаҳарни қайд этмаган. У қайд этган шаҳарлар ичида Бурам (بورم) номи шаҳарнинг номи диққатга сазовордир. Бу шаҳар узоқ ерда жойлашган, кенг майдонни эгаллаган, ҳавоси тоза бўлган, унда сувлар сероб, ноз-неъматлар кўп ва арзончилик бўлган [al-Moqaddasi: 290]. Бурам номининг араб хатидаги ёзилиши Навдиз номининг ёзилишига ўхшайди. Эҳтимол Ибн Ҳавқал матнида қайд этилган шаҳарнинг номи Навдиз эмас, Бурамдир.

17. Шумон (شومان) – ас-Сағонийон ва ал-Хуттал орасида Вошжирддан 4 *фарсах* [Ibn Khordadhbeh: 34; Kodama: 211] ёки 2 *марҳала* [al-Istakhri: 340; Ibn Haukal: 519], ас-Сағонийондан эса 12 [Гардизи: 73] ёки 16 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ibn al-Athir VIII: 153]. Унинг номи Сумон шаклида ҳам қайд этилган [Фирдоуси VIII: 158, 186]. Исломдан олдин Шумон Тўхористон йабғуларга қарашли алоҳида вилоят бўлиб, унинг маҳаллий подшоҳига қўшни Охарун (آخرون) шаҳри ҳам тобе бўлган [al-Beladsori: 417, 419; at-Tabari II 1144, 1145, 1179 – 1181, 1184, 1447]. Шумон қалъасининг ичида чуқур қудуқ бўлган [at-Tabari II: 1228; История халифов: 151a]. Хитой манбаларига кўра, VII асрда Су-ман *хи-су* номи туркий қабиладан келиб чиққан Чи-го-йен-на (Чағонийон) подшоҳига қарашли бўлган. Бу вилоят ғарбдан шарққа



4 кунлик йўл, жанубдан шимолга эса 1 кунлик йўл масофага чўзилган. Унинг ҳукмдори *хи-су* номли туркий қабиладан бўлган. Суман шаҳри унча катта бўлмаса ҳам, унда 2 та буддавий ибодатхонаси бўлган [Julien, 1857: 20]. Бошқа хитой манбасида эса Су-ман Хи-су (Ки-су) вилоятининг бош шаҳри деб кўрсатилган. Уларга қўшни бўлган Хору-мо (Охарун) шаҳрининг ҳукмдори ҳам *хи-су* қабиласидан бўлиб [Watters 1904: 267 — 274], у ҳам Су-ман ҳукмдорига бўйсунган. 718 йилда Су-ман подшоҳи Тўхористон йабғусига бўйсунган, унинг қўл остида эса 50 минг аскар бўлган [Chavannes 1903: 199, 276]. IX асрнинг биринчи ярмида Шумон Ҳошим ибн Боничурга қарашли вилоятнинг чегарасидаги шаҳар бўлган [al-Jakubi: 291]. IX асрнинг иккинчи ярмида Тўхористон вилоятлари қаторида Шумон ўрнига Охарун қайд этилган [Ibn Khordadbeh: 34 — 37; Та'рих-и Систан: 65]. X асрда Шумон маъмурий жиҳатдан ас-Сағонийон таркибига кирган [al-Moqaddasi: 49, 284, 268, 346; Беруни 1973: 468]. Шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашган ва мудофаа деворлари билан ўралган унинг қалъаси эса тоғ тепасида эди [Hudud al-'Alam: 115]. Шумон ислом мамлакатининг чегарасида жойлашган, унинг аҳли кучли бўлиб, султонга итоат этмаганлар [ас-Самъоний VII: 412; Jacut III: 337]. XV — XVII асрларда Шумон шаҳри Ҳисор-и Шодмон деб аталган бўлиб, у Ҳисор беклигининг маъмурий маркази бўлган. Унинг номидаги Шодмон сўзи Шумон номининг бузилган шаклидир. Демак илк ўрта асрларидаги Шумон шаҳри ҳам шу ерда бўлган [Бартольд 1965: 320]. Бошқа фикрга кўра, ўрта асрларда Шумон шаҳри Варзоб дарёси бўйида, ҳозирги Душанба шаҳрида жойлашган Шишихона харобалари ўрнида бўлган [Гоибов 1989: 32]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 149 — 156.

18. *заъфарон* (زعفران) — араб., бўйи 20 см келадиган кўп йиллик доривор ўсимлик. Бошқа манбаларда ҳам Вошжирдда *заъфарон* мавжудлиги қайд этилган [Hudud al-'Alam: 115; al-Moqaddasi: 326; Jacut IV: 401, 891]. Унинг Вишгирд (Вошжирд) да ўсадиган нави *шумонжи* (شومانجي) деб аталган [Беруни 1973: 496]. У ҳақида қаранг: IV, 23.

19. *ал-фува* (الفوة) — араб., рўян ёки марена, бўйи 1 м гача бўлган кўп йиллик ўт. Унинг илдизидан қадимдан қизил бўёқ олинган. Шумоннинг учун у *фуват ас-саббогин* (فوة الصباغين) — «бўёқчилар рўяни» деб ҳам аталган. Унинг қадимги юнонча номи эритрадон, илмий адабиётда қабул қилинган латинча номи эса *Rubia tinctorum* L. Бу

ўсимликнинг бир нечта навлари бўлган, улардан бири *ал-қубодий* (القبادي) деб аталган [Беруни 1974: 690]. У ҳақида қаранг: Каримова 2002: 231 – 232.

20. *сахм* (سهم) – ўлчов бирлиги  $1/24$  қиротга ёки 7,293 м кв. га тенг.

21. Юқорида *ас-султон* (السلطان) сўзи Араб халифалигининг олий ҳукмдори, яъни Бағдод халифасига нисбатан (қаранг: VIII, 12), бошқа ерда эса (қаранг: XII, 9) ал-Вахш вилоятининг ҳукмдорига нисбатан қўлланилган эди. Бу ерда эса *султон* деганда, Сомонийлар сулоласига мансуб Хуросон амири назарда тутилган.

22. Абу ‘Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар ибн Муҳтож Чағоний (344/955-56 йилда вафот этган) – Чағонийонда ҳукм сурган Муҳтожийлар сулоласига мансуб ҳукмдор. Унинг отаси Абу Бакр Чағоний Наср ибн Аҳмад даврида Хуросон амири бўлган. Абу ‘Али Чағоний 327/938-39 йилда отасининг ўрнига Хуросон амири ва *сипох-солори*, яъни лашкарбошиси этиб тайинланган. 334/945-46 йилда у Нуҳ ибн Насрга қарши исён кўтариб, Марв шаҳрини эгаллаган ва Амударёни кечиб ўтиб, Бухоро томон йўл олган. У Бухорони эгаллаб, Нуҳнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмадга *амир* сифатида қасамёд ичган. Кейин у Нуҳ билан ярашиш йўлини излаб, Чағонийонга қайтган ва садоқатининг гарови сифатида унинг ҳузурига ўзининг ёш ўғлини юборган. 340/951-52 йилда у яна Хуросон *сипохсолори* этиб тайинланган. Лекин 342/953-54 йилда Нуҳ уни яна вазифасидан озод этган, лекин Абу ‘Али унга бўйсунмасдан унга қарши исён кўтарган. 343/954-55 йилда Абу ‘Али халифадан Хуросон амири этиб тайинланганлиги ҳақида фармон олган. Шу йили Нуҳ ибн Наср вафот этган ва унинг ўрнига тахтга унинг ўғли ‘Абдулмалик ибн Нуҳ ўтирган. У Хуросонга Бакр ибн Молик исмли лашкарбошини юбориб, у ердан Абу ‘Алини ҳайдаб чиқарган. 344/955-56 йилда Абу ‘Али Рей шаҳрида вабо касалидан вафот этган, унинг жасадини Чағонийонга олиб кетиб, ўша ерда дафн этганлар [Байхаки: 352; Гардизи: 71 – 75; Ибн ал-Асир VIII: 78, 137 – 203]. У ҳақида қаранг: Бартольд 1963: 55, 67, 287, 306 – 310; 1964: 498. У ҳақида яна қаранг: XLVIII, 11.

23. Матнда: *ал-‘исйон* (العصيان) – араб., «исён». Абу ‘Али Чағоний 334/945-46 йилда Чағонийонда *амир* Нуҳ ибн Насрга қарши исён кўтарган ва 344/955-56 йилда ‘Абдулмалик ибн Нуҳ томонидан бартараф этилган. Бу ҳақида қаранг: XIII, 22.

## XIV [АХСИСАК]

1. Ахсисак (اخسيساك) — Амударёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳар [Jasut I: 162]. Унинг қаршисида Амударёнинг чап соҳилида Замм (زم) шаҳри бўлган. Бу икки шаҳар ўртасида Амударёда Каркуҳ ан-наҳр (كركوه النهر) деб аталувчи сув кечуви бўлган [al-Moqaddasi: 292]. Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғида катта бинолар йўқ бўлиб, у ерлар асосан чўлдан иборат бўлган [al-Masudi: 64 — 65]. Ахсисак шаҳри Курдан (کردن) номли ноҳийанинг маъмурий маркази бўлиб, унинг номи Хасосак (خساساك) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Khordadbeh: 173]. Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган бу ноҳийанинг номи Кардар (کردر) шаклида ҳам келтирилган [at-Tabari II: 1513]. Кейинги асрларда Ахсисак шаҳри Карки ёки Каркуҳ деб аталган [Бартольд 1963: 131; 1965: 160]. Замм ва Ахсисак атрофларида фақат чўллар бўлиб, у ерда ҳеч қандай оқар сувлар йўқ, лекин қудуқлар ва яйловлар кўп бўлган [al-Istakhri: 281; Ibn Naukal: 451]. У ҳақида яна қаранг: X, 7.

2. Замм ёки Зам (زم) — Амударёнинг ўрта оқимида, унинг чап соҳилида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XI, 21.

3. Бу икки шаҳарнинг жоме масжиди умумий бўлиб, Заммда жойлашган [al-Istakhri: 298].

4. Фарабр (فربر) — Марв — Бухоро катта карвон йўлида Амударёнинг ўнг соҳилида, Омул қаршисида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XI, 25.

## XV [ХОРАЗМ]

1. Х<sup>о</sup>разм (خوارزم) — Амударёнинг қуйи оқими ҳавзасида Орол денгизи ёнида жойлашган вилоят. Қадимда Хоразм ҳудудида катта ва кучли давлат бўлиб, илм-фанда у Катта Хоразм номи билан юритилади. Унинг чегаралари жанубда Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. Хоразм номи илк бор «Авеста» да, Беҳистундаги Доро I нинг катибаларида, шунингдек, қадимги юнон манбаларида учрайди. Ўрта аср араб ва форс манбаларида унинг номи Хоразм (خوارزم)

шаклида келтирилган. Бу номнинг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар айтилган. Унинг иккинчи қисми қадимги хоразмий *zm (zym)* — «ер» сўзидан иборат. Унинг биринчи қисми эса қад. эрон. *xwz* — «қуёш» сўзидан ясалган [Толстов 1948: 80 — 81]. Бошқа фикрга кўра, Хоразм номининг келиб чиқиши Шарқий Урал ерларида тарқалган самодий тиллар билан боғлиқ бўлиб, «тошлоқ ер» маъносини англатади [Яйленко 1988: 133]. Яна бир фикрга кўра, бу ном *хуар* ва *ас*, ёки *хорзум* (*херзем*) этнонимлари билан боғлиқ бўлиши мумкин [Еремеев 1970: 139; Zekiyeu 2002: 425 — 432]. Хоразмликларнинг келиб чиқиши ҳақида турли ривоятлар мавжуд [Толстов 1948: 74 — 75]. Абу Райҳон Берунийга кўра, Хоразм ерига Искандар Зулқарнайн давридан 980 йил аввал одамлар кўчиб келиб, бу ерда туркларнинг мамлакати вужудга келган эди. Ундан 92 йил кейин бу ерга Кайковус ўғли Сиёвуш келиб ўзининг ҳокимиятини ўрнатган эди [Бируни 1957: 47]. Араб географ олими ал-Муқаддасийга кўра, бир подшоҳ ўзининг давлатидаги 400 та одамдан ғазабланиб, уларни одам яшайдиган ерлардан 100 *фарсах* масофадаги ерга ташлашни буюради. Шунда уларни Хоразмга олиб келиб, уларга 400 та туркий қизларини беришган эди. Шунинг учун уларда шу вақт (яъни X аср) га қадар туркларга хос хусусиятлар кучли. Кейинчалик бу ерда Кот шаҳри вужудга келиб, Хоразм пойтахти бўлган эди [al-Moqaddasi: 285 — 286]. Бу икки ривоятдан аён бўладики, Хоразм воҳасига дастлаб милоддан аввалги XIV асрнинг охирида турклар келиб ўрнашган, милоддан аввалги XIII асрда эса бу ерга эронликлар келиб ўрнашган. Иккала ривоят ҳам хоразмликларнинг келиб чиқиши маҳаллий турклар ва келгинди эронийлар билан боғлиқ бўлганига ишора қилади. Хоразм воҳасининг илк аҳолиси ҳақидаги ривоятлар милоддан аввалги II минг йилликда Ўрта Осиёга ҳинд-орий қабилаларининг кириб келиши ҳақидаги маълумотлар билан мос келади [Мэллори 1997: 61 — 82]. Хоразмликларнинг икки хил халқлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги ривоят археологик материалларда ҳам ўз исботини топган. Қадимда шунга ўхшаш жараёнлар Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам юз берган деб тахмин қилиш мумкин [Камолиддин 2004: 47 — 58]. У ҳақида яна қаранг: I, 15.

2. ал-Журжонийа (الجرجانية) — Гурганж шаҳри номининг арабча шакли. Унинг харобалари Кўҳна Урганч деб аталади [Мадаминов 2009: 70 — 71].

3. X асрда Хоразмнинг пойтахти Кот (کات) номли шаҳар бўлган. У Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

4. Журжон (جرجان) — Хуросонда Каспий денгизининг жануби-шарқда жойлашган Гургон (گرگان) шаҳри номининг арабча шакли.

5. ал-Хазар (الخرز) — Каспий денгизидан шимолда жойлашган хазарлар мамлакати.

6. Дарғон (درغان) — Хоразмнинг жанубида, Омул йўлида, Амударёнинг чап соҳилидаги шаҳар. Унинг харобалари Дарғонота деб аталади.

7. Ҳазорасб (هزاراسب) — Амударёнинг чап соҳилидаги шаҳар, ҳозир ҳам Ҳазорасп деб аталади. Сўнги асрларда Хива хонлигининг иккинчи пойтахти бўлган. Ҳазорасп ёнидаги қадимги шаҳар харобалари Дев Солган деб аталади [Мадаминов 2009: 77 — 79].

8. Хива (خيوه) — Амударёнинг чап соҳилида Урганчдан 25 км жанубда жойлашган қадимги қалъа. Қадимги шаҳар Ичанқалъа ўрнида бўлган [Мадаминов 2009: 73 — 76].

9. Ардахушмитан (اردخشميتان) — Амударёнинг чап соҳилида Хоразм пойтахти Котдан ғарбда ҳозирги Амбар Маноқ қишлоғи ёнида жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Ваянганқалъа деб аталади.

10. Софардиз (سافردز) — Амударёнинг чап соҳилида жойлашган шаҳар.

11. Нузвор (نوزوار) — Амударёнинг чап соҳилида Урганчдан жануби-шарқда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Булдумсоз деб аталади.

12. Кардарон-х<sup>о</sup>ш (کردران خواش) — Амударёнинг чап соҳилида жойлашган шаҳар.

13. Кардар ёки Курдар (کردر) — Амударёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Кегайлидан 10 км ғарбда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Ҳайвонқалъа деб аталади.

14. Қарийа Қаротакин (قرية قراتكين) — бошқа манбаларда бу шаҳарнинг номи Қарийа Баротакин (قرية براتكين) шаклида қайд этилган. У Амударёнинг ўнг соҳилида Қўнғиротдан 10 км шимолда жойлашган. Унинг харобалари Қизқалъа ёки Қуюққалъа бўлиши мумкин.

15. Мадминийа (مذمينيه) — Амударёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Қўнғиротдан 17 км шимолда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Буғраҳон деб аталади.

16. Миздохқон (مزداخقان) — Амударёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Кўҳна Урганчдан 30 км шарқда жойлашган шаҳар.

## XVI [ХОРАЗМ ПОЙТАХТИ]

1. Кот Дархош (کات درخاش) — қуйида берилган маълумотга кўра, Дархош (درخاش) алоҳида шаҳар бўлиб, пойтахтдан 2 марҳала ва Кардардан 1 марҳала масофада жойлашган [Ibn Naukal: 521]. Кот шаҳри Фил ёки Фир деб ҳам аталган. Бу шаҳар ҳозирги Беруний туман маркази ўрнида жойлашган [Мадаминов 2009: 68 — 69].

2. ал-мадина (المدینة) — «ички шаҳар» (ал-мадина ал-дохила) ва шахристон деб ҳам аталган. Шаҳарнинг мустақкам қалъа деворлари билан ўралган ички қисми. Ички шаҳарда қалъа, аҳоли яшайдиган маҳаллалар ва жоме масжиди жойлашган. У ҳақида яна қаранг: IX, 1.

3. Харкруп (خرکروړ) — бу дарё номининг иккинчи қисми эҳтимол руд (روډ) деб ўқилиши тўғрироқдир [Гулямов 1957]. ас-Самъонийнинг луғатида Хоразмда Харур (خورور) номли қишлоқ қайд этилган [ас-Самъоний V: 97].

## XVII [ХОРАЗМВИЛОЯТИ]

1. Омул (آمل) — Марв — Бухоро йўлида Хуросон кечуви ёнида Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар. Кейинги асрларда Чоржуй деб аталган. Ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Чоржов шаҳри ёнида жойлашган. У ҳақида қаранг: XI, 22.

2. ат-Тоҳирийа (الطاهرية) — бу шаҳарнинг номи арабча Тоҳир (طاهر) исмидан ясалган. Унинг номи Хуросон амирлари бўлган Тоҳирийлар сулоласи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3. Горомхаша (غارامخشه) — Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган қишлоқ.

4. Хоразмнинг пойтахти, яъни Кот шаҳри назарда тutilган.

5. Ғовхора (غاوخواره) — Хоразмдаги ариқнинг номи.

6. боъ (باع) — тахминан 3 ёки 4 метрга тенг узунлик ўлчами.

7. қомат (قامة) — одам бўйига тенг узунлик ўлчами, тахминан 1,88 метр.

8. Казна (كزنه) – Ибн Ҳавқал фақат шу номли ариқни қайд этган, лекин Хоразмда шу номли шаҳар ёки қишлоқ ҳам бўлиши керак.

9. Курконж (كركانج) – Гурганж шаҳри номининг арабча ёзилиши, у яна ал-Журжонийа деб ҳам аталган.

10. Кит (كيت) – Кўҳна Урганчдан 22 км жанубда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Пулжой деб аталади.

11. Бу ариқлар деярли ҳаммаси уларнинг бўйларида жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг номлари билан аталган.

12. Мадро (مذرى) – бу шаҳарни ас-Самъоний Мадро Кот (مذرى كات) шаклида қайд этган [ас-Самъоний I: 285].

13. Вадок (وذاك) – Ибн Ҳавқал фақат шу номли ариқни қайд этган, лекин Хоразмда шу номли шаҳар ёки қишлоқ ҳам бўлиши керак.

14. мил (ميل) – араб., қурилишда ишлатиладиган 1000 зирот (0,75 м) га тенг узунлик ўлчами, тахминан 750 м ни ташкил этган.

15. Бух (بوه) – Ибн Ҳавқал фақат шу номли ариқни қайд этган, лекин Хоразмда шу номли шаҳар ёки қишлоқ ҳам бўлиши керак.

16. Андаристон (اندرستان) – Амударёнинг чап соҳилида жойлашган шаҳар.

17. ғалва (غلاة) – араб., камондан отилган ўқ учиб ўтган масофа.

18. марҳала (مرحلة) – араб., «босқич», яъни карвонлар бир кунда юриб ўтадиган масофа.

19. Х асрдаги 2 фарсах тахминан 12 км га тенг. Лекин дарёнинг кенглиги бунча кўп бўлиши мумкин эмас. Афтидан бу ерда «фарсах» сўзининг ўрнида бошқа сўз бўлиши керак.

20. Халанжон (خلنجان) ёки Халижон (خليجان) – Амударёнинг Орол денгизига қуйилишидаги ер.

21. Абуқша (ابوقشه) – бу ном тузилишига кўра туркий сўздан ясалган бўлиши мумкин.

## XVIII [ХОРАЗМКЎЛИ]

1. Жағир Уғур (جغراغر) ёки Жағир Уғуз (جغراغز) – Орол денгизи ёнидаги тоғ. Унинг номи туркий чағир ва ўғуз этнонимларидан ясалган.

2. Баҳр ал-Хазар (بحر الخزر) – ал-Хазар денгизи, Каспий денгизининг арабча номи.

3. Бухайрат ал-Хазар (بحيرة الخزر) – ал-Хазар кўли. Бу ерда ҳам Каспий денгизи назарда тutilган.

## XIX [ХОРАЗМ БОЙЛИКЛАРИ]

1. Хоразм маҳаллий аҳолисининг қадимги тили ўзига хос бўлиб, эроний тиллар оиласига кирган. Ундан ташқари Хоразм туркларининг ҳам ўзига хос шеваси бўлган. Бу ерда Ибн Ҳавқал қайси Хоразм тилини назарда тутганлиги номаълум.

2. Бу ерда «турк» деганда кўчманчи ўғуз қабилалари эмас, балки Булғор ва Хазар мамлакатидаги маданиятли ўтроқ туркий халқлар назарда тutilган.

3. *ас-сақолиба* (الصقالبة ёки السقالبة) – араб., «славянлар». Араб халифалигида славян қулларининг баҳоси энг қиммат бўлиб, уларнинг қавмини англатувчи *сақлаб* (صقلاب) – «славян» сўзи «қул» маъносида ҳам ишлатилган. Славян қуллари асосан аслзодаларнинг шахсий хизматкорлари сифатида ишлатилган.

4. *ал-хазар* (الخزر) – араб., хазарлар. Каспий денгизининг шимолида яшаган туркий тили халқ. X асрда хазарларнинг ҳукмдорлари яҳудий динига эътиқод қилган.

5. Турк қуллари (رقيق الاتراك) – турк қуллари Хоразмдан Бағдод ва Араб халифалигининг бошқа шаҳарларига сотиш учун олиб кетилган. Турк қуллари асосан ҳарбий хизматга жалб қилинган, шунингдек аслзодаларнинг шахсий хизматкорлари сифатида ишлатилган.

6. *ал-фанак* (الفنك) – тулкининг бир тури.

7. *ас-саммур* (السمور) – сувсар (рус. соболь) мўйнали сув ҳайвони.

8. *ад-далақ* (الدلق) – мўйнали ҳайвон.

9. Йожуж ва Можуж (ياجوج و ماجوج) – Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида яшовчи мусулмон бўлмаган халқлар ва қабилалар.

10. Юзи ва баданида соч ва тукнинг йўқлиги ёки сийраклиги Шарқий Осиё халқларига хосдир. Бундай одамларни араблар *куса* (كوسه) деб атаганлар.



## XX [БУХОРО]

1. X асрда пойтахти Бухорода бўлган Сомонийлар бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон вилоятларига ҳукмронлик қилганлар.

2. Бумижкат (بومجکت) ёки Нумижкат (نمجکت) — Бухоро шаҳрининг эски номи. Бухоро номи манбаларда VI асрдан бошлаб қайд этилган. Ундан олдинги паҳлавий манбаларида бу шаҳар Навакметан деб аталган. Нумижкат шу қадимги номнинг бузилган арабча шакли бўлиши мумкин.

3. қасаба (قصبه) — араб., «шаҳар», яъни бош шаҳар, пойтахт маъносини билдирувчи сўз.

4. Бутун Бухоро воҳасини ўраб турган бу ташқи девор Канпирак (کنبرک) деб аталган [Наршахий: 36].

5. Суғд дарёси (نهر السغد) — Зарафшон дарёсининг Бухорога етиб келган қисми Сомжан (سامجن), Ҳаромком (حرمامک), Руди Шарф (رود شرغ) ёки Наҳри Бухоро (نهر بخارا) деб ҳам аталган [Мухамеджанов 1978: 62].

6. Байканд (بيکند) — Бухоро вилоятидаги шаҳар, Хуросон кечуви ёнидаги Фарабр ёнида жойлашган. Наршахий маълумотида кўра, Байканд Бухородан қадимийроқ бўлиб, исломдан олдин унда подшоҳ қароргоҳи жойлашган. X асрда Байканд катта савдо маркази бўлган. Унда Бухоро вилоятидаги ҳар бир қишлоқ аҳлининг ўз работлари бўлиб, уларнинг сони мингдан ортиқ бўлган [Наршахий: 24 — 25]. Ундан ташқари Байкандда катта гумбазли бир бино бўлган [Hudud al-'Alam: 113]. Байканд жоме масжидининг меҳроби Мовароуннаҳрда энг чиройли ҳисобланган [al-Istakhri: 313, 315]. Байканд шаҳрининг харобалари Шаҳри Хайбар ёки Пайканди Кўҳна деб аталади.

7. Фарабр (فیر) — Амударёнинг ўнг қирғоғида Хуросон кечуви ёнида жойлашган шаҳар.

8. Сом Хош (سام خاش) ёки Сом Х<sup>о</sup>ш (سام خواش) — Бу ном суғдча *sam* — «қора» ва *xwaš* — «ботқоқ», «кўл», «сув ҳавзаси» сўзларидан ясалган бўлиб, «қора кўл» маъносини билдиради [Лурье 2004: 40, 146, 150, 205]. Наршахий маълумотида кўра, бу кўл Боргини Фароҳ (بارکین فراح), Сомжан, Қарокўл (قرا کول) ёки Денгиз (دنکز)

номлари билан аталган [Наршахий: 25]. Сомжан номи суғдча *sam* — «қора» ва *jan* — «ариқ», «сой» сўзларидан ясалган бўлиб, «қора сой» маъносини билдиради [Лурье 2004: 132, 205, 229]. *Хаш/хас/кас* ва *жан* топоформантлари ёрдамида ясалган гидронимлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳозиргача сақланиб қолган: Тангхас, Шержон, Навжон, Кулдижон, Мавжон, Хонжон ва ҳ.к. [Нафасов 1987: 9]. Боргини Фароҳ номи эса форс тилида «кенг сув ҳавзаси» маъносини билдиради. Бу кўлнинг яна бир номи Овоза (آوازِه) бўлган [Hudud al-‘Alam: 72; Худуд ал-‘Алем: 4а, 9б]. Бу ном суғдча *w’z’k* — «кўл» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 54, 146]. Птолемейнинг харитасида бу кўл Охиа Lacus — «Окс кўли» деб аталган [Tabulae Geographicae 1583, VII]. 1831 — 1833 йилларда Бухорога саёҳат қилган инглиз саёҳатчиси А.Борннинг харитасида Зер-афчан (Кохик) дарёси Денгис номи кўлга қуйилган [Карта 1831 — 1833]. Д.Н.Логофет харитасида бу кўл Ялангкўл деб аталган [Логофет 1909: карта]. В.Ватаче харитасида (1730) *карасови* — *Carasui* (Зарафшон) дарёсининг қуйи оқимида унинг чап қирғоғида *каракол* — *Caracol* (Қорақўл) номи шаҳар кўрсатилган [Камолиддин 2005: 38 — 41]. Бу шаҳар ҳозир ҳам Қорақўл деб аталади.

9. *дарб* (درب) — араб., «йўл», «кўча», «ташқи дарвоза».

10. *Дарб Ғашаж* (درب غشاج) — матнда *Ҷу-[и] Ғашаж* (جو غشاج) номи ариқ ҳам қайд этилган. Суғдча *ғашаж* ёки *ғушаж* (*yušaj*) сўзи «тишли» (?) маъносини билдиради [Лурье 2004: 220].

11. *Мох* (ماخ) — Бухорода исломдан олдин бўлган подшоҳнинг исми. X асрда масжид ва шаҳар дарвозаси унинг исми билан аталган. *Мох* масжиди кейинги асрларда *Мағок* номи билан машҳур бўлган.

12. *Сиккат Муғон* (سكة مغان) — муғ деганда, оловга сифинувчи ўтпарастрлар ёки зардушт динига эътиқод қилган одамлар тушунилган. Араблар уларни *мажусийлар* деб атаганлар.

## XXI

### [БУХОРО ШАҲРИ АРИҚЛАРИ]

1. *Фаширдиза* (فشيردیزه) ёки *Фашидиза* (فشیدیزه) — ас-Самъоний Бухоро вилоятида *Фашидиза* номи қишлоқни қайд этган [ас-Самъоний IX: 309]. Бу ариқ ва қишлоқ номининг таркибида суғдча *диза* — «қалъа» сўзи бор. Демак, бу қишлоқда қалъа мавжуд бўлган.

2. ал-Варағ (الورغ) — шу матннинг ўзида пастроқда бу ернинг номи Варағ (ورغ) шаклида қайд этилган. Бу ном суғдча *βary* — «туғон» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 138].

3. Дарб Мардқашон (درب مردکشان) — арабча *дарб* сўзи ташқи шаҳар дарвозалари ва кўчаларини билдирган.

4. Жубор Иброҳим (جوبار ابراهيم) — яъни Жуйбор Иброҳим, бу ном форсийда «Иброҳим ариғи» маъносини билдиради. Ташқи шаҳар дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган.

5. Боб ал-Балъамий (باب البعمي) — Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн ‘Убайдуллоҳ ал-Балъамий *амир* Наср ибн Аҳмад (301 — 331/943 — 954 йиллар) нинг бош вазири, унинг ўғли Абу ‘Али Муҳаммад ал-Балъамий эса *амир* Мансур ибн Нуҳ (350 — 365/961 — 976 йиллар) нинг бош вазири бўлган. Улардан иккинчиси ат-Табарийнинг тарихий асарини форс тилига таржима қилган.

6. Навканда (نوکنده) — Бухоро шаҳрининг барча ариқларидан ортиб қолган сувлар шу ариққа келиб тушган. Навканда номи суғдча *pw* — «янги» ва *kntk* — «ариқ» сўзларидан ясалган бўлиб, «янги ариқ» маъносини билдиради [Лурье 2004: 104].

7. Жубор Бакор (جوبار بكار) — яъни Жуйбор Бакор, матнда бу ариқ Наҳр Бакор (نهر بكار) деб ҳам аталган.

8. Жубор ал-Қаворирийин (جوبار القواريريين) — Жуйбор ал-Қаворирийин, яъни шишачилар ёки шиша идиш ясовчи хунармандлар ариғи.

9. ал-‘Ориз (العارض) — араб., хўжалик ва молия ишларига масъул, қўшин ва давлат хизматчиларига маош тарқатувчи амалдор. Матнда Жубор ал-‘Ориз (جوبار العارض), яъни ал-‘Ориз ариғи ҳам қайд этилган.

10. Жу-[и] Ғашаж (جو غشاج) — форс., *жу* — *жубор* (ариқ) сўзининг қисқа шаклидир, Ташқи шаҳар дарвозаларидан бири Дарб Ғашаж (درب غشاج) деб аталган. Суғдча *ғашаж* ёки *ғушаж* (*γušaj*) сўзи «тишли» (?) маъносини билдиради [Лурье 2004: 220].

11. Наҳр Байқанд (نهر بيکند) — шаҳар ичидаги ариқнинг Байқанд шаҳри номи билан аталиши оддий ҳол эмас, чунки Байқанд бу Бухоро вилоятидаги шаҳардир.

12. Хатаъ ёки Хутаъ (ختع) — бу сўзнинг маъноси аниқ эмас. Таркибида ‘*айн* ҳарфининг мавжудлигига қараганда, бу арабча сўз бўлиши мумкин, лекин араб тилида бундай ўзакли сўз йўқ.

13. Дор Ҳамдуна (دار حمدونه) — Ҳамдуна исми бир одамнинг уйи ёки қасри. Матнда шу одамнинг исми билан аталган кўприк ҳам қайд этилган. X асрда Бухорода Абу Муҳаммад Ҳамдун ибн ‘Амр ал-Бухорий ал-Бирмасий исми хуросонлик бир ҳадисшунос олим яшаган [ас-Самъоний II: 361].

14. ат-Тоҳуна (الطاحونه) — араб., бу сўз «тегирмон» маъносини билдиради. X асрда Самарқандда ҳам шу номли маҳалла бўлиб, унда машҳур Самарқанд қозонини ишлаб чиқарувчи хунармандларнинг тегирмонлари жойлашган.

15. ан-Навбахор (النوبهار) — бу сўз «янги ибодатхона» маъносини англатувчи санскритча *nava vihara* сўзларининг форсча шаклидир. Исломга қадар Балхда шу номли буддавий ибодатхона, Самарқандда эса X асрда шу номли дарвоза бўлган.

16. Наҳр Кушна (نهر كشنه) — матнда Кушна номли қишлоқ ҳам қайд этилган.

17. Моймурғ (مايمرغ) — ўрта асрларда Самарқанд вилоятидаги шаҳар, Насаф вилоятидаги қишлоқ ва Термиз яқинидаги бир ер ҳам шу ном билан аталган. Ушбу Моймурғ Насаф — Бухоро йўлида жойлашган мазкур қишлоқ бўлса керак.

18. Рабоҳ (رباح) — араб., бу сўз «фойда», «даромад» маъносини билдиради.

19. ар-Регистон (الريگستان) — Самарқандда ҳам шу номли майдон бўлган. Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухородаги Регистон майдонида қадимдан подшоҳларнинг саройлари жойлашган [Наршахий: 30].

20. Жалолдиза (جلال ديزه) — бу ном таркибидаги суғдча *диза* сўзи «қалъа» маъносини билдиради.

21. Қантарат Ҳамдуна (قنطرة حمدونه) — юқорида Дор Ҳамдуна, яъни Ҳамдуна уйи ёки қасри қайд этилган эди.

22. Боб Бани Асад (باب بني اسد) — Бани Асад (яъни Асад авлодлари) номли араб қабиласи.

23. Наҳр Зуғорқанда (نهر زغار كنده) — бу суғдча ном «лойқа сувли ариқ» демакдир.

24. Боб Дарвозача (باب دروازچه) — бу дарвоза кичик ва тор бўлиб, фақат пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган бўлса керак. Карвонлар эса шаҳарга бошқа каттароқ дарвозалардан кирган.

25. Сабиз-Моша (سببذ ماشه) – XII асрда Бухоро вилоятида Сабизмун ёки Субазмун (سبذمون) номли қишлоқ қайд этилган [ас-Самъоний VII: 79]. Сапид Моша (*saped-māša*) сўғдача «оқ уй» маъносини билдиради [Лурье 2004: 148].

## XXII [БУХОРО РУСТОҚЛАРИ]

1. *рустоқ* (رستاق) – форс. *русто* (روستا) – «қишлоқ» сўзининг арабча шакли. Араб тилида бу сўз «шаҳардан ташқаридаги унга қарашли туман» маъносига ишлатилган.

2. аз-Зар (الزر) – бу *рустоқ* номи Зарафшон дарёсининг номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Матнда шу номли дарё ҳам қайд этилган, ас-Сўғд дарёси сувининг ортиб қолган қисми унга қуйилган. Наршахий бу дарёни Руди Зар деб қайд этган [Наршахий: 35]. ал-Муқаддасий харитасида ас-Сўғд дарёсининг юқори оқимида Бухайрат Зара (بحيرة زره), яъни Зара кўли кўрсатилган бўлиб, унга тоғлардан бошланувчи 3 та дарё қуйилган [al-Muqaddasi: 449, map].

3. Барғизар (برغيزر) – бу номнинг таркибида сўғдача *βary* – «туғон» сўзи мавжуд [Лурье 2004: 138].

4. Сатижан (ستجن) – бу *рустоқ* номининг таркибидаги жан сўзи сўғдача «дарё» маъносини билдиради.

5. ат-Тавовис (الطواويس) – араб., «товус» сўзининг қўплик шакли. Унинг харобалари Бўстон қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Шаҳри Вайрон деб аталади.

6. Бардақ (برداق) – қадимги туркчада *bardaç* сўзи «идиш» маъносини билдирган [Изысканный дар: 276]. Бу қишлоқда олим ва табиб Ибн Сино маълум вақт яшаган [Лурье 2004: 103].

7. Қуйи Харғона (خرغانه) – Харғона номи қадимги юнонча *χάραξ* – «қўрғон», «ҳарбий қароргоҳ» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 71 – 72]. Бошқа фикрга кўра, Харғон ёки Харқон номи сўғдача *χ(y) r* – «олға юрмоқ» ёки туркий *qoruyžin* – «қўрғошин» сўзининг [Кошғарий I: 460] сўғдача шакли бўлган *χ(a) ry-zirn* сўзидан ясалган [Tremblay 2004: 132].

8. Нақрина (نقرينه) – бу сўзнинг маъноси аниқ эмас.

9. Назор Хитфар (نجار ختفر) – Бу ерда шу номли *рустоқ* қайд этилган. Қуйида (қаранг: изоҳ XXIII, 8) Бухоро вилоятида Назор

Хитфар номли ариқ қайд этилган. Демак, бу ариқ суғорувчи ерлар унинг номи билан аталган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, афтидан, рустоқларнинг номлари кўпинча ариқларнинг номлари билан боғлиқ бўлган.

10. Кохуштувон (كاخشتوان) – XII асрда шу номли қишлоқда работ бўлган [ас-Самъоний X: 311]. XVII аср ҳужжатларида у Каштувон деб аталган бўлиб, ҳозир ҳам мавжуд.

11. Андийон Кандийон (انديان كنديان) – унинг номи Андийор Кандамон (انديار كندمان) шаклида ҳам учрайди [al-Istakhri 309].

12. Орқа Сомжан (سامجن ما وراء) – яъни дарё ортида жойлашган рустоқ. Сомжан сўзи суғд тилида «қора кўл» маъносини билдиради [Лурье 2004: 205, 229].

13. Пастки Сомжан (سامجن ما دون) – яъни дарёдан жанубда жойлашган рустоқ.

14. Фаровуз (فراوز) – манбаларда бу ном Фаровур шаклида ҳам учрайди. Балки Фарабр шаҳрининг номи ҳам у билан боғлиқдир.

15. Арвон (اروان) – Фарғона водийсида Аравон номли тоғлар бор.

16. Хуза (خذه) – бу сўзнинг маъноси аниқ эмас.

17. Шобхаш (شابخش) – бу ном таркибида суғдча  $x\bar{a}\check{s}$  (خاش)  $x^w\bar{a}\check{s}$  (خواش) – «ўтлоқ ер», «тоғ ёнбағри» сўзи мавжуд.

18. Нашар (نشر) – бу сўзнинг маъноси аниқ эмас.

19. Карминийа (كرمينيه) – ҳозирги Навоий шаҳри ёнида жойлашган шаҳар.

20. Фарқанд (غرقند) – суғдча  $\gamma r$  – «тоғ» ва  $\gamma r' u$  – «лой» сўзларидан ясалган, яъни «Тоғдаги шаҳар» маъносини билдиради [Лурье 2004: 102, 106, 121].

## XXIII

### [БУХОРОВИЛОЯТИ АРИҚЛАРИ]

1. ал-Буттам (البتتم) – Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги тоғли ўлка номининг арабча шакли. Форс тилидаги манбаларда Буттамон (بتمان) ҳам аталган. Муғ тоғидан топилган суғд тилидаги бир ҳужжатда (A-5)  $\text{pyttm}'n$  шаклида қайд этилган [Смирнова 1961: 223; Лурье 2004: 42, 78].

2. Наҳр ас-Сугд (نهر السغد) — яъни Сугд дарёси, Зарафшон дарёсининг арабча номи.

3. Наҳр Бухоро (نهر بخارا) — яъни Бухоро дарёси, Зарафшон дарёсининг қуйи оқими.

4. Шоффриком (شافري کام) — Наршахийнинг «Бухоро тарихи»да келтирилган ривоятга кўра, бу ариқни Эрондан қочиб келган шоҳаншоҳнинг Шопур исмли ўғли қаздирган [Наршахий: 31 — 32]. Бухоро вилоятидаги бир туман ҳозир ҳам Шофиркон деб аталади.

5. Вардона (وردانه) — унинг харобалари Шофиркон туманидаги Хўжа Гулом тепа қишлоғи ёнида жойлашган. Унинг яқинидаги қишлоқ ҳозир ҳам Қўрғони Вардонзе деб аталади. Бу ном қадимги эроний *vart* — «тош» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 244].

6. Харғон-руд (خرغان رود) — Бухоро рустоқларидан бири Харғона (خرغانه) деб аталган. Харғон ёки Харғона номи қадимги юноча *χάρραξ* — «қўрғон», «ҳарбий қароргоҳ» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 71 — 72]. Бошқа фикрга кўра, Харғон ёки Харқон номи сугдча  $x(y)r$  — «олға юрмоқ» ёки туркий *qoruyžin* — «қўрғошин» сўзининг [Кошғарий I: 460] сугдча шакли бўлган  $x(a)ry-zirn$  сўзидан ясалган [Tremblay, 2004, p. 132].

7. Зоваш (زاوش) — XII асрда Бухоро вилоятида Зуш (زوش) номли қишлоқ қайд этилган, у Нур (ҳозирги Нурота) ёнида жойлашган [ас-Самъоний VI: 323].

8. Нажор Хитфар (نجار خنفر) — Наршахий бу ариқни Ғов Хитфар (غاو خنفر) [Наршахий: 35], ас-Самъоний эса Хутфар (خنفر) шаклида қайд этган [ас-Самъоний I: 380]. Сугдча «хитфар» ёки «хутфар» (*xuti-bar*) сўзи «ўзи оқувчи» маъносини билдиради [Лурье 2004: 228]. XVII аср ҳужжатларида Хутфари Кўҳна ариғи қайд этилган. Бухоро вилоятида Нажор Хитфар номли рустоқ ҳам бўлган.

9. Хурмитан (خرمیتان) — бу қишлоқни ас-Самъоний ҳам қайд этган [ас-Самъоний V: 95]. Унинг номи сугдча *xwr* — «куёш» ва *mēvan* — «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 116, 210].

10. Наҳр Жарғ (نهر جرغ) — Наршахийда бу дарё Руди Шарғ ёки Руди Сомжан деб аталган [Наршахий: 17, 22] бўлиб, бу номлар Зарафшон дарёсининг қуйи оқимига нисбатан ишлатилган [Мухамеджанов 1978: 62].

11. Жарғ (جرغ) — ас-Самъоний маълумотиға кўра, Жарғ (جرغ) ёки Шарғ (شرغ) қишлоғи Бухородан 4 ёки 5 фарсах масофада Самарқанд йўлида жойлашган [ас-Самъоний VI: 323]. Наршахийга кўра, унга Бухоронинг туркий подшоҳи Шери Кешвар, яъни Эл Арслон (VI аср) асос солган. Қорахоний хоқон Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (XI аср) эса унда катта жоме масжиди қурдирган [Наршахий: 17, 22].

12. Навканда (نوکنده) — Бухоро шаҳри ичидаги ариқларнинг қолдиқ сувлари йиғиладиган ариқ ҳам шу ном билан аталган. У ҳақида қаранг: ХХI, 6. Демак, Бухоро шаҳри ва унинг вилоятида Навканда номли 2та ариқ бўлган.

13. Фаройа (فرايه) ёки Фарона (فرانه) — бу қишлоқнинг номи қадимги эроний *para* — «қаршисидаги» маъносини билдиради [Лурье 2004: 244].

14. Наҳр Барахша (نهر برخشه) — Наршахийнинг «Бухоро тарихи» да Бухоро вилоятидаги ариқлар орасида бундай номли ариқ қайд этилмаган. Эҳтимол унинг бошқа номи ҳам бўлса керак.

15. Барахша (برخشه) — ас-Самъоний бу қишлоқни Фарахшо (فرخشى) ёки Афрахшо (افرخشى) шаклида қайд этган [ас-Самъоний IX: 265]. Наршахий маълумотиға кўра, Варахша (ورخشه) қишлоғи Ражфандун (رجفندون) деб ҳам аталган ва Бухородан ҳам қадимийроқ бўлган. Унда минг йилдан бери турган бухор-худотларнинг қасри бўлган. Бу ерда ҳар 2 ҳафтада бозор, йил охирида эса катта бозор ўтказилган [Наршахий: 24].

16. Наҳр Кушна (نهر كشنه) — юқорида Кушна номли қишлоқ ҳам қайд этилган.

17. Наҳр ар-Ромитана (نهر الروميته) — ар-Ромитана ариғи.

18. ар-Ромитана (الروميته) — ас-Самъоний бу қишлоқни Ромитан (راميثن) ёки Армитана (ارميته) [ас-Самъоний VI: 53], ал-Муқаддасий эса Арйомитан (ارياميثن) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 282]. Наршахийга кўра, Ромтин (رامثين) қишлоғида бухор-худотларнинг саройи ва оташпарастрларнинг ибодатхонаси бўлган [Наршахий: 23].

19. Қуйи Фаровуз (فراوز السفلى) — Наршахий ҳам шу номли ариқни қайд этган [Наршахий: 35]. Бухоро вилоятидаги рустоқлардан бири ҳам шу ном билан аталган.



20. Борйоба (باريابه) — яъни Порйоба, *порйоб* сўзи қадимги эроний *pvga* — «[дарё] бўйи» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 147].

21. Арвон (اروان) — Наршахий ҳам шу номли ариқни қайд этган [Наршахий: 35]. Бухоро вилоятидаги рустоқлардан бири ҳам шу ном билан аталган.

22. Бонаб (باناب) — бу қишлоқни ас-Самъоний ҳам қайд этган [ас-Самъоний V: 95]. Унинг номи қадимги эроний *bānu* — «ёрқин» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 104].

23. Юқори Фаровуз (فراوز العليا) — Наршахий ҳам шу номли ариқни қайд этган [Наршахий: 35]. Бухоро вилоятидаги рустоқлардан бири ҳам шу ном билан аталган.

24. Ривақон (ريوقان) — бу ном сўдча *ruw* — «бой» сўзидан ясалган, у эса бир худонинг фахрий исми бўлган [Лурье 2004: 211]. Марв вилоятида ҳам шу номли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний VI: 211].

25. Хома (خامه) — бу қишлоқнинг номи сўдча *x'm('k)* — «хом» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 227]. XIV аср вақф ҳужжатларида Хома (خامه) номли ариқ (*наҳр, жуӣ*) қайд этилган [Чехович 1965: 120, 121, 143, 144].

26. Наҳр Навканда (نهر نوکنده) — юқорида ҳам шу номли ариқ қайд этилган эди. Бухоро шаҳри ичидаги ариқларнинг қолдиқ сувлари йиғиладиган ариқ ҳам шу ном билан аталган.

27. Навбоғ ал-Амир (نوباغ الامير) — бу ном форсчада «амирнинг янги боғи» маъносини билдиради.

28. аз-Зар (الذر) — Бухоро вилоятидаги рустоқлардан бири ҳам шу ном билан аталган. Наршахий бу дарёни Руди Зар деб қайд этган [Наршахий: 35].

29. ас-суфун (السفن) — араб., сафина (سفينة) — «кема» сўзининг кўплик шакли. Бу ерда кемалар эмас, қайиқлар назарда тутилган бўлса керак.

## XXIV

### [БУХОРО БОЙЛИКЛАРИ ВАНОЗ-НЕЪМАТЛАРИ]

1. Бу ерда *қухандизлар* (القهندزات) деганда Бухоро шаҳрининг ички қалъаси (арк) эмас, балки шаҳар атрофидаги катта-кичик қалъалар назарда тутилган.

2. Варка тоғи (جبل ورکه) — Бухоро шаҳрига энг яқин жойлашган тоғ Навоий яқинидаги тоғлар бўлиб, улар Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбга давом этган ёнбағирларидир. X асрда Навоий шаҳрининг ўрнида жойлашган шаҳар Кармина деб аталган.

3. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» да келтирилган ривоятга кўра, Бухоро воҳасининг ўрни илгари ботқоқлик ва тўқайзорлардан иборат бўлиб, Самарқанд томондаги вилоятларда тоғларда қор эригандан оқиб келган сув шу ерда тўпланар эди [Наршахий: 15].

4. Варка (ورکه) — Бухородан 2 фарсах масофада жойлашган қишлоқ [al-Sam‘ani: 582a].

5. Самарқанд ва Кеш орасида жойлашган тоғ тизмаси Тянь-Шань тоғларининг ғарбий қисмига кирувчи Зарафшон тоғ тизмасидир.

6. Шалжи (شَلجِي) — ас-Самъоний маълумотида кўра, Шалж (شَلج) ёки Шалжикат (شَلجِيكَت) Тароз яқинида жойлашган шаҳарга ўхшаш бир қишлоқ бўлган [ас-Самъоний VII: 377]. X асрда Шалжи савдо маркази бўлиб [Hudud al-‘Alam: 119], унда чет эллик савдогарлар кўп бўлган [al-Istakhri: 312]. Унинг харобалари Талас дарёсининг бўйида жойлашган бўлиб Садир-қўрғон деб аталади [Бернштам 1963: 115].

7. Баҳр ас-Син (بحر الصين) — ас-Син денгизи, Хитойдан шарқда жойлашган ва Тинч океанига уланиб кетган Сарик ва Шарқий Хитой денгизлари.

8. Лабон (لبان) — бошқа манбаларда бундай ном қайд этилмаган.

9. Берунийга кўра, бу тош сабаж (سَبَج) — «гагат» деб аталган бўлиб, у гагат, яъни тошқўмирнинг заргарлик буюмлари яшаш учун ишлатиладиган ялтироқ тури бўлган. Бу тошнинг сифатсиз турлари Фарғонада ўтин қилиб ёқилган, кули эса ушшон (اَشْشَان) ўрнига кийимларни ювишда ишлатилган [Беруни 1974: 520; ал-Бируни 1963: 186]. У ҳақида қаранг: XLV, 10, 11.

10. аз-Зобаж (الزَّابِج) тоғлари — бу Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги тоғлар бўлса керак.

11. ас-самум (السَّمُوم) — гармсел шамолининг арабча номи.

## XXV

### [БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ШАҲАРЛАР]

1. Бухоро воҳасини ўраб турувчи ташқи мудофаа девори «Канпирак девор» деб аталган [Наршахий: 36]. Унинг қолдиқлари ҳозир ҳам Кампир-девор деб аталади. У ҳақида қаранг: IX, 14.

2. ат-Тавовис (الطواويس) — Бухоро вилоятидаги шаҳар. Унинг номи арабча *товус* (طاوس) «товус» сўзининг кўплик шаклидир.

3. *минбар* (منبر) — араб., жоме масжидининг қибла томонида меҳробдан ўнгда жойлашган зинали баланд супа, масжид имоми жума намози вақтида шу супага чиқиб ваъз айтиши учун мўлжалланган.

4. Намижкат (نمجت) ёки Бамижкат (بمجت) — Бухородан 4 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ [al-Istakhri: 315]. XII асрда унда масжид ва катта бозор бўлган [ас-Самъоний II: 304].

5. Зандана (زندنه) ёки Зандани (زندني) — Бухородан 4 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ [ас-Самъоний II: 304]. Бу қишлоқда қалъа, бозор ва жоме масжиди бўлиб, унда машҳур «занданичи» матоси ишлаб чиқарилган [Наршахий: 22].

6. Муғкон (مغان) — Бухородан 5 *фарсах* масофада Байканд йўлидан 3 *фарсах* ўнгда жойлашган қишлоқ [al-Istakhri: 313, 315, 342]. X асрда унда қалъа ва жоме масжиди бўлган [al-Moqaddasi: 267, 345; Hudud al-‘Alam: 112].

7. Хужода (خجاده) — Бухородан 3 *фарсах* масофада Байканд йўлидан 1 *фарсах*да жойлашган қишлоқ [al-Istakhri: 313, 315, 342]. X асрда унда қалъа ва жоме масжиди бўлган [al-Moqaddasi: 267]. Унинг номи Хужодак (خجادك) шаклида ҳам қайд этилган [Hudud al-‘Alam: 112].

8. Байканд (بيكند) — Бухоро вилоятидаги шаҳар.

9. Фарабр (فربر) — Марв — Бухоро катта карвон йўлида Амударёнинг ўнг қирғоғида, Омул қаршисида қирғоқдан 1 *фарсах* [Ibn Khordadbeh: 25; Kodama: 203; Наршахий: 25] ёки 2 мил масофада жойлашган шаҳар [al-Masudi: 65]. X асрда Фарабр Бухоро вилоятига қарашли бўлган ва Мовароуннаҳрнинг Хуросон чегарасидаги энг биринчи шаҳри бўлган [al-Istakhri: 313; al-Moqaddasi: 291]. Бошқа манбаларда унинг номи Барабр (بربر) [Бируни 1957: 470; Беруни 1973: 470], Афирабр (افربر) ва Фирабр шаклларида ҳам қайд этилган

[Jасut III: 867]. Фирдавсийга кўра, бу шаҳар Сосоний шоханшоҳи Баҳром Ғўр (V аср) даврида мавжуд бўлган [Фирдоуси VII: 392]. IX асрда Фарабр Марв вилоятининг турклар билан чегарасидаги шаҳар сифатида қайд этилган [al-Jakubi: 292]. X асрда унда *мир-и руд* (میر رود) — «дарё амири», яъни Амударё сувларининг тақсимланишини назорат қилувчи амалдор яшаган [Hudud al-‘Alam: 113]. Қадимда ас-Суғд Амударёга мунтазам равишда қуйилганлиги маълум [Бартольд 1963: 132]. X асрда эса бу дарё Амударёга етмасдан Фарабр яқинидаги Сомжан (Қарокўл) номли кўлга қуйилган, сув кўп бўлганда эса Фарабргача етиб борган [Наршахий: 25; Ibn Haukal: 460, map]. Фарабр аҳолиси ас-Суғд дарёсидан оқиб келувчи Қуйи Фаровур (السفلى فراور) ариғидан сув олганлар [al-Istakhri: 310, 311]. Бу ариқнинг номи Фаровуз ёки Фаровиз (فراوز) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Haukal: 485, 486; Наршахий: 35]. Эҳтимол Фараб ёки Фарабр шаҳрининг номи шу ариқ номидан келиб чиққандир. Маълумки, қадимги жой номларининг шаклланишида кўпинча гидро-нимлар бирламчи, аҳоли масканларининг номлари эса иккиламчи бўлади. Фараб номи Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, дарё ва ариқларнинг бўйларида жойлашган ерларга нисбатан ишлатилади [Массон 1966: 163 — 164]. Фарабр номи суғдча *рағуар* — «суфорилган ерлар» ёки қад. эрон. *рага-ар* — «дарёнинг нариги томони» [Lurje 2001: 23; Лурье 2004: 48, 147], Фаровуз номи эса суғдча *р’ууз* ёки хўтан. *рагауус* — «оқмоқ», «оқиб ўтмоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 44].

Ўрта асрларда Фарабр шаҳри *қухандиз*, *мадина* ва *рабаддан* иборат бўлиб, шимол томондан мудофаа деворлари билан ўралган эди. Жоме масжиди шимолий дарвоза ёнида, намозгоҳ (*ал-мусалло*) эса шаҳар ташқарисида жойлашган эди. X асрда бу ерда бир нечта чиройли работлар бўлиб, улардан бирини амир Наср ибн Аҳмад (301 — 331/914 — 943 йилларда ҳукм сурган) қурдирган эди [al-Moqaddasi: 291]. Яна бир работни Тоҳир ибн ‘Али ат-Тоҳирий (821 — 822 йилларда ҳукм сурган). Бу работ шунчалик машҳур эдики, бутун Фарабр шаҳри ҳам унинг номи билан Работ Тоҳир ибн ‘Али (رباط طاهر بن علي) [Ковалевский 1956: 122] ёки Қарийат ‘Али (قرية علي) «‘Али қишлоғи» деб аталган [Kodama: 203]. Фарабр қалъаси, яъни *қухандиз* дарёнинг

бўйида жойлашган эди [Ибн аш-Шихна II: 27]. Фарабр шаҳри XIII бошларида Чингизхон томонидан харобага айлантирилгандан кейин кичик бир қишлоққа айланган. Лекин XIV асрда ҳам Фарабрда тангалар зарб этилган [Zambaur 1968: 183]. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги Чаҳоржўй вилоятига қарашли Битик амлокида Фараб номли қишлоқ қайд этилган [НПБЭ: 133]. Ўрта асрлардаги Фарабр шаҳрининг харобалари ҳозирги Фараб темир йўл бекатидан 10 км ва Амударёнинг ўнг қирғоғидан 1 км масофада жойлашган бўлиб, Қуйиқалъа деб аталади. Шаҳар тахминан 80 га майдонни эгаллаган, мудофаа деворлари билан ўралган ва 4 та дарвозаси бўлган. Харобаларнинг шимолий қисмида 40 та эшиги бўлган катта бир бинонинг қолдиқлари топилган. Эҳтимол бу Фарабрнинг машҳур работларидан бирининг харобаларидир [Массон 1966: 167 – 177]. Фарабр ҳақида қаранг: Spuler 1965: 915 – 916; Kerkhoda XI: 17031, 17034. У ҳақида яна қаранг: XI, 25.

10. Карминийа (كرمينيه) ёки Кармина (كرمينه) — Бухородан 18 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [ас-Самъоний X: 403]. У Тавовис қишлоғидан катта бўлиб, атрофида қишлоқлар кўп бўлган [al-Istakhri: 310]. Исломдан олдин у Бодийаи Хурдак деб аталган бўлиб, X асрда унда жоме масжиди бўлган [Наршахий: 20].

11. Худиманкан (خديمكن) — Карминийадан 2 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ. XII асрда унда шофий мазҳабидагиларнинг масжиди бўлган [ас-Самъоний V: 61].

12. Харжонкат (خرجانكت) ёки Харжонкат (خرجانكت) — Карминийадан 1 *фарсах* масофада дарё бўйида жойлашган қишлоқ [al-Istakhri: 314]. X асрда унда жоме масжиди бўлган [Hudud al-'Alam: 112].

13. Мадйомижкат (مذيامجكت) — Карминийадан 1 *фарсах* масофада Байканд йўлидан ўнгда жойлашган қишлоқ [al-Istakhri: 313 – 314]. X асрда унда жоме масжиди бўлган [Hudud al-'Alam: 112].

14. Наршахий маълумотида кўра, Байкандда Бухоро вилоятидаги ҳар бир қишлоқ аҳлининг ўз работлари бўлиб, уларнинг сони мингдан ортиқ бўлган [Наршахий: 24 – 25]. Айрим маълумотларга кўра, Байканд работларининг сони 3 мингга етган [ас-Самъоний II: 373 – 374].

15. *меҳроб* (محراب) — араб., масжиднинг ички деворига қурилган, Макка жойлашган қибла томонни кўрсатувчи безакли махсус жой.

Мусулмонлар жамоаси масжидга келганда шу меҳробга қараб намоз ўқиган. Меҳроб масжиднинг энг муътабар ери ҳисобланади. У ҳақида қаранг: Fehérvári 1993: 7 – 15; Большаков 1991: 166; Kexkhoda XIII: 20373.

## XXVI [БУХОРО АҲОЛИСИ]

1. *лисон ас-суғд* (لسان السغد) — араб., суғд тили. Бухоро воҳасида суғд тилининг маҳаллий шеvasи бўлиб, Самарқанд, Нахшаб ва Кеш шеваларидан биров фарқ қилган [Исхаков 2008: 102 – 107; Лурье 2004].

2. *ад-дариййа* (الدريّة) — дорий тили, яъни янги форс тилининг Ўрта Осиёда араб алифбоси асосида шакланган адабий шакли.

3. *дирҳам* (درهم) — Араб халифалигида муомалада бўлган кумуш пул бирлиги.

4. *динор* (دينار) — Араб халифалигида муомалада бўлган олтин пул бирлиги. Лекин у кўпроқ бойлик вазифасини ўтаган ва унинг қиймати вазиға қараб белгиланган [Давидович 1978: 23 – 25].

5. *ал-ғитрифиййа* (الغطريفية) — Наршахий маълумотиға кўра, бу тангани Хуросон амири Ғитриф ибн ал-‘Ато ал-Киндий 185/801 йилда зарб эта бошлаган [Наршахий: 37]. Лекин Ғитриф ибн ал-‘Ато ал-Киндий Хуросонда 175 – 176/791 – 792 йилларда ҳукм сурган. Бу танга Бухорода исломдан олдин муомалада бўлган бухор-худот тангаларининг шаклида зарб этилган, фақат унинг таркибига кумуш ўрнига бошқа маъданлар кўпроқ қўшилган. Натижада унинг ранги оқ эмас, қорамтир бўлган. Лекин бу дирҳамларнинг қиймати кумуш дирҳамларға тенг, айрим ҳолларда эса улардан ҳам юқори бўлган [ал-Бируни 1963: 229 – 230].

6. Наршахий маълумотиға кўра, бу тангалар тилла, кумуш, мушк, қалай, темир ва мис қоришмасидан иборат бўлган [Наршахий: 38]. Кимёвий таҳлил Наршахий кўрсатган қоришма таркиби умуман тўғри эканлигини тасдиқлади, лекин уларнинг таркибида тилла бўлмаган.

7. *ал-муҳаммадиййа* (المحمدية) — бу тангаларнинг кўриниши ғитрифий дирҳамлари билан бир хил бўлган, лекин уларда кумушнинг миқдори кўпроқ бўлиб, унинг нисбати 40 % ни ташкил этган.

8. Бу тангаларда бошида тожи бўлган подшоҳнинг сурати тас-  
вирланган, лекин бу бухор-худотнинг сурати эмас, балки Сосоний  
шоҳаншоҳи Вараҳран V (421 — 438 йилларда ҳукм сурган) нинг  
сурати эди.

9. Бу ҳарфлар сугд ёзувининг Бухорода ишлатилган бир тури эди.

10. Бу маълумотдан кўринадики, Асад ибн Сомоннинг аждодлари  
бухор-худотлар сулоласига мансуб ёки улар билан қариндош бўлганлар.  
Маълумки, Сомонийлар Сосонийлар саркардаси Баҳром Чубиннинг  
Бухоронинг туркий ҳукмдори Эл-тегин (Пармуда) нинг қизига  
уйланишидан дунёга келган авлодлари бўлганлар [Камолитдин 2006:  
15 — 18]. Бухор-худотлар ҳам Бухоронинг туркий ҳукмдорлари Эл  
Арслон (Шер-и Кишвар) ва Эл-тегин (Пармуда) билан яқин қариндош  
бўлганлар.

11. *ал-мусаййабийа* (المسيبية) — бу тангаларнинг кўриниши  
*эитрифий* дирҳамлари билан бир хил бўлган, лекин уларда кумушнинг  
миқдори яна ҳам кўпроқ бўлиб, унинг нисбати 70 % ни ташкил этган.

12. *ал-исмо‘илийа* (الاسماعيلية) — бу дирҳамлар оз миқдорда соф  
кумушдан зарб этилган. Уларнинг кўриниши Араб халифалигининг  
дирҳамлари шаклида бўлиб, ёзувлари арабча бўлган.

13. Абу Иброҳим — яъни амир Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн  
Сомон, 279 — 295/892 — 907 йилларда Бухорода ҳукм сурган.

14. *фалс* (فلس) — Араб халифалигида муомалада бўлган мис танга.

15. *ал-бухориййа* (البخارية) — Бағдод ва Араб халифалигининг бошқа  
шаҳарларида Бухорода тайёрланган юқори сифатли нафис матолар ва  
кийимлар жуда машҳур бўлган. Наршахий маълумотига кўра, Бағдоддан  
ҳар йили махсус одам келиб, Бухоро хирожининг эвазига шу  
кийимликлардан олиб кетар эди [Наршахий: 26].

16. *карбос ёки карпос* (كرباس) — пахтадан тайёрланган енгил мато.

## XXVII

### [БУХОРО – СОМОНИЙЛАР ПОЙТАХТИ]

1. Наршахий маълумотига кўра, Бухорода исломдан олдин ва ислом  
давридаги бирорта подшоҳ ўз қасрининг ичида ўлмаган. Подшоҳнинг  
ажали етган вақтда бирор сабаб юз бериб у қасрдан ташқарига чиққан ва  
бошқа бир жойда вафот этган [Наршахий: 29].

2. Наршахий маълумотида кўра, бу қаср бино қилингандан бери бунда ҳаёт кечирган ҳеч бир подшоҳ мағлубиятга учраган эмас, аксинча, ҳамиша галаба қозонган [Наршахий: 29].

3. Истаҳр (اصطهر) — Эрондаги шаҳар. Бухоронинг илк аҳолиси Истаҳрдан кўчиб келиши милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида бўлган бўлса керак. Чунки Бухоро шаҳрининг энг эски номи Навакметан бўлиб, қадимги эроний тилда «янги қишлоқ» маъносини билдирган. «Бухоро» номи эса VI асрда вужудга келган бўлиб, санскритча *vihara* — «буддавий ибодатхона» сўзининг туркча (*buxar*) шаклидир.

4. Сомонийлар қонуний жиҳатдан Хуросон амирлари бўлиб, уларга Хуросон ва Мовароуннаҳр ерлари қарашли бўлган. Шунинг учун уларнинг қароргоҳи Бухоро шаҳри X асрда Хуросон ва Мовароуннаҳр пойтахти ҳисобланган.

5. Исмоил ибн Аҳмад 260/874 йилда акаси Наср томонидан Бухорога ҳоким этиб тайинланган эди. 279/892 йилдан бошлаб бутун Мовароуннаҳрда ҳокимият унинг қўлига ўтди.

6. Бунинг асл сабаби шу эдики, унинг исломдан олдинги аждодлари (Эл Арслон ва Эл тегин) Бухорода яшаганлар ва шу ерда дафн этилганлар.

7. Исмоил ибн Аҳмаднинг авлодлари Бухорода 395/1005 йилга қадар ҳукм сурганлар.

8. 204/819 йилда халифа ал-Маъмун буйруғи билан Асад ибн Сомон ўғиллари яхши хизматлари эвазига Мовароуннаҳр шаҳарларига ҳоким этиб тайинланганлар — Нуҳ Самарқандга, Аҳмад Фарғонага, Йахъё Шошга, Илёс эса Ҳиротга ҳоким бўлган.

9. Тоҳирийлар (الطاهرية) — Хуросон амирлари сулоласи, 205 — 259/821 — 873 йилларда Нишопурда ҳукм сурганлар.

10. Сомонийлар Хуросон амирлари Тоҳирийлардан мустақил бўлишга интилган, лекин ҳеч қачон ‘Аббосий халифаларга қарши чиқмаганлар ва Бағдоддан мустақил бўлишга интилмаганлар.

## XXVIII

### [БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚЛАРИ]

1. Байкандга олиб борувчи йўл жануб томонга қараб юрган.
2. ас-Суғда олиб борувчи йўл шимол томонга қараб юрган.
3. ғалва (غلوّة) — отилган камон ўқи учиб ўтган масофага тенг узунлик ўлчови.



## XXIX [АС-СУҒД]

1. ас-Суғд (السغد) — Суғд тарихий маданий вилояти ўрта асрларда асосан Зарафшон ва Қашқадарё водийлари ичида жойлашган ерларни ва уларга шарқий томондан туташган тоғли ўлкани ўз ичига олган. Илмий адабиётда Суғд вилоятини тўртга бўлиб ўрганиш қабул қилинган: Шимолий Суғд (Самарқанд вилояти), Фарбий Суғд (Бухоро вилояти), Жанубий Суғд (Қашқадарё вилояти) ва Шарқий Суғд (Панжикент вилояти). X асрда Суғд деганда асосан Самарқанд ва Бухоро ўрта-сида жойлашган кичик бир туман тушуниланган. Лекин Ибн Ҳавқал «Бухоро, Кеш ва Насафнинг ҳар бирини ас-Суғдга киритса ҳам бўлар эди» деб таъкидлаган [Ibn Naukal: 475]. У ҳақида яна қаранг: I, 2, 9 ва X, 9.

2. ад-Дабусийа (الدبوسية) — Умавийлар (VII аср) даврида бу шаҳарда араб қўшинларининг қароргоҳи жойлашган [ас-Самъоний V: 273]. Бу шаҳарнинг харобалари Зиёвуддин қишлоғидан шарқда жойлашган бўлиб, Қалъаи Дабус деб аталади. Бу ерда катта қадимий қабристоннинг мавжудлиги катта шаҳар бўлганидан далолат беради [Бартольд 1963: 147]. Шаҳарнинг номи унда исломдан олдин ҳукм сурган Дабуса (دبوسه) исми подшоҳ билан боғлиқдир [ан-Насафий 1999: 85, № 100]. ад-Дабусийа атрофларида унга қарашли Бутанин (بتنين) ёки Бутайтин (بتيتن), Рагин (راغن) ва Кандукин (كندكين) номли қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний II: 76, 77; VI: 47; X: 484].

3. Арбинжан (اربنجن) ёки Рабинжан (ربنجن) — бу шаҳарнинг харобалари Каттақўрғондан ғарбдаги Зирабулоқ тепаликлари ёнида Нарпай ариғи бўйида жойлашган бўлиб, Рамижантепа деб аталади. Бу ерда IX — X асрларда фаолият юритган жоме масжидининг харобалари топилган. Археологик тадқиқотларга кўра, бу масжид исломдан олдинги ибодатхона ўрнида қурилган [Буряков, Ростовцев 1984: 155]. Шаҳар XII асрда хоразмшоҳ Эл Арслон (1156 — 1172 йилларда ҳукм сурган) томонидан вайрон қилинган [ас-Самъоний I: 171]. Арбинжан атрофларида унга қарашли Сакон (سكان) ёки Аскон (اسكان), Санкабот (سنکبات), Фурфора (فرفاره) ва Корзан (كارزن) номли қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний VII: 94, 172; IX: 342; X: 314].

4. ал-Кушонийа (الكشانية) — Самарқанддан 12 фарсах масофада жойлашган шаҳар [ас-Самъоний I: 171]. Манбаларда унинг номи Кушон (كشان) [Ibn al-Fakih: 325] ва Кушони (كشاني) шаклларида ҳам қайд этилган [Hudud al-'Alam: 113]. Уни ас-Суғд шаҳарларининг юраги деб ҳам атаганлар [al-Istakhri: 242 — 243]. Бу шаҳарнинг харобалари Каттақўрғон ёнида жойлашган бўлиб, Кошон-ота деб аталади [Бартольд 1963а: 191]. ал-Кушонийа атрофларида унга қарашли Искоран (اسكارن), Исмитан (اسميثن), Хушуфағн (خشوفغن), Размоз (رزماز) ёки Зармон (زرمان) ва Шикистон (شكستان) номи қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний I: 243, 256; V: 61; VI: 110, 294; VII: 375; X: 249].

5. *балад ас-Суғд* (بلد السغد) — бу ерда тор маънодаги ас-Суғд вилояти кўзда тутилган бўлиб, X асрда Бухоро ва Самарқанд орасидаги кичик бир ҳудуд шу ном билан аталган.

6. Бу ерда кенг маънодаги ас-Суғд мамлакати кўзда тутилган бўлиб, исломдан олдин унинг таркибига Самарқанддан ташқари Бухоро, Насаф ва Кеш вилоятлари, шунингдек Панжикент шаҳри ҳам кирган.

7. Чунки девонлар Самарқандда эмас, балки пойтахт шаҳар Бухорода жойлашган эди. Шунинг учун Бухорони маъмурий жиҳатдан ас-Суғд вилояти билан бирлаштириш мумкин эмас эди.

8. X асрдаги *қуҳандиз* Самарқанд шаҳрининг шимолий қисмида жойлашган Афросиёб харобаларида бўлган.

9. Афросиёб харобаларида Сомонийлар саройининг қолдиқлари топилган, у ердан топилган деворий нақш намуналари ҳозирда ЎзР ФА Археология институтининг музейида сақланмоқда.

10. X асрда *ас-сарв* (السرو) дарахтидан қайчи билан кесиб ясалган ҳайвонларнинг шакллари исломдан олдин шу ерда турган ҳақиқий ҳайкалларга тақлид бўлса ажаб эмас. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Самарқанд атрофларида Ғотифар (غاتفر) номи шаҳар бўлиб, унда сарв дарахтлари кўп бўлган [Баевский 1980: 85]. XII асрда Самарқанд шаҳрида Ғотифар (غاتفر) номи маҳалла бўлган [ас-Самъоний IX: 112].

11. Бу ерда Самарқанднинг исломдан олдинги подшоҳлари — *ихшидлар*нинг қасрлари назарда тутилган.

## XXX [САМАРҚАНД]

1. Бу ерда ички шаҳарнинг мудофаа деворлари назарда тутилган. Улар ўраб турган шаҳарнинг майдони тахминан ҳозирги Самарқанд-даги Афросиёб харобаларига тўғри келади.

2. Боб ас-Син (باب الصين) — араб., Хитой дарвозаси, бу дарвоза шаҳарнинг шимоли-шарқий томонига қараган, бу йўлдан карвонлар Шош ва Фарғона орқали Хитойга борган.

3. водий ас-Суғд (وادي السغد) — ас-Суғд дарёси, яъни Зарафшон дарёси.

4. Боб ан-Навбаҳор (باب النوبهار) — Навбаҳор дарвозаси, бу дарвоза шаҳарнинг ғарбий томонига қараган, манбаларда Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) — «Темир дарвоза» деб ҳам аталган.

5. Боб Бухоро (باب بخارا) — араб., Бухоро дарвозаси, бу дарвоза шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонига қараган. Боб Усрушана (باب اسروشنه) — «Усрушана дарвозаси» деб ҳам аталган.

6. Боб Кеш (باب كئش) ёки Боб Кисс (باب كس) — араб., Кеш дарвозаси, бу дарвоза шаҳарнинг жанубий томонига қараган. Унинг номи Боб ал-Кабир (باب الكبير) — «Катта дарвоза» шаклида ҳам учрайди.

7. хон (خان) — кўплик шакли *хонот* (خانات) — форс., ўрта асрларда бу сўз «карвонсарой», «меҳмонхона» маъносига ишлатилган.

8. *наҳр ар-расос* (نهر الرصاص) — араб., «қўрғошин ариқ». Форс-чада бу ариқ Жуйи Арзиз (جو ارزيز) деб аталган [Бартольд 1965: 274 — 276].

9. ас-Сайорифа (الصيارفة) — араб., *сайрафий* (صيرفي) сўзининг кўплик шакли — «сарроф», «пул алмаштирувчи» маъносини билдирган.

10. ас-Саффорин (الصفارين) — араб., *саффор* (صفار) сўзининг кўплик шакли — «мисгар» маъносини билдирган.

11. *ал-жоҳилийя* (الجاهلية) — араб., «жоҳилият», яъни исломдан олдинги даврлар.

12. Ра'с ат-Тоқ (رأس الطاق) — араб., «Арк боши» маъносини билдиради.

13. *ғаллот мавқуфа* (араб. غلات موقوفة) — вақф ерлари, яъни вақф сифатида ажратилган даромади ерлар. Ўрта асрларда давлат ва

айрим кишилар (ер эгалари, савдогарлар) масжид ва мадрасаларга хайрия сифатида мол-мулк (даромад келтирувчи ерлар, дўконлар ва ҳ.к.) ажратганлар. Бу вақфлардан тушган даромад диний муассасалар ва уларда хизмат қиладиганларнинг эҳтиёжи учун сарфланган. Шаҳарлардаги суғориш тизимини таъмирлаб туриш ва уни тартибда сақлаш учун ҳам махсус вақф ерлари ажратилган.

14. *ал-мажус* (المجوس) — араб., «оташпараастлар», «оловга сигинувчилар» демақдир. XII асрда Самарқандда ал-Мажус (المجوس) номли кўча бўлган [ас-Самъоний X: 366].

15. *байт ал-мол* (بيت المال) — араб., «мол уйи», яъни давлат ғазнаси.

16. *ал-жизйа* (الجزية) — араб., дастлаб араблар фатҳ қилинган ерларнинг аҳолисидан ҳаётларини сақлаб қолиш учун жон бошидан олинган ўлпон тури бўлган. Араб халифалиги даврида ҳам *жизйа* мусулмон бўлмаган аҳолидан ҳар йили олинган.

17. Самарқанд жоме масжиди Бухоро дарвозасидан жанубда жойлашган бўлиб, X асрда шаҳардаги энг катта ва энг чиройли бино ҳисобланган. XI асрда уни Тамғочхон Иброҳим таъмирлаб, унинг эгаллаган майдонини яна ҳам кенгайтирган.

18. Асфизор ёки Исфизор (اسفزار) — Хуросонда Ҳирот билан Сижистон ўртасида ўрта асрларда Исфизор (اسفزار) номли шаҳар бўлган [ас-Самъоний I: 239]

19. Самарқанддаги Афросиёб харобаларида топилган Сомонийлар саройининг деворлари ёғоч ва ганчдан ишланган нақшлар билан безатилган. Ҳозир бу нақшли деворий лавҳалар Самарқанддаги ЎзР ФА Археология институтининг музейида сақланади.

20. Матнда: *ас-сур ва-р-рабад* (السور و الربيض) — араб., «девор ва рабад». Бу ерда Самарқанд шаҳрини унинг атрофларидаги маҳаллалари, боғлари ва далалари билан ўраб турган ташқи девор назарда тутилган. У ҳақида қаранг: V, 3.

21. Афшина (افشينه) — Бухоро вилоятида ўрта асрларда Афшина (افشينه) номли қишлоқ бўлган [at-Tabari II: 1462, 1463, 1517; Наршахий: 23; al-Moqaddasi: 267(C)]. Усрушана вилоятининг исломдан олдинги подшоҳлари *афшин* (الافشين) унвонига эга бўлганлар.

22. Боб Куҳак (باب كوهك) — Куҳак дарвозаси, *рабад* деворининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Бу дарвоза орқали Куҳак тоғи (ҳозирги Чўпонота) ёнига чиқилган. Кейинги асрларда

Зарафшон дарёси ҳам айрим манбаларда Куҳак номи билан аталган.

23. Боб Варсанин (باب ورسنين) — Варсанин дарвозаси, рабад деворининг шарқий қисмида жойлашган. Бу дарвоза орқали Варсанин номли қишлоқ йўлига чиқилган. Бу қишлоқ Варсанон (ورسانان) ёки Йоркат (ياركت) деб ҳам аталган [ан-Насафий: 195 (№ 320); al-Sam‘ani: 596a]. Кейинги асрларда Варсин (ورسين) шаклида қайд этилган [СД: 346]. Ҳозирги Самарқанд шаҳридан шарқда Варсин қишлоғи ва Тали Варсин номли тепалик мавжуд [СГСА 1973: 225 — 226]. Унинг номи суғдча *wrs* — «соч толаси», «ип» сўзидан ясалган деган фикр бор [Лурье 2004: 21, 85]. Бу жойнинг номи туркий *varc* (*варсак/варсаг*) этноними билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин [Мирзазаде 1988: 97 — 100]. Озарбайжонда ҳам ўрта асрларда Варсон (ورسان) номли қишлоқ бўлган [Masoudi II: 75; Вторая записка: 37].

24. Боб Фанак (باب فناك) — Фанак дарвозаси, рабад деворининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Самарқанд деворидан ярим *фарсах* масофада Фанак номли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний IX: 337]. Фанак дарвозаси Оқмачит қишлоғи ёнида, Фанак қишлоғи эса Ишратхона мақбараси ва Хожа Абди Дарун мозори оралиғида жойлашган [СГСА 1973: 226].

25. Боб ар-Ривдад (باب الریودد) — Ривдад дарвозаси, рабад деворининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Самарқанддан 1 *фарсах* масофада Ривдад (ریودد) номли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний VI: 209]. Исломдан олдин у Моймурғ туманининг маъмурий маркази, араблар истилосидан кейин эса Суғд *ихшид*ларининг қароргоҳи бўлган [al-Moqaddasi: 266, 279]. Унинг харобалари Самарқанддан 6 км масофада Раванак қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Тали Барзу деб аталади. Археологик тадқиқотларга кўра, унда ҳаёт II — VIII асрларда давом этган [Ставиский 1967: 27]. Унинг номи суғдча *ruw* ва *dad* сўзларидан ясалган бўлиб, «Рив [худоси] берган [ер]» маъносини билдиради [Лурье 2004: 211, 222].

26. Боб Қаср Асад (باب قصر اسد) — Асад қасри ёнидаги дарвоза. Эҳтимол, бу қаср Сомонийларнинг бобокалони Асад ибн Сомонга қарашли бўлгандир. Чунки 204/819 йилда Асад ибн Сомоннинг тўнғич ўғли Нуҳ Самарқандга ҳоким этиб тайинланган эди.

27. Боб Гадовад (باب غداوذ) — Гадовад дарвозаси, рабад деворининг ғарбий қисмида жойлашган. Шаҳар деворидан 1 фарсах масофада Гудовад (غداوذ) номли маҳалла жойлашган [ас-Самъоний IX: 129]. Бу ном сўғдча *γadā* — «ёғоч» ва *γδ* — «ер» сўзларидан ясалган бўлиб, «ёғочли ер» маъносини билдиради [Лурье 2004: 128, 222, 225].

28. Самарқанд шаҳрининг рабадини ўраб турган ташқи деворнинг умумий узунлиги айланасига 12 фарсахни ташкил этган. У ҳақида қаранг: V, 3.

29. Амир Исмоил ибн Аҳмадгача бутун Мовароуннаҳрда ҳокимият унинг акаси амир Наср ибн Аҳмаднинг қўлида эди. У 250 — 279/864 — 892 йилларда Самарқандда ҳукм сурган.

30. Боб Исбаск (باب اسبىسك) ёки Боб Исбашк (باب اسبىشك) — Исбаск дарвозаси, рабад деворининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. XII асрда Самарқанддан 2 фарсах масофада Исбискат (اسبىسكت) номли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний I: 211]. XVI аср ҳужжатларида Мотирид ёнида жойлашган Исбаск (اسبىسك) қишлоғи қайд этилган [СД: 187]. У тахминан Афросиёбдан шимоли-ғарбдаги Қундуз Сўфи ва Ўзбек Кенти қишлоқлари ёнида жойлашган [СГСА 1973: 228]. Бу ном сўғдча *ʿsr* — «от» ва *-ask* суффиксидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 222].

31. Боб Сухашин (باب سوخشىن) ёки Боб Шухашин (باب شوخشىن) — Сухашин дарвозаси, рабад деворининг шимолий қисмида жойлашган. Бу ном сўғдча *swxs* сўзи ва *-āna* суффиксидан ясалган бўлиб «ёндирилган» маъносини билдиради [Лурье 2004: 222].

32. Боб Афшина (باب افشینه) — Афшина дарвозаси, рабад деворининг шимолий қисмида жойлашган. Юқорида ас-Сўғд дарёсининг нариги қирғоғида жойлашган Афшина (افشینه) номли ер қайд этилган эди.

33. Боб Фаррухшид (باب فرخشىذ) — Фаррухшид дарвозаси, рабад деворининг жанубий қисмида жойлашган. Бу дарвозадан Кеш йўлидаги Фаррухшид номли қишлоққа борилган. Самарқанддан жанубда жойлашган бу қишлоқ Фаррухшод (فرخشاذ) деб ҳам аталган [at-Tabari II: 1540]. Унинг номи ўрта форс тилида *Farraxv šād* — «Фаррух шод» ёки «Фаррухнинг шодлиги» деган маънони билдиради [Лурье 2004: 49, 180, 222]. Бу номнинг иккинчи қисми

*ixšid* — «ихшид» унвони бўлиши ҳам мумкин [СГСА 1973: 226 (26)].

34. Туббаъ (تبع) — қадимги Йаман подшоҳларининг сулолавий исми.

35. Зулқарнайн (ذو القرنين) — араб., «Икки шоҳли [одам]», қадимги Юнонистон подшоҳи Македониялик Александрнинг арабча лақаби, милоддан аввалги 329 — 327 йилларда у Ўрта Осиёни забт этган. Искандар Зулқарнайннинг арабча исми илк бор Қуръонда тилга олинган.

36. Абу Бақр ад Димашқий — келиб чиқиши Суриядаги Дамашқ шаҳридан бўлган тарихчи олим.

37. ал-Кабир (الكبير) — араб., «Катта» демакдир. Бу дарвоза Кеш дарвозаси билан бирдир.

38. ал-ҳимйорийя (الحميرية) — ҳимёрий тили, араб тилидан олдин қадимги Йаманда ишлатилган ўлик тил.

39. Санъо (صنعاء) — қадимги Йаман давлатининг пойтахти. Ҳозир ҳам шу ном билан аталади.

40. Абу-л-Музаффар Муҳаммад ибн Луқмон ибн Наср ибн Аҳмад ибн Асад — шажарасига кўра, у Самарқанд амири Наср ибн Аҳмаднинг набираси бўлган.

41. ал-Муқаддасийга кўра, Мовароуннаҳр аҳолисининг ичида энг чиройлиси аш-Шош ва Фарғона аҳолисидир. Улардан кейин Насаф, Тароз ва Бороб аҳолиси туради. Уларнинг аёллари гўзалликда тенги йўқдир. Кейин самарқандликлар, кейин бухороликлар ва марвликлар туради [al-Moqaddasi: 336].

42. X асрда Самарқандда энг катта қул бозори бўлиб, бу ерда қулар Бағдодга юборилишидан олдин махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтган.

43. Куҳак (كوهك) — форс., «кичик тоғ» демакдир. Ҳозир бу тоғ Чўпонота деб аталади.

44. мил (ميل) — минг зироъ (1 зироъ — 75 см) ёки 750 м га тенг узунлик ўлчови.

45. ан-нура (النورة) — араб., «оҳак», ёки бадандаги тук ва юнглари йўқотиш учун ишлатиладиган модда.

46. Археологик маълумотларга кўра, Самарқанд кўчалари ва бозорларининг кўп қисмига Чўпонота тоғидан олиб келинган тошлар ётқизилган [Буряков, Ташходжаев 1975: 10 — 12].

## XXXI [САМАРҚАНД АРИҚЛАРИ]

1. Жан (جن) — бу сўз суғдча *-jan* бўлиб, «сой», «ариқ» маъносини билдиради. Айрим манбаларда бу кўлнинг номи Жай (جي) шаклида ҳам учрайди. «Худуд ал-олам» га кўра, бу кўл Дарйожа (دریازه) деб аталган бўлиб, бу ерда Ўрта Буттамон сувлари йиғилган [Худуд ал-‘Алем: 236; Hudud al-‘Alam: 115]. Ал-Муқаддасий харитасида ас-Суғд дарёсининг юқори оқимида Бухайрат Зара (بحيرة زره), яъни Зара кўли кўрсатилган бўлиб, унга тоғлардан бошланувчи 3 та дарё қуйилган [al-Muqaddasi: 449, map]. Ҳозир бу кўл Искандаркўл деб аталади [Лурье 2004: 46, 131]. У ҳақида яна қаранг: XXXVIII, 13.

2. Барғар ёки Бурғар (برغر) — яъни Парғар ёки Фарғар, Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари орасида Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги ал-Буттам тоғли ўлкасининг таркибига кирувчи туман [Якубов 1979]. Муғ тоғидан топилган суғдча ҳужжатларда унинг номи *prγr-cth* ва *prγr-h* шаклларида қайд этилган [СДГМ II: 93, 172; III: 84]. Маъмурий жиҳатдан Усрушана таркибига ҳам киритилган [al-Muqaddasi: 266; Худуд ал-‘Алем: 236]. Бу ном суғдча *pr-γr* — «тоғли [ўлка]» (қадимги эроний *para-gari* — «тоғ олди») маъносини билдиради [Лурье 2004: 46, 119, 120, 200]. Кейинги асрларда бу ерлар Фолғар деб аталган. Ҳозирги Мастчо номи қишлоқ ҳам унинг таркибига кирган. У ҳақида яна қаранг: XXXVII, 43.

3. Бунжикат ёки Банжикат (بنجيكث) — Бухоро дарёси, яъни Зарафшон бўйидаги шаҳар [Hudud al-‘Alam: 113]. Бу шаҳар Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларида *pnscyknδh* шаклида [Смирнова 1961: 221], XVI аср ҳужжатларида Панжикат (پنجيكث) шаклида қайд этилган [СД: 357]. Ҳозир ҳам бу шаҳар Панжикент деб аталади [Лурье 2004: 91]. Илк ўрта асрларда бу ерда йирик шаҳар бўлиб, унинг харобалари катта майдонни эгаллаган. Археологлар бу ерда деворларига рангли суратлар чизилган катта ибодатхона, ҳашаматли қасрлар ва маҳаллаларнинг қолдиқларини ковлаб топганлар [Живопись 1954]. Қазилар ишлари ҳали ҳам давом этмоқда.

4. Варағсар (ورغسر) — Самарқанд вилоятидаги бир қишлоқ [al-Sam‘ani: 581R]. Унинг номи суғдча *βary* — «тўғон» ва *s’r* — «бош»



сўзларидан ясалган бўлиб «тўғон боши» маъносини билдиради [Лурье 2004: 147 – 148]. Бу ер дарё сувининг ариқларга тақсимланиш жойи (قسمتگاه آب) бўлган [Hudud al-‘Alam: 113]. Бу номнинг арабча таржимаси: Ра’с ас-Сақр (راس السكر) ёки Ра’с ас-Садд (راس الصد). XI асрда Самарқандда Сиқойа Боши деган жой бўлиб, бу туркий ном ҳам «тўғон боши» маъносини билдирган [Khadr 1967: 317]. Бу қишлоқ Дарғом ариғининг бошида Работхўжа қишлоғи ўрнида жойлашган [Бартольд 1963: 133].

5. Ғубор (غوبار) – бу номнинг келиб чиқиши аниқ эмас.

6. Наҳр Барш (نهر برش) – XIV аср ҳужжатларида Бухоро вилоятида Варишун (وريشون) номи қишлоқ қайд этилган [Чехович 1965: 223].

7. Наҳр Бормиш (نهر بارمش) – бу ариқнинг номи туркча бўлиши мумкин (бор + миш).

8. Наҳр Башмин (نهر بشمين) – суғдча *pyšmin* – «қишлоқ орқаси» маъносини билдиради [Лурье 2004: 125].

9. ад-Дарғам (الدرغم) – ас-Самъоний маълумотида кўра, Дарғам (درغم) Самарқанддан 2 фарсах масофада жойлашган *ноҳийа* бўлиб, унда бир нечта қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний V: 300]. Ҳозир Зарафшондан сув олиб, Самарқанддан жанубда оқувчи ариқ Дарғам деб аталади. Унинг бўйида қалъа деворларининг қолдиқлари топилган [Ростовцев 1975: 99]. Шуни айтиш керакки, Дарғам дунёдаги инсон қўли билан барпо қилинган энг узун сунъий ариқлардан биридир. Унинг номи қадимги эроний *darga* – «узун» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 19, 43, 79, 127]. Птолемей харитасида Бактрияда Амударёга чап томондан қуйилувчи ҳозирги Қундуздарё Kargaedos (ёки Δαρϋαμανης) деб аталган [Tabulae Geographicae 1583: VII]. Ўрта аср манбаларида бу дарёнинг номи ад-Дирғом (الضرغام) шаклида қайд этилган [at-Tabari II: 1590; Ibn Khordadbeh: 33; Ibn Rosteh: 93]. Бу дарё номининг келиб чиқиши ҳам Дарғам дарёсининг номи билан бирдир [Лурье 2004: 79]. ад-Дарғам атрофларида унга қарашли Хохсар (خاخسر), Кундикат (کنديکت) ва Йашкандиза (يشکنديزه) номи қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний V: 9, 300; VII: 11; X: 486].

10. Моймурғ ёки Моймарғ (مايمرغ) – Самарқанддан 2 ёки 3 фарсах масофада [ас-Самъоний IX: 136] аш-Шовдор ва Варағсар

орасида ад-Дарғам ёнида жойлашган *рустоқ* [al-Istakhri: 320 – 321]. Исломдан олдин бу катта *рустоқнинг* маъмурий маркази Зарафшон дарёсидан жанубда Самарқанддан 35 км масофада Дарғом даштида Бағрин қишлоғи ёнида жойлашган Қулдортепа харобалари ўрнида бўлган. Бу шаҳарда ҳаёт III – XII асрларда давом этган, лекин VIII асрдан кейин у таназулга учраб, оддий бир қишлоққа айланган [Ставиский, Урманова 1958: 231 – 235]. Бу *рустоқ* ҳудудида Самарқанддан 1 *фарсах* масофада жойлашган яна бир шаҳар Ривдад (الرېودد) деб аталган бўлиб, унда *ихшидларнинг* саройлари бўлган [al-Istakhri: 321; al-Moqaddasi: 266, 279]. Бу *рустоқнинг* номи авест. *m'y(a)* – «шодлик», «яхшилиқ» ва суғд. *m'y* – «ўрмон», «ўтлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 141]. Моймурғ туманида Ғурминаво (غرمينوى) номли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний IX: 136].

11. Санжарфағн (سنجر فغن) – санскрит. *sangharata* – «буддавий ибодатхона» ва суғд. *βγп* – «ибодатхона» сўзларидан ясалган [Бартольд 1963: 114]. Бу номнинг биринчи қисмида форс. *sangar* – «хандақ», «тўсиқ» сўзи бўлиши ҳам мумкин [Лурье 2004: 41, 213]. Кейинги асрларда бу қадимги ном Занжирбоғ шаклига айланган [Вяткин 1902: 38; Смирнова 1971: 99].

12. Наҳр Иштихан (نهر اشتيخان) – ҳозирги вақтда Иштихан шаҳри ёнидан Оқдарё оқиб ўтади. Бу дарё Қорадарёнинг бир ирмоғи бўлиб, Самарқанд ёнида ундан ажралиб чиқади ва Янгиработ ёнида унга қайтиб қўйилади.

13. Наҳр ас-Синовоб (نهر السناواب) – бу ариқнинг номи Сийоҳоб (سياه آب) бўлса керак. XVI аср ҳужжатларида Самарқанд вилоятидаги бир нечта ариқлар шу ном билан аталган [СД: указатель].

14. Наҳр Бузможан (نهر بوزماجن) – Самарқанд вилоятида Бузможан (بوزماجن) номли *рустоқ* ҳам қайд бўлган [Ibn Nauka: 496, 502]. Арабларнинг фатҳ урушларида ас-Суғдда Бузможан (بوزماجن) деҳқонлари қайд этилган [at-Tabari II: 1441]. Бу ном қадимги эроний *ира-ваз-тан* (?) – ва суғд. *jan* – «сой», «ариқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 213]. У ҳақида яна қаранг: XXXV, 27.

15. Видор (ويدار) ёки Вадор (وذار) – Самарқанд вилоятидаги бир қишлоқ ҳам шундай аталган. Унда қалъа ва минорали жоме масжиди бўлган [al-Sam'ani: 579V; al-Moqaddasi: 266]. Унинг номи суғдча *wi-* (*ava-*) префикси ва *δ'r* – «баландлик» сўзидан ясалган бўлиши мумкин

[Лурье 2004: 138 – 139]. Вадор ёнида Тауд ёки Туд (تود), Наво (نوى) ва Вазд (وزد) номли қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний III: 102; al-Sam‘ani: 569R, 576 V].

16. ал-қароҳ (القراح) – араб., «тоза», «соф», «аралашмаган» сув назарда тутилган.

17. Иштихан (اشتخن) – Самарқанддан 7 фарсах масофада ас-Сувда жойлашган шаҳар ва туман (عمل) [ас-Самъоний I: 268]. Унда қалъа, мадина ва рабад бўлган [al-Moqaddasi: 316, 342]. Исломдан олдин бу шаҳарда Самарқанд ихшидларига қарашли саройлар бўлган. XVI аср ҳужжатларида ҳам қайд этилган [СД: 58, 380]. Бу ерда жойлашган туман маркази ҳозир Иштихон деб аталади. Шаҳарнинг номи сувдча ‘sty ва x’p сўзларидан ясалган бўлиб, «саккиз булоқ» маъносини билдиради [Лурье 2004: 72, 145]. Иштихан туманида унга қарашли Бинкат (بنكت), Хайдашгар (خيدشتر) ёки Хандашгар (خندشتر), Зор (زار), Зовар (زاور), Растағфар (رستغفر), Соғарж (صاغر ج), Гуражк (غورجك), Фаранкад (فرنكد) ёки Афранкад (افرنكد) ва Наукадак (نوكدك) номли қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний II: 317; I: 224; V: 227; VI: 114, 219, 225; VII: 9; VIII: 10; IX: 284; al-Sam‘ani: 571R].

18. Фай (في) – Самарқанд вилоятидаги бир рустоқ ҳам Файй (في) деб аталган. Унинг Турк-хоқон исми ўз подшоҳи бўлган [at-Tabari II: 1423]. Файй (في) номли қишлоқ Иштихан ва ал-Кушонийа орасида жойлашган [ас-Самъоний IX: 230]. Фай ариғи XVI аср ҳужжатларида ҳам қайд этилган [СД: 181, 182]. Фай ариғи ҳозир Пай ёки Нарпай деб аталади. Самарқанд вилоятида Нарпай номли туман ҳам бор. Нарпай номи арабча Наҳр Фай номининг қисқа шаклидир. Бу ариқ Каттақўрғондан тахминан 10 км юқорида Қорадарёдан сув олади. Ундан шимолроқда Зарафшондан сув олувчи бошқа бир ариқ эса Пай ариқ деб аталади.

19. Наҳр Кайанжкат ёки Кинажкат (نهر كينجكت) – ариқ ва рустоқ номи. Бу номнинг таркибида сувдча kaθ – «қишлоқ» сўзининг мавжудлиги шу номли аҳоли маскани ҳам бўлганлигидан далолат беради. Матннинг ал-Жибол вилояти ҳақидаги фаслида Кабнажкат ёки Кабанжкат (كبنجكت) номли қишлоқ қайд этилган [Ibn Nauka: 370].

20. ал-Марзубон (المرزبان) – бу рустоқ халифа ал-Муътасимнинг Бағдоддаги саройида унинг хизматида бўлган Ўрта Осиёлик

деҳқонлар орасида суғдлик ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи (المرزبان بن تركش بقي) га қарашли бўлган (қаранг: VI, 12; XXXII, 14).

21. Жирад (قنطرة جيرد) — бу кўприкнинг номи Бирд ёки Пирд (بيرد) бўлганда, у қадимги эроний *prti* — «кўприк» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 97]. Бу ерда Чўпонота ёнида Оқдарёда пишиқ виштдан қурилган Шайбонийхон кўприги назарда тутилган [Бартольд 1963: 137]. Ҳозирги вақтда бу қадимий улкан кўприкнинг фақат бир қисми (арки) сақланиб қолган [Мухамеджанов 1978: 265 — 271].

22. боъ (باع) — 4 зироъ (ذراع) ёки тахминан 3 м га тенг узунлик ўлчови.

## XXXII [САМАРҚАНД РУСТОҚЛАРИ]

1. Илк ислом даврида «шаҳар» тушунчаси жоме масжидининг бор ёки йўқлиги билан белгиланган.

2. аш-Шовдор (الشوادار) ёки Шовадор (شاودار) — Самарқанддан 4 фарсах жанубдаги тоғларда жойлашган *рустоқ* ёки *ноҳийа*. XII асрда унда Урухс (ارخس) ва Ғушдон (غشندان) номли қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний I: 176; IX: 153]. Манбаларда унинг номи ас-Совдор (السوادار) шаклида ҳам учрайди [al-Istakhri: 313, 321]. XVI аср ҳужжатларида Самарқанд вилоятида Шовдор (شاودار) номли ариқ ва туман қайд этилган [СД: 179 — 191, 271 — 272, 342, 347, 357]. Бу тоғлар Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлаган Мастчодан Самарқанд жанубидаги Шаҳрисабз тоғларига қадар чўзилган. Бу тоғларнинг номи суғдча *s'w* — «қора» ва *δ'r* — «баландлик», «нотекис ер» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 138 — 139]. XII асрда аш-Шовдор тоғларида Идаж (ايدج) ёки Идух (ايدوخ), Урухс (ارخس) ва Ғушдон (غشندان) номли қишлоқлар бўлган [ас-Самъоний I: 176, 399, 403; IX: 153].

3. *ал-ихшидиййа* (الاخشيدية) — суғд. *xšud* — *ихшид* — «подшоҳ», юқорида бу сўз *ал-ихшиод* (الاخشاد) шаклида қайд этилган (қаранг: VI, 11). Самарқанднинг исломдан олдинги подшоҳлари, келиб чиқиши туркий бўлган *ихшидлар* сулоласи, VII — VIII асрларда Самарқандда ҳукм

сурганлар. Фарғона подшоҳлари ҳам шу унвонга эга бўлганлар. Бу сўз Самарқанд ва Кешдаги айрим жой номлари таркибида ҳам сақланиб қолган: Фаррухшид (فرخشيذ) [Ibn Naukal: 493] ёки Фаррухшод (فرخشاذ) [at-Tabarī II: 1540], Хашид Равон (خشيد روان) [СД: 84, 184] ва Хашидак (خشيدك) [СД: 69, 70].

4. Абғар (ابغر) — Самарқанддан 5 фарсах масофада жойлашган *рустоқ* ёки *ноҳийа*. XII асрда унда бир нечта қишлоқлар бўлиб, улардан иккитасининг номлари Харъун (خرعون) ва Тахсижа (تخسيجة) эди [ас-Самъоний I: 120; III: 29; т. 5: 85]. Абғар номли шаҳар [al-Moqaddasi: 266, 279] ёки қалъа ҳам бўлиб, унинг ўз подшоҳи (ملك) бўлган [at-Tabarī II: 1418, 1441]. Унинг номи қадимги эроний *ира (abi)-gari* — «тоғ усти» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 119]. Абғар тумани шаҳардан жанубда жойлашган бўлиб, XX аср бошларида Чашмаоб деб аталган [Бартольд 1963: 144].

5. насронийлар ибодатхонаси (عمر للنصارى) — Бу ибодатхона ҳозирги Ургут шаҳри атрофларидаги тоғларда жойлашган.

6. Вазкарда (وزكرده) — Самарқанд вилоятида Вадор ёнида Возд (وازد) ёки Визд (ويزد) номли қишлоқ ҳам бўлган [al-Sam‘ani: 576V]. Муғ тоғидан топилган сугд хужжатларидан бирида *wyztkrt* номли қишлоқ қайд этилган [Grenet, de la Vaissière 2002: 159 — 161]. Бу номнинг биринчи қисми *weh* — «энг яхши» ва *-azd* — «машхур», иккинчи қисми эса *kart/kirt/jird* — «яратди» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 177 — 178]. Бу қишлоқ ҳозирги Ургут яқинидаги Қинғир қишлоғи ўрнида бўлган [Бартольд 1963: 145].

7. Бу *рустоқ* аҳолисининг кўпчилиги турклардан иборат бўлиши мумкин. Чунки илк ўрта асрларда чорвачилик билан асосан кўчманчи туркий қабилалар шуғулланганлар. Турк хоқонлиги даврида Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар аҳолисининг катта қисмини турклар ташкил этган. Араблар келгандан кейин уларнинг сони бироз камайган, лекин ислом даврида ҳам Самарқандда туркий аҳолининг нисбати анча кўп бўлган ва Темурийлар давригача бу ерда қадимги туркий тил муомалада бўлган [Камолиддин, Умаров 2009: 13 — 24].

8. *қафиз* (القفيز) — араб., ўрта асрларда ишлатилган тахминий ҳажм ўлчови бирлиги.

9. Йоркат (ياركت) — Усрушана чегарасидаги *рустоқ* [al-Moqaddasi: 279]. Усрушанада ҳам шу номли қишлоқ бўлган [al-Sam‘ani: 596V]. Агар бу ном Боркат (Аборкат) номининг ўзгарган шакли бўлмаса, унда

туркий *jar* — «жар» [ДТС: 238] сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 101]. Шарқий Туркистонда ҳам шу номли шаҳар бўлиб, ҳозир у Ёркент деб аталади.

10. Фурнамад (فورنمذ) — Ж.Крамерс танқидий матнида бу ерда ҳам ва бошқа ерда ҳам шундай берилган [Ibn Naukal 1967: 499, 515], М.де Гуйе танқидий матнида ва бошқа манбаларда — Бурнамад (بورنمذ) [Ibn Naukal 1873: 373, 398; al-Istakhri: 322, 335; al-Moqaddasi: 266, 279] — Самарқанддан 2 *фарсах* масофада Усрушана томонда Бурнамад (بورنمذ) номли қишлоқ ва туман (عمل) жойлашган [ас-Самъоний II: 328; V: 33]. Ибн Хурдодбеҳ маълумотига кўра, Бурнамад (بورنمذ) Самарқанддан 12 *фарсах* ва Зоминдан 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 26]. «Ф» ва «Б» ҳарфларининг алмашувига қараганда, бу *рустоқнинг* асл номи Пурнамад бўлса керак. Бу ерда 394/1004 йилда Сомонийлар сулоласининг охири амири ал-Мунтасир билан Иликхон ўртасида жанг бўлиб ўтган [ал-Утби: 226]. Бу *рустоқ* ҳозирги Жиззахдан жануби-шарқда оқиб ўтувчи Равотсой ҳавзасида жойлашган. Бу ердаги энг катта қишлоқ Паймарт деб аталади. Эҳтимол унинг номи қадимги Бурнамад номининг бузилган шаклидир [Грицина 2000: 149 — 152]. Бу *рустоқда* оқар сув бўлмаган, унинг аҳолиси фақат ёмғир суви ва булоқлардан фойдаланган [Негматов 1957: 40, 85]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 145; 1965: 192.

11. Аборкат (اباركت) ёки Боркат (باركت) — Самарқанддан 4 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ibn Khordadbeh: 26; at-Tabari II: 1431; III: 82; al-Moqaddasi: 279]. Исломдан олдин бу шаҳар Усрушанага қарашли бўлган, кейин маъмурий жиҳатдан Самарқандга ўтган [ас-Самъоний II: 32]. Унинг қолдиқлари Самарқанддан шимоли-шарқдаги Оқтепамитан қишлоғи ёнида жойлашган [СГСА 1973: 187]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 145; 1965: 192].

12. Кабуданжкат (كبودنچكت) — Самарқанддан 2 *фарсах* масофада жойлашган шаҳарча [ас-Самъоний X: 345]. Шаҳардан 4 *фарсах* масофада Кабуд (كبود) номли қишлоқ ҳам бўлган [ас-Самъоний X: 347].

13. ас-Сибобиййа (السباعية) — Бану Сибоб уруфига мансуб араблар ва уларнинг *мавлolari*, яъни ҳимояси остидагилар. XI асрда Самарқандда Абу ‘Али ал-Ҳасан ибн ‘Али ибн Сибоб ибн ан-Надр

ибн Масъада ибн Бужайр ал-Бакрий ас-Самарқандий исми бир муҳаддис яшаган [ас-Самъоний VII: 22]. У айнан шу Сибоб уруғига мансуб самарқандлик Бакр ибн Во'ил арабларидан бири бўлган.

14. ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи (المرزبان بن تركش بقي) — у ҳақида қаранг: VI, 12; XXXI, 20.

### XXXIII

#### [САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ]

1. ал-исмо'илийя (الاسماعيلية) — бу дирҳамлар оз миқдорда соф кумушдан зарб этилган. Уларнинг кўриниши Араб халифалигининг дирҳамлари шаклида бўлиб, ёзувлари арабча бўлган. Бу дирҳамлар ҳақида яна қаранг: XXVI, 12.

2. Бу дирҳамларнинг шакли соф кумушдан қуйилган дирҳамлар билан бир хил, лекин уларнинг таркибидаги кумушга мис, темир ва бошқа арзон маъданлар қўшилган. Шунинг учун уларнинг ранги ҳам қорамтир бўлган ва «ноқис» дирҳамлар деб аталган.

3. Бу пуллар ҳақида қаранг: XXVI, 3 — 8.

### XXXIV

#### [САМАРҚАНДВИЛОЯТИДАГИ ШАҲАРЛАР]

1. Ужайф ибн Анбаса (عجيف بن عنبسة) — IX асрда Бағдодда 'Аббосий халифалар саройида катта лавозимларни эгаллаб хизмат қилган сўғдлик туркий деҳқонлардан бири. У ҳақида яна қаранг: VI, 13.

2. ал-Муътасим (المعتصم) — 'Аббосийлар сулоласига мансуб халифа, 218 — 227/833 — 842 йилларда Бағдодда ҳукм сурган.

3. ал-Муътамид (المعتد) — 'Аббосийлар сулоласига мансуб халифа, 256 — 279/870 — 892 йилларда Бағдодда ҳукм сурган.

4. Муҳаммад ибн Тоҳир ибн 'Абдуллоҳ ибн Тоҳир — Хуросон амирлари бўлган Тоҳирийлар сулоласининг сўнги ҳукмдори, 248 — 259/862 — 873 йилларда Нишопурда ҳукм сурган.

5. иқтоъ (اقطاع) — араб., «бўлиб бермоқ», «ажратиб бермоқ» феълидан ясалган атама. Ўрта асрларда давлат томонидан муайян ҳудудлардан хирож олиш ҳуқуқининг айрим шахсларга берилиши шундай деб аталган. Бу ҳам мулкнинг бир тури ҳисобланиб, одатда ҳарбий

қўмондонлар, давлат амалдорлари ва хизматчиларига яхши хизматлари учун мукофот сифатида берилган.

6. Соғарж тоғлари (ساغرچ) – Иштихандан 5 фарсах масофада Соғарж (ساغرچ) ёки Соғарж (صاغرچ) номли катта қишлоқ бўлиб [ас-Самъоний VII: 9; VIII: 10], у XVI аср ҳужжатларида ҳам қайд этилган [СД: 163; Иванов 1954: 320]. «Бобурнома» да бу ном Соғариж (ساغرچ) ёки Соғаричи (ساغرچي) шаклида берилган [Бабур-наме: 146]. Сурд ҳужжатларида šwүгс (упу) шаклида [Лурье 2004: 60].

7. Йағон (يغان) – бошқа манбаларда бундай ном учрамайди. Қадимги туркий тилида *jaγan* сўзи «фил» маъносини билдирган. Ўрта асрларда туркларда Йағон-тегин исми ҳам ишлатилган [ДТС: 224]. Балки бу қишлоқ шундай исмли ер эгасига қарашли бўлгандир.

## XXXV [КЕШ]

1. Кишш (کش) ёки Кисс (كس) – Қашқадарё водийсининг шарқий қисмида жойлашган Кеш шаҳри (ҳозирги Шаҳрисабз) номининг арабча шакли. IX асрда Кеш шаҳри Самарқанд вилоятига қараган [Ibn Khordadbeh: 26; Jakubi: 264], лекин хирож тўлаганда алоҳида бирлик сифати белгиланган. Кешдаги туз конидан ҳам алоҳида хирож олинган [Ibn Khordadbeh: 39; Ибн ал-Факих: 101]. Илк ўрта асрларда Кеш шаҳри ҳозирги Китоб шаҳри ўрнида жойлашган. Шаҳарнинг энг қадимги марказий қисми харобалари ҳозир Қаландартепа деб аталади. Унинг энг пастки қатламлари милоддан аввалги III – II асрларга мансуб [Крашенинникова 1978: 527]. Ундан олдин воҳанинг бош шаҳри Китобдан шимолда Зарафшон тоғ тизмаси ёнбағирларида жойлашган Узунқир шаҳар харобалари ўрнида бўлган. Археологик маълумотларга кўра, бу ерда шаҳар милоддан аввалги VIII – VII асрларда вужудга келган ва тахминан 70 га майдонни эгаллаган [Сагдуллаев, Лушпенко 1989: 41]. Тахмин қилинишича, қадимги юнон манбаларида қайд этилган Наутака вилоятининг маъмурий маркази шу ерда бўлган [Сагдуллаев 1988: 226]. Кейинчалик бу шаҳар аҳолиси ҳозирги Китоб ўрнига кўчиб ўтиб, бу ерда милоддан аввалги III – II асрлардан бошлаб қадимги Кеш шаҳри жойлашган [Ртвеладзе 1987: 50]. Хитой манбаларида бу шаҳар аввал Сусе, илк ўрта асрларда эса Ши деб номланган [Бичурин II: 286]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 12 – 23.



2. ал-Мусалло (المصلى) — араб., мусулмонларнинг икки асосий диний байрамларида жамоа бўлиб намоз ўқийдиган масжид ва унинг олдидаги очиқ майдон. Ўрта Осиёда бундай ер «намозгоҳ» деб аталган ва одатда шаҳар деворидан ташқарида жойлашган. Кеш намозгоҳи Шаҳрисабз йўлига чиқувчи Баркнон дарвозасидан жанубда жойлашган.

3. Эрта пишар меваларнинг зарарли бўлганлигининг сабаби шуки, улар ҳали етарли даражада пишиб етилмаган.

4. Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) — араб., бу ном «Темир дарвоза» маъносини билдиради. Агар Боб 'Убайдуллоҳ жануб томонда, Боб ал-Мадина ад-Дохла эса ғарб томонда жойлашган бўлса, унда ички шаҳар дарвозалари матнда соат ўқининг ҳаракати бўйлаб санаб ўтилган бўлади. Шунга кўра, Боб ал-Ҳадид ички шаҳарнинг шимол томонида жойлашган деб тахмин қилиш мумкин.

5. Боб 'Убайдуллоҳ (باب عبيد الله) — араб., яъни «'Убайдуллоҳ дарвозаси». Матнда бу дарвоза Боб ал-Ҳадид дарвозасидан кейин санаб ўтилган. Демак, у ички шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган дейиш мумкин.

6. Боб ал-Қассобин (باب القصابين) — араб., яъни «Қассоблар дарвозаси». Бу дарвозанинг номини Боб ал-Қассорин (باب القصارين) — «Тозаловчилар дарвозаси» деб ҳам ўқиш мумкин. Кешнинг жанубий дарвозаси ёнидан оқиб ўтган дарё Наҳр ал-Қассорин (نهر القصارين) деб аталган. Шунга кўра бу дарвоза Кешнинг жанубида жойлашган деб тахмин қилиш мумкин [Бартольд 1963: 188].

7. Боб ал-Мадина ад-Дохла (باب المدينة الداخلة) — араб., яъни «Ички шаҳар дарвозаси». Илк ўрта асрларда шаҳар қадимги шаҳардан ғарбда ва жануби-ғарбда жойлашган. Шунга кўра ички шаҳар дарвозаси қадимги қалъанинг ғарбий ёки жануби-ғарбий томонида бўлган дейиш мумкин.

8. Боб ал-Мадина ад-Дохла (باب المدينة الداخلة) — араб., яъни «Ички шаҳар дарвозаси».

9. Боб Баркнон (باب برکنان) — яъни «Баркнон дарвозаси». Бу дарвоза ташқи шаҳарнинг жануби-ғарбий томонида жойлашган [Бартольд 1963: 189].

10. Баркнон (برکنان) — X асрда бу қишлоқ Китобдан 5 км масофада жойлашган ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида бўлиб, у Кешнинг

ривожланиб келаётган йўлдош шаҳарчаси бўлган. XI – XII асрларда Кеш шаҳрининг маркази ҳам аста-секин шу ерга кўчган. XX аср бошларида Шаҳрисабзнинг шимолий дарвозаси «Китоб дарвозаси» ёки «Арк дарвозаси» деб аталган [Камалиддинов 1996: 22 – 23]. Баркнон номи қадимги эроний *para-kana* – «қайта қазилган ер» сўзларидан ясалган (?) [Лурье 2004: 69, 224]. Бизнингча, Баркнон номининг биринчи қисми *барг* сўзи бўлиб, Шаҳрисабз номидаги *сабз* – «яшил» сўзи шу сўз билан боғлиқдир.

11. Наҳр ал-Қассорин (نهر القصارين) – араб., «Тозаловчилар дарёси» маъносини билдиради. Бу Китобдан жанубда оқиб ўтувчи Оқсув дарёсининг арабча номидир [Бартольд 1963: 188].

12. Сийом (سيام) – бу тоғнинг номи Сом (سام) [Наршахий: 62] ва Сином (سنام) шаклларида ҳам учрайди [Ibn Rosteh: 93]. VIII асрда бу тоғларда арабларга қарши қўзғолон кўтарган Муқанна қальъаси жойлашган бўлиб, 50 мингга яқин одамни сиғдира олган бу қальъанинг ичида булоқ оқиб турган [Наршахий: 62; Ибн ал-Асир VI: 17 – 18]. Маҳмуд ибн Валининг маълумотига кўра, Насаф билан Сағонийон орасидаги тоғлар Сийом деб аталган. Бу тоғлар жуда баланд бўлиб, уларнинг тепасидаги қор ёзда ҳам эримаган ва ҳаво тоза бўлганда улар 40 *фарсах* масофада жойлашган Балхдан ҳам кўриниб турган [Маҳмуд ибн Вали: 13 – 14]. Ҳозирги вақтда Шаҳрисабздан шарқда жойлашган тоғлар Сином деб аталади.

13. Наҳр Асруд (اسرود) – бу дарёдан Китобдан шимолда оқиб ўтувчи ирмоқ ажралиб чиққан. Бу номнинг иккинчи қисми суғдча *rōd* (*rwf*) – «дарё» сўзидан иборат [Лурье 2004: 224].

14. Кашкруд ёки Кашакруд (كشك رود) – бу ном Киш (*kiš*) ёки Каш (*kaš*) номининг кичрайтириш шакли бўлиши мумкин [Лурье 2004: 147]. Асруд дарёсининг юқори оқими шу ном билан аталган [Бартольд 1963: 188 – 189; 1965: 206]. Ҳозирги Қашқадарёнинг номи Кашкруд номининг туркийлашиб ўзгарган шаклидир.

15. Харуда (خروذه) – Китобдан шимолда оқиб ўтган дарё. Бу дарё номининг иккинчи қисми суғдча *rōd* (*rwf*) – «дарё» сўзидан иборат [Лурье 2004: 224].

16. Хушкруд (خشك رود) – бу дарёнинг номи Кашкруд номининг форслашган шакли бўлиб, «қуруқ ўзан» маъносини билдиради [Лурье 2004: 147]. Бу дарё ҳозир Қизилсув ёки Яккабоғдарё деб аталади.

17. Хузорруд (خزار رود) — ҳозир бу дарё Хузордарё ёки Катта Ўрадарё деб аталади.

18. Бу дарёнинг асосий ўзани ҳозир Қашқадарё деб аталади. Қадимги хитой манбаларида унинг номи *ду-мо* шаклида қайд этилган [Бичурин II: 274]. XV асрда Қарши атрофларидаги ариқлардан бири *Тум суви* деб аталган [Яздий: 163]. Тум(а) номининг келиб чиқиши енисей тиллари билан боғлиқ бўлиб, «қора [дарё]» маъносини билдиради [Яйленко 1990: 40]. Птолемей харитасида Сирдарёнинг ўнг ирмоғи бўлган Норин дарёси *Кетис* деб аталган [Tabulae Geographicae 1583: VII]. Ўзбекларнинг хитой уруғи таркибига кирган мўғул қабилалари ичида *тума* номли қабила бўлган [Ахунов 1987: 90].

19. Навқад Қурайш (نوقت قريش) ёки Навкат Қурайш (نوقت قريش) — бу шаҳар номининг биринчи қисми суғдча *naw* — «янги» ва *kaθ* — «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 232; Бичурин II: 274]. Бу номнинг иккинчи қисми *қурайш* сўзидан иборатлиги шуни кўрсатадики, ўрта асрларда унда *қурайш* қабиласига мансуб бўлган араблар яшаган [Бартольд 1963: 206]. Маълумки, *қурайш* араблари Қутайба ибн Муслим қўшинларининг кўпчилик қисмини ташкил этганлар, унинг ўзи ҳам шу қабилага мансуб *боҳила* уруғидан бўлган. Бу шаҳар *қурайш* арабларига мулк сифатида берилган бўлиши мумкин. Мўғуллар истилосидан кейин бу шаҳар вайрон этилган ва у ердаги омон қолган араблар бошқа ерларга тарқалиб кетганлар. Ҳозирги Қашқадарё арабларининг асосий қисми ана шу арабларнинг авлодларидир. Илгари уларнинг сони анча кўп бўлган. Қашқадарёнинг турли ерларида араблар билан боғлиқ жой номлари кўп: Араббанд, Арабон, Арабовул, Арабтўда, Арабтупор, Арабхона, Арабсой ва ҳ.к. [Камолитдин 2003: 73 — 76; 2006: 38 — 43].

20. Субах (سوبخ) — бу шаҳар Насаф — Термиз йўлида Насафдан 6 *фарсах* [ас-Самъоний VII: 183] ёки 1 *марҳала*, Кешдан эса 2 *марҳала* масофада жойлашган [al-Istakhri: 337, 343]. VIII асрда Субах аҳли арабларга қарши Муқанна бошчилигида кўтарилган қўзғолонга биринчи бўлиб қўшилганлар [Наршахий: 62]. Унинг харобалари Ғузордан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, Ўликтепа деб аталади [Массон 1973: 33; Лунина 1984: 27]. Бу шаҳар номининг келиб чиқиши суғд тили асосида шарҳланмаган.

21. Хузор (خزار) — ҳозирги Гузордарё ҳавзасида жойлашган *рустоқ*. Ривоятга кўра, Гузор шаҳрига шоҳ Афросиёб асос солган. Ҳозирги Гузор ҳудудидаги энг пастки қатламлар милоддан аввалги II — I асрларга мансуб. Бу эса, айрим олимларнинг фикрича, Афросиёбнинг тахминий яшаган даврига тўғри келади [Ртвеладзе 1987: 50 — 51]. Лекин аслида Афросиёб Аҳамонийлардан ҳам олдин ҳукм сурган афсонавий Кайонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида, яъни милоддан аввалги IX — VIII асрларда яшаган. VIII аср бошларида Хузорнинг маҳаллий ҳукмдори Сабукра (سبكرى) исми туркий деҳқон бўлган. Унинг Хузордаги қалъаси жуда ҳам мустаҳкам бўлиб, араблар уни куч билан қўлга кирита олмаганлар ва у билан аҳднома тузишга мажбур бўлганлар [at-Tabari II: 1148]. Ўрта аср манбаларида Хузор номли шаҳар ёки қалъа қайд этилмаган. Демак, бу қалъа ўрта асрларда бошқа ном билан қайд этилган бўлиши мумкин.

22. Искифағн (اسكيفغن) — бу шаҳар ҳам Насаф — Термиз йўлида Субаҳдан 1 *фарсах* масофада жойлашган [al-Istakhri: 343]. Унинг номи Сакифағн (سكيفغن) шаклида ҳам қайд этилган [Hudud al-'Alam: 114]. Бу номнинг иккинчи қисми суғдча *вун* — «ибодатхона» сўзидан иборат. Бундай ибодатхоналар одатда фақат шаҳарлар ва катта қишлоқларда қурилган [Смирнова 1970: 225]. Бу номнинг иккинчи қисми суғдча *'ski* — «баланд» [Лурье 2004: 212; Gerschevitch 1954: № 417, 1216] ёки туркча *iski/eski* — «эски» [ДТС: 184, 214] сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Смирнова 1971: 101]. Искифағн номи ҳозирги Эскибоғ қишлоғи номида сақланган [Бартольд 1963: 189]. Искифағн харобалари Гузордан 9 км шимолда Ўликтепадан 8 км масофада жойлашган бўлиб, Хўжа Бузруктепа деб аталади [Лунина 1984: 28].

23. IX асрда Хуросон амири 'Абдуллоҳ ибн Тохир маъмурияти Кеш туз конларидан алоҳида хирож олган [Ibn Khordadbeh: 38; Ибн ал-Факих: 101]. Маҳмуд ибн Валининг маълумотига кўра, Насаф ва Сагонийон ўртасида жойлашган Сийом номли баланд тоғлардан ғарб томонда Нур қишлоғи яқинида ялтироқ ва мазали туз кони бўлиб, бу туз тиббиётда ишлатилган [Маҳмуд ибн Вали: 13 — 14]. XVIII — XIX асрларда Бухоро хонлигидаги Гузор шаҳридан 65 км шарқдаги Гузор тоғларида юқори сифатли тош тузи қазиб олинган. Туз конлари тахминан 20 км ҳудуддаги Лайликон, Бешбулоқкон ва Кўҳнакон (Карри) номли

ерларда жойлашган. Бу ерлардан қазиб олинган туз «башхур тузи», Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда эса «самарқанд тузи» деб аталган [Бубнова 1978: 212].

24. ал-‘аққор (العقاقير) — ‘аққор (عقار) — араб., «доривор ўсимлик», «гиёҳ» сўзининг қўплик шакли.

25. ат-таранжубин (الترنجبين) — Беруний унинг номини таранжубин (طرنجبين) шаклида берган. У яна талангубин (طلنكبين), яъни ангубин ат-талл (انكبين الطل) — «қиров асали», сурёний тилда эса дибшо де талло (دبشا دطلا) ва дибшо базо (دبشايوا) деб аталган [Беруни 1974: 613]. Бу «янтоқ шакар» деб аталган шакарсимон ширин модда бўлиб, у иссиқ кунларда янтоқ ўсимлиги устида пайдо бўлади. Унинг араб манбаларида учрайдиган бу номи форс тилидаги тарангубин сўзининг арабча шаклидир [Каримова 2002: 173]. Усрушанадаги Зомин шахрдан ҳам талқонланган шакар (السكر المدقوق) га ўхшаш ат-таранжубин (الطرنجبين) олинган [ас-Самъоний VI: 223].

26. Кашк (كشك) — бу ном Киш (kip) ёки Каш (kap) номининг кичрайтириш шакли бўлиши мумкин [Лурье 2004: 147].

27. Бузможан (بوزماجن) — Самарқанд вилоятида Наҳр Бузможан (نهر بوزماجن) номли ариқ ҳам қайд этилган [Ibn Haukal: 499]. Арабларнинг фатҳ урушларида ас-Суғдда Бузможан (بوزماجن) деҳқонлари қайд этилган [at-Tabari II: 1441]. Бузможан номи қадимги эроний *ира-ваз-тап* (?) — ва суғд. *jan* — «сой», «ариқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 213]. XII асрда Самарқанд вилоятидаги Бузмохар (بوزماخر) тумани (عمل) нинг ҳудудида Заркарон (زركاران) номли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний VI: 269]. Бу қишлоқ XVI аср ҳужжатларида ҳам қайд этилган бўлиб, ҳозирги вақтда Каттақўрғондан шимолда жойлашган эски қабристон шу ном билан аталади [СД: 32, 180, 391]. У ҳақида яна қаранг: XXXI, 14.

28. Арғон (ارغان) — бу номнинг келиб чиқиши суғд тили асосида шарҳланмаган.

29. Сурруда (سور روده) — бу *рустоқ* номининг иккинчи қисми суғдча *rōd* (*rwt*) — «дарё» сўзидан иборат [Лурье 2004: 224].

30. Санк-карда (سنگ کرده) — де Гуйе танқидий матнида шундай, Крамерс танқидий матнида: Манкура (منكوره), ал-Муқаддасий матнида эса Санкарда (سنكرده) [al-Moqaddasi: 49, 284, 344]. Унинг номи

«тошдан қурилган» маъносини билдиради [Лурье 2004: 179, 203]. Ибн ал-Асир маълумотиغا кўра, арабларга қарши қўзғолон кўтарган Муқаннинг қалъаси Кеш вилоятидаги Сийом ва Санжарда (سنجده) тоғларида жойлашган эди [Ибн ал-Асир VI: 13]. Бу *рустоқ* ҳозирги Қизилсув ёки Сангардак дарёсининг водийсида жойлашган [Бартольд 1963: 124, 189].

31. Моймурғ ёки Моймарғ (مایمرغ) — суғд. *m'umrū* — бу номнинг иккинчи қисми *m'rū* — «ўрмон», «ўтлоқ» маъноларини билдиради [Лурье 2004: 140, 141 ]. Ўрта Осиёда бу номи бир нечта жой номлари бўлган. Биринчиси Самарқанд вилоятидаги *рустоқ*, иккинчиси Насаф вилоятидаги қишлоқ, учинчиси Термиз вилоятида Амударё бўйидаги бир ернинг номи. Бу ерда Насаф вилоятидаги Моймурғ *рустоқи* назарда тутилган бўлса керак.

32. Кеш *рустоқлари* ичида Насаф, Самарқанд ва Сағонийон вилоятларидаги ерлар ҳам қайд этилган. Бунинг сабаби шуки, Ибн Ҳавқал асарида исломдан олдинги Кеш вилоятининг маъмурий бўлиниши акс этган. У даврда Кеш ҳукмдорлари кучли бўлиб, бир вақтлар ҳатто бутун Суғд устидан ҳукмронлик қилганлар, Кеш вилоятининг ҳудудлари эса бутун Қашқадарё водийси ва ундан ташқаридаги айрим ерларни ҳам ўз ичига олган. VIII асрда Кеш аҳолиси арабларга қарши Муқанна бошчилигида кўтарилган қўзғолонда фаол қатнашгани учун Араб халифалиги даврида Кеш таназулга юз тутиб, бу ҳол Сомонийлар даврида ҳам давом этди. Натижада XII асрга келиб, Кеш вилояти маъмурий жиҳатдан жуда ҳам кичик ҳудудни эгаллаган ва илгари Кешга қарашли бўлган кўп шаҳар ва қишлоқлар Насаф, Самарқанд ва Сағонийон ҳудудларига киритилган.

## XXXVI [НАСАФ]

1. Насаф (نصف) — ўрта асрларда (IX — XII асрлар) Қашқадарё водийсининг ғарбий қисмида жойлашган энг катта шаҳар. Исломга қадар бу ерда жойлашган шаҳар Нахшаб (نخشاب) деб аталган. Насаф номи Нахшаб номининг арабчалаштирилган шаклидир. IX асрда Насаф шаҳри Самарқанд вилоятига қараган [Ibn Khordadbeh: 26; al-Jakubi: 264], лекин хирож тўлаганда алоҳида бирлик сифати

белгиланган [Ibn Khordadbeh: 39; Ибн ал-Факих: 101]. Нахшаб шаҳрининг харобалари ҳозирги Қарши ёнида жойлашган бўлиб, Қалъаи Заҳоки Марон деб аталади [Массон 1973: 21]. Ислом давридаги Насаф шаҳрининг харобалари Қаршидан 8 км шимоли-ғарбда Қашқадарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, Шулуктепа деб аталади. Шаҳар мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган [Лунина 1984: 22]. Кебекхон ҳукмронлиги даврида (1309, 1318 — 1321 йиллар) ҳозирги Қарши шаҳри ўрнида ҳукумат саройи қурилгандан кейин шаҳар шу ерда ривожлана бошлаган. Шаҳарнинг номи энди Насаф эмас, Кебекхон қасрининг номи билан Қарши деб атала бошлаган. Қадимги туркий тилда *qarši* сўзи «сарой» маъносини билдирган [ДТС: 429].

2. Боб ан-Нажжорийа (باب النجارية) — бу дарвозанинг номини матннинг бошқа нусхаларидагидек Боб ал-Бухориййа (باب البخارية) деб ҳам ўқиш мумкин. Бу дарвоза Шулуктепа қалъа деворининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, ундан Бухоро йўлига чиқилган.

3. Боб Самарқанд (باب سمرقند) — бу дарвоза Шулуктепа қалъа деворининг шимоли-шарқий томонида жойлашган бўлиб, ундан Жом довони орқали Самарқандга олиб борувчи йўлга чиқилган.

4. Боб Кеш (باب كش) — бу дарвоза Шулуктепа қалъа деворининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, ундан Кеш йўлига чиқилган.

5. Боб Губдин (باب غوبدين) — бу дарвоза Шулуктепа қалъа деворининг жануби-ғарбий томонида жойлашган бўлиб, ундан Колиф йўлида жойлашган Губдин (غوبدين) қишлоғига олиб борувчи йўлга чиқилган.

6. Ўрта асрларда Насафдан Амударё бўйидаги Колиф шаҳрига олиб борувчи йўл чўл орқали ўтган. Ундан бошқа Бухородан Колифга Насафни четлаб ўтувчи 4 кунлик йўл ҳам бўлган. Бу йўл орқали юрган карвонлар Жиким (جكم), Работ Атиқ (رباط عتيق), яъни «Эски работ» ва Жубб Саъид (جب سعيد), яъни «Саъид қудуғи» номли ерларда тўхтаб ўтган [al-Moqaddasi: 343]. Улардан иккитаси — Эски работ ва Саъид қудуғи Насаф вилоятига қарашли бўлган. Ҳозирги Кўҳна Фазли қишлоғи ва Муборак орасидаги йўлда IX — X асрларга мансуб бўлган иккита меъморий ёдгорлик бор — Помук қишлоғидан ғарбда жойлашган Қўшработ қалъаси ва Помукдан 8 км жануби-шарқда жойлашган Қизилтепа ёдгорлиги. Бу иккала ёдгорлик IX — X асрларда карвонлар тўхташи учун хизмат қилган мустаҳкам работлар бўлган [Кабанов 1950:

65 – 66]. XII асрда Насафдан 2 *фарсах* масофада Колиф йўлида Губдин (غوبدين) номли қишлоқ ва *рустоқ* жойлашган [ас-Самъоний IX: 186]. Демак, Насаф ва Жайхун орасида жойлашган чўл шу қишлоқдан жануброқда бошланган.

7. Ра'с ал-Қантара (رأس القنطرة) – араб., «Кўприк боши» Шуллуктепа харобаларидаги бозор майдонидан шимоли-шарқ тарафдаги Самарқанд дарвозаси томон катта кўча ўтган. Бу кўчанинг бир қисми дарё устида қурилган катта кўприк устидан ўтган. Бу кўприк ёнида Қашқадарёнинг тик қирғоғидан 100 м масофада иккита катта бинонинг қолдиқлари топилаган [Массон 1973: 47]. Эҳтимол бу икки бино ҳукумат саройи ва шаҳар қамоқхонасининг қолдиқларидир. У ҳолда айнан ана шу ер Ибн Хавқал матнида Ра'с ал-Қантара, яъни «Кўприк боши» деб аталган.

8. ал-Мусалло (المصلى) – араб., мусулмонларнинг икки асосий диний байрамларида жамоа бўлиб намоз ўқийдиган масжид ва унинг олдидаги очиқ майдон. Ўрта Осиёда бундай ер «намозгоҳ» деб аталган ва одатда шаҳар деворидан ташқарида жойлашган. Насаф намозгоҳи Шуллуктепа қалъа деворининг шимоли-ғарбий қисмидаги Бухоро дарвозаси ёнида, унинг ички тарафида жойлашган.

9. *минбар* (منبر) – масжидда жума намозлари вақтида имом хатибнинг ваъз ўқиши учун мўлжалланган махсус баланд супа. Минбар мавжудлигининг қайд этилиши жоме масжиди бор деган маънони билдиради. Жоме масжидининг мавжудлиги эса ўз навбатида бу аҳоли масканининг шаҳар тоифасига кириши ҳақида далолат беради. Бу ерда *минбар* сўзини «шаҳар» деб тушуниш керак.

10. Базда (بزده) – Бухоро йўлида жойлашган мустаҳкам қалъали катта шаҳар [ас-Самъоний II: 188, 194]. Унинг атрофларида сув танқис бўлса ҳам деҳқончилик ривожланган эди. Дарёнинг суви йилнинг кўп қисмида қуриб қолар эди, шунда деҳқонлар экинларини суфориш учун қудуқларнинг сувидан фойдаланар эдилар [Hudud al-'Alam: 114]. Базда шаҳрининг харобалари Шуллуктепадан 40 км, Қамаша қишлоғидан 10 км жануби-ғарбда жойлашган бўлиб Кўҳна Фазли деб аталади. Унинг энг пастки қатламлари I – II асрларга мансуб [Лунина 1984: 24].

11. Касба (كسبه) – X асрда бу шаҳар эгаллаган майдони бўйича Насафдан ҳам каттароқ бўлган [al-Moqaddasi: 283]. Унинг жоме масжиди XII асрда ҳам фаолият кўрсатган [ас-Самъоний X: 425]. Мўғуллар



истилосидан кейинги асрларда Касби (كسبي) «қишлоқ» сифатида қайд этилган. XVII асрда бу ерда қадимий саййидлар оиласи истиқомат қилган [Махмуд ибн Вали: 80]. Бу қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Шуллауктепадан 30 км, Қаршидан эса 35 км масофада жойлашган. Қишлоқ чеккасида Касбитепа номли шаҳар харобалари мавжуд бўлиб, унинг энг пастки қатламлари ҳам милодий I – II асрларга мансуб [Массон 1973: 28]. Базда ва Касба маданий воҳанинг чўл билан чегарасида бир-биридан 20 км масофада жойлашган тепаликларда бир вақтда қурилган икки қалъа бўлиб, улар орасидаги масофа узоқ бўлса ҳам бирининг тепасидан иккинчисининг тепаси кўриниб турган [Кабанов 1977: 66].

12. Насафнинг сув таъминоти дарёга кўп ҳам боғлиқ бўлмаган, чунки унинг суви кўпинча қуриб қолар эди. Ҳозир ҳам Шуллауктепа ёнида оқиб ўтувчи Қашқадарёнинг суви ёзда қуриб қолади. Шунинг учун шаҳар аҳолиси қудуқлар қазиб ер остидан истеъмол учун сув чиқарганлар. Шуллауктепа харобалари ҳудудида IX – X асрларга мансуб кўплаб қудуқлар топилган [Кочнев 1975: 501].

## XXXVII [УШРУСАНА]

1. Ушрусана (اشروسنه) – Самарқанд ва аш-Шош орасида жойлашган тарихий вилоят. Манбаларда унинг номи Усрушана (اسروشنه) [ас-Самъоний I: 232], Сурушана (سروشنه) [Ibn al-Fakih: 327; Hudud al-‘Alam: 115], Сутрушана (ستروشنه) [al-Moqaddasi: 290] ва Шурусана (شوروسنه) [Ibn Khordadbeh: 169] шаклларида ҳам қайд этилган. Бу вилоятнинг номи буддавий худолардан бирини англатувчи санскритча *suturśan* сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Грицина 2000: 38]. Уйғур ёзувида ёзилган буддавий мазмундаги бир қўлёзмада *Sutrasan* номли шаҳар қайд этилган бўлиб, унинг номи санскритча *sudarśana* сўзидан ясалган [ДТС: 515]. Қадимги юнон манбаларида Усрушана тоғлари «Қояли тоғлар» ёки Montes Oxii – «Окс тоғлари» деб қайд этилган [Тревер 1947: 115]. Араблар Усрушанага бир неча бор юриш қилганлар, лекин 208/822-23 йилгача уни батамом фатҳ эта олмаганлар [al-Beladsori: 430 – 431; at-Tabari

III: 1066]. Бу тарихий вилоят ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, шунингдек, Ўратепа вилоятининг ерларини ўз ичига олган.

2. *ал-иқлим* (الاقليم) — бу сўз «иқлим», «вилоят», «мамлакат», «ўлка» маъноларида ишлатилган.

3. Фомир (فامر) ёки Бомир (بامر) — Вахшоб (Сурхоб) дарёси *харлух* турклари мамлакатидан чиқиб Фомир (فامير) вилоятидан оқиб ўтган [Ibn Rosteh: 92]. Вахшоб дарёсининг юқори оқими ҳозир Қизилсув деб аталган бўлиб, у Олой тоғларидан оқиб чиқади. *Харлух* туркларининг мамлакати Жанубий Фарғона тоғларидир. Ўрта асрларда Бомир (بامير) номли шаҳар ҳам бўлган [al-Jakubi: 290].

4. Шумон (شومان) — ас-Сағонийондан шарқда Ҳисор тоғларининг жанубий ёнбағирларида жойлашган вилоят. Унинг таркибига Охарун (أخرون) номли кичик бир вилоят ҳам кирган. Қоратоғ, Ширкент ва Регар дарёлари ҳавзаларида жойлашган бу ерлар ҳозир Тожикистоннинг Ҳисор ва Регар туманлари таркибига киради. Унинг номи Сумон (سومان) шаклида ҳам учрайди [Фирдоуси VIII: 158, 186]. Исломдан олдин Шумон вилоятининг ҳукмдори кучли бўлиб, ҳатто ас-Сағонийон ҳукмдорлари билан рақобат қилган [at-Tabari II: 1181, 1228, 1447]. Хитой манбаларидаги маълумотларга кўра, Суман ҳукмдори *хи-су* ёки *ки-су* номли туркий уруғига мансуб бўлиб, бу ерда 2 та буддавий ибодатхона бўлган [Chavannes 1903: 199, 276]. X асрда Шумон маъмурий жиҳатдан ас-Сағонийон таркибига кирган, унинг тоғ устида қурилган мустаҳкам қалъаси бўлиб [Hudud al-'Alam: 115], ичида катта сув манбаи, яъни булоқ [at-Tabari II: 1228] ёки қудуқ бўлган [Арабский аноним: 151a]. Шумон қалъаси кейинги асрларда Ҳисор ёки Ҳисори Шодмон деб аталган ва Бухоро хонлиги таркибига кирувчи Ҳисор беклигининг бош шаҳри бўлган.

5. Вошжирд (واشجرد) ёки Вошқирд (واشکرد) — яъни Вошқирд, Шумондан 2 кунлик йўл масофада тоғлар орасида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XIII, 1.

6. ар-Рошт (الراشت) ёки ар-Рост (الراست) — Вошжирддан 4 кунлик йўл масофада тоғлар орасида жойлашган шаҳар. Манбаларда унинг номи Зошт (زاشت) [Hudud al-'Alam: 120] ёки Жошт (ژاشت) шаклларида ҳам қайд этилган [Беруни 1973: 471]. IX асрда у Хуросоннинг шарқда ғайридин турклар чегарасидаги энг чекка шаҳри бўлиб, карвон йўлидан четда жойлашган, йўлдан унганча фақат пиёда етиб бориш

мумкин бўлган [Ibn Khordadbeh: 34]. VIII аср охирида Холид ибн Бармакнинг набираси бўлган ал-Фадл ибн Йаҳйо ал-Бармакий бу ерда туркларга қарши мустаҳкам мудофаа девори қуриб, унга дарвоза ўрнатган [Ibn al-Fakih: 325]. Бу девор ар-Роштдан 27 кунлик йўл масофага, Сирдарё бўйига қадар чўзилган бўлиб, унинг боши, ўртаси ва охирида 3 та қалъа қурилган. Шуларнинг бири ар-Рошт шаҳри яқинида жойлашган бир қалъа эди [Бартольд 1973: 112]. Ар-Рошт қалъаси Вошжирддан 5 кунлик йўл масофада [al-Istakhri: 340; Ibn Naukal: 519], демак, ар-Рошт шаҳридан 1 кунлик йўл масофада жойлашган эди. Рошт вилояти XV асрдан бошлаб Қоратегин деб аталган, Рошт шаҳри эса ҳозирги Гарм шаҳри ўрнида жойлашган [Бартольд 1963: 120 – 121]. Рошт қалъаси эса Гарм вилоятидаги Ҳисорак қишлоғидан 1, 5 км масофада Ясман ва Оби Кабуд дарёлари қўшилиб Сурхоб (Вахш) дарёсига қўйилиш ери яқинидаги ўрта аср қалъасидир [Кисляков 1954: 41 – 42]. У ҳақида қаранг: I, 4 ва XLVIII, 18.

7. Бунжикат (بونجکت) — Ж.Крамерс матнида бу ном Бумижкат (بومجکت) шаклида берилган [Ibn Naukal 1967: 503], лекин бу — Бухоронинг эски номидир. М.де Гуйе танқидий матнида — Бунжикат (بونجکت) [Ibn Naukal 1873: 379], бошқа манбаларда эса — Бунжикат (بونجکت) [al-Istakhri: 326, 343] ва Бунжикат (بنجکت) [al-Moqaddasi: 49, 265, 277]. Унинг ички мадинаси Кунб (کنب) ёки Кент (کنت) деб аталган [al-Beladsofi: 430]. Бунжикат номи суғдча *βunh* — «тешик» сўзи ва -с суффиксидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 96]. X асрда бу шаҳарда Сурушана амирининг қароргоҳи бўлган [Hudud al-'Alam: 115]. Бу шаҳар ҳозирги Ўратепа ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [СГСА 1973: 191]. Бошқа фикрга кўра, у Ўратепа дарёси ҳавзасидаги Шаҳристон қишлоғи ва унинг атрофларида жойлашган бўлиб, 3 қисмдан иборат унинг харобалари Қалъаи Қаҳқаҳа деб аталади. Қухандиз Қалъаи Қаҳқаҳа II, ички мадина Қалъаи Қаҳқаҳа I, рабад эса Шаҳристон қишлоғининг ўзидаги харобалар ўрнида жойлашган [Негматов 1957: 30 – 31, 84; Негматов, Хмельницкий 1966: 191 – 196]. Бу ерда қазиб топилган исломдан олдинги ҳукмдорлар — афшишлар саройининг деворий суратларидан бирида она бўрининг икки гўдакни эмизаётган ҳолати тасвирланган. Бу сурат Византия санъати таъсирида чизилган деб тахмин қилинган эди [Пугаченкова 1986: 152]. Бу суратда қадимги турк афсонасидан бир лавҳа акс этган бўлиши ҳам

мумкин. Бу афсонага кўра, Ашина уруғига мансуб турклар чақалоқ болани боқиб олган она бўридан тарқалганлар [Гюль 2005: 87 – 88]. Афшинлар саройининг марказий хонасида подшоҳ тасвири ўйиб туширилган ёғоч буюмлар топилган [Воронина, Негматов 1976: 241 – 246]. Бу лавҳаларда тасвирланган подшоҳ ва сарой аҳлининг ташқи кўриниши уларнинг туркий бўлганлигидан далолат беради. Усрушана ҳукмдорлари VII – VIII асрларда чиқарган тангаларда тасвирланган подшоҳларнинг суратлари ҳам уларнинг туркий бўлганлигини тасдиқлайди [Смирнова 1971: 59 – 61].

8. Арсубоникат (ارسبانيكث) – [al-Moqaddasi: 265], унинг номи Арсуёникат (ارسيانيكث) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Naukal 1873: 379, 403; al-Istakhri: 325, 343]. Испижоб вилоятида ҳам шу номли шаҳар бўлган [al-Moqaddasi: 263, 273]. Бу шаҳарнинг номи одам исми (Арсбон) билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье 2004: 72, 95]. Бу шаҳар харобалари Қўрғонча қишлоғидан 10 – 15 км жанубда Исфана қишлоғи ёнида Исфанасойнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Қўрғонча деб аталади [Салтовская 1983: 35].

9. Куркат (كركت) – Курдакат (کردكت) шаклида ҳам учрайди [al-Moqaddasi: 49, 265]. Бу шаҳарнинг номи қадимги юнон манбаларида қайд этилган Киресхата (*Κυρέσχατη*) ёки Кирополь (*Κυρούπολις*) шаҳри билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу шаҳарни қадимги Эрон подшоҳи Кир милоддан аввалги VI асрда Яксарт дарёси бўйида сакларга қарши мудофаа қалъаси сифатида қурдирган эди. Лекин бу тахмин лингвистик жиҳатдан тасдиқланмайди [Лурье 2004: 88, 98]. X асрда Куркатда аҳоли кўп, атрофларида эса экинзорлар кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 115]. Куркат ҳозир ҳам шундай аталади. Унинг яқинида антик даврга оид Ширин шаҳар харобалари мавжуд [Негматов 1957: 22]. Қадимги Кирополь харобалари Ўратепа туманидаги Нижанисойнинг чап қирғоғида Хавотоғ номли ерда жойлашган бўлиб Нуртепа деб аталади [Беляева 1990: 80 – 82].

10. Ғазақ (غزق) – [al-Moqaddasi: 265], бу қишлоқнинг номини қадимги юнон манбаларидаги *Газака* шаҳрининг номи билан солиштириш мумкин [Лурье 2004: 57]. X асрда Ғазақда аҳоли кўп, атрофларида эса экинзорлар кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 115]. Фарғона ва Марв вилоятларида ҳам шу номли қишлоқ [ас-Самъоний IX: 141], аш-Шош вилоятида эса Ғазак (غزك) номли шаҳар бўлган [Ibn Naukal:

507]. Бу қишлоқ Хўжанддан 40 км масофада Босмандисой водийсидаги Фазан-Дарак қишлоғи ўрнида жойлашган [Бартольд 1963а: 224].

11. Фағкат (فغكت) — [al-Moqaddasi: 265], бу шаҳарчанинг номи Вағкат (وغكت) шаклида ҳам қайд этилган [al-Istakhri: 326]. Уни қадимги юнон манбаларидаги βάγα шаҳрининг номи билан солиштириш мумкин. Бу ном суғдча βу — «худо» ва καθ — «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 90]. X асрда Фағкатда аҳоли кўп, атрофларида эса экинзорлар кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 115]. Бу шаҳар Ўратепадан Хўжандга олиб борувчи йўлда жойлашган бўлиб, ҳозир унинг ўрнидаги қишлоқ Вағат деб аталади. Унга қарашли рустоқ Босмандисойнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзасида жойлашган [Негматов 1957: 43, 84; Беленицкий, Бентович, Большаков 1973: 190].

12. Собот (ساباط) — [al-Moqaddasi: 265], Самарқанддан 20 фарсах масофада аш-Шош йўлида жойлашган [ас-Самъоний VII: 1; V: 307]. У билан Зомин орасидаги масофа 2 ёки 3 фарсах бўлган [Ibn Khordadbeh: 207; al-Istakhri: 326]. X асрда Соботда аҳоли кўп, атрофларида эса экинзорлар кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 115]. Унинг номи арабча «усти ёпиқ йўл» ёки суғдча s’ptw — «чап томон» маъносини билдириши мумкин [Лурье 2004: 47]. Унинг харобалари Эски Сават қишлоғидан 3 ёки 4 км жануби-ғарбда Хўжамушкентсой бўйида жойлашган бўлиб, Култепа деб аталади [Грицина 1992: 29 — 32]. Собот шаҳрига қарашли рустоқни Шаҳристонсой суви билан таъминлаган [Негматов 1957: 85].

13. Зомин (زامين) — [al-Moqaddasi: 265], Бунжикат дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган. X асрда Зоминда мустаҳкам қалъа бўлган [Hudud al-‘Alam: 115]. Бу ердан талқонланган шакарга ўхшаш ат-таранжубин моддаси олинган [ас-Самъоний VI: 223]. Зомин ўзининг қадимги номини шу кунгача сақлаб қолган, ҳозир у Жиззах вилоятининг туман марказидир. Бу ном суғдча z’yh — «ер» ва tēn(a) — «қишлоқ», «махалла» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 51]. Қадимги Зомин шаҳри ҳозирги Зомин ўрнида жойлашган [Бартольд 1963: 224]. Бу ерда ўрта асрларга мансуб бир нечта харобалар ва тепалар мавжуд [Древний Заамин: 20 — 40]. Шаҳарни сув билан таъминлаб турган Зоминсув дарёси Туркистон тоғ тизмасидан бошланиб, шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтган [Негматов 1957: 85].

14. Дизак (ديزك) — [al-Moqaddasi: 265], у Дизақ (دزق) ёки Дизақ ва Собот (دزق و ساباط) деб ҳам аталган [ас-Самъоний V: 307]. Бу шаҳарда оқар сув бўлган [Hudud al-'Alam: 115]. Бу ном суғдча *δyz* — «қалъа» сўзи ва *-k* суффиксидан ясалган [Лурье 2004: 51, 54, 111]. Бу шаҳар ҳозирги Жиззах шаҳри ўрнида жойлашган бўлиб Факнон (فكانن) номли рустоқнинг маъмурий маркази бўлган. [Негматов 1957: 38; Грицина 200: 150]. Қаранг: XXXVII, 31.

15. Нужкат ёки Нужакат (نوجكت) — [al-Moqaddasi: 265], Бунжикат дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган. Унинг номи суғдча *nwj* — «янги» ва *kaθ* — «қишлоқ» сўзларидан ясалган. Суғд манбаларида унинг номи *nwcknd* — *'k* шаклида қайд этилган [Лурье 2004: 51, 62, 91, 99, 191]. Чоч вилоятида ҳам шу номли шаҳар [al-Istakhrī: 330; al-Moqaddasi: 264; Hudud al-'Alam: 118], Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида эса Дех-и Нужикат (ده نوجيكت) номли қишлоқ бўлган [al-Moqaddasi: 263]. Исбижоб дарвозаларидан бири Боб Нужкат деб аталган [Ibn Naukal: 510]. Усрушананинг Нужкат шаҳри ҳозирги Муғал ва Баҳмал қишлоқлари атрофларида жойлашган [Негматов 1957: 40].

16. Харқона (خرقانه) — Самарқанддан 8 фарсах масофада Харқон (خرقان) қишлоғи ва ундаги шу номли работ қайд этилган [ас-Самъоний V: 88]. Бу икки жой номи аслида бир бўлса керак. Бу ном қадимги юнонча *χάραξ* — «қўналға», «истеҳком», «манзилгоҳ» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 171 — 173]. Бошқа фикрга кўра, Харқон номи суғдча *x(y) r* — «олға юрмоқ» ёки қадимги туркий *qoruyžin* — «қўрғошин» сўзи [Кошғарий I: 460] нинг суғдча шакли бўлган *x(a) ry-zim* сўзидан ясалган [Tremblay 2004: 132]. Ўрта Осиёда ўрта асрларда бу қадимги сўз ёрдамида ясалган бир қанча жой номлари мавжуд эди: Харқонкат (خرقانكت), Харқонруд (خرقانرود), Харғона (خرغانه), Харғонкат (خرغانكت) ва ҳ.к. Усрушанадаги Харқона шаҳрининг харобалари ҳозирги Жиззах шаҳридан жануби-ғарбдаги Ғаллаорол темир йўл бекати ёнида жойлашган [СГСА 1973: 190; Грицина 2000: 150]. Харқона номли рустоқ шимолдаги Қарачатоғ ва жанубдаги Годун ва Оқтоғ тоғлари орасидан оқиб ўтувчи Санзар дарёси водийсининг ўрта қисмида жойлашган [Негматов 1957: 39, 85]

17. Боб ал-Аъло (باب الاعلى) — араб., бу ном «юқори дарвоза» маъносини билдиради.

18. Боб ал-Мадина (باب المدينة) — араб., бу ном «ички шаҳар дарвозаси» маъносини билдиради.

19. Боб Зомин (باب زامين) — Усрушанада Зомин номли шаҳар ҳам бўлган.

20. Боб Марасманда (باب مرسمنده) — Усрушанада Марасманда номли шаҳар ҳам бўлган.

21. Боб Нужкат (باب نوجكت) — Усрушанада Нужкат номли шаҳар ҳам бўлган.

22. Боб Каҳобод (باب كهاباذ) ёки Боб Каҳлобод (باب كهلاباذ) — бу дарвозанинг номи Калобод (كلاباذ) бўлиши ҳам мумкин [Лурье 2004: 225]. Бухорода ҳам шу номли маҳалла бўлган. Лекин бу ерда бу номнинг Каҳобод ёки Куҳобод (كهاباذ) шакли тўғрироқ бўлиши ҳам мумкин. Бу дарвозаларга нисбатан боб («ички шаҳар дарвозаси») атамаси ўрнига *дарб* («ташқи дарвоза») атамаси ҳам ишлатилган [al-Moqaddasi: 277].

23. Сорин (سارين) — Бухоро вилоятида ҳам шу номли қишлоқ бўлган [Чехович 1965: 151 (495)]. Бу иккала ном буддавий суғдча *s' r* (*sry*) — «бош», «тепа» ёки *sar* — «томон», «йўналиш» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 84, 225]. Бунжикат шаҳрини сув билан таъминлаб турган бу дарё ҳозир Ўратепадарё деб аталади. Бу дарё Туркистон тоғ тизмасидан бошланиб, Ховаст (Ховас) чўлигача оқиб борган [Негматов 1957: 84].

24. Абаржан (ابرجن) — М. де Гуїе танқидий матнида — Баржан (برجن). Бу ариқнинг номи суғдча (*'*)*v' r* — «юқори» ва *-jan* — «сой», «ариқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 131, 225].

25. Йаможан (يماجن) — айрим нусхаларда бу ариқнинг номи Можан (ماجن) ва Риможан (ريماجن) шаклида ҳам берилган. Бу икки номнинг иккинчиси суғдча *gut* — «лой», «лойқа» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 133]. Лекин бу ариқ номининг Йаможан шакли ҳам тўғри бўлиши мумкин.

26. Санкжан (سنكجن) — айрим нусхаларда Асанкжан (اسنكجن) шаклида берилган. Бу ариқнинг номи суғдча *s' nk* — «тош» ва *-jan* — «сой», «ариқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 131, 132, 225].

27. Руйжан (رويجن) — бу ариқнинг номи Рубжан бўлса, у суғдча *gur* — «терим», «термоқ» ва *-jan* — «сой», «ариқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 131, 132, 225].



28. С.тин.к.жан (ستينكجن) — М. де Гуїе танқидий матнида Сунбукжан (سنبکجن) шаклида келтирилган. Бу ариқнинг номи суғдча *sn/sb* — «юксакларга кўтарилмоқ» сўзидан ясалган бўлиши мумкин. Агар бу ном Сунбукжан шаклида бўлса, у суғдча *swprk* — «тешик», «тешилган» ва *-jan* — «сой», «ариқ» сўзларидан ясалган бўлиб, «қояларни тешиб ўтган ғор ичидаги сой» маъносини билдиради [Лурье 2004: 131, 133, 225].

29. Ҳақиқатда ариқларнинг сони ҳам 10 та бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида Шаҳристон қишлоғидан 3 — 4 км жанубда бошланувчи 10 та қадимги ариқнинг излари топилган бўлиб, уларнинг баъзилари ҳозир ҳам мавжуд [Билалов 1978: 170]. Манбаларда номлари келтирилган 6 та ариқнинг фақат энг каттаси (яъни Сорин) табиий, қолган 5 таси эса сунғий ариқлар бўлган [al-Moqaddasi: 277].

30. Савсанда (سوسنده) ёки Сарсанда (سرسنده) — ал-Истаҳрий матнининг айрим нусхаларида бу ном Салсанда Булис (سلسنده بوليس) шаклида қайд этилган [al-Istakhrī: 327]. Бу ном қадимги юнон манбаларида қайд этилган Александрополис (Ἀλεξάνδρου πόλις) шаҳри номининг бузилган шаклидир. Эҳтимол, Искандар Зулқарнайн асос солган шаҳарлардан бири Зоминда жойлашган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 161 — 171].

31. Ж.Крамерс танқидий матнида — Сорин (سارين) [Ibn Naukal: 504], М. де Гуїе танқидий матнида эса — аш-Шош (الشاش) [Ibn Naukal: 381]. Бу маълумот асосида Сирдарёдан Зоминга қадимда ариқ қазилиб сув олиб келинган деб тахмин қилинган эди [Бартольд 1965: 138; Негматов 1957: 86 — 87].

32. Фанкон (فكان) ёки Факнон (فكانان) — бу *рустоқ*нинг номи суғдча *fra-kana* — «ковламоқ», «қазимоқ» феълдан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 69]. Бу *рустоқ* ҳозирги Жиззах атрофларида жойлашган. Унинг маъмурий маркази Дизак (دیزك) деб аталган. Бу *рустоқ* Қарачатоғ тоғларидан оқиб чиқувчи Санзар дарёсининг сувидан фойдаланган [Негматов 1957: 38, 85; Грицина 200: 150]. Дизак ҳақида қаранг: XXXVII, 14.

33. Худайсар ёки Худисар (خدیسر) — Самарқанд томонда жойлашган қишлоқ [ас-Самъоний V: 61]. Унинг номидаги *хид* қадимги эроний *hauda* — «қалпоқ» (дубулға) ва кейинчалик «қир», «тепалик» маъносини билдирган сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье



2004: 151]. Матннинг ал-Буттам қисмида Ҳисн ал-Афшин ал-Акбар (الاکبر حصن الافشين), яъни «Улуғ ал-Афшин қалъаси» қайд этилган (қаранг: XXXVIII, 17). Эҳтимол бу қалъа Худайсар работининг ўзидир.

34. ал-Афшин (الافشين) — Усрушананинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорларининг унвони *афшин* бўлган. Араб халифалигида бу исм билан охириги Усрушана ҳукмдорининг ўғли ‘Аббосий халифаларининг лашкарбошиси Ҳайдар ибн Ковус машҳур бўлган. Унинг бобосининг исми Хон Ахура, бобокалонининг исми эса Хара-буғра бўлган [at-Tabari II: 1609, 1613; III: 1066]. Бу исмлар туркий тил асосида шарҳланган бўлиб [Смирнова 1971: 64], унда буғра сўзи «эр туя» маъносини билдирувчи туркий унвон бўлган [Кошғарий I: 196, 397; III: 271]. Унинг ўғли Ҳасан ибн ал-Афшин Бағдоддаги ‘Аббосийлар саройида машҳур турк лашкарбошиси Ашносининг қизига уйланган эди [at-Tabari III: 1300 — 1301]. У ҳақида яна қаранг: VI, 9; XXXVIII, 17.

35. Бу ерда сардоба, яъни ичимлик суви сақланадиган усти ёпиқ ҳовуз назарда тутилган бўлиши мумкин. Лекин бу ерда табиий булоқ уриб турган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Масалан, Бухоро вилоятидаги Нур қалъаси ичида булоқ уриб турган. Муқанна яширинган тоғдаги қалъа ичида ҳам булоқ бўлган.

36. ‘Аббосий халифа ал-Мансур (136 — 158/754 — 775 йилларда ҳукм сурган) даврида Ўрта Осиёлик бир қанча аслзода турклар Бағдодга юқори лавозимларда ҳарбий хизмат қилишга таклиф этилган. ал-Афшин ислом қўшинларига бошчилик қилиб, халифалик душманларига қарши кўп урушлар олиб борган. Хусусан, 224/838-39 йилда у Озарбайжонда маздакий Бобак бошчилигида арабларга қарши кўтарилган хуррабийлар қўзғолонини шафқатсиз бостирган.

37. Марсаманда ёки Марсманда (مرسمنده) — Бунжикат шаҳри дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган. Бу қишлоқ Дизак яқинида жойлашган бўлиб, унда ҳар йили бир кун катта бозор ўтказилиб, унда 100 минг динордан кўп пул айланган [Hudud al-‘Alam: 115]. Бу ном суғдча *mnspt (mrspt)-rwc* — «ойнинг 29-куни» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 47, 198, 210]. Марсманда шаҳри Минк номли рустоқнинг маъмурий маркази бўлиб, Исфанасой водийсида Исфана қишлоғидан пастроқда жойлашган бўлиши мумкин [Негматов 1957: 45; СГСА 1973: 190].

38. Ховас (خاوس) ёки Ховус (خاوص) — бу шаҳарнинг алоҳида тумани (*‘амал*) бўлиб, у Самарқанддан юқорида [ас-Самъоний V: 33], Зоминдан 6 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 204]. Бу шаҳарнинг харобалари Сирдарё вилоятидаги Янгиер шаҳридан жануброқда Хаваст темир йўл бекати ёнида жойлашган бўлиб, Эски Хаваст деб аталади [Бартольд 1963: 223; Массон 1935: 16; Грицина 1992: 25]. Ховас шаҳрининг ичимлик суви ҳозирги Шаҳристонсойдан олинган [Негматов 1957: 84 — 85]. Унинг номи Хашт (خشت) шаклида ҳам қайд этилган бўлиши мумкин. Лекин унинг тоғлар орасида ва қумуш конларига яқин ерда жойлашганлиги ҳақидаги маълумот [al-Moqaddasi: 49, 265, 278] Ховас шаҳрига тўғри келмайди.

39. Хужанд (خجند) ёки Хужанда (خجنده) — Сайхун дарёси бўйида жойлашган катта шаҳар. У ҳақида қаранг XLII, 1.

40. ал-Муқаддасий маълумотига кўра, Усрушана *рустоқларининг* умумий сони 17 та бўлган [al-Moqaddasi: 265].

41. Башоғар (بشاغر) — [al-Moqaddasi: 265], бу *рустоқнинг* номини Пишоғар ёки Пшоғар (بشاغر) деб ўқиш ҳам мумкин. У ҳолда бу ном суғдча *руš, рš-* — «орқа», «орт» ва *γar* — «тоғ» сўзларидан ясалган бўлиб, «тоғ орти», «тоғ орқаси» маъносини билдиради [Лурье 2004: 120, 125]. «Бобурнома» да Самарқанд яқинидаги Ёряйлоқ туманида Пешағир (Пашағир) номли қишлоқ қайд этилган [Бабур-наме: 59аб, 96а]. Жиззахдан жануби-шарқда Пшағарсойнинг тоғ дарасидан текисликка чиққан ерида Пшағар номли қишлоқ жойлашган. Бу ерда баланд тепаликда Қоровултепа номли ўрта аср харобалари мавжуд бўлиб, бу ердан Суғддан Зомин орқали Фарғонага кетувчи йўлни назорат қилиш жуда қулай бўлган. Пшағарсойнинг юқори оқимидаги тоғлар орасида баланд текислик (плато) бўлиб, Ибн Хавқал қайд этган Башоғар *рустоқи* айнан шу ерда бўлган. Бу ердаги энг катта қишлоқ Бешпшағар деб аталади. Пшағарсойнинг иккала тарафида кўплаб қадимий харобалар бўлиб, уларнинг энг каттаси Бешбулоқтепа деб аталади [Грицина 2000: 153, 165 — 166]. Туркистон тоғ тизмасининг ғарбий чеккасида жойлашган бу *рустоқ* ҳудудида Санзар дарёси бошланган [Негматов 1957: 40 — 41, 85];

42. Масхо (مسخا) — бошқа манбаларда бу *рустоқнинг* номи Масҳо (مسحا) [al-Moqaddasi: 265] ва Масчо (مسجا) шаклида қайд этилган [Бабур-наме: 14а, 326, 396, 97а, 99аб]. Бу ном ҳозиргача Мастчоҳ

шаклида сақланиб қолган [Смирнова 1961: 224]. Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Мастчо дарёси ҳавзасида Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари орасида жойлашган. Мастчо ва Фандарё қўшилиш еридан кейин дарё Зарафшон деб аталади. Бу рустоқ шарқдан ғарбга қараб тоғ музликларидан тортиб Оббурдон қишлоғига қадар чўзилган [Бартольд 1965: 104; Негматов 1957: 47].

43. Барғар ёки Бурғар (برغر) — [al-Moqaddasi: 266], яъни Парғар ёки Фарғар, Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари орасида Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида жойлашган ал-Буттам тоғли ўлкасининг таркибига кирувчи туман [Якубов 1979]. Муғ тоғидан топилган суғдча ҳужжатларда унинг номи *pryr-cth* ва *pryr-h* шаклларида қайд этилган [СДГМ II: 93, 129, 172; III: 84]. Панжикентда топилган VII асрга мансуб мис тангалардаги Фарнбағ исмли суғдча ёзувларда ҳам *pryr* номи зарб этилган [Смирнова 1981: 46]. X асрда Парғар маъмурий жиҳатдан Усрушана таркибига ҳам киритилган [al-Moqaddasi: 266; Худуд ал-‘Алем: 236]. Унда жойлашган Муғ тоғидаги қалъа ҳам шу ном билан аталган. «Бобурнома» да Фалғар (Палғар) шаклида қайд этилган [Бабур-наме: 326, 99a]. Бу ном суғдча *pr-γr* — «тоғли [ўлка]» (қадимги эроний *para-gari* — «тоғ олди») маъносини билдиради [Смирнова 1961: 223; Лурье 2004: 46, 119, 120, 200]. Бошқа фикрга кўра, Парғар номи санскритча *vihara* — «буддавий ибодатхона» сўзи билан боғлиқ [Литвинский, Мухитдинов 1969: 160]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Фархор (فرخار) — Туркистондаги шаҳар, ундаги бутхона ҳам шундай аталган. Бу шаҳардан кўп гўзал қизлар олиб келинган [Баевский 1980: 88]. Бу рустоқ Фандарё водийси ва Искандаркўл атрофидаги ерлар, шунингдек Мастчо водийсидаги Оббурдон қишлоғидан Муғ тоғигача бўлган ерларни ўз ичига олган бўлиб, XX аср бошларида ҳам Фалғар деб аталган. Ҳозирги Мастчо номли қишлоқ ҳам унинг таркибига кирган [Бартольд 1965: 104; Негматов 1957: 47]. У ҳақида яна қаранг: XXXI, 2.

44. Фартонғом (فرتانغام) — бошқа манбаларда бу рустоқнинг номи Вабонғом (وبانغام) [Ibn Haukal 1873: 382] ва Вақр Бонғом (وقر بانغام) шаклида келтирилган [al-Moqaddasi: 266]. Унинг номи суғдча *fra* — «орқа» ва *ty'm* — «кечув» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 47]. Бу рустоқ Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларидаги Шаҳристонсой ва Босмандисойнинг юқори оқими ҳавзасида [Негматов 1957:

46, 85, 111] ёки Сангзор дарёсининг юқори оқими ҳавзасида жойлашган [Грицина 2000: 150].

45. Минк (مينك) — [al-Moqaddasi: 266], бу *рустоқнинг* номи суғдча *tēn(a)* — «маҳалла», «қишлоқ» сўзининг-*ak* суффикси ёрдамида ясалган кичрайтириш шакли бўлиши мумкин [Лурье 2004: 125]. Бу *рустоқ* Сирдарё ҳавзасида Туркистон тоғ тизмасидан шимолда Фар-ғона билан чегарадаги Сулукта, Зомбарич ва Хитой қишлоқлари атрофларидаги тоғларда жойлашган бўлиши мумкин. Унинг маъмурий маркази Марсманда шаҳри бўлган. Минк атрофларидаги тоғларда бой темир конлари бўлган [Негматов 1957: 45, 95 — 96].

46. Б.с.к.н (بسكن) — унинг номи Б.с.к.р (بسكر) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 266]. Бу *рустоқ* Оқсув, Даҳқатсой ва Босмандисойнинг юқори оқими ҳавзасида жойлашган бўлиши мумкин [Негматов 1957: 46, 84]. Бошқа фикрга кўра, бу *рустоқ* Аччисой ва Бешкубесойнинг юқори оқими ҳавзасида жойлашган [Грицина 2000: 150, 177 — 180].

47. Исбикат ёки Асбикат (اسبيكت) — бу *рустоқнинг* номи суғдча *‘sp* — «от» ва *kaθ* — «қишлоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 95].

## XXXVIII [АЛ-БУТТАМ]

1. ал-Буттам (البتّم) — Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмалари орасида Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида жойлашган тоғли ўлка номининг арабча шакли. Муғ тоғидан топилган суғд тилидаги бир ҳужжатда (А-5) бу тоғли ўлка *pyttm'n* шаклида қайд этилган [Смирнова 1961: 223; Лурье 2004: 42, 78; Якубов 1979]. Қутайба ибн Муслим даврида араблар бу ўлкани иккинчи марта фатҳ қилганларида, бу ердан олтиндан қуйилган бутларни қўлга киритганлар [al-Beladsoni: 417, 425]. IX асрда ал-Буттам ас-Суғд таркибига кириб, унинг ҳукмдори Зу-н-на‘на‘а (ذو النعنة) деб аталган, у арабларга йилига 5 минг *дирҳам* солиқ тўлаган [Ibn Khordadbeh: 38, 40; Ибн ал-Факих: 100, 101]. Тахмин қилинишича, Зу-н-на‘на‘а VIII аср бошида Панч шаҳрида ҳукм сурган Деваштич (ديواشتج) исми подшоҳнинг хато шаклидир [Гоибов 1984: 107]. «Худуд ал-олам» да Буттамон (بتمان) деб аталган, матн ҳошиясида

эса Фарғал (فرغل). X асрда бу тоғли ўлка Сурушана вилояти таркибига киритилган. У ерда экинзорлар кўп бўлса ҳам, аҳолиси камбағалдир [Худуд ал-‘Алем: 236; Hudud al-‘Alam: 115]. X асрда бу тоғли ўлка Усрушана таркибига кирувчи Барғар (Фарғар) ва Масхо (Мастчо) *рустоқларини* ўз ичига олган. Ундан ташқари ал-Буттам номли рустоқ ҳам бўлиб, у Яғнобдарё водийсида жойлашган [Негматов 1957: 57]. Айрим манбалардаги маълумотга кўра, Буттам Фарғона вилоятидаги мустаҳкам қалъа бўлган [ал-Бакуви: 88]. Юқорида Ибн Ҳавқал ал-Буттам *ноҳийасида* аз-Зобаж (الزجاج) тоғлари ҳақида айтиб ўтган эди [Ibn Haukal: 488].

2. *ат-табархун* (الطبرخون) — бошқа манбаларда ҳам шу шаклда берилган [Hudud al-‘Alam: 116]. Лекин Ибн Ҳавқал асарининг бошқа нусхасида бу сўз *ат-тархун* (الطرخون) шаклида келтирилган. Балки бу ерда *тархун* (шеролчин) назарда тутилган бўлса керак. Берунийга кўра, *тархун* (طرخون) — эстрагон, яъни шувоқ ёки ёвшан бўлиб, сабзавотнинг бир туридир [Беруний 1974: 614]. Тархун — бўйи 40 — 80 см келадиган кўп йиллик доривор ўт бўлиб, тоғ ён бағирларида, юмшоқ ва тошли қояликларда ўсади. Унинг лотинча ботаник номи *Artemisia dracunculus*. Унинг номи қад. юнонча *dracōn* сўзидан ясалган [Каримова 2002: 221]. Лекин бу ерда шу номли дарахт бўлиши ҳам мумкин. У ҳақида яна қаранг: XLV, 14.

3. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида бир қатор қадим-ги қалъалар ва манзилгоҳларнинг қолдиқлари топилган. Пасруд дарёсининг Фандарёга қуйилиш ерининг тепасида Қалъаи Сарвада харобалари жойлашган. Бу қалъа Панжикентга олиб борувчи карвон йўлини қўриқлаб турган. Унинг яқинидаги Канти қишлоғидан шимоли-шарқда тоғ дараси ичида яна бир қалъанинг қолдиқлари бор. Пинен қишлоғидан тепада Вобкорон номли ерда Пасруд дарёсининг ўнг қирғоғида яна бир қалъанинг қолдиқлари топилган. Мазкур қалъаларда ҳаёт VII — X асрларда давом этган [Бубнова 1987: 158 — 160].

4. Беруний ҳам ал-Буттамда олтин конлари борлигини қайд этган [ал-Бируни 1963: 186], лекин асарининг бошқа еридаги олтин конлари ҳақидаги махсус бўлимда ал-Буттам ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмаган [ал-Бируни 1963: 221 — 226]. Шу билан бирга араблар ал-Буттамни фатҳ қилганларида, бу ердан олтиндан қуйилган бутларни қўлга киритганлар [al-Beladsori: 425]. Хитой манбаларига кўра, Кан

(Самарқанд) вилоятидаги дарёда (яъни Зарафшонда) ва Ми (Моймурғ) номли ердан шарқдаги тоғларда (яъни ал-Буттамда) олтин қазиб чиқарилган [Бичурин II: 260, 281]. Бу дарёда олтин бўлаклари (سبادك ذهب) жуда ҳам кўп бўлган [al-Jakubi : 264]. Усрушанадан ал-Хутталга олиб борувчи йўлдаги тоғларда ҳам олтин бўлган [al-Moqaddasi: 290]. Бу маълумотларнинг ҳаммаси Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги тоғлар, яъни ал-Буттамга тегишли бўлиши мумкин. Лекин шу вақтгача Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида олтин конларининг қолдиқлари топилмаган.

5. Беруний ҳам ал-Буттамда кумуш конлари борлигини қайд этган [ал-Бируни 1963: 186]. IX асрда ал-Буттам кумуш кони Хуросон амири ‘Абдуллоҳ ибн Тохирга алоҳида хирож тўлаб турган [Ibn Khordadbeh: 38; Ибн ал-Факих: 101]. Бу кумуш кони Ғурбек дарасининг юқори қисмида Кони Нуқра номли ерда жойлашган. Ундан 12 км шимоли-шарқда Гулгун ва Ғурбек дарёларининг қўшилиш ерининг тепасида Қалъаи Ғурбек номли қадимий қалъа харобалари мавжуд. IX — XI асрларда кумуш конидан келтирилган хом ашё моддалари шу ерда ва ундан ташқари Ғурбек дарёси водийсининг бир неча ерларида эритилган. Кумуш конларининг қолдиқлари Яхтагор дарасида ва Хиргасанг сойининг юқори оқими ҳавзасида ҳам қайд этилган [Бубнова 1987: 163 — 173].

6. аз-зож (الزاج) — тўтиё, яъни купорос. Беруний ҳам ал-Буттамда купорос конлари борлигини қайд этган [ал-Бируни 1963: 186]. Беруний зож (زاج) сўзини купорос маъносида [ал-Бируни 1963: 212, 237], тўтиё (توتيا) сўзини эса «рух» (цинк) маъносида ишлатган [ал-Бируни 1963: 244, 245].

7. ан-нушодир (النوشادر) — новшадил, нашатир. Беруний ҳам ал-Буттамда новшадил кони борлигини қайд этган [ал-Бируни 1963: 186; Бируни 1974: 849]. Ўрта асрларда новшадил фақат Сицилия ва Мовароуннаҳрда олинган. Мовароуннаҳр новшадилнинг сифати яхшироқ бўлиб, ҳатто Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилинган ва у ерда «татар тузи» номи билан машҳур бўлган [Мец 1966: 342]. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги Рават қишлоғидан 2, 35 км шимолда Ягноб дарёсининг ўнг томонидаги Фантоғ (Контот) тепасида, дарёдан 1100 м баландликда қадимги новшадил кони жойлашган. Бу ердаги новшадил кони қадимги юнон ва хитой манбаларида ҳам қайд этилган

[Массон 1934: 60 – 61]. Новшадил ҳақида қаранг: Массон 1953: 23; Каримова 2002: 86 – 90.

8. Юқорида ҳам Ибн Ҳавқал ал-Буттам вилоятидаги новшадил, шиша, темир, симоб, мис, қалай, олтин, кумуш, нефт, қорасақич, сақич конлари ҳақида айтиб ўтган эди [Ibn Nauka: 488]. Беруний маълумотида кўра, ал-Буттамда симоб, темир, мис, қўрғошин, феруза каби фойдали қазилмалар ҳам бўлган [ал-Бируни 1963: 186]. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида темир, мис, қўрғошин, аччиқтош, олтингург, симоб сингари фойдали қазилмалар конларининг қолдиқлари топилган [Бубнова 1987: 155 – 175].

9. Хитой манбаларига кўра, Усрушанада Йеча номли шаҳарнинг яқинида оғзи маҳкам беркитилган бир ғор бўлиб, одамлар унга сифинар эдилар. Унинг оғзи бир йилда фақат икки марта одамлар унга қурбонлик келтирганларида очилар эди. Ғорнинг оғзи очилганда, ундан тутун чиқар эди ва унга биринчи дуч келган одам ҳалок бўлар эди [Бичурин II: 312; Chavannes 1903: 138]. Эҳтимол бу ерда ҳам новшадил кони ҳақида сўз юритилган, лекин у вақтда одамлар унга илоҳий кучларнинг бир кўриниши сифатида қараганлар ва сифинганлар. Фақат ислом даврида одамлар бу ғорнинг фойдали хусусиятларини ўрганиб, улардан фойдалана бошлаганлар.

10. Берунийга кўра, новшадил *сакони* (سكاني), яъни «камон ўқига ўхшаш» деб ҳам аталган, чунки у буғдан қаттиқ моддага айланганда, унинг шакли камон ўқига ўхшаш бўлади. Алхимия олимлари уни рамзий равишда «бургут» деб атайдилар [ал-Бируни 1963: 85, 86]. ал-Буттамда тешик ва ғорга ўхшаш жой бўлиб, унга яқинлашган одамга зарар етмайди. Лекин бу тешик устига эшик ва тирқишлари зич қилиб ёпиладиган хона қурадилар. Унинг ичига кундузи тутун, кечаси олов бўлиб кўринадиган буғ йиғилади ва новшадилга айланиб, қотади. Новшадилни олмоқчи бўлган одам бу хонага устига ҳўл латта ёпиб киради, олов ичида юриб, новшадилни излайди ва [топганини] кўчириб олади. Эшитишимча, бу ердаги қишлоқ аҳолиси шу тоғдан уйларида ариқ қазиб, шундан иссиқлик оладилар, яна ариқ устига ўчоқ қуриб, овқат пиширадилар [Беруни 1974: 849]. Шунга ўхшаш маълумот ал-Бокувий асарида ҳам келтирилган, лекин унда ғор ўрнига тоғда ғорга ўхшаш қалъа бор деб айтилган. Бу қалъада қурилган истехкомдаги назорат тешикларидан дарвозанинг хавфсизлиги назорат қилиб турилган [ал-Бакуви: 88].

11. «Худуд ал-олам» га кўра, Буттамон тоғли мамлакати Ички, Ўрта ва Ташқи қисмлардан иборат бўлган [Hudud al-'Alam: 115]. Бу ерда Ўратепа тоғ усти текислиги ва Панж дарёси орасида жойлашган Хисор, Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмалари назарда тутилган. Ички Буттамга Матчо ва Ягноб, Ўрта Буттамга Фалғар, Ташқи Буттамга эса Кштут ва Магиан туманлари ва уларга туташ бўлган Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидаги ерлар кирган [Массон 1934: 47].

12. Бу ерда Зарафшон дарёсининг асосий ирмоғи ҳозирги Фандарё назарда тутилган.

13. Жан (جن) — бу сўз суғдча *-jan* бўлиб, «сой», «ариқ» маъносини билдиради. Айрим манбаларда бу кўлнинг номи Жай (جي) шаклида ҳам учрайди. «Худуд ал-олам» га кўра, бу кўл Дарйожа (دریازه) деб аталган бўлиб, бу ерда Ўрта Буттамон сувлари йиғилган [Худуд ал-'Алем: 236; Hudud al-'Alam: 115]. Ал-Муқаддасий харитасида ас-Суғд дарёсининг юқори оқимида Бухайрат Зара (بحيرة زره), яъни Зара кўли кўрсатилган бўлиб, унга тоғлардан бошланувчи 3 та дарё қуйилган [al-Muqaddasi: 449, map]. Баланд тоғлар орасида жойлашган бу кўл ҳозир Искандаркўл деб аталади, ундан Зарафшон дарёсининг асосий ирмоғи Фандарё сув олиб бошланади [Бартольд 1965: 104; Лурье 2004: 46, 131]. Қадимда Искандаркўл билан Саритоғ орасида ҳам Оби Кантат дарёсини тўсувчи тўғон қурилган, натижада бу ерда Саритоғ кўли вужудга келган эди [Негматов 1957: 46, 88]. Искандаркўлнинг асл номи Муғ тоғидан топилган ҳужжатларда қайд этилган *'sk'irh* — Искотар қишлоғи билан боғлиқ бўлиб, Зарафшон дарёсининг юқори қисмида жойлашган бу қишлоқ ҳозир ҳам Искодар деб аталади [Смирнова 1961: 224, 225]. Бу ном суғдча *'sk* — «юқори» ва *dar* — «водий», «дара» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 137]. У ҳақида яна қаранг: XXXI, 1.

14. Бурғар ёки Барғар (برغر) — яъни Парғар ёки Фарғар. Усрушана таркибига кирувчи туман. У ҳақида қаранг: XXXVII, 42.

15. Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий, Абу Ҳафс — машҳур араб лашкарбошиси, Хуросон амири, 86 — 96/705 — 715 йилларда Марвда ҳукм сурган.

16. *ал-мусаввада* (المسودة) — араб., «қора кийимликлар», Ўрта Осиёдаги бир диний ҳаракат тарафдорлари, улар қора рангли кийимлар кийиб юрганлар. Абу Муслим бошчилигида Хуросондаги 'Аббосийлар



ҳаракати тарафдорлари ҳам қора рангли кийимлар кийганлар. VIII асрда Ўрта Осиёда ал-Муқанна бошчилигида кўтарилган бошқа бир диний ҳаракат тарафдорлари эса *ал-мубаййада* (المبيضة) — «оқ кийимликлар» деб аталганлар.

17. Ҳайдар ибн Ковус ал-Афшин — Усрушананинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорларининг охириги вакили, ‘Аббосий халифаларининг лашкарбошиси. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда у ал-Афшин ал-Акбар (الافشين الاكبر), яъни «энг катта ал-Афшин» деб аталган. У ҳақида яна қаранг: VI, 9; XXXVII, 32. Юқорида ал-Афшин Дизак шаҳри яқинида қурдирган Худайсар номли работ қайд этилган эди (қаранг: XXXVII, 34). Эҳтимол ал-Афшин ал-Акбар қалъаси (حصن) шу работнинг ўзидир. ат-Табарийнинг асариди Самарқанд ва Хужанд атрофларида жойлашган Водий ал-Афшин (وادي الافشين) — «ал-Афшин водийси» номли ер ҳам қайд этилган [at-Tabari II: 1485].

18. ал-Муътасим (المعتصم) — ‘Аббосийлар сулоласига мансуб араб халифаси, Ҳорун ар-Рашиднинг Морида исмли самарқандлик турк хотунидан ўғли, 218 — 227/833 — 842 йилларда Бағдодда ҳукм сурган.

19. Аҳмад ибн Абу Холид ал-Аҳвал ал-Қотиб — халифа ал-Маъмуннинг лашкарбошиси, 208/822-23 у ал-Афшин Ҳайдар ёрдамида Усрушана афшини Ковусни енгиб, ислом динини қабул қилишга мажбур қилган [al-Beladsori: 430 — 431]. X асрда Усрушанада Работ Абу Аҳмад номли карвонлар тўхташ жойи бўлиб, бу ерда карвон йўли иккига бўлинган: бири Фарғонага, иккинчиси эса аш-Шошга олиб борган [al-Istakhri: 336].

20. Абу-с-Сож ад-Довдод ибн ад-Довдашт (ابوالساج الداوداذ بن داودثت) — Усрушаналик аслзода дехқонлардан бири, унинг келиб чиқиши Усрушана афшинлари оиласи билан боғлиқ бўлган. У ислом динини қабул қилиб, Бағдодда ‘Аббосий халифалар хизматида катта лавозимларни эгаллаган. 856 — 865 йилларда у Макка йўлининг назоратчиси бўлган, 865 йилда ‘Аббосийлар оиласидаги ўзаро ички низода халифа ал-Мустаъин томонида иштирок этган, 866 йилда Куфа, 874-75 йилда эса ал-Аҳвон вилоятининг волийси этиб тайинланган. 879-80 йилда вафот этган [Ибн ал-Асир]. Унинг авлодлари ҳам ‘Аббосий халифалар хизматида катта лавозимларни эгаллаган. Унинг ўғли ва бошқа Сожийлар ҳақида қаранг: VI, 10.

21. Жанкокат (جنكاكث) — бу қишлоқнинг номи суғдча *kaθ* — «қишлоқ» сўзи ёрдамида ясалган. Бу номнинг биринчи қисмининг маъноси маълум эмас [Лурье 2004: 97].

22. Суйдак (سويدك) — бу номнинг ҳам келиб чиқиши маълум эмас. Бир-бирига яқин жойлашган бу иккала қишлоқ Усрушанадаги Минк рустоқида бўлган деб тахмин қилинади. Бу рустоқ Сирдарё ҳавзасида Туркистон тоғ тизмасидан шимолда Фарғона билан чегарадаги Сулуқта, Зомбарич ва Хитой қишлоқлари атрофларидаги тоғларда жойлашган бўлиши мумкин [Негматов 1957: 45, 46; СГСА 1973: 190].

23. Хитой манбаларига кўра, Ми (Маймурғ) номли ердан шарқдаги тоғларда (яъни ал-Буттамда) кўп миқдорда темир қазиб чиқарилган [Бичурин II: 260]. «Худуд ал-олам» га кўра, Сурушана тоғларидан темир олинади [Hudud al-'Alam: 115]. Беруний ҳам ал-Буттамда темир конлари борлигини қайд этган [ал-Бируни 1963: 186], аммо унинг асаридаги темирга бағишланган махсус бўлимда [ал-Бируни 1963: 230 — 241] Фарғона, Усрушана ёки ал-Буттам темири ҳақида маълумот йўқ. Лекин шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, асарнинг мавжуд қўлёзмасида бу бўлимнинг охири сақланиб қолмаган. Беруний маълумотига кўра, табиий темир 2 хил бўлган: бири юмшоқ бўлиб, нармохан (نرماهن) ёки «аёл темир», иккинчиси эса қаттиқ бўлиб, шобурқон (شاپورقان) ёки «эркак темир» деб аталган. Темирнинг нармохан тури ҳам 2 хил бўлган: бири қаттиқ, иккинчиси эса суюқ бўлиб, даус (دوص) деб аталган [ал-Бируни 1963: 231]. Ўрта асрларда темирнинг ҳаммаси бўлиб 37 та номи ва рамзлари бўлган. Уни Миррих сайёрасига нисбат қилиб *миррих* деб ҳам атаганлар. Унинг лотинча номи Ferrum, кимёвий рамзи эса Fe [Каримова 2002: 136 — 139]. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги Магиандарё ва Шинг дарёсининг қўшилиш ери, Навдевон дарёсининг юқори оқимидаги Гиёзони Поён қишлоғидан шимолда, Мосриф дарёсига чап томондан Роведин сойининг қуйилиш ерида, Урмитан қишлоғининг ёнидаги сойларда темир конларининг қолдиқлари топилган [Бубнова 1987: 173 — 174]. Лекин бу ерда Ибн Ҳавқал Туркистон тоғ тизмасидан шимолдаги Минк ва Марасманда атрофларидаги темир конларни назарда тутган бўлиши ҳам мумкин [Негматов 1957: 96]. Бу ҳақида яна қаранг: Массон 1934: 39, 52; Массон 1953: 22.

24. «Худуд ал-олам» да келтирилган маълумотга кўра, Марасманда бозори бир йилда фақат бир кун ўтказилиб, унда 100 минг динордан кўп пул айланган [Hudud al-'Alam: 115]. Марасманда номи суғдча *mnspt (mrspt)-rwc* — «ойнинг 29-куни» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 47, 198, 210]. Демак, Ибн Ҳавқал келтирган маълумот бу иккала маълумотга ҳам зиддир.

## XXXIX [АШ-ШОШВАИЛОҚ]

1. аш-Шош (الشاش) — Чирчиқ дарёсининг ҳавзасидаги тарихий вилоят.

2. Илоқ (ايلاق) — Оҳангарон дарёсининг ҳавзасидаги тарихий вилоят.

3. *водий* аш-Шош (وادي الشاش) — бу ерда Сирдарё назарда тутилган.

4. *баррийат* ал-Қалос (برية القلاص) — XI аср араб харитасида бу дашт *мароғи аш-Шош* (مراعي الشاش), яъни «аш-Шош яйловлари» деб аталган [Raport 2008: fig. 8.2]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Тухси ва Жикил мамлакатлари Қайос (قياس) деб аталган бўлиб, унда 3 та қалъа бўлган. Улардан бири Соблиғ Қайас (سابغ قياس), иккинчиси Урунг Қайос (ارنك قياس), учинчиси эса Қаро Қайос (قرا قياس) деб аталган [Кошғарий III: 187]. Ўрта асрларда аш-Шош ва Исбижоб орасидаги масофа 4 кунлик йўл [al-Istakhri: 345 — 346] ёки 13 (11) *фарсахни* ташкил этган [Ибн Хордабех: 64; Kodama: 204]. Исбижоб ва Сирдарё бўйларида, Исбижоб, Чочнинг бир қисми, Пороб ва Канжидиҳ (کنجده) ни ўз ичига олувчи яйлов жойлашган. Унда ислом динини қабул қилган туркларнинг минглаб ўтовлари жойлашган [Hudud al-'Alam: 119]. Тошкент (аш-Шош) билан Чимкент (Сайрам) орасидаги ерлар ҳозир ҳам асосан яйловли даштлардан иборат. Бу даштнинг номи шу кунгача Келес шаклида сақланиб қолган бўлиб, ҳозир Тошкент туманида жойлашган шаҳарча шу ном билан аталади.

5. Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) — араб., «Темир дарвоза» демакдир. Бу ер аш-Шошдан 2 мил масофада жойлашган [Ибн Хордабех: 64]. Шимолий Тўхористон билан ас-Суғд чегарасидаги тоғларда ҳам шу номли ер бўлиб [al-Istakhri: 337], унинг форсча номи Дар-и Оҳанин

(در آهنين), яъни «Темир дарвоза» [al-Jakubi: 290; at-Tabari II: 1229], ёки Дара-и Оҳанин (دره آهنين), яъни «Темир дара» бўлган [Байхаки: 572]. Бу ер Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги Сариоғоч қишлоғидан 5 км шимолда жойлашган тоғ дараси бўлиб, ҳозир Дарбоза деб аталади [Байтанаев 2003: 86].

6. Винкард (وينکرد) — бу қишлоқ аш-Шош ва Илоқ шаҳарларининг умумий рўйхатида ва улар орасидаги масофалар бўлимида қайд этилмаган [al-Istakhri: 334, 345; Ibn Naukal: 507, 522 — 524]. У Усрушанадаги Дизак шаҳридан Бинкат йўлида, Устуркатга етмасдан ерда жойлашган [Ibn Naukal: 516]. Унинг номи ўрта форс *wēm* — «қоя», «тош» ёки хоразмий *wunyk* — «сардоба» ва ўрта форс-*kird*, *-kard* — «яратди» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 177 — 178]. Бу шаҳарчанинг харобалари Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган [Массон 1953: 18]. Тошкент ҳудудларида ва Канка шаҳар харобаларида христианлик рамзлари билан безатилган айрим моддий маданият ёдгорликлари топилган [Богомоллов 1994: 72 — 73]. Винкард қишлоғи Сирдарёдан жанубдаги чўлнинг шимоли-шарқий қисмида Ўрумбой дарасида жойлашган [Бартольд 1963а: 228].

7. Бинкат (بينکت) — Чоч вилоятининг ислом давридаги пойтахти, X асрда катта, ривожланган ва гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. Унинг номи Бикат (بيکت) шаклида ҳам қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 118]. Унинг номи суғдча *руп* — «очмоқ» *рп* — «узун» ва *каθ* — «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 96]. Абу Райҳон Берунийнинг маълумотига кўра, Бинкат шаҳри туркчада Тошканд (تاشکند), юнончада эса «тош қалъа» деб аталган [Бируни 1963: 271; Беруни 1973: 471; Беруний 1976: 576]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, аш-Шош вилоятининг бош шаҳри Тошканднинг номи туркчада «тош шаҳар» маъносини билдиради [Кошғарий I: 414; III: 164]. Исломдан олдин Бинкат шаҳри Шимолий вокзал ёнида, Салор ариғининг бўйида жойлашган Мингўрик харобалари ўрнида ва унинг атрофларида бўлган. Бу ерда жойлашган шаҳарда ҳаёт милодий I асрдан бошлаб VIII асрнинг ўрталарига қадар давом этган. Шаҳар қалъа ва шаҳристондан иборат бўлган ва тахминан 30 га майдонни эгаллаган. Ҳозир унинг фақат кичик бир қисми сақланиб қолган. Бу ерда VI — VIII асрларга мансуб ҳашаматли ҳукмдор саройи қазиб топилган [Филанович 1983: 78 — 90, 152 — 163]. Шаҳар арабларнинг фатҳ урушлари

давомида вайрон этилган. IX асрда янги шаҳар Мингўриқдан 4,5 км шимоли-ғарбда қайта қурилиб, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, яъни Ҳамза (ҳозирги Зарқайнар) ва Навоий кўчалари, Чорсу майдони ва бозори, Эски Жўва ўрнидаги 16 га майдонда жойлашган [Массон 1954: 110 – 111; Буряков, Касымов, Ростовцев 1973: 44]. Археолог олимларнинг фикрига кўра, Турк хоқонлиги даврида, яъни VI – VIII асрларда, Мингўриқ харобалари ўрнидаги шаҳар бутун Чоч воҳасининг пойтахтига айланган эди [Буряков 1975: 65 – 66; Буряков 1982: 130 – 132; Филанович 1983: 181 – 186]. Бу фикр ўз вақтида шарқшунос олим О.Г.Большаков ва В.А.Булатова томонидан танқид қилинган эди. Бизнинг фикримизча ҳам, бундай хулоса чиқариш учун асослар етарли эмас. Биринчидан, Қанқа харобалари бу даврда 150 га майдонни эгаллаган бўлиб, воҳадаги энг йирик шаҳар бўлган [Буряков 1982: 127], Мингўриқ харобалари ўрнидаги шаҳар эса – 30 – 35 га. Иккинчидан, бу даврда Чоч воҳасида зарб этилган барча тангаларнинг деярли 90 % қисми Қанқа харобаларидан топилган, Мингўриқ харобаларида эса тангалар жуда кам миқдорда топилган. Ундан ташқари кўп сонли мавжуд тангалардаги ёзувларда Бинкат номи учрамайди, демак бу шаҳарда тангалар умуман зарб этилмаган. Демак, VI – VIII асрларда Чоч воҳасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази воҳанинг қадимги пойтахт шаҳри Қанқа харобалари ўрнида қолган. Мингўриқ харобалари ўрнидаги Бинкат эса воҳа чегарасидаги мудофаа қалъаси бўлиб, фақат ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган. Эҳтимол, бу шаҳарча турк хоқонларининг Чоч воҳасидаги ноиблари – тудунларнинг қароргоҳи бўлган, Мингўриқда очилган ҳашаматли сарой эса уларга тегишли бўлган.

8. Данфағонкат (دنفغانكث) – Харашкатдан 6 фарсах, Бинкатдан 3 фарсах масофада жойлашган шаҳарча [Ibn Nauka: 522]. «Худуд ал-олам» да унинг номи Д.н.м.ъон кат (دنمغانكث) шаклида қайд этилган (иккинчи ҳарфнинг нуқтаси қўйилмаган). X асрда бу шаҳарча Суғд ва Самарқанд, шунингдек, Фарғона ва Илоқ молларининг тўпланадиган ери бўлган [Hudud al-'Alam: 118]. Унинг номи суғдча *din bayn kaθ* – «имон ибодатхонаси шаҳри» [Смирнова 1971: 102] ёки *dn βʻn knδh* – «худолар шаҳри» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 96]. Агар бу шаҳарчанинг номи Данмуғонкат (دنمغانكث) бўлса, бу ном «муғлар шаҳри» маъносини англатади. Бу шаҳарча ҳозирги Янгийўл

шаҳридан 4 км шарқда, Ниёзбоши қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Йўфонтепа деб аталади [Буряков 1975: 52 – 55].

9. Жинонжкат (جینانجکٹ) – Винкарддан Бинкатга олиб борувчи йўлда, аш-Шош дарёсидан 2 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Унинг қалъаси (حصن) йўқ, бинолари ёғоч ва хом гиштдан қурилган [al-Moqaddasi: 277]. Суғд тилидаги манбаларда бу шаҳарнинг номи *суп'пскнд* шаклида қайд этилган бўлиб, «Хитойликлар шаҳри» маъносини билдиради [Лурье 2004: 41, 90, 97]. X асрда Туғузғуз мамлакатидаги Турфан (Хочо) шаҳри ҳам шундай деб аталган [Худуд ал-'Алем: 17а; Hudud al-'Alam: 94]. Бу шаҳарчанинг номи эса ҳозиргача Чиноз шаклида сақланиб қолган, унинг харобалари эса Чиноз қишлоғида жойлашган [Бартольд 1963: 227]. Шаҳар уч қисмдан иборат бўлган ва тахминан 50 га майдонни эгаллаган, лекин унинг ичида бўш ерлар ҳам бўлган. Бу ерларда шаҳарга келган кўчманчи қабилаларнинг ўтовлари жойлашган бўлиши эҳтимол [Буряков 1975: 47 – 51].

10. Нажокат (نجاكٹ) – бу шаҳарча Турк (Барак) дарёсининг аш-Шош дарёси билан қўшилиш ерида, Банокатдан уч фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 509, 523]. «Худуд ал-олам» га кўра (унинг номидаги биринчи ва иккинчи ҳарфлар нуқтасиз келтирилган – نجاكٹ), бу ерда машҳур «чочий» камонлари ишлаб чиқарилган [Hudud al-'Alam: 118]. XV асрга оид бир ҳужжатда унинг номи Ужокат Лабиоб мулки шаклида қайд этилган [Кутбаев 1968: 36]. Бу шаҳарчанинг харобалари Чирчиқ дарёсининг Сирдарёга қуйилиш еридан 1,2 км шарқда, ҳозирги Қолганчирчиқ қишлоғидан 3,5 км жанубдаги Гул қишлоғи ёнида жойлашган [Буряков 1975: 43 – 47]. XX аср бошларида бу қишлоқ Улжакат деб аталган [Вяткин 1900; Бартольд 1963: 227].

11. Ж.Крамерс танқидий матнида: Фанокат (فناكٹ) [Ibn Naukal 1967: 507], матннинг бошқа ерида эса унинг номи Банокат (بناكٹ) шаклида келтирилган. Бу шаҳар аш-Шош дарёсининг бўйида, унга Илоқ дарёсининг қуйилиш ери қаршисида жойлашган [Ibn Naukal 1967: 509, 522]. М. де Гуйе танқидий матнида [Ibn Naukal 1873: 385, 388, 392] ва бошқа манбаларда унинг номи Банокат (بناكٹ), Бинокат (بناكٹ) ёки Банокит (بناكٹ) шаклида қайд этилган [al-Istakhri: 329, 337; al-Moqaddasi: 48, 264; Беруни 1973: 471]. Бу шаҳар Хашарт (خشرت) дарёси бўйида жойлашган [Худуд ал-'Алем: 246; Hudud al-'Alam: 118]. Усрушанадан келувчи йўл аш-Шош дарёси устида қурилган кўприкдан

ўтиб, Банокат шаҳридан ўтган, кейин Турк дарёси томон давом этган [Ibn Khordadbeh: 27]. Катталиги бўйича Уштуркатга ўхшаш шаҳар, унинг аҳолиси исёнкор бўлган. Унинг қалъаси йўқ, жоме масжиди бозорда жойлашган [al-Moqaddasi: 277]. Унинг номи суғдча *rup* — «очмоқ» *pn* — «узун» ва *kaθ* — «қишлоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 96]. Бу шаҳар мўғуллар босқини вақтида вайрон этилган, Темурийлар даврида эса қайта тикланиб, Шоҳрухийа (شاهروحيه) деб аталган. Унинг харобалари Сирдарё бўйида Оҳангарон дарёсининг унга қуйилиш еридан юқорироқда жойлашган бўлиб, Шарқия деб аталади [Массон 1953: 33; Буряков 1975: 14 — 30].

12. Харашкат (خرشكت) — аш-Шош дарёси бўйидаги Банокатдан 1 фарсах, Бинкатдан эса 9 фарсах масофада жойлашган. X асрда аш-Шош вилоятида катталиги бўйича Бинкатдан кейин иккинчи шаҳар бўлган [Ibn Naukal: 510, 522]. Бошқа манбаларда унинг номи Харашкат (خرشكت) [al-Istakhri: 329; ас-Самъоний V: 83], «Худуд ал-олам» да эса Харсанкат (حرسنكت) шаклида ҳам келтирилган. Бу ерда машҳур «чочий» камонлари ишлаб чиқарилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 118]. бу шаҳарнинг номи суғдча — *xrš* «тортмоқ» ва — *kaθ* «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 101]. Бу шаҳарнинг харобалари Тошкент вилояти Оққўрғон туманида Чирчиқ дарёсининг Сирдарёга қуйилиш еридан 8 км шарқ томонда жойлашган бўлиб, Канка деб аталади. Шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб, 150 га яқин майдонни эгаллаган. Араблар босқинига қадар бу шаҳар бутун Чоч воҳасининг пойтахти бўлган [Массон 1953: 110 — 112, 114; Буряков 1975: 31 — 39]. Бу шаҳар милоддан аввалги IV — III асрларда вужудга келган бўлиб, охириги маълумотларга кўра, Искандар Зулқарнайн Танаис дарёси бўйида скифларга қарши қурдирган Александрия Эсхата (Αλεξάνδρεια Εσχάτα) номи мудрофаа қалъаси Хўжандда эмас, балки шу ерда жойлашган бўлиши мумкин [Буряков, оғзаки маълумот]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларида Туркистонда Ганг (گنگ) номи бутхона қайд этилган [Баевский 1980: 85]. Эҳтимол Қанқа харобаларида топилган ибодатхона харобалари унга тегишли бўлгандир.

13. Устбайғу (استبيغوا) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлининг ғарбий томонида жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Бу шаҳарнинг номи Ашбинғу (اشبينغو) [al-Istakhri: 329] ва С.т.б.ф.во (ستبغوا) шаклларида ҳам қайд этилган. X асрда у аҳолиси, экинзорлари



ва оқар сувлари кўп шаҳарча бўлган. Ардалонкат ва Калашжик ёнида жойлашган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Бу шаҳарнинг номи туркий *ust* – «уст» ва *bayru/yabru* – «йабғу» сўзларидан ясалган [Камолиддин 2006: 82]. Ибн Ҳавқал бу шаҳарни Барак ва Илоқ дарёлари орасида Илоқ йўлининг ғарб томонида жойлашган шаҳарлар ичида биринчи бўлиб келтирган [Ibn Haukal: 523]. Демак, у Чирчиқ ва Ангрен дарёлари орасида жойлашган.

14. Ардлонкат ёки Ардалонкат (اردلانكث) – Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлининг ғарбий томонида жойлашган [al-Istakhri: 345; Ibn Haukal: 523]. Аҳолиси, экинзорлари ва оқар сувлари кўп шаҳарча. Калашжик ва Устбайғу ёнида жойлашган [Худуд ал-‘Алем: 24аб; Hudud al-‘Alam: 117]. Фарғона водийсида ҳам шу номли шаҳар бўлган [al-Istakhri: 346]. Унинг номининг биринчи қисми Арслон туркий атоқли от [ДТС: 55; Luṭje 2003: 193] ёки сўғдча *ʿrδʿr* – «вилоят» ва *kaθ* – «қишлоқ», «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 70, 95, 105, 201]. Бу шаҳарча Бурчмулла қишлоғи ёнида, Чотқол ва Қўқсув дарёларининг оралиғидаги баланд қирғоқда жойлашган харобалар [Буряков 1975: 82 – 84] ёки Оқсувнинг Чотқол дарёсига қуйилиш еридаги Кулбосган харобалари ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Кабилов 1959: 52]. Лекин бу иккала хароба Фарғонага қарашли Ардлонкатга тегишли бўлиши мумкин. Чунки аш-Шош вилоятидаги Ардлонкат бутунлай бошқа томонда, Илоқ водийсида жойлашган. Демак, унинг харобаларини Оҳангарон водийсидан излаш керак.

15. Худайнкат (خدينكث) – бу шаҳарча аш-Шош дарёси бўйидаги Банокатдан 2 фарсах, Бинкатдан 8 фарсах масофада Харашкат ва Устуркат орасида жойлашган [Ibn Haukal: 522, 523]. Бу шаҳарчанинг номи туркий ва сўғдий *xudain/xwtʿynh* – «хотун», «бека» ва *kaθ* – «қишлоқ», «шаҳар» сўзларидан ясалган [Luṭje 2003: 198; Лурье 2004: 101, 207]. Хуросон амири Саъид ибн ‘Абдулазиз ибн ал-Ҳорис ибн ал-Ҳакам ибн Абу-л-Ос (102/720-21 йилда ҳукм сурган) юмшоқ феъли, нозик ва аёлсифат кўриниши туфайли Худайна ёки Хузайна (خدينه), деб аталган [at-Tabari II: 1417], бу эса «хотун» сўзининг арабча шакли бўлган. Бу шаҳарчанинг харобалари ҳозирги Оққўрғон қишлоғи ёнида Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғи яқинида жойлашган [Буряков 1972: 44; Буряков 1975: 39 – 42].



16. Канкрок ёки Канкарок (کنکراک) — Турк дарёсининг бўйида, Худайнкатдан 1 фарсах масофада жойлашган шаҳарча [Ibn Naukal: 523]. Бу шаҳарчанинг номи Кандрок (کندراک) бўлиши ҳам мумкин [BGA IV: 116]. «Худуд ал-олам» да унинг номи К.к.рол (ککراال) шаклида қайд этилган. Бу шаҳарчада машҳур «чочий» камонлари ишлаб чиқарилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 118]. Бу шаҳарчанинг номини қадимий Қанф давлати ва Сирдарёнинг қадимий номларидан бири бўлган Қанк билан таққослаш мумкин [Массон 1953: 108]

17. Калашжик (کلشجک) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлининг ғарбий томонида жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Аҳолиси, экинзорлари ва оқар сувлари кўп шаҳарча. Ардалонкат ва Устбайғу ёнида жойлашган [Худуд ал-‘Алем: 24аб; Hudud al-‘Alam: 117]. Бу шаҳарчанинг номи кичрайтириш маъносида ишлатиладиган туркий *-çiq* (*-çiq*, *çaq*, *-jîq*, *-juq*, *-jaq*) аффикси ёрдамида ясалган [ДТС: 650 — 651; Камолитдин 2006: 82]. Бу номнинг биринчи қисмида, эҳтимол, *Kalapotari* (*kalapodara*) номли буддавий иблисининг исми ётгандир [ДТС: 289].

18. Фарканда (غرکنده) ёки Фарканд (غرکند) — аш-Шош дарёси ва Илоқ дарёси орасида жойлашган. Матннинг бошқа ерида [Ibn Naukal: 523] ва бошқа манбаларда бу шаҳарчанинг номи Фаржанд (غرچند) шаклида қайд этилган [al-Istakhri: 329; al-Moqaddasi: 264]. «Худуд ал-олам» да унинг номи Фазжанд ёки Фузжанд (غزچند) шаклида қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Бу шаҳарчанинг номи суғдий *γar-c* — «тоғли» ва *and(a)* — «ўлка» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 121, 151]. Бухоро вилоятида ҳам Фарканд (غرکند), Фарқанд (غرقتند) ёки Фаржанд (غرچند) номли қишлоқ бўлган. Шош билан Исбижоб орасида Фаркард (غرکرد) [Ibn Khordadbeh: 27] ёки Фазкирд (غزکرد) номли ер ҳам қайд этилган [Kodama: 204; Ibn Naukal: 516; al-Istakhri: 337; al-Moqaddasi: 265]. У ҳақида қаранг: XLVI, 15.

19. Ганнож (غانج) — Турк ва Илоқ дарёлари орасида, Илоқ йўлининг ғарбий томонида [Ibn Naukal: 523], яъни ҳозирги Ангрен шаҳридан шимолда жойлашган [Бартольд 1963: 231]. Бу шаҳар XII асрда ҳам қайд этилган [ас-Самъоний IX: 174], «Худуд ал-олам» да унинг номи Х.н.х (حنج) ёки М.хнох (محناح) шаклида келтирилган бўлиши мумкин [Худуд ал-‘Алем: 24аб; Hudud al-‘Alam: 117]. Бу шаҳарча номининг келиб чиқиши маълум эмас.

20. Жабузан (جبوزن) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда жойлашган [Ibn Naukal: 522]. Бу шаҳар номининг келиб чиқиши туркий тиллар билан боғлиқ бўлиб, унинг таркибида *buz* — «муз» сўзи бор [Богомоллов 2004: 56].

21. Вардук (وردوك) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда Жабузан ёнида жойлашган [Ibn Naukal: 522]. Бу шаҳарчанинг номи Вардук (وردك) [al-Moqaddasi: 264] ва Вардул (وردول) шаклларида ҳам қайд этилган. Бу кичик шаҳарчада деҳқончилик ривожланган бўлиб, унда отлар ҳам етиштирилган [Hudud al-‘Alam: 117]. Унинг келиб чиқиши ўрта форс *wardūk* (وردوك) — «усти шохлар ва сомон билан ёпилган ёзги уй» ёки қад. эрон. *warta* «тош» сўзлари билан боғлиқ [Лурье 2004: 23, 60]. Бошқа фикрга кўра, бу шаҳар номининг келиб чиқиши туркий тиллар билан боғлиқ бўлиб, у қадимги туркий тилдаги *var* — «ковламоқ», «жарлик» сўзидан ясалган бўлиши мумкин. Бу шаҳар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Пском дарёсининг чап қирғоғида Шоҳжувор қишлоғи ёнида жойлашган Шоҳжувортепа харобалари ўрнида бўлган бўлиши мумкин [Богомоллов 2004: 56 — 57].

22. Кабарна (كبرنه) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда Ғадронак ва Ғазак ёнида жойлашган [Ibn Naukal: 522]. «Худуд ал-олам» да бу шаҳарнинг номи К.брийа (كبريه) шаклида келтирилган. Бу кичик шаҳарчада деҳқончилик ривожланган бўлиб, унда отлар ҳам етиштирилган [Hudud al-‘Alam: 117]. Исломдан олдинги Чоч тангаларида унинг номи суғдий ҳарфларда *krpnw xwβ* — «Кабарна ҳукмдори» шаклида ўқилган эди [Ртвеладзе 1982: 35]. Лекин охириги вақтда қўлга киритилган янги топилмалар бу суғдий ёзувларнинг мазкур ўқилишини тасдиқламайди [Исхаков, Камолитдин, Бабаяров 2008: 228 — 229]. Унинг номининг келиб чиқиши суғд, араб ёки форс тиллари билан боғлиқ эмас, чунки *-а* (*-на*) қўшимчаси бу тилларда ишлатилмайди [Лурье 2004: 57]. Демак, бу ном бошқа бир тилдаги сўзлардан ясалган. Бизнингча, бу номни Каспий денгизидаги Субурна (سبرنه) жой номи билан солиштириш мумкин [Ибн ал-Асир XI: 169]. Бу ном эса туркий тилда «сув бурни» маъносини англатади [Камолитдин 2006: 83, 90]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тошкентдан 25 км шарқда, Янгибозор шаҳридан 6 км масофада Кавардон қишлоғининг шимолий чеккасида жойлашган. Ривоятга

кўра, қадимда бу ерда мавжуд бўлган шаҳарнинг номи Кабарбанда бўлган [Массон 1975: 86 – 99].

23. Ғадронак (غدرانك) – Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда Кадок ва Кабарна ёнида жойлашган [Ibn Naukal: 522]. ал-Муқаддасий асарида бу ном Намадвонак (نمدوانك) [al-Moqaddasi: 48, 264], «Худуд ал-олам» да бу шаҳарнинг номи Б.ғуронк (بغورانك) шаклида келтирилган. Бу кичик шаҳарчада деҳқончилик ривожланган бўлиб, унда отлар ҳам етиштирилган [Hudud al-'Alam: 117]. Бу ном қад. эрон. *grda-* – «уй» ёки форсча *yard* – «ёзги уй» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 71].

24. Нужкат ёки Нужакат (نوجكت) – Бинкатдан 1 *фарсах* масофада, Тункат йўлида жойлашган [Ibn Naukal: 522]. «Худуд ал-олам» га кўра, Парак ва Хашарт дарёларида ишлайдиган қайиқчилар шу шаҳардан келганлар [Hudud al-'Alam: 118]. Усрушанада ҳам шу номли шаҳар бўлган (қаранг: XXXVII, 15). Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ал-Қарийа ал-Ҳадиса (القرية الحديثة), Деҳ-и Нав (ديه نو) ёки Янгикент (ينكي كنت) номли шаҳар Деҳ Нужикат (ده نوجيكت) деб ҳам аталган [al-Moqaddasi: 263]. Исбижоб дарвозаларидан бири Боб Нужкат деб аталган [Ibn Naukal: 510]. Суғд тилидаги хужжатларда бу шаҳар *pwcknd* шаклида қайд этилган бўлиб, унинг номи суғдча *pw(c)* – «янги» ва *knd* – «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 51, 62, 91, 99]. Бу шаҳар ҳозирги Тошкент шаҳридан жанубда, Чирчиқ дарёсидан 0,5 км масофада жойлашган Хонобод харобалари ўрнида бўлган деб тахмин қилинган [Массон 1953: 41 – 42; Буряков 1975: 69 – 72].

25. Ғазак (غزك) – матннинг бошқа ерида бу шаҳарча «Ғазак (غزق) ҳам дейилади, худди Х<sup>о</sup>размнинг [бош] шаҳри Ҳазорасф [ёки] Ҳазорасб дейилганидек, ар-Руххаж [вилояти] нинг [бош] шаҳри Банжвой [ёки] Фанжвой дейилганидек» деб ёзилган. У Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда жойлашган [Ibn Naukal: 522]. «Худуд ал-олам» га кўра, бу кичик шаҳарчада деҳқончилик ривожланган бўлиб, унда отлар ҳам етиштирилган [Hudud al-'Alam: 117]. Фарғона ва Марв вилоятларида Ғазақ (غزق) номли қишлоқ [ас-Самъоний IX: 141], Усрушанада эса шу номли шаҳар бўлган (қаранг: XXXVII, 10). Бу номларни қадимги юнон манбаларидаги *Гаҗака* шаҳрининг номи билан солиштириш мумкин [Лурье 2004:

57]. Эҳтимол, бу ном таркибида *ғуз* (غز) этноними иштирок этган бўлиши ҳам мумкин.

26. Абардкат (ابرذكت) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан 7 *фарсах*, Бағункатдан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Naukal: 522]. Бошқа манбаларда бу шаҳарчанинг номи Анудкат (انوذكت) [al-Istakhri: 330, 345; al-Moqaddasi: 48, 264] ва Абардкат (ابرذكت) ёки Анардкат (انردكت) шаклида келтирилган. Иккинчи ҳарф (б, д ёки й) нинг нуқтаси қўйилмаган [Hudud al-'Alam: 117]. Унинг номи суғдча *'nwth* — «таянч», «қўмак» ва *kaθ* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин. Биринчи сўз суғдларда юксак унвон сифатида ишлатилган [Лурье 2004: 43, 50, 95, 100, 203, 207].

27. Бағункат (بغذكت) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан 5 *фарсах*, Абардкатдан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Naukal: 522]. Бошқа манбаларда бу шаҳарчанинг номи Бишкат (بشكت) [al-Moqaddasi: 48, 264] ва Бағуйкат (بغويكت) шаклларида келтирилган [Hudud al-'Alam: 117]. Бу шаҳар номининг биринчи қисми суғдча *βγ* — «худо» ёки *вун* — «ибодатхона» [Лурье 2004: 95, 207] ёки туркий *baquy* — «жамоа бошлиғи» сўзларидан иборат бўлиши мумкин [Luṭje 2003: 193; Hudud al-'Alam: 357]. Ибн Хурдодбех маълумотига кўра, Усрушанадан аш-Шош томонга юрганда Турк дарёси бўйидаги Шутуркатдан ўтиб, 3 *фарсахдан* кейин Бинкатга 2 *фарсах* етмасдан йўл Банункат (بننكت) номли қишлоқдан ўтган [Ibn Khordadbeh: 27]. Бу номнинг ал-Муқаддасий келтирган Бишкат (بشكت) шакли суғдча *ρ(y)š* — «ташқи», «ташқари», «орқа» сўзидан ясалган. Ҳозирги Бешкент жой номи ҳам шу ўзақдан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 96]. «Бобурнома» да Тошкент вилоятида Бишкент шаҳри қайд этилган [Бабур-наме: 113 — 114].

28. Барқуш (بركوش) — «Худуд ал-олам» да унинг номи Таркус (تركوس) шаклида келтирилган [Hudud al-'Alam: 118]. Бу шаҳарча Хотункатдан 3 *фарсах* ва Бинкатдан эса 5 *фарсах* масофада ал-Қалос даштидаги мудофаа девори тарафда жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Бу шаҳар номининг келиб чиқиши маълум эмас. Унинг харобалари Тошкентдан 42 км масофада Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида, Зах арифининг бошланиш еридаги Паргос қишлоғида жойлашган бўлиб, Паргостепа деб аталади [Буряков 1975: 75 — 79].

29. Хотункат (خاتونکات) — бу Бинкатдан 2 фарсах масофада ал-Қалос даштидаги мудофаа девори тарафда жойлашган шаҳар [Ibn Naukal: 523]. Бу шаҳар Суғд ва Самарқанд, шунингдек, Фарғона ва Илоқ молларининг тўпланиш ери бўлган [Hudud al-‘Alam: 118]. Унинг номи аёлларнинг юксак туркий унвони бўлган *qatun/χatun* — «хотун», «бека», «малика» ва суғдча *kaθ* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган [ДТС: 436, 637; Смирнова 1971: 65; Лурье 2004: 101, 192, 206]. Хитой манбаларида бу шаҳарнинг номи Катун шаклида келтирилган [Бичурин II: 288]. Бу сўз ёрдамида ясалган тарихий жой номлари айниқса туркий халқлар қадимдан яшаб келган ерларда қўлаб учрайди [Камолитдин 2005: 22 — 23]. Исломдан олдинги Чочнинг туркий ҳукмдорлари зарб этган мис тангаларда ёнма-ён ҳолатда турган жабғуқаған ва хотун суратлари тасвирланган [Babayar 2007: № 4 — 6, 30 — 34, 45 — 55]. Эҳтимол, Хотункат шаҳри дастлаб, яъни VII — VIII асрларда, Чочнинг туркий ҳукмдори жабғуқағаннинг хотунига қарашли мулк бўлгандир. Шунинг учун бу аҳоли маскани кейинчалик шу ном билан аталган. Унинг харобалари Тошкент шаҳридан шимоли-шарқда, Тўқайтепа харобаларидан шимолда жойлашган бўлиб, Оқота деб аталади. Хуллас, бу икки харобалар, яъни Оқота ва Тўқайтепанинг бири Жабғукат, иккинчиси Хотункат эканлиги аниқ [Буряков 1975: 74 — 75].

30. Жабғукат (جبغوكات) — Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан 2 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Бу шаҳарча ўрнида дастлаб Чочнинг лашкаргоҳи бўлган [Hudud al-‘Alam: 117]. Қудома ибн Жаъфар маълумотида кўра, аш-Шошдан 2 фарсах масофада мудофаа девори ичида ҳарбий қароргоҳ (معسكر) жойлашган [Kodama: 204], Ибн Хурдодбеҳ эса унинг ўрнида Кубол (كبال) қишлоғини қайд этган [Ibn Khordadbeh: 27]. Шу билан бирга уларнинг асарларида Жабғукат қайд этилмаган. Демак, Жабғукатнинг иккинчи номи Кубол бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Жабғукат номи туркий *jabyu* — «йабғу» унвони ва суғдча *kaθ* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзидан ясалган [ДТС: 222; Лурье 2004: 97]. Исломдан олдинги Чочнинг туркий ҳукмдорлари зарб этган мис тангалардаги суғдий ёзувларда *сруш* — «йабғу» ва *сруш γ’γ’n* — «йабғуқаған» унвонлари қайд этилган [Babayar 2007: № 4 — 9, 13 — 20, 22 — 26, 30 — 37]. Маълумки, бу юксак унвон VII — VIII асрларда Ўрта Осиёда ҳукм сурган Фарбий Турк хоқонлигининг олий ҳукмдорларига таалуқ-

ли бўлган [Chavannes, 1903: 219]. Бундай унвонли тангалар ҳам фақат Чоч воҳасида муомалада бўлган. Ушбу маълумотлардан келиб чиқадиги, турк хоқонларининг қароргоҳи маълум вақт Чоч воҳасида бўлган ва Жабғукат деб аталган [Исхаков, Камолиддин, Бабаяров 2008: 246]. Шуниси диққатга сазоворки, Жабғукат ҳам, Хотункат ҳам Бинкатдан 2 *фарсах* масофада бир-бирига яқин ерда жойлашган [Ibn Nauka: 523]. Илгари Жабғукат Бўзсув қишлоғи ёнидаги Ниёзбектепа харобалари ўрнида бўлган деб тахмин қилинган эди [Бартольд 1963: 230]. Кейинчалик Жабғукат харобалари Тошкент шаҳридан шарқ томонда Дўрмон қишлоғидан 4 км жанубда, Чирчиқ дарёсидан 2 км масофада жойлашган Тўқайтепа деб топилган эди [Баишев, Массон 1956: 134; Буряков 1975: 73 – 74]. Охириги маълумотларга кўра, Жабғукат Чирчиқ дарёси яқинидаги Хонобод харобалари ўрнида жойлашган. Бу ерда катта қўшин сифиши мумкин бўлган ҳарбий истеҳкомнинг қолдиқлари топилган. Бу эса манбаларнинг Чоч ҳарбий қароргоҳи ёки лашкаргоҳи ҳақидаги маълумотига мос келади [Филанович 1983: 190 – 191]. Илгари бу ерда Нужкат шаҳри жойлашган деб тахмин қилинган эди [Буряков 1975: 69 – 72].

31. Фаранкат (فرنگت) — унинг номи Фаранкад (فرنگد) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 48, 264]. Бу шаҳарча Бинкатдан 4 *фарсах*, Жабғукатдан эса 2 *фарсах* масофада [Ibn Nauka: 522], Бағуйкат ва Абардкат ёнида жойлашган [Hudud al-‘Alam: 117]. Унинг номи суғдча *fʼm* — «шухрат» ва *kaθ* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 44, 97]. Самарқанд вилоятида ҳам Фаранкат (فرنگت) [Hudud al-‘Alam: 113], Фаранкад (فرنگد) ёки Афранкад (افرنگد) номи қишлоқ бўлган [ан-Насафий: 514; ас-Самъоний IX: 284]. Ривоятга кўра, бу қишлоқни Самарқанд *ихшиди* Фурак (710 – 738 йилларда ҳукм сурган) ўзининг Афарун исмли акаси учун қурдирган [Кандия: 241]. Бу шаҳарча ҳозирги Паркент шаҳри ўрнида жойлашган бўлиб, унинг харобалари Ишқўрғон деб аталади [Бартольд 1963: 232; Массон 1953: 38; Буряков 1975: 99 – 104].

32. Кадок (كداك) — Бу шаҳарча Турк дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан шарқда, Абардкат ва Гадронак орасида жойлашган [Ibn Nauka: 522]. Унинг номи Кадок (كداك) шаклида ҳам қайд этилган бўлиб [al-Istakhri: 330, 345; al-Moqaddasi: 48, 264], суғдча *kt* — «уй» ёки *knd* — «шаҳар» сўзидан

ясалган [Лурье 2004: 58, 104]. «Худуд ал-олам» да унинг номи К.рол (كرال) шаклида қайд этилган. Бу кичик шаҳарчада деҳқончилик ривожланган бўлиб, унда отлар ҳам етиштирилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 117]. Ибн Хурдодбеҳ аш-Шошдан 2 фарсах масофада жойлашган Кубол (كبال) қишлоғини қайд этган [Ibn Khordadbeh: 27]. Қудома ибн Жаъфар эса унинг ўрнида девор ичида ҳарбий қароргоҳ (معسكر) жойлашганлигини қайд этган [Kodama: 204]. Шу билан бирга уларнинг асарларида Жабғукат қайд этилмаган. Демак, Кубол (Кадок) нинг иккинчи номи Жабғукат бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Карвон йўли ас-Син чегарасидаги Барсхан (برسخان) шаҳрига 3 фарсах етмасдан яна бир Кубол (كبال) номли қишлоқ бўлиб [Ibn Khordadbeh: 29], у Суйаб (سوياب) шаҳрига қарашли бўлган [Kodama: 205]. Туркистон йўлида Каток (كتاك) номли қишлоқ [al-Moqaddasi: 48, 264], Самарқанд вилоятида Кадак (كدك) ёки Кадан (كدن) номли қишлоқ [ас-Самъоний X: 365, 366], Кеш вилоятида эса Кандак (كدنك) номли қишлоқ бўлган [al-Istakhri: 337, 338; Ibn Haukal: 400; al-Moqaddasi: 342].

33. Таколик (تكالك) ёки Наколик (نكالك) — бу шаҳарчанинг номи эгалик маъносини билдирувчи туркий *-liγ* (*-lig, -lik, -luγ, -luq, -lug*) аффикси ёрдамида ясалган [ДТС: 656; Камолиддин 2006: 69, 82]. Бу номнинг биринчи қисмида туркий *tekä* — «така» сўзи бўлиши мумкин [ДТС: 550]. У ҳолда бу жой номининг маъноси «такалик», яъни такалар кўп бўлган ер маъносини билдиради.

34. Тункат (تونكت) — Илоқ вилоятининг бош шаҳри (قصبه), Бинкатдан Тункатгача масофа 8 фарсахни ташкил этган [Ibn Haukal: 522]. Бу шаҳар Бинкатнинг ярмидан ҳам кичикроқ бўлиб, унда *қухандиз*, *мадина* ва унинг атрофида Илоқ дарёси бўйида жойлашган *рабад* бўлган. *Хукумат* саройи *қухандизда*, жоме масжиди ва қамоқхона *қухандиз* ёнида, бозорлари эса *мадинада* ҳам, *рабадда* ҳам жойлашган. *Мадинада* ва *рабадда* оқар сув бўлган [Ibn Haukal: 509]. Бошқа манбаларда унинг номи Тун кат (تون كٹ) [Беруни 1973: 471] ва Тункат-и Бухорнон (تتكت بخارنان) шаклида қайд этилган. Бу шаҳар Илоқ, Жадғал ва Чоч орасида жойлашган ерларнинг бош шаҳри (قصبه) бўлиб, савдогарларнинг тупланиш жойи бўлган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 118]. Бошқа ерда эса Илоқнинг бош шаҳри (قصبه)



деб Нукат (نوكت) кўрсатилган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Илоқ турклар чегарасида жойлашган, унинг бош шаҳри Бинкатдан 10 фарсах масофада жойлашган. Унинг чегарасидан Навбахт (نوبخت) орқали Фарғонага ўтилган. У жуда чиройли ва тоза шаҳар бўлган, унинг суғориладиган экинзорлари энига 2 фарсах масофага етган [ас-Самъоний I: 406; III: 108]. Шаҳар қояли тоғ устида жойлашган бўлиб, яхши мудрофааланган, унинг деҳқони эса кучли эди [al-Moqaddasi: 277]. Унинг номи қад. эрон. *tavan-* — «қодир бўлмоқ» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 100]. Лекин унинг номи қадимги туркий *tun* — «биринчи», «тўнғич» сўзидан ясалган деса ҳақиқатга тўғрироқ келади [ДТС: 586]. Чунки Маҳмуд Кошғарий маълумотига кўра, Тошканд (تاشكند) шаҳри баъзан Тунканд (تونكند) деб ҳам аталган [Кошғарий III: 164]. Тункат ҳам Илоқнинг бош шаҳри бўлганлиги сабабли шу ном билан аталган бўлиши мумкин. Исломдан олдин Чоч ҳукмдорлари зарб этган мис тангаларнинг биридаги суғдий ёзувда *Twnknd* — Тункат номи ўқилган эди [Ртвеладзе 2002: 46 — 50]. Лекин кейинчалик бу тангадаги ёзувнинг бундай ўқилиши нотўғри деб топилди [Лурье 2004: 92 — 93], бу тангаларнинг яхши сақланган янги топилмалари эса бу тузатишни тўла тасдиқлади [Исхаков, Камолиддин, Бабаяров 2008: 234 — 235]. Бу шаҳар ҳозирги Олмалиқдан 15 км шимоли-шарқда Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида Ургаз сойининг унга қуйилиш еридаги Саржайлақ қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, унинг харобалари Имлоқ деб аталади [Массон 1953: 70 — 71, 85 — 92; Буряков 1975: 110 — 112].

35. Сакокат (سكاكث) — Илоқ йўлида, Бинкатдан 7 фарсах, Тункатдан 1 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 522]. Бошқа манбаларда унинг номи Шовакат (شاوكت) [al-Moqaddasi: 49, 265, 342; ас-Самъоний VII: 275] ва Ш.кокаб (شكاكب) шаклларида қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 24б; Hudud al-‘Alam: 118]. Муф тоғидан топилган суғд ҳужжатларида бу шаҳар *s'wkh* шаклида қайд этилган [Лурье 2004: 92]. Уструшанада ҳам Шовакат (شاوكت) номи қишлоқ бўлган [al-Istakhri: 335]. Сакокат номи суғдча *sakā* — «юқори» ва *kaθ* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан [Лурье 2004: 45, 99], Шовакат номи эса суғдча *s'w* — «қора» ва *kaθ* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 55, 100]. Сакокат номининг биринчи қисми туркий *сако* (سقا) — «тоғ этаги» сўзидан ясалган бўлиши ҳам мумкин



[Кошғарий III: 246]. Унинг харобалари Тўйтепадан жануби-шарқда, Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғидаги Увайт қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Увайттепа деб аталади [Массон 1953: 58 – 59; Буряков 1975: 109].

36. Бонжхош (بانجخاش) – Илоқ йўлида, Бинкатдан 6 фарсах, Тункатдан 2 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 522]. Унинг номи Бонхош (بانخاش) шаклида ҳам учрайди [al-Moqaddasi: 49, 265]. «Худуд ал-олам» да Бонжбос (بانجباس) ва Фарғона билан Илоқ чегарасида жойлашган Ал.х.н.жос (الحنجاس) шаҳарчалари қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 24аб; Hudud al-‘Alam: 117, 118]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тўйтепадан жануби-шарқдаги Анхор қишлоғининг жануби-ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, Жумишқазитепа деб аталади [Массон 1953: 56 – 57; Буряков 1975: 109].

37. Нукат (نوكت) – Бинкатдан 4 фарсах, Тункатдан 4 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 522]. Унинг номи суғдча *nw* – «янги» ва *knd* – «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 99]. «Худуд ал-олам» га кўра, Нукат Илоқнинг бош шаҳри (قصبه) бўлган, унинг шаҳристони, қухандизи ва рабади бор эди [Hudud al-‘Alam: 117]. Бу маълумот аслида Тункат шаҳрига таалуқли бўлса керак. XV аср хужжатларида Шош вилоятида Наукат (نوكت) номи қишлоқ қайд этилган [СД: 268, 269]. Бу қишлоқ Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, Чирчиқ дарёсининг қуйилиш еридан юқориқоғдаги Унжикент қишлоғидан шимолда жойлашган [Вяткин 1900]. Унинг харобалари ҳозирги Тўйтепа шаҳрининг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, Улкан Тўйтепа деб аталади. Бу ерда мавжуд бўлган шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб, 150 га майдонни эгаллаган [Массон 1953: 45 – 54; Буряков 1975: 106 – 109]. Балки шунинг учун ҳам бу улкан шаҳар «Худуд ал-олам» да «Илоқнинг бош шаҳри» деб аталгандир.

38. Болоён (بالايان) – бу шаҳарча Бинкатдан 3 фарсах ва Тункатдан 5 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 522]. «Худуд ал-олам» да унинг номи Йолопон (يالابان) шаклида келтирилган. Ундан Парак дарёсининг қирғоғигача масофа 1 фарсанг бўлган. Бу ерда дирҳамлар зарбхонаси (سرائي درم زدن) жойлашган [Худуд ал-‘Алем: 24б; Hudud al-‘Alam: 118]. Ибн Хурдодбеҳ маълумотига кўра, аш-Шошдан Илоқ ва Баланканакдаги кумуш конларигача масофа 7 фарсахни ташкил этган [Ibn Khordadbeh: 27]. Лекин ал-Муқаддасий

маълумотиға кўра, Бинкатдан кумуш конларигача (معادن الفضة) бўлган масофа 1 марҳала бўлган [al-Moqaddasi: 342]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тўйтепадан шимоли-ғарбда Қорасув аригининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Кулқоратепа деб аталади [Массон 1953: 43; Буряков 1975: 105 – 106].

39. Туккат (تكت) — аш-Шош дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Дахкат ва Кухисим орасида жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Неъматларга жуда ҳам бой шаҳарча [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Унинг номи туркий *tutuq* — «вилоят ҳукмдори» ҳарбий лавозими ва унвонидан [ДТС: 593] ясалган бўлиб, унинг тўлиқ номи Тутуккатдир. Муғ тоғидан топилган сугдий ҳужжатда ва Қора Балосоғун сугдий битигида бу унвон *twtt(w)k* шаклида қайд этилган [Лурье 2004: 100, 207]. Унинг харобалари Тункатдан 12 км масофада, Кулота қишлоғининг жанубий чеккасида жойлашган бўлиб 30 га майдонни эгаллаган. Унинг атрофларида бир нечта мис конлари бўлган [Массон 1953: 93 – 96; Буряков 1975: 158 – 170].

40. Арбилах (اربلخ) — бу шаҳарча Илоқ ва аш-Шош дарёлари орасида, Тункатдан ғарбда 5 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Унинг номи туркий *-laq* (*-laq*, *-lag*, *-lakh*) аффикси ёрдамида ясалган [Камолиддин 2006: 70, 83]. «Худуд ал-олам» да Фарғона ва Илоқ чегарасида жойлашган Абарлиғ (ابرلغ) номи шаҳарча қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Унинг харобалари Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида, Ақчасой аригининг бошидаги Облиқ қишлоғининг шарқий чеккасида жойлашган. Бу шаҳар 80 га майдонни эгаллаган, лекин унинг ичида бўш ерлар ҳам бўлган. Бу ерларда шаҳарга савдо қилиш учун келган кўчманчи қабилаларнинг ўтовлари жойлашган бўлиши эҳтимол [Массон 1953: 12, 40; Буряков 1975: 125 – 127].

41. Намудлиғ (نمودلغ) — бу шаҳарча ҳам Илоқ ва аш-Шош дарёлари орасида, Тункатдан ғарбда 5 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 523]. «Худуд ал-олам» да Фарғона ва Илоқ чегарасида жойлашган Йаҳудлиқ (يهودلغ) номи шаҳарча қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Бу иккала ном эгалик маъносини билдирувчи туркий *-liγ* (*-liq*, *-lig*, *-lik*, *-luγ*, *-luq*, *-lug*) аффикси ёрдамида ясалган [Камолиддин 2006: 69 – 70, 83]. Уларнинг биринчи қисми *намуд* (نمود) ва *йаҳуд* (يهود) сўзларидан иборат. Қадимги

туркий тилда *намуд* сўзи учрамайди. Демак, бу иккала номни *йахуд* деб ўқиш керак. Балки бу шаҳарчада яҳудийлар жамоаси истиқомат қилган бўлиши мумкин. Бу шаҳарчанинг харобалари Ангрэн шаҳрининг шимоли-шарқий чеккасида, Абарлиғдан 16 км масофада жойлашган. Бу шаҳарча йирик металлургия маркази бўлиб, бу ерда маъданларни эритиш учун ишлатилган махсус тандирлар ва темирчилик устахоналарининг қолдиқлари топилган [Буряков 1972: 98; Буряков 1974: 41 – 42; Буряков 1975: 127 – 153].

42. Хумрак (خمرك) — Барак ва Илоқ дарёлари орасида, Илоқ йўлининг ғарбий томонида жойлашган [Ibn Naukal: 523]. «Худуд ал-олам» да унинг номи Х.м.б.рак (خمبرك) шаклида қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Бу шаҳарча XII асрда ҳам қайд этилган [ас-Самъоний V: 175]. XV аср ҳужжатида Оҳангарон дарёси бўйида Хурмак (خرمك) номли ерлар қайд этилган [СД: 298]. Унинг номи сўдча *xwmt*, *xwmt* — «тупроқ» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 57]. Бу шаҳарча Ангрэндан шимолда, йўлдан ғарбда [Бартольд 1963: 231], ҳозирги Бўка қишлоғидан тахминан 15 км масофада дарёнинг бўйида жойлашган [Буряков 1975: 177].

43. Бискат (بسكت) — аш-Шошдаги машҳур шаҳарча (بلدة) [ас-Самъоний II: 219]. Ж.Крамерс танқидий матнида бу шаҳарчанинг номи Нужкат (نوجكت) шаклида келтирилган. Шу билан бирга аш-Шошда ҳам шу номли шаҳар қайд этилган (қаранг: XXXIX.22). Лекин М. де Гуйе танқидий матнида ва бошқа манбаларда унинг номи Бискат (بسكت) шаклида келтирилган [Ibn Naukal 1873: 386, 404; al-Istakhri: 331, 345; al-Moqaddasi: 49, 265]. Ж.Крамерс матнининг бошқа ерида Бискат (بسكت) Барак дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Илоқ йўлининг ғарбий томонида жойлашган шаҳарчалар қаторида қайд этилган, Нужкат эса у ерда тилга олинмаган [Ibn Naukal 1967: 523]. Шу ўринда (яъни Хумракдан кейин ва Куҳисимдан олдин) ал-Муқаддасий бу шаҳарча номини Сикат (سيكت) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 265], Бухоро вилоятида ҳам шу номли қишлоқ қайд этилган [al-Moqaddasi: 267]. «Худуд ал-олам» га кўра, Чоч вилоятидаги Сабкат (سبكت) номли шаҳарчада машҳур «чочий» камонлари ишлаб чиқарилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 118]. Бу шаҳарчанинг номи аслида Бискат бўлса керак. Птолемей харитасида Йаксарт (Сирдарё) дарёсининг чап ирмоғи Баскатис (*Βασκατις*) деб қайд этилган бўлиб [Tabulae

Geographicae 1583: VII], ўрта асрларда у Бискат деб аталган [Лурье 2004: 90]. XVI аср хужжатларида Тошканд вилоятида Пскат (پسکت) номи қишлоқ қайд этилган [СД: 360]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тошкентдан 41 км жанубдаги ҳозирги Пскент қишлоғининг шарқий чеккасида жойлашган бўлиб, Пушти Маҳмуд (Боло Пушти) деб аталади [Массон 1953: 64 – 66; Буряков 1975: 170 – 173]. Бу ерда шу номи дарё ҳам бор. Ал-Муқаддасий маълумотига кўра, аш-Шош вилоятидаги шаҳарлардан бири Бишкат (بشکت) деб аталган [al-Moqaddasi: 49, 265]. У ҳақида қаранг: XXXIX.25. XVII аср манбасида ҳам бу шаҳарчанинг номи Бишкат (بشکت) шаклида қайд этилган [Ходжа Самандар: 122 – 123]. Фарғона водийсида ҳам Бисканд (بيسکند) номи шаҳарча [Ibn Haukal: 513, 525], Нишопур вилоятида эса шу номи қишлоқ бўлган [Ibn Khordadbeh: 23].

44. Куҳисим (کھسیم) – аш-Шош дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Туккат ёнида жойлашган [Ibn Haukal: 523]. «Худуд ал-олам» га кўра, Куҳ-и Сим (کھسیم) кумуш кони мавжуд бўлган тоғ ёнбағрида жойлашган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. Ибн Хурдодбеҳ маълумотига кўра, аш-Шошдан Илоқ ва Баланканакдаги кумуш конларигача масофа 7 фарсахни ташкил этган [Ibn Khordadbeh: 27]. Лекин ал-Муқаддасий маълумотига кўра, Бинкатдан кумуш конларигача (معادن الفضة) бўлган масофа 1 марҳала бўлган [al-Moqaddasi: 342]. Бу шаҳарчанинг харобалари Оҳангарон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги Нишбошсой бошида Қурама тоғлари ёнбағрида жойлашган бўлиб, Қўрғонтепа деб аталади. VI – VIII асрларда бу ерда Муҳинон номи қалъа бўлган, IX – X асрларда эса у катталашиб, шаҳарчага айланган [Буряков 1965: 28 – 30; Буряков 1975: 115 – 124].

45. Дахкат (دخکت) – аш-Шош дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Хош ва Туккат орасида жойлашган [Ibn Haukal: 523]. Бошқа манбаларда бу шаҳарчанинг номи Дахкат (دخکت) [ас-Самъоний VI: 11], Адахкат (ادخکت) [al-Moqaddasi: 49, 265] ва Дахкат (دخکت) шаклларида келтирилган. Бу ерда маргимуш (داربي موش), яъни мишьяк ишлаб чиқарилган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. ас-Самъоний маълумотига кўра, Дахкат (دخکت) Сайхун дарёсининг орқасида ва аш-Шош вилоятидан тепадаги ар-Рудбор (الروڭبار) номи ноҳийанинг маркази бўлиб, бу ерда яна Тувидиж (توڭيچ) номи қишлоқ ҳам бўлган.

Катта дарёларнинг бўйида жойлашган ерлар ар-Рудбор деб аталган [ас-Самъоний III: 102; VI: 11, 180]. Унинг номи суғдча *δx* (қад. эрон. *daha*) — «эр» сўзидан ёки *dah* қабиласи номидан ясалган [Лурье 2004: 95, 231]. Бу шаҳарча ҳозирги Ангрендан 8 км шимоли-ғарбда Оҳангарон тоғларидаги Дукентсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган [Массон 1953: 39; Буряков 1975: 153 — 157]. Талас водийсида ҳам Адахкат (ادخكت) номли шаҳарча бўлган [al-Moqaddasi: 274].

46. Хош (خاش) — аш-Шош дарёси ва Илоқ дарёси орасида, Фаржанд ва Дахкат орасида жойлашган [Ibn Naukal: 523]. Бошқа манбаларда унинг номи Хос (خاس) шаклида қайд этилган [al-Moqaddasi: 49, 265]. Унинг атрофларида экинзорлар кўп, лекин аҳолиси сийрак бўлган [Худуд ал-‘Алем: 24а; Hudud al-‘Alam: 117]. XV аср хужжатида Шоҳруҳийа туманида жойлашган Хоскат (خاصكت) номли мавзе қайд этилган [СД: 268]. «Бобурнома» га кўра, Хос (خاص) шаҳарчаси Хўжанд дарёси бўйида жойлашган бўлиб, унинг ёнида сув кечуви бўлган [Бабур-наме: 114]. Бу шаҳарчанинг номи суғдча *xwās/xār/xās* — «сув ҳавзаси», «ариқ» ёки қад. эрон. *hu-vastra* — «яхши ўтли ер», «тоғ ёнбағри» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 46, 150, 201, 232]. *Хаш/хас/кас* топоформанти ёрдамида ясалган гидронимлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳозиргача сақланиб қолган (Тангхосдарё) [Нафасов 1987: 9]. Бу шаҳарча Жанбулоқ темир йўл бекатидан 10 км ғарбдаги Чанак булоғи ёнидаги шаҳар харобалари [Массон 1953: 38 — 39] ёки Жумабозор қишлоғидаги Далварзинтепа харобалари ўрнида жойлашган [Буряков 1975: 173 — 175].

47. Харконкат (خرکانکت) — матннинг бошқа ерида бу шаҳарча Хотункатдан 7 фарсах, Баркушдан 4 фарсах шарқ томонда жойлашган деб кўрсатилган [Ibn Naukal: 523]. Бошқа манбаларда унинг номи Харжонкат (خرجانکت) [al-Istakhri: 332, 345], Хужокат (خجاکت) [al-Moqaddasi: 49, 265] ва Хархакат (حرحکت) шаклида қайд этилган. Бу ерда машҳур «чочий» камонлари ишлаб чиқарилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 118]. Унинг номи қадимги юнон *χάραξ* — «истехком», «қўналға» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 101, 171 — 172]. Бу шаҳарчанинг харобалари Хожикент шаҳри ёнида Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Хожикент-Бозорбоши деб аталади [Буряков 1975: 79 — 82].

## XL [БИНКАТ]

1. *қуҳандиз* (قهنندز) — Бинкат қалъаси шаҳристоннинг шимолий қисмида, Эски шаҳарда собиқ «Спартак» стадионидан шимолдаги Регистон ва Жангоб ариқлари, Ҳамза (ҳозирги Зарқайнар) кўчасидан Эски Жўва ва Абдулла Қодирий истироҳат боғининг шимолий дарвозасигача бўлган ҳудуддаги алоҳида девор билан ўралган тахминан 1 га майдонни эгаллаган [Массон 1954: 110; Филанович 1983: 153].

2. *мадина* (مدينة) — Бинкат мадинаси ёки шаҳристони учбурчак шаклда бўлиб, Чорсу бозори ва майдони, Кўкалдош мадрасаси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Ҳадра майдони, Тахтапул, Навоий ва Лабзак кўчаларини ўз ичига олувчи девор билан ўралган 15 га майдонни эгаллаган [Массон 1954: 110; Буряков 1975: 68; Филанович 1983: 153–156].

3. *рабад* (ربض) — Бинкатнинг ички *рабади* ғарб томонда Кўкча даҳаси, Каллаҳона маҳалласи, Беруний кўчаси, Хиёбонтёпа, Чигатой қабристонни ва Кайковус ариғи атрофларини ўз ичига олган [Буряков 1975: 68; Филанович 1983: 157–159].

4. *рабад* (ربض) — Бинкат ташқи *рабади* шимол томонда Себзор даҳаси ва Ҳазрати Имом мажмуаси, Бешёғоч даҳасининг бир қисми, ҳозирги Бинокор (собиқ Халқлар Дўстлиги) майдони, Олмазор мавзеси, Камолон қабристонни, Бешёғоч ва Самарқанд дарвоза кўчаларини ўз ичига олган [Филанович 1983: 159–162].

5. [Боб] Абу-л-‘Аббос (باب ابي العباس) — Абу-л-‘Аббос дарвозаси, бу дарвозани Абу-л-‘Аббос Йаҳъё ибн Асад ибн Сомон-худот қурдирган бўлса керак. Чунки у 204/819 йилда халифа ал-Маъмун кўрсатмасига биноан аш-Шош ва Усрушана *амири* этиб тайинланган эди [Ибн ал-Асир 2006: 66] ва шу ерда 241/855/56 йилда вафот этган эди [ас-Самъоний VII: 13]. Унинг 227 — 241/841 — 855 йилларда «мадинат аш-Шош», яъни Бинкатда зарб этган мис тангалари маълум [Добровольский, Кочнев 1982: 190 — 198]. Йаҳъё ибн Асад умрининг охиригача жами 37 йил Бинкатда яшаган ва бу ерда қурилиш ишлари олиб борганлиги табиийдир.

6. Боб Касир (باب كشير) — М. де Гуёе танқидий матнида ва ал-Муқаддасий матнида бу дарвозанинг номи Боб Кеш (باب كش) шаклида

келтирилган [Ibn Naukal 1873: 387; al-Moqaddasi: 276]. Бу дарвозанинг номи Боб Кеш бўлиши мумкин эмас, чунки Бинкатдан Кешга бориш учун Усрушана шаҳарлари ва Самарқанддан ўтиш керак бўлган. Бир вақтлар (V – VI асрларда) Кеш шаҳри бутун Суғднинг маркази бўлганлиги сабабли бу дарвоза Кеш деб аталган бўлиши ҳам мумкин [Лурье 2004: 224]. Лекин бизнингча, унинг номи Касир исми шахс билан боғлиқ бўлган. Касир — қадимий араб исмларидан бўлиб, асосан Ўрта Осиёда фатҳ урушлари олиб борган арабларда учрайди. Қутайба ибн Муслимнинг ҳам Касир исми ўғли бўлган [at-Tabari II: 1296]. 96/714-15 йилда Кошғарга юборилган араб лашкарбошисининг исми ҳам Касир бўлган [at-Tabari II: 1276]. Лекин бу араблар Ўрта Осиёда асосан фатҳ урушлари олиб борганлар ва урушда ҳалок бўлганлар. Манбаларда Абу Саҳл Касир ибн Зиёд ас-Суламий ал-Бурсоний ал-Аздий исми бир *муҳаддис* ҳам қайд этилган. Унинг асли келиб чиқиши Басра шаҳридан бўлиб, аввал Балхда, кейин Самарқандда яшаган ва *ғазв* (*ғазовот*), яъни жиҳод урушларида қатнашган [ан-Насафий 1999: 695 – 696; ас-Самъоний II: 152]. Балки бу дарвоза шу одамнинг исми билан боғлиқдир.

7. Боб ал-Жунбад (باب الجنيد) — М. де Гуйе таъкидий матнида ва ал-Муқаддасий матнида бу дарвозанинг номи Боб ал-Жунайд باب الجنيد (ёки الجنيد) шаклида келтирилган [Ibn Naukal 1873: 387; al-Moqaddasi: 276]. Бу дарвозанинг номи форсча *гумбад* (گمبد) сўзининг арабча шакли [Лурье 2004: 224] ёки ал-Жунайд исми шахс билан боғлиқ бўлиши мумкин. 111 – 116/729 – 734 йилларда ал-Жунайд ибн ‘Абдурахмон ал-Муррий исми Хуросон амири бўлган.

8. Боб Работ Ҳамдайн (باب رباط حمدین) — яъни Ҳамдайн работи томонга қараган дарвоза. Унинг номи Дарб Рибот Аҳмад (درب رباط احمد) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 276].

9. Ички Боб ал-Ҳадид (باب الحديد الداخل) — яъни ички Темир дарвоза. Унинг номи Дарб ал-Ҳадид (درب الحديد) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 276].

10. Боб ал-Амир (باب الامير) — яъни Амир дарвозаси. Унинг номи Дарб ал-Амир (درب الامير) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 276]. Бу дарвозанинг номи ҳам *амир* Йахъё ибн Асад исми билан боғлиқ бўлиши мумкин.

11. Боб ал-Фархон (باب الفرخان) — унинг номи Дарб ал-Фархон (درب فرخان) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 276]. Балки бу



дарвоза номини Фархор (فرخار) шаклида ўқиш керакдир. У ҳолда у суғдча *βrx'r* — «буддавий ибодатхона» сўзидан ясалган бўлади [Лурье 2004: 224].

12. Боб Суркада (باب سورکده) — унинг номи Дарб Суркада (درب سورکده) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 276]. Бу ном арабча *sur* (سور) — «шаҳар девори» ва форсча *када* (کده) — «уй» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 224].

13. Боб Кармонж (باب کرمانج) — ал-Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Кармоба (درب کرمانج) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 276]. Унинг номи ўрта форс *garmābag* — «ҳаммом» ёки шу маънони билдирувчи янги форс *гармоба* (کرمانبه) сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье 2004: 180, 224].

14. Боб Сиккат Саҳл (باب سکه سهل) — яъни Саҳл кўчаси дарвозаси. Араб тилида *саҳл* (سهل) — «текислик», «яланглик» демакдир. Ундан ташқари Саҳл (سهل) қадимий араб исмларидан бўлиб, асосан VII — VIII асрларда Ўрта Осиёга келган арабларда кенг тарқалган. Бу дарвозанинг номи одам исми билан боғлиқ бўлса керак.

15. Боб Рошдижоқ (باب راشدیجاق) — бу дарвозанинг номи туркий *jaq* — «томон», «ёқ» [Лурье 2004: 224] ёки кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий *-čiq* (*-čiq, čaq*) ёки *-jiq* (*-jiq, -jaq*) аффикси ёрдамида ясалган [ДТС: 650 — 651; Камолиддин 2006: 71]. Бу аффикс ҳозирги жой номлари таркибида ҳам кўп учрайди [Савина 1969: 168 — 169].

16. Боб Сиккат Хоқон (باب سکه خاقان) — яъни Хоқон кўчаси дарвозаси. ал-Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Сиккат Хоқон (درب سکه خاقان) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 276]. ал-Истаҳрий асарининг ўрта асрларда қилинган форсча таржимасида бу дарвоза Дар-и Куй-и Хоқон (در کوي خاقان) деб аталган [ал-Истаҳри: 34]. Бу дарвозанинг номи шундан далолат берадики, бир вақтлар унинг ёнида жойлашган маҳаллада турк хоқонига тегишли иморатлар, эҳтимол унинг қасри жойлашган.

17. Боб Қаср ад-Дихқон (باب قصر الدهقان) — яъни *деҳқон* қасри дарвозаси. ал-Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Қаср ад-Дихқон (درب قصر الدهقان) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 276].

18. Боб Фарғад (باب فرغد) — ал-Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Фарғад (درب فرغد) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 276].



Унинг номи сўғдча *faryad* — «дарахтлар орти» маъносини билдириши мумкин [Лурье 2004: 225].

19. Боб Хошкат (باب خاشکث) — ал-Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Хоскат (درب خاسکت) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 276]. Бу дарвозанинг номи Банокат (Шоҳрухия) яқинида Сирдарё бўйида жойлашган Хош (خاش) ёки Хошкат (خاشکث) шаҳарчасининг номи билан боғлиқ бўлган. У ҳақида қаранг: XXXIX, 44.

20. Боб Сакандижоқ (باب سکنديجاق) — ал-Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Сандижо (درب سنديجا) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 276]. Бу дарвозанинг номи ҳам кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий *-čiq* (*-čiq*, *čaq*) ёки *-jīq* (*-jīq*, *-jaq*) аффикси ёрдамида ясалган.

21. Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) — яъни Темир дарвоза.

22. Боб Бокардижоқ (باب باكرديجاق) — ал-Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Баркарджо (درب برکردجا) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 276]. Бу дарвозанинг номи ҳам кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий *-čiq* (*-čiq*, *čaq*) ёки *-jīq* (*-jīq*, *-jaq*) аффикси ёрдамида ясалган.

23. Боб Сакрак (باب سكرک) — бу дарвозанинг номи араб. *сакр* (سكر) — «тўғон» сўзининг кичрайтириш шакли бўлиши мумкин.

24. Боб Дарб-и Фарйад (باب دربفرياد) — форс., «Фарёдлар дарвозаси» (?) [Лурье 2004: 225].

25. Софлиғ (سافلغ) ёки Соблиғ (سابلغ) — Маҳмуд Кошғарий асарида Соблиғ Қайос (سابلغ قیاس) номли шаҳар қайд этилган [Кошғарий III: 187]. Бу тоғнинг номи эгалик маъносини билдирувчи *-liγ* аффикси ва қадимги туркий *sap* — «соп» ёки *sap-* — «бирлаштирмоқ» сўзидан ясалган [ДТС: 485, 656; Камолитдин 2006: 69 — 70]. Бу ном ҳозирги Ғазалкент шаҳри яқинида Чирчиқ дарёсининг ўнг томонидаги тоғларда жойлашган Сойлиқ қишлоғининг номида сақланган, унинг атрофидаги тоғлар ҳам шундай аталган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, демак, бу ном қадимги туркий *saj* — «тошлоқ ер», «даштли текислик» сўзидан ясалган бўлади [ДТС: 481]. Бу эса ал-Қалос дашти (برية القلاص) ҳақидаги маълумотга мос келади. У ҳақида қаранг: XXXIX, 2.

26. Бу девор аш-Шош девори (حائط الشاش) ёки ‘Абдуллоҳ ибн Ҳумайд девори (حائط عبدالله بن حميد) деб аталган [Ibn Naukal: 523]. Бу девор шарқда Сойлиқ (Соблиқ) тоғларидан ғарбда Сирдарёгача чўзилган.

XIX аср охирида бу деворнинг ғарбий қисмининг Бўзсув ариғидан Ялама қишлоғига чўзилган бир нечта қолдиқлари қайд этилган эди [Буряков 1975: 73; Буряков 1982: 141 – 142]. 1958 – 1962 йилларда юборилган махсус археологик экспедиция бу деворнинг сақланиб қолган қолдиқларини ўрганиб чиқиб, Ибн Ҳавқал маълумотларининг тўғрилигини тасдиқлади. Кампирдувол деб аталувчи бу девор Чирчиқ дарёсининг ҳар икки қирғоқ томонидаги қадимги суғорилган обод ерларни ўраб турган. Деворнинг умумий узунлиги тахминан 37 км ни ташкил этган. Девор харобаларининг эни 12 – 16 м, баландлиги эса 1 – 2 м ни ташкил этади [Муҳамедов 1964: 41 – 45]. Лекин Ю.Ф.Буряков фикрига кўра, бу девор анча шимолроқда, ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги даштларда жойлашган [Буряков 1982: 142]. Шунга ўхшаш мудофаа девори Бухоро воҳасида ҳам қурилган бўлиб, Канпирак девор деб аталган. У девор 161/782-83 йилда Хуросон амири Абу-л-‘Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон томонидан қурдирилган эди [Наршахий: 36].

27. ‘Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ибн Саур (عبدالله بن حميد بن ثور) – В.Бартольд фикрига кўра, бу деворни 776 йилда Хуросон амири ‘Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ибн Қаҳтаба қурдирган бўлиши мумкин [Бартольд 1963: 229].

28. Наҳр Турк (نهر ترك) – Ж.Крамерс танқидий матнида бу дарёнинг номи Наҳр Барак (نهر برک) шаклида келтирилган [Ibn Naukal: 509]. В.В.Бартольд фикрича, дарёнинг асл номи Парак (Фарак) бўлган, унинг «Турк» шакли эса манбаларда хато берилган [Бартольд 1973: 264]. Лекин М. де Гуйе танқидий матнида ва бошқа манбаларда бу дарёнинг номи Наҳр Турк (نهر ترك), яъни «Турк дарёси» шаклида келтирилган [Ibn Naukal: 388, 404, 405; al-Istakhri: 344, 345; Ibn Khordadbeh: 27, 178; Kodama: 204; al-Masudi: 65, 67]. Бу дарё номининг айнан шу шаклида ўқилиши яна шундан аён бўладики, ат-Табарийнинг асарида бу дарёнинг номи Наҳр ал-Атрок (نهر الاتراك), яъни «Турклар дарёси» шаклида [at-Tabari III: 1988, 2001, 2004], ал-Истахрий асарининг форсча матнининг айрим нусхаларида эса Руд-и Туркистон (رود تركستان) шаклида қайд этилган. Ҳозир бу дарё Чирчиқ деб аталади. Муғ тоғидан топилган суғдий ҳужжатларда бу дарёнинг номи *s’rscyk* ёки *s(’)δrscyk* шаклида қайд этилган [СДГМ 1962: 79, 87; Grenet 1989: 180 – 181]. «Манас» достонида бу дарёнинг номи Чайирчиқ [Қораев

1980: 24 – 25], «Бобурнома» да эса Чир (چير) шаклида қайд этилган [Бабур-наме: 86, 136, 17а, 226]. Чирчиқ номи суғд тилида «қуйи» маъносини билдиради [Лурье 2004: 63]. Лекин бу ном туркий чадир/чайир – «яйлов» сўзи [Мурзаев 1980: 85] ёки чағирақ/чағират этноними [Бартольд 1963: 208] билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Унинг иккинчи қисми эса кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий *-çiq* (*-çiq*, *-çaq*) аффиксидан иборат [ДТС: 650 – 651].

29. Биском (بسکام) – ҳозир бу дарё Писком деб аталади. Унинг номи суғдча *ρš* – «орқа» ўрта форс *kām* – «дара», «ариқ», «сой» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 187].

30. Жидғил (جدغل) – шу номли вилоят ҳам бўлиб, у Фарғонага қарашли бўлган [al-Istakhri: 334; Ibn Naukal: 513; Беруни 1973: 471]. «Худуд ал-олам» да бу вилоятнинг номи Жадғал (جدغل) шаклида келтирилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-‘Alam: 118]. Ҳозир бу дарё ва унинг атрофларидаги тоғлар Чатқол деб аталади [Бартольд 1963: 220]. Бу дарёнинг номи туркий *чат* – «дара», «водий» ва *кал* – «дарё», «ирмоқ» сўзларидан ясалган. Бу сўзлар ёрдамида ясалган жой номлари Ўрта Осиёнинг тоғли ўлкаларида кўп учрайди: Чат, Эски Чат, Уч Чат, Чат Бел, Қара Чат, Сари Чат, Бешкал ва ҳ.к. [Қараев 1985: 29; Қараев 1987: 115]. Айрим туркий тилларда *чаткал* сўзи «чуқур даралар билан ўйилган қоя тошли баландлик» [Мурзаев 2004: 187], «икки даранинг қўшилиш ери» [Дрон, Курогло 1989: 88] ёки «икки тоғ орасидаги ботиқ», «водий» маъносини билдиради [Қораев 1908: 31; Конкобаев 1980: 141]. Яна бир фикрга кўра, *чат* топоформанти қадимги туркий *taš* – «тош» сўзининг бир кўриниши бўлиб, бу сўз «қоя», «тоғ» маъноларини ҳам билдирган [Мурзаев 1984: 547]. Тошкент воҳасининг қадимги номи Чоч ҳам шу Чотқол тоғлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки бу тоғлар Тошкент воҳасини ташкил қилувчи Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини табиий қоятош тўсиқ каби ўраб туради ва ташқи душманлардан ҳимоя қилади [Муҳаммаджонов 2002: 54 – 55].

31. Наҳр Илоқ (نهر ايلاق) – ҳозир бу дарё Оҳангарон деб аталади. Бу ном форс тилида *оҳангарон* (آهنگران) – «темирчилар» маъносини билдиради. XII аср араб географи ал-Идрисий харитасига кўра, Илоқ водийсидан оқиб аш-Шош дарёсига қуйилувчи дарё Бирки деб аталган [Қараев 1973: 57]. Бу дарё номининг келиб чиқиши Тароз яқинидаги Бирки (بركي) ёки Мирки (مركي) қишлоғининг номи [Ibn

Khordadbeh: 29; al-Moqaddasi: 263, 275] сингари туркий бўлиши мумкин [Камолитдин 2006: 34].

32. XII аср араб географи ал-Идрисий харитасига кўра, Илоқ тоғлари ҳам Бирки деб аталган [Караев 1973: 57]. Ҳозир бу тоғлар Қорамозор тоғлари деб аталади.

33. Илоқнинг олтин ва кумуш конлари (معادن الذهب و الفضة) X асрда Панжхирдан кейин Мовароуннаҳрдаги энг йирик ва бой конлар ҳисобланган. Кумуш конларининг қолдиқлари Қурама—Қорамозор тоғларидаги ҳозирги Консой, Такали, Олтинтопган, Қоратошқутан, Кони-Мансур, Канжол, Оқтошкон, Чоқадамбулоқ, Қоратепа-Мискон, Олмалик, Совуқбулоқ, Пангаз, Гудас, Лашкарак-Тизкўл номли ерларда жойлашган. Энг йирик конлар Тизкўл, Қоратошқутан ва Кони-Мансурда бўлган. Олтин конлари эса Жанубий Чотқол тоғларидаги Кочбулоқ, Тоғберди, Қизилолма, Қайнар, Балиқли, Ақжан, Сартабуткон, Катиранга номли ерларда жойлашган [Буряков 1965: 28 — 30; Буряков 1974: 109 — 112; Буряков 1999: 264 — 273; Буряков 2003: 53 — 56].

34. Матнда: ал-‘айн (العين) — араб., бу сўз «нақд пул» маъносини билдиради. Бу ерда *фалс* (فلس) деб аталувчи мис тангалар назарда тутилган.

35. Матнда: ал-варақ (الورق) — араб., бу сўз «кумуш тангалар» маъносини билдиради. Бу ерда *дирҳам* (درهم) деб аталувчи соф кумуш тангалар назарда тутилган.

36. *дор аз-зарб* (دار الضرب) — араб., «тангалар зарбхонаси». «Худуд ал-олам» га кўра, *дирҳам* зарбхонаси (سراي درم) Парак дарёси бўйидаги Йолопон номли шаҳарчада жойлашган [Hudud al-‘Alam: 118].

37. Сутуркат (ستوركت) — матннинг бошқа ерида бу шаҳарчанинг номи Устуркат (استوركت) шаклида келтирилган, у Бинкатдан 3 *фарсах*, Банокатдан эса 5 *фарсах* [Ibn Haukal: 522] ёки 4 *фарсах* масофада Турк (Чирчиқ) дарёси бўйида жойлашган [Ibn Khordadbeh: 27]. Катталиги бўйича у Бинкат ва Харашкатдан кейин турган [Ibn Haukal: 510]. Унинг майдони Бинкат билан деярли тенг бўлиб, қальаси (حصن) ҳам бўлган. Унда оқар сув ва чиройли *тимлар* бўлган [al-Moqaddasi: 276]. Бошқа манбаларда унинг номи Уштуркат (اشتوركت) [al-Moqaddasi: 49, 264, 276], Шутуркат (شطوركت) [Ibn Khordadbeh: 27] ва Шутуркат (شتوركت) шаклларида ҳам учрайди. Унда машҳур «чочий» камонлари ишлаб чиқарилган [Худуд ал-‘Алем: 246; Hudud al-

‘Alam: 118]. Унинг номи сўғдча *štur* — «туя» ва *kaθ* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 100]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тошкент шаҳридан жанубда Пахта темир йўл бекати яқинида Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида Кишовул қишлоғи қаршисида жойлашган бўлиб, Эски Тошкент деб аталади [Бартольд 1963: 220; Массон 1953: 73; Буряков 1975: 51 — 52].

38. Бу ерда кумуш тангаларнинг зарбхоналари назарда тутилган. Ҳақиқатан, IX — X асрларда кумуш тангалар Мовароуннаҳрда, яъни Амударёдан шимолдаги ерларда фақат Бухоро, Самарқанд ва аш-Шош — Илоқда зарб этилган. Лекин мис тангалар Мовароуннаҳрнинг деярли барча шаҳарларида зарб этилган [Давидович 1966: 103 — 134].

## XLI [ИСБИЖОБ]

1. Исбижоб (اسبيجاب) — Бинкатдан 4 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар ва вилоятнинг номи [Ibn Naukal: 523]. Бошқа манбаларда унинг номи Исфижоб (اسفيجاب) [ас-Самъоний I: 241], Испижоб (اسبيجاب) [Байхаки: 644; Кошғарий I: 66, 111; III: 191, 420], Исбишоб (اسبيشاب) [Kodama: 204; al-Jakubi: 295] ва Истижоб (استجاب) шаклида ҳам келтирилган [Наршахий: 74]. X асрда Исбижоб ислом динини қабул қилган *ғузлар* ва *харлухларнинг* маркази бўлиб [al-Moqaddasi: 274, 275], бу ер улар орасидаги чегара бўлган [al-Istakhri: 290]. У жуда машҳур пойтахт шаҳар бўлиб, обод *мадина* ва *рабаддан* иборат бўлган. Унда *тимлар*, *карбос* бозори ва жоме масжиди бўлган. Унинг ҳар бир дарвозаси ёнида работлар бўлиб, улар Нахшабликлар работи, Бухороликлар работи, Самарқандликлар работи ва Қаротакин работи деб аталган. Қаротакиннинг қабри ҳам шу ерда бўлган. У ўзига қарашли бозордан ҳар ойда олинадиган 7 минг *дирҳам* даромадни вақф қилиб берган, ундан бечораларга нон ва егулик овқат тарқатилган. Айтишларича, бу шаҳарда 1700 работ бўлган. Бу ер чегарадаги вилоят (араб. *ас-суғр*) бўлиб, бу ердан жиҳод урушлари олиб борилган. Унинг *рабади* мудофаа девори (*хисн*) билан ўралган, унинг *қуҳандизи* вайрон қилинган. Уларда қаҳатчилик бўлмайди, чунки улар хирождан озод қилинганлар. Уларда меваларнинг миқдори кўп эмас [al-Moqaddasi: 272 — 273]. Унинг номи сўғдча *‘sp’yt* — «оқ», *-с* эгалик

суффикси ва *'rḥ* – «сув» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 55, 147, 240 – 241]. Турклар уни Сайрам (سيرم) ёки Сарйам (سريم) деб атаганлар [Кошғарий I: 111; III: 191; Бабур-наме: 8а, 196, 102а, 1056; Махмуд ибн Вали: 55]. Қадимги туркий тилда *saɣrat suw* – «саёз сув» маъносини англатган [ДТС: 481]. Сайрам шаҳрининг иккинчи номи ал-Мадина ал-Байзо (مدينة بيضاء) – араб., «оқ шаҳар» бўлган [Кошғарий I: 66; III: 191]. 197/813 йилда Ўтторга юриш қилган 'Аббосий халифаларнинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн Исфижоб қалъасининг ҳокимини ўлдириб, қарлуқ жабғусининг ўғиллари ва хотинларини асирга олди, жабғунинг ўзи эса кимақлар мамлакатига қочиб кетади [Михайлова 1951: 17]. 211/826-27 йилда Исфижоб 'Абдуллоҳ ибн Тоҳирга бўйсунувчи вилоятлар қаторида тилга олинади [Та'рих-и Систан: 65]. 225/839-40 йилда *амир* Нуҳ ибн Асад Исфижобни қайта қўлга олиб [ас-Самъоний VII: 13], унинг буйруғига қўра, шаҳар атрофида унинг узумзорлари ва экинзорлари билан ўраб турувчи мудофаа девори қурилган [al-Beladsori: 422]. Шу вақтдан X аср охиригача Исфижобда Сомонийлар томонидан тайинланган қарлуқ қабиласига мансуб Муттийлар сулоласи ҳукмронлик қилган [Кочнев 1993: 17 – 20]. Исфижоб Туркистон чегарасида жойлашган катта шаҳар бўлиб, унинг атрофларида кўп мол ва қўйлар етиштирилган. Бутун Туркистон мамлакатада қандай маҳсулот мавжуд бўлса, шу ерга келтирилган. Шунинг учун бу ерга бутун дунёдан савдогарлар келган [Hudud al-'Alam: 118]. Бу шаҳар ҳозирги Чимкент вилоятидаги Сайрам қишлоғининг марказида жойлашган [Байпаков 1977: 82; Байпаков 1986: 23; Байтанаев 2003: 37].

2. Боб Нужкат (باب نوجكت) – [al-Moqaddasi: 272], яъни Нужкат дарвозаси. Усрушана пойтахти Бунжикат шаҳрининг дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган. Усрушанада шу номли шаҳар ҳам бўлган. Сўғд манбаларида унинг номи *nwcknd* – 'k шаклида қайд этилган (у ҳақида қаранг: XXXVII, 15). Чоч вилоятида ҳам шу номли шаҳар (у ҳақида қаранг: XXXIX, 22), Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида эса Дех-и Нужикат (ده نوجيكت) номли қишлоқ бўлган [al-Moqaddasi: 263]. Нужкат номи сўғдча *nwč* – «янги» ва *kaθ* – «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 51, 62, 91, 99, 191]. Эҳтимол, Исфижоб вилоятида ҳам шу номли шаҳарча бўлгандир, ёки бу дарвоза аш-Шош вилоятидаги шаҳарга нисбат қилиб номланган бўлиши ҳам мумкин.

3. Боб Фарход (باب فرخاد) — М. де Гуйе танқидий матнида унинг номи Боб Фархон (باب فرخان) ёки Боб Фархор (بال فرخار) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Naukal 1873: 390; al-Moqaddasi: 272]. Унинг номи *фархор* — «буддавий ибодатхона» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье 2004: 225].

4. Боб Сарокрота (باب سراكراته) ёки Боб Савокрота (باب سواكراته) — унинг номи Боб Шокрона (باب شاکرانة) ёки Боб Шоквона (باب شاکوانه) шаклида ҳам келтирилган [al-Moqaddasi: 273].

5. Боб Бухоро (باب بخارا) — яъни Бухоро дарвозаси.

6. Лекин аслида Хуросон ва Мовароуннаҳрда Сомонийларга хирож тўламаган бошқа баъзи вилоятлар ҳам бўлган. Масалан, Жужон ҳукмдорлари Бухорога хирож ўрнига фақат совға-саломлар юбориб турганлар [al-Moqaddasi: 337]. Хирож тўловидан озод этилган бошқа ерлар ҳам бўлган.

7. Будахкат ёки Будухкат (بدخکت) — унинг номи Будахкат (بدخکت) [Ibn Naukal 1873: 390, 399], Будахкат (بدخکت) [al-Istakhri: 337], Будахкат (بدخکت — биринчи ҳарф нуқтасиз) [Hudud al-‘Alam: 118], Бадухкат (بدوخکت) [al-Moqaddasi: 341] ва Бадухкат (بدوخکت) шаклларида ҳам учрайди. Исфижобдан 9 *фарсах*, Шоробдан 5 *фарсах* масофада ат-Тароз йўлида жойлашган шаҳарча [Ibn Khordadbeh: 28]. Унда қудуқлар кўп бўлган [Kodama: 204]. Маъмурий жиҳатдан Исфижоб ёки аш-Шош вилоятига кирган [ас-Самъоний II: 104]. Бу шаҳарчанинг номи қадимги туркий *balıq* — «балиқ», «шаҳар» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [ДТС: 80; Байтанаев 2003: 57 — 58]. Бу шаҳарча ҳозирги Сайрамдан 60 км шимоли-шарқдаги Қазатлиқ харобалари [Байпаков 1977: 84] ёки Тароз йўлидаги Балиқчи қишлоғининг ёнида жойлашган Тўртқўлтепа харобалари ўрнида жойлашган [Байтанаев 2003: 53 — 56].

8. Субоникат (سبانيکت) — Канжида (کنجه) туманининг бош шаҳри [Ibn Naukal, 510]. Қуйида ва бошқа манбаларда унинг номи Усбоникат (اسبانيکت) [Ibn Naukal: 523; ас-Самъоний I: 209], Арсубоникат (ارسبانيکت) [al-Moqaddasi: 48, 263] ва Соникат (سانیکت) шаклларида ҳам келтирилган [Hudud al-‘Alam: 118]. Исбижобдан 1 катта *марҳала* [ас-Самъоний I: 209] ёки 2 *марҳала* масофада Бороб йўлидаги [Ibn Naukal: 523] кўркам, тоза ва мустаҳкам шаҳарча (*мадина*), унинг жоме масжиди ва иморатлари *рабадда* жойлашган [al-Moqaddasi: 273].



Унинг номи сўғдча 'sp — «от» ёки (')sp'nc — «меҳмонхона», «карвонсарой» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 100]. Бу шаҳарча Арис дарёсининг ҳавзасидаги Жувонтепа ёки Шўртепа харобалари ўрнида жойлашган [Байпаков 1977: 84 — 85]. Арсубоникат номининг бош қисми (арсу-) ҳозирги Арис дарёсининг номи билан бир бўлиши мумкин [Байпаков 1986: 24]. Охирги тадқиқотларга кўра, бу шаҳар Бодом ва Арис дарёларининг қўшилиш еридаги Шўртепа (Караспантепа) харобалари ўрнида жойлашган [Байтанаев 2003: 65, 71 — 73].

9. ат-Тароз (الطراز) ёки Тароз (طراز) — [al-Istakhri: 286, 287, 295, 312, 334; al-Moqaddasi: 48, 263, 275], бошқа манбаларда унинг номи Тироз (طراز) [Кошғарий I: 66, 124, 148, 374; III: 420] ва Т.роо (طرار) шаклларида ҳам қайд этилган [Hudud al-'Alam: 119]. Исфижоб вилоятида турклар чегарасидаги шаҳар [ас-Самъоний VIII: 222]. Исфижобдан 26 фарсах масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 28]. Бу шаҳар илк бор VI аср Византия манбаларида Tallouesz или Thallovez шаклида туркларнинг савдо маркази сифатида қайд этилган [Moravcsik 1958: 297]. Хитой манбаларида унинг номи Та-ло-се [Chavannes 1903: 142 — 143; Сюань Цзан: 65, 67], туркий тилдаги манбаларда эса Талас (تلاس) ёки Талос (تلاس) шаклида келтирилган. Маҳмуд Кошғарийга кўра, бу номли икки шаҳар бўлган, бири Улуғ Талос (الغ تلاس), иккинчиси эса Кэми Талос (كمي تلاس) деб аталган [Кошғарий I: 347], турклар уни яна Алтун Аргу улуш (altun Arghu uluṣ), Аргу Талас (Arghu uluṣ), Талас улуш (Talas uluṣ) [ДТС: 40; Кляшторный 1964: 131], Атлуқ (اتلق) [Кошғарий I: 124] ва Ёанги деб ҳам атаганлар [Хайдар: 458]. Тароз/Талос номининг келиб чиқиши қадимги туркий тил билан боғлиқ [Мусаев 1984: 192]. Араблар Тарозни илк бор 134/751-52 йилда хитойликлар устидан ғалаба қозонганларида ишғол қилганлар [Большаков 1980: 132 — 136]. Шундан кейин бу шаҳарга араб лашкарбошиси Саъид ибн Хумайд волий этиб тайинланган [Карев 2000: 210 — 211]. 280/893-94 йилда амир Исмоил ибн Аҳмад Тароз шаҳрини қайта ишғол қилиб, туркларнинг подшоҳини, унинг хотинини ва яна 10 мингга яқин одамни асир қилиб олган. Тароздаги катта черков масжидга айлантирилган [Masoudi VIII: 144, 321; Наршахий: 77; Ибн ал-Асир VII: 185, 216]. Шаҳар жуда чиройли ва мустаҳкам эди, унда боғлар



ва иморатлар кўп эди, унинг атрофида хандақ, деворида 4 та дарвоза ва *рабади* ҳам бор эди. Шаҳар дарвозасининг ёнида катта дарё оқиб ўтган, унинг орқасида ҳам шаҳарнинг бир қисми жойлашган эди ва унга йўл олиб борар эди. Жоме масжиди бозорларда жойлашган эди [al-Moqaddasi: 275]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларида Тароз (طراز) — Чин мамлакатигадаги шаҳар бўлиб, унда гўзал қизлар кўп бўлган, аҳолиси турли хил матоларни тўқиш билан шуғулланган [Баевский 1980: 87]. Бу шаҳарнинг харобалари Жанубий Қозоғистондаги ҳозирги Тароз шаҳри ёнида жойлашган [Бернштам, 1941: 66; Сенигова 1972: 8].

10. Атлах (اطلخ) — катта шаҳар, унинг эгаллаган майдони бош шаҳарниқига яқин. Унинг қалъаси бор, боғлари кўп, *рустоқларида* эса узум кўпроқ. Жоме масжиди *мадинада*, бозорлар эса *рабадда* жойлашган [al-Moqaddasi: 48, 263, 275]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Атлуқ (اتلق) Тароз шаҳрининг бошқа номи бўлган. Бу ном туркий тилда «отхона» маъносини билдирган [Кошғарий I: 124]. Унинг номи туркий *at* — «от» ва эгалик маъносини билдирувчи *-luq* (*-lay*, *-lax*) аффиксидан ясалган [ДТС: 65, 656]. Бу шаҳар ҳозирги Тароз яқинидаги Жувонтепа харобалари ўрнида жойлашган бўлиб, бу ерда топилган бир тошда қадимги туркий ёзувда Атлах сўзи ўйиб ёзилган [Байпаков 1986: 29].

11. Шалжи (शलجي) — Тароз ёнидаги шаҳарча, унинг номи Шалж (शलج), Шалжикат (शलجيكث) [ас-Самъоний VII: 377] ва Шилжи (शलجي) шаклларида ҳам келтирилган. Унинг аҳолиси мусулмонлар ва турклардан иборат бўлган. У ер Халлух мамлакатининг дарвозаси ҳисобланган бўлиб, унда савдогарлар кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 119]. Бу шаҳарчада келгиндилар жуда кўп бўлган. Айтишларича, унда 10 минг исфаҳонликлар яшаган. Унинг *қухандизи* бўлиб, жоме масжиди унинг ташқарисида жойлашган. Шаҳар тоғлар орасида бўлиб, унинг ёнидан дарё оқиб ўтган, унинг ўртасида эса 7 та қишлоқ жойлашган [al-Moqaddasi: 275]. Бу шаҳарчанинг харобалари Талас дарёсининг бўйидаги Киров қишлоғидан шарқда жойлашган бўлиб, Садирқўрғон деб аталади. Ўрта асрларда бу ердаги тоғларда бой қумуш конлари фаолият кўрсатган [Бернштам 1941: 66; Бернштам 1963: 115; Бубнова 1963: 3].

12. Кадар (كدر) — унинг номи Кадир (كدر) шаклида ҳам келтирилган [Hudud al-‘Alam: 118]. X асрда Бороб (Фороб) туманининг бош шаҳри, Исфижобдан 4 *марҳала*, Усбоникатдан 2 кичик *марҳала*

масофада жойлашган [Ibn Naukal: 510, 523 — 524; al-Istakhri: 346]. Лекин ал-Муқаддасийга кўра, Бороб (باراب) *рустоқининг* бош шаҳри ҳам Бороб (باراب) деб аталган. Қадар янги қурилган шаҳар бўлган, унинг жоме масжиди (*минбар*) ўтган вақт ичида урушлардан шикастланган. Унинг аҳолиси тақводор одамлар бўлиб, уларда ҳадис асҳоблари, яъни шофиъий мазҳаби ғалаба қилган [al-Moqaddasi: 273]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Фороб туманининг бош шаҳри Қарожуқ (قراچق) деб аталган [Кошғарий I: 450]. Қадар шаҳрининг номи милодий V асрда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган кўчманчи Кидарийлар сулоласининг асосчиси Кидар исми билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье 2004: 155]. Бу шаҳарнинг харобалари Ўтротобе харобаларидан 6 — 7 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, Қуйруқтепа деб аталади. Бу ерда X — XII асрларда фаолият кўрсатган жоме масжидининг харобалари топилган [Акишев, Байпаков, Ерзакович 1972: 32; Байпаков 1977: 86; Байпаков 1986: 25 — 26].

13. Сутканд (ستکند) — дарёнинг бўйида жойлашган шаҳар. Унинг аҳолиси урушга мойил, бу сулҳ тузган туркларнинг еридир, уларнинг кўпчилиги ислом динини қабул қилганлар [Hudud al-‘Alam: 118]. М. де Гуйе танқидий матнида бу шаҳарнинг номи Бисканд (بيسکند) шаклида келтирилган [Ibn Naukal 1873: 390, 391, 392]. Сутканд номи туркий *sut* — «сут» ёки *swt* — «турк» ва суғдча *k’nd* — «шаҳар» сўзларидан ясалган [ДТС: 290; Лурье 2004: 103, 105, 106, 193].

14. Шовғар ёки Шовағар (شاوغر) — туркларнинг чегара ерларидаги ноҳия [ас-Самъоний VII: 274]. Қадар ва Саброн ўртасида, улардан 1 *марҳала* масофада жойлашган шаҳарча [Ibn Naukal: 524; al-Istakhri: 291, 346]. Унинг катта ва кенг *рустоқи* бўлиб, унда истеҳком (*ҳисн*) ҳам бўлган, жоме масжиди бозор чеккасида жойлашган. Бу шаҳарча катта карвон йўлидан четда жойлашган. Ундан ташқари ат-Тароз йўлида ҳам Шовағар номли шаҳарча бўлган [al-Moqaddasi: 274, 342]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Шовғар (شاوغر) Мовароуннаҳр чегарасидаги чўл ёқасида жойлашган вилоят бўлиб, унинг аҳолиси туқувчилик билан шуғулланган [Баевский 1980: 89]. Унинг номи суғдча *šaw* — «қора» ва *gar* — «тоғ» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 46, 51, 121]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Туркистон шаҳридан 8 км жануби-шарқда жойлашган бўлиб, Чуйтепа деб аталади [Агеева, Пацевич 1956: 124; Байпаков 1977: 87]. Бу шаҳар ҳозирги Қоратоғ номли тоғ ёнбағрида жойлашган,

бу эса Шовғар номининг туркча таржимасидир. Демак, бу шаҳарнинг туркча номи ҳам Қоратоғ бўлиши мумкин. «Қоратоғ» номи баланд бўлмаган ва ёзда устида қор турмайдиган паст тоғларга нисбатан ишлатилади. Бундай тоғларда дарахтлар жуда сийрак бўлади, улардан фақат кичик сойлар оқиб тушади. Баланд тоғлар эса «Олатоғ» ёки «Тангритоғ» деб аталган [Мурзаев 1984: 259]. XII асрдан кейин Шовғар туманининг маркази ҳозирги Туркистон ўрнида жойлашган Ўси шаҳрига кўчган [Бартольд 1965: 225]. XI асрда Шовғар туманида яна Қарнақ (قرنق) ва Қарожук (قراچق) шаҳарлари ҳам бўлган [Кошғарий I: 439, 450]. Қоратоғнинг шимолий ёнбағрида Боботоғ номли шаҳар харобалари топилган. Бу шаҳарда ҳаёт VII – XII асрларда давом этган [Агеева 1962: 117]. Шовғар ҳақида яна қаранг: VI, 4.

15. Саброн (صبران) – Шовғардан 1 *марҳала* кейин Бороб йўлидаги шаҳар [Ibn Haukal: 524; al-Istakhri: 346]. Унинг номи Саҳрон (صهران) [Hudud al-‘Alam: 119] ва Саврон (سوران) шаклида ҳам келтирилган. Бу катта шаҳар бўлган, унинг кетма-кет 7 та қалъаси бўлиб, *рабад* уларнинг орасида, жоме масжиди эса ички шаҳарда жойлашган. Бу шаҳар *ғузлар* ва *кимаклар* чегарасида жойлашган [al-Moqaddasi: 263, 274]. Бу шаҳар *ғуз* савдогарларининг тўпланадиган ери бўлган [Hudud al-‘Alam: 119]. Саброн шаҳри Жанд шаҳри яқинида Бухоро вилоятининг чегарасида, яъни Сирдарёнинг ўнг томонида жойлашган [Ибн ал-Асир 2006: 216]. Бу шаҳарнинг харобалари Сирдарёнинг чап қирғоғида ҳозирги Сауран қишлоғидан 15 км масофада жойлашган бўлиб, Майрамтепа деб аталади. Мўғуллар давридан кейин шаҳар ҳозирги Сауран қишлоғи ўрнига кўчган [Байпаков 1977: 89; Байпаков 1986: 27].

16. Васиж (وسيج) – Бороб вилоятидаги шаҳарча, бу ерда машҳур файласуф олим Абу Наср ал-Фаробий туғилган [Ibn Haukal: 510]. Унинг турклар чегарасида жойлашган *ноҳийасида* мустаҳкам ҳисор бўлган [al-Sam‘ani: 5836]. Бу шаҳар Сирдарёнинг ғарбий қирғоғида Қадардан 2 *фарсах* қуйида жойлашган [Ibn Haukal: 524; al-Istakhri: 346]. У кичик бўлса ҳам, унинг қалъаси (*ҳисн*) бўлиб, *амири* кучли бўлган, жоме масжиди бозорда жойлашган [al-Moqaddasi: 273]. XIII асрдан кейин бу шаҳарнинг номи Зарнуқ бўлиб ўзгарган [Акишев, Байпаков, Ерзакович 1969: 22]. Унинг харобалари Ўтрордан 20 км шимоли-ғарбдаги Оқжар дарасида Сирдарё бўйида жойлашган бўлиб, Оксус деб аталади [Агеева, Пацевич 1956: 124; Байпаков 1977: 86].

17. Канжида (کنجده) — М. де Гуйе танқидий матнида унинг номи Канжида шаклида келтирилган [Ibn Naukal 1873: 390, 391]. Бу вилоятнинг бош шаҳри Субоникат [Ibn Naukal: 510]. Исбижоб ва Сирдарё бўйларида, Исбижоб, Чочнинг бир қисми, Пороб ва Канждихни ўз ичига олувчи яйлов жойлашган. Унда ислом динини қабул қилган туркларнинг минглаб ўтовлари жойлашган [Hudud al-‘Alam: 119]. Канжида номи XV аср тангаларида ҳам учрайди [Давидович 1972: 73 — 83]. Канжида вилояти Арис дарёсининг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган [Бартольд 1963: 233; Бартольд 1965: 223]. Арис дарёси ҳавзасида милоддан аввалги I минг йиллик ва милодий I минг йилликдаги кўчманчиларнинг 138 та катта-кичик қабристонлари топилган [Байпаков, Подушкин 1989: 90 — 109].

18. Бороб (باراب) — [al-Istakhri: 346; Ibn Naukal 1873: 14, 335; al-Moqaddasi: 26, 48, 263], М. де Гуйе танқидий матнида [Ibn Naukal 1873: 348, 390, 391, 392] ва бошқа айрим манбаларда унинг номи Фороб (فاراب) шаклида келтирилган [al-Istakhri: 286, 295, 347; ас-Самъоний II: 26; IX: 211]. X асрда Бороб (باراب) йирик савдо маркази бўлган, унинг бош шаҳри Кадир. Унинг аҳолиси урушга мойил ва ботир бўлган. Бу ер савдогарларнинг тўпланиш жойи бўлган [Hudud al-‘Alam: 118]. Лекин ал-Муқаддасийга кўра, Бороб (باراب) *рустоқининг* бош шаҳри ҳам Бороб (باراب) деб аталган. [al-Moqaddasi: 273]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Фороб туманининг бош шаҳри Қарожуқ (قراچق) деб аталган, Фороб ҳам ўғузлар шаҳри деб қайд этилган [Кошғарий I: 450]. Бороб шаҳрининг яна бир номи Тарбанд, Турор ёки Турорбанд бўлиб, кейинчалик эса бу шаҳар Ўтрор деб аталган [Михайлова 1951: 12, 17; Кляшторный 1964: 155 — 161]. X асрда Бороб вилоятининг маъмурий маркази Кадар шаҳрига кўчган, кейин яна Ўтрорга қайтарилган. Бороб (Ўтрор) шаҳри қарлуқлар, Кадар эса ўғузларнинг шаҳри бўлган. Бу вилоятда яна Васиж номли қишлоқ ҳам бўлган. XV асрда Ўтрор шаҳри Янги деб ҳам аталган [Бабур-наме: 29]. Ўтрор воҳасида Кўк Мардон, Пшук Мардон, Костобе, Мардон Куик (Кониртобе), Ақтобе, Алтинтобе, Қаратобе номли илк ўрта аср шаҳар харобалари қайд этилган [Акишев, Байпаков, Ерзакович 1972: 123 — 180; Байпаков, Подушкин 1989: 28 — 89] Пороб (Ўтрор) шаҳрининг харобалари Чимкент вилояти Шаулдер туманидаги Тимур темир йўл бекатидан 10 км ғарбда жойлашган бўлиб, Ўтрортобе деб аталади [Акишев, Байпа-

ков, Ерзакович 1972: 43 – 50]. VII – VIII асрларда Ўтрор воҳасининг туркий ҳукмдорлари қоплон сурати тасвирланган мис тангалар зарб этганлар [Бабаев 2007: 145 – 149].

19. Абу Наср Боробий (ابو نصر البارابي) – Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккири, файласуфи ва қомусий олими. Унинг тўлиқ исми Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ Тархон ал-Форобий (873 – 950 йилларда яшаган). Қадимги юнон фалсафаси, хусусан Аристотель асарларини чуқур билган, уларга илмий шарҳлар ёзган ва тарғиб қилган. Фаннинг турли соҳаларини пухта ўзлаштиргани ва фанлар ривожига улкан ҳисса қўшгани учун уни «Иккинчи муаллим» (*ал-муаллим ас-соний*), яъни Аристотелдан кейинги муаллим деб атаганлар. Унинг жами 160 дан ортиқ илмий асарлар ёзиб қолдирганлиги маълум.

20. Матнда: الإخذ – «олувчи», «бошланувчи». Лекин бу ерда Сирдарёга ўнг томондан қуйилувчи Арис дарёси назарда тутилган.

21. Бу маълумотдан аён бўладики, Сутканд шаҳрининг аҳолиси асосан турклардан иборат бўлган. Бу эса туркларда шаҳарсозлик маданиятининг ривожланганлиги ҳақида далиллардан яна биридир.

22. Тахминан 310/922-23 йилда ўғуз туркларининг подшоҳи ислом динини қабул этиб, Макка ва Мадинага ҳаж сафаридан олдин Бағдодга келиб, халифа ал-Муқтадир билан учрашади [Macoudi II: 16]. X асрда ислом динини қабул қилган *ғузлар* ва *харлухлар* «туркман» деб аталган бўлиб, уларнинг маркази Исбижоб бўлган [al-Moqaddasi: 274, 275]. Берунийга кўра, ислом динини қабул қилган ўғуз турклари *туркман*, яъни «туркга ўхшаш» деб аталган [ал-Бируни 1963: 193]. XIII асрдан кейин бу ном фақат ўғузларга нисбатан ишлатилган [Бартольд 1963в: 548].

23. Х<sup>о</sup>оразмнинг ўғуз турклари ислом динини қабул қилгач, исломни қабул қилмаган ўзларининг қавмларига қарши шафқатсиз кураш олиб борганлар [Magvazi: 18]. Бу маълумотдан кўринадики, X асрда ислом динини қабул қилган ўғузлар ва қарлуқлар турклардан бўлак халқлар сифатида тушунилган. Умуман олганда, араблар «турк» деганда маълум бир халқни эмас, балки Араб халифалигига қаршилик кўрсатиб, уларга қарши кураш олиб борган барча мусулмон бўлмаган халқларни назарда тутганлар. Шунинг учун аслида туркий бўлмаган сўғдлар, тибетликлар, хитойлар, шунингдек угор ва енисей тилларида сўзлашувчи майда халқлар ҳам «турк» деб аталган. Шу

билан бирга туркий тилларда сўзлашувчи айрим халқлар «турк» лар қаторига киритилмаган. Масалан, араб манбаларида ўғузлар ва турклар бир-биридан фарқли халқлар сифатида қайд этилган [Ибн ал-Асир IX: 100]. В XI асрда Маҳмуд Кошғарий ҳам ўғузлар, қипчоқлар ва қарлуқларни турклардан фарқли келтирган [Кошғарий I: 374]. Хитой манбаларида ҳам уйғурлар ва қирғизлар «турклар» дан бошқа халқлар сифатида қайд этилган, «турк» деганда эса, Турк хоқонлигига асос солган Ашина қабиласига мансуб турклар тушуниланган. Кейинчалик эса «турк» сўзи Турк хоқонлиги таркибига кирган барча халқларга нисбатан ишлатилган.

24. Матнда: *مراع* — араб., «яйловлар». XI аср араб харитасида *мароғи аш-Шош* (*مراعي الشاش*), яъни «аш-Шош яйловлари» қайд этилган [Rapoport 2008: fig. 8.2]. «Худуд ал-олам» га кўра, Исбижоб ва Сирдарё бўйларида, Исбижоб, Чочнинг бир қисми, Пороб ва Канждих (*کنجده*) ни ўз ичига олувчи яйлов (*کيا خوار*) жойлашган. Унда ислом динини қабул қилган туркларнинг мингта ўтовлари жойлашган [Hudud al-‘Alam: 119].

25. Ибн Ҳавқал матнида ҳам, «Худуд ал-олам» да ҳам форсча *خرگاه* — «енгил уй», «ўтов» сўзи ишлатилган. Ҳадисларда ўтов тушунчаси *қантуро* (*قنطورا*), ислом дини қабул қилган кўчманчи турклар эса *бану қантуро* (*بنو قنطورا*) — «ўтов аҳли» сўзлари орқали ифодаланган [ас-Самъоний III: 43]. Бу маълумотлардан аён бўладики, X асрда ислом динини фақат шаҳар турклари эмас, балки кўчманчи турклар ҳам қабул қилганлар.

26. «Худуд ал-олам» га кўра, Тароз шаҳри Халлух мамлакатининг дарвозаси бўлиб, унда мусулмонлар ва турклар яшаган, савдогарлар кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 119]. Бу шаҳар *мадинат ат-тужжор*, яъни «савдогарлар шаҳри» номи билан ҳам машҳур бўлган [Калинина 1988: 39]. XII асрда Исфаҳонда Сиккат Тароз, яъни Тароз кўчаси бўлиб, унда Тароздан келувчи савдогарлар тўхтаганлар [ас-Самъоний VIII: 222, 224]. Тароз ипак савдосининг йирик маркази бўлган, унинг аҳамияти шунчалик баланд бўлганки, паҳлавий тилида тароз сўзи «ипак» маъносини билдирган [ПС: 250].

27. Ибн Ҳавқал асарининг Мовароуннаҳрнинг маъмурий бўлиниши ҳақидаги бўлимида «Бороб, Исбижоб ва ат-Тароз ерлари аш-Шош вилояти таркибига киради» деб ёзилган [Ibn Naukal: 474]. Мовароуннаҳрдаги масофалар ҳақидаги бўлимда ҳам «аш-Шош, Илок,

Исбижоб ва унга туташ ерлар орасидаги масофалар» бир бўлимда баён этилган [Ипн Наукал: 522]. Бу маълумотлардан аён бўладики, X асрда аш-Шош вилояти аш-Шош воҳасини ташкил этувчи Чирчиқ ва Оҳангарон водийларидан ташқари Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида ва Еттисувда жойлашган ерларни ўз ичига олган. Чунки суғд ва хитой тилидаги манбаларга кўра, бу ерлар исломдан олдин Чоч хукмдорларига қарашли бўлган. Арис водийсидаги милодий II – III асрларнинг биринчи ярмига мансуб Култепа харобаларидан сополга ёзилган суғдий ёзувлар топилган. Бу ёзувларда келтирилган маълумотга кўра, бу ерда Чоч вилоятининг кўчманчилар билан чегарасидаги мудофаа қалъаси бўлган [Sims-Williams, Grenet 2006: 95 – 111]. Муф тоғидан топилган суғд тилидаги А-14 хужжатида (718 – 719 йиллар) ёзилишича, Сирдарё водийсидаги Тарбанд (*t'rbnt*), яъни Ўтрор шаҳригача бўлган ҳамма ерлар Чоч тудунига қарашли бўлган [СДГМ 1962: 78 – 79]. Хитой манбаларидаги маълумотларга кўра, VI асрда Чжеше ёки Ши (Чоч) давлати қадимги Кангкия (Кангюй) давлатининг давомчиси бўлиб, IV – V бошларидан бошлаб шундай атала бошлаган. VI – VIII асрларда Ши (Чоч) ҳудудларига Та-ло-се (Талас) шаҳри ҳам кирган. Унга қарашли ерларда Чжи-хэ (Норин ёки Арис), Суй-е (Чу), Чженчжу-хэ (Норин ёки Талас), фарба эса Йе-хэ (Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзаси) оқиб ўтган [Ходжаев 2005: 3 – 5, 11 – 12]. Демак, исломдан олдинги Чоч давлати қадимги Кангюй давлатининг давомчиси бўлиб, унинг ҳудудлари Арис ва Талас водийлари, фарба эса Сирдарёнинг қуйи оқимигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Унинг шимоли-фарбадаги чегараси Култепа харобалари ўрнидаги қалъа, шимоли-шарқдаги чегараси эса Талас шаҳригача етиб борган [Камолиддин 2009: 59 – 65].

## XII [ХУЖАНДА]

1. Хужанд (خجند) ёки Хужанда (خجنده) – [al-Istakhri: 295, 333, 335, 344; ал-Карши: 147], Сайхун дарёси бўйида жойлашган катта шаҳар. Араблар уни 103/721-22 йилда халифа Йазид ибн Абдулмалик даврида фатҳ қилганлар [ас-Самъоний V: 52]. Муф тоғидан топилган хужжатда (А-9) унинг номи *kwc'nth* шаклида қайд этилган. Бу ном суғдча *хи-с* – «ёқимли», «яхши» ва қадимги эроний *anta* – «чекка», «чегара» суўларидан



ясалган [Смирнова 1970: 16; Лурье 2004: 57, 151, 232]. Бу шаҳар Усрушанадаги Собот шаҳридан 10 *фарсах* масофада Фарғона йўлида жойлашган [Ibn Khordadhbeh: 29]. Унинг номи Хажанда (خجنده) шаклида ҳам қайд этилган [Калинина 1988: 39, 130]. Хитой манбаларида унинг номи Гуй-чжан-ти шаклида қайд этилган [Бичурин II: 312 – 319]. X асрда Хужанда жуда чиройли шаҳар бўлиб, унинг ўртасидан дарё оқиб ўтган, унинг ёнида бир тоғ бўлган. Бу шаҳар чегара ерлардаги бош макон бўлган. Мутафаккирлар ва шоирлар бу шаҳарни кўп мадҳ этганлар [al-Moqaddasi: 272, 341, 342]. Шаҳар атрофларида экинли ерлар кўп эди, у ерда анор кўп етиштирилган. Унинг аҳолиси жасоратли ва урушга мойил эдилар [Hudud al-‘Alam: 115]. XVII асрда ҳам Хужанднинг асосий моли ўрик, шафтоли, ёнғоқ, анор, олхўри ва сабзидан иборат бўлган [Махмуд ибн Вали: 40]. Бу шаҳар ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида бўлган [Бартольд 1963: 221]. Тахмин қилинишича, Искандар Зулқарнайн скифларга қарши қурдирган Александрия Эсхата номли мудофаа қалъаси Хужанд ўрнида бўлган [Пьянков 1986: 78 – 79; Беляева 1986: 91 – 95; Негматов 1980: 269; Негматов 1986: 6]. У ҳақида яна қаранг: XXXVII, 39.

2. VIII асрда Хужанда шаҳри Фарғона шаҳарларидан бири сифатида қайд этилган [at-Tabari II: 1256, 1440 – 1444, 1480]. IX асрда Хужанда маъмурий жиҳатдан Самарқанд вилоятига қараган [Ibn Khordadhbeh: 26; Jakubi: 264; Махмуд ибн Вали: 55], лекин айрим манбаларда [Калинина 1988: 39, 130] ва хирож тўлаганда алоҳида маъмурий бирлик сифатида кўрсатилган [Ibn Khordadhbeh: 39; Ибн ал-Факих: 101]. X асрда ҳам унинг хирожи алоҳида бўлган [al-Moqaddasi: 339]. Кейинчалик ҳам Хужанда алоҳида вилоят сифатида бошқарилган [Бартольд 1963: 221; 1965: 215].

3. Канд (كند) – [al-Istakhri: 333], матннинг бошқа ерида Канд Хужандадан 1 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар деб айтилган [al-Istakhri: 335; Ibn Naukal: 515]. X аср охирида Канд маъмурий жиҳатдан Хужандага эмас, балки Фарғона вилоятига қараган [al-Moqaddasi: 262]. Муф тоғидан топилган сугдча ҳужжатларда унинг номи *knd* шаклида қайд этилган [Лурье 2004: 91]. XV асрда бу шаҳарча Канди Бодом (كند بادام) [Бабур-наме: 4а, 10а, 25а, 56а, 75б, 111а], Сирдарё эса Канд-и Бодом суғи (كند بادام سوي) деб ҳам номланган [Йаздий: 276]. ал-Бокувий маълумотига кўра, Канд-и Бодомда *ал-фариқ* навли бодом кўп бўлиб,



унинг ажойиб хусусияти шундан иборат эдики, уни қўл билан ишқалаганда, пўсти осон кўчади. Шунинг учун бу қишлоқни Канд-и Бодом, яъни «бодом шаҳри» деб атайдилар [ал-Бакуви: 97]. Ҳозир бу шаҳарча Конибодом деб аталади [Бартольд 1965: 531]. Шероздан Кермон йўлида ҳам шу номли қишлоқ бўлган [Ibn Khordadbeh: 48].

4. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр дарёларидан фақат Жайхун ва Сайхунда кемалар қатнови мумкин бўлган [al-Moqaddasi: 323]. X асрда кемалар Хужандадан Х'оразм кўлигача сузиб борган [al-Masudi: 65]. 1220 йилда Чингизхон қўшинлари Хужандага бостириб келганда, уларга қаршилик кўрсатган Темур Малик ўз аскарлари билан кемаларга ўтириб, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Жанд ва Барчинлиғкентгача сузиб борган [Рашид ад-дин I: 201 – 202]. Лекин амалда Хужандадан 25 км қуйироқдаги Бекобод шаҳри ёнида Сирдарёда кемалар ўтишига тўсқинлик қилувчи хавфли ер бўлган [Бартольд 1965: 493].

5. Узканд (اوزکند) – Фарғона водийсининг энг шарқий чеккасидаги шаҳар. У ҳақида қаранг: XLIII, 16.

6. Ҳозир Сирдарёнинг юқори оқимидаги асосий ўзани Марказий Тянь-Шань тоғларидан бошланувчи Катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўладиган ва Еттисув вилоятидан оқиб ўтадиган Норин дарёси ҳисобланади. Лекин ўрта асрларда Сирдарёнинг асосий ўзани Қорадарё ҳисобланган. Бу дарё Қора Кулжа ва Тара қўшилишидан ҳосил бўлиб, ҳозирги Узганд қишлоғи ёнидан оқиб ўтади. Ўрта асрларда Сирдарё Наҳр Узканд (نهر اوزکند), яъни «Узканд дарёси» деб ҳам аталган.

7. Наҳр Хуршоб (نهر خرشاب) – «Худуд ал-олам» га кўра, Хурсоб (خرساب) дарёси Бутгамоннинг орқасидаги тоғнинг шимолий тарафидан бошланиб, Хурсоб номли шаҳар ёнида Узганд дарёсига қуйилади [Худуд ал-'Алем: 96]. Бу дарё ҳозир ҳам Қуршоб деб аталади [Бартольд 1963: 216]. «Худуд ал-олам» да Фарғона шаҳарларининг тавсифидан кейин Хушқоб (خشکاب) номли шаҳарча ҳам қайд этилган, унинг экинзорлари кўп бўлса ҳам, аҳолиси камбағал бўлган [Худуд ал-'Алем: 236].

8. Наҳр Ураст (نهر اورست) – бошқа нусхада ва «Худуд ал-олам» да бу дарё Наҳр Уш (نهر اوش), яъни Ўш дарёси деб аталган [Ibn Nauka: 512 (1); Худуд ал-'Алем: 96]. Фарғона водийсида Ураст номли рустоқ ҳам бўлган [Ibn Nauka: 513, 514]. Ҳозир бу дарё Оқбўра деб аталади. [Бартольд 1963: 216; Бартольд 1965: 212].

9. Кубо (قبا) — «Худуд ал-олам» га кўра, Кубо (قبا) дарёси Буттамон орқасидаги тоғнинг шимолий тарафидан бошланиб, Кубо шаҳридан ўтади ва Узганд дарёсига қуйилади [Худуд ал-‘Алем: 96]. Хозир Кува қишлоғи ёнидан оқиб ўтувчи дарё Қорасув деб аталади [Бартольд 1963: 216; Бартольд 1965: 212 — 213].

10. Наҳр Жидғил (نهرجدغل) — юқорида айтилганидек, Жидғил дарёси харлух туркларининг мамлакатидан оқиб чиқиб, аш-Шош вилоятидаги Наҳр Турк дарёсига, у эса аш-Шош дарёсига қуйилади [Ibn Naukal: 509]. Фарғона водийсидаги *рустоқлардан* бири ҳам Жидғил деб аталган [Ibn Naukal: 514]. «Худуд ал-олам» да ҳам Узганд дарёсига қуйилувчи 4 та дарё санаб ўтилган. Лекин бу ерда Жидғил ўрнига Хатлом (ختلام) номли дарё қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 96]. Ибн Ҳавқал маълумотига кўра, Хайлом (خيالم) шаҳри Мийон Рудон *рустоқининг* маркази бўлган [Ibn Naukal: 514].

11. Ахсикат (اخسيكت) — Фарғона вилоятининг бош шаҳри. У ҳақида қаранг: XLIII, 2.

12. Банокат (بنكات) — Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, унга Оҳангарон (Ангрен) дарёсининг қуйилиш ери яқинида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XXXIX, 9.

13. Сутканд (ستكند) — Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XLI, 13.

14. Бороб (باراب) — Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг ўнг қирғоғида жойлашган шаҳар ва *рустоқ*. У ҳақида қаранг: XLI, 18.

15. Саброн (صبران) — Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг ўнг томонида жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XLI, 15.

16. ал-Қарийа ал-Ҳадиса (القرية الحديثة) ёки ал-Қарийа ал-Жадида (القرية الجديحة) [Abu-l-Fida: 62, 488] — араб., «Янги қишлоқ» маъносини билдиради. Бу қишлоқнинг форсча номи Дих-и Нав (ده نو) бўлиб, бу ном ҳам «Янги қишлоқ» демакдир [Hudud al-‘Alam 122; Бартольд 1973: 44]. Унинг номи Дих-и Нужикат (ده نوجيكت) шаклида ҳам қайд этилган бўлиб [al-Moqaddasi: 263], ундаги Нужикат сўзи сўғдчада «Янги қишлоқ» маъносини билдиради [Лурье 2004: 51, 99, 191]. Бу қишлоқнинг туркча номи Йангикент (ينكي كنت) бўлган [Macoudi I: 212], Йаникент (يني كنت) [Рашид ад-дин I: 198 — 200, 200], Йангикент (ينغي كنت) бўлган [Abu-l-Fida: 62, 488]. Жувайний асарида унинг номи Шаҳркент (شهركنت) шаклида келтирилган [Ромаскевич 1939:

485]. XV асрда Ўтрор шаҳри ҳам Янги деб аталган [Бабур-наме: 29]. Бу қишлоқ Сирдарёнинг Орол денгизига қуйилиш ери яқинида Қазалинскдан 15 км жануби-ғарбдаги Жанқалъа яқинида жойлашган Жанкент харобалари ўрнида бўлган [Бартольд 1965: 228, 331; Байпаков 1977: 90].

17. Бухайрат Х<sup>в</sup>оразм (بحيرة خوارزم) — Х<sup>в</sup>оразм кўли, яъни Орол денгизи. У ҳақида қаранг: I, 10 ва XI, 15.

18. «Худуд ал-олам» да ҳам гузларнинг подшоҳи қишда Диҳ-и Нав қишлоғида яшаган деб айтилган [Hudud al-‘Alam 122]. Бу эса туркларда шаҳарсозлик маданиятининг мавжуд бўлганлиги ҳақида далолат берувчи яна бир муҳим маълумотдир.

19. Ҷанд (جند) — турклар чегарасида, Сайхун дарёсининг бўйидаги шаҳар [ас-Самъоний III: 319]. У Х<sup>в</sup>оразмдан 10 манзил, Боробдан эса 20 манзил масофада жойлашган [Hudud al-‘Alam: 122]. Ўрта асрларда Ҷанд катта тижорат маркази бўлиб, бу ерда савдогарлар кўп бўлган. Салжуқийлар сулоласининг асосчиси Салжук ибн Қаниқнинг ватани Ҷанд бўлиб, унинг авлодлари бу ердан Бухоро вилоятидаги Нур шаҳри атрофларига кўчиб ўтганлар [Байхаки: 825 — 827; ал-Қарши: 109, 156 — 157]. Хоразмшоҳ Эл Арслон (1156 — 1172 йилларда ҳукм сурган) Ҷандни ўғли Такишга иқтоъ мулки сифатида берган [ан-Насави: 73 — 74; Рашид ад-дин I: 96, 189]. XIII асргача бу шаҳарнинг аҳамияти шунчалик катта бўлганки, ҳатто Орол денгизи ҳам баъзан Ҷанд денгизи деб аталган [Бартольд 1965: 227]. Бу шаҳар Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида, унинг ўнг томонида жойлашган. В.Бартольд фикрига кўра, Ҷанд шаҳри Перовскдан 25 — 30 км масофада Сирдарёдан ғарбда Туморуткўл мавзесидаги Хиштқалъа харобалари ўрнида бўлган [Бартольд 1963: 235]. Бошқа фикрга кўра, бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Қизил Ўрдадан 115 км жануби-шарқда Ҷанадарёнинг қуруқ ҳавзаси қирғоғида жойлашган бўлиб, Жанқалъа деб аталади [Толстов 1948: 60; Байпаков 1977: 91].

20. Хора (خواره) — ёки Ҷувора (جواره) [Hudud al-‘Alam: 96], Чоч дарёсининг бўйидаги шаҳар, у Х<sup>в</sup>оразмдан 10 манзил, Поробдан эса 20 манзил масофада жойлашган [Hudud al-‘Alam: 122]. Унинг номи буддавий сўғдча *xw’ru* — «пастлик» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 40, 57]. Х<sup>в</sup>оразмда Ғовх<sup>в</sup>ора (غاوخواره) номли ариқ бўлган [Ibn Haukal: 479].

Бу шаҳар Хоркут-ота темир йўл бекати яқинидаги харобалар ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [Байпаков 1986: 28; Байпаков 1977: 91].

21. Бу маълумотдан аён бўладики, гузларнинг ўзи у вақтда хали мусулмон бўлмаганлар. Балки бу сатрлар Абу Зайд ал-Балхийга тегиши бўлиб, *гузлар* ислом динини қабул қилишидан олдин ёзилгандир.

22. «Худуд ал-олам» га кўра, Дих-и Нав Х<sup>в</sup>оразмдан 10 *манзил*, Поробдан эса 20 *манзил* масофада жойлашган [Hudud al-'Alam 122]. Жайхун ва Сайхун дарёларининг Х<sup>в</sup>оразм кўлига қуйилиш ерлари орасидаги масофа ал-Истахрийга кўра, 4 кунлик йўл [al-Istakhri: 304], Ибн Хавқалга кўра, 10 кунлик йўлни ташкил этган [Ibn Haukal: 481]

### XLIII [ФАРҒОНА]

1. Фарғона (فرغانه) — [al-Istakhri: 281, 287, 325, 333, 343], Жайхун ва Сайхун дарёлари ва аш-Шош ортидаги вилоят [ас-Самъоний IX: 274]. У ал-Машриқнинг энг чеккасида, қуёшнинг чиқиш томонида жойлашган бўлиб, жуда ҳам бой вилоят бўлган. X асрда унда минбарли, яъни жоме масжиди мавжуд бўлган 40 та катта-кичик шаҳарлар бор эди [al-Moqaddasi: 262]. Унда тоғлар, текисликлар, оқар сувлар ва шаҳарлар жуда кўп. Фарғона — Туркистон дарвозаси бўлган. Бу ерга турк ғуломлари жуда кўп олиб келинади. Унинг тоғларида олтин, кумуш, мис, қўроғшин (سرب), новшадил (аммиак), симоб, *чироғ* [санг], пой заҳр тоши (безоар), магнит тоши ва доривор ўсимликлар кўп. У ердан *табархун* (طبرخون) ва ажиб дорилар тайёрлаш учун ишлатиладиган гиёҳлар олинади. Фарғона подшоҳлари илгари мустақил ҳукмдорлар (араб. ملوك اطراف) бўлиб, *деҳқон* деб аталганлар [Hudud al-'Alam: 115 — 116].

2. Ахсикат (اخسيكت) — Фарғона вилоятининг бош шаҳри (*қасба*) Ахсикат (اخسيكت) [al-Moqaddasi: 262]. Ж.Крамерс танқидий матнида унинг номи Ахшикат (اخشيكت) [Ibn Haukal 1967: 512], ал-Балазурийда эса Хшикат (خشكت) шаклида келтирилган [al-Beladkori: 420]. Хитой манбаларида унинг номи Сичень шаклида қайд этилган [Chavannes 1903: 357]. Сўнги ўрта асрларда унинг номи Ахси (اخسى) [Бабуринаме: 46, 5а, 76 ... 234аб], тангаларда эса Ахши (اخشي) ва Ахсикат (اخسيكت) шаклларида қайд этилган [von Zambaur 1968: 38]. VIII асрга оид суғд ҳужжатларида Зарафшон дарёси юқори оқими ҳавзасида

жойлашган *'xsykndh* (*xsykndh*, *'xsyktc*) номли қишлоқ қайд этилган [СДГМ 1963: 101 – 102]. Ҳозир бу қишлоқ Хушикат деб аталади. Бу ном суғдча *xšyn* (*xsyn*) – «яшил» ёки (*'*)*xns* – «мустаҳкам» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 90, 95]. Бошқа фикрга кўра, бу ном туркий *ak* – «оқ» ва суғдча *kaθ* – «шаҳар» сўзларидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [СДГМ 1963: 101]. Эҳтимол бу шаҳарнинг номининг келиб чиқиши Норин дарёсининг эски номи Оқсув гидроними билан боғлиқдир [Аскарров 2004: 26]. X асрда Ахсикат Фарғонанинг пойтахти бўлиб, унинг ички мадинасида бир нечта ариқлар, шунингдек пишиқ фишт ва ганчдан қурилган сув тўпланадиган чиройли ҳовузлар бўлган. Бу шаҳар Фаластиндаги Рамла шаҳридан 1,5 баробар каттароқ бўлган [al-Moqaddasi: 271]. Ахсикатда *амир* ва унинг амалдорларининг қароргоҳи бўлган. У Хашарт дарёсининг бўйида тоғ ёнбағрида жойлашган. Унинг ёнидаги тоғларда олтин ва қумуш конлари кўп бўлган. Унинг аҳолиси ичиш учун шароб тайёрлаган [Hudud al-'Alam: 116]. XII асрда Ахсикат Фарғонанинг энг чиройли ва тоза шаҳри эди [ас-Самъоний I: 153]. Ахсикат шаҳрининг харобалари Намангандан 20 км жануби-ғарбдаги Гулқишлоқ (Эски Ахси) ва Шаханд қишлоқлари ёнида Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Косонсойнинг унга қўйилиш ерида жойлашган бўлиб, эски Ахси деб аталади [Ахраров 1960: 53 – 58; Чуланов 1963: 197 – 206; Анарбаев 1988: 171 – 187]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд, 1965: 342.

3. Боб Бужайр (باب بجير) – яъни Бужайр дарвозаси. Бужайр – қадимги арабларда ишлатилган шахсий исм. Форс тилидаги ал-Истахрий матнида: Дар-и Бужир [Ворожейкина 2002: 36].

4. Боб ал-Марқаша (باب المرقشه) – яъни ал-Марқаша дарвозаси. Форс тилидаги ал-Истахрий матнида: Дар-и Марқаша [Ворожейкина 2002: 36].

5. Боб Косон (باب كاسان) – яъни Косон дарвозаси. Косон – Фарғона вилоятидаги шаҳарнинг номи. Форс тилидаги ал-Истахрий матнида: Дарвоза-и Косон [Ворожейкина 2002: 36].

6. Боб ал-Жомеъ (باب الجامع) – яъни Жоме масжиди дарвозаси. Форс тилидаги ал-Истахрий матнида: Дар-и Масжиди Одине ва Дар-и Одине [Ворожейкина 2002: 36]. Бу дарвозанинг ёнида жоме масжиди жойлашган бўлса керак.

7. Боб Раҳоба (باب رهايه) – яъни Раҳоба дарвозаси. Форс тилидаги ал-Истахрий матнида: Дар-и Риҳона [Ворожейкина 2002: 36].

8. Қубо (قبا) — Ахсикатдан 10 *фарсах* [Ibn Khordadbeh: 30; Kodama: 208] ва Андижондан 4 *ийгоч* масофада жойлашган шаҳар [Бабур-наме: 166]. Унинг номи Қуво (قوا) шаклида ҳам учрайди [Беруни 1973: 427]. Қубо бош шаҳардан кўра каттароқ, кенгроқ, чиройлироқ, ободонроқ ва кўркароқ шаҳардир. Катталиги бўйича унинг ўзи бош шаҳар бўлиши мумкин эди. Шаҳарнинг ўртасида майдон бўлиб, жоме масжиди бозор ўртасида жойлашган. Унда бойликлар кўп, ҳавоси совуқ... Қубо яқинида машҳур булоқ бўлган [al-Moqaddasi: 272, 326]. «Худуд ал-олам» га кўра, Қубо Фарғона вилоятидаги энг катта ва ривожланган шаҳар бўлган. Унинг ёнидан Қубо номли дарё оқиб ўтган [Hudud al-'Alam: 73, 116]. Бу шаҳарнинг номи туркий *кубо* этноними билан боғлиқ бўлиб, бунга ўхшаш жой номлари Ўрта Осиё, Кавказ ва Дашти Қипчоқ худудларида кенг тарқалган [Гусейнзаде 1971: 119 — 125]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Фарғона вилоятидаги Қува қишлоғи ўрнида жойлашган [Бартольд 1963: 215]. Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар антик даврда вужудга келиб, муғуллар истилоси даврида ёқиб юборилган, XIV асрдан кейин эса қишлоққа айланган [Аҳрамов 1973: 58 — 65]. Бу ерда VII — VIII асрларда фаолият қилган катта буддавий ибодатхонаси бўлиб, унда катта Будда ҳайкали қазиб топилган [Булатова-Левина 1961: 241 — 250]. VII — VIII асрларда Қубо шаҳрининг туркий ҳукмдорлари подшоҳ сурати тасвирланган руник ёзуви ва хитой тангаларига ўхшаш тешикли мис тангалар зарб этганлар [Babayar 2007: 151 — 156]. X — XI асрларда ҳам Қубо шаҳрида мис тангалар зарб этилган [von Zambaur 1968: 256; Давидович 1960: 254 — 257; Кочнев 1999: 246 — 255]. Қува атрофларида Зиндонтепа, Хўжа Чиликтепа, Кайковаттепа, Оқота Бува, Чунтепа ва Юқори Муянтепа номли яна бир нечта ўрта аср харобалари қайд этилган. Улар Қубо вилоятига қарашли қишлоқлар бўлган [Горбунова 1981: 88].

9. Исломдан олдин ҳам Қубо шаҳри Фарғона водийсидаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлиб, Фарғонанинг иккинчи пойтахти бўлган. VII — VIII асрларда бу ерда *валиаҳд*, яъни Фарғона олий ҳукмдорининг вориси истиқомат қилган [at-Tabari II: 1695]. Қубонинг аҳолиси бутпараст бўлган, улар арабларга қаршилик кўрсатгани сабабли бутун шаҳар ва ундаги буддавий ибодатхона вайрон этилган [Булатова, 1972: 90; Вархотова 1990: 144 — 158].

10. Уш ёки Ўш (اوش) — Қубодан 10 *фарсах*, Ахсикатдан 20 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 30; Kodama: 208]. Бу

шаҳарда анҳорлар кўп бўлган, унинг асосий фазилати мустаҳкам мудофаасида. Унинг жоме масжиди бозорнинг ўртасида жойлашган. Шаҳар тоғ яқинида жойлашган, бойликлари кўп, сувлари сероб. У ерда бир работ бўлиб унга ҳар томондан кўнгилли аскарлар келади [al-Moqaddasi: 272]. Унинг аҳолиси урушга мойил. Унинг ёнидаги тоғ устидан соқчилар ва назоратчилар кофир туркларни кузатиб турадилар [Hudud al-‘Alam: 116]. XV асрда бу шаҳарда мустаҳкам қалъа бўлган [Бабур-наме: 32, 96, 122 125]. Бу шаҳарнинг номи туркий *уч/уш* этноними [Умурзаков 1978: 53] ёки енисей тилларидаги *ус/уш/ош* — «девор», «тўсилган ер», «шаҳар» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Мурзаев 1984: 423]. Бу шаҳар ҳозирги Ўш шаҳри ўрнида жойлашган.

11. XV асрда бу тоғ Барокўҳ деб аталган, Бобур унинг устига бир иморат қурдирган [Бабур-наме: 30]. Бу ерда Тахти Сулаймон номли мақбара бўлиб, ривоятга кўра, унда Сулаймон пайғамбарнинг издошлари дафн этилган [Махмуд ибн Вали: 19].

12. \*...<sup>12</sup> Ж.Крамерс матнида: *المرقب للاتراك الذي تحرس فيه* — «туркларнинг кузатув ери [жойлашган] бўлиб, у [ер] дан уларнинг полизлари ва ўтлаб юрган подалари қўриқланади» [Ibn Haukal 1967: 513], М. де Гуйе матнида: *المرقب للاتراك الذي تحرس فيه مغازيهم* — «туркларнинг кузатув ери [жойлашган] бўлиб, у [ер] дан уларнинг бойликлари қўриқланади» [Ibn Haukal 1873: 394]. Лекин ал-Истаҳрий матнида бу жумланинг мазмуни бироз бошқачароқ: *مرقب الاحراس على الترك* — «турклардан қўриқловчи назорат нуқта-си» [al-Istakhri: 333].

13. Боб ал-Жабал (*باب الجبل*) — араб., яъни Тоғ дарвозаси. Форс тилидаги ал-Истаҳрий матнида: Дарвоза-и Куҳ [Ворожейкина 2002: 36].

14. Боб ал-Мо’ (*باب الماء*) — араб., яъни Сув дарвозаси. Форс тилидаги ал-Истаҳрий матнида: Дарвоза-и Об [Ворожейкина 2002: 36].

15. Боб Муғқада (*باب مغكده*) — яъни Муғқада дарвозаси. Муғқада сўзи «муғларнинг қароргоҳи» маъносини билдиради. Форс тилидаги ал-Истаҳрий матнида: Дарвоза-и Муғқада [Ворожейкина 2002: 36].

16. Узжанд (*اوزكند*) — *деҳқон* Хуртакин шаҳри, Ўшдан 7 фарсах масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 30; Kodama: 208]. Унинг номи Узжанд (*اوزجند*) [Кошғарий III: 164; Jacut I: 404] ёки Ўузжанд (*يوزكند*)



шаклида ҳам қайд этилган [Kodama: 208; Сиасет-наме: 135, 155; ас-Самъоний VIII: 438; V: 49; Jacut IV: 1043]. Фарғона ва турклар чегарасидаги шаҳар. Унинг ёнидан икки дарё оқиб ўтган: улардан бири, Т.боғ.р (تباغر), Тибетдан, иккинчиси эса, Барсхон (برسخان), Халлух мамлакатидан оқиб келади [Hudud al-'Alam: 116]. Бу икки дарёнинг қўшилишидан Узканд дарёси ҳосил бўлиб, у Узканд шаҳри ёнидан оқиб ўтган [Hudud al-'Alam: 72]. Унинг дарвозаси ёнида кечиб ўтиш мумкин бўлган дарё оқиб ўтади, унда кўприк йўқ. Унинг рабадини девор ўраб турган, мадинада бозорлар, жоме масжиди ва қухандиз жойлашган, уларнинг ҳаммасида оқар сув бор. Унинг 4 дарвозаси бор. Бу вилоятдаги шаҳарларда бундан бошқасида бундай қухандиз йўқ [al-Moqaddasi: 272]. Бу шаҳарнинг номи туркий *uz* — «ўз» ва *kand* — «шаҳар» сўзларидан ясалган бўлиб, «ўзимизнинг шаҳар» маъносини билдиради [ал-Кашгарӣ: 1826, 5363]. Унинг номи қадимги туркий *uz* — «тоғ дараси», «довон» сўзи [ДТС: 620; Луҗе 2003: 199; Лурье 2004: 103] ёки *уз* (*йуз*) этноними билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин [Камолиддин 2006: 85]. Унинг таркибидаги *üz* (*öz*) сўзи қадимги туркий *öküz/ögüz* — «дарё» сўзининг қисқа шакли бўлиши ҳам мумкин [ДТС: 382]. X — XI асрларда Узканд Қорахонийларнинг пойтахти бўлган [Ибн ал-Асир IX: 62]. Узканд шаҳрининг харобалари ҳозирги Ўш вилоятидаги Ўзган туман марказининг ёнида Қорадарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган [Бернштам 1950: 46; Нусов 1963: 22]. Ўрта асрларда Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида ҳам Узканд номли шаҳар бўлган.

## XLIV

### [ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИ]

1. Косон (كاسان) — унинг номи Кошон (كاشان) шаклида ҳам келтирилган [at-Tabarī II: 1256; Jacut IV: 227]. Матннинг бу ерида Косон қайд этилмаган, лекин қуйироқда алоҳида шаҳар ва ноҳийа сифатида тасвирланган. Унинг қишлоқлари, экинзорлари ва чорва моллари бўлган [Ibn NaukaI: 514]. Бу шаҳар Ахсикатдан 5 фарсах масофада жойлашган [Ibn NaukaI: 524]. Исломга қадар Косон Фарғонанинг пойтахти бўлган. Косон илк бор 86/705 йилда Солиҳ ибн Муслим ва Наср ибн Сайёр томонидан фатҳ қилинган [al-Beladsoī: 420], 94/712-13 йилда эса Қутайба ибн Муслим уни қайта ишғол қилган [at-Tabarī



II: 1256]. Халифа ал-Маҳдий даврида (158 – 169/775 – 785) Фарғона пойтахти Косонга Аҳмад ибн Асад бошчилигидаги қўшин юборилган [al-Ja'kubi II: 478]. Бу маълумотда халифа Иброҳим ибн ал-Маҳдий (201 – 203/817 – 819) назарда тутилган бўлса керак. Унинг аҳолиси халифа ал-Мунтасир даврида Нуҳ ибн Асадга қарши исён кўтарган [al-Beladsori: 420]. Лекин Нуҳ ибн Асад 227/842 йилда вафот этган [ас-Самъоний VII: 14]. Бу ерда халифа ал-Муътасим (218 – 227/833 – 842) назарда тутилган бўлса керак. IX асрда катта ва муҳим шаҳар бўлиб, унда подшоҳ қароргоҳи жойлашган [al-Jakubi: 287]. XII асрда унда мустаҳкам қалъа бўлган [ас-Самъоний X: 320]. Шаҳар дарвозаси ёнидан Ахсикат дарёси оқиб ўтган [Jasut IV: 227]. Сўнги ўрта асрларда Косон кичик шаҳарча ёки қишлоқ сифатида қайд этилган [Бабур-наме: 29; Махмуд ибн Вали: 70]. Бу шаҳар номининг негизида *кушон* этноними ётади, у эса хитой манбаларидаги *усун* этнонимининг тўхорча номидир [Бернштам 1952: 233]. Унинг номи суғдча *k's* – «чўққа» ёки хоразмий *k's* – «оғир», «қийин» сўзларидан бири билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин [Лурье 2004: 69, 235]. Косон харобалари ҳозирги Фарғона вилоятидаги Косонсой шаҳри ёнида жойлашган бўлиб, унинг марказий қисми Муғқўрғон деб аталади. Милоддан аввалги II асрда бу шаҳар қадимги Даван давлатининг пойтахти, илк ўрта асрларда эса Фарғона ихшидларининг пойтахти бўлган [Бартольд 1963: 219; Заднепровский 1985: 530 – 531].

2. Насйо ал-Улайо (نسيا العليا) – Юқори Насйо, бу *ноҳийа*да смола, *чироғсанг*, кумуш, олтин, феруза тоши, темир, мис ва *онук* конлари бўлган [Ibn Naukal: 514]. Унинг номи Басба (بسبة) шаклида ҳам келтирилган [Jasut I: 611]. Ал-Муқаддасий Фарғонада ан-Нисоййя (النساءية) номли вилоятни қайд этган [al-Moqaddasi: 262]. Бу *ноҳийа* Сўх ва Исфара дарёларининг ҳавзасида жойлашган [Горбунова 1981: 87].

3. Насйо ас-Суфло (نسيا السفلى) – Қуйи Насйо, бу икки *ноҳийа* текислик ва яйловлардан иборат бўлиб, улар орасида тоғлар йўқ [Ibn Naukal: 514]. Бу икки *ноҳийа* Рудон *ноҳийасига* туташган [al-Idrisi: 707]. Бу *ноҳийа* Шоҳимардон, Исфайрам ва Аравон сойларининг ҳавзасида жойлашган [Горбунова 1981: 87].

4. Асбара ёки Аспара (اسيره) – [al-Istakhri: 334], катта вилоят (كوره) бўлиб, унда 2 та шаҳар ва 60 та қишлоқ бўлган [Ibn Naukal: 514]. Ундаги тоғларда қўмирга ўхшаб ёнувчи тошлар бор, уларнинг кули кийимларни оқартириш учун ишлатилади. Асбарада ола тоғлар ҳам

бўлиб, уларнинг бир қисми қора, бошқаси қизил, учинчиси эса сариқ [Ibn Naukal: 515]. Бу ердан нефт, феруза тоши, темир, мис ва *ал-онук* (الانك) каби қазилмалар ҳам олинган [Jasut I: 238]. Манбаларда унинг номи Исфара шаклида ҳам қайд этилган. Бу вилоятнинг номи VIII асрдаги Фарғона подшоҳининг вориси (*валиаҳд*) Исфара исми хукмдор билан боғлиқ бўлган [at-Tabari II: 1441]. Асбара (Аспара) номи энг қадимги туркий жой номларидан ҳисобланиб, унинг келиб чиқиши ибодатхона билан боғлиқ [Мусаев 1984: 209]. Бошқа фикрга кўра, бу ном *ас* этноними ва қад. эр. *пара/вара* — «томон», «ер» сўзларидан ясалган [Конкобаев 1980: 14, 20]. Тароз вилоятидаги Мирки (Бирки) шаҳри яқинида ҳам Асбара (Аспара) номли шаҳар ва дарё бўлган [Ibn Khordadbeh: 29; Яздий: 117; Ўаздий: 185б, 186а]. Византия манбаларида бу шаҳарнинг номи *Aspar-hruk* шаклида қайд этилган [Moravcsik 1958: 75]. XIX аср охирларида Чу дарёси ҳавзасидаги тоғлар Ашпара деб аталган [Валиханов I: 310, 316, 458]. XV асрда Исфара вилояти бош қалъасининг атрофида яна бир мудофаа девори бўлган [Бабур-наме: 31, 55]. Исфара номи қадимги туркий номнинг араблашган шаклидир [Katib Celebi: 257]. Ҳозирги Исфара атрофларида жуда кўп кўчманчиларнинг қадимги қўрғонлари, у ерда жойлашган Ворух дарасида эса Қорахоний хоқонлари қоятошларга ёзиб қолдирган битиклар мавжуд.

5. Нақод (نقاد) — Фарғона водийсидаги *ноҳийа*, унинг номи Нуқода (نقاده) [al-Sam'ani: 566R] ва Навқод (نوقاد) шаклларида ҳам қайд этилган [al-Moqaddasi: 48, 262]. У Қубодан шарқда 7 *фарсах* масофада тоғларда жойлашган. Унда олтин ва кумуш конлари кўп. Унинг бош шаҳри Нуқод ёки Мискон деб аталган ва унда бошқа шаҳар бўлмаган [Ibn Naukal: 513, 514, 515, 524; al-Istakhri: 347]. Лекин ал-Муқаддасийга кўра, Навқод ва Мискон икки ҳар хил шаҳар бўлган [al-Moqaddasi: 48, 262]. XV асрда Фарғонада Науканд номли шаҳар қайд этилган [Бабур-наме: 72б, 109аб]. Ҳозир ҳам Ўш вилоятида Эски Наукат номли қишлоқ мавжуд бўлиб, унинг жанубий чеккасида сой бўйида ўрта асрларга мансуб харобалар жойлашган [Заднепровский 1960: 156]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965: 531.

6. Мийон Рудон (ميان رودان) — бу ном форс тилида дарёлар ораси (وسط الانهار) маъносини билдиради. Ироқда ҳам шу номли ер бўлган [Jasut IV: 709]. ал-Муқаддасий унинг номини ал-Мийонрудиййа

(الميانروذية) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 262]. Фарғонадаги Мийон Рудон вилоятининг бош шаҳри Хайлом (خيلاّم) бўлган [Ibn Naukal: 514; al-Istakhri: 334]. Унинг номи Хатлом (ختلام) [Hudud al-'Alam: 73, 116] ва Хайрлом (خيرلام) шаклида қайд этилган [al-Moqaddasi: 48, 262, 271]. Бу вилоятнинг туркча номи Икки сув ораси бўлган [Бабурнаме: 76, 86, 92, 93], чунки у Норин ва Қорадарё орасида жойлашган [Бартольд 1965: 491, 531]. Монисо тоғидан оқиб чиқувчи дарё Руд-и Хатлом деб аталган [Hudud al-'Alam: 73]. Бу ҳозирги Норин дарёсидир [Бартольд 1965: 532].

7. Жидғил (جدغل) — [al-Istakhri: 334], унинг номи Жадғал (جدغل) ва Чатқал (چنقل) шаклида ҳам қайд этилган [Hudud al-'Alam: 116; Беруни 1973: 427]. «Худуд ал-олам» га кўра, Чадғал тоғлар орасида жойлашган вилоят бўлиб, унда шаҳарчалар ва қишлоқлар кўп бўлган. Бу ерда отлар ва кўп миқдорда қўйлар етиштирилган, шунингдек бу ерда конлар кўп бўлган [Hudud al-'Alam: 116]. ал-Муқаддасийга кўра, Жидғил номли шаҳар ҳам бўлиб, унинг минбари, яъни жоме масжиди ҳам бўлган [al-Moqaddasi: 48, 262]. Бу вилоятнинг бош шаҳри Ардлонкат (اردلانكت) бўлиб, у Косондан 1 марҳала ёки 2 манзил масофада жойлашган [Ibn Naukal: 514, 524; al-Istakhri: 346]. Унинг номи Жидғил номли дарё билан боғлиқ бўлиб, у аш-Шош вилоятидаги Турк (Парак) дарёсига қуйилган. Бу дарё ҳақида қаранг: XL, 30.

8. Ураст (اورست) — унинг номи Урашт (اورشت) шаклида ҳам келтирилган. Урашт илк бор 86/705 йилда Солиҳ ибн Муслим ва Наср ибн Сайёр томонидан фатҳ қилинган. Унинг аҳолиси халифа ал-Мунтасир даврида (247–248/861–862) Нуҳ ибн Асадга қарши исён кўтарган [al-Beladsori: 420]. Лекин Нуҳ ибн Асад 227/842 йилда вафот этган [ас-Самъоний VII: 14]. Бу ерда халифа ал-Муътасим (218 — 227/833 — 842) назарда тутилган бўлса керак. «Худуд ал-олам» га кўра, Урашт шаҳри ёнидан Уш дарёси оқиб ўтган [Hudud al-'Alam: 72, 116]. Бу дарё Наҳр Ураст ёки Ураст деб ҳам аталган [Ibn Naukal: 512; Ворожейкина 2002: 36]. Ҳозир бу дарё Оқбўра деб аталади. [Бартольд 1963: 216; Бартольд 1965: 212]. Ураст номи қадимги юнон манбаларида қайд этилган *аристей* қабиласининг номи билан боғлиқ бўлса керак [Бартольд 1965: 528]. Матннинг масофалар ҳақидаги бўлимида Ахсикатдан 7 фарсах масофада Илоқ чегарасида жойлашган ар-Рошт (الراشت) шаҳри қайд этилган [Ibn Naukal: 524]. ал-Истахрий матнида унинг ўрнига Вонкат

(وانكث) қайд этилган [al-Istakhri: 346], форс тилидаги матнида эса Рошт (راشت) Ахсикатдан 9 фарсах масофада деб кўрсатилган [Ворожейкина 2002: 39]. Лекин бу Урастдан бошқа маскан эканлиги аниқдир, чунки Ураст Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган. Ураст (Урашт) ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 216.

9. Басфар ёки Басафар (بسفر) — Фарғона водийсидаги ноҳийа ва шаҳар, М. де Гуїе танқидий матнида Бисканд (بيسكند) [Ibn Naukal 1873: 395]. У ҳақида яна қаранг: Ворожейкина 2002: 37.

10. Ашт (اشت) — Фарғона водийсидаги ноҳийа ва шаҳар, М. де Гуїе танқидий матнида Салот (سلات) [Ibn Naukal 1873: 395]. ал-Муқаддасийга кўра, Ашт шаҳри ал-Воғизиййа вилоятида жойлашган [al-Moqaddasi: 48, 262]. Ашт қишлоғи ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, шу номли туман марказидир. У Хўжанддан 150 км шарқда, Ашт даштининг чеккасидаги Қорамозор тоғларида жойлашган. Ашт марказидаги Аштсаҳоба мазори таркибида X — XI асрларга мансуб лойдан ясалган нақшли меҳроб топилган. Бу меҳроб ўз вақтида шу ердаги хом ғиштдан қурилган масжид ичида турган [Негматов 1982: 56, 72]. У ҳақида яна қаранг: Ворожейкина 2002: 37.

11. Вонкат (وانكث) — унинг номи Вонкат (وانكت) [al-Moqaddasi: 48, 262, 272] ва Воткат (واكتث) шаклида ҳам келтирилган [Hudud al-'Alam: 116]. Хайломдан 3 фарсах, дарёдан 1 фарсахдан кўпроқ масофада жойлашган шаҳар [al-Istakhri: 347; Ibn Naukal: 524]. ал-Истахрийга кўра, Вонкат Ахсикатдан тахминан 7 фарсах масофада, Илоқ чегарасида жойлашган [al-Istakhri: 346]. Ибн Ҳавқал эса худди шу маълумотни ар-Рошт (الراشت) га нисбатан кўрсатган [Ibn Naukal: 524]. «Худуд ала-олам» га кўра, у Хужанд ва Фарғона чегарасида жойлашган, у кичик шаҳар бўлса ҳам, экинзорлари кўп бўлган [Hudud al-'Alam: 116]. Бу шаҳарнинг номи суғдча  $\beta'n$  — «нур»,  $w't$  — «шамол» ёки  $wn'$  — «дарахт» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 100 — 101]. Ҳозирги Қирғизистон худудидаги Баткент шаҳрининг номи ҳам шу ўзақлар билан боғлиқ. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Қўқон шаҳридан шимоли-ғарбда Сўх водийсидаги Хўжа Туроб қишлоғининг қабристони ёнида жойлашган бўлиши мумкин [Горбунова 1981: 87]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1963: ?.

12. Сух ёки Сўх (سوخ) — унинг номи Суж (سوج) шаклида ҳам қайд этилган [Ibn Naukal 1873: 395, 397, 398, 406; al-Istakhri: 335, 347;

Jacut III: 183]. Хужанддан 2 марҳала, Аволдан 10 фарсах масофада тоғда жойлашган *ноҳийа* ва шаҳар. Унинг ҳудудида 60 та қишлоқ бўлган. Сўх тоғларидан симоб олинган [Ibn Naukal 1967: 513, 514, 515, 516, 524]. У билан Риштон орасидаги масофа 1 марҳалани ташкил этган [Ворожейкина 2002: 37]. «Худуд ал-олам» га кўра, Сўх Буттамон ва Фарғона чегарасида жойлашган [Hudud al-‘Alam: 116]. XV асрда Сўх булуки Исфара вилоятининг бир қисми бўлган [Бабур-наме: 31, 344]. Унинг номини авест. *savahi* — «шарқ» сўзи билан боғлаш мумкин эди, лекин Сўх Фарғона водийсининг энг жанубида жойлашган [Лурье 2004: 79]. Фарғона вилоятида ҳозир ҳам Сўх номли қишлоқ ва дарё мавжуд. Сўх дарёси Сирдарёнинг чап томондан қуйилувчи ирмоғи бўлиб, Х<sup>о</sup>канд (Қўқон) шаҳридан оқиб ўтган. Сўх қалъаси ҳозирги Қўқон шаҳридан 25 км жанубда Сўх дарёсининг ўнг қирғоғида Сариқўрғон қишлоғининг ғарбий чеккасидаги Муғтепа харобалари ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Бартольд 1965: 214; Шигин 1984: 192]. Лекин бу қалъада VIII асрдан кейин ҳаёт давом этмаган. Сариқўрғон қишлоғидан ғарбдаги Рапқонмозор қишлоғи ёнида IX — XIII асрларга мансуб шаҳар харобалари топилган бўлиб, Сўх қалъаси шу ерда жойлашган бўлиши мумкин [Горбунова 1981: 85 — 87]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Бартольд 1963: 214.

13. Х<sup>о</sup>канд (خوآكند) — Фарғона водийсидаги *ноҳия* ва шаҳар, Хужандадан 2 катта марҳала, Ахсикатдан 1 катта марҳала, дарёдан эса 5 фарсах масофада жойлашган [Ibn Naukal: 513, 516, 524; al-Istakhri: 335, 347]. У билан Сўх орасидаги масофа 1 катта марҳалани ташкил этган [Ворожейкина 2002: 38]. Унинг номи Хоқанд (خواقند) шаклида ҳам қайд этилган [ас-Самъоний V: 200; Jacut II: 487]. Хитой манбаларида унинг номи Хохань шаклида келтирилган [Бичурин II: 312]. XV асрда ҳам Хоканд алоҳида *орчин* (туман) сифатида қайд этилган [Бабур-наме: 51, 119]. «Худуд ал-олам» га кўра, унинг аҳолиси зич, экинзорлари кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 116]. Ўрта асрларда зарб этилган тангаларда унинг номи Хуқанд (خوقند) шаклида келтирилган [von Zambaur 1968: 113]. Халқ ривоятига кўра, унинг номи *хук* «тўнғиз» ва *канд* «шаҳар» сўзларидан ясалган [Бартольд 1965: 462]. Бу шаҳарнинг номи *ху(р)* — «қуёш» ёки ёки *ху(ш)* — «яхши», «ёқимли» ва *канд/қанд* — «шаҳар» сўзларидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [Мухамеджанов

1987: 65 – 67]. Бошқа фикрга кўра, унинг номи туркий *хур* – «қир» сўзи билан боғлиқ бўлган [Бабубеков 1987: 102 – 103]. Яна бир фикрга кўра, бу шаҳарнинг номи суғдча *хw'k* (*xw'āk*) – «савдо» ва *хw'kkr* – «савдогар» сўзларидан ясалган [Lurje 2001: 23; Лурье 2004: 103]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Бартольд 1965: 214 – 215, 462 – 466, 531 – 532.

14. Риштон (ريشتان) – унинг номи Ришдон (ريشدان) шаклида ҳам қайд этилган [Бабур-наме: 30]. Фарғона водийсидаги *ноҳийа* ва шаҳар, Сухдан 1 *марҳала*, Зандаромишдан 1 *марҳала*, дарёдан ҳам тахминан 1 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [Ibn Naukal: 512, 516, 524; al-Istakhri: 335, 346]. X асрда у катта шаҳар бўлиб, унинг жоме масжиди ёнидаги шаҳар дарвозаси бозорга, бошқа дарвозаси эса майдонга қараган [al-Moqaddasi: 48, 262, 272]. Унинг аҳолиси зич, экинзорлари кўп бўлган [Hudud al-'Alam: 116]. XIII – XV асрда у Марғинон вилоятига қарашли бўлган [Jacut II: 781; Бабур-наме: 30]. Ўрта асрларда Риштонда тангалар зарб этилган [von Zambaur 1968: 127]. Риштон номи қадимги эроний *rāšta* – «тўғри», «ўнг» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 201]. Риштон ўзининг номини ҳозиргача сақлаб қолган. Унинг харобалари ҳозирги Риштон қишлоғи ҳудудидаги Соҳиби Худоё қабристонини ўрнида жойлашган [Горбунова 1981: 85]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965: 214, 531, 534.

15. Марғинон (مرغینان) – Фарғона водийсидаги машҳур *ноҳийа* ва шаҳар [al-Sam'ani: 522a; Jacut IV: 500], унда Фандоб (غنداب) номи маҳалла бўлган [ас-Самъоний IX: 179; Jacut III: 820]. Унинг номи Марғинон (مرغان) шаклида ҳам қайд этилган [Ibn Naukal 1873: 395]. X асрда у кичик шаҳар бўлиб, унинг жоме масжиди бозорлардан узоқ бўлган, унинг дарвозаси ёнидан дарё оқиб ўтган [al-Moqaddasi: 48, 262, 272]. XV асрда унинг мустаҳкам қалъаси бўлган [Бабур-наме: 30, 70, 84]. Ўрта асрларда Марғинонда тангалар зарб этилган [von Zambaur 1968: 238]. Унинг номи суғдча *тw'у* – «ўтлоқ», «дарахтзор» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 142]. Бу шаҳар ҳозирги Марғилон ўрнида жойлашган бўлиб 2000 минг йиллик тарихга эга. Этнографик маълумотларга кўра, ўтмишда бу шаҳарнинг 12 дарвозаси бўлган [Горбунова 1981: 88]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965 214, 463, 481, 531.

16. Зандаромиш (زندرامش) — Қубодан 1 марҳала ва Риштондан 1 марҳала масофада жойлашган [Ibn Naukal: 516; al-Istakhri: 335]. «Худуд ал-олам» га қўра, у аҳолиси ва экинзорлари кўп шаҳарча бўлган [Hudud al-'Alam: 116]. Унинг номи Зарандаромиш (زرندرامش) шаклида ҳам қайд этилган [al-Moqaddasi: 48, 262]. Бу шаҳар Қуйи Насйо вилоятида жойлашган. Унинг номининг биринчи қисмидаги *зандар* сўзи Бухоро вилоятидаги Зандармитан (زندرميتان) қишлоғи номининг таркибида ҳам мавжуд [ас-Самъоний VI: 312]. Унинг иккинчи қисми Ромуш исми билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье 2004: 116, 201]. Зандаромиш номининг таркибидаги *-миш* сўзи туркий *-miş* аффикси бўлиши ҳам мумкин [Қамолiddин 2006: 86]. Бу шаҳарнинг харобалари Риштондан Қубо йўлида жойлашган бўлиб, Симтепа деб талади [Горбунова 1981: 87]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Jacut II: 951; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965: 531.

17. Нажранк (نجرنك) — унинг номи Баранк (برنك) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Naukal 1873: 395; al-Moqaddasi: 48, 262, 272]. X асрда бу шаҳар кичик бўлиб, унинг жоме масжиди шаҳар (*ал-балад*) дан ташқарида, Самарқанд томонда жойлашган [al-Moqaddasi: 272]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1963: 214.

18. Устиқон (استيقان) — унинг номи Уштиқон (اشتيقان) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Naukal 1873: 395, 406; al-Istakhri: 347; al-Moqaddasi: 48, 262, 272]. Қубодан 3 фарсах, дарёдан 7 фарсах масофада жойлашган [al-Istakhri: 347; Ibn Naukal 1967: 524]. X асрда бу шаҳар кичик бўлиб, унинг жоме масжиди бозор ўртасида жойлашган [al-Moqaddasi: 272]. Унинг номининг биринчи қисми туркий *ust* — «уст» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Қамолiddин 2006: 87]. Бу шаҳарча ҳозирги Марғилондан шимолдаги Шаҳртепа, Писак, Форбототепа ва Зингишттепа харобаларидан бири ўрнида жойлашган бўлиши мумкин. Бу харобалар бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммасида ўрта аср қатламлари бор [Горбунова 1981: 88]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1963: 214.

19. Андукон (اندكان) — XII асрда қишлоқ сифатида қайд этилган [ас-Самъоний I: 364; Jacut I: 375]. Сўнги асрларда унинг номи Андижон (انديجان) [Бабур-наме: 29, 30, 40, 153, 206; Махмуд ибн Вали: 17], тангаларда эса Андикон ёки Андигон (اندكان) шаклида қайд этилган [Шпенева 1991: 207; Тўхтиев 2006: 68]. Бу шаҳар номининг иккинчи қисми эро-



ний *кон/гон/жон* — «сув», «дарё» сўзидан ясалган. Унинг биринчи қисми ҳақида эса бир нечта фикрлар айтилган. Бир фикрга кўра, у туркий *анди/анду* этнонимидан [Обзор 1901: 42; Ҳасанов 1965: 43; История 1980: 7] ёки *анди* — «орол» сўзидан ясалган [Тургунов 1987: 130 — 136]. Бошқа фикрга кўра, «дўст тутиниш», «ака-ука тутиниш» [Ахмадалиев 1997: 24] ёки «сув бўйидаги шаҳар» маъносини билдиради [Муҳаммаджонов 2002 : 23]. Яна бир фикрга кўра, бу ном суғдча *'ynt'wk* (*'yntk'w*) — «ҳинд» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004 : 69]. Бу шаҳар ҳозир ҳам ўзининг қадимги номини сақлаб қолиб, Андижон деб аталади [Абулгазиева 1990: 91 — 96; Абулгазиева, Абдуллаев, Матбабаев 2002: 4 — 12; Абулгазиева 1994: 28 — 29]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965: 326.

20. Хали (*هلي*) — М. де Гуйе матнида бу шаҳар номи тушиб қолган, бошқа X аср манбаларида ҳам келтирилмаган. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707.

21. Тамохус (*طماخس*) — [al-Istakhri: 347], унинг номи Тамохуш (*طماخش*) шаклида ҳам қайд этилган [Ibn Naukal 1873: 395; al-Idrisi: 707]. Бу шаҳарча тоғ ёнбағрида жойлашган [Hudud al-'Alam: 116]. У ҳақида яна қаранг: Ворожейкина 2002: 37.

22. Бомкохус (*بامكاحس*) — Сухдан 5 *фарсах* масофада жойлашган [al-Istakhri: 347; Ibn Naukal: 524]. Унинг номи Бомкохуш (*طماخش*) [Ibn Naukal 1873: 395; al-Istakhri: 347; al-Idrisi: 707] ва Номкохус (*نامكاحس*) шаклларида ҳам қайд этилган [Hudud al-'Alam: 116].

23. Авол (*اول*) — Фарғона водийсидаги *ноҳийа* ва шаҳар, Сухдан тахминан 10 *фарсах* масофада жойлашган [al-Istakhri: 347; Ibn Naukal: 513, 514, 524]. «Худуд ал-олам» га кўра, Авол тоғ ёнбағрида жойлашган бўлиб, унга қарашли бир нечта қишлоқлар бўлган [Hudud al-'Alam: 116]. ал-Муқаддасийга кўра, Авол шаҳри ал-Воғизиййа (*الواغزية*) вилоятига кирган [al-Moqaddasi: 48, 262]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Фарғона шаҳридан жанубдаги Аввал қишлоғининг чеккасида жойлашган бўлиб, Хўжампошо деб аталади [Горбунова 1981: 88]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965: 532.

24. Мискон (*مسكان*) — Нақод *ноҳийасининг* бош шаҳри, ал-Муқаддасийга кўра, Навҳод ва Мискон ҳар хил шаҳар бўлган [al-Moqad-



dasi: 48, 262]. «Худуд ал-олам» да Аволга қарашли Бағаскон (بعسكان) номли (биринчи ва иккинчи ҳарфларнинг нуқталари қўйилмаган) шаҳарча қайд этилган [Hudud al-'Alam: 116]. Эҳтимол, бу Мискон шаҳри номининг хато ёзилишидир [Hudud al-'Alam: 335]. Мискон номи форсча *мис* ва *кон* сўзларидан ясалган бўлса керак, чунки Нақод *ноҳийаси* тоғлар орасида жойлашган бўлиб, унда олтин ва кумуш конлари кўп бўлган [Ibn Haukal: 514, 515].

25. Мадво (مدوا) — Ўшдан 2 *фарсах* [Ibn Haukal: 514, 524; al-Istakhri: 347] ёки 6 *мил* масофада жойлашган [al-Idrisi: 708]. XV асрда унинг номи Мазу (Маду) шаклида қайд этилган. Унда дарё бўйидаги баланд қир устида жуда ҳам мустаҳкам қалъа жойлашган бўлиб, унинг атрофлари хандақ билан ўралган [Бабур-наме: 88 — 89]. Унинг харобалари Ўш шаҳридан 12 км шарқда Мадидулоқ дарёсининг чап қирғоғидаги қишлоқдан 15 м баландликда жойлашган бўлиб, Мади деб аталади [Заднепровский 1960: 153]. У ҳақида яна қаранг: Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1963: .

26. Ардлонкат (اردلانكت) ёки Ардлонкат (اردلانكت) — Жидғил вилоятининг бош шаҳри, Косондан 1 *марҳала* ёки 2 *манзил* масофада жойлашган [Ibn Haukal: 514, 524; al-Istakhri: 346]. аш-Шош вилоятида ҳам шу номи шаҳар бўлган [Ibn Haukal: 507; al-Istakhri: 345]. Унинг номининг биринчи қисми Арслон туркий атоқли оти [ДТС: 55; Luĵe 2003: 193] ёки суғдча *rδ'r* — «вилоят» ва *kaθ* — «қишлоқ», «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 70, 95, 105, 201]. Бу шаҳарча Бурчмулла қишлоғи ёнида, Чотқол ва Кўксув дарёларининг оралиғидаги баланд қирғоқда жойлашган харобалар [Буряков 1975: 82 — 84] ёки Оқсувнинг Чотқол дарёсига қуйилиш еридаги Кулбоскан харобалари ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Кабилов 1959: 52].

27. Хайлом (خیلام) — Мийон Рудон вилоятининг бош шаҳри [Ibn Haukal: 514; al-Istakhri: 334]. Унинг номи Хатлом (ختلام) [Hudud al-'Alam: 73, 116] ва Хайрлом (خیرلام) шаклларида ҳам қайд этилган. Бу катта шаҳар бўлиб, унда бозорлар ўртасида жойлашган чиройли жоме масжиди бўлган [al-Moqaddasi: 48, 262, 271]. Бу шаҳарнинг номи туркий *хайлама* сўзидан ясалган [Ҳасанов 1965: 76]. Лекин бу шаҳарнинг номи Хайлом шаҳрининг маҳаллий ҳукмдори Хайр ибн Абу-л-Хайр билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. У ҳақида яна қаранг: ас-Самъоний V: 238; Jacut II: 509; Бартольд 1965: 532.

28. Абу-л-Хасан Наср ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир ас-Саъид, 250 — 279/864 — 892 йилларда Самарқандда ҳукм сурган. Ал-Муқаддасий маълумотига кўра, бир подшоҳ ўзининг Наср исми ўғли учун шаҳар қурдириб, уни Насробод деб атаган [al-Moqaddasi: 48, 262, 271]. Насробод номи тангаларда ҳам қайд этилган [von Zambaur 1968: 256].

29. Хайр ибн Абу-л-Хайр — Хайлом шаҳрининг маҳаллий ҳукмдори.

30. Унинг отаси Аҳмад ибн Асад ибн Сомон 204/819 йилда Хуросон амири томонидан Фарғона ҳукмдори этиб тайинланган эди.

31. Карвон (كروان) — Фарғона водийсидаги *ноҳийа* ва шаҳар, Ахсикатдан унинг чегарасигача тахминан 7 *фарсах*, Карвон шаҳригача эса 9 *фарсах*, у Косондан 4 *фарсах* масофада жойлашган [al-Istakhri: 346; Ibn Naukal 1967: 524]. Бу *ноҳийа* Наманган вилоятидаги Чуст туманининг шимолий қисмида жойлашган, у ерда ҳозир ҳам Карвон номли қишлоқ бор [СГСА 1973: 203, 219]. У ҳақида яна қаранг: ас-Самъоний X: 408; Jacut IV: 249; al-Idrisi: 708.

32. Нажм (نجم) — Фарғона водийсидаги *ноҳийа*, Косондан шимолишарқ томонда 1 кунлик йўл ёки 1 *марҳала* масофада жойлашган [al-Istakhri: 346; Ibn Naukal: 524]. У ҳақида яна қаранг: al-Idrisi: 708.

33. Астийоканд (استياكند) — унинг номи Бисканд (بيسكند) шаклида ҳам қайд этилган [al-Istakhri: 286, 348; Ibn Naukal 1873: 335, 395, 396, 406]. Лекин ал-Истахрийнинг форсча таржимасида ва ал-Идрисийда ҳам Астийоканд (استياكند) [Ворожейкина 2002: 37; al-Idrisi: 708].

34. Шалот (شلات) — Ахсикатдан 5 *марҳала* ва Хайломдан 7 *фарсах* масофада жойлашган [al-Istakhri: 346, 347; Ibn Naukal 1967: 524]. Унинг номи Шалот (شلات) [Hudud al-‘Alam: 117; al-Idrisi: 708] ва Салот (سلات) шаклларида ҳам қайд этилган [al-Istakhri: 346, 347; Ibn Naukal 1873: 395, 396, 406]. Лекин ал-Истахрийнинг форсча таржимасида ҳам Шалот (شلات) [Ворожейкина 2002: 37]. Бу ерда туркларга чиқувчи чегара истехкоми жойлашган [Hudud al-‘Alam: 117]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 217; 1965: 531.

35. Ҳафт деҳ (هفت ده) — XV асрда бу ерлар ва унинг атрофларидаги тоғлар Йеттикент деб аталган бўлиб [Бабур-наме: 32], бу туркий ном ҳам «Етти қишлоқ» маъносини билдиради. Бу ном XV аср манбасида қайд этилган бўлса ҳам, илк ўрта асрларда мавжуд

бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, Ҳафтдеҳ номи эса унинг форсча таржимаси бўлиши мумкин. Бу ерда жойлашган икки шаҳардан бирининг номи Астийоканд (استياکند) [Ibn Naukal 1967: 514] ёки Бисканд (بيسکند) шаклида қайд этилган [al-Istakhri: 286, 348; Ibn Naukal 1873: 335, 395, 396, 406]. Бу шаҳарнинг номи Йаттиканд (يَتِيکند) шаклида ҳам ўқилиши мумкин [Камолиддин 2006: 86]. «Худуд алолам» да Бушт (بِشْت), К.л.с.кон (کلسکان), Йуканд (يوکند), Кукат (کوکث) ва Хушқоб (خَشکاب) номли бир-бирига яқин жойлашган шаҳарчалар қайд этилган. Уларнинг экинзорлари кўп, лекин аҳолиси камбағал бўлган [Hudud al-'Alam: 117]. Улардан бирини Буканд (بوکند) шаклида қайд этган [al-Moqaddasi: 262]. В.Минорский фикрича, бу 5 та шаҳарча Ҳафтдеҳ вилоятидаги 7 та қишлоқларнинг 5 тасини ташкил этган, қолган иккитаси эса С.лот (Ш.лот) ва Бисканд (Астийоканд) шаҳарларидир [Hudud al-'Alam: 356].

36. Сомонийлар Тоҳирийлар ва Аббосийларга тобе бўлган даврда ислом динини қабул қилмаган «кофир» туркларга қарши «жиҳод» урушлари олиб борганлар. Масалан, 225/839-40 йилда Нуҳ ибн Асад Испижобни ишғол қилиб [ас-Самъоний VII: 13], унинг атрофидаги узумзорлар ва экинзорларни қўшиб, мудофаа девори қурдирган. Ундан кейин ҳам Нуҳ ибн Асад турклар билан тўхтовсиз уруш олиб бориб [Ибн ал-Факих 1993: 51] Косон ва Урашт аҳолисининг қўзғолонини бостирган [al-Beladsori: 420]. Наср ибн Аҳмад 300 минг аскардан иборат ғозийларнинг қўшини билан Шовғарга юриш қилган [al-Istakhri: 291; Ibn Naukal: 467]. Айниқса туркларга қарши юришларда Исмоил ибн Аҳмад кўп фаолият кўрсатган. 280/893-94 г. у турклар мамлакатига юриш қилиб, Тароз шаҳрини ишғол қилади ва туркларнинг подшоҳини, унинг хотунини ва яна 10 минг аскарни асирга олади, ва Тароздаги черковни масжидга айлантиради [Macoudi VIII: 144, 321; Наршахий: 77; Ибн ал-Асир VII: 185, 216]. 291/903-04 йилда Исмоил ибн Аҳмад Мовароуннаҳрга хуруж қилган кўп сонли туркларга қарши иккинчи катта юришини амалга оширади [Ибн ал-Асир VII: 211]. Фарғона водийсида жойлашган Йеттикент (Ҳафтдеҳ) туманидаги туркларга қарашли Астийоканд (Бисканд) и Шалот (Салот) шаҳарлари ҳам шу даврда босиб олинган эди [al-Istakhri: 347; Ibn Naukal: 514, 524]. Бу ҳақида яна қаранг: LIV, 4.

## XLV [ФАРФОНА КОНЛАРИ]

1. *аз-заҳаб* (الذهب) — араб., олтин. Бу сўз қадимги сурёний *дахба* (*dahba*) — «олтин» сўзидан олинган. Араблар уни яна *нудор* (نضار), *асжад* (الاسجد) ва *зухруф* (زحرف) деб атаганлар. Румликлар эса олтинни *харусун* (حروصون), ҳиндлар — *суварн* (سورن), турклар — *алтун* (الطون), форслар — *зар* (زر) деб атаганлар [ал-Бируни: 218]. Олтиннинг лотинча номи *аурит*, кимёвий рамзи эса Au [Каримова 2002: 125]. «Худуд ал-олам» га кўра, Фарфона тоғларидан олтин, кумуш, мис, қўрғошин, аммиак, симоб, чироғсанг, феруза тоши ва магнит тоши олинган [Hudud al-'Alam: 116]. Берунийга кўра, Фарфонадаги бир тоғдан қитрон, битум, нефт, чироғсанг номли қора мум, новшадил, купорос, темир, мис, қўрғошин, симоб, кумуш, олтин ва феруза олинган [ал-Бируни: 186; Беруни 1974: 520], лекин олтин ва унинг конлари ҳақидаги махсус бўлимда Фарфона ҳақида маълумот келтирилмаган [ал-Бируни: 218 — 226]. Олтин конлари асосан 3 ерда — Ахсикат яқинидаги Косонсой водийси, Нақод тоғлари (Қубо яқинида) ва Юқори Насйо тумани (Сўх водийси) да тўпланган [Массон 1953: 27]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1934: 11, 37, 48, 72.

2. *ал-фидда* (الفضة) — араб., кумуш. Араблар уни яна *лужайн* (الجين) ва *сариф* (صريف) деб атаганлар. Бу сўздан *сайрафий* (صيرفي) — «пул алмаштирувчи» сўзи ясалган. Румликлар кумушни *аржуса* (ارجوسة) ёки аржуриййа (ارجورييا), сурёнийлар — *симо* (سيما), форслар — *сим* (سيم), турклар — *кумуш* (كمش), ҳиндлар — *руб* (روب) деб атаганлар [ал-Бируни: 226 — 228; Беруни 1974: 679]. Кумушнинг юнонча номи *аргирион*, лотинча номи *Argentum*, кимёвий рамзи эса Ag [Каримова 2002: 128 — 129]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1934: 11, 37, 48, 72.

3. *аз-зайбақ* (الزبيق) — араб., симоб. Юқорида ҳам айtilган эдики, Мовароуннаҳда [шундай] олтин, кумуш ва симоб конлари борки, барча ислом мамлакатларидаги бирорта кон бойлик ва мўл-қўлликда уларга тенг кела олмайди [Ibn Nauka: 464]. Берунийга кўра, *зи'бақ* (زئبق), яъни *зайбақ* атамаси арабча *завуқ* сўзидан ясалган бўлиб, «безовчи», «шакл берувчи» маъносини билдиради. Сурёний тилда *зивағ*, ҳинд тилида

бораж, форс тилида симоб деб аталган [Беруни 1974: 516; ал-Бируни 1963: 216 — 218]. Симоб сўзи форс тилида «кумуш сув» маъносини билдирган. Бу маъдан учувчанлиги туфайли «рухлар» гуруҳига киритилган бўлиб, Уторид (Меркурий) сайёрасига нисбат қилинган. Қадимги форс тилида симобга нисбатан *жива* сўзи ҳам ишлатилган. Сурёний тилидаги *зивағ* ва араб тилидаги *завук* (*зайбақ*) шу сўздан келиб чиққан [Каримова 2002: 90 — 94]. Сўх ва Исфара орасидаги доволардан бири ҳозиргача Симоб деб аталади. Қадимги симоб конларининг излари Ўшдан тортиб то Хўжа Бақирғонсойгача бўлган кенг ҳудудда ҳозир ҳам кўплаб учрайди [Массон 1953: 29].

4. *зифт* (زفت) — араб., смола, қатрон. Игнабаргли дарахтлардан олинадиган елим. Унинг 3 хили бўлган — денгиз зифти, қуруқлик зифти ва тоғ зифти. Зифт ҳўл ва қуруқ бўлиб, унинг ёғи даволаш учун ишлатилган [Беруни 1974: 500 — 501, 520, 682; Каримова 2002: 203]. Фарғонадаги бир тоғдан *зифт* (زفت), яъни асфальт олинган [ал-Бируни 1963: 186].

5. *чироғсанк* (جر اغسناك) — форс., тошпахта, ёки қора мум деб атувчи нефт, араб тилида у *ҳажар ал-фатила* (حجر الفتيلة) деб аталган [ал-Бируни 1963: 186; Беруни 1974: 520]. М.Массонга кўра, бу атама асбестга нисбатан ишлатилган [Массон 1934: 34; 1954: 91 — 92]. Лекин Берунийга кўра, бу ерда озокерит назарда тутилган [ал-Бируни 1963: 467]. Бу тошга ёғ суртилса, у чўғга ўхшаб ёнган. Унинг ҳажми камайганда, уни оловга ташласа, у яна ўз ҳолига қайтар эди. Ўрта асрларда ундан тош дастурхонлар ишлаб чиқарилган, агар у кир бўлса, уни оловда ёндиришар ва унинг кирлари кетиб, яна тоза бўлар эди [al-Moqaddasi: 303]. Ёниш хусусиятига эга бўлган бу тош сўнгги аср манбаларида ҳам қайд этилган [ас-Самъоний II: 113; Jacut I: 529; Махмуд ибн Вали: 23]. Бадахшонда бу тош XX аср бошларида ҳам маълум бўлиб, Гумаёй ва Дарвоза тоғларидан олинган. Бу ердаги Қалъаи Ватар қишлоғидан қуйроқда жойлашган бир тоғ Фатила-санг, яъни «фатила тоши» деб аталган. Одамлар бу тошни фитил сифатида ишлатганлар, бу тошлардан биттаси бир йилга етар эди [Кушкеки 1926: 197]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1953: 30 — 31; Каримова 2002: 108 — 109.

6. *фирузаж* (فیروزاج) — феруза тоши. Унинг номи қадимги форсча *пируза* — «ғалаба» сўзидан келиб чиққан. Уни яна *ҳажар ал-ғалаба* (حجر الغلبة), яъни «ғалаба тоши», *ҳажар ал-жоҳ* (حجر الجاه), яъни

«мансаб тоши» ёки *ҳажар ал-‘айн* (جدر العين), яъни «кўз тоши» деб ҳам атаганлар. Европада эса бу тош *turquoise* — «туркий тош» номи билан машҳур бўлган [Беруни 1974: 460, 520; ал-Бируни 1963: 158 — 159; Каримова 2002: 102 — 103]. Юқорида ҳам Ибн Ҳавқал Фарғонанинг феруза тоши, новшадили ва кўмир ўрнига ёндириладиган тошлари ҳақида айтиб ўтган эди [Ibn Naukal: 488]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1934: 67 — 70, 78; 1953: 31.

7. *ҳадид* (حديد) — араб., темир. Ўрта асрларда темирнинг ҳаммаси бўлиб 37 та номи ва рамзлари бўлган. Уни Мирриҳ сайёрасига нисбат қилиб *мирриҳ* деб ҳам атаганлар. Унинг лотинча номи Ferrum, кимёвий рамзи эса Fe [Каримова 2002: 136 — 139]. Юқорида ҳам айtilган эдики, Мовароуннаҳрда темир маъдани аҳолининг ўз эҳтиёжларидан ортиқ миқдорда бўлиб, уларнинг тижоратида асосий ўрин тутган [Ibn Naukal: 464]. Берунийга кўра, табиий темир икки хил бўлган: юмшоқ ва қаттиқ. Унинг юмшоқ тури *нармохан* (نرماهن) ёки «аёл темир», қаттиқ тури эса *шобурқон* (شابرقان) ёки «эркак темир» деб аталган. Темирнинг *нармохан* тури ҳам 2 хил бўлган: бири қаттиқ, иккинчиси эса суюқ бўлиб, *даус* (دوص) деб аталган [ал-Бируни 1963: 231]. Беруний ўрта асрларда Фарғонада темир қазиб олинганлиги ҳақида маълумот келтирган [ал-Бируни: 186; Беруни 1974: 520], аммо унинг асаридаги темирга бағишланган махсус бўлимда Фарғона темир конлари ҳақида маълумот йўқ [ал-Бируни 1963: 230 — 241]. Лекин шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, асарнинг мавжуд қўлёзмасида бу бўлимнинг охири сақланиб қолмаган. 211 — 212/826 — 827 йилларда Мовароуннаҳр турклари Хуросон *амири* ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир ғазнасига 1300 бўлак темир топширганлар [Ibn Khordadbeh: 38; Ибн ал-Факих: 101]. Фарғона водийсида темир Конигут номли конда, Чотқол ва Қурама тоғларининг жануби-ғарбий ёнбағирларида қазиб чиқарилган. Ундан ташқари темир Фарғонага қўшни Усрушанадаги Минк ва Марасманда ёнидаги конлардан келтирилган. Бу ерда унга ишлов берилиб, сўнг ундан маҳсулотлар ишлаб чиқарилган [Массон 1953: 22, 28 — 29]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1934: 39, 52.

8. *суфр* (صفر) — араб., сариқ мис (бронза). Унинг форсча номи *исфидруй* (اسفيذروي) ёки *сафидруй* (سفيذروي) бўлиб, бу сўз «оқ мис» деган маънони англатади [ал-Бируни 1963: 245 — 247]. Унинг таркиби 2/3 қисм мис ва 1/3 қисм кўрғошин ёки қалайдан иборат бўлган [Кари-

мова 2002: 132]. X асрда Самарқанд вилоятидаги Арбинжан (Рабинжан) шахридан Бағдод бозорига *исбидруй тослари* (طاسات اسبیدروي), яъни сариқ мисдан ясалган идишлар чиқарилган [al-Moqaddasi: 324]. Фарғонадаги Нақод туманининг бош шаҳри Мискон деб аталган [Ibn Nauka: 514]. Фарғона водийсида сариқ миснинг конлари асосан 4 ерда – Исфара тоғлари, Юқори Насйо тумани (Сух водийси), Нақод тоғлари (Қубо яқинида) ва ал-Воғизийа туманини ташкил қилган ҳозирги Науқад конлари, Супатоғ тоғлари, Поп тумани ва унинг атрофларида бўлган [Массон 1953: 28].

9. *онук* (آنك) – араб., қалай. У форс тилида *усруб*, сурёний тилда эса *абор* деб аталган, онук сўзи ҳам сурёний тилдан олинган. Ундан кўз касалликларини даволаш учун дори тайёрланган. Қалай таркибида маълум миқдорда кумуш мавжуд. Унинг конлари Хуросон ва Ироқда бўлган [Беруни 1974: 234 – 235; ал-Бируни 1963: 241 – 244]. Лекин *онук* атамаси қўрғошинга нисбатан ҳам қўлланилган. Манбаларда қалай ва қўрғошин *расос* (رصاص) деб аталган. Бу икки маъдан ўз хусусиятларига кўра жуда ўхшаш бўлиб, манбаларда улар *расосайн* (رصاصين) – «икки қалай» деб ҳам аталган. Уларни фарқлаш учун одатда қўрғошинни Зухал сайёрасига, қалайни эса Муштарийга нисбат қилинар эди [Каримова 2002: 133 – 136].

10. Берунийга кўра, бу тош *сабаж* (سبج) деб аталган бўлиб, у гагат, яъни тошқўмирнинг заргарлик буюмлари яшаш учун ишлатиладиган ялтироқ тури бўлган. Форсчада бу тош *шаба* (شبه) деб аталган. Қора рангли ялтироқ бу тош юмшоқ ва енгил бўлиб, оловда ёнган. Қуёшда туриб қизиганда ҳам ёниб, ундан нефт ҳиди чиққан. Аслида у тошга айланган нефтдир. Тусда унинг сифатли турларидан ойна ва шиша идишлар ишлаб чиқарилган [Беруни 1974: 520; ал-Бируни 1963: 186]. Номаълум ердаги *ас-сабаж* (السبج) конларини ал-Муқаддасий ҳам қайд этган [al-Moqaddasi: 326]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1934: 57.

11. Берунийга кўра, *сабаж* (سبج) – «гагат» тошининг сифатсиз турлари Фарғонада ўтин қилиб ёқилган, кули эса *ушинон* (اشنان) ўрнига кийимларни ювишда ишлатилган [Беруни 1974: 520; ал-Бируни 1963: 186]. Араб тилида кийим ва матоларни оқартирувчилар *қассор* (قصار) деб аталган [ас-Самъоний X: 163, 165]. Ўрта асрларда Кешнинг шаҳар дарвозаларидан бири Боб ал-Қассорин (باب القصارين) – «Кийим



тозаловчилар дарвозаси», шаҳар ёнидан оқиб ўтувчи дарё эса Наҳр ал-Қассорин (نهر القصارين) — «Кийим тозаловчилар дарёси» деб аталган [al-Istakhri: 324; Ibn Naukal: 501; al-Moqaddasi: 282]. Самарқанд шаҳридаги ариқлардан бири ва унинг бўйида жойлашган маҳалла ҳам Наҳр ал-Қассорин (نهر القصارين) «Кийим тозаловчилар ариғи» деб аталган [ан-Насафий 1999: 569; ас-Самъоний I: 345]. Марв шаҳрида ҳам бир кўча Сиккат ал-Қассорин (سكة القصارين) «Кийим тозаловчилар кўчаси» деб аталган [ас-Самъоний X: 166]. Тозаланган кийим араб тилида *сийоб мақсура* (ثياب مقصورة) деб аталган [Ibn Naukal: 520]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1953: 30.

12. *балақ* (بلق) — «слюда», шаффоф минерал. Бу тош *талқ* (طلق) деб ҳам аталган бўлиб, унинг номи қадимги форс тилидаги *talk* сўзидан олинган. Ҳиндлар уни *толк* (تالك), румликлар — *ағлубутис* (اغلوبوتيس), *гасамис* (كسميس) ёки *гастарис* (كسطاريس), сурёнийлар эса — *каукабо* [де] *ар'о* (كوكبا د ارعا), яъни «ер юлдузи» деб атаганлар [Беруни 1974: 616; ал-Бируни 1963: 113, 380]. Талқ осон ишлов бериладиган тоғ жинси бўлиб, асосан рўзғор буюмлари (қозонлар) яшаш ва иморатларни безаш ишларида қўлланилган [Каримова 2002: 107 — 108]. Талқ конлари Х<sup>о</sup>размда Орол денгизи яқинидаги Баротакин қишлоғи ёнидаги тоғдан олинган [al-Moqaddasi: 288]. Бу тоғ Султон Увайстоғ тизмасида жойлашган бўлиб, ҳозир Қозонтоғ ёки Қозонтош деб аталади. Жиззах ва Нурота атрофларида ҳам кўплаб талқ тоши конларининг излари топилган [Массон 1953: 18, 24].

13. Унинг бир қисми сақичга ўхшаш қора, бошқаси — очиқ қизил, учинчиси — оч сариқ. Берунийга кўра, талқнинг оқ, сариқ ва мис рангли турлари бўлган [Беруни 1974: 616]. Бу ҳақида яна қаранг: Массон 1953: 27; Массон 1934: 79.

14. *ат-табархун* (الطبرخون) — юқорида бу атаманинг *ат-тархун* (الطرخون) шакли ҳам берилган эди (қаранг: XXXVIII, 2). Берунийга кўра, *тархун* (طرخون) — эстрагон, яъни шувоқ ёки ёвшан бўлиб, сабзавотларнинг бир туридир [Беруний 1974: 614]. Тархун — бўйи 40 — 80 см келадиган кўп йиллик доривор ўт бўлиб, тоғ ён бағирларида, юмшоқ ва тошли қояликларда ўсади. Унинг лотинча ботаник номи *Artemisia dracunculus*. Унинг номи қадимий юнонча *drakon* сўзидан ясалган [Каримова 2002: 221]. Лекин бу ерда ушбу атамага нисбатан



*шажар* (شجر), яъни «дарахт» сўзи ишлатилган. У ҳақида яна қаранг: XXXVIII, 2.

15. *ал-кузанжон* (الكوزنجان) — М. де Гуйе танқидий матнида: *ал-кулкон* (الكولكان). Берунийга кўра, сурма тоши араб тилида *исмид* (اِثْمِد), форс тилида эса *куртайожан* (كرتياجن) деб аталган [Беруний 1974: 164].

16. *ал-Буттам* тоғларидаги новшадил конлари ҳақида қаранг: XXXVIII, 7.

17. *ан-нушодир* (النوشادر) — араб., новшадил (нашатир). Унинг номи *нушодир* (نوشادر) шаклида ҳам келтирилган. Румликлар уни *арманиқун* (ارمنيقون) ёки *аммуниқун* (امونيقون) деб атаганлар [Беруни 1974: 849]. Бу оқ рангли туз бўлиб, қиздирилганда суюқланмай учади, шунинг учун кимё фанида бу модда рухлар гуруҳига киритилган. Бу модданинг ҳозирги илмий номи аммоний хлорид, кимёвий формуласи эса  $\text{NH}_4\text{Cl}$  дир [Каримова 2002: 87]. Бошқа манбаларда ҳам Фарғонадаги новшадил конлари ҳақида маълумотлар бор [Hudud al-'Alam: 116; ал-Бируни: 186; Беруни 1974: 520]. Ўрта асрларда новшадил фақат Сицилия ва Мовароуннаҳрда олинган. Мовароуннаҳр новшадилнинг сифати яхшироқ бўлиб, ҳатто Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилинган ва у ерда «татар тузи» номи билан машҳур бўлган [Мец 1966: 342]. Фарғона водийсида новшадил Узканд (ҳозирги Ўзган) атрофларида кўп миқдорда олинган [Массон 1953: 31]. У ҳақида яна қаранг: Массон 1934: 60.

## XLVI

### [МОВАРОУННАҲРДАГИ МАСОФАЛАР]

1. *марҳала* (مرحلة) — араб., ўрта асрларда йўл масофаси ўлчов бирлиги, 1 *марҳала* карвонларнинг бир кунда босиб ўтган йўл масофасига тенг бўлган.

2. *Зармон* — [al-Istakhri: 335, 343; al-Moqaddasi: 342]. Бошқа манбалардаги маълумотларга кўра, *Зармон Самарқанддан 7 фарсах масофада* [ас-Самъоний VI: 270; Jacut II: 925], *Қудам* ибн *Жаъфарга кўра, Зармон Арбинжандан 6 фарсах масофада жойлашган* [Kodama: 203], *Ибн Хурдодбеҳга кўра, Зармон Арбинжандан 5 фарсах, Самарқанддан 10 фарсах масофада жойлашган, улар*

орасида эса карвонлар яна Қаср Алқама (قصر علقمة) номли ерда тўхтаб ўтган [Ibn Khordadbeh: 26]. «Худуд ал-олам» да Кушони (كشاني) шаҳрига қарашли Армон (ارمان) номли қишлоқ қайд этилган [Hudud al-'Alam: 113]. Унинг номи Размоз (رزماز) шаклида ҳам қайд этилган [ас-Самъоний VI: 110, 294; al-Istakhri: 334, 343]. Лекин XV ҳужжатларида Самарқанд вилоятида Размоз (رزماز) номли ариқ ва мулк ерлари қайд этилган [СД: 31, 46, 93, 98]. Шу билан бирга Зармон (زرمان) номли қишлоқ ҳам қайд этилган [СД: 31]. XX аср бошларида Самарқанд вилоятида Зармон номли қишлоқ бўлган [Бартольд 1963: 148; Вяткин 1902: 76].

3. Работ Саъд (رباط سعد) — [al-Istakhri: 335, 337], яъни Саъд работи.

4. Работ Абу Аҳмад (رباط ابي احمد) — [al-Istakhri: 335, 336], яъни Абу Аҳмад работи.

5. Арканд ёки Урканд (ارکند) — [al-Istakhri: 335], унинг номи Ракунд (رکند) шаклида ҳам учрайди [Kodama: 207]. ас-Самъоний маълумотига кўра, Ракунд (رکند) Самарқанд вилоятига қарашли қишлоқ бўлган [ас-Самъоний VI: 154 — 155]. Бу қишлоқ XX аср бошларида ҳам шу ном билан аталган [Бартольд 1963: 322 — 323].

6. Шовакат (شاوکت) — [al-Moqaddasi: 342] ёки Шовакат (شاوکت) [al-Istakhri: 335]. Бу шаҳарча тахминан ҳозирги Нау ва Куркат қишлоқлари орасида жойлашган. Унинг атрофида жойлашган катта *рустоқ* эса Оқсув (Тагояксоё) нинг қуйи оқими ҳавзаси, ғарбда Бекобод, Куркат ва Қизил қишлоқлари, шарқда Дихмай ва Хитойреза қишлоқлари, жанубда Қизили қишлоғи атрофлари, шимолда эса Сирдарё бўйигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Бу *рустоқ* аҳолиси Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларидан оқиб келувчи Исфанасойнинг сувидан фойдаланган [Негматов 1957: 41 — 43, 83]. Шовакат *рустоқида* Куркат шаҳри (қаранг: XXXVII, 9) ва Арканд (Ракунд) (қаранг: XLVI, 5) қишлоғи жойлашган. Собот ва Хужанд орасидаги Ғалук (غلوک) [Ibn Khordadbeh: 29] ёки Ғалукандоз (غلوک انداز) [Kodama: 207] номли қишлоқ ҳам шу *рустоқда* жойлашган. Бу қишлоқнинг номи ҳозир ҳам Ғалукандоз шаклида сақланиб қолган [Бартольд 1963: 322 — 323]. Бу *рустоқнинг* худудида Мунчоқтепа номли мустаҳкам қалъа харобалари ҳам қайд этилган [Негматов 1957: 42 — 43, 90].

7. Боб Ахсикат (باب اخسيكت) — [al-Istakhri: 335], бу ерда Ахсикат ёнидаги Боб номли қишлоқ назарда тутилган.

8. Боб (باب) — [al-Istakhri: 336], бу ерда Боб номли алоҳида шаҳар назарда тутилган. Бошқа манбаларга кўра, Боб шаҳри Турмуқондан 3 *фарсах* [Ibn Khordadbeh: 30; Kodama: 207] ёки ярим *фарсах*, Ахсикатдан эса 2 *барид* [al-Moqaddasi: 341] ёки 4 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 30; Kodama: 207]. «Худуд ал-олам» да унинг номи Боб (باب) ва Боб ёки Поб (باب) шаклида келтирилган. Унинг атрофларида экинзорлар кўп бўлган. Унинг ёнидан Узканд ва Хатлом дарёлари оқиб ўтган [Hudud al-'Alam: 72, 73, 117]. Боб аш-Шош дарёси бўйида жойлашган бўлиб, катта ва бойликларга мўл шаҳар бўлган. Турмуқонда туркларнинг ҳужум қилиш хавфи бўлгани туфайли карвонлар у ерда тўхтамасдан ўтиб, Бобга бориб тўхтаганлар [Kodama: 208]. 118/736 йилда бобликлар ва суғдлар турк хоқонининг қўшини таркибида арабларга қарши кураш олиб борганлар [at-Tabari II: 1609]. XV асрда Попнинг жуда мустаҳкам қалъаси бўлган [Бабурнаме: 78, 84, 124, 126]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Поп шаҳридан жануброқда Сирдарё бўйида жойлашган бўлиб, унинг ички ва ташқи қалъаси Баландтепа, ташқи шаҳар (*рабад*) эса Мунчоқтепа ва Айритом деб аталади. Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар милодий I — II асрларда вужудга келган [Матбабаев 1994: 59 — 63].

9. Қатвондиза (قطوان دزه) — [al-Istakhri: 334], ал-Муқаддасийга кўра, Қатавондиза (قطوان دزه) Ушрусанага, Қатавона (قطوانة) эса Самарқанд вилоятига қарашли бўлган [al-Moqaddasi: 49, 265, 266]. ас-Самъонийга кўра, Қатвон ёки Қатавон (قطوان) Самарқанддан 5 *фарсах* масофада жойлашган катта қишлоқ бўлиб, унинг жоме масжиди бўлган. Унинг ёнидаги чўлда бир машхур работ бўлиб, уни Аҳмад Мусо ал-Ховасий исми бир одам қурдирган. Бу ерда бўлиб ўтган жангда жуда кўп мусулмонлар ҳалок бўлган [ас-Самъоний V: 33, 298; VII: 163; X: 196]. Бу жанг 536/1141 йилнинг *сафар* ойида султон Санжар ва қорахитойларининг қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган эди [Ибн ал-Асир 2006: 241 — 247]. Қатвон қишлоғи Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол темир йўл бекати атрофларида жойлашган. Қатвон чўли эса Самарқанддан шимолда Тошкўприк ва Янгикўрғон темир йўл бекатлари орасидаги Булунғур даштидир [Бартольд 1963: 177, 389]. У ҳақида яна қаранг: СГСА 1973: 187.

10. Би'р ал-Хусайн (بئر الحسين) — яъни ал-Хусайн қудуғи.
11. Би'р Хумайд (بئر حميد) — яъни Хумайд қудуғи.
12. Винкард (وينكرد) — юқорида бу қишлоқ насронийларнинг қишлоғи деб аталган [Ibn Haukal: 507]. У ҳақида қаранг: XXXIX, 4.
13. Устуркат (استوركت) — матннинг бошқа ерида бу шаҳарчанинг номи Сутуркат (ستوركت) шаклида келтирилган [Ibn Haukal: 510]. У ҳақида яна қаранг: XL, 32; LIII, 2.
14. Анфуран (انفرن) — бошқа манбаларда бу работ қайд этилмаган.
15. Фаркард (غرکرد) — Шош билан Исбижоб орасида Фаркард (غرکرد) [Ibn Khordadbeh: 27] ёки Фазкирд (غزکرد) номли ер ҳам қайд этилган [Kodama: 204; al-Istakhri: 337; al-Moqaddasi: 265]. Бу ернинг номи туркий *γwz* — *γуз* этноними ва суғдча *-kird* — «асос солди» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 179]. Бу ер Келес дарёсининг юқори оқими ва унинг ирмоқлари ҳавзасида жойлашган [Бартольд 1963: 232]. Ҳозирги Чимкент шаҳридан 40 км жанубда Қазқурт (Қазғурт) номли тоғ жойлашган бўлиб, Тошкент воҳасидан Испижобга олиб борувчи қадимий карвон йўли шу ердан ўтган. Фазкирд шаҳарчаси шу ердаги Отбулоқ қишлоғининг ўрнида жойлашган [Байпаков 1986: 24; Байтанаев 2003: 75, 91]. аш-Шош дарёси ва Илоқ дарёси орасида Фарқанда (غرکنده) ёки Фарқанд (غرکند) номли шаҳарча бўлган [Ibn Haukal: 507]. Унинг номи Фаржанд (غرجند) шаклида қайд этилган [Ibn Haukal: 523; al-Istakhri: 329; al-Moqaddasi: 264]. У ҳақида қаранг: XXXIX, 16.

## XLVII [БУХОРОДАНАТ-ТИРМИЗ, БАЛХ ВА Х\*ОРАЗМГА ЙЎЛЛАР]

1. Қарожун (قراجون) — [al-Istakhri: 337], бу номнинг биринчи қисми туркий *қаро* (قرا) — «қора» сўзидан иборатлигидан, унинг иккинчи қисми ҳам туркий сўз бўлиши мумкин. Ибн Ҳавқал карвон йўлининг йўналиши Бухоро — Қарожун — Мийонкол — Моймурғ — Фарабр [Ibn Haukal: 517], ал-Муқаддасий эса Бухоро — Байқанд — Мийонкол — Фарабр деб кўрсатган [al-Moqaddasi: 343]. Демак, Қарожун Байқанд ўрнида ёки унинг атрофларида жойлашган. Наршахийга кўра, Байқанд яқинида жойлашган Зарафшон сувлари тўпланувчи кўл Қароқўл

(قراکول) деб аталган [Наршахий: 25]. Ибн Ҳавқал харитасида бу қўл Бухайрат Бухоро (بحيرة بخارا) — «Бухоро қўли» деб аталган [Ibn Haukal: 462, map]. Эҳтимол Ибн Ҳавқал матнидаги Қарожун номи Қарокўл топонимининг хато ёзилишидир, чунки бундай жой номи бошқа ҳеч қайси манбада қайд этилмаган. Бу ернинг Насаф йўлида жойлашганлиги ҳам шунга тўғри келади. Қарокўл эса Бухородан жанубда Хуросон ва Насаф йўллари орасида жойлашган. Карвон йўли Бухородан Мийонколгача умумий бўлган, кейин 2 га ажралиб, бири Фарабрга, бошқаси Насафга олиб борган.

2. Мийонкол (ميانکال) — [al-Istakhri: 337], унинг номи Мийон Кол (ميان کال) шаклида ҳам келтирилган, Байканд ва Фарабр орасида иккаласидан 1 марҳала масофада жойлашган [al-Moqaddasi: 343]. IX асрда Фарабрдан 6 фарсах масофада Байканд йўлида Умм Жаъфар (ام جعفر) номли мустаҳкам қалъа (ҳисн) қайд этилган [Ibn Khordadbeh: 25; Kodama: 203]. Ҳижрий 272 йилнинг шаввол ойи (886 йил март ойи) да Байканд ва Фарабр орасида жойлашган Хуканжа ёки Хаканжа (خكنجة) номли ерда мусулмонлар ва турклар ўртасида жанг бўлиб ўтган [ас-Самъоний VI: 347]. 111/730 йилда ҳам Фарабр ва Байканд орасида турк хоқони ва арабларнинг қўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтган [at-Tabari II: 1532]. Ёқут ал-Ҳамавий Хаканжа (خكنجة) ни бир қишлоқнинг номи сифатида қайд этган [Jacut II: 452]. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, Байканд ва Фарабр ўртасида турклар учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қалъа жойлашган, шунинг учун ҳам бу икки жанг унинг ёнида бўлиб ўтган. Эҳтимол бу Турк хоқонлигининг жанубий ҳудудларидаги чегара қалъаси бўлган. Байканд билан Фарабр орасидаги ерлар чўлдан иборат бўлиб, IX асрда бу ерда фақат бир қалъа, у ҳам бўлса Умм Жаъфар қалъаси бўлган. X асрда эса бу ер Мийонкол деб аталган. Шундай қилиб, манбаларда бир ернинг ўзи 3 хил ном остида қайд этилган. Исломдан олдинги турклар даврида бу ер Хаканжа (Хуканжа), араблар даврида Умм Жаъфар, Сомонийлар даврида эса Мийонкол деб ҳам аталган. Фараб темир йўл бекати (Фарабр шаҳри харобалари) дан 30 км шимолда Удойтепа номли катта (23 га) ўрта аср қалъасининг харобалари жойлашган. Унинг шакли юмалоқ бўлиб, 3 қатор мудофаа деворлари билан ўралган эди [Пилипко 1978: 95; Пилипко 1987: 186]. Сўнгги ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган ерлар ҳам

Мийонкол деб аталган. Бу оролда Иштихан, Рабинжан, Кушония ва Дабусия каби шаҳарлар бўлган. Бу оролнинг катта қисми Нимсуғуд (яъни Ярим Суғд) деб аталган [СД: 29, 32, 72]. Миёнкол топонимининг биринчи қисми форсча *мийон* (ميان) — «ўрта» сўзидан иборат. Унинг иккинчи қисми *кол* (كال) ҳақида эса аниқ бир фикр айтилмаган. Ўрта Осиё тарихий топонимиясида қайд этилган қадимги ва ўрта эроний тиллар билан боғлиқ бўлган жой номлари таркибида бу сўз учрамайди [Словарь 1975; Нафасов 1987: 8 — 10; Савина 1964: 149 — 174; Лурье 2004: 88 — 151, 176 — 190]. Шу билан бирга *кал/қал/ғал* топоформанти келиб чиқиши туркий тиллар билан боғлиқ бўлган жой номлари таркибида учрайди. Масалан, Чатқал/Чатғал топоними ва Бешкал этноними таркибидаги бу сўз «дарё», «ирмоқ», «сой» маъносини билдиради [Караев 1987: 115; Қиямов 1989: 103; Конкобаев 1980: 141].

3. Моймурғ (مايمرغ) — Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида Сосонийларнинг саркардаси Баҳром Чубин етиб борган энг охирги макон сифатида Суғдда жойлашган Моймурғ номли ер қайд этилган [Фирдоси IV: 252]. Ўрта асрларда Суғдда Моймурғ номли иккита ер бўлган: улардан бири Самарқанддан жануби-шарқда жойлашган Моймурғ номли *рустоқ* бўлса [Ibn Haukal: 498], иккинчиси Бухоро ва Насаф орасидаги йўлда жойлашган кичик шаҳарча бўлган [Ibn Haukal: 517]. Тахмин қилинишича, «Шоҳнома» да айнан шу Моймурғ шаҳарчаси ҳақида гап кетган [Ставиский 1959: 83]. XII асрда Моймурғ катта ва чиройли қишлоқ бўлган [al-Samʿani: 505V]. XVI асрда Насафдан 1 *азач* (6 — 7 км) масофада жойлашган Маймурғ номли ов қилинадиган қўриқхона қайд этилган [Ҳофиз-и Таниш I: 178]. Моймурғ номи суғдча *m'ry* — «ўтлоқ», «ўрмон» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 141]. Бу шаҳарчанинг харобалари Қарши вилоятидаги Косон шаҳридан 15 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, Майманактепа деб аталади [Кабанов 1977: 67].

4. ад-Дидакий (الديكي) — М. де Гуйе танқидий матнида унинг номи Дидакий (ديكي) [Ibn Haukal: 400], ал-Истахрийда эса Дидажий (ديجي) [al-Istakhri: 337]. Жанубий Суғдда Кеш вилоятидаги қишлоқ. Бу қишлоқ ҳозирги Кичик Ўрадарё бўйида Пачкамар сув омборидан жанубда Оқрабат ва Ғузор орасидаги Қизилқишлоқ атрофларида жойлашган [Камалидинов 1996: 30 — 31].

5. Кандак (كندك) — Жанубий Суғдда Кеш вилоятидаги қалъа. 134/751-52 йилда Кеш подшоҳи ал-Ихрид бу ердан туриб арабларга

қарши кураш олиб борган [at-Tabari III: 79]. Муғ тоғидан топилган суғдча хужжатда *knd'k ktyβšyw* — «Катта Кандак» номли ер қайд этилган. Унинг номи суғдча *knd* — «шаҳар», «қишлоқ» сўзидан ясалган [Лурье 2004: 91, 105]. Кандак Кичик Ўрадарё водийсидаги Қораховал қишлоғи ўрнида [Бартольд 1963: 192] ёки Фузордан 55 км жануби-шарқда ва Оқработдан 13 км жанубдаги Модинадарё ва Жанадарё оралиғида жойлашган Модинатепа харобалари ўрнида бўлган деб тахмин қилинган эди [Массон 1977: 53]. Бошқа фикрга кўра, Кандак Оқработ қишлоғининг ўрнида жойлашган [Rtveladze 1990: 8].

6. Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) — [al-Istakhri: 337; al-Moqaddasi: 342], араб., бу ном «Темир дарвоза» маъносини англатади. Суғд ва Тўхористон чегарасидаги тоғ дарасида жойлашган қалъа ва мудофаа иншооти. Унинг форсча номи Дар-и Оҳанин (در آهنين) [al-Jakubi: 290], Дара-и Оҳанин (دره آهنين) [Байхаки: 572] ёки Дарбанд-и Оҳанин (در بند آهنين) бўлган [Бартольд 1965: 431]. Қадимги туркий битикларда *temir qariγ* — «Темир дарвоза» VI асрда турклар етиб борган энг чекка ер сифатида қайд этилган [Малов 1951: 36; ДТС: 420, 551]. Темир дарвоза (*те-мин-гуань*) хитой манбаларида ҳам қайд этилган бўлиб, унинг бундай аталишининг сабаби бу ердаги тоғлар темир рангида бўлган. VII асрда бу ерда «олтин қулфли қалъа» ва ибодатхона бўлган [Бичурин II: 316]. Ўрта асрларда бу дарвоза Темир қапу [Mustawfi: 180, 244] ва Қахлаға (قخلغه) номлари билан ҳам аталган [Шомий: 55]. Шундай қилиб, бу ернинг арабча, форсча, хитойча ва туркча номлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир маънони билдирган. Мантиқга кўра, унинг шу маънони билдирувчи суғдча номи (*Ispene δbar*) ҳам бўлиши керак эди [Luije 2001: 25]. Лекин шу вақтгача бирор манбада бундай ном қайд этилмаган. Эҳтимол суғдлар бу ерни унинг туркий номи билан атаганлар. Хитой манбаларида бу ер «туркларнинг ўтиш жойи» [Тугушева 1991: 7] ёки «туркларга қарши тўсиқ» деб ҳам аталган [Beal 1990: 49]. Демак, бу ернинг хитойча, шунингдек арабча ва форсча номлари қадимги туркий номдан таржима қилинган. Темир дарвоза деб Бойсун тоғларидаги узунлиги 3 км бўлган Бузғалахона номли тор тоғ дараси аталган. Бу ердан қадимги вақтлардан бошлаб Бактрия-Тўхористондан Суғдга олиб борувчи карвон йўли ўтган. Темир дарвоза бу икки мамлакатнинг чегарасида жойлашган. Шунинг учун у қадимдан катта иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган [Бартольд 1965: 431]. Қадимги юнон



манбаларида қайд этилган Хориен ёки Сисимитра қалъаси шу ерда жойлашган [Rtveladze 1990: 11]. Ўрта асрларда бу қалъа турли тилларда Темир дарвоза деб аталган бўлиб, у Бузғолахона дарасидан 10 км жануби-шарқдаги ҳозирги Дарбанд қишлоғи ўрнида жойлашган [Бобоходжаев, Аннаев, Раҳманов 1990: 35]. Ўрта асрларда бу ном шунингдек Дарбанд қишлоғи билан Бузғолахона дарасигача бўлган катта масофада жойлашган табиий ва сунъий мудофаа иншоотлари тизимига нисбатан ҳам қўлланилган [Ртвеладзе 1986: 34]. Дарбанд қишлоғидан ғарбда XVI асрга мансуб катта карвонсаройнинг қолдиқлари мавжуд. Тахмин қилинишича, бу карвонсарой XI – XII асрларга мансуб рабонтнинг ўрнида қурилган [Аршавская 1980: 23]. Ибн Ҳавқал қайд этган ат-Тирмиз йўлидаги карвонлар тўхтаб ўтадиган Боб ал-Ҳадид айнан шу рабонт бўлса керак.

7. Работ Доранк (رباط دارنك) – унинг номи Розик (رازيك) шаклида ҳам қайд этилган [Ibn Haukal 1873: 400; al-Istakhri: 337]. Унинг харобалари Сайроб қишлоғидан 24 км жанубда Шеробод дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Амиркўнди деб аталади [Аннаев 1988: 492].

8. Ҳошимжирд (هاشم جرد) – ат-Тирмиздан Боб ал-Ҳадидга олиб борувчи йўлда жойлашган шаҳар. У ҳақида қаранг: XIII, 13.

9. Сийоҳқирд (سياه كرد) – [al-Istakhri: 338], бу шаҳар Балхдан 5 фарсах ва Жайхун бўйидан 7 фарсах масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 33]. Жайхун бўйидан Сийоҳқирдгача йўл чўлдан ўтган [Kodama: 211]. Мозори Шариф ёнидаги Балх харобалари билан Амударё орасидаги масофа 40 км ни ташкил этади. XIX асрда бу карвон йўлида 2 та тўхташ ери бўлган [Кушкеки 1926: 224]. Ҳозир ҳам Балх харобаларидан шимоли-шарқда Сийоҳқирд номли қишлоқ мавжуд. Ўрта асрлардаги Сийоҳқирд шаҳрининг харобалари ундан 15 км шимолда жойлашган [Костенко II: 168]. Бу шаҳар баландликда жойлашган бўлиб, атрофдаги ерларни назорат қилиш ва Балх воҳасини шимол томондан мудофаа қилиш вазифасини бажарган [Кушкеки 1926: 224; Бартольд 1963: 126].

10. Балх (بلخ) – [al-Istakhri: 254, 265, 270; Ibn Haukal: 447 – 448; al-Moqaddasi: 27, 33, 35], Тўхористон вилоятининг бош шаҳри. Бу шаҳар Амударёдан жанубда ат-Тирмиздан 12 фарсах ёки 2 марҳала масофада жойлашган [al-Masudi: 64]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 298 – 316. У ҳақида қаранг: XI, 19.



11. ал-Муқаддасийга кўра, бу масофа 1 кунлик йўлни ташкил этган [al-Moqaddasi: 342].

12. Виза (ویزه) — [al-Istakhri: 338], у ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 197.

13. Мардус (مردوس) — [al-Istakhri: 338], у ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 197.

14. Асбос (اسباس) — [al-Istakhri: 338], у ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 197.

15. Сифойа (سفایه) — [al-Istakhri: 338], Марвдан Хоразмга олиб борувчи йўлида Сайфона (سیفانۀ) номли чўл қайд этилган [al-Istakhri: 284]. X асрда Бухоро вилоятида Сафна ёки Суфна (سفنۀ) номли қишлоқ қайд этилган [Наршахий: 16, 20]. Бу номларнинг ҳаммаси бир ер номининг турли шакллари бўлиши мумкин. Сифойа ёнида Жайхун дарёсида Моҳикаброн (ماهیکبران) номли сув кечуви жойлашган бўлиб, у Бухоро вилоятига қарашли бўлган [al-Moqaddasi: 292]. Сифойа (Сайфона, Сафна) қишлоғининг харобалари Амударё бўйидаги Қўшқалъа ёнида жойлашган бўлиб, Тупроқ-қўрғон деб аталади [Адылов, 2004, с. 20]. XII асрда Омул шаҳридан Хоразмга олиб борувчи йўлда Софардиз (سافردز) номли қишлоқ ҳам қайд этилган [ас-Самъоний VII: 10; Jacut III: 12]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 197.

16. ат-Тоҳирийа (الطاهرية) — [al-Istakhri: 301, 338], унинг номи Хуросон амирлари Тоҳирийлар сулоласи билан боғлиқ бўлиши мумкин. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 197.

## XLVIII

### [АЛ-ХУТТАЛДАН АС-САҒОНИЙОНГА ЙЎЛ]

1. Маъбар Бадахшон (معبر بدخشان) — яъни Бадахшон кечуви. Бу сув кечуви ҳозирги Тожикистон ва Афғонистон чегарасида оқиб ўтувчи Панж дарёси бўйидаги Баҳорак ва Самти қишлоқлари орасида бўлган [Кушкеки 1926: 224]. Археологик маълумотларга кўра, бу сув кечуви қушонлар даврида ҳам фаолият кўрсатган. XX аср бошларида Афғонистондан Ҳиндистонга ва Бухорога йўл олган карвонлар Самти —

Баҳорак сув кечувидан ўтганлар [Гулямова 1987: 130]. Баҳоракдан 13 км масофадаги Чубек номли ерда яна бир сув кечуви бўлиб, у ерда жойлашган горда чегара назоратчиларининг таянч нуқтаси топилган [Литвинский, Давидович 1954: 52; Ершов 1951: 48 – 50]. Лекин бу сув кечуви ўрта асрларда иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 184.

2. Қантарат ал-Ҳажар (قنطرة الحجر) — [al-Istakhri: 296, 339, 341; al-Idrisi VIII: 482], араб., «Тош кўприк». Хутталон ва Вошгирд чегарасида Вахш дарёси устига тошдан қурилган кўприк [Ibn Rosteh: 92]. Бу ерда ҳозир ҳам кўприк мавжуд бўлиб, Пул-и Сангин (Тош кўприк) деб аталади. Бу кўприк Нуртоғ ва Хўжаи Қур тоғлари орасидан оқиб ўтган Вахш дарёсининг ораси 20 қадамни ташкил этган энг тор ерида қурилган [Минаев 1879: 24]. У ҳақида яна қаранг: XI, 17.

3. Ливаканд (ليوكند) — Вахш дарёсининг ҳавзасида шу номли вилоятда жойлашган шаҳар [al-Istakhri: 339; al-Moqaddasi: 49, 290; Hudud al-'Alam: 120]. Юқорида ва бошқа манбаларда унинг номи Ловаканд (لاوكند) шаклида қайд этилган [Ibn Haukal: 476; al-Istakhri: 276, 297; al-Moqaddasi: 49, 290; al-Idrisi VIII: 487, 488; Jacut II: 402]. У ҳақида қаранг: XII, 12.

4. Орҳан (أرهن) — [al-Istakhri: 275, 294, 339; al-Moqaddasi: 50, 296], Жайхун дарёсидаги сув кечуви ёнида жойлашган шаҳар. Ўрта асрларда Орҳан кечуви ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Сарой шаҳри яқинида жойлашган [Литвинский, Давидович 1954: 52]. XX аср бошларида бу ерда бир нечта сув кечуви бор эди. Улардан бири Саройдан шарқда, яна иккитаси дарё оқими бўйлаб 11 км қуйидаги Файзобод-қалъа ёнида эди. Файзобод-қалъанинг қаршисида Афғонистон ҳудудига кирувчи дарёнинг чап қирғоғида Ҳазрат-и Имом Соҳиб номли шаҳарча жойлашган эди. Ўрта асрлардаги Орҳан шаҳри ва унинг ёнидаги сув кечуви айнан шу ерда жойлашган бўлиб, бу ерда Балхдан келувчи карвонлар Хутталон томонга сув кечиб ўтганлар [Литвинский, Соловьев 1985: 156 – 157; Камалиддинов 1996: 184 – 185; 274 – 275]. У ҳақида яна қаранг: XI, 12.

5. Рустоқ Бик (رستاق بيك) — Хутталон вилоятидаги шаҳар [al-Istakhri: 339]. Бошқа манбаларда бу шаҳарнинг номи Бик (بيك) [al-Moqaddasi: 49, 290], Русто Бик (رستا بيك) [Hudud al-'Alam: 119], Русто Бик (روستا بيك) [al-Jakubi: 290] ва Рустоқ Банк (رستاق بنك) шаклларида ҳам келтирилган [Ibn al-Fakih: 322; al-Istakhri: 276, 297, 339]. IX

асрда бу шаҳар ал-Ҳорис ибн Асад ибн Бик (Бек) исми туркий ҳукмдорга қарашли бўлган. Унда «бек» номи билан машҳур зотли отлар етиштирилган. Ривоятга кўра, бу отлар Нозкўл (نازكول) номли кўлдан чиққан илоҳий отдан кўпайтирилган [al-Jakubi: 290]. XVII асрда Тўхористонда Рустоқ (رستاق) номли шаҳар ва вилоят бўлган [Махмуд ибн Вали: 47]. Бу шаҳар ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Афғонистон ҳудудида жойлашган. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 183 – 184.

6. Жарминқон (جرمنقان) – унинг номи Жарминкон (جرمنكان) [al-Istakhri: 339], Чармангон (چرمنگان) [Hudud al-'Alam: 114], Сарманкон (صرمنكان) [al-Jakubi: 289] ва Сарманжон (صرمنجان) шаклларида ҳам қайд этилган. Бу шаҳар ат-Тирмиздан 6 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 33]. Жарминкон номи Сарманжон номининг маҳаллий тилдаги шакли бўлган [ас-Самъоний VIII: 57; Jacut III: 383]. Унинг харобалари ҳозирги Жарқўрғондан 4 – 5 км жануби-ғарбдаги Минор қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Култепа деб аталади [Бартольд 1963: 123]. Бу ерда 512/1118-19 йилда султон Санжар даврида қурилган баланд минора сақланиб қолган. XX аср бошларида унинг ёнида эски масжид, четлари пишиқ гишт билан қопланган ҳовуз ва бошқа иншоотларнинг харобалари мавжуд эди [Шишкин 1950: 58 – 68; Хакимов 1983: 159 – 160].

7. Сарманжи (صرمنجي) – бу маълумотдан аён бўладики, ат-Тирмиз вилоятида бир йўлда кетма-кет жойлашган Жарминқон/Жарминкон ва Сарманжи шаҳарлари мавжуд бўлган. Лекин юқорида Сарманжи ат-Тирмиз вилоятидаги иккита шаҳарлардан бири сифатида қайд этилган [Ibn Nauka: 476]. Демак, бу ном юқорида зикр этилган Жарминқон/Жарминкон ёки Сарманкон/Сарманжон шаҳри номларининг бир кўриниши бўлиши мумкин. Бошқа манбаларда унинг бундай шакли учрамайди. Лекин ас-Самъонийга кўра, бу шаҳардан чиққан одамлар ас-Сарманжиний (الصرمنجيني) *нисбаси* билан машҳур бўлганлар [ас-Самъоний VIII: 57]. Ҳозирги ат-Тирмиздан Минор қишлоғигача бўлган амалдаги масофа 50 км ни таш-кил этади. Бу эса манбаларда кўрсатилган 1 *мархала* ёки 6 *фарсахдан* кўпроқдир. Эҳтимол, карвонлар Чармангон (Жарминқон /Жарминкон/Сарманкон/Сарманжон) шаҳрига етгунча йўлда яна бир ерда, яъни унга қарашли ерларнинг чегарасида тўхтаб ўтганлар. Бу шаҳарнинг ўз *ноҳийаси* бўлганлиги ҳақида ас-Самъоний айтиб ўтган эди [ас-Самъоний VIII: 57].

8. Абу-л-Ҳасан ибн Ҳасан Моҳ (ابو الحسن ابن حسن ماه) — Дор Занжи қишлоғида, шунингдек Жайхун дарёси бўйидаги Мила номли ерда ҳам бу одамга қарашли рабоблар бўлган [Ibn Naukal: 454, 518].

9. Работ Ҳасан (رباط حسن) — яъни Ҳасан работи. Эҳтимол, бу работ юқорида зикр этилган шахснинг отаси ёки ўғлининг исми билан аталган.

10. Дор Занжий (دار زنجي) — [al-Istakhri: 339; al-Moqaddasi: 268, 344], унинг номи Дорзанж (دارزنج) [ас-Самъоний V: 244; Jacut II: 520], Дорзанко (دارزنكا) [al-Jakubi: 289, 293] ва Дорзанки (دارزنكي) шаклларида ҳам қайд этилган [Hudud al-'Alam: 114]. Сарминжондан 6 фарсах масофада жойлашган шаҳарча [Ibn Khordadbeh: 33], унинг аҳолиси жуда зич бўлган [Kodama: 211]. У Жайхун дарёси бўйига яқин жойлашган чиройли шаҳарча бўлиб, унинг барча аҳолиси жун ишлаб чиқарувчилар бўлган ва ундан кийимлар тайёрлаганлар. Уларнинг ичимлик суви дарёдан. Жоме масжиди бозорлар ўртасида эди. Уларда яна бир дарё бўлиб, у шаҳар чеккасида оқиб ўтган [al-Moqaddasi: 283 — 284]. Шаҳар атрофлари хандақ билан ўралган, унинг аҳолиси пайтовалар, шунингдек тўқима ва жун гиламлар ишлаб чиқарган [Hudud al-'Alam: 114]. Бу шаҳарчанинг харобалари Термиздан 62 км масофада Қумқўрғондан ғарбда Бандихонсой (Қўжар) нинг Сурхондарёга қуйилиш еридаги Жалоир қишлоғи ёнида жойлашган [Бартольд 1963: 124]. Унинг харобалари 50 га майдонни эгаллаган бўлиб, унда ҳаёт илк ўрта асрлардан муғуллар даврига қадар давом этган [Аршавская, Ртвеладзе, Ҳақимов 1982: 40]. Археологик топилмаларнинг далолат беришича, бу шаҳарча аҳолисининг асосий машғулоти жундан матолар тўқиш бўлиб, бу ерларда бу ҳунар кушанлар давридан анъанавий бўлиб келган [Ртвеладзе, Исхаков 1979: 86]. Тахмин қилинишича, бу ерда Маҳмуд Кошғарий асарида қайд этилган *čajdam* деб аталувчи нафис кигиз матоси ишлаб чиқарилган [Маҳкамова 1983: 28]. Сотув учун ишлаб чиқарилган бу маҳсулот ёпиниш ва ёмғирдан сақланиш учун ишлатилган [Кошғарий III: 191; ДТС: 136].

11. Карвонлар бу масофани 2 марҳала йўл юриб ўтган бўлса, демак орада яна бир тўхтов жойи бўлиши керак эди [al-Istakhri: 339]. Бу йўлдан юрган карвонлар орада Баранжи (برنجي) ёки Баранги (برنكي) номли ерда тўхтаб ўтганлар [Ibn Khordadbeh: 33; Kodama: 211].

12. Муҳтож оиласи (آل محتاج) — яъни Муҳтожийлар, X — XI асрларда Чағонийон вилоятида Сомонийлар ва Қорахонийлар олий ҳукмронлиги остида ҳукм сурган маҳаллий ҳукмдорлар сулоласи. Исломга қадар Чағонийонда келиб чиқиши туркий бўлган чағон-худотлар сулоласи ҳукм сурган [Julien I: 20; Watters II: 267–274]. Муҳтожийлар сулоласи асл келиб чиқиши номаълум. Лекин улар ҳам туркий бўлган деб тахмин қилишга асос бор. Бу сулоланинг охириги вакилларидан бири Музаффарнинг иккинчи исми ёки унвони Кийо ёки Кайо (كيا) бўлган. Бу сўзнинг келиб чиқишини ўрта форс *kija* — «хўжайин», «ҳоким» сўзи билан боғлиқ деб тахмин қилинган эди [Ртвеладзе 1988: 52]. Лекин X — XI аср бошларида *qja/qija* (*қийа*) унвонини Бешбалиқ уйғурлари ҳам ишлатганлар [Тугушева 1972: 245, 255]. Бизнингча, бу унвоннинг келиб чиқишини қадимги туркий *qija/qaja* — «қоя» сўзи билан боғлаш мумкин [ДТС: 406]. Кичик Осиё турклари орасида шу маънони билдирувчи Кайа исми ҳозир ҳам кенг тарқалган. Муҳтожийларнинг жуда кўп йилқилари бўлиб, фақат урғочи отларнинг сони 18 мингга етган ва ҳар бирининг биттадан тойчоғи ҳам бўлган. Чағонийон ҳукмдори шоир Фаррухий (1037–38 йилда вафот этган) га унинг саройда кўрсатган биринчи яхши хизмати учун шоҳона ясалган от, 2 та ўтов, 3 та хачир, 5 та қул, сарполар ва гиламлар тақдим этган [Низами: 34–45]. Бу маълумотлардан аён бўладики, X–XI асрларда Чағонийонда асосан чорвачилик ривожланган. Муҳтожийлар ҳам чорвадорлар ичидан етишиб чиққан ҳукмдорлар бўлган. X асрда Чағонийон ва Хутталон ўртасидаги тоғли ўлкада туркий *қумижи* ва *канжина* қабилалари яшаган [Hudud al-‘Alam: 120; al-Moqaddasi: 283]. Абу ‘Али Чағоний илм-фанни ҳурмат қилган, лекин у Сомонийларнинг янги форс тилини қўллаб-қувватлашини ёқтирмаган ва унинг жорий қилинишига қаршилик кўрсатган [Frye 1967: 73]. X асрда Ибн Фарифун унга ўзининг араб тилида ёзилган «Жавоми‘ ал-‘улум» (Илмлар тўплами) номли асарини тақдим этган. Муҳтожийлар ҳақида қаранг: Ртвеладзе 1985: 38 — 43; Ртвеладзе 1983: 177–181.

13. Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний — Сомонийлар сулоласига мансуб *амир*, ал-Амир ал-Ҳамид фахрий номи билан ҳам машҳур бўлган. 331 — 343/943 — 954 йилларда Бухорода ҳукм сурган. У ҳақида қаранг: Наршахий: 84 — 85.

14. Абу ‘Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар ибн Муҳтож Чағоний — Чағонийонда ҳукм сурган Муҳтожийлар сулоласига мансуб ҳукмдор. Сомонийлар қўшинининг лашкарбошиси, Хуросон *амири* бўлган. Унинг ўғли Абу Мансур Наср ибн Аҳмад Чағоний 340/942 йилда отаси Хуросон *амири* этиб тайинланганда, Чағонийон ҳукмдори бўлиб, 365/975-76 йилга қадар шу лавозимни эгаллаб қолган эди [Ртвеладзе 1980: 231 — 236]. Абу ‘Али Чағоний ҳақида яна қаранг: XIII, 13.

15. Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний — Сомонийлар сулоласига мансуб *амир*, ал-Амир ас-Садид ва Малик Музаффар фахрий номлари билан ҳам машҳур бўлган. 350 — 365/961 — 976 йилларда Бухорода ҳукм сурган. У ҳақида қаранг: Наршахий: 86 — 87.

16. Андийон (انديان) — [al-Istakhri: 340], IX асрда бу шаҳарча Довуд ибн Абу Довудга қарашли бўлган [al-Jakubi: 291]. X асрда у ас-Сағонийон вилояти таркибига кирган [al-Moqaddasi: 49]. Унинг номи Афридон (افرذان) шаклида ҳам келтирилган. Бу шаҳарча тоғлар орасида жойлашган бўлиб, аҳолиси кўп бўлмаган [Hudud al-‘Alam: 115]. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида ҳам Андийон номли маскан қайд этилган [Фирдоуси IX: 100, 537, 1136].

17. Илоқ (ایلاق) — [al-Istakhri: 340], ўрта асрларда аш-Шош вилоятидаги Оҳангарон дарёсининг водийси ҳам Илоқ деб аталган. Ҳозирги Файзобод ёнидан оқиб ўтиб Кофирниҳон дарёсига қуйилувчи дарё ҳозир ҳам Илоқ деб аталади. Ўрта асрлардаги Илоқ шаҳри ҳозирги Қалъа-и Дашт ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [Бартольд 1963: 121]. XIX аср харитасида Файзобод билан Обигарм ўртасида Илоқдара номи жой номи қайд этилган бўлиб, у ҳозирги Душанбе шаҳридан жанубда жойлашган [Ставиский 1977: 58]. Унинг номи қадимги туркий *ajlaq/jajlay* — «яйлов» сўзидан келиб чиққан [ДТС: 227; Словарь 1975: 11; Караев 1987: 116]. Ҳозирги топонимияда ҳам бу сўз худди шу маънода сақланиб қолган [Додыхудоев 1975: 41 — 42]. Ундан ташқари *jajlay* ёки *jajliq* сўзлари «ёзги қароргоҳ», «ёзги сарой» маъноларини ҳам билдирган [ДТС: 227].

18. Дарбанд (دربند) — [al-Istakhri: 340], бу ернинг номи форсий *дара* (دره) — «дара» ёки *дар* (در) — «дарвоза» ва *банд* (بند) — «банд» сўзларидан ясалган бўлиб, «дарани тўсиб турган тўсиқ ёки дарвоза» деган маънони билдиради [Нафасов 1988: 58]. Илк ўрта асрларда Суғд

ва Бактрия-Тўхористон чегарасида жойлашган Боб ал-Ҳадид (Темир дарвоза) мудофаа истехкомлари тизими ҳам Дарбанд деб аталган [Ртвеладзе 1986: 34 – 38]. Эҳтимол, бу ердаги Дарбанд қишлоғида ҳам ўрта асрларда худди шундай чегара иншоотлари бўлиб, ар-Рошт қалъаси билан бирга ягона мудофаа истехкомлари тизимини ташкил этгандир. Дарбанд қишлоғи ҳозирги Обигарм ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Бартольд 1963: 121]. Охириги маълумотларга кўра, унинг харобалари ҳозирги Роғун сув омборининг остида қолган бўлиб, илгари Қалъаи Имлоқ деб аталган. Археологик маълумотларга кўра, бу ерда ҳаёт VII – VIII асрлардан XIII аср бошларига қадар давом этган [Якубов 1985: 574]. XIX асрда Панж дарёси водийсидаги Рушан ва Шуғнон ўртасида баланд қоя устида ҳам шунга ўхшаш чегара истехкоми жойлашган бўлиб, «Дарбанд буржи» деб аталган [Минаев 1879: 39]. Бу ҳақида яна қаранг: XLVII, 6.

19. Ховакон (خاوكان) – унинг номи Жовакон (جاركان) шаклида ҳам келтирилган [al-Istakhri: 340]. Бу ернинг номи Форкон бўлиши ҳам мумкин [Бартольд 1963: 121]. Унинг номи шу ердаги тоғларда ўрта асрларда мавжуд бўлган конлар билан боғлиқ бўлса керак. X асрда бу ерда бир одам 80 *ратл* оғирликдаги катта олтин бўлагини топган эди. Рошт *деҳқони* уни бу одамдан сотиб олиш учун ўзининг бутун бойлигини сарфлаган эди [ал-Бируни: 223]. XIX асрда ҳам Қоратегиндаги Сарим Сали номли жойда олтин кони бўлиб, ундан баъзан катта олтин бўлаклари чиқар эди. Ундан ташқари Лангаршо тоғларида туз конлари ҳам бўлиб, у ерда туз ернинг устки қатламларидан қовлаб олинган [Минаев 1879: 52 – 53]. X асрда Роштда пул зарбхонаси мавжуд бўлиб, унда кумуш тангалар зарб этилган [Кочнев 1983: 211]. Демак, бу ерда ўрта асрларда кумуш конлари ҳам бўлган.

20. ар-Рошт қалъаси (قلعة الراشت) – бу ерда ар-Рошт (الراشت) вилоятининг ташқи чегарасида жойлашган мудофаа қалъаси назарда тутилган. VIII аср охирида ал-Фазл ибн Йаҳйё ал-Бармакий ар-Роштда турклар чегарасида катта мудофаа девори қурдириб, унда мустаҳкам дарвоза ўрнатган эди [Ibn Khordadbeh: 34; Ibn al-Fakih: 325]. Бу девор икки тоғ орасидан ар-Рошт водийсига кириладиган тор ерда қурилган эди. Бу ердаги мудофаа деворидан бошлаб 27 кунлик йўл масофада Сирдарёгача баланд тоғлар давом этган. Ўрта асрларда бу табиий тўсиқ вазифасини ўтовчи тоғларда 3 та қалъа қурилган; уларнинг



2 таси тўсиқнинг боши ва охирида, 1 таси эса унинг ўртасида [Бартольд 1973: 112]. Шу қалъаларнинг бири ар-Рошт қалъаси эди. Манбалардаги маълумотларга кўра, Вошжирддан ар-Рошт шаҳригача бўлган масофа 4 кунлик йўл [Ibn Khordadbeh: 34], ар-Рошт қалъасигача бўлган масофа эса 5 кунлик йўлни ташкил этган [al-Istakhri: 340; Ibn Haukal: 519]. Демак, ар-Рошт шаҳридан ар-Рошт қалъасигача бўлган масофа 1 кунлик йўлни ташкил этган. У ҳақида яна қаранг: I, 4.

21. Босанд (باسند) — [al-Istakhri: 340; al-Moqaddasi: 25, 49, 268, 284, 344; Jacut I: 467], унинг номи Мосанд (ماسند) шаклида ҳам қайд этилган [al-Jakubi: 289]. Самарқанд йўлида жойлашган мустақкам шаҳар, унинг аҳолиси зич бўлиб, урушга мойил бўлган [Hudud al-'Alam: 114]. Бу шаҳар ҳозирги Бойсун шаҳри ўрнида жойлашган. Бу шаҳар ас-Сағонийондан Боб ал-Ҳадидга олиб борувчи йўлда жойлашган эди. Археологик маълумотларга кўра, бу ерда ҳаёт илк ўрта асрлардан мўғуллар босқинига қадар давом этган. Маълум вақтдан кейин шаҳар шу ернинг ўзида қайта тикланган [Аршавская, Ртвеладзе, Хакимов 1982: 41]. Хитой манбаларига кўра, Тухоло (Тўхористон) вилоятининг шимолида Поли номли бир тоғ бўлиб, унинг жанубий тарафидаги бир ғорда «муқаддас от» яшаган. Маҳаллий аҳоли отларини шу ғорга яқин ерларда ўтлатиб, улардан тоза зотли тулпорлар туғилар эди [Бичурин II: 321]. Бойсун номи қадимги туркий бай ва син сўзларидан ясалган бўлиб, «буюк тоғ» маъносини билдиради [Нафасов 1989: 32]. XIX асрда Бойсун кенг тоғли ўлканинг маркази бўлиб, бу ерда энг бадавлат кўчманчи ўзбеклар истиқомат қилар эдилар [Маев 1879: 168]. Демак, бу ерларда йилқи боқиш илк ўрта асрлардан бошлаб маҳаллий аҳолининг анъанавий машғулотини бўлиб келган.

22. Зинвар (زينور) — [al-Istakhri: 340], ал-Муқаддасийга кўра, бу қишлоқ ас-Сағонийон бош шаҳридан 3 барид масофада жойлашган [al-Moqaddasi: 49, 268, 344]. Ўрта асрлардаги 1 барид 4 фарсахга, яъни тахминан 20 — 25 км га тенг бўлган [Хинц 1970: 63]. «Худуд ал-олам» га кўра, унинг аҳолиси сийрак, лекин атрофларида экинзорлар кўп эди [Hudud al-'Alam: 114]. Зинвар номи қад. эроний зин — «тош» ва вар — «қалъа» сўзларидан иборат бўлиши мумкин [Нафасов 1988: 83]. Бу шаҳарча ҳозирги Деновдан 3 км шимоли-шарқдаги Оққўрғон харобалари ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [Аршавская, Ртвеладзе, Хакимов 1982: 41].



23. Буроб (بوراب) — [al-Istakhri: 340, 341], ал-Муқаддасийга кўра, бу қишлоқ ас-Сағонийон бош шаҳридан 2 *барид* масофада жойлашган [al-Moqaddasi: 268, 344]. Буроб номи «Шоҳнома» да ҳам қайд этилган [Фирдоуси VI: 19]. «Худуд ал-олам» да унинг номи Наузон (نوژان) шаклида қайд этилган бўлиб, X асрда унда мустаҳкам қалъа бўлган [Hudud al-‘Alam: 114]. IX асрда ас-Сағонийондан 3 ёки 6 *фарсах* масофада Бундо (بوندا) номли қишлоқ қайд этилган [Ibn Khordadbeh: 34; Kodama: 211]. Бизнингча, бу учала ер, яъни بوراب نوژان ва بوندا номларининг тўғри ўқилиши Наванд (نوند) ёки Навандак (نوندك) бўлиши керак, чунки бу шаҳарнинг номи XV асрда Навандак (نوندك) шаклида қайд этилган [Бабур-наме: 97, 308]. XV асрнинг охирида бу ерда Темурийларнинг мис тангалар зарбхонаси бўлиб, уларнинг чиқарилган ери Наванд (نوند) деб кўрсатилган [Ртвеладзе 1978: 114 — 119]. Бу шаҳарчанинг номи *наванд* (نوند) — «чопар» сўзи билан боғлиқ бўлган. XII асрда Балх шаҳридаги маҳаллалардан бири [Ахмедов 1982: 18] ва Самарқанд дарвозаларидан бири ҳам Наванд (نوند) деб аталган [al-Sam‘ani: 568V]. Бу шаҳарчанинг харобалари ҳозирги Узун шаҳридан 3 км шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, Кофирқалъа ёки Новандактепа деб аталади. Унда ҳаёт илк ўрта асрлардан XVIII асрга қадар давом этган [Ртвеладзе 1978: 117]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 124; Камалиддинов 1996: 138 — 139.

24. Рикар (ريكار) — М. де Гуйе танқидий матнида ва бошқа манбаларда унинг номи Рикдашт (ريكدشت) шаклида келтирилган [Ibn Naukal 1873: 402; al-Istakhri: 340, 341; al-Moqaddasi: 49, 268]. «Худуд ал-олам» да Ниҳом дарёси бўйида жойлашган Дикар (ديكار) номли шаҳарча қайд этилган [Hudud al-‘Alam: 114]. Бу шаҳарча Регар ва Даштиноват дарёлари ўртасида жойлашган бўлиб, ҳозир ҳам Регар деб аталади. Ниҳом дарёси ҳозир Кофирниҳон деб аталади. Бу дарёнинг номи *кофир* ва *ниҳон* сўзларидан ясалган бўлиб, «кофир махлуқ» деган маънони англатади [Костенко 1880: 207]. X асрда Регар шаҳарчаси Регар ва Дашт-и Новат дарёлари орасида жойлашгани сабабли Регар-и Дашт деб ҳам аталган. Регар номи форсча *рег* (ريك) — «қум» сўзидан ясалган. Регар яқинида Хўжа Нахшрон номли тарихий меъморий ёдгорликлар мажмуаси жойлашган бўлиб, унинг энг кўҳна қисмлари XI — XII асрларга мансубдир [Давидович, Мухтаров 1969: 21]. У ҳақида яна қаранг: Камалиддинов 1996: 140 — 141.

## XLIX [Х<sup>В</sup>ОРАЗМДАГИ МАСОФАЛАР]

1. Кот (کات) — юқоридаги маълумотга кўра, Кот шаҳри Кот Дархош (کات درخاش) номи билан машҳур бўлган [Ibn Naukal: 478]. Лекин Дархош (درخاش) алоҳида шаҳар бўлиб, пойтахтдан 2 марҳала ва Кардардан 1 марҳала масофада жойлашган [Ibn Naukal: 521].

